



Теодор
Драйзер

Америка фожиаси

Иккинчи қисм



ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2016

УЎК: 821.111-3

КБК: 84(7)

Д – 76

Драйзер, Теодор

Америка фожиаси: роман. Иккинчи қисм. Теодор Драйзер / Русчадан Ўктам Усмонов таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 688 б.

ISBN 978-9943-27-715-1

Азиз китобхон! Биринчи китоб орқали сиз асарнинг асосий қаҳрамонлари билан танишдингиз. Табиийки, иккинчи китоб воқеаларга, ҳаяжонли фурсатларга яна-да бой. Бойлик кетидан қувган, шундай ҳаётни умри давомида орзу қилган, аммо бундай тўқис ҳаётга меҳнат ва машаққатсиз эришишни орзу қилган қаҳрамоннинг бу хом хаёли уни мудҳиш жиноятга етаклайди. Ўқувчи ўз қаҳрамонининг руҳий ҳолати билан танишаркан, бундай тақдирга аслида унинг ўзи эмас, уни тарбиялаган оилавий муҳит, уни тарбиялаган жамият сабабчи эканлигини тушунади.

Клайд Гриффитснинг электр курсида ўлдирилиши унинг тақдири билан қанчалик боғлиқлиги, севги-муҳаббат ришта-сининг бундай шафқатсиз ҳаёт таъсирида ҳеч қандай аҳамият касб этмаслиги, инсоний туйғулар ўрнини эгаллаган қабоҳат ўқувчи қалбини ларзага солади.

УЎК: 821.111-3

КБК: 84(7)

Русчадан
ЎКТАМ УСМОНОВ
таржимаси

ISBN 978-9943-27-715-1

© Теодор Драйзер, «Америка фожиаси». Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976 йил.

© Теодор Драйзер, «Америка фожиаси». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

ИККИНЧИ КИТОБ

XXXIX БОБ

Укки кишининг интилиши бир-бирига зид келиб қолса ва бунинг устига бу қийин аҳволдан қутулишга уларнинг иккалови ҳам ношудлик қилсалар, унда қандайдир фавқулод қутқармаса, ишкал баттар мушкуллашиб, фожиага айланиши турган гап. Аммо бундай фавқулод юз бермади. Клайд хавф солиб келаётган бахтсизликни унутишга қанчалик уринса ҳам, Робертанинг фабрикадалиги бунга сира йўл қўймасди. Агар, уни ҳадеб кўз ўнгида хира бўлавермай, қаёққадир кетишга, бошқа бирор жойдан иш топишга кўндиролганда эди-я, унда Клайд бамайлихотир кейинги режаларини пишираверарди. Бироқ ҳозир Роберта индамаган тақдирда ҳам, шундоқ юриш-туришининг ўзи Клайдга: хўш, нима чора топмоқчисан, деб савол бераётгандек бўлар, шу сабабли Клайднинг боши ғовлаб қолган эди. Робертага нисбатан ҳозирги совуқ муносабати бечоранинг қисматига у жавобгар эканлигини ҳам унуттириб юбора бошлади. У Сондрани ниҳоятда севиб қолган, шу боисдан гангиб, нима қиларини билмасди.

Зиммасида турган муаммо қанчалик мушкул бўлишига қарамай, Клайд ҳамон Сондра ҳақида ширин хаёл сурар, Роберта билан боғлиқ оғир ташвишлари эса назарида ана шу ширин хаёлларини тўсиб турган соя, булутга ўхшаб туюларди баъзан. У Роберта билан ҳали орани бутунлай узмаган, шу сабабли ундан қутулган пайтларида, кечалари тез-

тез кибор таниш-билишлари орасида бўлишга интиларди. Омади юришганини қарангки, уни гоҳ Гарриэт ёки Тэйлорникига зиёфатга чақиришса, гоҳ Финчли ёки Крэнстонларникига базм кечасига таклиф этишар, Клайд ана шундай пайтларда Сондрага ҳамроҳ бўлиб юрар ёки ақалли у билан учрашиш иштиёқида ич-ичидан қувонганча йўлга тушар эди. Сондра ҳам Клайдга қизиқиб қолганини энди илгаригидек ҳийлакорлик ва муғомбирлик қилиб яшириб ўтирмас, кўпинча одамлар орасида Клайдга очиқчасига парвона бўлаверар эди. Лекин бундай учрашувлар Сондранинг одатдаги тенгдошлари орасида, ёшлар йиғинида бўлгани учун, ўз-ўзидан маълумки, катталар бунга унчалик аҳамият беришмасди.

Тўғри, таниш-билиш орттириш масаласида ниҳоятда димоғдор ва фаросатли аёл бўлган миссис Финчлига қизи ва ўртоқларининг Клайдга бунчалик илтифот қилишлари аввалига унчаям ёқинқирамади. Аммо Клайдни бошқа хонадонларда, Сондранинг деярли ҳамма таниш-билишлариникида ҳам борган сари бажонидил қабул қилаётганларини кўргач, миссис Финчли охири Клайд тўғрисида бошқача ўйлай бошлади, ҳарқалай, Клайднинг киборлар даврасида тутган ўрни унга айтганларидан кўра тузукроқ бўлса керак, деган қарорга келди. У ўғли ва ҳатто Сондрадан Клайдни сўраб-суриштирмоқчи ҳам бўлди.

Бироқ Сондра, башарти у Гил ва Белла Грифитсларнинг амакиваччаси экан, ёқимтойлиги туфайли ҳатто чўнтаги қуруқ бўлган тақдирда ҳам уни ҳамма жойда қабул қилишаётган экан, хўш, нима учун биз ҳам Стюарт билан уни меҳмонга чақиролмаймиз, деди-ю, гапни чалғитиб қўя қолди. Миссис Финчлининг шу билан кўнгли жойига тушгандай бўлди, аммо қизига: Клайд иккаланг зинҳор

апоқ-чапоқ бўлиб кетманглар тагин, деб насиҳат қилди, Сондра бир томондан онасининг ҳақлигини тушунарди-ю, аммо Клайдга ниҳоятда ўрганиб қолганлиги учун онасини ҳам алдашга жазм этди – ахир, у Клайд билан ҳар қандай шароитда ҳам ўзи хоҳлаганча бемалол пинҳона ўйнаб-кулиб юравериши мумкин-ку. Аслида ҳам шундай эди, уларнинг учрашувларидан воқиф бўлган ҳар бир киши Сондра билан Клайд ўртасидаги яқинлик тобора кучайиб бораётганини фаҳмлар, мабодо Сондранинг ота-онаси бундан хабар топганларида, шубҳа-сиз, хавотирга тушиб қолган бўлур эдилар. Клайднинг бутун хаёли у билан бандлиги у ёқда турсин, ҳатто Сондранинг ўзи ҳам энди сирли, охири вой муҳаббатнинг энг ҳалокатли ҳангомаларига бориб тақалувчи фикр ва кайфиятлар оғушида юрарди. Чиндан ҳам улар ёт кўзлардан холимиз деб ўйлаган пайтларида қўл сиқиб кўришишар, ўпишишар ва бир-бирларига интиқ бўлиб тикилиб қолишарди, бундан ташқари, хаёлларига келажак тўғрисида алланечук хира, аммо ўжар орзу-тилаклар тўхтовсиз ёпирилиб келаверар, гўё бу орзу-тилаклар уларни бир-бирлари билан қовуштириши лозимдай эди, лекин буни Клайд ҳам, Сондра ҳам аниқ тасаввур қилолмас эдилар.

Ёз кунлари келди дегунча – бунга ҳам бир оз вақт қолди – иккалови Ўн иккинчи қўлда байдаркада сузиб сайр қилишади... Соҳилдаги дарахтларнинг узун кўланкалари кумушранг сув бетига тушган, ойнадек силлиқ сув сатҳини шабада мавжлантираётган бўлади, Клайд эринибгина эшкак эшади, Сондра бўлса қайиқнинг қуйруқ томонида ёнбошлаб олганча келажакдаги ҳаётларига шама қилиб уни ўртайди. Крэнстон ва Фэнтларнинг чорбоғидан жануби-ғарбий томонга қараб кетган, Финчиллар ерининг шундоққина ёнгинасидан ўтган

ўрмон сўқмоғи майин ўт-алафлар билан қопланиб, ола-тароқ қуёш нурлари тушиб туради, худди шу сўқмоқдан улар июнь ва июль ойларида от миниб ўтиб, гўзал Илҳом бурунига (чамаси ғарбга қараб етти миль юрилиши керак) йўл олишади... Сондра лўлилар либосига ўралиб, Шейрондаги хайр-эҳсон бозоридаги аллақайси бир дўконни бошқаради ёки башанг суворий кийимида чиқиб, чавандозлик санъатини намоиш этади – чинакам романтика бўлади ўшанда... Сайр-томошалар, кундузги ва ой шуъласидаги танцалар пайтида Сондра Клайднинг кўксига бош қўйиб, хуморланиб роҳат қилади, Клайднинг кўзларига тўйиб-тўйиб тикилади.

Харж-харажатлар хусусида эса бош қотириб ҳам ўтирмайди. Эҳтимол, ота-онаси койиши ҳам мумкин, лекин ҳечқиси йўқ. Фақат ишқ лаззати-ю, роҳат-фароғатли ёз фасли, лиммо-лим бахт ато этувчи висол онига интилиш, бутун қаршиликлардан чўчимай, охири иккаловини бир-бири билан абадий жипслаштирувчи оташин муҳаббатга етишиш...

Шу асно орадан узундан-узоқ, диққинафас ва даҳшатли икки ой ҳам ўтди, аммо Роберта Клайдни ҳалокатга йўлиқтириши мумкин бўлган йўлни тутишга ҳамон ботинолмасди. Гарчи у, Клайднинг уйланишни хаёлига ҳам келтирмай, жавобгарликдан қочиб йўлини қидираётганини тушуниб турсада, Клайд сингари, у ҳам қатъий ҳаракат қилишдан қўрқиб, оқим измида сузиб кетмоқда эди. Чунки у Клайдга никоҳдан ўтиш зарурлигини айтган ўша суҳбатдан сўнг, Клайд бир неча бор мужмал жавоб қайтарган, ҳатто амакимга айтсанг ҳам бари бир мен сенга уйланмайман, майда-чуйдаларимни йиғиштираману, бошим оққан томонга кетаман-қоламан, деб дўқ аралаш шама ҳам қилган эди.

Клайд, Ликургадаги ҳозирги мавқеимга биров халал берса, унда сенга уйланомайман, буниси ҳам ҳолва ҳали, айти сен ёрдамга муҳтож пайтингда кўмаклашолмай қолишимни айтмайсанми, демоқчи бўлар эди. Шу шамадан кейин Роберта Клайднинг табиатида ҳозиргача маълум бўлмаган анча-мунча бағритошлик борлигини ўйлаб қолди; ваҳоланки, у тузукроқ бош қотирганда, Клайднинг бу нуқсонини анча илгарироқ, ётоқхонангга киритасан, деб биринчи бор оёғини тираб олган ўша пайтдаёқ сезган бўлар эди.

Лекин Клайд Робертанинг лом-мим демай юрганини кўриб ва ҳарқалай, ким билади, сиримни очиб қўймасин тагин, деб ҳайиққанидан муносабатини бирмунча ўзгартирди: Роберта пўписа қилгунга қадар Клайд унга мутлақо эътиборсиз қараган бўлса, энди қалбакилик қилиб унга ўзини меҳрибон ва хайрихоҳ кўрсатиб, дўстона илтифот билдира бошлади. Аҳволи анчагина хавфли ва ҳалокатли бўлгани сабабли, Клайдда унга хос бўлмаган уддабуролик хислати кучая бошлади. Бунинг устига Клайд Робертани эритиб, ўзимга ром қилиб оламан, деган хом хаёлда эди: ўзини гўё унинг аҳволидан ташвишга тушиб қолгандай кўрсатавериши керак, жуда иш чаппасига кетиб иложсиз қолинган тақдирда эса, борингки, уйланишга ҳам тайёрман, дейиш қочмайди (ўзига қўйса-ю, Клайдни ўлганда ҳам ҳеч бир одам бу фикрга кўндирилмаган бўлур эди). Ана шунда Роберта унга нимадир бир чорасини топасан, деб қисталанг қилавермайди, Клайд бўлса, ёлғон-яшиқни ишлатса ҳам, вақтдан ютиб, бир амаллаб никоҳдан қутулиб қолади ва айти пайтда Ликургни ҳам ташлаб қочмайди.

Тўсатдан юз берган бу ўзгаришнинг сабабини Роберта тушунар, аммо у шу даражада ҳимоясиз ва боши қотиб қолганлигидан Клайднинг чин са-

мимиятдан маҳрум сохта меҳрибонлигига, шу йўсиндаги фикр ва маслаҳатларига ҳам жон-жон деб қулоқ соларди. Хуллас, Клайд уни яна бир оз сабр қилишга кўндирди. Шу вақт ичида у пул жамғаришидан ташқари, ҳатто фабрикадаги ишларини ҳам саранжомлаб қўяди-да, Ликургдан жуда бўлмаганда маълум вақтга чиқиб кетиб, қайсидир бир жойда никоҳдан ўтишади. Кейин у Робертани боласи билан бошқа бир шаҳарга жойлаштириб қўяди, Роберта эрли аёллардек тинчгина яшайверади, Клайднинг ўзи эса, гарчи бу ҳақда у ҳозир оғиз очмаган бўлса-да, Ликургга қайтиб келади ва Робертага топганича пул юбориб туради. Лекин шуларнинг ҳаммаси, турган гап, фақат бир шарт билан: Роберта уни эрим ва боламнинг отаси, деб зинҳор айтмаган тақдирдагина қилиниши мумкин, чунки Клайднинг ҳозирча бундан бошқа иложи йўқ. Яна Роберта ҳеч бўлмаганда, эрим ташлаб кетди, деган баҳона билан ажралишга уриниб кўриши ҳам назарда тутилди, буни жуда чўзиб ўтирмай тез орада, бу ердагилардан пинҳон тутиш учун қаердадир Ликургдан олисроқда қилса ҳам бўлади, деган қарорга келинди (Роберта эса майли, фақат менга уйланса бас, деб ўзига қайта-қайта таъкидлар эди). Аммо Клайд иш битиб, эшак лойдан ўтгандан сўнг Робертанинг шундай қилишига сира кўзи етмасди.

Албатта, Робертага бу ваъдаларни бераётганида Клайд авваламбор, ўзи самимий бўлмагани учун Робертанинг самимийлиги ёки носамимийлиги билан ҳам унчалик иши йўқ эди. Агар ўз хоҳишига қўйса-ю, Робертани мусибатдан қутқариш учун ҳатто сал вақтга бўлса ҳам Ликургдан кетишга у мутлақо кўнмасди. Бу – Сондра билан ажралиш деган сўз, бу айрилиқ унинг режаларини бутунлай бузиб юбориши мумкин-ку, ахир. Шунинг учун ҳам, у ҳамон лоқайдлик қилар, айрим пайтларда

эса тентак бир қизни тузоққа илантирган сохта руҳоний ва сохта гувоҳлар ҳақида ҳикоя қилувчи аллақандай фожиали фильмни эслаб кетар, ўша фильмдагига ўхшаш қалбаки, ёлғондакам тўй ўтказсаммикин, деб хом хаёл сурарди; аммо-лекин Роберта унақа бўшанг қизлардан эмас эди, бунинг устига ёлғондакам тўй ўтказиш учун ҳам қанча вақт, қанча пул, журъат ва эпчиллик керак, ахир, шу боисдан Клайд бир оз ўйланиб турди-ю, бу иш кўлидан келмаслигига кўзи етди.

Яқин орада муқаррар рўй берадиган ҳалокатга томон юзма-юз кетаётгани, бу ҳалокатдан қандайдир оёқ остидан чиққан фавқулодгина қутқариб қолмаса, бошқа илож йўқлигини у яхши тушунар эди. Мабодо Робертани турли найранглар билан ҳам алдаб бўлмайдиган ўша машғум соат келиб, Роберта уни фош этадиган бўлса, ҳамма нарсдан тониб қўя қоламан, деб ният қиларди баъзан Клайд: бу қиз билан зиғирча ҳам алоқам йўқ, уни фақат бўлимимдаги бир ишчи сифатида танийман, холос! Менга нисбатан фирт товламачилик қилишяпти, дейди-қўяди ўшанда.

Роберта май ойининг бошларига келганда ўзини ёмон ҳис қила бошлагани ва аҳволини атрофдагилар сезиб қолишидан хавфсирагани учун қатъий туриб Клайдга ўз ҳукмини ўтказа бошлади, агар тишини-тишига қўйиб чидаганда ҳам фабрикада биринчи июндан нари қололмаслиги: ундан ўтса қизлар иккиқатлигини сезиб қолиши, Роберта эса бунга ўлганда ҳам чидай олмаслигини айта бошлади. Худди аксига олгандай, шу пайтда Сондра Клайдга ўзи, онаси ва бир неча хизматкорлари билан ҳақиқий мавсум бошлангунга қадар тузукроқ ўрнашиб олиш мақсадида бешинчи июндан кечикмаёқ ўн иккинчи кўлдаги янги чорбоғларига кетаётганларини хабарлаб қолди. Кейин ўн сакки-

зинчилардан қолмай у ерга Крэнстон, Гарриэт ва яна бошқа аллакимлар кўчиб ўтишгач (балки Белла ва Майралар ҳам меҳмонга бориб қолишлари мумкин), Клайд шанба ва душанба кунларига Крэнстонлардан таклифнома кутаверса ҳам бўлади – бунинг Сондра Бертина орқали бошлаб ўрнига қўяди. Кейин сўзсиз, (шароит ўз-ўзидан шунга олиб келади) Гарриэт, Фэнтлардан, Ўн иккинчи кўлда истиқомат қилувчи бошқа хонадонлардан, ҳа айтгандай, Ўрмонзорда турувчи Грифитслардан ҳам таклифномалар келиши мумкин, Грифитсларникига у Белла туфайли шундоқ бемалол бораверса ҳам бўлади. Июль ойидаги икки ҳафталик таътил пайтида эса Клайд Қарағайзор бурунидаги «Казино»да туриши мумкин; агар Сондранинг маслаҳатига кўнишса, Крэнстонлар ёки Гарриэтлар уни ҳатто ўзлариникига таклиф қилиб қолишлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Ҳарқалай, Клайд, унчалик серхарж бўлмасдан туриб ҳам кўллар бўйидаги чорбоғларда яшаш лаззатини бир тотиб кўриши мумкинлигини тушунди, ахир у маҳаллий газеталарда чорбоғлар тўғрисида шу қадар кўп хабар ўқиган эдики (бунинг учун ҳозирданоқ нафси сал тийиб бориш керак), яна тез-тез Сондра билан ҳали у чорбоғда, ҳали бу чорбоғда учрашиб туришини айтмайсизми, тагин шуниси яхшики, бошқа чорбоғларнинг хўжайинлари Клайдга Сондранинг ота-онасига ўхшаб ёмон кўз билан қарашмайди.

Сондра энди Клайдга биринчи бора унинг узлуксиз ва очиқчасига хушомадлар қилаётгани онаси билан отасига ёқмаётгани ва улар Европа бўйлаб узоқ саёҳатга жўнаш ҳақида гапиришиб қолишганини айтди: эҳтимол, онаси Сондра билан Стюартни ҳам бирга олиб кетар, чет элда эса улар камида икки йил яшашлари мумкин. Бу янгиликдан ҳам афт-ангори, ҳам кайфияти бузилган Клайдга қараб

туриб Сондра ҳам хафа бўлиб кетди ва ўша заҳотиёқ бу гапни зинҳор кўнглига олмаслиги кераклигини қўшимча қилиб қўйди. Ҳали ҳаммаси жойида бўлади, Сондранинг бунга ишончи комил. Унгача орада анча вақт бор, агар онаси Клайдга эҳтирос билан берилиб кетганидан тегишли хулоса чиқармаса, унда у қувлик йўлига ўтади, бари бир онасига фикрини ўтказади, Клайдга бўлган муносабатини ўзгартириб юборади... Ўшанда ҳам айтгани чиқмаса – онасини алдаса-алдайдики, аммо ўз билганича иш тутади, зарур чораларни кўриб қўяди. Сондра қандай чора кўражагини ҳозирча айтгиси келмаса ҳам, Клайд бари бир ширин хаёллар оғушида сузарди, гўё у Сондра билан қочиб кетиб, пинҳона никоҳдан ўтгану, кейин Сондранинг ота-онаси уни ҳар қанча ёқтирмаганлари билан орадаги никоҳни бузиш қўлларидан келмаётгандай эди. Дарҳақиқат, гарчи ҳали жуда ноаниқ, ожизгина бўлса-да, Сондра кўнглида ҳам худди шу фикрлар кезиб юрарди. Гап шундаки, деб уқтирарди у Клайдга, ойим мени киборлардан бўлган бир йигитга бермоқчилиги кўриниб турибди, у йигит ўтган йили ҳам менга хушомад қилиб юрган эди. Лекин энди, сени севиб қолганимдан кейин мени кўндириш ўлимдан ҳам қийин! – деди Сондра шўхлик қилиб.

– Ҳамма бало ҳали балогатга етмаганимда, – деб дадиллик билан ва бепарда тушунтира кетди Сондра. – Шу важдан мен уларга қарамман. Лекин октябрда ўн саккизга тўламан, ана шунда – билиб қўйинг, минг дод-вой дейишгани билан қўлларидан ҳеч нарса келмайди. Ана ўшанда хоҳлаган кишимга эрга тегаман. Мабодо, бу ерда, Ликургда қилолмасам буни, хўш, нима бўпти, бунақа ишнинг йўл-йўриғи кўп.

Бу фикр Клайдга алланечук тотли ва йўлдан оздирувчи афюндек таъсир қилди. Ичини ловулла-

тиб, ақлидан оздириб қўяёзди. Қани энди... қани энди орада Роберта бўлмагандами! Даҳшатли ва деярли чорасиз муаммо бу. Агар Роберта билан ҳозир Сондра енгиб ўтишни ният қилаётган ота-оналарининг қаршилигини айтмаганда, Клайдни жаннат ҳузур-ҳаловати кутаётган эмасмиди, ахир?! Сондра дейсизми, Ўн иккинчи қўл, киборлар давраси, бойлик-ҳашамат, севги ва тароват дейсизми. Шуларни ўйлаётиб Клайднинг нақ боши айланиб кетди. Агар Сондра иккаласи турмуш қуриб олишса, ота-оналарининг қўлидан нима ҳам келарди, хўш? Тақдирга тан бериб, уларни Ликургдаги ҳашаматли уйларининг кўркам хоналарига чақириб олишади ёки қандайдир бошқача йўл билан таъминлаб туришади. Клайд эса бориб-бориб Финчлиларнинг «Электр чангюткичлари компанияси»да албатта қандайдир катта бир жойга эга чиқади. Ана шунда у ҳатто Гилберт Грифитс билан, аввалига Ликургда уни майна қилганларнинг ҳаммаси билан бир қаторда туради (борди-ю, улардан ўтиб кетмаса агар!): Финчлиларнинг бутун мол-дунёсига Стюарт иккалови тенг шерик меросхўр бўлишади! Ҳозир эса бу барча ҳашаматларнинг марказида, ҳаммасидан ҳам юксакликда худди «Минг бир кеча»да тасвирланган кишини лол қолдирувчи афсонавий бебаҳо дурга ўхшаб Сондра турибди.

Шунинг учун ҳам Клайд октябрғача бирон бир ноўрин қадам босиб қўйишдан ўзини сақлаши лозим. Айниқса, шу кунларда оёғини тираганча менга уйланасан, деб туриб олган Роберта масаласида эҳтиёт бўлиши керак. Қандай бўлмасин ундан қутулишим зарур, деб ўйлади Клайд. Лекин шунга қарамай, у умрида ҳали ҳеч қачон бунақанги оғир бахтсизлик ёқасига келиб қолмаганини дард ва алам билан эслади. Эҳтимол, бошига тушган мусибатдан қутулишида Робертага ёрдам бериш

– Клайднинг бирдан-бир бурчи ҳисобланар (одамларнинг фикри ҳам шу, ҳойнаҳой, агар билганда онаси ҳам шуни истаган бўларди). Аммо Эстага ҳеч ким ёрдам бермаган эди-ку?! Ё хуштори келганмиди? Қаёқда, ҳатто виждони ҳам қилт этмай, Эстани ташлаганча дом-дараксиз йўқолган эди, Эста ҳам бундан ўлиб қолгани йўқ-ку. Роберта ҳам ҳозир худди бир пайтлардаги опасининг аҳволида, хўш, шу билан осмон узилиб ерга тушибдими. Демак, шундай экан, нега энди Роберта уни ҳалок қилмоқчи? Нега у Клайдни ижтимоий, эстетик ва ҳиссий маънода ўз-ўзини ўлдириш билан тенг бўлган хатти-ҳаракатлар қилишга мажбур этипти? Қайтага Клайдни Роберта ҳозир мана шу ташвишлардан халос этганда-ю, у охири бориб Робертага кўпроқ ёрдам бера олар эди... шубҳасиз, Сондранинг пуллари билан, албатта. Йўқ, Клайд Робертанинг бунчалик тошмехрлик қилишига йўл қўёлмайди, унда нақ умри поймол бўлади.

XL БОБ

Шу орада юз берган иккита арзимаган воқеадан кейин Роберта билан Клайднинг оралари баттар бузилиб кетди.

Нимадир бўлди-ю, Роберта бир кун кечқурун Клайдни Сентрал авенюда кўриб қолди: у почта биноси олдидаги йўлка четида Арабелла Старк деган қиз билан гаплашиб турарди, Арабелла эса каттакон, ваҳимали автомобилда ўтирганча отасини кутаётган эди. Мавсумга мослаштириб, ўз тенгиларига ўхшаб танноз дидига яраша сўнгги модада кийиниб олган мисс Старк фақат Клайдгагина эмас, ўтган-кетганларга ҳам ўзини кўз-кўз қилиш мақсадида нозу карашма билан рудда ўтирарди. Роберта ўзи бу пайтда Клайднинг тепса-тебран-

маслигидан сабр косаси тўлиб, уни қандай қилиб ўзига кўмаклашишга мажбур этолмай юрган вақти эди, шу сабабли мисс Старк унинг кўзига беғамлик, дабдаба ва енгилтаклик тимсоли бўлиб кўришиб кетди. Клайднинг эс-ҳушини ҳам аслида худди шу нарсалар маҳдиё этиб, уни ҳардамхаёл қилиб қўйган, шу боисдан у Робертанинг аянчли аҳволини кўра-била туриб, пинагини ҳам бузмасди. Агар ҳақиқатига кўчиладиган бўлса-ю, Робертада ҳуқуқ кўп, аммо гапнинг бошқа томони ҳам бор-да, боринги, у Клайдни ўз айтганларига юргизиб, дабдабали ҳаётдан воз кечтирди ҳам дейлик, хўш, кейин эвазига унга нима ҳам бера олади у? Ҳеч нарса... Бу фикрдан Робертанинг кўнгли чўкди.

Шу дақиқада Роберта, узоққа бормамай, ўзининг гариб ва жирканч қисмати мана шу мисс Старк қисматига солиштириб кўрганида вужудини шу қадар алам-ҳасрат ва душманлик ҳисси қамраб олдики, илгарилари бундай ҳолатни сира бошидан кечирмаган эди. Ахир, шу ҳам ҳаётми, бу бир янглишмовчилик, адолатсизлик-ку! Клайд билан иккалови охириги марта келишиб олганларидан кейин ҳам орадан неча ҳафталар ўтиб кетди, Клайд шу вақт ичида фабрикада Роберта билан деярли гаплашмади, ҳар галги саволларига жавоб беришдан қочиб, ҳатто уйига ҳам келмай қўйди. Энди Роберта ўзига Клайд фақат бепарвогина эмас, балки нафрат билан қараётганини ҳам ҳис эта бошлади.

Аммо шунга қарамай, Роберта мана шу арзимас, бироқ кўп нарсаларни ойдинлаштириб берувчи воқеанинг гувоҳи бўлгани ҳолда уйига қайтаётганида вужудини ғазабдан кўра кўпроқ қайғу-ҳасрат ҳислари қамраб олган эди, чунки унинг ишққа йўғрилган, осойишта умри тугаган эди, ҳарқалай, энди у ҳеч қачон... ҳеч қачон... ҳеч қачон қайтиб келмайдиганга ўхшарди. Бундан ҳам ортиқ даҳшат борми ўзи... ўлим-ку бу!

Аксига олгандай, деярли шу вақтнинг ўзида Клайд ҳам бошқа бир қизиқ воқеанинг шоҳиди бўлдики, худди ёвуз тақдир мазах қилаётгандай, у ҳам Робертага алоқадор эди. Сондранинг таклифига биноан бир гуруҳ ёшлар дам олиш кунини баҳор ҳавосида ўтказиш мақсадида кейинги шанбада автомобилга тушиб, Камон кўлидаги (Ликургининг шимолида) Трамбаллар чорбоғига қараб йўлга чиқишди. Бильцгача тўппа-тўғри бораверилар эди-ю, аммо бир жойда айланма йўлдан юришди-да, салдан кейин Олденлар фермасига етиб келишгач, Роберта туғилиб-ўсган уй олдида икки тарафга қараб кетган айри йўлга дуч келиб қолишди. Шу пайт машина рулида ўтирган Треиси Трамбал автомобилдагилардан кимдир фермага бориб, Бильцга қайси йўл олиб боришини сўраб келишни таклиф этди. Четда ўтирган Клайд лип этиб машинадан тушди. Клайд чорраҳадаги почта қутисига қаради-ю, унинг шундоқ тепаликда қўнқайган кўҳна ярим хароба уйга тегишли эканини дарров пайқади ва почта қутисига ёзилган Тайтус Олден деган исмни ўқий туриб ҳайратидан ёқасини ушлади, чунки Тайтус Олден Робертанинг отаси эди. Клайд Робертанинг, ота-оналарим Бильц яқинида яшашади, деган сўзларини эслади, демак, Робертанинг уйи шу экан-да. Клайд уйга киришини ҳам, кирмаслигини ҳам билмай бир зум эсанкираб қолди: қачонлардир у Робертага кичкинагина бир расмини берган эди, Роберта бу ердагиларга ўша расми кўрсатган бўлиши ҳам эҳтимол. Устигустак мана шу ташландиқ, хароб кулба Робертага, демак, айни пайтда унинг ўзига ҳам тегишли эканлигини эслаши биланоқ Клайднинг ҳафсаласи пир бўлиб кетди ва шарт орқасига бурилиб, жуфтакни рослашни ҳам мўлжаллаб кўрди.

Аммо автомобилда Клайд билан ёнма-ён ўтирган Сондра унинг иккиланиб турганини кўрди-ю:

– Клайд, нима бўлди? – деб қичқирди. – Итдан қўрқяпсизми? Вов-вов, тишлаб олади!

Клайд шоша-пиша олдинга жилмаса, шерикларининг диққатини жалб қилиб қўйишини сизди-ю, йўлкадан тез-тез юриб уй томонга кетди. У энди кулбага тузукроқ разм солиб қарай бошлаган эди, ўша заҳотиёқ миясини ташвишли ва қайғули фикрлар эгаллаб олди. Шу ҳам уй бўлди-ю! Ҳатто мана шундай серқуёш баҳор кунда ҳам етимчадек сўппайиб, шип-шийдам ҳолича турибди. Томлари чириб, чўкиб кетган. Бир мўрисининг қувури қулаб тушган, тагида фишт парчалари уюлиб ётибди; иккинчиси ҳам қулай-қулай деяпти-ю, тирговуч кучи билан зўрға турибди. Клайд ҳозир юқорига кўтарилиб бораётган, манави бошдан-охир ажриқ босиб кетган ифлос йўлкани айтмайсизми! Кираверишга, эшик бўсағасига зинапоя ўрнида ётқизилган қийшиқ-қинғир синиқ тошларни кўриб, Клайднинг энсаси қотиб кетди. Манави бўёқ кўрмаган ёғоч иморатларни қаранг.

Э, қойил-е! Шу Робертанинг уйими-а?! Аҳволи шу экан-ку, Клайд бутун орзу-умидларини Сондра ва унинг муҳитига боғлаб турган бир пайтда яна менга уйланасан, деб талаб қилгани қизиқ! Ана, Сондра гарчи бу гаплардан хабарсиз бўлса ҳам... автомобилда ўтирганча, ҳаммасини кўриб-билиб турибди. Ночорлик ҳам шунчалик бўладими-а! Қаёққа қарама, бари бир бўғилиб кетасан! Клайднинг ҳаёти ҳам шундай бошланган эди, яхшиямки ҳаммаси тушдек ўтди-кетди!

Клайд эшикка яқинлашиб борганида аъзойи бадани қақшаб, худди бировдан туртки егандек биқини санчди. Шу пайт, худди Клайдни иложи борича яна батгарроқ хафа қилиш кўзда тутилгандай – эшикни Тайтус Олденнинг ўзи очди, у ранги унниқиб, енглари йиртилиб кетган куртка, қопга

ўхшаш титилиб кетган шолвор, қўпол, исқирт ва ниҳоятда полоплаган қишлоқи кавуш кийиб олган эди. У Клайдга сўроқ назари билан тикилиб қолди. Кийим-бошларининг хароблиги ва унинг Робертага ниҳоятда ўхшашлигидан (айниқса, кўзлари ва оғиз бичими қуйиб қўйгандек худди ўзгинаси эди) ҳайратланган Клайд шоша-пиша ундан, шу ердан ўтган йўл Бильцгача борадими, шу йўлдан юриб шимолий шоссегача чиқиш мумкинми, деб сўради. Клайд «ҳа» деган бир оғизгина жавобни олиб, шарт изига қайтиб кетишни истар эди-ю, аммо Тайтус эринмай у билан ҳовлига тушди, кейин қўлларини силкиб эзмаланганча, агар равон йўлга чиқиб олишни истасаларинг, шу кўчадан яна салкам икки милча йўл босишларинг керак, сўнг-ра гарб томонга бурилишларинг лозим, деб туншунтира кетди. Тайтус гапини тугатар-тугатмас Клайд орқасига бурилиб, тез-тез нарилаб кетди.

Роберта айна ҳозир Клайд, ўзига Ликург ҳадя этиши мумкин бўлган барча лаззатлардан (Сондрадан, эшик қоқиб келаётган баҳор ва ёздан, севги ва ҳаловатдан, ўйин-кулгидан, обрўли мавқедан, мол-дунёдан... ҳамма-ҳаммасидан!) воз кечиб, мен билан бирга кетади ва менга уйланади, деб ишонаётган бўлса керак! – Клайд кўнгли чўккан бир кайфиятда шуларни ўйлай бошлади. Кавакка кириб ётадими кейин! Ахир, бу даҳшат-ку! Ҳали она сути оғзидан кетмагану, болани бошига урадими у! Эҳ, Клайд, шу қадар аҳмоқ, онгсиз бир махлуқ бўлмасанг, тақдирингни келиб-келиб шу қиз билан боғлайсанми-а? Бор-йўғи бир-икки танҳолик кечаларини деб шунча маломатларга қолиб ўтирибсан-а! Истиқболингда шундай бир янгича олам юз очар экан, нега сабр қилмадинг, нега?! Қани энди сабр қилиш қўлингдан келганда эди!

Энди у, Робертадан тезда бир амаллаб қутулиб кетмаса – ҳойнаҳой, бу ҳашаматларнинг ҳаммаси-

дан ажралиши турган гап. Ана ўшанда ўзи бино бўлган қашшоқ дунё яна кўрқинчли, ожиз қўллари чўзиб, уни ушлаб олади, ахир Клайд аввал бошданоқ ночор оиласи туфайлигина мана шундай йўқлик исканжасига тушиб, ҳалок бўлиб кетишига сал қолган эди-ку. Роберта икковларининг ижтимоий келиб чиқишлари деярли бир хиллигига қарамай, аввалига улар бир-бирларини ниҳоятда севиб қолганларини... энди Клайд ҳайрон бўлиб эслай бошлади. Бунинг боиси нимада? Ҳаёт кўп қизиқ-да! Лекин Клайдни: нима бўлмасин, бари бир бирор чора топиш керак, деган муаммо кўпроқ азобга соларди. Шу дақиқадан бошлаб миясини бутун йўл давомида қандай бўлмасин чорасини топиш керак, деган фикр чулғаб олди. Худо кўрсатмасин-е, Робертами ё унинг ота-онасими Клайднинг амакиси ёки Гилбертга бир оғиз шикоят қилиб қолишса борми – тамом, у ҳалок бўлади!

Бу фикр Клайдни шу даражада ташвишга солганидан машинага қайтиши билан ҳозиргина ҳамма қатори бўлар-бўлмас нарсаларга ҳазил-ҳузул қилиб гап сотиб келаётган одам энди оғзига сўк солгандай жим бўлди-қўйди. Унинг ёнида ўтирганча ўзининг ёзги режаларини аста-секин гапириб келаётган Сондра ҳам энди гапини давом эттириш ўрнига, Клайдга қараб туриб:

– Вой, миттижонимга нима бўлди? – деб шивирлади. (Клайд сал хомушланиб қолса, Сондра уни гўдакдек эркалашни яхши кўрар, Сондранинг болаларча чулдираши эса Клайдга бамисоли электр токидек таъсир қиларди: шунда у ҳам ҳузурланар, ҳам азоб чекар эди. У гоҳида Сондрани «менинг бижилдоғим» деб ҳам кўярди). – Афти ангори га қарасанг, жудаям хафа. Ҳозиргина ҳаммамиз қаҳқаҳа уриб кулаётган эдик. Қани, қани, менинг

кичкинтоим бир шодлансин-чи... Сондрага бир кулиб қарасин-чи... Қани, қани, Клайд бир эркалик қилиб, Сондранинг қўлини кафтига олсин-чи!

Сондра ўтирилиб, болаларча эрка қилиғи Клайдга қандай таъсир қилганини билиш мақсадида унинг кўзига тикилди, Клайд эса, турган гап, ўзини қувноқ кўрсатишга уринди. Лекин унга ҳозир Сондранинг назокат тўла оройиши ҳам татимасди, чунки Робертанинг шарпаси, унинг ҳозирги оғир аҳволи-ю, яқиндан бери кўнглига маъқул қилган ўша қарори доимо рўпарасида кўндаланг бўлиб турар, энди унга эргашиб қаёққадир кетишдан бўлак бирор-бир бошқа тузукроқ чора йўқ эди...

Шундайку-я, аммо... арзимаган нарсага... ишни чигаллаштириб ўтириш шартмикан, қайтага (ҳатто бир умрга Сондрадан айрилган тақдирда ҳам) бу ердагилардан ному нишонсиз кетиш учун жуфтакни ростлаб қолгани маъқулмасми, Канзас-Ситида ҳам анави бола... ўлгандан кейин худди шундай қилган эди-ку. Лекин Сондрадан, бу ерда ўлай деб зўрға орттирган таниш-билишларидан, амаки-сидан, қолаверса ҳамма нарсадан айрилиб қолаверадими! Ҳаммасидан айрилиб-а! Яна ўзгалар мурувватидан паноҳ излаб, дарбадар юришдан ҳам ортиқроқ бахтсизлик борми ўзи! Бунинг устига бир кунмас бир кун онасига кимдир бу ердан хат жўнатиб, аччиқ ҳақиқатни очиқ-ойдин тўкиб солиши ҳам мумкин, ўшанда у қочоқдигини ва унинг сабабларини тушунтириб тағин онасига хат ёзиши керакми? Ота-онаси нима деб ўйлайди ўшанда уни? Охирги пайтларда у онасига ишларим юришиб кетди, деб ёзган эди. Пешонаси мунча ҳам шўр бўлмаса-я унинг, нега ҳар доим иши чаппасига кетгани-кетган?! Наҳотки, бутун умри шу кўйда ўтади? Бугун ундан, эртага бундан қочиб, қаердадир бегона жойларда ҳамма ишни яна қайтадан

бошлаш... шу ҳам ҳаётми... Эҳтимол, кейинроқ бориб ўша янги жойдан ҳам янада хунукроқ бир иши учун тагин қочиб кетишига тўғри келар. Йўқ, энди у кетмайди. Бахтсизликка тикка бориб, қандайдир бир чорасини топиши керак у. Керак!

Эй, худо-е!

ХЛІ БОБ

Бешинчи июнь ҳам етиб келди, Финчлилар Сондра огоҳлантирганидек жўнаб кетишди, аммо Сондра жўнашидан аввал Клайдга иккинчи ёки учинчи якшанба кунлари (анигини кейинроқ хабарлайди) Крэнстонларникига боришга тайёр бўлиб туришни қайта-қайта тайинлаб кетди. Гарчи Роберта билан ўрталаридаги чалкаш муносабатлари Клайднинг бошини ғовлатиб турган бўлса-да, Сондранинг кетиши унга ёмон таъсир қилди, усиз ўзини қўйишга жой тополмай қолди. Аксига олиб, худди шу пайтда Робертанинг васваси кучайиб, у шунақанги қаттиқ талаблар қўя бошладики, энди яна бир оз кутиш керак, унга ёрдам бериш учун Клайд тезда қўлидан келган ҳамма ишни қилади, деган юпатишлар билан уни тинчлантириб бўлмай қолди. Клайд қанча гапирмасин, Роберта бари бир аҳволнинг чатоқлигини тушунар ва бу билан ўйнашмаслик керак, деб ўйларди у. Роберта: афт-ангорим бутунлай ўзгариб кетган (бу қўнглини босган кучли ғулғула туфайли туғилган эди, албатта), иккиқатлигимни энди яширолмайман, фабрикада бирга ишлайдиган қизлар бугунми-эртами бунини пайқаб қолишлари мумкин, деб зорланар эди. Хуллас, у энди на ишлай олади-ю, на уйқусида ҳаловат бўлади, у энди бошқа бу ерда қололмайди. У ҳалитдан баданида оғриқ сезяпти (бу ваҳм босган тасаввур самараси, фирт хаёлнинг ўзи). Аввал ке-

лишиб олганларига кўра: Клайд унга уйланиши, вақтни бой бермай Роберта билан, узоқми, яқинми, қай гўрга деса ҳам майли, вақтинчага бўлса ҳам мана шу даҳшатли хавф эсдан чиққунча жўнашлари керак. Ҳатто Роберта рози, Клайд уни бола туғилиши биланоқ ташлаб кета қолсин, рост, кейин ҳеч қачон бошқа илтимос қилмайди... ҳеч қачон! Аммо Клайд ҳозир йигит лафзида туриши, мана шу ҳафтанинг ўзидаёқ, нари борса ўн бешинчидан кечикмай ҳамма ишни тўғрилаши, вақт фаниматлигида у ҳақда қайғуриши лозим.

Демак, Клайд ўн иккинчи кўлга бориб Сондрани кўришга улгурмасидан, уни яна бошқа бирон марта ҳам кўролмай, Роберта билан бошлашиб кетавериши керак экан-да. Бундан ташқари, Роберта зўрлаётган қалтис ишга қўл уришидан олдин анча-мунча маблағ кераклигини ҳам у яхши билади, Клайд эса ҳозирча шунга яраша пул йиғолмаган. Роберта Клайдга ўзининг юз доллардан ошиқроқ пул жамғариб қўйганини рўкач қилиб ўтирмаса ҳам бўлади, чунки бу пуллар тўйдан кейин ёки Ликургдан жўнаб кетишларида икковларининг кори-қолларига асқатиши мумкин. Айни пайтда, Клайд фақат бир нарсани аниқ тушуниб, аниқ тасаввур этар эди: агар у шундай йўл тутса, ҳамма нарсадан айрилиши турган гап эди. У Роберта билан шу атрофдаги қайсидир бир жойга кетиши керак, бечорақолгина кун ўтказишлари учун эса, у дуч келган ишга қўл уравериши лозим бўларди. Дунёнинг чаппа айланиб кетишини қаранг-а! Тотли, беғубор орзуларнинг ҳалокати-ку, бу ахир! Клайд ҳар қанча зўр бериб бош қотирса ҳам, Робертани ишни ташлаб, вақтинчага уйига, ота-онасининг олдига кетишга кўндиришдан бўлак бирорта тузукроқ фикр тополмади; у бу янгича ҳаётларига ўзи кўниккунича тагин камида бир-икки ҳафта за-

рурлигини Робертага исбот этишга уринарди (яна бунни жуда усталик билан қиялпман, деб ҳам ўйлаб қўярди ўзича). Мен ўзимни ҳар қанча ўтга-чўққа урсам ҳам, кўнглимдаги пулни йиғолмадим, ҳамма гап мана шунда, деб таъкидларди у ёлғончилик қилиб. Мўлжалаб қўйишган сафарларига етадиган маблағ йиғиши учун эса яна унга камида уч ёки тўрт ҳафта муҳлат керак. Ахир, икковларига йўқ деганда юз эллик ёки икки юз доллар, Робертанинг назарида бу анча катта пул эди, зарурлигини Робертанинг ўзи айтган эди-ку. Клайдда бўлса, ҳафталик маошидан ташқари атиги қирқ доллар йиғилган, шу пулни ва бундан кейин йиғадиган ҳамма жамғармаларини Ўн иккинчи қўлга сафарга чиқишганда майда-чуйда чиқимларга ишлатиш орзусида юрибди.

Қисқа вақтга бўлса ҳам уйига бориб туриши ҳақида Робертага айтган таклифи ишончлироқ чиқиши учун, Клайд: ҳойнаҳой, ўзинг ҳам бир оз кўнглингни тинчитиб қайтишни истаётгандирсан, деб қўшиб ҳам қўйди. Ахир, тўй ўрнига ўтадиган, янги таниш-билишлар орттирадиган бу сафарга чиқишдан аввал Роберта кийим-кечакларини бир сидра тузатиб олиши ҳам керак-ку. Майли, у ўзи йиққан пулини ёки бир қисмини кийим-кечакка ишлатсин... Аҳволи ниҳоятда танглигидан Клайд шунақанги маслаҳатлар беришдан ҳам тап тортмасди. Роберта эртанги кунидан сира умиди йўқлиги сабабли шу пайтгача ўзи учун ва туғилажак чақалоғи учун бирон нарса тиктириш ёки сотиб олишга юраги дов бермай келарди, энди эса Клайд берган маслаҳатларнинг асл маъноси қандайлигидан қатъи назар, у аввал ҳам бир неча бор маслаҳатлар бериб, сўнгра доим ишни пайсалга солиб юрганини ҳам писанд қилиб ўтирмай, ўзига битта ёки иккита тузукроқ қўйлақ тиктириб олиши керак, бунинг учун Роберта икки-уч ҳафта оворагарчиликни бўйнига олиб,

ора-сира синглисига кўмаклашиб юрадиган кўли эпчил, арзон-гаров анави бичиқчига учрашиши лозим. Кўйлакни гулдор кулранг шойидан тиктириши ҳам мумкин – шунақасини у кинода кўрган эди. Агар Клайд гапида туриб унга уйланса, никоҳ пайтида шу кўйлакни кияди.

Бу жудаям хушбичим сарпо бўлади; Роберта унга қўшимча қилиб, ҳаммага расм бўлган энсиз, ҳошияли (ҳошиясининг бир ерига пуштиранг ва қип-қизил олуча қадалган) кулранг шойи шляпача ва яна ҳаворанг астарлик матодан тикилган оддийгина йўлбоп костюм олишни ҳам ният қилди; шундан кейин кулранг туфли билан кулранг шляпа кийиб олса, ҳаммаси бирга қўшилиб, қарабсизки, Роберта манаман деган келиндан ҳам қолишмайдиган кўҳлик жувонга айланади-қолади.

Бу нарсалар ўз-ўзидан бўлмайди, анча-мунча вақт ва ортиқча харж-харажатлар керак. Жуда зўр келса, Клайд унга уйланмаслиги ҳам мумкин, бунинг устига бўлажак никоҳ ҳар иккалалари учун қандайдир ўта совуқ ва қайғули ўтадиганга ўхшайди; лекин бари бир, булар Робертанинг никоҳ тўғрисидаги тасаввурини ўзгартиролмасди, у никоҳни алақандай гўзаллик ва нафосатга йўғрилган сирли, тенгсиз бир тортиқ деб тушунар, унинг бу сифатларини ҳатто бахтсизлик рўй берган мана шунақанги офир дамларда ҳам ундан ажратиб бўлмайди, деб ўйларди у. Қизиғи шундаки, Клайд билан оралари совуб кетгани ва муносабатларининг зўрма-зўракилигига қарамай, Роберта уни ҳамон худди илгаригидек ёқтирарди. Ахир, энг аввало унинг Грифитслигини унутмаслик керак, гарчи у унчалик бадавлат бўлмаса ҳам чинакам киборлар оиласидан чиққан йигитча, Роберта тоифа-сидаги ҳамма қизлар, ҳатто қанча-қанча ундан устунроқлари ҳам, мабодо Клайдга эрга теккудек

бўлсалар, ўзларини бахтиёр ҳисоблардилар. Майли, Клайд Робертага уйланишни истамаса истамай қўя қолсин, шундаям бари бир, у – обрўйи зўр одам. Аммо Робертани у ақалли жиндай севгандами, Роберта фақат у билангина умрбод бахтли бўла оларди. Ҳарқалай бир вақтлари Клайд Робертани севарди. Айтишларича, эркаклар, ҳеч бўлмаганда айримлари фарзанд кўргач, кўпинча хотинларига мутлақо бошқача, ўзгача меҳрибонлик билан қарай бошлар эканлар (буни у ўз онасидан ва таниш-билишларидан ҳам эшитган эди). Нима бўлса ҳам ишқилиб, агар ўйлаган ниятлари амалга ошса, бир оз вақтга, атиги бир оз вақтга бўлса ҳам, ҳарқалай улар қовушишади, мушкул аҳволдан чиқиб олишида Клайд Робертага кўмаклашади, боласига ўзи исм қўяди, Роберта янгидан бирор-бир жойга мустақил ўрнашгунга қадар уни қўллаб-қувватлаб туради.

Шундай қилиб, Робертани гарчи қўрқинчли кўнгил гашлик ва шубҳа-гумонлар азобга солса-да (негаки, у Клайднинг ўзига нисбатан совуганини сезиб турарди), шунда ҳам у бояги фикрлари билан ўзича овунгандек бўларди.

Орадан беш кун ўтгач, Роберта мана шундай кайфиятда уйига жўнади, кетишидан олдин онасига хат ёзиб, битта ёки иккита қўйлак тиктирмоқчилиги ва ўзини бир оз ёмон ҳис қилаётгани сабабли хийла дам олмоқ мақсадида камида икки ҳафтага бораётганини хабарлади; Клайд уни Фондагача кузатиб қўйди. Миясига аслида аниқ ва маъқулроқ бир фикр келмагани учун, Клайднинг назарида фақат сукут, ҳа, ҳа, фақат сукутгина жонига оро кирадигандек туюларди. Уни ҳеч бир кимса бирон бир иш қилишга мажбур этолмаслиги, Роберта тўғрисидаги фикр эса ҳар дақиқада унга азоб бермаслиги учун Клайд яқинлашиб келаётган бахтсизлик тиғи ваҳимаси остида яна, яна

ва яна қайта бош қотириб кўрмоғи даркор: ким билади, балки Роберта аччиқ устидами, умидсизликка тушибми, жазаваси тутибми (агар Роберта нажот кўзи билан қараган бирон бир фикрни Клайд рад этгудек бўлса), оғзидан гуллаб юбориши ёки бирор ишкал чиқариб қўйиши мумкин, унда Клайднинг Сондрага умид боғлаб тузган режалари чиппакка чиқади-кетди.

Сондра эса бу пайтда Ўн иккинчи қўлдаги чорбоғидан туриб, яқин орада Клайд келгудек бўлса, уни нималар кутаётганини ҳикоя қилувчи шўхқувноқ мактублар ёзар эди. Кўм-кўк сув... оқ елканли қайиқчалар... теннис... гольф... от пойгаси... автомобиль сайри... Сондра ҳамма нарсани Бертина билан аллақачоноқ келишиб қўйган. Бўсалар, бўсалар ва яна бўсалар...

ХЛІ БОБ

Бир вақтнинг ўзида олган икки хати Клайднинг аҳволини янада чигаллаштириб юборди.

«Қарагайзор буруни, 10 июнь

Клайдчик, миттижон!

Менинг ушоққинамнинг аҳволлари қалай? Ҳамма ишлари жойидами? Бу ерлар шунчалик кўркам ва зебоки. Одам кўп жуда, кун сайин гавжум бўлиб боряпти яна. «Казино» ресторани билан гольф ўйини майдончаси аллақачоноқ очилди, одам уймалашгани-уймалашган у ерларда. Ҳозир Стюарт билан Грэнт қайиқчаларида кўлга чиқиб кетишмоқчи, шундоққина мотор овозини эшитиб турибман. Жоним, вақтни чўзманг, тезроқ келинг. Бу жойлар шунчалик гўзалки, тасвирлашга тилим ожиз. От миниб, ям-яшил ўрмон сўқмоқларини кезяпмиз, чўмиляпмиз, ҳар кун соат тўртдан бошлаб «Ка-

зино»да танца тушамиз. Дикки деган отимда ҳозиргина маза қилиб айланиб келдим, нонуштадан кейин уни яна минаману, чоптириб бориб почтага хатни ташлаб қайтаман. Бертина бугун ё эртага Сизга хат ёзиб, мана шу якшанба ёки хоҳлаган бошқа кунга таклиф қилажагини айтди, бундан кўнглингиз тўқ бўлаверсин. Сондра «келинг» деб ёздими, вассалом, Сиз ўша заҳотиёқ етиб келасиз, тушундингизми? Акс ҳолда, Сонда Сиз – ярамас, ширин болакайни жазолаб қўяди.

Болакайим ўша исқирт фабрикада тиним билмай ишлаб юрган бўлса керак? Сонда эса уни бу ерда бўлишини истайди... От минардик, автомобилда сайр этардик, ҳам чўмилардик, ҳам танца тушардик... Теннис ракеткангиз билан гольф таёқчангизни олиб келишни унутиб юрманг тагин. «Казино»нинг антиқа бир майдончаси бор.

Бугун эрталаб, Диккини миниб юрганимда нақ туёғининг остидан қандайдир бир қушча патиллаб учиб қолса бўладими. Дикки ҳуркиб, олиб қочган эди, Сондангиз шох-шаббалардан росаям озор чекди. Бечора Сондасининг аҳволига Клайднинг жони ачимаётганмикин? Бугун Сонда мактуб ёзиш билан овора нуқул. Нонуштадан кейин шу хатларни жўнатишга кетади у, сўнгра Бертина ва Нина учаласи «Казино»га боришади. Клайд биз билан бирга боришни истамаяптимикин? Ўшанда «Тодди»га танца тушар эдик. Бу қўшиқни Сонда жудаям яхши кўради. Майли, энди етар, у кийиниши керак. Эртага яна ёзаман, ярамас бола. Сизга Бертина хат юбориши билан дарров жавоб қайтаринг. Қоғознинг мана бу ерини кўряпсизми, кетма-кет нуқталар қўйганман-а? Булар – бўсалар. Ҳам катта, ҳам кичик нуқталар. Шуларнинг бари ярамас бола учун. Сондага канда қилмай хат ёзинг, у ҳам ҳар куни ёзади.

Сизни қайта-қайта ўпиб қоламан».

Бу хатни олиши билан Клайд ҳам тўлиб-тошиб худди шундай кўтаринки кайфиятда жавоб ёзди. Аммо деярли ўша почтада ёки нари борса ўша куни келган бошқа бир мактуб эса Робертадан эди:

«Бильц, 10 июнь

Азизим Клайд!

Энди ётай деб турган жойимда ухлашдан аввал сенга бир-икки қатор дуои салом ёзишни кўнглим тусаб қолди. Сафарим шунақанги оғир бўлдики, мана энди ҳозир деярли бетобман. Ўзингга маълум, аввал-бошданок бир ўзим кетишни унчалик истамаган эдим. Авзойим шундай ёмонки, ҳамма ишларимиз энди ҳал бўлгани ва ваъдангга биноан мени олиб кетиш учуи келишинг ҳақида гарчи ўзимга ўзим гапириб, дадда берсам ҳам, бари бир бўлган-бўлмаган нарсаларни ўйлаб, юрагим қисилади».

(Клайд хатнинг шу ерига келганда Бильц яқинидаги ғарибона қишлоқ чеккасини ижирғаниб эсига олди; бахтга қарши Роберта ўша дунёда яшайди, шу сабабли айрим вақтларда бўлганидек, Клайднинг бирдан Робертага жони ачиб кетди, виждони азобланди. Ахир, аҳволи ночор бўлса, бу Робертанинг айби эмас-ку. Ҳаётида у боёқиш нимага ҳам умид қилиши мумкин? Фақат ишу амал-тақал кун ўтказиш. Талай вақтлардан бери Клайд биринчи бор танҳо ўтириб, чинакамига, адолат юзасидан ўйлай бошлади-ю, гарчи чорасизгина бўлса-да, аммо чин кўнглидан Робертага ачинди. Кейин у хатнинг давомини ўқий бошлади.)

«Аммо бу ерлар ҳозир жудаям чиройли бўлган. Дарахтлар шунақанги ям-яшил, ҳамма ёқ гуллаган. Деразага яқин келсанг, боғда учиб юрган асариларнинг визиллаган овозини эшитасан. Бу ерга келаётганимда, тўппа-тўғри уйга қараб юр-

май, йўл-йўлакай Гомерда тўхтаб, синглим билан куёвимни кўриб ўтмоқчи бўлдим. Ахир биз қачон кўришамиз ва умуман бошқа кўришамизми-йўқми, номаълум-ку, мен эса улар билан фақат номусли аёл сифатидагина учрашишни истайман – акс ҳолда улар бир умр кўрмаганлари яхши мени. Тагин ўйлама, бу билан мен қандайдир нохуш ёки ёқимсиз гап айтмоқчи бўлаётганим йўқ. Шунчаки омадсизлигимдан куяман, холос. Уларнинг уйи шу даражада шинамки, чиройли мебеллари граммофонлари, нима десанг, ҳамма нарсалари бор, Агнесса эса Фред билан бениҳоя бахтли! Ўйлайманки, у бутун умрга бахтли бўлади. Мен шунда беихтиёр: агар орзуларим рўёбга чиққанда, биз иккаламиз ҳам бирам ширин турмуш қураётдик, деб ўйлаб кетдим. Уларникида турган пайтимда Фред ҳадеб тегажаклик қилиб, нега эрга тегмайсан, деб сўрайверди. Охири чидамай:

– Қаёқдан биласан, балки бугун-эрта эрга тегиб кетарман. Сабрли одамга бахт ўзи эргашиб келади, – дедим.

– Гапинг тўғри, аммо кўзингни оч, умринг кутиш билан ўтиб кетмасин тагин, – деб жавоб қилди у.

Мен онамни яна кўрганимдан ниҳоятда хурсандман, Клайд. У шунчалик меҳрибон, сабр-бардошлики, мени деса жонини беришга ҳам тайёр. Дунёдаги энг дилкаш, энг тенгсиз она шу бўлса керак. Мен бирор-бир хатти-ҳаракатим билан унинг кўнглига озор етказишни мутлақо истамасдим. Том ҳам, Эмилия ҳам бирам ёқимтойки. Бу эрга келганимдан бери ҳар кеча уларнинг дўстлари, дугоналари йиғилишяпти, улар мени ҳам ўз давраларига чақиривади, аммо уларга қўшилиб кўнгли очишга, қарта ва турли хил ўйинлар ўйнашга, танца тушишга эса менда сира мадор йўқ».

(Клайд ушбу сатрларни ўқиётиб, беихтиёр Роберта оиласининг аянчли аҳволини, яқинда ўз кўзи би-

лан кўрган ярим хароба уй ва бошқа ҳамма тафсилотларни яна бир бошдан аниқ тасаввур этгандек бўлди! Қийшайиб ётган мўриларни айтинг! Робертнинг сўхтаси совуқ отаси-чи... Тагин бу хатнинг Сондра мактубидан осмону ерча фарқ қилиши-чи!)

«Отам, онам, Том ва Эмилия атрофимда ўралашиб, ҳадеб кўнглимни овламоқчи бўлишади. Шу сабабли бошимга тушган бахтсизликни мабодо улар билишганда, қанчалик тушқунликка тушишларини ўйлаб, виждоним азобланади. Мен ўзимни фабрика ишларидан чарчаганлигимдан мана шунақаман, бўшашган ва хафаман, деб кўрсатишга уринаяман, албатта. Онам бўлса лаби лабига тегмай, уйда узоқроқ қолишимни ёки тузукроқ дам олиб, ўзимга келишим учун ишни бутунлай ташлашимни маслаҳат беради-ю, аммо у бечоранинг ҳеч нарсдан хабари йўқ-да. Агар у билганда эди! Бу фикр мени баъзан қанчалик азобга солишини сенга айтиб беролмайман, Клайд! Фақат худога ялинаман!

Лекин мен кўпам қисилавермаслигим керак. Бундай қилиш зарур ҳам келгани йўқ, ўзингга айтган эдим-ку; фақат иккаламиз шартлашганимиздек, сен келиб мени олиб кетсанг бас. Ҳозиргидек жонингга тегавермайман, Клайд. Ахир, бошқа пайтда бунақа эмасдим-ку. Жўнаб кетишимизга тайёрланыяман, бичув-тикув ишларимни қўлга олдим. Майда-чуйдалари билан яна уч ҳафта вақтни олади, шу орада бўлар-бўлмас нарсаларга миямни ғовлатиб ўтирмасликка ҳаракат қиламан. Лекин сен, азизим, мени олиб кетишга келасан-а, шундайми? Сен мени энди алдамайсан ва ҳозиргидек қийнаб, қон-зардоблар юттирмайсан, тўғрими? Э худо, нима гуноҳим бор эдики, бунча азобга қолмасам – рожество байрамига уйимга келганимдан бери аҳволим шу! Сен, ахир илгари менга бошқача муносабатда бўлар эдинг. Сенга зиғирдек ҳам оғирлигимни туширмасликка сўз бераман: мени

энди сен севмайсан, буни биламан, лекин охири нима бўлса бўлаверсину, аммо бошимга тушган бахтсизликдан ҳозир қутулсам гўрга эди... Лекин онт ичаман: сенга менинг оғирлигим тушмайди.

Азизим, бу доғ учун жаҳлинг чиқмасин. Афтидан, мен илгаригидек ўзимни қўлга олиб туролмайдиган бўлиб қолдим шекилли.

Энди бу ердаги ишларимдан гапирай. Уйимдагилар мени қўйлакларни Ликургада ўтказиладиган кечалари учун тиктиряпти, деб ўйлаб, роса кўнгил очсанг керак, дейишяпти. Майли, начора, бошқа ташвишдан кўра шундай деб ўйлаб қўя қолганлари маъқул. Эҳтимол, бичиқчи Энс хонимни юборолмасам, баъзи нарсаларни сотиб олиш учун ўзим Фондага тушишимга тўғри келар. Агар мен Фондага тушсам, сен бу ерга келгунингга қадар мени кўришни истасанг (гарчи бунга унчалик ишонмасам ҳам), биз ўша ерда кўришишимиз мумкин. Агар кўнсанг, мен сен билан жон-жон деб учрашардим, жўнаб кетишимиздан олдин бир гаплашиб олардик. Ҳаммаси ғалати туюлади менга: майда-чуйдаларимни тикяпману хаёлим сенда, бир кўрсам дейман, сен бўлсанг парвойинг фалак, мен буни яхши биламан. Ўйлайманки, мени уйимга кетишга кўндирганингдан хурсанддирсан, энди ўзинг айтганингдек, Ликургада роҳат қилиб вақт ўтказаверишинг мумкин. Наҳотки, чиндан ҳам ўша ўтган йилги ёз, иккаламиз қўлларни ва бошқа қанча-қанча жойларни кезганимиздагидан кўра бу йил вақтингни ширинроқ ўтказаетган бўлсанг? Лекин шунда ҳам, Клайд, ваъдангининг устидан чиқишингга қурбинг етади, албатта. Бу гапларимни унчалик кўнглинга олма тагин. Сенга бундай қилиш жудаям оғир, буни биламан, аммо эсингдан чиқмасин, агар мен бошқаларга ўхшаганимда эди, шунақанги шартлар қўярдимки. Лекин сенга аввал ҳам айтганман: мен бошқалардақа эмасман, бунақа иш ҳеч қачон қў-

лимдан келмайди. Агар мен билан бўлишни хоҳламас экансан, унда оғир аҳволдан чиқариб қўйганингдан кейин кетаверишинг мумкин.

Илтимос, Клайд, ҳатто агар хоҳламаган тақдирингда ҳам менга узун, қувноқ бир мактуб ёзгину кетганимдан бери мени бирор марта эсламаганинг, мени қўмсаб қиттай бўлса ҳам соғинмаганинг (илгарилари, ахир, менсиз туролмаган вақтларинг ҳам бўлар эди), қайтиб боришимни истамаётганинг, мана шу шанбадан ҳисоблаганда икки ҳафтадан олдинроқ келолмаслигинг (ҳали келишни ўйлаётган бўлсанг агар), шулар ҳақида бир чеккадан ҳикоя қилиб ёзгин.

Азизим, ҳозир мен ўзим ёзаётган совуқ гапларни аслида тасаввур ҳам қилолмайман. Лекин мен шунчалик чарчаганманки, шунчалик паришон ва сўққабосманки, гоҳи пайтларда ўзимни тутолмай қоламан. Мен ким биландир гаплашиб юрагимни ёргим келади, бу ерда эса ҳеч ким йўқ; улар нима бўлаётганини тушунишмайди, мен ҳам бирон кимсага ичимдагини ёриб айтолмайман.

Ана, кўряпсанми, соғинмайман, умидсизланмайман ва аччиқланмайман деб айтган эдим-а, шунга қарамай, ҳозир бундай қилиш қўлимдан келмай турибди, тўғрими? Аммо янаги гал – эртани ё индинми, ўзимни яхши тутишга онт ичаман, чунки сенга хат ёзганимдан сўнг руҳим анча енгил тортади, Клайд. Илтимос, хафа бўлма, менга далда бериш учун бир оғиз бўлса ҳам хат ёз. Мен кутаман, агар мен учун хат қанчалар азизлигини билсанг эди! Ўзинг, албатта, келасан. Мен ўшанда шунақанги бахтиёр ва миннатдор бўлиб, қўлимдан келганча жонингга тегмасликка ҳаракат қиламан.

Сенинг гарибу ёлғиз Бертанг».

Бу икки хат ўртасидаги кескин фарқ Клайдни қатъий бир йўлни танлашга мажбур этди: у

энди ҳеч қачон Робертага уйланмайди. Ҳеч қачон! Бильцга, унинг уйига ҳам бормайди, агар иложини топса, Робертанинг Ликуртга қайтиб келишига ҳам йўл қўймайди. Клайд Робертаникига борса ёки у бу ерга қайтиб келса, яқиндагина Сондра туфайли эришган бутун қувончларидан айрилади-қолади-ку, ахир! Унда у мана шу ёзда Сондра билан Ўн иккинчи қўлда бирга бўлолмайди, қувлашиб қўнғил ёзолмайди, унга уйланоламайди ҳам. Э худо, наҳотки, бир чораси топилмаса? Наҳотки, пешонаси тақ этиб теккан бу даҳшатли говдан қутулишининг бирор-бир иложини қилолмаса?

Иккала мактубни ўқиб тугатгач (бу пайт жазирама июнь кечаларининг бири бўлиб, Клайд эндигина ишдан қайтиб келиб турган вақти эди), умидсизликдан жазаваси тутиб, ўзини ўринга ташлади-ю, инграб юборди. Қандайин бахтсизлик бу! Даҳшатли, деярли чорасиз муаммо-ку бу! Наҳотки, Робертани анча вақтга... қаёққадир... жўнаб кетишга қўнди-ролмаса... ёки, у, яхшиси, ҳозирча уйида тураверсин, Клайд унга бутун маошининг роппа-роса ярмини – ҳафтасига ўн, ҳатто ўн икки доллардан юбориб туришга ҳам рози. Ёки майли, у қўшни шаҳарларнинг бирига: Фондагами, Гловерсвилгами, Скенэктедигами бориб жойлашсин; ҳозирча у ўзини ўзи уддалай олади, ижарага битта хона топиб, доктор ёки доя хотин керак бўлгунга қадар бамайлихотир ўтириб, машъум дақиқани кутиши мумкин. Агар Роберта унинг номини тилга олмасликка сўз берса, вақт-соати етган пайтда Клайд унга ҳамшира топишда қўмаклашиб юбориши ҳам мумкин.

Роберта бўлса нуқул мана шу икки ҳафта ичида, шундан кечикмай, унинг Бильцга келишини ёки яна қаердадир у билан учрашишини талаб қилиб ётибди. Йўқ, Клайд буни истамайди, у бормайди! Агар Роберта мажбурлайдиган бўлса, Клайд ҳеч кимнинг ақлига келмаган ишни қилади-ю... бу ердан бош

олади-кетади... ёки, эҳтимол, уни Роберта Бильда кутиб ўтирган вақтида у Ўн иккинчи кўлга қараб жўнайди, гарчи Сондра ўн саккиз ёшга тўлмаса-да, уни ўзи билан бирга қочиб кетиб, никоҳдан ўтишга (аммо бу таваккалнинг оқибати нақадар даҳшатли ва бемаъни!) кўндиришга уриниб кўради. Ана ўшанда... ўшанда... улар эру хотин бўлиб олишгандан сўнг Сондранинг оиласи уларни ажрата олармиди, кейин Роберта ҳам уни тополмайди, фақат ундан шикоят қилиши мумкиндир. Шикоят қилса ундан нарига, наҳотки ҳаммасидан тониб кетиш Клайднинг кўлидан келмаса? У, бу ёлғон, Роберта билан орамизда бўлган гап бўлим бошлиғининг ўз ишчисига нисбатан муносабатидан бошқа нарса эмас, вассалом, дейди-қўяди. Ахир, уни Гилпинаар бирон марта ҳам кўришмаган, Гловерсвил яқинидаги Глен доктор уйига ҳам Робертанинг бир ўзи кириб, унинг номини тилга олмаганини ўша вақтдаёқ айтиб берган эди.

Лекин шуларнинг барини инкор этиш учун қанчалар бардош керак!

Қанчалар жасорат керак!

Робертанинг кўзларига боқиш учун қанчалар журъат керак, ахир у, Робертанинг таънага тўла, даҳшатдан саросимага тушган бегуноҳ мовий кўзларининг тик қарашларига чидаш – дунёдаги ҳамма нарсадан ҳам оғирлигини яхши биларди! У бунга чидаш бера олармикан? Унинг бардоши етармикан? Етган тақдирда ҳам бирор-бир тузук натижа чиқармикин бундан? Бу гапларни эшитгандан сўнг Сондра унга ишонармикин?..

Аммо шунга қарамай, Клайд ўзининг бу ғаразли макрини охири амалга оширадими ёки йўқми – бари бир, ҳатто Ўн иккинчи кўлга борган тақдирида ҳам, сафарга отланаётганини Сондрага албатта ёзиши керак. У ўша заҳотиёқ жўшиб-тошиб, эҳтирос билан мактуб ёзди. Айни пайтда у Робертага мутлақо ёзмасликка қарор қилди. Балки у сим қоқар:

Роберта қўшнилариникида телефон борлиги, мабодо Клайдга нимадир зарур бўлиб қолса, уни телефонга чақириши мумкинлигини айтган эди. Клайд Робертага ораларидаги ишлар ҳақида гарчи эҳтиёткорлик билан ёзган тақдирда ҳам, унга тўғридан-тўғри ўзини тутиб берган бўлади (айниқса ҳозир, Робертага уйланмайман, деб қатъий қарор қилиб турган бир вақтида), аслида энди Робертага худди шу нарса керак-ку ўзи. Буларнинг ҳаммаси учига чиққан фирромлик асли! Бу – пасткашлик ва разиллик, албатта. Лекин Роберта унга муомаласида бир оз ўзини бамаъни тутганда, Клайд ҳеч қачон бунчалик пасткашликка бориб, бундай шум режаларни тузиб юрмас эди. Аммо Сондра-чи?! Сондра! Бунинг устига Финчлиларнинг Ўн иккинчи кўлнинг чап қирғоғида ястаниб ётган поёнсиз мулкларичи... Сондра у жойлар тўғрисида шунчалик кўп ёзадики... чиндан ҳам у ерлар гўзалликда танҳо бўлса керак! Йўқ, Клайд бошқача йўл тутолмайди! У фақат шундай ўйлаб, шундай ҳаракат қилиши зарур! Ҳа, шундай!

Клайд Сондрага хат жўнатмоқчи бўлиб ўрнидан турди-да, ташқарига чиқди. Йўл-йўлакай Олбэнида нашр этиладиган кечки газетадан бирини сотиб олди; у ўзи билган кишилар ҳақида ўқиб, хаёлини бир оз чалғитмоқчи бўлган эди, бирдан биринчи саҳифадаги қуйидаги хабарга кўзи тушиб қолди:

ПАССА КЎЛИДАГИ ҚЎШ ФОЖИА.
 ТЎНКАРИЛИБ ҚОЛГАН ҚАЙИҚ ВА СУВДАГИ
 ИККИТА ШЛЯПА ПИТСФИЛД ЯҚИНИДА
 ИККИ КИШИ ҲАЛОК БЎЛГАН, ДЕГАН
 ФИКРГА ОЛИБ КЕЛАДИ.
 ҚИЗНИНГ МУРДАСИ ТОПИЛГАН. АММО
 КИМЛИГИ ҲОЗИРЧА АНИҚ ЭМАС.
 ҲАМРОҲИНИНГ МУРДАСИ ҲАЛИ ТОПИЛМАДИ.

Клайд сув спорти турларига қизиққани ва ўзи байдаркани яхши бошқаргани, сузиш ва шўнғишга уста бўлгани учун хабарни синчковлик билан ўқиб чиқди:

«Пэнкост, Массачусетс, 7 июнь. Учинчи куни Пасс кўлининг шаҳримиз шимолидан ўн тўрт чақирим ичкарасида, чамаси Питсфилддан келган номаълум бир эркак билан бир аёл сайр қилиб юрган қайиқ ағдарилиб кетган.

Сешанба куни эрталаб соат ўнларга яқин ўша йигит билан қиз бу ердаги кичик ресторанча ва қайиқ пристанининг эгаси Том Лукасга биз Питсфилддан келганмиз, деб айтишган, кейин митти бир қайиқчани ижарага олишган ва саватчаларини кўтариб, ҳойнаҳой, унга нонушталари солинган бўлса керак, кўлнинг шимол томонига қараб кетишган. Улар кеч соат еттида ҳам қайтиб келавермаганларидан сўнг, мистер Лукас ўғли Жефффри билан моторли қайиққа тушиб кўлни айланиб чиққан ва қайиқни шимолий соҳилдаги саёз бир жойда тўнкарилиб ётган ҳолида топган, аммо сайрга чиққанлардан асар ҳам йўқ эди. Ўша пайтда Лукас уларни ижара ҳақини тўлашдан бош тортиб, қочиб қолишган бўлса керак, деб ўйлаган-да, қайиқни пристанига олиб келган.

Лекин эртасига мистер Лукас балки бу ерда бахтсиз ҳодиса рўй бергандир, деб ўйлаб, ўғли Жефффри ва ёрдамчиси Фред Уолш билан бирга кўлнинг шимолий қисмини иккинчи марта айланиб чиқадди ва ниҳоят соҳил яқинидаги қамишзордан эркак ва аёлга тегишли иккита шляпа топиб олади. Ўша заҳотиёқ узун дастали чангаклар ёрдамида қидирув бошланади, ахири, вақт тушдан оққан пайтларда номаълум қизнинг мурдаси топилади, аммо у ҳамроҳи билан биргаликда қайиқ олганидан бошқа бирон маълумот йўқ. Мурда ҳоқимият

кишиларига топширилди. Эркакнинг танаси эса ҳанузгача топилмади. Ҳарқалай, ўша бахтсизлик рўй берган жойнинг баъзи ерларида чуқурлик ўттиз фут¹дан ҳам ортиб кетиши сабабли иккинчи мурданинг топилишига унчалик ишонч йўқ. Шу жойларда бундан ўн беш йилча бурун шунга ўхшаш бахтсизлик юз берганда ҳам қанча излама-синлар – мурдалар топилмаган эди.

Қиз эгнидаги камзулнинг астаридида питсфилдлик баққолнинг белгиси бор экан. Ичидаги тамғасига қараганда, туфлиси ҳам ўша шаҳарда харид қилинган. Ҳалок бўлган аёлнинг кимлигини билдирадиган бошқа бирор-бир белгиси йўқ. Тахмин қилишларича, сумкаси, агар аслида бор бўлса, қўл тубида қолиб кетган.

Қизнинг ҳамроҳи, уни кўрганларнинг айтишига қараганда, ўттиз беш ёшлардаги қорачадан келган барваста киши экан; эгнида оч яшил ранг костюм, бошига оқ ва ҳаворанг боғичли похол шляпа кийиб олган. Қизнинг ёши эса йигирма бешлардан ошмайди; бўйи – беш футу беш дюйм, оғирлиги – юз ўттиз фунт²ча келади. Сочлари узун, қуюқ қўнғир рангда, ўриб-ўриб бошига чамбарак қилиб қўйилган. Чап қўлининг ўрта бармоғига бинафша тош кўзли ингичка тилла узук тақилган. Питсфилд ва шу атрофдаги шаҳарларнинг полицияси воқеадан хабардор қилинди, аммо шу пайтгача қизнинг кимлигини аниқлаб бўлмапти».

Одатдаги бу хабар – ёзда бунақанги бахтсиз ҳодисалар тез-тез бўлиб туради – Клайдни унчалик қизиқтирмади. Қиз билан ҳамроҳининг куппа-кундузи шу бир кичик кўлда ҳалокатга учраши унга анча эриш туюлди, албатта. На қизни, на йигитни

¹ Фут – 30,479 сантиметрга баравар келадиган ўлчов. (Таржимон.)

² Фунт – қадоқ (409,5 граммга баравар). (Таржимон.)

ҳеч ким танимагани ҳам ғалати. Лекин чиндан ҳам шундай эди. Эркак шу кетганча зим-зиё йўқолган. Клайд бундан пинагини ҳам бузмади-да, газетани четга итқитди, миясини эса мутлақо бошқа фикрлар эгаллади... Олдида, ахир, жиддий муаммо турибди: бундан буён нима қилиши керак у? Сўнгра чироқни ўчириб, ҳаётининг чалкаш томонларини ўйлаган кўйи энди ўрнига ётмоқчи бўлиб турганида миясига тўсатдан бир фикр урилди (ё тавба, шайтон авраяптими ўзи? Иблис йўлдан оздиряпти шекилли?): фараз қилайлик, Клайд билан Роберта – йўқ, масалан дейлик, Сондра иккаласи (йўқ, Сондра сузишга уста, ўзи ҳам уста), шундай қилиб, Клайд билан Роберта қайиқда сузиб боришаётганда қайиқ тўнкарилиб кетади... айни ҳозирги пайтда, ишқал муаммолар васвасаси Клайдни тинимсиз азобга солаётган бир вақтда шу ҳодиса рўй берса-я. Бундан зўрроқ йўли топилмайди-ку, ахир! Чорасиз, ростакам ҳалокатли муаммонинг осонгина ечилишини қаранг-а! Лекин... тўхта!.. Шошма! Одам боласи ўз виждонига хиёнат қилмаса, чиндан ҳам даҳшатли, ёвуз жиноят йўлига кирмаса, ҳар қандай мушкул муаммони, ҳаттоки хаёлан шу тарзда ҳал этишга ҳам журъат этмайди-ку? Йўқ, бу ҳақда ақалли ўйлашнинг ўзи ҳам гуноҳ. Бу бемаънилик... ўта бемаънилик, даҳшат! Аммо боринг ана, бахтсиз ҳодиса натижасида муқаррар, шундай фалокат юз берди, дейлик. Унда Роберта туфайли туғилган барча ташвишларидан халос бўларди у... Кейин ундан қўрқиб ҳам ўтирмасди. Сондрани ўйлаганда юраги ўйнаб, ваҳимага ҳам тушмасди. Ҳозирги бутун азоблари тинчгина, ҳамирдан қил суғургандек, шовқинсиз, жанжалсиз ҳал бўларди-қоларди, олдинда эса фақат шодлик, умрбод шодлик унинг ҳамроҳига айланарди! Бехос оёқ остидан шу фалокат чиққандек бўларди-ю, кейин ёрқин истиқбол Клайдга қучоқ очарди.

Лекин бу ҳақда ва Роберта ҳақида ўйлашнинг ўзи (нега Клайднинг мияси бунини нуқул Робертага боғлаётганикин?), шу фикрнинг ўзи даҳшат, Клайд бунини дилига яқинлаштирмаслиги керак, мутлақо яқинлаштирмаслиги керак. Ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон! Яқинлаштирмаслиги керак! Бу қабиҳлик! Даҳшат! Ахир, бу қотилликни ўйлаш деган сўзку! Қотилликни ўйлаш?! Лекин у Роберта хатидан ва унга бутунлай зид мазмундаги Сондра хатидан шу қадар саросимага тушган эдики... Сондра ўзи ва унинг ҳаётини шу қадар мафтункор ва жозибали бўёқларда тасвирлаган эдики, Клайд ўлим даҳшатини сезса ҳам бутун азобларидан осонгина ва энг ичида қутултирувчи бу фикрга қаттиқ ёпишиб олди. Қани энди шундай ҳодиса Роберта иккаласи билан юз берса эди. Очигини айтганда, у жиноят қилишни ўйлаётгани йўқ-ку, ахир. У шунчаки, мабодо шунақанги бахтсиз ҳодиса рўй берса, унда нима бўлар эди, деб ўйлаётгани, холос... Ҳа, мабодо шундай ҳодиса рўй берганда эди!

Бу – ёвуз, машъум фикр, уни ўзига яқин йўлатмаслиги керак, сира яқин йўлатмаслиги керак. Йўлатмаслиги керак. Аммо шунга қарамай... шунга қарамай... У сузишга жуда ҳам уста, у, оралиқ ҳар қанча кенг бўлганда ҳам, сўзсиз, соҳилга сузиб чиқа олади. Роберта бўлса, Клайд бунини биледи (ўтган ёзда улар кўлма-кўл юриб, чўмилишган эди), сузолмайди. Демак, унда... унда... Ҳа, унда, агар у Робертага ёрдам бермаса...

У соат тўққиз ярим билан ўн орасида, ўз хонасида, қоронғида ўтирганча шу ҳақда бош қотирар экан, уни ғалати, беҳаловат бир ҳиссиёт қамраб олган эди, бутун вужуди, соч толаларидан тортиб бармоғининг учигача жимирлаб-жимирлаб кетарди. Ҳайратга солувчи ва даҳшатли фикр! Уни, келиб-келиб яна мана бу газета эсига солгани қизиқ. Тавба, ажабланарли эмасми, ахир? Бунинг устига

Сондрани излаб борадиган жойларида, унинг ёзишчи, ҳамма ёқ кўллардан иборат эмиш, жуда кўп, ўнлаб кўллар бор эмиш... Роберта бўлса олис сафарларни, гарчи ўзи сузишни билмаса ҳам, сузишни билмаса ҳам... сузишни билмаса ҳам... қайиқда сайр этишни яхши кўради. Хулласи калом, улар, жуда бўлмаганда Клайднинг ўзи ўша ёққа, кўллар томонга жўнайди... Улар биргалашиб – у билан Роберта иккови – кетишлари ҳам мумкин, хўш, бунинг нимаси ёмон? Нимаси ёмон? Ахир, жўнаб кетишга қатъий қарор қилган пайтларида тўртинчи июль¹ куни қаёққадир шаҳар ташқарисига томошага чиқиш ҳақида ҳам гаплашган эдилар-ку.

Йўқ, йўқ! У Робертадан қутулишни ҳар қанча истаган тақдирда ҳам унинг ўлими ҳақида ўйлашининг ўзи қанчалар разил, даҳшатли ва тубанликдир! Йўқ, у бундай фикрларни бир дақиқага бўлса ҳам дилига яқинлаштирмаслиги керак. Бу ҳаддан ташқари ярамаслик, ҳаддан ташқари пасткашлик, ҳаддан ташқари тошбағирлик-ку! Ёвуз фикр бу! Миясига қай гўрдан кела қолди ўзи, шуниси қизиқ! Тагин айни ҳозир, ҳозир, Роберта ўзи билан бирга кетишни ундан талаб қилаётган бир пайтда-я.

Ўлим!

Қотиллик!

Робертанинг ўлими!

Аmmo Робертадан, бемаъничилик, қайсарлик, ўжарлик билан айтилаётган ўша талаблардан қандай бўлмасин қутулиши ҳам керак-ку. Шу ҳақда ўйлашининг ўзидаёқ Клайднинг бутун вужуди музлаб, терга ботиб кетди. Келиб-келиб, яна, ҳозир-а... ҳозир... Лекин бундай фикрни у бошидан чиқариб ташлаши керак! Бунинг устига – туғилмаган боланинг ҳам қотили бўлиш!

¹ 4 июль – Қўшма Штатлар мустақиллиги эълон қилинганлиги шарафига ўтказиладиган байрам куни (1776 й.).

Аmmo бундай бўлишини олдиндан ким билибди, ахир?! Бироқ шунда ҳам... ёз пайтида озмунча одам сувга чўкмайдими... йигитлар, қизлар... эркаклар, аёллар... ҳали у ерда, ҳали бу ерда... ҳамма жойда. Бундай воқеа Роберта билан рўй беришини у хаёлига ҳам келтирмаяпти, албатта. Айниқса, ҳозир.

Ҳар қанча ёмон бўлганда ҳам, у бунчалик тубанликка бормаиди. Йўқ. Йўқ. Бунчалик эмас у. Шу фикрни ўйлашининг ўзидаёқ юзи ва қўлларини совуқ тер босди. Бунчалик эмас у. Инсофли, оқил одамлар бундай ваҳшийликни ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмайди. Энди у ҳам шундай қилади... мана шу дақиқадан бошлабоқ...

Миясини шундай қўрқинчли фикрлар эгаллаганидан ўзидан-ўзи жуда ранжиб кетди, ўрнидан туриб чироқни ёқди ва қўлидан келганча хотиржам бўлишга уриниб, газетадаги мақолани яна қайта ўқиб чиқди, гўё шу билан газета эсига солган фикрни бутунлай қораламоқчидай ва рад этмоқчидай бўлар эди. Кейин кийинди-да, ташқарига йўл олди: у Уикиги авеню ва Сентрал авеню бўйлаб, сўнгра Эманзор бўйлаб сайр этиб чиқди ва айланма йўл орқали яна Сентрал авенюга ўтди ва шу пайтда худди туну кун уни хавотирга солаётган васваса ва босириқлардан қочиб бораётгандай ҳис қиларди у ўзини. Орадан сал вақт ўтгач, Клайд бардамроқ, хотиржамроқ, эс-ҳушлироқ, одамийроқ қиёфага киргандек бўлди-да – буни ўзи шу қадар истардики! – маккор ва даҳшатли васвасадан чиндан ҳам қутулдим, деган туйғуда уйга кириб, ўрнига ётди. Энди у ҳеч қачон бу нарсаларни ўйламаслиги керак! У энди бу нарсаларни ўйламаслиги керак. Ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон бу нарсаларни ўйламаслиги керак... ҳеч қачон...

Сал ўтмаёқ Клайдни нотинч, беҳаловат уйқу ўз оғушига олди, тушида қора бир қутурган итни кўр-

ди, ит ҳадеб уни қопмоқчи бўлаётган эмиш. Клайд махлуқнинг айри тишларидан қутуламан деганча талвасага тушиб уйғониб кетди, кейин яна кўзи илинди. Бу гал у ё қалин ўрмондами, ё гор ичидами, ё тевараги баланд-баланд тоғлар билан ўралган чуқур, тор даранинг тубидами – ишқилиб, ўзини аллақандай ғалати бир зимистон жойда кўрди; шу ердан тепага қараб бир сўқмоқ кетган эмиш, аввалига яққол кўриниб турган бу сўқмоқ қанча узоқлашган сари шунча ингичкалашиб, аниқ билинмай, ниҳоят бутунлай кўздан йўқолибди. Шунда Клайд келган йўлидан изига қайтмоқчи бўлиб, орқасига ўтирилган экан, баҳайбат илон уясига кўзи тушибди; биринчи қараганда у кўпроқ бир уюм хашак тўпига ўхшармиш, аммо устида йигирматача илон бош чайқатиб, қўш найзали тилларини чиқарганча ва кўзларини чақнатганча даҳшат солиб турган эмиш. Шунда Клайд жонҳолатда яна орқасига бурилган экан, шохли бир махлуқ йўлини тўсиб чиқибди, унинг оғирлигидан ҳар қадам ташлаганда буталар қарсиллаб синар эмиш; Клайд ҳаддан ташқари ташвишли бир овоз билан қичқириб юборганча даҳшат ичида уйғониб кетди-ю, эрталабгача бошқа ухлаёлмади.

XLIII БОБ

Клайд гангиб қолгани устига кўлда бўлган воқеа тўғрисидаги фикр тобора миясига қаттиқ ўрнашиб борар, уни қанчалик унутишга урингани билан, бари бир, бу иш кўлидан келмасди. Унинг хийла беқарор фаҳму фаросати шахсий ташвишлари туфайли ларзага келди ва сал бўлмаса ишдан чиқаёзди, у тасодифан ўзининг шу ташвишларини икки кишининг Пасс кўлида қандайдир беозоргина йўқ бўлиб кетиши билан таққослаганида, айни

шу пайтда мясида юқоридаги фикрлар туғилди. Қизнинг мурдаси топилибди-ю – қандайдир ғалати куч уни доим шу ҳақда ўйлашга мажбур этарди, – аммо эркак кишиники йўқ. Бу қизиқ тафсилотда гўё қандайдир бир сирли маъно яширингандай эди; беихтиёр Клайд, эркак киши балки сувга чўкмагандир, деб ўйларди. Ўзига ёқмайдиган кишиларни йўқ қилиш ниятида кетига тушадиган жоҳил одамлар камми ахир, эҳтимол, ўша йигит ҳам қиздан қутулмоқчи бўлиб уни кўлга бошлаб боргандир? Бу – шайтон йўздан оздирган одамнинг иши албатта, лекин ҳарқалай, ўшанда ҳаммаси худди хакирдан қил суғургандек бажарилган.

Бироқ Клайд ҳам шу ёвуз режага лаққа тушиб, Робертани шундай қилиши керакми... асло! Лекин унинг аҳволи соат сайин мушкуллашиб, боши берк кўчага кириб бораётган эди: деярли ҳар кун ё Робертдан мактуб, ё Сондрадан қисқагина хат келар, улар орасидаги бойлик ва қашшоқлик, ўйин-қулги ва афсус-надомат ҳамда умидсизлик ўртасидаги зидлик Клайдни яна ва яна ҳайратга солаётган эди.

Робертага у хат ёзмаликка қарор қилди, аммо ора-сира телефонда гаплашиб турар, шунда ҳам арзимаган бир-икки оғиз луқмадан нари ўтмас эди. Хўш, у қандай кун кечиряпти? Робертанинг ўз уйида, қишлоқда яшаётганидан Клайд ниҳоятда хурсанд, ҳозирги об-ҳавода фабрикада юргандан кўра қишлоқда бўлиш анча дурустроқдир. Ликургда ҳамма ишлар жойида, худди бурунгидай кетаётган эди-ю, бирдан буюртмалар кўпайди-қўйди, натижада кейинги икки кун ичида жуда кўп ишлашга тўғри келди. Клайднинг хаёли эрта-ю кеч ўша мўлжалланган, Робертанинг ўзи ҳам биладиган пулни йиғишда, бошқа сира ташвиши йўқ, шунинг учун у ҳам ташвиш тортмаслиги керак. Иши бошидан ошиб ётганлиги туфайли Клайд

Робертага хат ёзолмади, бундан кейин ҳам ёзол-маса керак, чунки майда-чуйда юмушлардан қўли тегмаяпти. Лекин у Робертани ўз жойида кўрмай соғиняпти, яқин ўрталарда яна дийдорлашишдан умидвор. Агарда Роберта ўзи маъқул қилиб айтаётгандек, Клайдни кўрмоқчи бўлса, марҳамат, келиши мумкин. Аммо атайлаб ҳозир кўришиш шартми? Клайднинг бош қашишга ҳам вақти йўқ, Роберта билан хийла кейинроқ учрашишни мўлжаллаб қўйган эди.

Аммо шу пайтнинг ўзида у Сондрага, янаги шанбага бориб қолиши мумкинлигини, ўн саккизинчида эса, албатта етиб бориши ва у билан кўришишини баён қилиб хат ёзди.

У Сондрага нисбатан қўзғалган ҳирсини тизгинлай олмас, гап Робертага келиб тақалганда эса ҳақиқатга тик қараёлмас, шу йўсинда ўзини ўзи алдар ва ўзига ўзи чап берарди; натижада у ўзи орзиқиб кутган Сондра висолига ҳам етишди, бунинг устига у шундай бир ҳолатда етишдики, буни етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди.

Клайд Ўн иккинчи кўлдаги меҳмонхона айвонига туташиб кетган Шейрон бандаргоҳига етиб келганда, уни Бертина акаси билан ва Сондра кутиб олишди: улар бу ерга Клайдни олиб кетиш учун Чейн дарёси орқали Грэнтнинг моторли қайи-гига тушиб келишибди. Дарёда кўм-кўк зилол сув қалқир эди. Қорамтир, учи найза баланд арчалар қирғоқ бўйлаб худди қоровуллардек саф тортган. Фарбий соҳил ёқалаб сувда чўзилган қорамтир соялар лашкарининг ҳам кети кўринмайди; дарахтларнинг акси худди ойнадагидек аниқ. Қаёққа қарасанг, чорбоғларда катта ва кичик, оппоқ, пушти ранг, яшил ва долчин ранг уйлар, қайиқ шийпончалари, шундоққина сувга туташиб кетган чўмилиш жойлари. Баъзи ерларда, масалан,

Крэнстонлар ёки Финчлиларникига ўхшаш ҳашаматли чорбоғлар олдида эса нафис бандаргоҳлар ҳам бор. Яшил ва ҳаворанг байдаркалар, моторли қайиқлар. Қарағайзор бурунидаги ўйин-қулги аримайдиган ёруғ меҳмонхона ва чўмилиш жойида эса шаҳардан барвақт чиққан тўп-тўп башанг кишилар йиғилишган. Шундан кейин Крэнстонлар чорбоғидаги қайиқ шийпончаси ва бандаргоҳ кўзга ташланди. Иккита овчарка – Бертинанинг янги эрмаклари – қирғоқда гиёҳ устида ётганча, ҳойнаҳой, эгасининг қайтиб келишини кутаётган бўлса керак. Крэнстонлар чорбоққа олиб келган олти хизматкорнинг бири Жон фақат Клайднинг қўлидан биттагина жомадони, теннис ракеткаси ва гольф таёқчасини олиш учунгина шу ерда кутиб турар эди. Номукамал, аммо нафис меъморилик услубида қурилган баҳайбат уй, унга олиб борувчи қип-қизил ёронгуларга бурканган йўлка, шундоққина кўлга қараб чирой очган, тўқима мебеллар билан жиҳозланган каттакон пешайвон, автомобиллар ва пешайвонда дам олаётган ёки боғда сайр қилиб юрган спорт кийимидаги саноқсиз меҳмонларни кўрганда, айниқса, Клайднинг оғзи очилиб қолди.

Бертинанинг буйруғига биноан Жон Клайдни деразалари кўлга қараган каттакон хонага бошлаб кирди, у Сондра, Бертина ва Грэнтлар билан теннис ўйнаши учун энди душда чўмилиб, кийимларини алмаштириб олиши мумкин. Фақат Клайдни деб Крэнстонларникига келган Сондра, тушдан кейин сиз Бертина ва Грэнт билан «Казино»га боринг, ўшанда бу ерлик ҳамма дўстларимизга таништирамиз, деб тушунтира бошлади Клайдга. У ерда танца бўлади. Агар Клайд истаса, эртага эрталаб барвақт, биринчи нонуштагача Сондра, Бертина ва Стюарт билан бирга, от миниб, ажойиб ўрмон сўқмоғидан юриб, Илҳом бурунига боришлари

мумкин, кўл энг зўр кўринадиган ер ҳам ўша жой. Бир-иккита шу сингари сўқмоқдан бўлак яқин қирқ миль атрофида ўрмонда биронта ҳам йўл йўқлигини Клайдга айтиб беришди. Компассиз ёки йўл кўрсатувчисиз юрилса, адашиб қолиш, ҳатто ўлиб кетиш ҳам мумкин, бу ўрмонни билмаган одамга қаёққа қараб бориш ўтакетган амри маҳол иш. Нонуштадан ва чўмилишдан кейин эса у, Бертина ва Нина Темпллар Клайдга ўзларининг янги санъатларини – Сондранинг аквапланида учишни намойиш қиладилар. Кейин иккинчи нонуштага ўтиришади, теннис ёки гольфдан сўнг «Казино»га бориб чой ичишади. Тушдан кейин эса Утикадаги Брукшоулар чорбоғида танца бўлади...

Клайд келганига бир соат бўлгандан кейин бу ерда шанба ва якшанба кунлари бўш вақти бўлмаслигини кўрди. Лекин у, айти пайтда, Сондра билан фақат саноқди дақиқалардагина эмас, балки соатлаб бирга бўла олишини ҳам биларди, мана шу дилрабо кунларда у Сондра табиатининг ҳали ўзи билмаган янги қирраларини кўриб, синаб олиши мумкин! Роберта ҳақидаги дилни кемирувчи оғир фикрларига қарама-қарши ўлароқ – жуда бўлмаса шу кунларда уларни эсламасликка ҳақи бор-ку, ахир! – у ўзини худди жаннатга тушиб қолгандай ҳис этди.

Чиндан ҳам илгари Клайдга Сондра ҳеч қачон Крэнстонлар теннис майдончасидагидек қувноқ, соҳибжамол ва бахтиёр кўринмаган эди, Сондра ҳозир оппоқ калта кўйлакча ва калта юпкада – теннис костюмида, сочларини эса сариқ ва яшил ранг хол-хол гулли шоҳи дуррача билан ўраб олган эди. Оҳ, унинг табассумлари! Клайдга бирдан нигоҳ ташлаб қолганда кулиб турган кўзларининг ўйноқлаши олам-олам нарсаларни ваъда қилар эди! У ракеткани баланд кўтарганча бошини орқага ташлаб, тўхтовсиз кулиб, бамисоли қушдай, оёқлари

ерга тегар-тегмас, у ёқдан-бу ёққа учарди. «Ўн беш – love», «Ўттиз – love», «Қирқ – love» деб қичқирганда эса у ҳар гал атайлаб «love»¹ сўзини маънодор қилиб айтар, ана шунда Клайднинг юраги бахт ва ғамдан баттар безиллаб кетарди: чунки у эркин бўлганда эди, Сондра ўзиники бўларди, эҳтимол. Аммо улар орасида Клайд қазиган тубсиз чоҳ ётарди!

Баланд арчалар билан кумуш рангда жилвала-наётган кўл суви оралиғидаги ям-яшил ўтлоққа чарақлаган қуёш биллур нурларини тўкмоқда. Кўлнинг ҳамма ерида кўзни қамаштирувчи оқ елканли қайиқлар сузиб юрар, қуёш нурларида товланаётган оқ, яшил, сариқ доғлар – байдаркаларда эса жуфт бўлиб олган ошиқ-маъшуқлар сайр қилишарди. Ёз фасли, бекорчилик, ҳарорат, гўзал манзаралар, осойишталик, нафосат, севги – Клайд ўтган ёзда бир ўзи якка мохов бўлиб юрган пайтида орзу қилган тилакларининг ҳаммаси мана ҳозир муҳайё бўлган эди.

Баъзи дақиқаларда Клайднинг назарида севинчдан, гўё, кўзи тиниб кетаётгандек бўларди: худди бутун истаклари бир йўла ушалаётгандай, ҳаммасини қўлида нақд ушлаб тургандай... Айрим дақиқаларда эса (Роберта тўғрисидаги фикрлар тўсатдан аччиқ изғириндек бутун вужудини қақшатиб ўтарди) гўзаллик, севги ва бахт ҳақидаги орзулари учун ҳозир унга таҳдид солаётган хавфдан кўра ҳам аламлироқ, даҳшатлироқ, фалокатлироқ нарса йўқлигини тушунарди. Кўл ва чўкиб кетган икки одам хусусидаги юракни орзиқтириб юборувчи газета хабари-чи... Ўзининг аҳмоқона ёвуз ниятини бир четга йиғиштириб қўйганда, бирор-икки ҳафтаалардан сўнг, нари борса уч ҳафта ўтгач, у эҳтимол ҳамма нарсадан умрбод воз кечар... У бирдан ўзига келиб, коптокни ўтказиб юборгани, жуда

¹ Сўз ўйини: «love» – муҳаббат; теннис ўйини ҳисобида эса «ноль» дегани.

ёмон ўйнаётганини сезар, шу сабабли Бертина, Сондра ёки Грэнт унга: «Клайд, нимани ўйлаяпсиз?» деб қичқирди. Ўзига эрк берганда-ю, у қалбининг энг чуқур зимистонидан туриб: «Роберта ҳақида ўйлаяпман», деб жавоб берган бўларди.

Кейин, кечқурун Брукшоуларникида Сондра, Бертиналарнинг дўстлари ва шу сингари башанг кийинган ёш-яланглар тўпланишди. Клайд танца майдончасида Сондра билан яна қайта кўришди; Сондра йиғилганларнинг барчасига, айниқса ўз ота-онасига тўхтовсиз жилмайиб боқар, худди Клайдни ҳали кўрмагандек, ҳатто келганидан беҳабардек тутарди ўзини.

– Вой, сиз шу ердамисиз? Жуда соз-ку! Крэнстонларникидамисиз? Бирам яхшики, шундоқ ёнгинамизда экансиз. Демак, тез-тез учрашиб турарканмиз-да, шундайми? Эртага эрталаб, соат еттиларда отда сайр қилишни истамайсизми? Биз Бертина иккаламиз деярли ҳар куни от чопамиз. Агар бирор нарса халақит бермаса, эртага боғ сайрига борамиз, байдарка ва моторли қайиқларда томошага чиқамиз. От чопишни унчалик билмаслигингиздан куйинманг, ҳечқиси йўқ, Бертинага айтаман, сизга Жеррини беришади: у қўйдек ювош от. Энгил-бош хусусида ҳам қайғурманг: Грэнтнинг бисотида жуда кўп ҳар балоси бор. Биринчи икки танцани бошқалар билан тушаман, учинчи танца пайтида, агар истасангиз, ташқарига чиқиб гаплашиб ўтирамыз, балконда ажойиб бир хилват жой бор.

Сондра маъноли кўз қараш билан: «Биз бир-биримизни тушунамыз...» деди-ю, нари кетди.

Кейин Сондра ўша қоронғи хилват жойда, ўзга кўзлардан пинҳона тарзда Клайднинг бошини ўз бағрига босди-ю, бутун вужуди билан берилиб лабидан ўпди. Кеча тугашидан аввал улар билинтирмайгина ташқарига чиқиб кетишди ва ой нурида

соҳил четидаги ёлғизоёқ йўлда бир-бирларини қучиб олганларича айланиб юришди.

Клайднинг шу ердалигидан Сондра шунақанги хурсандки! Сондра шунақанги соғинган эдики!

Сондра Клайднинг сочларини силар, у бўлса Сондрани тўхтовсиз ўпарди, шу он бирдан ораларини бузиб турган мудҳиш соя Клайднинг ёдига тушиб кетди-ю, Сондрани жон-жаҳди билан қучиб, маҳкам бағрига босди.

– Менинг жонгинам, ширин қизалоғим, – деб хитоб қилди у, гўзалларнинг гўзали, менинг Сондрагинам! Қани энди сизни қандай севишимни билсангиз эди, агар билсангиз эди! Сизга ҳаммасини гапириб беришни шунчалар истардимки! Шунчалар истардимки...

Лекин у на ҳозир, на кейин, ҳеч қачон гапириб беролмас эди. Ахир, қандай қилиб Сондрага ораларида турган мудҳиш тўсиқ ҳақида оғиз очсин? Сондра олган тарбия, унинг севги ва никоҳ тўғрисида ўзи маъқул деб ҳисоблаган тушунчалари шундай эдики, у Клайдни ҳеч қачон тушунолмас, уни дилдан севишидан қатъи назар, севгига бунчалнк кўп қурбон берилишига сира рози бўлолмас эди. У, кўзларида мислсиз даҳшат акс этганча, ўша заҳотиёқ Клайддан юз ўгириб, уни ташлаб кетган бўларди!

Аммо ҳозир, Клайд уни ўз бағрига маҳкам босиб турган бир пайтда, Сондра унинг кўзларига, – ой нурида улар бир чақнаб кетди – рангсиз, серташвиш юзига тикилган кўйи, хитоб қилди:

– Сондрани Клайд шунчалик севадими-а? Ёқимтой болакайим! Сондра ҳам уни севади, жуда-ям, жудаям севади! – Клайднинг бошини кафтлари орасига олди-да, кетма-кет ва берилиб ўпа бошлади. – Сондра ҳам ўз Клайдидан ҳеч қачон юз ўгирмайди. Ҳеч қачон. Ҳали шошмай туринг, кўрасиз. Бундан буёнига агар осмон узилиб ерга тушганда ҳам – бари бир! Балки қийин бўлар, лекин Сондра

Клайдни ташламайди! – Кейин бирдан ишбилармон оҳангда, бу аини Сондрага хос хусусият эди, мурожаат этди: – Энди-чи, биз ҳозироқ жўнашимиз керак. Йўқ, бошқа битта ҳам ўпич берилмайди. Йўқ, йўқ! Сондра йўқ дедими, вассалом. Қўлга тушиб қолишимиз мумкин.

У сочларини тузатиб олгач, Клайднинг қўлидан ушлади-да, орқага – уйга қараб чопа кетди, аини вақтида қайтишган экан, рўпарадан Сондрани қидириб юрган Палмер Тэрстонга дуч келиб қолишди.

Янаги кун эрталаб соат еттиларда, Сондра ваъда қилганидек, Илҳом бурунига сафарга чиқилди. Бертина билан Сондра чавандозларга ўхшаб кип-қизил рангли калта қўйлак, оқ шолвор ва амиркон этик кийиб олишган, сочлари шамолда тўзғиб-тўзғиб борар эди; улар ҳар замон-ҳар замонда от чоптириб, узоққа кетиб қолишар, кейин яна Клайднинг олдига қайтишарди ёки Сондра шўх овози билан Клайдга: қани қувиб етинг-чи, деб қичқирарди; ёки Бертина иккови қаҳқаҳа отиб, важир-вужур гаплашиб, Клайд кўрмаслиги учун олис-олисларга, олдинга кетиб қолишар, худди ўрмон қасрининг пинҳона бир манзигоҳига яширингандай дарахтлар орасига беркиниб олишарди. Бертина шу кунларда Сондранинг ақлу ҳуши Клайд бўлиб қолганини пайқаб, агар оилавий жанжаллар халақит бермаса, бу иш тўй билан тугайди, деб ўйлай бошлади, шу сабабли қувончи ичига сифмаганидан оғзи қулоғида эди; у сиполик билан Клайдни ўзлариникида бутун ёз бўйи қолишга ундар, мен сизларга ҳомийлик қиламан, шунда ҳеч ким ўчакишолмайди, деб ваъда ҳам берарди. Клайд бўлса бундан гоҳ ҳаяжонга тушиб энтикар, гоҳ беихтиёр газета хабари эсига солган фикрни хотирлаб, бирдан хомушланиб қолар, бу фикрдан мутлақо қутулмоқ мақсадида ўзи билан ўзи олишарди.

Бир ерга келганда Сондра тикка сўқмоққа бурилди-ю, йўсин ва тошлар орасидан қайнаб чиққан булоққа томон туша бошлади.

– Клайд, бу ёққа! – деб чақирди у. – Жерри йўлни билади, мункимайди. Сув ичинг! Айтишларича, кимки шу булоқдан сув ичса, яна шу ерга қайтиб келармиш.

Клайд эгардан сакраб тушганда:

– Мен сизга бир нарсани айтмоқчиман, – деди Сондра. – Кеча кечқурун сиз шу ердалигингизни эшитганда, ойимнинг ранги қув ўчиб кетганини бир кўрсангиз эди! Сизни таклиф этишни мен илтимос қилганимдан, ҳойнаҳой, у беҳабар, албатта, у сизни Бертина яхши кўриб қолгандир, деб ўйлаяпти. Мен шундай, деб ишонтирдим ойимни. Лекин шунга қарамай, сезишимча, мени ҳам бу ишга аралашган, деб шубҳаланяпти, бу эса унга сираям ёқмайди. Аммо у бошқа ҳеч нарса демади. Мен ҳозир Бертина билан гаплашдим, у қўлидан келганча менга ёрдам бермоқчи. Лекин биз эҳтиёт бўлишимиз керак, чунки ойимнинг шубҳаси кўпаяверса, билмадим, нима машмаша кўрсатиб юбориши мумкин у... сиз билан учраштирмаслик учун, балки ўша қуниёқ бу ердан кетамиз, деб қолар. Биласизми, ойим ўзига ёқмаган одамни яхши кўриб қолишим мумкинлигини ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди. Сиз ойимни билмайсиз ҳали. У Стюартни ҳам худди шундай тутади. Лекин сиз эҳтиёт бўлинг, ўзингизни менга нисбатан гўё парвойи фалак кўрсатаверинг, айниқса атрофимизда бизга яқин одамлар турган пайтда, ана шунда, менимча, ойим ҳеч нарса қилмаса керак, жуда бўлмаганда, ҳозирча. Кейин, кузда Ликурга қайтиб борганимизда ҳаммаси бошқача бўлади. Мен унда балоғатга етаман, ана ўшанда кўрамиз! Мен шу пайтгача ҳечам севмагандим, аммо сизни севаман

ва сиздан сира воз кечмайман, гап шу, вассалом. Кечишни истамайман. Улар ҳар қанча уринганларида ҳам мени мажбур қилишолмайди!

Сондра ер тепинди. Отлар ювошлик билан атрофга бефарқ мўлтайиб туришарди. Сондранинг иккинчи марта ўз туйғуларини бу даражада ошкора изҳор этганидан қойил қолган ва таажжубга тушган Клайд бу ердан қочиш ва никоҳдан ўтиш, демакки, иккалаларига хавф солаётган ҳалокатдан қутулишни Сондрага таклиф этиш пайти келди, деган фикрдан ичи қизиб, унга хавотир ва умид билан тикилиб қолди. Эҳтимол, Сондра Клайднинг бу томдан тараша тушгандек таклифидан ўзини йўқотиб, кўнмаслиги, бирдан тўнини тескари кийиб олиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, Клайднинг пули йўқ, мабодо Сондра кўнган тақдирда ҳам қаёққа қараб кетишларини у аниқ билмайди. Лекин, балки Сондрадан бирор-бир маслаҳат чиқар? Борди-ю, у кўнадиган бўлса, хўш, Клайдга ёрдам берса нима қилибди? Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-ку, ахир. Ҳар қандай шароитда ҳам Клайд гапириши шарт, кейин нима бўлса – омадидан! Клайд гап бошлади:

– Сондра, азизим, шу оннинг ўзидаёқ мен билан кетсангиз нима қилади-а? Ҳали кузгача ким бору, ким йўқ, мен сизни жонимдан севаман! Келинг, кетайлик? Бари бир, ойингиз ҳечам сизни менга бермайди. Агар иккаламиз ҳозир кетсакми, унда қўлидан ҳеч нарса келмайди. Кейин, уч-тўрт ойдан сўнг ойингизга хат ёзасиз, у гуноҳингиздан кечиб юборади. Кета қолайлик, Сондра?

Ялиниб-ёлворганидан унинг овози қалтирар, кўзлари эса, агар илтимосимни рад этса, кейин нима қиламан, деган маънода жавдираб, саросимага тушган эди.

Чуқур ҳаяжон оқибатида туғилган ундаги титроқ Сондрага ҳам ўтди, шу сабабли у ҳадеганда жавоб

беравермади; уни Клайднинг таклифи хафа қилиши у ёқда турсин, қайтага – у ўзи Клайдда шунчалик бегоҳат ва бебошвоқ иштиёқ уйғота олганини ўйлаб, чинакамига ҳаяжонга тушди ва мамнун бўлиб қўйди. Клайд Сондра ёққан, лекин Сондранинг ўзи унчалик ҳис этолмаган оловда шунчалик куйиб-ёнар, шунчалик талпинар эдики... У ҳали ҳеч вақт бунчалик оташин севгига дуч келмаганди. Ахир, у билан... махфий тарзда... Канадагами, Нью-Йоркками ёки Бостонгами – майли, қаёққадир қочиб кетиш мўъжиза эмасми! Агар қочиб кетса, бу ерда, Лиқургда, Олбэнида, Утикада росаям машмаша кўтариларди-да! Сондранинг уйида, қолаверса, ҳамма ерда қанча-қанча миш-миш, қанча-қанча оҳ-воҳлар авжга чиққан бўларди! Хоҳласа-хоҳламаса Гилберт ҳам, Сондранинг онаси билан отаси қойил қолиб юрадиган бутун Грифитслар ҳам унга қариндош-уруғ бўлишарди-қўйишарди.

Сондрани бир дақиқа Клайднинг илтимосини бажо келтириб: у билан бирга қочиб кетиш, ўзининг ўтли, чинакам муҳаббатини кўнгилочар эрмакка айлантириш истаги ва ҳатто қатъий қарори қамраб олди, унинг кўзларидан айни шу маънони уқиш мумкин эди. Агар иккови турмуш қурса, ота-онаси нима қила оларди, хўш? Наҳотки, Клайд унга ва оиласига муносиб бўлмаса? Гарчи ҳамма таниш-билишлари Клайдни Финчлиларники сингари пули йўқлиги сабаблигина йўлини тополмай юрган бир лапашанг, деб ўйласалар ҳам, бари бир Клайд унга муносиб. Боши омон бўлса, пул ҳам топади ҳали... Унга уйланса бас, Гил Грифитс ўз отаси фабрикасида яхши лавозимни эгаллаганидек, Клайд ҳам отасининг корхонасида сердаромад бирор жойга эга чиқади.

Лекин орадан бир дақиқа ўтгач, бу ердаги турмуш шу алпозда кетаверса, ёз мавсумининг боши-

даноқ ота-онасини оғир аҳволга солиб қўйиши ва натижада бутун режаларининг бузилиб кетиши ҳамда онасининг ниҳоятда ғазабнок бўлишини ўйлаб (балки, у қизининг ҳали балоғатга етмаганини баҳона қилиб, никоҳни бузишни ҳам талаб қилар), Сондранинг ақли ҳуши ўзига келди ва кўзларидаги шўх жилва ўрнини одатдаги жиддий ишбилармонлиги эгаллади. Хўш, аслида, яна уч-тўрт ой сабр қилинса, нима бўлибди! Ана ўшанда қайтага Клайд Сондрадан айрилмайди, қочиб кетиш эса уларни умрбод ҳижрон азобига дучор этиши мумкин.

Шу сабабли Сондра эркаланганнамо, аммо қатъият билан бош чайқади ва Клайд ўзининг мағлубиятга учраганини – чидаб бўлмас, тузалиб бўлмас даражада ғоят оғир мағлубиятга учраганини тушунди. Сондра у билан кетмайди! Демак, у тамом бўлди... тамом... эҳтимол, у Сондрани бутун умрга йўқотгандир. Э, парвардигор! Сондранинг нигоҳида эса меҳрибонлик балқиди, ваҳоланки, у ҳар қанча изтироб ва ҳаяжонга тушган онларида ҳам бунчалик меҳрибон бўлолмас эди.

– Азизим, бу ишни қилмаслигимиз керак, деб ўйламаганимда гапингга кўнармидим, – деди у. – Ўтакетган шошма-шошарлик бўлади бу. Ойим ҳозирча ҳеч нарса демаяпти, бунга биламан. Бундан ташқари, унинг режалари шунчалик кўпки, ёзни нуқул меҳмон кутиш билан ўтказмоқчи – шуларнинг ҳаммаси мен учун. Ойим анавинга... илтифотли бўлишимни истайди, ким ҳақда гапираётганимни сиз биласиз. Ҳечқиси йўқ, истаса истайверсин, лекин бу бизга зиғирча ҳам халал бермайди; мен ойимни ташвиш-шубҳага соладиган бирор нарса қилмайман, – Сондра унга далда бергансимон жилмайиб қўйди. – Лекин сиз тез-тез, истган вақтингизда келаверишингиз мумкин бу ерга, ойимда ҳам, бошқа бирон кишида ҳам асло шубҳа

туғилмайди, чунки сиз бизнинг меҳмонимиз бўлмайсиз-ку, ахир, тушуняпсизми? Мен ҳаммасини Бертина билан келишиб олдим. Хуллас, биз бутун ёз бўйи, хоҳлаганимизча кўришишимиз мумкин, тушуняпсизми? Кузда Ликургга қайтаман, агар ўшанда ойимни сизга мойил қилолмасам, биз унаштирилганмиз дейман, бу гапга ҳам ишонтиролмасам, унда, аниқ сиз билан қочаман-кетаман. Ҳа, азизим, қочиб кетаман, чин лафзим шу!

Жоним! Кузда!..

Сондра жим бўлиб қолди, икковлари олдида турган турмуш қаттиқчиликларини Сондра аниқ тасаввур этаётгани шундоқ нигоҳидан сезилиб турарди. У Клайднинг қўлидан ушлаб, юзига тикилди. Кейин шиддат билан бўйнидан қучоқлаб ўпди.

– Наҳотки, сиз шуни тушунмасангиз, азизим? Илтимос, жоним, бунчалик ғамгин боқманг. Сондра ўз Клайдини жудаям севади! У Клайд бахтиёр бўлиши учун осмондаги ойни олиб беришга ҳам тайёр! Тайёр! Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Сабр қилинг – кўрасиз. Сондра ўз Клайдини ҳеч қачон, ҳеч қачон ташламайди!

Сондрани кўндириш учун бирор-бир далил-асоси йўқлигини, ўзининг қандайдир ғалати ва шубҳали, хавотирли тоқатсизлигини Сондра сезишига туртки бўла оладиган далил-асоси йўқлигини Клайд тушунарди, бунинг устига Роберта талаб қўйиб турган бир пайтда (мабодо, агар... мабодо, агар... масалан, дейлик, Роберта унга қаттиқ ёпишиб оладиган бўлса) Сондранинг ҳозирги рад жавоби Клайд учун ҳалокат деган сўз бўлади. Шу сабабли у маъбус, ҳатто умидсиз бир қиёфада Сондранинг юзига тикилди. Бунчалар ҳам соҳиб-жамол бўлмаса бу қиз. У яшаётган муҳитнинг гўзаллиги-чи! Клайднинг пешонасига эса шу соҳиб-жамол қиз ҳам, унинг муҳити ҳам насиб этмаган

экан, умрбод насиб этмайди ҳам! Шуларнинг ҳам-масига Роберта, унинг талаблари ва Клайд берган ваъдалар сабабчи. Бу бахтсизликдан фақат қочиб қутулмасанг – бошқа иложи йўқ. Эй, худойим-ей!

Унинг кўз қарашлари кескинлашиб, деярли телбанамо тус олди – қорачиқларида қандайдир ғайритабиий куч пайдо бўлди, унинг қарашлари ақлдан озай деб турган кишининг қарашларинн эслатарди; Клайд бутун умри давомида ҳеч қачон бундай ҳолатга тушмаган эди ва Сондра ҳам унинг кўзларида ёнаётган ғалати бир ўтни сезгандай бўлди. Шунда Клайд унга шу даражада хаста, тушқун ва ҳаддан ташқари умидсиз бир қиёфада кўриниб кетдики, Сондра:

– Сизга нима бўлди, Клайд, азизим?! – деб хитоб қилиб юборди. – Кўзларингиз аллақандай... ҳатто қандайлигини ҳам билмайман... аллақандай бахтсизми ё... Клайд мени ҳали шунчалик севадими-а? У наҳотки уч ёки тўрт ой кута олмайди? Йўқ-йўқ, у, сўзсиз кутади! Бу – у ўйлаганча мушкул иш эмас. Клайдим, менинг ёқимтой болажоним бу орада деярли ҳузуримдан кетмайди. Бу ерда бўлмаган пайтида эса Сондра унга кунин, кунин хат ёзади!

– Аммо, Сондра, Сондра, қани энди ҳаммасини айтиб бера олганимда эди! Мен учун бу қанчалик муҳимлигини билганингизда эди!

Клайд шу аснода Сондра кўзларида: нима учун у билан, албатта, ҳозир қочиб кетишим керак экан, деган зийрак ва ишбилармонларча бир маънони кўрди-ю, дудуқланиб қолди. Сондрага ўз муҳитининг нақадар кучли таъсири борлигини Клайд ўша заҳотиёқ тушунди... шу муҳитга у қанчалар сингиб кетган... Ҳозир атиги арзимаган қайсарлиги туфайли уни бирдан гумонсиратиб қўйиши, ўзи билан дон олишиб юргани беадаблик эмасмикан, деган фикрга олиб бориши... Бу таваккалдан, ях-

шиси, воз кечиш керак. Акс ҳолда Сондра албатта сўраб-суриштиради, охири бориб кўнгли шунчалик совиб кетиши мумкинки, унда куз масаласида ҳатто гапиришга ҳам ўрин қолмайди...

Шу боисдан Сондранинг фикри ўзи учун нақадар муҳимлигини тушунтириб ўтириш ўрнига у гапни бошқа ёққа буриб қўя қолди:

– Буларнинг сабаби нимада, азизим, чунки мен сизсиз яшолмайман, доимо ёнимда бўлишингизни истайман. Ниятим шу, вассалом. Гоҳи пайтларда сиздан йироқда бир дақиқа ҳам яшолмайдигандек бўлиб туюлади назаримда. Мен сизга шунчалик муштоқман!

Сондра Клайднинг ўтли туйғуларига қисман хайрихоҳ бўлиб, бу туйғулардан эриб ўтирган бўлса-да, аммо шунда ҳам фақат аввалгидек жавоб бериб қўя қолди, холос. Улар кутишлари керак. Куз келиши билан ҳаммаси жойига тушиб кетади. Ўз муваффақиятсизлигидан бутунлай гангиб қолган Клайд ҳозир ҳам Сондра билан бахтли эканлигини тан олишдан бошқа иложи қолмади; у қўлидан келганча кайфиятини билдирмасликка уринарди... балки, бирор-бир чораси топилар... бирор-бир чораси... эҳтимол, анави қайиқ ҳақидаги фикр... ёки яна бирор бошқа фикр чиқар... у ўйларди, ўйларди, тўхтовсиз ўйларди...

Лекин қандай фикр?

Йўқ, йўқ, йўқ – анави фикрни асло кўнглига йўлатмайди! Клайд қотил эмас ва ҳеч қачон қотиллик қилмайди. Қотиллик қилмайди, ҳеч қачон... ҳеч қачон... ҳеч қачон...

Демак – ҳамма нарсадан айрилса майлими?

Муқаррар фожиа юз беришига розими?

Муқаррар фожиа юз беришига розими?

Бу фожиадан қандай қутулиб, Сондрага қандай етишиш мумкин?

Қандай, қандай, қандай?

XLIV БОБ

Якшанба куни Клайд эрталаб барвақт Ликуртта қайтгач, Робертадан келган қуйидаги хатни топди:

«Азизим Клайд!

Мен кўпинча: «Камбағални туянинг устида ит қопади» деган мақолни эшитардим, аммо унинг асл маъносини фақат энди тушундим. Бугун эрталаб биринчи бўлиб кўрган кишим, ҳойнаҳой, кўшнимиз мистер Уилкокс бўлди шекилли. У бугун миссис Энсдан умид қилиб ўтирмаслигимни айтишга келган экан, чунки у Бильдда миссис Динуидди учун нима балолар ҳам тикиши керак эмиш, ваҳоланки, кеча у деярли ҳамма нарсани таппа-тахт қилиб кетган эди: мен бугун фақат ишни тезлаштириш учун тикиш-чатишда унга бир оз ёрдамлашиб юборишим лозим эди. Энди у фақат эртага келармиш. Кейин ойимнинг опаси, миссис Николснинг оғир бетоблиги ҳақида хабар келди-ю, ойим Бейкерс-Пондга – холаминикига кетишга мажбур бўлди (деярли ўн икки миль олисда бу ердан у жой). Том гарчи отамга кўмаклашиб туриши зарур бўлса ҳам, ахир, фермада иш бошдан ошиб ётибди, ойимни олиб кетди. Ойим якшанбагача қайтиб келадими-йўқми, билмай ўтирибман. Агар ўзимни тузукроқ сезганимда ва тикиш-чатишлар билан бунчалик банд бўлмаганимда, эҳтимол, ойимнинг: боришингдан наф йўқ, деб уқтиришига ҳам қарамай, унга қўшилиб мен ҳам жўнармидим.

Устига-устак, Эмилия билан Том менинг ишларим беш ва мен қувнаб-яйрашим мумкин, деб ўйлаб, бугун кечкурунга тўрт қиз, тўрт йигитчани таклиф қилишган эди: ойдинли тунда қандайдир ёзги базм кечаси уюштирмоқчи бўлишди шекилли улар. Эмилия, агар ойим билан иккаламиз қарашиб юборсак, музқаймоқ ва пирог тайёрламоқчи ҳам бўлган эди.

Энди у бечорага мистер Уилкоксдан тортиб, ҳали унга-ҳали бунга қўнғироқ қилиб, кеча янаги ҳафтага қолдирилганини айтишга тўғри келяпти. У хафа бўлиб, қовоқ-тумшуғи осилиб кетган, албатта.

Мендан аҳвол сўрасанг, ҳар қанча жоним қийналганда ҳам ўзимни қўлга олишга ҳаракат қиляпман. Лекин, жоним, очигини айтсам, бу жуда ҳам оғир. Ахир, мен шу пайтгача сен билан фақат уч мартагина телефон орқали гаплашиб, мўлжалдаги пулни бешинчи июлгача ҳам йиғмасам керак, деган гапингни эшитдим, холос. Бунинг устига ойим билан отам Гамильтонга, Чарли амакимникига боришни ўйлаётган эканлар, буни келиб-келиб бутун билиб қолдим; улар амакимникида тўртинчидан то ўн бешинчигача меҳмон бўлишармиш, агар Ликур-га қайтмасам, мени ҳам ўзлари билан бирга олиб кетишмоқчи. Том билан Эмилия бўлса, Гомерга, опамникига жўнашади. Лекин, ўзинг биласан, мен ахир ҳеч ёққа боролмайман-ку. Ҳаддан ташқари мадорим қуриб, эзилиб қолдим. Кеча тунда бамисоли ичим узилгундай бўлиб қайт қилдим, бутун кун бўйи оёқ босишга ҳам ҳолим йўқ, даҳшатдан худди жинни бўлиб қолаётганга ўхшайман.

Жоним, нима қиламиз энди? Мени олиб кетиш учун балки учинчигача кела оларсан? Улар Гамильтонга учинчида жўнашади, сен ҳам менга албатта келишинг зарур, улар билан бирга боролмайман-ку, ахир. Бунинг учун эллик миль йўл босиб ўтиш керак. Агар улар кетгунга қадар сенинг келишинг аниқ бўлганда эди, унда улар билан бирга боришга кўнишим ҳам мумкин эди. Аммо келишингни мен аниқ билишим керак, аниқ!

Клайд, шу ерда яшаётганимдан бери кучим етгани фақат йиғи. Агар сен ёнимда турганинда, менга бунчалик оғир тушмасди. Жоним, мен бардошли бўлишга интиляпману, аммо гоҳи пайтларда, балки сен бутунлай келмасанг-а, деб ўйлаб

кетаман беихтиёр. Ахир, сен шу ердалигимдан бери бир қатор ҳам хат ёзмадинг, атиги уч марта телефонда гаплашдинг, холос. Лекин мен, ҳарқалай, сен унчалик пасткашлик қилмасанг керак, деб ўзимга-ўзим далда берганим-берган, бунинг устига лафзинг бор-ку, ахир... Сен келасан, шундайми? Негадир мени энди ҳамма нарса ваҳимага соляпти, Клайд, ҳамма нарсадан қўрқяпман, жоним. Мен ўтган йилги ва бу йилги ёзни, олам-олам орзу-тилакларимни ўйлаяпман... Жоним, ахир, сен уч-тўрт кун олдин келсанг ҳам бўлади-ку, фарқи нима? Майли, ҳечқиси йўқ, пулимиз бир оз камроқ бўла қолар. Қўрқма, шундоқ ҳам яшаб кетишимизга инонаман. Борини аяб, тежаб-тергаш қўлимдан келади. Ўша вақтгача кўйлакларимни битиришга уриниб кўраман, агар битиролмасам, унда эскилари ҳам кунимга яраб турар, янгиларини кейинроқ битирарман. Жоним, мен албатта бардам, мардона бўлишга, ҳадеб жонингга тегавермасликка ҳаракат қиламан, фақат ўзинг келсанг бас. Биласан-ку, Клайд, келишинг қанчалар зарурлигини! Акс ҳолда, гарчи сен учун бошқа бирор йўл топишни истаган тақдиримда ҳам, бари бир бўлмайди.

Илтимос, Клайд, ўзинг айтган муҳлат тугашига албатта шу ерда бўлишингни хабарлаб хат ёз, илтимос қиламан. Мен шунчалик хавотирдаманки, шунчалик ёлғиз ва ғарибманки, агар вақтида етиб келмасанг, сени кўриш учун ўша заҳотиёқ Ликурга жўнайман. Бу гапларимдан ранжийсан, буни биламан, лекин, Клайд, мен бу ерда энди қололмайман, гап шу – вассалом. Отам ва ойим билан ҳам бирга кетолмайман, демак, атиги битта йўл бор. Ҳойнаҳой, бугун тун бўйи миждуа қоқмай чиқсам керак. Сенга ёлвориб илтижо қиламан, келиш-келмаслигингни ўйлаб хавотирда ўтирмаслигим учун қайта-қайта ишонтириб менга хат ёз, Жоним, агар бугун ёки шу ҳафтанинг охирига келганингда эди,

бунчалик азобга тушмас эдим. Яна салкам икки ҳафта кутиш, эҳ-ҳе!.. Ҳозир уйимизда ҳамма ухлаб қолган, энди мен ҳам ётмоқчиман.

Илтимос, жоним, ушбу хатни олишинг биланоқ менга жавоб ёз ёки хат ёзолмасанг, эртага азонда албатта қўнғироқ қил, чунки сендан ақалли жиндай бўлса-да хабар топмагунимча бир дақиқа ҳам қўнғим жойига тушмайди.

Сенинг бахти қаро Робертанг.

P.S. Хат жудаям ёмон чиқди, аммо ҳар қанча уринсам ҳам бундан тузукроқ ёзолмадим. Шунчалик адойи тамом бўлганман».

Аммо бу хат Ликургга етиб келган куни Клайд бу ерда йўқ эди, шу сабабли у тезда жавоб ёза олмади. Бундан Роберта чуқур қайғуга тушиб, асабийлашиб қўнғилининг бир четида: ҳойнаҳой, Клайд менга бир оғиз айтмай қаёққадир олисроқ жойга кетгандир, деб ўйлаб, шанбада унга яна хат ёзди – тўғрироғи, бу хат эмас, аллақандай васваса, додвой аралаш қалб нидосини эслатарди:

«Билъи, шанба, 14 июнь

Азизим Клайд!

Сени огоҳлантириб қўйяпман, мен Ликургга қайтяпман. Бу ерда энди бошқа қолишга тоқатим етмади. Ойим ҳам ташвишда, нега бунчалик кўп йиғлаётганимни тушунмай жони ҳалак. Энди мен ўзимни бутунлай хаста сезяпман. Биламан, йигирма бешинчи ёки йигирма олтинчигача шу ерда туришга ваъда берган эдим, аммо сен ҳам, ахир, хат ёзиб тураман деб ваъда қилган эдинг-ку, қани ёзганинг, фақат ҳар замонда телефонда бир-икки оғиз гап гапирасан, холос, мен бўлсам ақдан озай деяпман. Бутун эрталаб уйғондим уйғлашга тушдим – ўзимни ҳеч босиб туроладим, мана энди бошимнинг лақиллаб оғришига сира чидаб бўлмаяти.

Келгинг келмаётганидан шунчалик кўрқяпманки, даҳшат босяпти мени, жоним! Сенга ялиниб-ёлвораман, келиб, мени қаёққа бўлса ҳам майли, истаган жойингга олиб кет, фақат шу ердан қорам ўчса-ю шу азобдан қутулсам бўлгани. Ҳозир, аҳволим бунақалигида дадам билан ойим мени бутун ўтган-кетган воқеаларни сўйлаб беришга мажбур қилишадими ёки ҳаммасини ўзлари сезиб қолишадими, деб жуда кўрқяпман.

Клайд, менинг аҳволимни сен сира-сира тушунмайсан. Сен келаман деган эдинг, мен бунга баъзан ишонаман. Айрим пайтларда эса, айниқса, сен хат ёзмай, қўнғироқ қилмай қўйганингда миямни мутлақо бошқача фикрлар эгаллаб олади, ана шунда сени яна кўрармиканман ўзи, деб иккиланиб қоламан. Агар сен келишингни аниқ қилиб ёзганингда эди, яна бир оз туришим мумкин бўларди. Ушбу мактубни олишинг биланоқ менга хат ёз ва келадиган кунингни аниқ кўрсат. Лекин, илтимос, биринчидан кечикма, ортиқ чидай олмайман. Биринчидан кейин мен бу ердан кетаман. Клайд, дунёдаги энг бахти қаро қиз – менман, шуларнинг бари сен туфайли. Йўқ, жоним, мен бундай демоқчи эмасдим. Бир пайтлари сен менга меҳрибон эдинг, ҳозир ҳам шундай, ахир олиб кетишга келаман, деб ваъда бергансан-ку. Агар тезроқ кела қолсанг, мен сендан шунчалар миннатдор бўлардимки! Бу хатни ўқиётганингда, эҳтимол, мени энгилтак бўлиб қолганми, деб ўйлашинг мумкин, лекин, илтимос, жаҳлинг чиқмасин, Клайд! Фақат кулфат ва нотинчликдан ақлдан озай деяётганимни, боши берк кўчага кириб, қандай йўл топишни билмай қолганимни тушунсанг бас. Ялиниб-ёлвораман. Клайд, менга хат ёз! Бир оғиз сўзингга қанчалар муштоқдигимни агар билсанг эди!

Роберта».

Клайдни ҳам худди Робертанинг аҳволига тушириш учун шу бир хат билан Ликургга қайтиб келиш хусусидаги дўқнинг ўзиёқ кифоя қилди-қўйди. Қаранг-а, Клайд Робертани бу хилда кескин ва охирги шарт қўйишга ҳали шошилмаслик керак, деб кўндираман деса, бирор-бир тузукроқ баҳонаси ҳам қолмабди. У жон-жаҳди билан ўйлай бошлади. Робертага узундан-узун, бир кун келиб ўзини қўлга тушириб берадиган хат ёзиб ўтириши шарт эмас: модомики, унга уйланмасликка аҳд қилдим, унақанги хат ёзиши – тўғридан-тўғри аҳмоқлик бўлур эди. Бунинг устига у ҳали ҳам Сондра оғуши ва ўпичларининг хумори билан маст юрарди. Шундай кайфиятда, у, агар ўзи хоҳласа ҳам Робертага хат ёзолмасди.

Лекин шунга қарамай, Клайд Робертанинг авзойи ёмонлиги, шу боисдан нимадир қилиб бўлса ҳам уни тинчитиб қўйиш зарурлигини биларди. Иккинчи хатни ўқиб тургатгандан сўнг орадан ўн дақиқа ўтгач, у Робертани телефонга чақира бошлади. Ярим соатлар чамаси бетоқат бўлиб урина-урини ахийри у билан уланди ва Робертанинг ожиз, назарида аччиқлангансимон овозини эшитди (аслида эса овоз ёмон эшитилгани учун шундай туюлган эди).

– Алло, Клайд, алло! Қўнғироқ қилганингдан бошим нақ осмонга етди! Жудаям хавотирланаётгандим. Ёзган хатларимни олдингми? Эрталабданок кетишга ҳозирланаётган эдим, яхшиям қўнғироқ қилиб қолдинг. Сен жим бўлиб кетсанг, нима қилишимни билмай гангиб қоламан. Жонгинам, қаерда эдинг? Ота-оналарим ҳақида ёзганимни ўқидингми? Улар кетишяпти. Клайд, нега хат ёзмайсан, жуда бўлмаса тез-тез қўнғироқ қилиб ҳам турмайсан? Ойнинг учинчи куни тўғрисида сенга ёзган эдим, хўш, бунга қандай қарайсан? Келасанми, ишонаверайми? Ёки сени бошқа бирор-бир

жойда кутайми? Кейинги уч-тўрт кун ичида шунчалик ич-этимни еб қўйдимки, лекин ҳозир яна сен билан гаплашганимдан сўнг, эҳтимол, ҳовуримдан тушарман. Майли, бир офизгина бўлса ҳам ҳар икки-уч кунда ёзиб тур, албатта ёз! Нега йўқ дейсан, Клайд? Шу ерда турганимдан бери бирон марта ҳам ёзмадинг. Қай аҳволдалигимни сенга айтиб беришга ожизман. Ўзимни қўлга олиш ҳам шу қадар оғир бўляптики менга.

Робертанинг сўзларига қараганда, у ниҳоятда эзилган ва ҳаяжонланган эди. Клайднинг назарида эса Роберта; гарчи у гапираётган уй ҳозир бўм-бўш бўлишига қарамай, ниҳоятда эҳтиётсизлик билан гап сотаётганга ўхшарди. Роберта уйда бир ўзи ёлғизлиги ва уни ҳеч ким эшитмаслигини айтса ҳам, Клайдни бу нарса унчалик қаноатлантормасди. У ўз номининг тилга олиншини ва унга Роберта ёзган хатлар тўғрисида гапириб ўтирилишини ҳам истамас эди.

Клайд чалакам-чатти гапиришга ҳаракат қилиб, Робертага ўзининг ниҳоятда бандлиги ва унга, у қисталанг қилаётганидек ҳадеб хат ёзавериш қўлидан келмаслигини шама қилиб ўтди. Ахир, айтган-ку, агар иложини топсам, йигирма саккизларга ёки ўша атрофларда бориб қоламан, деб. Иложини топганда-ю, албатта борарди, бироқ шу боришини ҳам яна бир ҳафтага, ҳатто ундан кўпроққа: еттинчи ёки саккизинчи июлгача чўзишга тўғри келадиганга ўхшайдн. Шунда у яна эллик доллар йиққан бўлади, бу пуллар унга жуда ҳам зарур, шунга яраша ниятлари бор унинг. Аслида эса (Клайднинг пинҳона нияти ҳам шу эдики), келгуси ҳафтанинг охирида – ўзи орзиқиб кутаётгани – Сондрани яна бир бориб кўришга ҳам улгурарди ўшанда. Мана шу орада Робертанинг оёқ тираб тургани-чи! Бир-икки ҳафтага отонаси билан кетишининг иложи йўқмикан, кейин

Клайд уни олиб келишга бориши ёки Робертанинг ўзи қайтиши ҳам мумкин бўларди? Ўшанда Клайд ҳам вақтдан қийналмасди...

Аммо Роберта жавоб ўрнига шунчалик аччиқ гина-ҳасратларини тўкиб солдики, агар гап шундай экан, демак, келишни истамаётган экансан, унда жўнаб кетишга ҳозирланиб, бекордан-бекор сени кутишга вақт кетказиб ўтирмайман-да, ҳозироқ албатта Ликургга, Гилпинларникига жўнайман, деди гапни чўрт кесиб... Шу пайт Клайд бирдан, майли, учинчига борсам бора қолай, деб ваъда бераверсам ҳам бўлади-ку, деган қарорга келди; мабодо у бормаган тақдирда ҳам, жуда зўр келганда Роберта билан бирор жойда учрашишни келишиб олишади-ку. Сирасини айтганда, ҳозир ҳам у нима қилишини билмай боши гаранг эди. Сал ақлини жойига қўйиб олиш учун бир оз вақт керак унга... ўйлаши учун бир оз вақт керак...

Шу боисдан у мутлақо бошқача оҳангда гапира кетди:

– Берта, қулоқ сол менга! Ўтинаман, мендан хафа бўлма. Гапларингга қарасам, гўё мен кетишимиз ҳақида зигирча ҳам қайғурмаётганга ўхшайман. Бундай қадам олиш мен учун қанчалар қимматга тушишини сен билмайсан. Ҳаммасини бир зарб билан йўқотиб бўлмайди-ку, ахир, бу нарсалар пинагингни ҳам бузмайди, шекилли. Биламан, сенга қийин, жуда қийин, хўш, менга-чи, менга осонми? Қўлимдан келган ишнинг ҳаммасини қиялпман; мен ҳаммасини ўйлаб, тарозида тортиб кўришим керак. Наҳотки, сен шу арзиманган учинчигача сабр қилолмасанг? Ўтинаман, сабр қил. Мен сенга хат ёзиб туришга сўз бераман, агар ёзолмасам, унда кун ора қўнғироқ қилиб тураман. Хўпми? Аммо минг зарур бўлганда ҳам номимни тилга олиб гапиришингни сира-сира истамай-

ман. Бу охири бориб кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Илтимос, шундай қилма. Янаги гал сенга кўнғироқ қилаётганимда мистер Бейкер сўраяпти сени, деб қўя қоламан шунчаки, тушунарлими? Кейин сен: танишларимдан бири экан, дейишинг ҳам мумкин. Агар ишимиз ўнг келмай, айна ўша учинчида жўнашимизга нимадир халақит берадиган бўлса, у пайтда, хоҳласанг бу ерга, хоҳласанг Ликургга яқин бирор-бир жойга келишинг мумкин, кейин имконият бўлди дегунча икковимиз йўлга равона бўламиз-қўямиз.

У шунчалик юмшоқлик билан, ёлвориб гапирардики (бошқа чораси йўқлигидан шундай қилаётган эди у), овозида бир пайтлари Робертани бутунлай ром этиб олган ўша аввалги меҳрибонлиги; бамисоли заифлиги акс этарди ва бу Робертада ҳатто ҳозир ҳам бир ғалати, мутлақо асоссиз миннатдорчилик туйғуларини уйғотар эди. Шу сабабли у майинлик, ҳатто ширинсуханлик билан дарров жавоб бериб қўя қолди:

– Йўқ, йўқ, азизим, энди мен чидайман. Ўзинг биласан-ку, мен сени безовта қилишни истамайман. Фақат ҳозир шундай бўлиб қолди, чунки пичоқ устихонимга қадалиб, ўзимни ўзим идора қилмай қолгандим. Буни ўзинг ҳам тушунасан-ку, Клайд, шундай эмасми? Мен сенинг севгингсиз туролмайман. Афтидан, бутун умрга севсам керак сени. Шунинг учун сени ранжитиш у ёқда турсин, ҳатто буни хаёлимга ҳам келтиролмайман, жоним, ишонасанми шунга! Мен энди ҳечам бундай қилмасликка уриниб кўраман!

Клайд Робертанинг овозида самимий шафқат оҳангини севиб, Роберта янгитдан фақат ҳеч гапсиз-сўзсиз мени олиб кетасан деб тихирлик қилавермаса, яна ўзини ошиқдек кўрсатиб, унинг устидан бурунгидай ҳукм ўтказа олишини ҳис этди. Гарчи мен Робертани энди севмасам ҳам, –

дерди Клайд ўзига ўзи, – ва унга уйланишни ҳаёлимга келтирмаётган бўлсам ҳам, анави бошқа соҳибжамол туфайли, ўз орзу-ниятларим туфайли, ҳеч бўлмаганда Робертага меҳрибончилик қилиб туришим мумкин, шундай эмасми, ахир? Тилимни ширин қилишим керак!» Хуллас, бу гап янги битишув асосидаги ўзаро ярашув билан якунланди.

Куни кеча (ҳозиргина у қайтиб келган кўллардаги қайноқ ҳаёт хийла сўнган эди ўша куни) Клайд, Сондра, Стюарт ва Нина Темпл ҳамда Тэрстонларникига меҳмон бўлиб келган Харлей Бэгот исмли йигитча билан Бертина автомобилда аввалига Учинчи миль Кўрфазига (бу – Ўн иккинчи кўл шимолида, тахминан йигирма беш милча олисда жойлашган шинам бир истироҳат маскани эди), у ердан эса, икки томони баҳайбат арчазорлар ора-лаб ўтиб, Катта мушгир кўлига ва Трайн кўлининг шимолий қисмида ястаниб ётган қадам етмас қарағайзор ўрмонлардаги бошқа кичик кўлчаларга ҳам боришган эди. Клайд бу олис, деярли кимсасиз жойлар ўзида қандайдир ғалати бир таассурот қолдирганини ҳозир эслади. У ерлар чиндан ҳам одамзот қадами етмайдиган жойлар эди. Баҳайбат, унсиз ва шўппайган дарахтлар ҳамда мотам гулчамбарига ўхшаш бир-бирига чирмашиб кетган ер бағирлаб ўсадиган заҳарли ўсимликлар ора-лаб ўтувчи тор, ёмғир ювавериб ишдан чиққан, ифлос, илонизи кўчалар; ўрмон шу кетганча кетаверар, охири йўққа ўхшарди гўё. Йўлларнинг четида эса ваҳимали, сирли, ўтиб бўлмас ботқоқликлар ва кўлобликлар кўзга ташланарди; бу ботқоқлик ва кўлобликларнинг айрим жойлари худди жанг майдонига ўхшаб дарахт – мурдалар билан қопланган эди, намни шимаверганидан чириб битган дарахт таналари баъзан бир-бирларининг устига тўрт-беш қаватдан бўлиб қулаганча кўкиш балчиққа

ботиб ётарди. Усти темиратки ёки йўсин қоплаб кетган тўнкалар ва сувда чириб ётган шох-шаббалар орасидан июнь қуёши тафтида жимгина исинаётган қурбақаларнинг кўзлари ва елкалари ялтираб кўринар; ҳавода майда чивинлар ғужғон ўйнар; ҳар замон-ҳар замонда эса беҳосдан пайдо бўлган машинадан чўчиб кетиб, ўзини заҳарли ўтлар ва сув ўсимликлари ғужанак ўсган жойга ураётган илоннинг думи кўзга чалиниб қоларди.

Шу ботқоқликлардан бирини кўрганда Клайд негадир Пасс кўлидаги бахтсиз ҳодисани эслади. У беихтиёр, ўзи ҳам англамаган ҳолда бу чет жойларнинг ниҳоятда кимсасизлигини ўйлаб кетди: вақти келганда фойдаси ҳам тегиб қолиши мумкин, деган хулосага келди. Шу пайт тўсатдан аллақандай сувхўрак бир қуш хунук қичқирганча шундоқ ёнгинасидан учиб ўтди-ю, қоронги ўрмонзор ичида яширинди. Унинг қичқиригидан Клайд асабийлашиб, бир сесканиб кетди ва автомобилда ўтирган жойида кўзғалиб қаради: у умрида қушнинг бунчалик хунук қичқиришини сира эшитмаган эди.

– Бу нима? – деб сўради у ёнида ўтирган Харлей Бэготдан.

– Нимани сўраяпсиз?

– Қуш шекилли... ҳув анави ёққа, орқага бир нарса учиб ўтгандай бўлди...

– Мен ҳеч қандай қуш овозини эшитмадим.

– Ие, наҳотки! Жуда галати овоз эшитилди-ку...

Баданим нақ музлаб кетгандек бўлди!

Клайдни, деярли кимсасиз бу жойлардаги сон-саноксиз, пастқам кўллар айниқса таажжубга соларди, у илгари бундай кўллар борлигини мутлақо эшитмаган эди. Юриб бўлмас даражада лойга ботган бу йўллардан улар қўлдан келганча тез-тез ўтиб боришарди, теварак-атрофдаги қалин нинабаргли ўрмонлар ичини эса бутунлай кўллар эгаллаб ётар-

ди. Фақат аҳён-аҳёнда учраб, қорамтир дарахтлар ичига кириб йўқолаётган билинар-билинемас сўқмоққа ёки қумли ё ўнқир-чўнқир йўлга қараб туриб, озми-қўпми ҳаёт изларини пайқаш мумкин эди. Бу олис қўлларнинг соҳилларида деярли одам турмас эди, сув сатҳидан юқорироқда аллақандай ўзига хос рангдаги арчалар қуршовида кўриниб қолган якка-ёлғиз кулба ёки узоқдаги кичик бир уй ҳамма-нинг диққат-эътиборини ўзига тортар эди.

Аммо ўша Массачусетсдаги кўл нима учун Клайднинг миясидан сира нари кетмаяпти-а! Ўша қайиқ ҳам! Қизнинг мурдасини топишибди-ю, ҳамроҳиникини эса – йўқ... Нима бўлганда ҳам жуда даҳшатли воқеа бу!

Роберта билан гаплашгандан сўнг Клайд ўз хонасида ўтирганча, яна бир қанча миль юрилгандан сўнг охири машина узун, тор кўлнинг шимол-ий қисмидаги очиқ кенгликка чиққанини эслади. Оролчами ёки ўртага туртиб чиққан бурунми – ишқилиб, кўлнинг жанубий қисмини ажратиб турар, ундан у ёғига эса кўл қинғир-қийшиқ бурилиш-сурилишлар билан яна узоқ-узоқларгача давом этадиганга ўхшарди, аммо бу автомобиль тўхтаган жойдан кўзга ташланмас эди. Оролчанинг ҳув анави бурчидаги шинамгина меҳмонхона билан қайиқлар тўхтайдиган саройни ҳисобга олмганда, келган ерлари бутунлай кимсасиздек кўри-нарди. Улар ўша пайтда кўлда на биронта байдаркани ва на қайиқни учратдилар. Ўзлари ёнидан ўтган барча кўлларнинг соҳиллари, ҳатто сувигача Ликургадаги деразаси остида ўсган дарахтлардақа баланд-баланд, ям-яшил, учли ва сершоҳ арчалар билан қопланган эди. Жануби-ғарбда эса зангори Адирондак тоғларининг ўрқачсимон нафис қирралари олис-олислардан кўзга ташланарди. Қуёш нурида товланиб турган кўл суви енгил шабададан жимирлар, аллақандай қуюқ, деярли қорамтир,

ложувард тусга кирган эди; шинам меҳмонхонанинг пастгина пешайвонида бекор ўтирган йўл кўрсатувчи: қорамтирлигининг сабаби – бу ернинг фоятда чуқурлигида, деб тушунтирди кейин.

– Бу ернинг чуқурлиги етмиш футча чиқса керак, бу ёғини суриштирсангиз бандаргоҳдан атиги юз футлар чамаси беридамиз, холос.

Харлей Бэгот бўлса бу жой балиқ овлашга дурустмикан деган масала билан қизиқиб қолди (чунки унинг отаси хийла вақтдан сўнг шу ерларга келишни мўлжаллаб қўйган эди) ва у, ўзини автомобилда ўтирганларга қарамаётгандек тутаётган йўл кўрсатувчидан:

– Қўлнинг узунлиги қанча?– деб сўради.

– Етти милга яқин.

– Балиқ кўпми?

– Қармоқ ташлаб кўринг, биласиз. Агар қора олабуға овлайман десангиз, бутун округда ҳам бундан зўр жой тополмайсиз. Хув анави оролчанинг нарёғида, жануб томонда кичкина бир қўлтиқча бор, шу қўлтиқча бу атрофдаги барча қўллар орасида балиқ овлашга келганда энг зўр жой ҳисобланади. Мен бир марта икки соат ичида икки кишининг етмиш бешта балиқмисан балиқ овлаганини кўрганман. Қўлимизни буткул қуп-қуруқ, хонавайрон қилиб кетишни истамаган ҳар бир кишига бемалол балиқ етиб-ортади.

Йўл кўрсатувчи баланд бўйли, чўзинчоқ каллали, юзларини ажин босган ориқ киши эди, у кичкина-кичкина, аммо ўткир мовий кўзларини ўйнатганча йўловчиларга разм солиб, совуқдан-совуқ ҳеҳелаб кулди.

– Бугун бир омадингизни синаб кўрмоқчимисиз?

– Йўқ, мен ўзимни назарда тутиб сўраётганим йўқ... Янаги ҳафтага балки бу ерга отам келиши мумкин. Мен, шу ердан тузукроқ жой топилармикан, деб сўраётганим.

– Қулайлик масаласида бу ер Рэкет кўли билан беллашолмайди, албатта, аммо-лекин у ерда биздагидақа балиқ ҳам йўқда, бу ёғи ҳам бор.

У айёрона, маънодор жилмайиб қўйди.

Клайд шу вақтгача ҳали ҳеч қачон бунақа одамни учратмаган эди. Ўзига хос ғалатиликлари ва зиддиятлари билан на Клайд шу пайтгача кўриб келган шаҳар ҳаётига ва на унинг теварагидаги Крэнстонлар ва уларнинг дўстларини ўраган экзотик дабдабага ўхшамайдиган бу хилват дунёнинг ҳаммаси уни қизиқтириб қолди. Нақадар ҳувилаган ва ғаройиб овлоқ эди бу, агар жанубга қараб юз милдан камроқ юрилганда ур-тўполонли Ликург бошланар, аммо орада осмон билан ерча фарқ бор эди.

– Юрагимни сиқиб юборди-ку бу ерлар, – деди Стюарт Финчли.

– Шундоқ ёнгинамизда экану, фарқини қаранглар! Ўзиям ҳеч ким яшамайдиганга ўхшайди бу жойларда.

– Гапингиз тўппа-тўғри, – деб маъқуллади йўл кўрсатувчи – Фақат унда-мунда ёзги лагерлар учрайди, холос, ундан кейин кузда кийик ва буғу овига келадиган битта-яримтасини айтмаса, биринчи сентябрдан сўнг бу ерларда бировни учратиш қийин. Мен шу жойларда қопқон қўяман, йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилаётганимга ҳам мана, ўн етти йил бўлибди, лекин фақат ёз фаслида ўн иккинчи кўлдагига ўхшаб одам кўпайиб кетганини айтмаса, ҳаммаси ўша-ўша, илгаригидай. Агар катта йўллардан бирор ёққа бурилмоқчи бўлсангиз, бу жойларнинг баланд-пастини беш қўлдай билишингиз даркор. Тўғри, ғарброққа қараб беш миль юрилса, темир йўл ўтганди. Қуролсоз бекати бор. Ёзда бизнинг меҳмонхонадан ўша ёққа автобус қатнайди. Яна Кулранг кўлга ва Учинчи миль Кўрфазига олиб борадиган ёмон,

ўнқир-чўнқир йўллар ҳам бор. Сизлар, кўриниб турибди, ўша йўлдан келибсизлар: фақат шу йўл билангина бизга келиш мумкин. Айтишларича, Ўн иккинчи кўлга олиб борадиган янги катта йўл солинармиш, лекин ҳозирча булар қуруқ гап, холос. Бу ердаги кўпгина кўлларга эса, автомобилда бораман десангиз, мутлақо йўл йўқ. Қаёққа қарасангиз – ёлғизоёқ сўқмоғу тузукроқ лагерь-паргерни ҳам учратолмайсиз. Биз Бад Эллис билан ўтган йили Қуролсоз кўлига пиёда борган эдик, бу ердан ўттиз миль нарида, қарабсизки, шунча масофани битта-битта қадамлаб босиб ўтишга тўғри келди денг, яна елкамиздаги юкимизнинг зиллиги-чи. Лекин шу қийналганларимиз эвазига балиқ ва ёввойи паррандаларни айтсангиз – тўлиб-тошиб ётибди! Кийиклар билан буғулар эса сув ичгани келар экан денг. Уларни, анави қирғоқда турган тўнкани кўраётгандек шундоқ қингинадан кўрганман ўшанда.

Шундай қилиб Клайд у ердан қайтишаётганда ўзи ва ҳамроҳларини бутунлай қамраб олган ўша ҳиссиётларин хотирлади: улар бирор-бир жойда яна бу қадар сирли ва алақандай жозигага тўла кимсасиз маскан топилармикан, деб ўйлашган эди ўшанда. Яна қизиғи шундаки, у жойлар Ликургинг шундоққина биқинида: шосседан юрилса, арзимаган юз миль, поездда борилса, салкам етмиш миль йўл босилади, холос, буни Клайд фавқулодда эшитиб қолган эди.

Ҳозир, Ликургда, Роберта билан гаплашиб олганидан сўнг ўз хонасига қайтгач, ёзув столи устида турган Пасс кўли фожиаси ҳақидаги мақола босилган ўша газетага тағин кўзи тушди-ю, хавотирланганча, аммо дадиллик билан, барча маънодор тафсилот ва гумонларига эътибор бергани ҳолда, қайта бошдан бир сўзини ҳам қўймай ўқиб чиқ-

ди. Ўша йигит билан қизнинг тўппа-тўғри, бемалол бандаргоҳга келишганини айтмайсизми; ҳар кунги қоида бўйича бировда шубҳа ҳам туғдирмай, сайр қилиш учун ижарага қайиқ олишади ва кўлнинг шимол қисмида кўздан ғойиб бўлишади; шундан кейин – тўнкарилиб қолган қайиқ, қирғоқ яқинида сузиб юрган эшкак ва шляпа... Ҳали қош қорайиб улгурмаган; у газетани дераза олдида тик турган ҳолда ўқир эди. Дераза ташқарисида эса қорамтир арча шохлари қулоч ёйган, бу шохларни у боягина бир эслаб ўтган эди; чунки бу шохлар энди нуқул Катта мушгир кўли соҳилидаги арчаларни хотирига солаётган эди.

Аммо – оҳ, буюк парвардигор! – нима қилганинг бу, ахир? У нималар ҳақда ўйлаяпти ўзи? Кимсан Клайд Грифитс-а! Сэмюэл Грифитснинг жияни-я! Дилига нима яшириниб олган ўзи? Қотиллик! Мана, нима яширинган унинг дилига! Анави қўрқинчли газета-чи... нуқул кўзига рўпара бўлгани-бўлган ёки бу ёвуз қисмат тақозосимикан? Даҳшатли жиноят, агар фош этишса – электр курсига ўтқазишади. Бундан ташқари, бировни ўлдиришга – яна келиб-келиб Робертани ўлдиришга унинг қўли қандай кўтарилади. Йўқ, йўқ! Ораларида ўтган шунча ишдан кейин, йўқ, ақлга сифмайди бу... Шундайку-я, аммо, жаннат сингари анави дунё-чи... Сондра-чи... агар у ҳозироқ бир амалини қилмаса, сўзсиз, ҳаммасидан айрилади-қолади.

Клайднинг қўллари титраб, қовоқлари учиб, кейин бутун вужудини қалтироқ босди-ю, борлигидан совуқ асабий изтироб тўлқини югуриб ўтди. Уни ўлдириш! Ёки жуда бўлмаганда чуқур жойга олиб бориб қайиқни ағдариб юбориш, буни худди Пасс кўлидагига ўхшатиб, хоҳлаган ерда, кутилмаган воқеа юз бергандай бемалол қилиши мумкин. Роберта бўлса сузолмайди. Клайд буни билади. Ле-

кин Роберта бир амаллаб қутулиб қолса-чи... қичқириши... қайиққа ёпишиб олиши мумкин... унда... шу атрофда юрган биронтаси унинг овозини эшитиб қолиб... кейин Роберта гапириб беради!.. Клайднинг пешонасини совуқ тер босди, лаблари титраб, бирдан томоғи қуриб қолди. Воқеа шундай бўлиб чиқмаслиги учун у олдини олиши... олдини олиши... э, йўқ... Клайд унақалардан эмас. У бу номаъқул ишни қилолмайди... кимнидир уриш... қиз болани... Робертани... келиб-келиб у чўкиб кетаётганда, жонҳолатда қутулмоқчи бўлаётганида урса-я... йўқ, йўқ... Бошқа нима қилса қилади-ю, лекин бу иш қўлидан келмайди! Бу ақлга сифмайди!

У похол шляпасини қўлига олди-да, ваҳимали, қўрқинчли ўйларини (у ичида буни шундай деб атади), биронтаси эшитиб қолмасин деб кўчага чиқди. У бу ҳақда ортиқ ўйлай олмас, ўйлашни ҳам истамасди. У унақа одам эмас... Аммо шунга қарамай... шунга қарамай, бу фикрлар... Масалани бундай ҳал қилиш... Агар масалани ҳал қилишни истаётгани умуман рост бўлса... Бу, шу ерда қолиш... кетмаслик, Сондрага уйланишнинг... Робертадан ва барча ишкаллардан... барча ишкаллардан қутулишнинг йўли – фақат бир озгина дадил, ботир бўлса, бас... Э, йўқ!

Клайд шаҳар четидаги кўримсиз, пастқам жойлардан ўтиб, жануби-шарқий томонга қараб кетадиган шосседан юрганча ҳамон марказдан узоқлашганча узоқлашарди; бу ерда у танҳо ўзи бўлгани учун фикрларига ҳеч ким қулоқ солмаётгандек туюларди унга, шу сабабли у бемалол ўйлайвериши мумкин эди.

Қош қорайиб, хонадонларда бирин-кетин чироқлар ёна бошлади. Далалар ва йўл ёқаларидаги дарахт шарпалари бамисоли дудсимон ноаниқ, гира-шира тусга кирди. Гарчи ҳали ҳам кун ис-

сиқ, ҳаво ҳаракатсиз ва жонсиз бўлса-да, Клайд терга пишганча илдам қадам босиб, ҳамон ўйлаб борарди, у бамисоли ўзида қандайдир ички «мен»ни алдамоқчи, ёқалаб ўтиб кетмоқчи, унинг овозини ўчирмоқчи бўлар, «мен» эса қўзғалмасликни, ўйлашни афзал кўрарди...

Кўриниши совуқ, хилват кўл!

Унинг жанубий қисмидаги ўша оролча!

Ким кўрарди?

Ким эшитарди?

Қуролсоз бекати, у ердан кўлга ёз вақтида автобус қатнайди... (Ҳатто шуни ҳам ўйлашгача бориб етдимиз-а? Уҳ, шайтон!) Даҳшатли жойи шунда эдики, бекатни у анави фикрлар туфайлигина эсига олди. Аммо умуман бундай нарсаларни ўйлаганда, обдан ҳаммасини тарозига солиб кўриш керак – шундай қиламан деб ўйлаётганингни ўзинг бўйнингга олишинг ёки бу гапларни бутунлай, бир умр... бир умр миянгдан чиқариб ташлашинг зарур. Лекин Сондра-чи! Роберта-чи! Агар Клайдни ушлаб олишса – электр курсига ўтқозишади! Тўғри-ю, аммо ҳозирги аҳволи ҳам беш баттар эмасми! Ҳал қилиб бўлмайдиган мушкулот-ку, бу! Сондрадан айрилиш жафоси-чи! Ҳар қанча бўлганда ҳам одам ўлдириш...

У ҳаяжондан қизиб тер босган юзларини артида-да, тўхтади, майдон ўртасидаги бир тўп оғочларга кўз ташлади – улар нимаси биландир анави... кўл ёқасидаги... дарахтларни эслатарди, кетаётган йўлидан ҳам Клайднинг ҳафсаласи пир бўлди. Аллақандай зим-зиё кўча эди. Яхшиси, шаҳарга қайтиш керак. Аммо жанубга, Учинчи миль Кўрфазига ёки Шимолий кўлга олиб борадиган анави йўл... У билан Шейронгача, кейин Крэнстонлар вилласигача бориш мумкин. Клайд анави ишдан сўнг... шу йўл орқали кетса ҳам бўлади. Худовандо, ўзинг асра! Катта мушгир кўли... қо-

ронгида қирғоқдаги дарахтлар ҳам худди мана бу – оғочлардек ноаниқ ва зим-зиё пардага ўралади. Анави иш албатта кечқурунга бориб қилиниши керак. Ана шунда ҳамма ғафлатда қолади... хуллас... фақат тентак одамгина бундай ишни... эрталаб, ҳамма ёқ ёруғлигида... қилиши мумкин. Лекин қоронгида, худди мана шундай ғира-шира пайтда ёки яна ҳам кечроқ... Э, йўқ, шайтон урсин-е, бу фикрларга алданмаслиги керак у! Аммо-лекин... у ерда Клайдни ҳам, Робертани ҳам ҳеч ким кўрмайди-ку. Бу оппа-осон иш – кўлга, мана масалан, Катта мушгир кўлигаёқ дейлик... никоҳдан кейинги ўйин-кулги баҳонаси билан боришади... масалан, тўртинчи июлдами... ёки кечроқ – бешинчидан сўнгми, чунки ўша пайтда у ерда одам кам бўлади. Яна, из қолдирмаслик учун асл фамилияси ўрнига... бошқа фамилияни ёздириб қолдириши ҳам мумкин... Шундан кейин ярим тунда ёки эҳтимол эртаси кун эрталаб ҳеч нарсани билмагандай Шейронга, Крэнстонлар чорбоғига қайтади-да, соат ўнларда келадиган эрталабки поезддан тушдим, дейдиқўяди... Ундан кейин...

Шайтон ақлдан оздиряпти шекилли! Нега бу фикр унинг миясидан бир қадам ҳам нари жиламаяпти? Наҳотки, шу ўйлаган нарсасини қила олади у? Э, йўғ-е! Бу иш қўлидан келмайдн! Ахир, Клайд Грифитс буларни, шунчаки эрмак учун ўйлаяпти-ку. Бу ақлга сиғмайди. Йўқ, у бу ишни қилолмайди. Бу ақлга сиғмайди, ўтакетган мурдорлик бу, келиб-келиб унинг, Клайд Грифитсдек одамнинг шундай разилликка боришини ҳатто тасаввур қилиш ҳам қийин. Аммо бари бир...

Ўша заҳотиёқ у бундай ёвуз жиноят қилишга ўзининг ожиз ҳамда ношуд эканлигини алам билан ўйлаб, руҳи тушиб кетди. Азбаройи ҳеч бўлмаса одамлар ичида юришни истаганлигидан Ликуртга қайтишга аҳд қилди.

XLV БОБ

Инжиқ, нозиктабиат ва хаёлпараст одамлар, агар бунинг устига уларга ақл-фаросатдан камроқ ато қилган бўлса, қийинчилик ва оғир муаммоларга дуч келганда шундай дақиқалар юз бериши ҳам мумкинки, ҳали тахтидан улоқтирилмаган идрок ноилож мувозанатини йўқотиб, худди ўтда қовурилгандек ўзини қўйишга жой топмайди, одам ларзага тушган ва ақл-идроки шу қадар лат еган бўладики ҳеч бўлмаганда маълум вақтгача – телбалик ёки саросима, гумроҳлик ёки хато ундаги қолган барча хусусиятлардан устун келиши турган гап. Бундай пайтларда ирода ва журъат жиддий қийинчиликларга юз тугиб, на унга дош беролмай, на уни енгиб ўтолмай, қандайдир чекиниш, шоша-пиша ундан нари қочиш пайига тушади-ю, ўз ўрнида эса таҳлика ва муваққат телбаликни қолдириб кетади, холос.

Клайднинг ақлини ҳам душман олдида қочиб бораётган кичик бир пароканда армияга ўхшатиш мумкин эди; у гоҳо жонҳолатда қочиб бораётиб, бир дақиқа тўхтайдиди-да, қай йўл билан бутунлай тор-мор бўлишдан қутулишни ўйлайди, шу даражада таҳлика ва қўрқувга тушганидан яқинлашиб келаётган муқаррар ҳалокатдан омон қолишнинг энг машъум, энг хатарли йўлларига ёпишади. Клайднинг кўз қарашлари борган сари кескинлашиб, баъзан телбанамо тусга кирарди, у дақиқа сайин, соат сайин яна ўша фикр ва кирдикорларини ўйлар, уларнинг қалтис оқибатларини чамалаб кўрарди. Аммо чап беришга ҳеч қаердан зиғирдак ҳам нажот йўқ эди. Шу сабабли яна ўша қарори ёдига тушар, бу қарорни Клайдга гўё газета хабари эслатгандек туюлса-да, лекин аслида бирор йўлини топаман, деб чеккан азоб-уқубатлари, ҳаяжонли, бенаф уринишлари оқибатида унда

шундай руҳий ҳолат туғилган эди, шу боисдан ҳам бу фикр унинг миясидан сира нари кетмасди.

Чиндан ҳам, мавжудлигини Клайд умрида хаёлига ҳам келтирмаган ва ичкарисига у бирон марта разм сололмаган аллақандай қуйи ёки юксак олам гўшаларидан, тириклик ва ўлимдан ташқарида турган, Клайдга мутлақо ўхшамас жонзодлар билан тўлган ўша дунё қаъридан – худди Оловуддин чироғига беҳосдан тегиб кетилганда пайдо бўлган жиндек, балиқчи тўрига тушиб қолган кўзачадан бурқсиб чиққан тутунсимон иблисдек, Клайд қаршисида бирдан ўз дилида пинҳон ётган ўша маккор, манфур нияти бош кўтарди: қабиҳ – аммо қудратли, маккор – аммо жозибали, самимий – аммо шафқатсиз бу ният Клайдга даҳшатли хавф солаётган ёвузлик билан (гарчи у бутун кучини ишга солиб унга қаршилиқ кўрсатаётган бўлса-да) яна бир бошқа ёвузлик ўртасида иккаловидан бирини танлашга мажбур этаётган эди уни, бу ёвузлик қалбини жирканч ва тенгсиз қўрқувга солиб ҳаприқтирса-да, бироқ истиқболда унга эрк, омад ва севги ваъда қилаётган эди.

Шу пайтда унинг миясини тақа-тақ беркитиб қўйилган унсиз хонага ўхшатиш мумкин эди, Клайд ўз иродасига қарши бориб, бу хонада танҳо қолганича ўзининг қандайдир қоронғи ибтидоий қисми бўлмиш «мен»нинг сирли ва даҳшатли истаклари ҳамда маслаҳатлари хусусида фикр юритар, ундан на воз кеча олар, на қоча олар ва на бирор иш қилишга ўзида жасорат топа олар эди.

Чунки энди унинг энг ёмон ва энг заиф «мен»и тилга кирган эди. У шундай дер эди: «Робертанинг шу пайт, шу дақиқагача сенга қўйиб келаётган, иложсиздай бўлиб туюлган талабларидан қутулишни истайсанми? Унда қулоқ сол! Мен сенга йўл кўрсатаман. Бу йўл Пасс кўли орқали ўтади.

Сен ўйлайсанки, ҳув анави газета бекордан-бекорга қўлингга тушиб қолдимми? Катта мушгир кўлини, кўкиштоб-қорамтир сувни, жанубдаги оролчани, Учинчи миль Кўрфазига олиб борадиган кимсасиз йўлни бир хотирингга келтир. Бундан ортиқ яна сенга нима керак. Бунақа кўлда қайиқ ёки байдарка ағдарилса – Роберта бир умрга ҳаётингдан ўчади-кетеди. У сузишни билмайди-ку, ахир! Кўл... ўзинг кўрган, мен кўрсатган... ўша кўл... бу ишга ундан ҳам қулайроқ жой борми, гапирсанг-чи? Хилват ер бўлса, одам кам боради, шунга қарамай унчалик олис ҳам эмас, бу ердан ораси бор-йўғи юз милга етар-етмас. Роберта билан у ёққа жўнашингларга ҳам баҳона тайёр, ўзларингиз келишиб олганингиздек, аслида таг-туғи йўқ тўй олдидан саёҳатга чиққандек бўласизлар-қўясизлар. Фақат сен битта иш қилишинг керак – ўзингнинг ва Робертанинг фамилиясини ўзгартиришинг лозим... ёки бундай қилмасанг ҳам бўлади. Майли, Роберта ўзиникини, сен ўз фамилиянгни ёздириб қўяверасизлар. Чунки сен ҳеч қачон унга ўзинг ҳақида, орадаги муносабатларингиз ҳақида гапиришига йўл қўймагансан, Роберта буларни ҳеч кимга айтмаган. Сен унга фақат расмий номаларгина ёзгансан, холос. Шу сабабли ўзларинг келишиб, қаердадир бир ерда учрашсанглар – ким кўриб ўтирибди сизларни, сен Робертани Катта мушгир кўлигами ёки шу атрофдаги бошқа бирор жойгами, худди у билан илгари Фондага борганинглар сингари, индамай олиб кетаверасан».

«Аммо уч-тўрт одам ит ҳасратда зўрға сиғадиган хароб бир кулбани айтмаса, Катта мушгир кўлида меҳмонхона йўқ-ку», – деб тўғрилади Клайд ўша заҳоти.

«Айни муддао бу. Демак, у ерда одам кам бўлади».

«Аммо, бизни йўлда, поездда кўриб қолишлари мумкин. Кейин мени Робертанинг ҳамроҳи деб таниб олишади».

«Ахир, сизларни Фонда ёки Гловерсвида танишдимиз? Ҳар гал иккаловингиз бошқа-бошқа вагон ва купега тушдингиз, яна шундай қиласизлар-қўясизлар-да, биров йўқ дермиди? Мўлжалларингизга қараганда – махфий равишда никоҳдан ўтмоқчисизлар, хўш, шундай экан, нима учун никоҳдан сўнгги биринчи ойни ҳам пинҳона ўтказиш мумкин эмас?»

«Тўғри... тўғри».

«Ҳамма ишлар жойига тушиб кетиб, сизлар Катта мушгир кўлигами ёки яна бошқа бирортасигами – бунақа кўллар бу атрофда сон-саноқсиз – борганингизда, бемалол қайиқ олиб, сайр қилишингиз мумкин! Нима, биров кимсан деб савол берармиди. Сенинг фамилиянг ёки Робертанинг фамилияси остига бир сўз ҳам ёзилмайди. Қайиқни бир соатга, ё ярим кунга ёки бир кунга ижарага оласан-қўясан. Ҳў анави ҳувилаган кўлнинг паст томонидаги оролчани кўрган эдинг-ку. Хуштабиат орол эди, тўғрими? Уни томоша қилса жудаям арзийди. Хўш, нима учун тўй олдидан шунақанги маза саёҳатга чиқиш мумкин эмас? Робертанинг боши осмонга етади-ку, қайтага... у шунчалик чарчаб ҳолдан тойганки, қарабсизки, бу ерда, – шаҳар четида шоҳона сайр-томоша... янги ҳаёт синовлари олдидан мириқиб дам олиш. Қанчалик бамаъни иш эмасми, ахир бу? Шундай бўладики, икковингиз ҳам қайтиб келмайсизлар. Икковингиз ҳам сувга чўкиб кетасизлар, шундаймасми, ахир? Сизларни ким кўриб ўтирибди? Фақат бир-икки йўл кўрсатувчи-ю, ҳожатингизни чиқарган қайиқчи билан меҳмонхона хўжайини, холос. Ахир, улар сен киму, Роберта кимлигини қаёқдан билиб ўтиришибди. У кўлнинг қанчалик чуқурлигини эшитган эдинг-ку ўзинг?»

«Лекин мен Робертани қандай ўлдираман, унга қандай кўл кўтараман. Тирноғимни ҳам теккизиш-

ни истамайман унга. Агар у мен билан орани очиқ қилиб, индамай ўз йўлига кетаверишга кўнганда, ишим шу қадар юришиб кетардики, уни бошқа кўрмасликдан шу қадар бахтиёр бўлардимки».

«Агар Робертани ташлайдиган бўлсанг ҳам у сени қўйиб бўпти, ўз йўли билан кетади деганингни қара. Агар Робертдан қочиб қутулмоқчи бўлсанг, унда Сондрани, у билан боғлиқ барча нарсаларни ва маза қилиб юрган бутун роҳат-фароғатларингни: амакинг ва унинг дўстлари олдидаги обрўингни, уларнинг автомобилларини, танцалар ва чорбоғлардаги сайр томошаларни йўқотасан-қўясан. Ундан кейин нима бўлади? Яна хароб бир жойга борасан! Арзимаган чойчақага итдай ишлайсан! Яна Канзас-Ситидаги бахтсиз воқеадан кейингига ўхшаш дарбадарликларинг бошланади. Ҳозирги бу бахт қуши кейин ҳеч қачон ва ҳеч ерда пешонангга қўнмайди. Шундай бўлишини ҳали сен ўзинг истаяпсанми?»

«Ахир, бу ерда ҳам худди Канзас-Ситидагига ўхшаб, бутун орзу-ниятларимни... келажагимни барбод қиладиган, кутилмаган бахтсиз ҳодиса юз бериши мумкин-ку?»

«Бахтсиз ҳодиса? Тўғри, юз бериши мумкин... аммо унчалик бўлмайди бари бир. Ҳозир ҳаммаси қўлингда... Сен барини ўзинг истаганча хамирдан қил суғургандек ими-жимида қилишинг мумкин. Бемалол қўлингдан келади! Ҳар ёзда қанча-қанча қайиқлар ағдарилиб кетяпти... сайр қилиб юрганлар эса ҳалок бўлишади, чунки кўплари сузишни билишмайди. Ахир, Роберта Олден билан кўлда бирга бўлган кимсанинг сузишни билган билмаганини қайси бир инсон суриштириб ўтирибди? Аслида барча ўлимлар ичида энг осони ҳам шу, сувга чўкиб ўлиш... шов-шувсиз... дод-войсиз... балки кутилмаганда эшкак тегиб кетар ёки тасодифан

қайиқ қиррасини босар... Кейин туя кўрдингми – йўқ! Ўзинг хон, кўланканг майдон... Мурда эса сираям топилмайди. Борди-ю, уни топиб, таниб қолишган тақдирда ҳам, наҳотки Клайд ўзини билмасликка олиб (сал бош қотирса-ку, битта баҳона чиқади-қўяди-я, мен бошқа жойда эдим, Ўн иккинчига боришдан аввал бошқа фалон кўлда эдим, деёлмайдими? Нимаси ёмон шундай дейишининг? Ишонмайдиган жойи йўқ-ку?)»

«Аммо, майли, қайиқни ағдариб юбордим ҳам дейлик, Роберта чўкмай қолса-чи, унда нима бўлади? У қайиққа ёпишиб олганча дод-вой солади, уни қутқариб қолишади ва у Клайднинг... ниятини айтиб беради... Йўқ, мен бундай қилолмайман... истамайман ҳам. Мен уни туртиб юбормайман. Бу даҳшатли, ўта қабиҳ иш...»

«Лекин астагина уриш мумкин-ку... бундай пайтда хиёл туртиб юборилса бас, ҳушидан кетади, шу билан қутуласан-қўясан. Бу аслида ноинсофлик, албатта, аммо Роберта ўз йўлича кетавериши мумкин эди-ку, шундай эмасми, ахир? У бўлса буни хоҳламаяпти, устига-устак, сени ҳам ўз ҳолингга қўймаяпти. Начора, аҳвол шу бўлгандан кейин... буни ноинсофлик дейиш ҳам қийин, шундаймасми? Эсингни йиғиштириб ол, сени Сондра... сарвқомат Сондра кутяпти... Ликургда у билан давру даврон суриш... бадавлат умр кечириш, эл-юрт орасида юксак мартаба орттириш, бунақа нарсаларга, ўйлама, сен бошқа пайтда ҳеч қачон етишолмайсан... ҳеч қачон... ҳеч қачон! Севги ва бахт... Ликургдаги истаган юқори табақа кишиларингга тенг бўласан-қўясан... Ҳатто амакиваччанг Гилбертдан ўзиб ҳам кетасан».

Бояги овоз алақандай гира-ширалик... танҳолик... орзу-хаёллар қаърида бир дақиқа тингандек бўлди.

Аммо Клайд ҳозиргина эшитганларини ўйлай туриб, бунга ишонгиси келмасди бари бир. Баҳай-

бат залдан эшитилган бу овоз кучини ё шубҳали васвасми ёки инсофли туйғуларми, ишқилиб, биттаси босиб кетди. Бироқ Клайд Сондрани, унинг рухсорини ёдга солувчи белгиларни, кейин эса Робертани ўйлади дегунча, сирли аллаким яна келиб қолар, қайтага бу гал у баттар айёроқ ва қувноқ қиёфага кирган бўларди.

«Ҳалиям шуни ўйлаб ўтирибсанми? Чорасини тополмаяпсанми, топмайсан ҳам. Мен сенга ягона тўғри йўлни, нажот йўлини айтдим... бирдан-бир йўли: ўша кўл. Сайр қилиб юриб, қандайдир бир хилват жойни, жануброқ томондаги чуқур, кўздан йироқ қўлтиқчани топиш шунчалик қийинми, ахир? У ердан кейин ўрмон орқали Учинчи миль Кўрфазига ёки Кулранг кўлга ўтиш арзимаган ишқу! Сўнгра у жойдан Крэнстонларникига ўтасан. Ўзинг биласан-ку, у ёққа кемача қатнайди. Ола, кўрқиб ўтирганингни қара! Журъатсизлик ҳам шунча бўладими. Ўлиб-тирилиб излаётган нарсаларинг: гўзаллик, бойлик, эл-юрт орасидаги мартаба... шуларга эга бўлишинг, бутун моддий, маънавий хоҳишларингни қондиришинг мумкин-ку, ахир. Акс ҳолда – қашшоқлик, дилхасталик, ит азоби меҳнатдан бошинг чиқмайди...

Истаганингни танла! Кейин, шунга қараб ишингни қилаверасан. Танлашинг керак! Керак! Керак!»

Ҳайҳотдек хонанинг қоронғи бурчагидан эшигилаётган шивир-шивир овоз шу билан тинди.

Клайд бу овозни аввалига даҳшатга тушиб, ижирганиб тинглади-ю, кейин эса, ҳар қанча ёмон ният ва кирдикори бўлмасин, бахтсизликдан қутулишда инсоннинг ҳатто энг ёвуз, энг мушкул режаларни тузишга ҳам ҳақ-ҳуқуқи бор, деган қабилда донишмандларча эҳтироссиз фикр юритадиган вазмин кишилардек хотиржам ўтириб тинглай бошлади. Клайд маънавий ва жисмоний жиҳатдан

маишатга, қуруқ хаёлга мойиллиги ва ўзидаги бу хоҳишни жиловлай билмаслиги оқибатида охири шу даражада гангиб қолдики, назарида ўша йўл билан Робертадан қутулиш осондек туюла бошлади. Хўш, шундай қилиш нега мумкин бўлмас экан? Ахир, ўша овоз айтганидек, бирдан-бир оқилона, удаласа бўладиган йўл ҳам шу-ку... фақат бир марта ёвузлик қилади-ю, кейин бутун истаклари, хаёллари рўёбга чиқади. Аммо Клайднинг салга ўзгарадиган, ўта беқарор иродаси, устига-устак ғоят ожиз бўлганлиги учун мушкул муаммони бундай йўл билан ечишга... ўша пайтда ҳам, кейинги ўн кун ичида ҳам унинг қурби етмади.

Аслини олганда, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолган Клайд бундай қадам босишга ботина олмасди ва ботинмас эди ҳам. У ҳар галдагидек то уни мажбурлашмагунча қимирламай кутиб ўтираверарди. Ёки бундай ваҳший қут учирадиган фикрдан воз кечиши керак бўларди. Аммо худди шу пайтда унга анча-мунча номалар келди, еттигаси Робертадан, бештаси Сондрадан, биринчилари гам-андухга тўла, Сондра юборганлари эса ҳаяжон ва қувончлардан иборат эди ва бу номалар гўё Клайд олдида турган ваҳимали жумбоқнинг икки зид томонини яққол кўрсатиб турганга ўхшар эди. Робертанинг ёлворишлари қанчалик самимий ва пўписа аралаш бўлишига қарамай, Клайд ҳатто телефонда жавоб беришни ҳам ўзига ортиқча биларди; унинг фикрича, агар жавоб берса – Пасс кўлидаги бахтсиз ҳодисага ўхшаш хунук оқибат, яъни Робертанинг ўлими тобора тезлашиб кетаётгандек туюларди.

Айни пайтда у Сондрага ёзган қатор-қатор хатларида ўзининг ўтли иқрорларини қайта-қайта баён этарди...

Унинг қадрли, унинг ажойиб маъшуқаси!.. Ўн тўртинчи июлда эрталаб Ўн иккинчи кўлга бориш-

ни шунчалар орзу қилдики... У телбаларча Сондра-нинг васлига муштоқ! Лекин афсуски, деб ёзар эди у (Клайд шу қадар эсанкираб қолганлигидан ҳатто ҳозир ҳам нима қиларини билмасди), иши билан боғлиқ баъзи сабаблар уни яна бир ёки икки-уч кунга ушлаб қолиши мумкин, ҳозирча у аниғини билмайди, бироқ иккинчи июлдан кечикмай, ҳам-маси аниқ бўлиши билан дарров хат ёзади. Шу сўзларни ёзаётиб, Клайд ўзича: нима сабаблигини Сондра билганда эди!.. Қани энди у билганда эди!.. – деб қўйди. Аммо бу хатни тугатгандан сўнг ҳам – айна вақтда у Робертанинг ялиниб ёзган охирги мактубини жавобсиз қолдирса-да – бари бир: бу – ҳали Роберта билан бирга кетишдан умидворман деган сўз эмас, борди-ю, бирга кетган тақдирда ҳам, уни ўлдираман деган сўз эмас ахир, деб ўзига ўзи таъкидлашда давом этарди. Шу қадар машъум жиноят қилишни мўлжаллаётганини ақалли бирон марта у виждонан – ёки тўғриси айтганда, очиқдан-очиқ, дадил туриб, вазминлик билан бўйнига олмаган эди. Аксинча, ўша қатъий қарори кўнглида қанчалик ўрнаша борган сари, бу фикр унга шу қадар жирканч ва мудҳиш кўринар, жирканч ва деярли иложсиз кўринган сари уни қачонлардир амалга ошириш сира ақлига сиғмайдигандек туюларди. Тўғри, баъзи дақиқаларда, одати бўйича ўзи билан ўзи баҳслашиб, ахлоқ ва адолат қўллаши мумкин бўлган хилма-хил жазолардан ҳайиққанидан бутун вужуди ларзага тушганча, қисталанг ва дўқлари билан уни обдан безор қилиб юборган Робертани Катта мушгир кўлига тинчлантириш учун олиб борсам ҳам бўлади, деб ўйлаб кетарди (яна ўзига ўзи баҳона, важ, ҳийла-найранг ишлатмоқчи бўлар), бундан буён нима қилишни яхшилаб пишитиб олмоқ учун яна бир оз муҳлат ундиришни кўзларди.

*Нажот йўли кўл орқали ўтади.
Нажот йўли кўл орқали ўтади.*

Аммо кўлга боргандан сўнг – ўша ўзи ўйлаган-дек иш тутгани маъқулми ёки йўқми... буни айтиш амри маҳол. Эҳтимол у Робертанинг фикрларини ўзгартириб юбора олар. Ҳарқалай, нима бўлганда ҳам, Роберта жуда адолатсизлик қилипти, у Клайдни ҳаддан ташқари кўп қийнапти. Сондра ҳақидаги қалтис хаёлларга бутунлай шўнғиб кетганидан, у, Робертани бекордан-бекорга арзимаган нарсадан пашшадан фил ясагандек катта бир фожа чикаряпти, деб ҳисоблар эди. Очиғини айтганда Роберта ҳам худди Эстанинг аҳволига тушган, холос. Аммо Эста менга уйланасан, деб бировни зўрлагани йўқ-ку. Хўш, Клайднинг ота-оналари бўлмиш қашшоқ ваъзгўйлардан, Олденлар – қашшоқ фермерларнинг қай ери ортиқ? Робертанинг ота-онаси нима дер экан, деб нега мунча хавотирга тушишмаса, ахир, Эста ота-онамга нима бўларкин, деб ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди-ку?

Роберта унга ҳар қанча айб қўйган тақдирда ҳам, унинг ўзида айб йўқми сира? Тўғри, Клайд сўзсиз уни ўзига шайдо қилишга, йўлдан уришга интилади, истаса-истамаса – бор гап шу, аммо бу билан Робертанинг айби ювилиб кетармиди? Агар у шунчалик ахлоқли экан, нега унда Клайдга қаршилиқ кўрсатмади? йўқ, у бундай қилмади. Клайд туфайли бошига тушган бахтсизликни айтадиган бўлса, хўш, у Робертани қутқариш учун қўлидан келганча ҳамма ҳаракатини қилди-ку, ахир? Бунинг устига топишининг мазаси йўқ. Аҳволи эса ундан беш баттар. Йўқ, Робертагаям худди Клайд сингари қанча дашном берилса арзийди. Аммо шунга қарамай, Роберта Клайдни яланг чатоқ йўлга ниқтагани-ниқтаган, уйланасан деб оёғини ти-

раб олгани-чи, ваҳоланки, у ўз йўли билан кетаверишга кўнса-ю, дарвоқе, Клайд ёрдамида шундай қилишга уриниб кўрса нима қипти. Клайдни ҳам, ўзини ҳам бу азоблардан қутқарган бўларди-я.

Йўқ, бунга кўниш қаёқда, ҳе, унда Клайд ҳам уйланишни истамайди, гап шу – вассалом! Клайдни мажбур қиламан, деб хом хаёлик қиляпти у. Йўқ, йўқ, овора бўлади бари бир!

Баъзан кайфияти шундай кўтарилган пайтларда у ўзини ҳамма нарсага қодирдек ҳис этар, Робертани ҳам осонлик билан чўктириб юбора оламан, бунга унинг ўзи айбдор бўлади, деб ўйлар эди.

Кейинроқ эса, билиб қолишса – эл-юрт нима деркин, қандай чора кўришаркин, умрим давомида виждоним сўроғига ўзим нима дейман, қабелидаги даҳшатли фикрлар яна миясига қайтиб келаверар эди. Шунда Клайд Ликургда қолишни ўзи қанчалар истаса ҳам, аммо қўлидан бирон иш келмаслигига, демак бу ердан қочиши кераклигига ишонч ҳосил қилди.

Шу алпозда якшанбада Роберта хатини олганидан бери ҳам орадан сешанба, чоршанба ва пайшанба кунлари ўтиб кетди. Пайшанба куни кечқурунга бориб (бутун кун бўйи хавотирли фикрлар унга ҳам, Робертага ҳам азоб бериб тинчитмади) Клайд ушбу номани олди:

«Бильц, чоршанба, 30 июнь.»

Азизим Клайд!

Сени огоҳлантириб қўйяпман, агар менга жума куни тушгача телефон қоқмасанг ёки ўшангача хатингни олмасам, унда Ликургга ўша оқшомдаёқ етиб бораман ва мени қай аҳволга солганингни одамлар бир билиб қўйсин. Мен энди бир соат ҳам кутиб туролмайман ва бошқа азобга чидолмайман. Минг афсуски, шундай қилишга мажбурман, чун-

ки худди сувга тушгандек жим бўлдинг-кетдинг, шанба куни – учинчи июль, мен эсам мақсад ва режаларинг қандай, мутлақо беҳабарман. Гулдай умрим хазон бўлди, сеники ҳам нуқсонсизлигича қолавермас, деб ўйлайман, аммо бунга фақатгина мен айбдор эмасман. Сенинг заҳматингни енгиллатиш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим, ота-онам ва дўстларимнинг, сенга қадрли бўлган ҳар бир кишининг ҳам дилини оғритиш менга жудаям қийин, албатта. Аммо мен энди бир соат ҳам кутмайман ва азоб чекмайман.

Роберта».

Клайд хатни қўлида ушлаганча, энди ҳаракатимни қилмасам тамом, деган фикрдан довдираб қолди. Робертанинг келиши аниқ! Агар Клайд уни кўндириб, бир амаллаб ўша ерда ушлаб туролмаса, эртага иккинчи – Роберта Ликургда бўлади... Бироқ Клайд иккинчида ҳам, учинчида ҳам у билан бирга кетолмайди, фақат тўртинчи июлдан кейингина бирга кетиши мумкин. Байрам кунлари қаёққа қарасанг – лиқ-лиқ одам, ахир, икковларини кўриб, таниб қолишса-чи... Ваҳоланки, бу ерда ипидан игнасигача ҳаммасини пинҳон тутиш зарур. Тайёргарлик кўриш учун Клайдга тағин бир оз муҳлат ҳам керак. Энди у тезлик билан ҳаммасини ўйлаб чиқиб, кейин ҳаракатини қилавериши даркор. Эй, худо-ей! Тайёрланиш керак. Балки Робертага телефон орқали: бетоб эдим ёки пул топиш дардида сарсон бўлиб юрган эдим, дейдими ёки шунга ўхшаш бирон ваз-корсон айтиб, мактуб ёзолмаганимнинг боиси шу эди, дейдими... бунинг устига худди аксига олгандек, амаким мени айни шу тўртинчига Ўрмонга таклиф этиб қолди-я, дейдими. Амакиси! Амакиси! Намунча ҳадеб уни рўкач қилавермаса. Амакиси билан у яна

кўришадими-йўқми, бунинг Клайдга ёки Робертага нима аҳамияти бор. Ахир, Клайд Ликургдан бутунлай кетмоқчи-ку, у Робертага шундай деган. Энг яхшиси – Робертага: амакимнинг ҳузурига бориб, кетаётганимга нимадир баҳона кўрсатаман, балки орадан бир йиллар ўтгач, яна қайтиб келарман, деб айтаман, дегани маъқул. Роберта бунга ишонади. Ҳар қандай шароитда ҳам у Робертага нимадир дейиши зарурки, у тинчлансин ва жуда бўлмаганда бешинчигача, Клайд қатъий бир қарорга келгунча Бильцда тура турсин... Ҳозирча, ҳадеб икки қайиқнинг бошини ушлайвермасдан, ё у йўлни ёки бу йўлни танлашга ҳозирлик кўриши керак. Ё у йўлни ёки бунисини...

Клайд бошқа ўйлаб ўтирмай, ўша заҳотиёқ шу орадаги яқин телефонга югурди, бу ердан уни деярли ҳеч ким эшитмас эди. У Робертани чақирди-ю, бу сафар узундан-узоқ авраб, чалғитиб, тилёғламалик қилиб гап уқтира кетди; у қаттиқ касал бўлиб, шамоллаб қолдим, уйдан бир қадам ҳам жиллолмадим, шу сабабли телефонга боролмадим, деб Робертани ишонтиришга тушди... кейин қачонлардир бу ерга қайтиб кела олиши учун амакисига ҳам бирор ваз жўрсатмоқчи эканини айтди... У ялиниб-ёлвориб, деярли эркалаётган оҳангда гапирар, Робертдан шу кунларда қай аҳволга тушганимни тушунгин, деб илтимос қиларди, хуллас, у сусткашлиги ва дом-дараксиз кетганининг алақандай сабаблари борлигига охири Робертани ишонтирибгина қолмай, балки унга ўзининг янги режаларини ҳам баён этиб берди. Роберта яна олтинчигача бир амаллаб чидаши керак, ўшанда, албатта, қаерда деса ҳам майли, Гомердами, Фондадами, Ликургдами, Литл-Фолздами... хоҳлаган жойида уни Клайд кутиб олиши аниқ. Аммо ҳаммасини улар агар сир тутмоқчи бўлишса, унда Клайд Робертага олтинчи кунни эрталаб Фондага етиб

келишини маслаҳат беради, ана шунда кундузги поезд билан Утикага кетиш мумкин. У ерда эҳтимол тунаб қолишар, – телефонда режа тузиб, гапни бир ердан чиқариш амри-маҳол, албатта, – ўшанда маслаҳатлашиб олганларидек иш тутаверишади. Бундан ташқари у, нима қилишлари тўғрисида ўзи қандай фикрдалигини ўша учрашувда бафуржа ўтириб гапириб бериши мумкин. Клайдда ҳозир бир ният туғиляпти – никоҳдан олдинми ёки кейинми, бу майли, Робертанинг ихтиёрида, кичик бир саёҳатга чиқишса қалай бўларкин... аммо-лекин... бир ёзилиб, маза қилиб келишар эди... (Шу сўзларни айтаётганда Клайднинг овози титраб, тиззалари ва қўллари қалтирай бошлади, бироқ Роберта унинг тўсатдан бундай саросимага тушиб қолганини телефонда била олмас эди.) Роберта уни ҳозир ортиқча сўроққа тутавермаслиги керак. У дилида йиғилиб қолган гапларини телефонда айттолмайди бари бир. Лекин олтинчи куни тушга яқин у Фонда вокзалида, албатта бўлади, Роберта уни кўриши биланоқ Утикагача чипта олиши, кейин қўшни вагонга чиқиб ўтириши лозим. Роберта агар уни поезд жўнагунча бекат саҳнида кўрмаса, унда Клайд шу ердалигини билдириш учун у тушган вагонга кириб ўтиб кетади, шу билан гап тамом: аммо Роберта у билан зинҳор гаплашмаслиги керак. Утикада Роберта жомадонини юк сақлаш хонасига топширади. Клайд эса орқасидан хилват бир муйилишгача эргашиб боради; кейин Робертанинг буюмини олиб келади-ю, сўнгра биргалашиб қайсидир бир кўздан чет меҳмонхонага қараб жўнашади, қолган нарсаларнинг барини эса Клайднинг ўзи тўғрилайди.

Ҳаммасини у Клайд айтгандек қилиши керак. Ахир, озми-кўпми унга ҳали ишончи бордир! Унда Клайд эртага – учинчида, кейин эса олтинчи куни эрталаб, албатта, қўнғироқ қилади; ана шунда

ишлар жойидалиги: яъни Робертанинг жўнаётгани ва Клайд ҳам ўзи айтган ерида бўлишини бир-бирларига хабарлашади. Нима? Кичик бир сандиқча олмоқчиман дейсанми? Кичкинагина? Марҳамат, зарур бўлгандан кейин оласан-да Аммо мен сенинг ўрнингда бўлсам, юкни кўпайтириб ўтирмас эдим ҳозир. Бирор-бир жойга ўрнашиб олганимиздан сўнг майда-чуйдаларингни сўраттиришинг мумкин-ку, ахир.

Клайд шуларнинг ҳаммасини кичкина чет бир дорихонадаги телефон будкасидан туриб гапирар (доричи эса орқа хонада ўтириб, банка ва шишалари орасида кўмилганча аллақандай бемаъни бир романни ўқишга тушиб кетган эди), гўё шу топда эсанкираб, довдираб, даҳшатга тушган Клайднинг ўзи эмас, баҳайбат бир жин Клайднинг хотиржамгина турган миясига кириб олиб, кейин яна унинг елкаси ортига туриб, чинакамига Клайднинг тиллари билан гапираётгандай туюларди.

«Сондра икковинг бирга бўлган ўша кўлга бор!

«Ликург» меҳмонхонасиданми ёки вокзалданми у жойларнинг йўл кўрсаткич китобчасини топ.

Кўлнинг жанубий томонига сузиб боргин-да, кейин у ердан жанубга қараб юр.

Крам кўлида ва шу атрофдаги бошқа кўлларда ўзинг кўрган, салга ағдарилиб кетадиган, таги юмалоқроқ қайиқлардан бирини танла.

Кейин таниб қолмасликлари учун бошқа янги шляпа сотиб ол, сўнгра уни сувга ташлаб кет. Қаердан харид қилинганлигини билдирмаслик учун ҳатто астарисидаги белгисини юлиб олишинг ҳам мумкин.

Ҳамма буюмларингни сандиқчага жойлагину, лекин уйингда қолдир; мабодо ишинг чатоқлашса, бу ерга қайта солиб уни оласану яширинасан-кетасан.

Бутунлай кетишни мўлжаллаб эмас, фақат чорбоққа, Ўн иккинчи кўлга борганда зарур бўлаган нарсаларингнингина олиб кет; агар сени Ўн ик-

кинчи кўлда қўлга туширишса, сен бошқа бирон ёққа эмас, фақат ўша томонга отлангандек бўлиб кўринасан.

Робертага, мана шу саёҳатдан қайтиб келганимиздан сўнг сенга уйланмоқчиман, аммо ундан олдин уйланомайман, деб уқтир.

Агар керак бўлса, фақатгина ҳушидан кетказиш учун, салгина... сувга тушганда қийналмай чўкиб кетиши учун секин бир ур.

Қўрқма!

Унчалик кўнгилчан бўлма!

Сени фақат Шейронда ёки Учинчи миль Кўрфазида кўришлари учун ва сен ўзинг Рэкет ёки Узун кўлидан, ё Ликургдан келдим дея олишинг учун ўрмонни кундузи эмас, тунда кесиб ўт.

Ўзингни бошқа ном билан ата, қўлингдан келганча дастхатингни ўзгартир.

Ишингнинг муваффақиятли чиқишидан кўнглингни тўқ тут.

Роберта билан оҳиста, жудаям оҳиста – ипакдек бўлиб, эркалаб туриб, ҳатто уни суюб гаплаш. Робертани ўз ихтиёрингга бўйсундираман десанг, шундай қилишинг керак».

Клайднинг иккинчи ёвуз вужуди шу тахлитда фикр юритарди.

XLVI БОБ

Мана, сешанба – 6 июль ҳам етиб келди, туш пайти, Утика билан Фондани бир-бирига уловчи темир йўл станциясидаги саҳн; Клайдни шу ерда кутиб туриш мақсадида Роберта Бильц поездидан тушди, икковлари Утикага жўнайдиган поезд эса яна ярим соатдан сўнг келиши керак. Орадан чорак соат вақт ўтгач, Клайд ҳам жануб тарафдаги ён кўчаларнинг биридан чиқиб, станцияга томон кела бошлади, уни Роберта кўролмас эди, Клайд

бўлса вокзалнинг гарбий муйилишини айланиб ўтди-да, уюлиб ётган саватлар панасида тўхтаб, уни кузата бошлади. Қанчалик озиб-тўзиб кетибди у! Устидаги эгни ҳам бир ҳолатда, Сондраникининг акси: ҳаворанг сафар костюми-ю, шу учрашувга мўлжаллаб атайлаб сотиб олинган кулранг шляпа, буни кўрган Клайд, ўзига Сондра таклиф этаётган ҳаётдан кўра, бу – мутлақо бошқача, ночор ва офир ҳаёт эканлигини дарров сизди. Роберта ўз хаёлида Клайдга тегаман дебоқ, уни Сондрадан воз кечишга мажбурламоқчи бўляпти, бу никоҳ тузоғидан эса Клайд Сондра ва уни эсга солувчи барча назокатларни унутгандагина қутулиши мумкин, шунда ҳам омади келса агар. Бу икки қизнинг Клайдга нисбатан шунчалар бир-бирига ёт икки хил муносабатда бўлишаётгани қизиқ: Сондрада нима истасанг бор, у ҳаммасини ҳадя этмоқчи-ю, аммо эвазига ҳеч нарса сўрамаяпти; Роберта бўлса – ҳеч балоси йўғу, бироқ талаб катта.

Уни ғалати бир аламнок ранжиш туйғулари қамраб олди-ю, Пасс кўлидаги анави кишини аллақандай меҳр ва майл билан эслади, юрагининг бир бурчида унга муваффақиятлар тилади. Балки у ҳам худди шу аҳволга тушгандир. Балки у, охири ноиложликдан шундай қилгандир, шу боисдан ҳам уни топишолмаган. Клайднинг бутун асабияти таранглашди. Кўз қарашлари ғамгин, қаҳрли ва кўпроқ хавотирли тус олди. Бу гал ҳам иш ўнғайгина кўчармикан?

Мана у Роберта билан бир перронда турибди (бу – Робертанинг бетиним, мантиқсиз талабларининг оқибати), энди у тўрт кун давомида – Роберта иккаласи телефонда гаплашган вақтдан бери (агар очигини айтса – кейинги ўн кунлардан бери) ўйлаб юрган ўз режасини қандай қилиб дадил, тезда амалга ошириш ҳақида бош қотирмоғи лозим.

У бир қарорга келдими, энди бунга ҳеч нарса тўсиқ бўлолмаслиги керак. У ҳаракат қилмоғи зарур! Юраксизлиги оқибатида ўйлаган режаси барбод бўлиши мумкин, йўқ, у бунга йўл қўёлмайди.

У Робертага кўриниш учун олдинга юрди ва унга гўё дўстона тарзда «Мана кўрдингми, мен шу ердман», деяётгандай маънодор қараб қўйди. Аммо бу нигоҳ остида нималар яширинмаган эди! Агар Роберта бу филоф замирига чуқурроқ разм сололганда ва Клайднинг маъюс, кўрқинчли кайфиятини сеза билганда эди, унда у шоша-пиша жўнаб қолган бўларди. Лекин ҳозир, Клайднинг чиндан ҳам келганини кўргач, кўзларига яширинган ғамгин шарпа йўқолди, осилиб тушган лаблари асли ҳолига келди; ўзини танимаганга солса ҳам бутунлай чиройи очилиб кетди, Клайд тайинлаганидек Утикагача чипта олиш учун ўша заҳоти кассага қараб юрди.

Ниҳоят, ниҳоят Клайд келди-я, деб ўйлар эди Роберта. Энди у Робертани олиб кетади. Шу бондан унинг қалби миннатдорчилик туйғулари билан тўлиб-тошаётган эди. Ахир, улар кам деганда энди етти ёки саккиз ой бирга яшашади. Муросаи мадора қилиш учун одоб ва сабр-тўзим керак ҳали унга, лекин ҳарқалай бу иш унинг қўлидан келади. Бундан буён у бутун вужуди билан эҳтиёткор бўломоғи – Клайднинг ақалли хиёл жаҳлини чиқарадиган бирор-бир гап айтмаслиги, ножўя ишларга йўл қўймаслиги керак, ахир, ҳозир унинг кайфияти ёмон бўлиши табиий-ку. Лекин, ҳарқалай, Клайд бир оз ўзгаргандек кўриняпти... эҳтимол унинг Робертага энди меҳрибончилиги ошар, кўпроқ раҳми келар, ниҳоят, у тақдирга чин дилдан ўз хоҳиши билан бўйсунганга ўхшаб турибди-ку. Яна, айни пайтда унинг эғнидаги оч кулранг костюми, янги похол шляпаси, ялтираб турган ботинкаси ва қора чарм жомадонини, Клайд шу ерда ғалати пари-

шонхотирлик ва калтафаҳмлиқка йўл қўйган эди, тасма билан яқиндагина сотиб олган фотография аппаратининг тағлик уч оёғини каноф матоли филофга солинган теннис ракеткасига қўшиб (асосан, «К. Г.» деган ўз исми шарифини яшириш учун) жомадонига боғлаб қўйганини кўрганда, Роберта Клайдга нисбатан илгаригидек назокат ва интиқлик сезди ўзида. Унинг ташқи кўриниши ҳам, табиати ҳам Робертага ёқар эди. Ўзига нисбатан ҳозирги бепарволигидан қатъи назар, у ҳарқалай Робертанинг Клайди эди.

Роберта чипта олгач, буни кўрган Клайд ҳам ўз навбатида кассага борди, кейин яна Роберта томонга маънодор қилиб қараб қўйди, гўё шу қараши билан ҳаммаси жойида демоқчи бўлаётгандай эди, сўнгра саҳннинг нариги бурчига қайтиб борди; Роберта ҳам боя турган жойига қайтди.

(Эски қишлоқ жигар ранг костюм ва қалпоқ кийиб жигар ранг қоғозга қуш қафасини ўраб олган анави чол нега Клайдга бунақа қараяптикин? Наҳотки, у бирон нарсани сезган бўлса? Наҳотки, у Клайдни таниса? Балки у Ликургда ишлагандир ва уни илгари кўргандир?)

Бугун Утикадан бошқа похол шляпа сотиб олиш зарур – ишқилиб, шу эсидан чиқмасин-да – астарига ўша ердаги магазиннинг белгиси туширилган похол шляпа бўлиши керак; уни ҳозирги бошидагисига алмаштириб кийиб олади. Роберта унга қарамай турган пайтда эскисини шарт олади-ю, жомадонидаги лаш-лушлари орасига яширади. Бунинг учун Утикага етиб боришганда, қаердадир, эҳтимол, вокзалдами, кутубхонадами... Робертани бир оз вақтга якка қолдирса бас, у дастлаб шундай режа тузди, кейин уни қайсидир бир кўримсиз меҳмонхонага олиб боради-да, мистер Карл Грэхем ўз рафиқаси билан, ё Клифорд Голден ёки Геринг (фабрикада шундай фа-

милияли бир қиз бор эди) деб ёздиради. Ана шунда уларнинг изига тушишган тақдирда ҳам, ҳа, фалон исмли киши билан кетган экан, деб тахмин қилишадди-қўйишади.

(Узоқдан паровоз чинқириги эшитилди. Ҳадемай поезд етиб келиши керак. Клайд соатига қаради, ўн иккидан йигирма етти дақиқа ўтибди.)

Утикада Робертага: самимий, эркалаб муомала қилсинми ёки совуқ бир вазиятда тураверсинми, Клайд мана шунини ўйлаб олиши керак. Тўғри, телефонда Роберта билан жуда майин, дўстона оҳангда гаплашди, бошқа иложи ҳам йўқ эди. Яхшиси, муомаласини ўшандай давом эттиравергани маъқул, акс ҳолда Роберта жаҳли чиқиб, шубҳага тушиши, ўжарлик қилиши мумкин – унда Клайдга жуда қийин, мушкул бўлади.

(Бу поездни қўзғур намуна илламаси-я?)

Аммо-лекин Клайд хушмуомала бўламан деб роса қийналса ҳам керак, чунки, сирасини айтганда, Роберта ҳозир унга бўйруқ берибди, айтганимни бажарасан, деб талаб қўйибди, шундай экан, Клайд унга қандай қилиб яхши муомалада бўла олсин! Э, лаънати-е! Тўғри-ю, аммо Клайд дуруст муомала қилмаси-чи?.. Унда Роберта тўсатдан ниятини пайқаб қолиб, у билан бирга сайрга чиқишдан бош тортиши ва бор режаларини йўққа чиқариб юбориши мумкин...

(Тизза ва қўллари нега бунча титрамаси-я!)

Э, бўлмаган гап, ҳали ўша нияти амалга ошадими-йўқми, буни ўзи ҳам тузукроқ билмайди-ю, Роберта қандай қилиб шубҳага тушиши мумкин, хўш? Унинг қарори қатъий: Роберта билан ҳеч қачон кетмайди, ҳаммаси шу ерда ҳал бўлиши керак. Эҳтимол кечагина ўйлаб қўйганидай, қайиқни афдариб юбормаслиги ҳам мумкин, аммо у барибир Роберта билан кетмайди.

Мана, поезд ҳам етиб келди. Роберта жомадонини қўлига олди. Ҳозирги аҳволда унга жомадонни оғирлик қилмасмикин? Ҳойнаҳой, оғирдир. Ҳа, уят бўлди жуда. Бунинг устига бутун кун росаям иссиқ. Ҳарқалай, кўздан чет жойга чиқиб олишгандан сўнг Клайд унга кўмаклашиб боради. Роберта Клайд томонга қараяпти – унинг кетаётганига ишонч ҳосил қилмоқчи шекилли; бу чиндан ҳам Робертага хос одат эди, кейинги кунларда у Клайдга шубҳа билан, гумонсираб қарай бошлади. Ана, вагон тўрида, соя томонда бўш жой бор экан. Ёмон эмас, ўтирса бўлади. Клайд ўша жойга ўрнашиб олади-да, деразадан томоша қилиб кетади. Фонданинг орқароғида, атиги икки милча нарида Ликургдан, фабрика ёнидан ўтадиган Могаук дарёси бор. Ўтган йили тахминан шу пайтларда улар Роберта иккаласи ўша дарё соҳилларида сайр этишган эди. Лекин бу хотирот ҳозир унга ёқимсиз туюлгани учун ҳалигина сотиб олган газетасига кўз югуртирди, худди юзига қалқон қилгандек газета ортига яширинди-да, ақли ҳушини ҳозир эгаллаб турган нарса – Катта мушгир кўли атрофидаги жойларни бутун икир-чикирлари билан яна қайта кўз олдига келтира бошлади: Роберта билан ўшанда телефон орқали ора очди бўлиб қатъий гаплашиб олганларидан сўнг, бу ерлар уни дунёдаги бошқа ҳамма географик жойлардан ҳам кўра кўпроқ қизиқтира бошлаган эди.

Жума кuni, ўша гапдан кейин у «Ликург» меҳмонхонасига кирди-да, Катта мушгир ва Узун кўллари атрофидаги пастқам ерларда жойлашган меҳмонхоналар, чорбоғлар, мусофирхоналарни ва шунга ўхшаш жойларни таърифловчи учта ҳар хил йўл кўрсаткич китобчалардан олди. (Қани энди амал-тақал қилиб Катта мушгир кўлидаги ҳу анави йўл кўрсатувчи киши айтган бутунлай кимса-

сиз кўлларнинг биронтасига етиб борилса... Фақат, ҳойнаҳой унақа кўллардан қайиқ деган нарсанинг уруғи ҳам топилмаса керак!) Кейин шанба куни у вокзалда яна тўртта йўл кўрсаткич китобчасини олди (улар ҳозир ҳам чўнтагида турибди). Шу китобчаларнинг ҳаммаси шимолга, Катта мушгир тарафга олиб борадиган худди мана шу темир йўл ёқаларида сон-саноксиз кичик кўллар ва меҳмонхоналар борлигини тасдиқлар, агар Роберта истаса, Катта мушгир ёки Ўтлоқзор кўлига боришдан аввал шу меҳмонхоналарнинг биронтасида бир-икки кун ёки жуда бўлмаса бир кечага қолишлари мумкин эди. Клайд, айниқса, Ўтлоқзор кўлига кўпроқ диққат билан қарай бошлади – китобчада айтилишича, у ниҳоятда чиройли ва бекатнинг шундоқ яқингинасида эди; у ерда бир эмас, учта ўртамиёна мусофирхона бўлиб, икки киши учун бир ҳафта турилса, атиги йигирма доллар ҳақ тўланарди. Демак, агар иккалови бир кеча тунашса, беш доллардан ошиқ сарфлашмайди. Шундай қилиб, у кейинги кунларда калласида пишитиб юрган: бегона жойларга кетишдан олдин албатта бир оз дам олишинг лозим, деган гапини айтади Робертага; агар Утикага келганларидан сўнг биринчи куни кечқурун ёки эртасига эрталаб. Ўтлоқзор кўлига бориб, ўша ерда тунашса, у ҳолда китобчада ёзилишича, жуда арзонга тушишлари – йўл харжи-ю ва бошқа майда-чуйда харажатларни қўшиб ҳисоблаганда ўн беш долларча сарфлашларини ҳам айтади. У буни ширингина бир саёҳатча, никоҳдан олдинги ўзига хос тўй сайр-томошаси, деб тушунтиради Мабодо Роберта аввал никоҳдан ўтайлик, дейдиган бўлса, бунга сира ҳам бўш келмаслик керак, чунки, бундай қилиш мумкин эмас.

(Ҳув ана, тепалик этагида кўзга чалинаётган дарахтзорга қараб бешта қуш учиб кетяпти...)

Фақат кўлда сайр этиш учун, бир кунга, етмиш миль йўл босиб, Утикадан нақ Катта мушгирга бо-риб келиш шарт эмас, албатта. Бу Робертага ҳам, бошқа ҳар қандай кишига ҳам эриш туюлади. Бу ҳатто унда шубҳа туғдириши ҳам мумкин. Балки, яхшиси, ҳали у бари бир шляпа сотиб олиш учун Утикада бир оз вақтга Робертани ёлғиз қолдириш-га мажбур бўлади, биринчи кечани худди шу Ути-када, қайсидир оддийгина, арзон-гаров меҳмон-хонада ўтказишгани маъқул кўриняпти, у шундан кейин Ўтлоқзор кўлига боришни таклиф қилса ҳам бўлади. У ердан эса эртасига эрталаб Катта муш-гир кўлига қараб жўнашади. Клайд Катта мушгир чиройлироқ... ёки Учинчи миль Кўрфазига (аслида у оддийгина бир қишлоқ) борамиз, ўша ерда ни-коҳдан ўтиб, йўл-йўлакай томоша қилиш учун Кат-та мушгирга ҳам бир бош суқиб ўтамиз, дейиши мумкин. У, сенга кўлни кўрсатмоқчиман, сўнгра сени ва ўзимни бир-икки расмга туширмоқчиман, деб айтади. У аппаратни аслида шу мақсадда... кейинчалик Сондрани ҳам расмга тушириш учун атайлаб олган.

Қанчалик қора ният бу!

(Ана, ям-яшил адир ён бағрида тўққизта оқ ва қора сигир ўтлаб юрибди!)

Жомадонининг сиртига аппарат оёғи ва филоф-ли теннис ракеткасини боғлаб олишганини кўриб йўловчилар, агар борди-ю икковлари изсиз йўқо-лишган тақдирда ҳам... у билан Робертани олис бир ердан келаётган ўткинчи саёҳатчилар бўлишса ке-рак, деб ўйлашади... хўш, нима бўпти, улар чиндан ҳам бу ерлик эмас-ку... Ахир, йўл кўрсатувчи ҳам айтмаганмиди, бу кўлнинг чуқурлиги Пасс кўлига ўхшаб етмиш беш фут келади, деб? Ҳа, ростдан Ро-бертанинг жомадони-чи... уни нима қилиш керак? Шу пайтгача бу нарса сира хаёлига келмаган экан.

(Ана, учта автомобиль поезд билан баб-баравар тезликда гизиллаб боряпти.)

Шундай қилиб, улар Ўтлоқзор қўлида тунаб чиқишади-да, кейин яна йўлга тушишади. Клайд Робертага: Кулранг қўлдаги Учинчи миль Кўрфазида таниш бир руҳоний бор, ўша ерда никоҳдан ўтамиз, деб айтади; у Робертани Қуролсоз бека-тида жомадонини қолдириб кетишга кўндиради, у ердан Катта яйловга улар автобусда жўнашади, – ўзининг жомадонини эса бирга олиб кетади. У биринчи дуч келган кишигаёқ, масалан, қайиқчи-гами ёки автобус ҳайдовчисигами, жомадонимда фотография аппаратим бор, дейди гўё бепарво оҳангда ва бу ерда чиройли жойлар кўпми, деб сўраб ҳам қўяди. Ёки жомадонга нонуштаси солинган бўлади. Ҳойнаҳой, шу фикр дурустга ўхшайди: у нонуштасини ола кетса, бу билан Робертани ҳам, ҳайдовчининг ҳам кўзини бўяган бўлади. Бунга аслида унча-мунча одамнинг ақли етавермайди, шундай эмасми? Қўлга борганда аппаратини жомадонига солиб оладиганлар сон мингга-ку. Нима бўлганда ҳам у жомадонини, албатта, ўзи билан бирга олиб кетиши зарур. Акс ҳолда шунча режадан оролга сузиб бориб, у ердан ўрмон оралаб жанубга қараб кетишдан нима фойда, хўш?

(Қанчалик ярамас, даҳшатли режа! Наҳотки, у шуни амалга оширса?)

Лекин Катта мушгир қўлидаги анави қуш жуда ҳам ғалати қичқирган эди-я! Клайд ўша овозни яна қайта эшитмагани ёки ўша йўл кўрсатувчига дуч келмагани маъқул: йўл кўрсатувчи уни дарров таниб қолиши мумкин. Тўғри, Клайд у билан бир оғиз ҳам гаплашмаган, фақат ойнадан қараганини айтмаса... ҳатто автомобилдан тушмаган ҳам эди, эс-эс эслашига қараганда, йўл кўрсатувчи унга ҳатто бирон марта қайрилиб ҳам қарамаган эди, машинадан чиқиб уни сўроққа тутган Грэнт Крэн-

стон ва Харлей Бэгот билан гаплашган эди нуқул. Мабодо ўша одам ўша ерда бўлса ва уни таниб қолса-чи? Э-э, бундай бўлмас-ов, ахир, у Клайд-ни тузукроқ кўрмагану? Йўқ, ҳойнаҳой, у одам Клайдни эслай олмайди, эҳтимол, Катта мушгирда у мутлақо йўқдир... Лекин нима учун Клайднинг қўллари-ю, юзлари доим муздай, жиқ-жиқ терга ботиб, тиззалари қалтирагани-қалтираган?

(Поезд дарёнинг илон изи бурилишларини айланиб ўтяпти... Роберта иккаласи ўтган йили ёзда... Кераги йўқ...)

Утикага етиб боришлари биланоқ Клайд бир иш қилиши керак (у буни сира эсидан чиқармаслиги, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини йўқотиб қўймаслиги керак. Довдираб қолишга ҳақи йўқ унинг... ҳақи йўқ...) Кўчада Робертани олдинга ўтказиб, бирон кимса: ҳа, уни кузатиб бораётган экан, демаслиги учун орқасидан, масалан, юз қадамларча берида бориши лозим. Охири бир ерда улар ёлғиз ўзлари қолишгач, Клайд унга ётиб олади ва барча режаларини тушунтириб беради... устига-устак Робертага нисбатан азалий севгиси ўчмагандек атрофида нуқул парвона бўлади... Робертанинг гапга унашини агар чиндан ҳам истаса, шундай қилиши шарт. Кейин-чи... кейин... ҳа-ҳа, эсига тушди... қа-ердадир Роберта уни кутиб туради. У бориб анави... анави иккинчи шляпани сотиб олиб келади... шляпани, эҳтимол, кейин сувда қолдирар... эшкакларни ҳам албатта. Робертанинг шляпасини ҳам... кейин...

(Бу поезди қурмагур намунча узундан-узоқ, гамгин ҳуштак чалмаса-я. Э, лаънат-е! У энди асабийлаша бошлади.)

Аммо меҳмонхонага боришдан олдин вокзалга қайтиб, янги шляпани жомадонга жойлаб олишга тўғри келади; яхшиси, маъқулроқ бир меҳмонхона топилмагунча жомадонни бирга кўтариб юриш керак-да, янги шляпани ана ўшанда – Робертани

чақириб келишдан аввал сотиб олиб, буюмлари ичига яширгани тузук. Кейин у Робертани меҳмонхонагача кузатиб боради, Роберта эса Клайд жомадонларни олиб келгунига қадар уни кираве-ришда кутиб туради. Агар яқин-атрофда ҳеч ким бўлмаса, улар меҳмонхонага бирга киришади, албатта; фақат Клайд меҳмонлар дафтарига ёзилиб бўлгунча Роберта жуда бўлмаса аёллар хонасида ўтириб туради... Клайд бу гал, масалан, Чарльз Голден деб ёздириши мумкин ўзини. Агар қулайроқ поезд бўлса (буни ҳали Клайд аниқлайди) эрта-лабдан, мабодо Роберта кўнса шу бугуннинг ўзида-ёқ икковлари Ўтлоқзор кўлига қараб жўнашлари мумкин, улар ақалли Ўн иккинчи кўлдан ва Шейрондан ўтиб олгунларича яна бошқа-бошқа вагонларга тушиб кетишлари керак.

(У ёқда – Крэнстонларнинг ажойиб чорбоглари бор... Сондра ҳам.)

Кейин-чи... кейин...

(Ана, баҳайбат қизғин омбухона ва унинг ёнгинасида митти бир оппоқ уйча кўзга ташланяпти. Шамол тегирмони ҳам турибди. Клайд Иллинойс ва Миссурида ҳам худди шунақа омбухона ва уйчаларни кўрган эди. Чикагода ҳам.)

Бу пайтда Роберта қўшни вагонда ўтирганча, Клайднинг кайфияти ҳарқалай унчалик ёмонга ўхшамайди-ку, деб ўйламоқда эди. Ахир, хоҳлаганича майшат қилиши мумкин бўлган Ликург шаҳридан мана шу алпозда, худди ёв қувгандек кетавериши унга қийин, албатта. Лекин иккинчи томондан ўйлаб қараганда, Роберта ҳам нима қилсин... Бошқа сира иложи йўқ эди. Энди у қувноқ ва хушфёъл бўлиши, арзимаган хархашалари билан ҳадеб Клайднинг жонига тегавермаслиги керак. Аммо ҳаддан ташқари кўнчилчанлик ва майинлик ҳам кемайди бу ерда, сирасини айтганда, унинг бошига тушган ҳамма ишларга Клайд

айбдор-ку. Ҳозир у нима яхшилик қилаётган бўлса, адолат юзасидан қиялпти, аслида бу ҳам кам. Ҳали у фарзанд кўради, олдинда уни жуда кўп гам, ташвишлар кутиб турибди. Бундан ташқари, у яна бу сирли воқеаларни, ўзининг ана шу бирдан йўқолиб қолишини ва никоҳни (ҳали агар Клайд унга чиндан ҳам уйланадиган бўлса) ота-онасига тушунтириб бериши керак. Лекин Роберта уни бари бир никоҳдан ўтишга мажбур этиши керак... иложи бўлса тезроқ... балки, Уतिकанинг ўзидаёқ... икковлари тўхтаган биринчи жойдаёқ.., никоҳдан ўтишлари лозим, никоҳ гувоҳномасидан бир нусхасини эса Роберта ўзи ва боласининг манфаати йўлида сақлаб қўйиши зарур. Клайд кейин истамаса, ажралиб кетиши ҳам мумкин. Аммо шунга қарамай, Роберта миссис Грифитслигича қолаверади. Уларнинг фарзанди ҳам Грифитс номини олади. Бу ҳазилакам эмас-ку, ахир.

(Намунча чиройли бўлмаса-я анави дарё. У Робертага Могаукни ва Клайд билан эндигина танишгандаги ўтган йилги сайр томошаларини эслатарди. Эҳ, ўша ажиб ёз ҳады этган мурувзатлар! Қанисиз энди!..)

Улар қаергадир жойлашишади... эҳтимол, бир хона ёки икки хонаними ижарага олишар. Лекин бу қаерда-ю, қайси шаҳарда бўлади? Роберта шуни билишни истарди. Ликург ёки Бильцдан олисдами? Гарчи Роберта шубҳасиз, тезда отаси ва онаси билан яна дийдор кўришишни ва буларнинг ҳаммаси тезроқ орқада қолишини истаётган бўлса ҳам Бильцдан қанча узоқлашишса, шунча яхши, деб ўйларди, ахир улар икковлашиб жўнашяпти-ку, у эрга теккан бўлади, шундай бўлгач, бунинг аҳамияти йўқ.

Ҳаво ранг костюми билан жигар ранг шляпасига Клайд аҳамият бердимикин? Борди-ю, Клайд уни ўзи доим вақтини бирга ўтказаётган ўша бойвучча

қизларига солиштирган тақдирда ҳам, эҳтимол, кўзига Роберта гоят сулув кўрингандир У ўзини ниҳоятда назокатли тутиши... хиёл бўлса ҳам Клайднинг жаҳлини чиқармаслиги керак... Аммо... Клайд уни агар... агар салгина... қиттайгина севганидами, унда улар қанчалик бахтли яшар эдилар...

Мана Утикага ҳам келишди, кимсасиз кўчада Клайд Робертага етиб олди. Клайд чехрасида соддадил қувноқлик ва хайрихоҳлик ташвиш ва асабийлик билан аралаш-қуралаш бўлиб кетган эди; аслида эса бу ўз ниятидан, ўйлаган нарсасини ўзи бажара олмаса ва омади келмай қолса қисмати нима кечишини ўйлаб даҳшатга тушаётганини яширувчи филоф-парда эди.

XLVII БОБ

Кечқурун келишиб олинганига биноан улар эртаси куни эрталаб (яна бошқа-бошқа вагонда) Ўтлоқзор кўлига қараб жўнашди. Лекин манзилга етиб боришгач, Клайд кўл қирғоқлари ўзи ўйлагандан кўра гавжумроқ эканлигига ишонч ҳосил қилди. Бу ерда ҳукм сураётган жонланиш ҳафсаласини пир қилиб юборди, уни даҳшатга солди: у эса бу кўл ҳам Катта мушгирга ўхшаб кимсасиз бўлса керак, деб ўйлаб юрибди. Аслида бу жой Пенсильваниядаги майда бир диний мазҳаб тўпланадиган ер бўлиб, унинг ёзги манзилгоҳи ҳам шу жой эди: бекат рўпарасидаги кўл соҳилида чоғроқ ибодатхона ва сон-саноқсиз шийпончалар кўзга ташланиб турарди.

Роберта бирдан тўлқинланиб кетди:

– Жудаям соз-ку! Биз шу ернинг руҳонийсига кириб, никоҳ ўқитиб олсак ҳам бўлади, тўғрими?

Кутилмаган бу чалкашликдан довдираб қолган Клайд:

– Ҳа, бўлади, албатта... – деди шоша-пиша кўниб.
– Мен у ерга сал кейин бориб, билиб қайтаман...

Аммо хаёлида эса Робертани қандай қилиб алдаш йўллари йўлар эди. Меҳмонхонага ўрнашганларидан сўнг у Робертани қайиққа солиб сайрага олиб чиқади, кўлда атайлаб уни узоқроқ ушлаб туради. Эҳтимол, бирор-бир пастқам, кўздан холи жой ҳам топилиб қолар... Э, йўғ-э, бу ерда одам гужғон ўйнаб ётибди-ку. Кўл унчалик катта эмас, ҳойнаҳой, у қадар чуқур бўлмаса ҳам керак. Суви худди қатрондек тим қора, шарқий ва шимолий соҳилларида эса баланд-баланд қорамтир арчалар гўё соқчилардек зич саф тортиб туришибди. Клайд шу қадар умидсизлик ва шубҳа ботқоғига ботган, хаёли шу даражада безовта бўлган эдики, ўша арчалар нақ найза ушлаган афсонавий одамхўрларни эслатувчи зийрак девларга ўхшаб гавдаланарди унинг назарида. Бунинг устига теваарак-атрофда ҳали одам кўп, кўлда ҳам кам деганда ўнта қайиқ сузиб юрибди.

Қанчалар мудҳиш буларнинг бари!

Қанчалар мушкул!

Бирдан шивир-шивир овоз эшитилди:

«Бу ердан ўрмон оралаб юрганда Учинчи миль Кўрфазига сира ҳам етиб бўлмайди. Йўқ, йўқ. У ергача орада роппа-роса ўтгиз миль масофа бор. Устига-устак бу кўл анча-мунча гавжум, ҳойнаҳой, анави мазҳабпарастлар ҳам доим ундан кўз-қулоқ бўлиб туришгандир». Йўқ, йўқ... У Робертага айтиши зарур... айтади ҳам... аммо нимани ҳам айтарди унга? Мен сўрадим, одамларнинг гапича, бу ерда никоҳга рухсат этилмас экан, дейдими? Ё руҳоний ҳозир алақаёққа кетибди ёки у менда йўқ ҳужжатларни талаб қиляпти, десинми? Ёки... ёки... Эҳ, нима бўлса ҳам эртагача, Катта мушгир ва Шейронга борадиган поезд шу ердан жўнаб кетгунча Робертанинг овозини ўчириб тура олса – марра уники, у ерда эса улар албатта никоҳдан ўтишади!

Нимага Роберта бунчалик талаб қўяверади-я? У бир тоғни қайириб беряптимики (айтганимдан қайтмайман, деб оёқ тираб олишини агар унинг ҳақли, қатъий талаби деб тушунган тақдирда ҳам), Клайд унинг орқасидан ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа тентираб юраверса? Аслида Клайдни соат сайин, дақиқа сайин эзаётган ситам шу-ку, ўта шафқатсиз ва чегарасиз қалб азобику бу, ваҳоланки у Робертадан қутула олганда эдими... Оҳ, Сондра, Сондра, қани сен бир илтифот қилсангу, ўз юксаклигиндан тушиб, менга мадад берсанг! Мен бошқа алдамасам! Бошқа азоб чекмасам! Камситишу аламларни зинҳор билмасам!

Аммо буларнинг ўрнига яна қаллоблик. Узундан-узоқ, бенаф, жонга тегадиган бир тарзда сув нилуфарларини излаб юриш. Клайднинг бунчалик безовта ва асабийлигидан сайр-томоша Робертага ҳам татимади, сал ўтмаёқ Клайддан баттар унинг ҳам юраги сиқилиб кетди. Нима учун Клайд ниқоҳдан ўтиш масаласига бунчалик совуққонлик билан қараяпти, деб сўрарди у ўзи ўзидан. Буни анча олдин қилса ҳам бўларди, ана ўшанда бу томошалар Робертага ўз ниятларининг ушалаётгани бўлиб туюларди... агар... агар Клайд Роберта ис-таганидек ҳаммасини олдиндан, Утикадаёқ бир ёқлик қилиб қўйганда шундай бўларди, албатта. Энди яна кутиш, унга-бунга чалғиш... Клайд ода-тига хос доимий бетайинлик ва мужмалликка чи-даш. Роберта яна иккилана бошлади, Клайднинг унга уйланмоқчи бўлаётгани ростмикан ўзи, лаф-зида турармикан? Аммо эртага ёки кеч деганда индинга ҳаммаси равшан бўлади-қўяди. Шунинг учун ҳозир ташвиш тортиб ўтириш ўринсиз.

Эртаси куни Клайд туш пайтида Қуролсоз бекати ва Катга мушгирда вагондан тушди-ю, Робертани йўловчиларни пойлаб турган автобус томонга бо-

шлади. Қайтишда ҳам шу йўл билан келганимиздан сўнг жомадонингни шу жойда қолдирсанг, қулай бўларди, деб Робертага уқтира бошлади йўл-йўлакай Клайд эса жомадонини ўзи билан олиб кетади, чунки ичида фотография апарати ва аввалдан тайёрлаб қўйган нонушта ҳам бор, ахир, нонуштани улар кўлда қилишмоқчи-ку!.. Аммо автобусга етиб келиб, ўша ўзи Катта мушгир кўлида учратган йўл кўрсатувчи автобус ҳайдовчиси эканини кўрганда Клайднинг нақ ўтакаси ёрилиб кетай деди. Энди у одам уни илгари кўрганини тўсатдан эслаб қолса-я! Ахир, Финчлиларнинг чиройли автомобилни, олдинги ўриндикда ўтирган Бертина ва Стюарт, орқадаги Клайд ва Сондрани, у билан гаплашмоқчи бўлиб машинадан тушган Грэнт ва Харлей Бэготни эслаш унга унчалик қийинмас-ку?!

Кейинги пайтларда, ҳаяжон ва ваҳимага тушган онларида доим бўлгани каби, бир дақиқанинг ўзидаёқ юзи ва қўлларини совуқ тер босди. Илгари, ахир, у нимани ўйлаган эди? Режа деганни ҳам шунчалик хом тузадими? Ҳаммасини шунақанги пала-партиш ўйлаган экан, хўш, бу ишнинг уддасидан чиқишига қандай умид қилса бўлади? Шу хомлиги сабабли йўлда, Ликургдан Утикага келгунча шапка кийиб олиш ёки ақалли бўлмаса похол шляпа харид қилгунга қадар жомадонидаги шапкасини кийиб туриш ҳам хаёлига келмабди, умуман шляпани илгарироқ сотиб олиши керак эди.

Аммо худо бир асради уни, йўл кўрсатувчи танимади! Аксинча, у мутлақо нотаниш одамга мурожаат этгандай синчковлик билан:

– Катта мушгирга борасизларми? – деб сўради. – Бу ерда биринчи марта бўлишингларми?

Клайд ўзини гўё елкасидан тоғ ағдарилгандай ҳис этди-ю, аммо ич-ичидан қалтироғи босилмай:

– Ҳа, – деб жавоб берди, кейин безовта бир асабийлик билан сўради: – У ёқда бугун одам кўпми?

Охирги сўзини айтиб улгурмасидан ўзи берган саволи ўзига ниҳоятда бемаъни туюлиб кетди. Нима учун, нима учун, қайси шайтон йўлдан урмаса, шундай савол беради-а? Бунақанги аҳмоқона, хатарли довдирашларининг наҳотки чеки бўлмаса? У шунчалик эзилиб кетдики, йўл кўрсатувчининг жавобини ҳам деярли эшитмади, унинг овози гўё аллақайлардан, олис бир жойдан келаётгандек бўлиб туюлди.

– Унчалик кўп эмас. Етти-саккизта одам эди, шекилли. Тўртинчи куни бизда ўттизгача одам бўлди, бироқ ҳаммаси кеча кетди.

Улар бораётган ёпишқоқ тупроқли йўл атрофида саф тортган дарахтлар унсизгина қаққайиб турибди; ҳаво салқин ва теварак жимжит; ҳатто ҳозир, қоқ туш пайтида ҳам ўрмон ичкарилари зимистон ва хилват, қоп-қоронғи бўлиб кўринарди. Агар шу ўрмон ичига тундами, кундузими кириб кетсанг бас, тирик жонни учратиб бўлсан! Чакалакзорлар орасидан бойўғлининг хунук овози эшитилади; кумуш ранг зулмат қаърини олисларда жарангдор сайраётган тўрғай қўшиғи босиб кетади. Усти ёпиқ оғир автобус шалдираб оқаяётган ариқчалар устига солинган ғадир-будир ғўла кўприклардан ўтаётганда Роберта зилол сувга қараб туриб ўзида йўқ ҳаяжонга тушарди. «Бу ернинг сўлимлигини қара, Клайд! Ариқчаларнинг чулдираётганини эшитяпсанми? Тоза ҳавоси-чи!»

Шунга қарамай, Робертанинг ажали етиб турибди!
Э, парвардигор!

Аммо, фараз қилайлик, Катта мушгир меҳмонхонасида ҳам, бандаргоҳда ҳам одам гавжум, дейлик. Эҳтимол, кўлни балиқ шинавандалари эгаллаб, ҳали у ерда-ҳали бу ерда битта-биттадан ўтириб олишгандир, натижада биронта хилват, тинч жой қолмагандир. Клайд бу ҳақда бош қотириб кўрмагани қизиқ! Ҳойнаҳой, бу кўл ҳам Клайд ўйлагандек у қадар

кимсасизга ўхшамайди, қайтага шу бугун Ўтлоқзор қўлидагидан кам одам йиғилмайдиган кўринади бу ерда ҳам. Унда нима бўлади?

Нима бўларди, унда ҳайё-ҳув деб жўнаб қолади... жўнаб қолади... кейин осмон узилиб ерга тушмайди. Бунақанги азобларга у чидолмайди... Жин урсин-е!.. Бу ташвишлар сўзсиз ёш жонига завола бўлади. Мана шундай ёвуз ва шафқатсиз ният – қотиллик йўли билан бахтга эришиш, кейин қочиб кетиш... тўғрироғи уни ўлдиришга ўлдириб, яна ўзини сувга чўккан қилиб ҳам кўрсатиш... ваҳоланки, у – қотил даври давронини суриб юрган бўлади, ахир қайси виждони билан у шуларни ўйлапти-а. Оламда бундан ҳам жирканчлироқ режа бўлармикан ўзи! Бироқ, начора, бошқа нима ҳам қила оларди? Нима ҳам қила оларди? У, ахир худди шунга тайёрланмаганмиди, хўш? Наҳотки, энди аҳдидан қайтса?

Ёнида ўтирган Робертанинг хаёли эса бошқа ёқда, гўё уни кечи билан эртага эрталаб чинакам тўй кутаётгандай эди. Ҳозирча у Клайд мақтаган хушманзара кўлни томоша қилиб, юрагини ёзиши керак, ахир, Клайд бу саёҳатни худди икковлари ҳаётидаги энг унутилмас, катта воқеадай осмонга кўтариб мақтаган эди-ку.

Йўл кўрсатувчи Клайдга мурожаат қилиб яна гап бошлади:

– Сизлар бу ерда узоқ турмайсизлар шекилли? Хонимчанинг буюмларини бекатда қолдирганларингга кўзим тушиб қолувди.

У бекат томонга имо қилиб қўйди.

– Йўқ, биз бугун кечқурун, саккизу ўндаги поездда кетамиз. Ўша пайтда сиз одамларни олиб бориб қўясиз-а?

– Ҳа, албатта.

– Менга Ўтлоқзор қўлида шундай дейишган эди.

Тавба, нега у Ўтлоқзор кўлини тилга олиб валдираяпти-а? Шу сўзи билан у Роберта иккаласи бу ерга келишларидан аввал Ўтлоқзорда бўлганликларини билдириб қўйди-ку, ахир. Анави аҳмоқ ҳам «хонимчанинг буюмлари» бекатда қолдирилганини келиб-келиб шу ерда эслатиб ўтирганини қаранг! Шайтон ургур-ей! Нега бировнинг ишига бурнини суқади-а? Нега у Роберта иккаласини ҳатто эр-хотин ўрнида ҳам кўрмаяпти? Ёки бу гап бутунлай хаёлига келмаганмикан? Ҳарқалай, уларда иккита жомадон бору, шунда ҳам нега у бундай савол бердийкин? Айнан Робертанинг жомадони қолганини у қаёқдан билади? Қизиқ! Бу сурлиги нимаси! У қандай билганикин, қандай ақлига келганикин... Бироқ эр-хотинми улар ёки йўқми – бари бир эмасми? Агар Робертани топишолмаса, у эрга текканми ёки тегмаганми – бунинг бир мирилик ҳам аҳамияти қолмайди. Борди-ю, топиб олиб, эрга тегмаганини аниқлашса, бу унинг кўлга фақат ким биландир келганини исботлайди холос, лекин Клайд биланми, бошқа биланми келганини исботлай олмайди, шундай эмасми? Демак, бу ҳақда ҳозир ташвиш тортиб ўтириш ўринсиз.

– У ёқда биз қўнадиган жойдан бўлак турса бўладиган уйлар ёки меҳмонхоналар ҳам борми? – деб сўради Роберта йўл кўрсатувчидан.

– Йўқ, хоним, бошқа биронта ҳам жой йўқ, фақат бизники. Кеча бу ерда тўда-тўда ёш-яланг йигит-қизлар юришувди, улар шарқий қирғоққа, биздан тахминан бир милча нарига лагерь қуриб олишган эди. Улар ҳалиям ўша жойдами ёки кетишдими, билмайман. Бутун улардан биронтасини ҳам кўрмадим.

Тўда-тўда ёш-яланг йигит-қизлар эмиш! Ўзи шуниси етмай турган эди! Эҳтимол, уларнинг бари ҳозир кўлда... қайиқларда сайр қилишаётгандир... У бўлса Роберта билан бошлашиб юрибди! Балки, ким билади, уларнинг орасида Ўн иккин-

чи кўлдан келганлар ҳам бордир, ахир, Клайднинг ўзи, Сондра, Гарриэт, Стюарт ва Бертиналар ҳам бундан икки ҳафта бурун шу ерга келишган эдику... Эҳтимол, улар Крэнстон, Гарриэт ва Финчларнинг боғ сайрига келган ёр-биродарларидир, улар Клайдни дарров танишади. Яна айтгандай, кўлнинг шарқ томонига туташган аллақандай йўл ҳам бор, дейишган эди. Ана шу ёш-яланглар кетишмаган бўлса, қарабсизки, Клайд бу ерга қуруқдан-қуруқ келиб кетаверган бўлади. Бунчалик ҳам аҳмоқона режа тузмаса у! Ўйлаётганда сал ақлини ишлатганмиди ўзи... Ипидан игнасигача олдиндан пишитиб олиши, янаям олисроқ кўлни танлаши керак эди... лекин у кейинги кунларда шу қадар азоб чекканидан нимани ўйлаганини ҳам тузукроқ билмайди ўзи. Энди бўлар иш бўлди, фақат бориб, ўз кўзи билан кўришдан бўлак иложи йўқ. Борди-ю, у ерда одам кўп бўлган тақдирда ҳам, у қандай бўлмасин бирор ҳақиқий хилват жойни, кимсасиз овлоқни топиши керак... ёки Ўтлоқзор кўлига қайтсинми... ёки бўлмасам яна боши оққан томонга қараб кетаверсинми? Эй, худо-е, у ерда одам кўп бўлса, нима қилса бўларкин?

Лекин шу пайт дарахтлар сийраклашиб – автобус ўтиб бораётган узундан-узун ўрмон йўлаги тугагандек бўлди – Клайд ям-яшил ўтлоқчани, Катта мушгир кўлини ва айвони кўлнинг тўқ мовий суви томонга қараган шинам меҳмонхонани таниди. Хув ана, ўнг томонда, нақ сувнинг ёнгинасида қайиқ сақланадиган пастаккина сарой, унинг томи қизғишлигини Клайд ўтган гал эслаб қолган эди. Роберта қувончи ичига сиғмай:

– Оҳ, қандай жозибали! Қандай гўзал! – деб юборди. Клайд олисдаги унчалик баланд бўлмаган қорамтир оролчага кўзи тушиб, теварагида одам сийраклиги, оролчанинг ўзида эса ҳеч зог йўқлигини кўрди-ю, шоша-пиша:

– Нимасини айтасан, жудаям гўзал! – деди, аммо нақ бўлмаса нафаси ичига тушиб кетаёзди.

Уларга меҳмонхона хўжайинининг ўзи – ўрта бўй, елкалари кенг, юзи қип-қизил киши пешвоз чиқди-ю, синчковлик билан:

– Уч-тўрт кун бўласизларми бу ерда? – деб сўради.

Навбатдаги бу чалкашлиқдан жаҳли чиққан Клайд йўл кўрсатувчига бир доллар узата туриб:

– Йўқ, йўқ. Биз бугун кечқурун кетамиз, – деди гапни чўрт кесиб.

– Ундай бўлса, бизда овқатланиб кетарсизлар балки? Поезд саккиздан ўн бешта ўтгандагина жўнайди.

– Ҳа, унда албатта... Ҳа, яхши, овқатланамиз.

Шуниси ҳам ўз-ўзидан равшанки, Роберта ўз асал ойида, тўйи ҳамда шундай саёҳати чоғида катта зиёфат берилишидан умидвор. Анави қизил башара чорпаҳил галварс эса шундай бир пайтда гапириб қолганини қаранг!

– Майли, унда жомадонларингни мен хонага олиб кириб қўяман, сизлар эса келиб кетувчилар рўйхатидан ўтинлар. Рафиқангиз, балки, бир оз тараниб олишни истар?

У жомадонларни кўтарганича зипиллаб жўнади, Клайд эса нақ қўлидан юлиб олгундек бўлиб фикринганча қолаверди. У бу жойда бутунлай рўйхатдан ўтишни ҳам, жомадонни қолдиришни ҳам истамасди. Қолдириб бўпти! У ҳозироқ қайтариб олади-да, ижарага қайиқ сўрайди. Аммо ҳар қанча қувлик қилмасин – хўжайин «шунчаки расмиятчилик» деб атаганидек – дафтарчага: Клифорд Голден рафиқаси билан, деб ёзилишга мажбур бўлди, шундан кейингина у буюмларини қайтариб олди.

Клайд ҳали шу хавфли кўл сайрига чиқиб улгургунча яна қанча синоатлар ва кишиларга дуч келишини ваҳимага тушиб ўйлаб турган бир пайтда Роберта бирдан унинг асабини баттар қўзғаб,

уни саросимага солмоқчи бўлгандай, кун иссиқлиги ва тушликка қайтиб келишларини рўкач қилиб, шляпам билан пальтоимни шу ерда қолдириб кетаман, деса бўладими; Клайд унинг шляпасида Ликургдаги Браунштейн фабрикаси тамғасини кўрди-ю, қолдиргани тузукми ёки олиб кетганими, шу ҳақда бош қотира бошлади. Лекин афтидан иш битгандан кейин... кейин... агар у чиндан ҳам ўша ишни қила олса... у ҳолда шляпасида фабрика тамғаси бормиди-йўқмиди – бунинг сариқ чақалик ҳам қиммати қолмайди. Борди-ю топиб олишса, тамғасиз ҳам уни бари бир танишади-ку? Агар топишолмаса, минг дод-вой қилишганда ҳам унинг кимлигини қаёқдан билишсин.

Клайд шунчалик ҳаяжонга тушиб, калавасининг учини шу қадар йўқотиб қўйганидан ўзининг нима қилаётганини ҳам билмай, мияси говлаб, жомадонини қўлига олди-ю, бандаргоҳга қараб жўнади. Кейин жомадонини қайиққа ташлади-да, бу ерда чиройли жойлар кўпми, расмга олмоқчиман, деб сўради қайиқчидан. Аллақандай кераксиз тушунтиришларни эшитиб бўлгач, ниҳоят, Робертага кўмаклашди (энди Роберта Клайднинг назарида деярли нақ тасаввурдагина кўринувчан, аслида эса ўзи йўқ бўлган кўлда хаёлдаги қайиққа чиқаётган жисмсиз – танасиз соядай кўринарди), кейин ўзи ҳам сакраб ўтди, ўртадаги ўриндиққа ўтириб, эшакларни қўлига олди.

Камалакдай ранг-баранг жилоли жимжит кўлнинг юзи сувдан кўра кўпроқ нефтга ўхшар эди; гўё кўлнинг энг тубида яширинган ер қатлами устида шиша эритмаси мислсиз қуюқ ва оғир жисм бўлиб ётгандек туюларди. Енгил, тоза, ёқимли шабада кўл сатҳини билинар-билинемас мавжлангирарди. Соҳил бўйлаб қаёққа қараманг, қалин, сербар арчалар, баланд-баланд учи найзага ўхшаш арча да-

рахтлари. Уларнинг ортида эса – қорамтир, олис Адирондак тоғларининг ўркаксимон елкалари. Қўлда биронта ҳам қайиқ кўринмасди. Қирғоқларда на бир уй бор, на бир кулба. Клайд олазарак бўлиб, йўл кўрсатувчи айтган лагерни қидира бошлади, аммо ҳеч нарса кўрмади. Шу яқин ўрталардан овоз келмасмикин, деб қулоқ солиб ҳам кўрди. Ўз қўлидаги эшкакларнинг оҳиста шипиллаши-ю, икки юз... уч юз... беш юз... минг фут нарида суҳбатлашиб турган қайиқчи билан йўл кўрсатувчининг гўнғир-гўнғир овозини айтмаганда, бошқа чурқ этган товуш ҳам эшитилмасди.

– Қандай осуда ва жимжит жой экан, тўғрими? – бу Робертанинг овози эди. Ҳамма ёқ худди сув қуйгандек! Менимча, бу ерни анави олдинги кўлга солиштириб бўлмайди, бу ер анча чиройлига ўхшайди. Дарахтларнинг баландлиги! Тоғлар-чи, тоғлар! Бу ёққа келаётганимизда, гарчи йўли бир оз ўйдим-чуқур бўлса ҳам, лекин шу қадар салқин ва холи жойлар эканки, деб ўйлаб келдим.

– Сен меҳмонхонада бирон киши билан гаплашмадингми бу ерда?

– Йўқ, ҳеч ким билан гаплашмадим. Нега бундай деяпсан?

– Эҳтимол, бирон таниш-билишингни учратиб қолдингми, деб ўйловдим. Ҳа, ростдан, бугун бу ерда одам камга ўхшайди.

– Тўғри айтасан, қўлда ҳам ҳеч ким кўринмаяпти. Меҳмонхонада эса фақат бильярд ўйнаётган икки эркак билан аёллар хонасида бир қизни учратдим, холос, – у қайиқ четидан қўлини осилтириб, Клайд эшкаклари остида ҳаловатини йўқотган кўкиш-қорамтир сувга билагини солди, – вуй, совуқ экан!

– Совуқ дейсанми? Мен қўл тиқиб кўрмадим!

Клайд эшкакни тўхтатиб, қўлини сувга солди-ю, ўйланиб қолди. Жанубдаги анави оролчага ҳозир-

даноқ бирдан сузиб боришмагани тузук. Чунки у анча олис... бунинг устига вақт ҳам ҳали эрта... бу Робертага ғалати туюлиши мумкин. Яхшиси, бир оз сабр қилгани маъқул. Яна миясида бир сидра пишитиб олиши... у ёқ-бу ёққа разм солиб ҳам кўриши лозим. Роберта нонуштасини қиладиган бўлса (ҳа, унинг нонуштаси!), ҳу, ана, тахминан бир милча нарида хушманзара бурун кўриниб турибди. Ўша ерда тўхтаб, аввал нонушта қилиб олиш мумкин... яъни у, Роберта нонушта қилади, Клайд бугун туз ҳам тотмайди. Шундан кейин... кейин...

Роберта ҳам ўша бурунга кўз ташлади: баланд-баланд арча дарахтларига бурканган ёйсимон ер парчаси кўл ўртасини анча жойгача ёриб кириб, жанубга томон қайрилиб кетган эди.

– Жоним, – деди Роберта, – бирор жойда тўхтаб тамадди қилиб олишимизга жой танламаганми-динг? Хиёл қорним очди, сеники-чи?

(Дақиқа сайин уни «жоним» деявермасачи-а!)

Шинам меҳмонхона билан шимолий қирғоқдаги қайиқ турадиган сарой борган сари кичкина бўлиб кўрина бошлади; энди улар Клайдга Крам кўлидаги чўмилиш жойи ва бандаргоҳни, Клайд биринчи бор қайиқда сайр этган ўша кунини эслатди, Клайдда ўша куни Адирондак тоғлари яқинидаги мана шу кўлга ўхшаш жойларни кўриш истаги пайдо бўлган эди, у мана шунақа кўлга боришни... Робертадақа қиз билан танишишни орзу қилган эди... Крам кўлидаги ўша даҳшатли кундагидек момиқ булутлар, ана, ҳозир ҳам боши узра сузиб юрибди.

Қанчалар даҳшатли ва машаққатли шуларнинг ҳаммаси!

Вақт ўтказиш учун бугун улар бу ердан сув ни-луфарларини излашлари мумкин... вақт ўтказиш... гумдон қилишдан аввал... (эй, худойим-ей!..) Агар у охири шу ишни қилиши аниқ бўлса, унда бу

ҳақда ўйламаслиги керак. Ақалли ҳозир шу ҳақда бош қотириб ўтириш – бутунлай ўринсиз.

Клайд қайиқни Роберта ёқтирган жой – зигирдаккина кўрфазчанинг асаддай сап-сариқ қумликдан иборат қирғоғига олиб бориб тўхтатди; шимол ва шарқ томонда қирғоқнинг ёйга ўхшаб бурилиб кетиши уларни синчков кўзлардан пана қилиб турарди. Улар қайиқдан тушишди. Клайд эҳтиёткорлик билан нонуштани жомадонидан олди-да, то уни Роберта қум устига ёзилган газетага битта-битта териб бўлгунча, қирғоқ бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юриб турди, манзаранинг чиройлилигини, арчаларнинг яхшилигини, кўрфазчанинг сулувлигини (зўр бериб хаёлидан бир-бир ўтказди...), айни пайтда у қўл четидаги оролчани ҳам ўйлар... оролчанинг нариги ёнида ҳам шунақа қўлтиқча бормикин, деб хаёл сўрарди... у тобора шашти тушиб бораётган бўлса-да, худди ўша жойда аввалдан пиштиб юрган ёвуз, даҳшатли ниятини албатта амалга ошириши кераклигини... агар... агар у чиндан ҳам қочиб кетишни... ўзи жон-жаҳди билан интилаётган нарчасидан бир умрга жудо бўлишни истамаётган бўлса, унда қанча оворагарчиликлар эвазига атайлаб зўрға қўлга киритилган бу имкониятни асло бой бермаслиги кераклигини ўйларди.

Аммо бу нақадар даҳшатли ва хавфли иш эди... энди буларнинг барига жуда озгина вақт қолди... хиёл бўлса ҳам хатога йўл қўйилса – тамом деган сўз... Бирдан, масалан, у қайиқни ўзи ўйлагандек ағдаролмай қолса... ёки... бунини қилолмаса... қилолмаса... э, худо-е! Кейин эса, балки у... унинг... қотиллиги фош бўлар! Уни қамоққа олишади. Суд қилишади. (Йўқ, йўқ, йўқ, бу иш унинг қўлидан келмайди, у бунини қилмайди!)

Роберта бўлса унинг ёнида, қумда хотиржам бир тарзда, афтидан севинчи ичига сиғмай ўти-

рарди. У ниманидир хиргойи қилди-қилдида, сўнгра кейинги турмуш икир-чикирларига оид турли мулоҳазаларини, моддий аҳволлари бундан буён қандай бўлиши, бу ердан қайси йўл билан ва қаёққа қараб кетишлари (ҳойнаҳой, энг яхшиси Сиракузага борган маъкулдир, бунга ҳарқалай Клайд ҳам қарши эмасди-ку!) ва у жойда нима юмуш қилишлари ҳақида ўз фикрларини баён эта бошлади. Роберта поччаси Фред Гейблдан Сиракузада кўйлак ёқа тайёрлайдиган янги фабрика очилишини эшитган эди. Балки, Клайд вақтинчага бўлса ҳам ўша фабрикада ишлаб турар. Кейинроқ ҳамма ташвишлардан қутулиб олишгандан сўнг, Роберта ҳам ўша ерга ёки бирор-бир бошқа корхонага ишга киради. Ҳозирча пуллари камлиги учун бирор-бир оилага қарашли биттагина хонани ёки Клайдга бу ёқмаса (улар ҳозир бурунгидай апоқ-чапоқ эмаслар-ку ахир), балки иккита хонани ижарага олишлари мумкиндир. Гап шунда эдики, Клайднинг ҳаддан ташқари мулозамати ва ширин такаллуфи замирида Роберта, ҳарқалай унинг қатъий норозилигини ҳам сезиб турарди.

Клайд ҳамон ўй сурарди. Ахир, бу гапларнинг энди бир тийинлик ҳам аҳамияти йўқ-ку! У кўнди нима-ю, кўнмади нима, бари бир эмасми? Клайд Роберта билан гўё эртага ҳам у шу ерда бўладигандай гаплашяпти. Роберта эса бўлмайти. Ахир, Клайдни ҳам, Робертани ҳам мутлақо бошқа-бошқа қисмат кутяпти-ку. Э, парвардигори олам!

Тавба, Клайднинг тиззалари намуноча титрамаса-я? Яна қўллари, юзлари, бутун баданини қоплаган совуқ тер-чи...

Кейин улар кўлнинг ғарбий қирғоғига, ўша орол томонга сузиб кетишди, Клайд чор атрофга хавотирли ва ҳорғин назар ташлаб, соҳилда ҳам, сувда ҳам – ҳеч қаерда бирон тирик жон йўқлигига ишонч

ҳосил қилди. Ҳеч зог йўқ! Худонинг раҳми келгани шумикан, ҳамма ёқ жимжит, кимсасиз эди. Агар қурби етса... мана шу жойда ёки шу яқин атрофда ўша ишини қилиши мумкин, аммо ҳозирча бунга сира қўли бормай турибди... Роберта кафтини яна сувга солди-да, бу жойлардан сув нилуфарлари ёки соҳилга чиқиб ёввойи гул термаймизми, деб сўраб қолди. Сув нилуфарлари эмиш! Ёввойи гул эмиш! Бу пайтда Клайд шу баланд-баланд, саф тортган қалин арчазорлар орасида тириклик белгиси бўлмиш – на бирон йўл, на бирон сўқмоқ, на бирон кулба-ю, на бирон чодир йўқдигига, шу ажойиб кунда ажойиб кўлнинг поёнсиз кенгликларида биронта қайиқ сузиб юрмаганлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилди. Аммо аллақандай якка-ёлғиз овчими, йўл кўрсатувчи ё балиқчими ўрмонда ёки соҳилда беркиниб турган бўлса-чи? Хўш, шундай бўлиши мумкин эмасми? Ҳув анави жойларда кимдир яшириниб олиб, уларни кузатиб турган бўлса-я?

Пешонасидагини кўради!

Ҳалокат!

Ўлим!

Лекин атрофда на бирон товуш, на бирон шарпа сезиларди. Фақат, фақатгина анави баланд, учи найза ям-яшил арчаларгина қовоғи уюлгандай чурқ этмай туришибди, холос, ҳар ер-ҳар ерда уларнинг орасида – жазирама офтобда куйган кўкиш-кулранг дарахт таналари учраб қолар, уларнинг ингичка қуриган шохлари эса худди пўписа қилаётган кўлдек тепага кўтарилган эди.

Ўлим!

Қалин чакалакзорда ўрмон тўрғайининг қулоқни тешиб юборгудек ўткир овози янгради, ёлғиз бир қизилиштон нариги оламдан эшитилаётгандай ажиб «туқ-туқ-туқ»ини бошлади; ора-сира худ-

ди қизғиш чақмоққа ўхшаб аллақандай бир қуш учиб ўтар ёки майнанинг қора-сарғиш қанотлари йилт этиб қоларди.

*О, қанчалар қуёш чарақлар,
Кентуккида – менинг уйимда!*

Роберта қорамтир-зилол сувга қўлини солганча яйраб ашула айта бошлади.

Салдан кейин у: «Истасанг, келайин якшанба куни» деган бошқа бир машхур қўшиқни айтди.

Сайр-томоша, ғамгин ўй суриш, қўшиқ айтиш, хушманзара жойлар ва нилуфарлар ўсган осуда қўлтиқчаларни излаш билан яна бир соат ўтиб кетди, Роберта: вақтга ҳам қараб-қараб туриш керак, бунча кўп қолиб кетмайлик бу ерда, деб ҳам кўрди... ана, ниҳоят, оролнинг жанубидаги ўша қўлтиқча: чиройли, аммо хомуш, қирғоқлар ҳалқасида қисилган, арчаларнинг мотам чорбурчаги – ичкари кичик бир қўлга ўхшайди; асосий қўл билан уни торгина бўғозча боғлар, лекин шунга қарамай бари бир у хийлагина катта эди: ҳажми салкам йигирма акр¹ча келар ва деярли думалоқ шаклда эди. Оролни қуруқликдан ажратиб турган торгина бўғозни ҳисобламаганда қўлчани ҳар тарафдан дарахт деворлари ўраб олган эди. Қаёққа қарама, соҳил яқинида қамишлар ва нилуфарлар. Мана шу қўл, мана шу сокин ҳалқоб гўё ҳаётдан ва азоб-уқубатлардан чарчаганлар учун атайлаб яратилгандек эди, буни бир қарашдаёқ киши сезарди, кимки агар турмуш ташвишлари-ю ҳаёт ғавволаридан бир умрга бош олиб кетишни истаса: бу ерда у донишмандона ва маъюс бир қиёфада ўзининг чинакам жойини топадигандек кўринарди.

¹ Акр – Англия ва Америкада 4047 квадрат метрга тенг бўлган ер ўлчови. (Таржимон.)

Қайиқ қўлтиқчага зипиллаб кириши билан қорайиб кетган сокин сувлар Клайднинг бутун диққатини ўзига ром этди-қўйди: унинг кайфияти ҳали ҳеч қачон, ҳеч нарсадан бу қадар тез ўзгармаган эди. Гўё Клайдни бу жойлар йўлдан оздириб, авраб олиб келгандек эди, Клайд қўлтиқчанинг сокин қирғоқларини айланиб ўтди, уни худди сирли манзиллар... ҳамма нарсадан ... машъум ниятлару машъум режалардан... кўндаланг туриб қолган иложсиз муаммолару..., яна бошқа аллақанча тўсиқлардан холи... бўлган поёнсиз бўшлиқлар авраб чақиргандай бўлди. Бу қўлтиқча қурғурнинг хоинона латофатини айтмайсизми! У, чор тарафи сулув, майин арчалар билан ўралган мана шу белгисиз қора ҳалқоб... гўё Клайднинг жигига тегмоқчи бўлаётгандек туюларди. Ҳалқобнинг ўзи эса каттакон бир қора инжуга ўхшар эди: гўё кимдир газаби қўзгаган онидами ёки инжиқлиги тутибми, ё шунчаки эрмак учунми, азамат қўллари билан уни мана шу ерга, ям-яшил барқут водий сийнасига келтириб ташлагандек эди... Клайд сувга яхшироқ тикилган эди, туби йўқдек кўринди.

Ҳарқалай у Клайдни нимагадир ундаяпти шекилли? Қотилликка! Қотилликка! Қотилликка! У бунини ҳеч қачон ҳозиргидек аниқ тасаввур қилмаган эди. Ўлим! Ўлим бўлганда ҳам ўз танланишига қўра ёки кимнингдир авраши туфайли ёхуд сира ифодалаб бўлмайдиган чарчоқ натижасида киши хурсандчилик ва миннатдорчилик билан рози бўладиган ҳаловатли, тинч ва ихтиёрий ўлим... Шу қадар ювош... шу қадар хотиржам... шу қадар тинч... Ҳатто Роберта ҳайратидан қийқириб ҳам юборди. Клайд эса биринчи бор ўзга кишининг бақувват, аммо дўстона қўллари ўз елкасида турганини ҳис этди. У қўллардан чексиз бир далда, қанча-қанча меҳрибонлик ва беқиёс куч-қувват чиқаётгандай эди! Улар Клайдни

овутарди, кўнглини кўтарарди, шу сабабли бу қўллар Клайд учун қадрли эди. Фақат улар Клайдни ташлаб кетмаса гўрга эди! Фақат улар – бу дўстона қўллар у билан абадий бирга бўлса эди! Ахир, Клайд умрида бирор-бир марта овуниш ва ҳатто меҳрибонлик туйғусини шу қадар ҳис этганмиди, қачон? Ҳеч қаерда ва ҳеч қачон ҳис этмаган... мана энди у хотиржам гўё борлиқдан сирғалиб чиқиб кетаётгандай эди.

Тўғри, ёнида Роберта турибди, лекин у ҳозир тирик жонга эмас, фақат сўнган сояга, гира-шира сиймога ва кўпроқ тасаввур самарасига ўхшар эди. Майли, унинг ҳаққоний ҳаётни эслатувчи қандайдир ранг-рўйи, афт-ангори бўлсин, аммо у ҳарқалай танасиз, бутунлай хаёлий бир шарпа эди... бирдан Клайд ўзини яна алланечук ғариб ҳис этди: дўстона, бақувват қўллар ғойиб бўлган эдилар. Клайд яна танҳо қолиб, бу хафагазак, ажойиб-ғаройиб оламда нима қиларини билмай, ёлғизликдан азоб чекарди, гўё уни бу оламга кимлардир ҳайдаб келиб, атайлаб ташлаб кетишганга ўхшарди. У беҳосдан бутун гавдаси билан дағ-дағ титрай бошлади: бу ғалати манзаранинг жозибаси уни яхдек музлатиб юборган эди.

Хўш, нима учун у бу ерга келди ўзи?

Нима қилиши керак у?

Робертани ўлдириши керакми? Йўқ, йўқ!

У яна бошини эгди, кўм-кўк, кумушдек товланётган ҳалқобнинг мафтункор ва маккор қаъридан кўзларини узолмай қолди, унинг назарида ҳалқоб ўз шаклини ўзгартириб, улкан биллур соққага айланиб бораётганга ўхшарди. Аммо, қизиқ, соққа ичида нима қимирляпти? Қандайдир бир тирик жон... ана, у яқинлашиб келяпти, аниқроқ кўриняпти... у охири Робертани таниди: Роберта оппоқ, нозик қўлларини жон ҳолатда сувда тапиллатганча Клайдга узатмоқчи бўляпти. Э, худо, даҳшат-ку бу!

Робертани мутлақо таниб бўлмайди! Қайси виждон билан у шундай хаёлга боряпти? Ўлим! Қотиллик!

Шу пайт Клайд бирдан иродаси сусаяётганини пайқади-ю (ваҳоланки, у доимо иродасига суяниб келаётган эди), ўша заҳотиёқ яна дадил бўлишга беҳуда уринган кўйи иродасининг зўри билан ўз «мен»лигининг илдиз-илдизларига қаради.

Қит-қит-қит... қра-а-а-а!
Қит-қит-қит... қра-а-а-а!
Қит-қит-қит... қра-а-а-а!

(Яна ўша номаълум қушнинг галати, машъум... қандайдир совуқ, шанги овози! Гўё Клайдни унинг жони учиб юрган хаёл оламидан мана шу мавжуд ёки шубҳали, бироқ машаққатли, тезлик билан амалда ҳал этишни талаб қиладиган масалага қайтарди.)

У ўйлаганини қилиши керак! Қилиши керак!

Қит-қит-қит... қра-а-а-а!
Қит-қит-қит... қра-а-а-а!

Қизиқ, бу қичқириқда қандай маъно бор: огоҳлантиришми... норозиликми... ҳукми? Мана шу қушнинг қичқириғи билан Клайднинг миясида туғилаётган машъум ниятлар қайд қилинди. Хув ана, қуриган дарахтда турибди ўша баттол қуш... Энди эса сал нарига, ўрмон ичкарироғидаги бошқа дарахт (у ҳам қуриган ва жонсиз эди) тарафга учди... Учиб бора туриб, қичқираётир... Э, худо!..

Уяна – ўз иродасига қарши бориб – қайиқни соҳилга бурди. Жомадонини нимага олиб келди, ахир, беш-олтита расм оламан деган эди-ку – шунинг учун энди Робертани расмга тушишга таклиф этиши керак, эҳтимол, қирғоқдами ё сувдами, ўзи ҳам тушар.

Гапнинг қисқаси, Роберта яна қайиққа ўтирганда Клайднинг жомадони шикастланмай, қуп-қуруққина соҳилда қолаверади. Клайд қирғоққа ўтиб, иложи борича хушманзара жойларни қидираётгандай кўрсата бошлади ўзини, аслида эса қайтиб келгунимча жомадонимни аниқроқ қайси бир дарахт остига ташлаб кетсам экан, деб жони ҳалак эди. Энди у тезда изига қайтиб келади... тезда... Лекин иккалови қирғоққа бошлашиб тушишмайди энди. Ҳеч қачон! Ҳеч қачон! Робертанинг чарчадим, кетамиз, деб туришига ҳам қарамай, у вақтни чўзяпти, ваҳоланки, унинг ўзи ҳам тезда қайтсак керак, деб ўйлаган эди. Ҳозир, ҳойнаҳой, бешдан ошди шекилли. Клайд қайиқда туриб, мана бу ажойиб дарахтлар, оролча ва қорамтир сув сатҳини акс эттирадиган яна бир-иккита расм оламизу, кейин изимизга қайтамиз, деб кўндиради Робертани.

Нега унинг қўллари бунчалик терга ботиб қалтираяпти-я!

Қоп-қора, намиққан, чақчайган кўзлари дуч келган ёққа олазарак бўларди-ю, аммо фақат Робертага қаролмасди...

Мана, яна улар сувда, қирғоқдан беш юз футча нарида туришибди; қайиқ қўлтиқчанинг деярли қоқ ўртасида, Клайд бўлса қўлидаги ихчам, лекин оғир фотография апаратини мақсадсиз равишда айлантириб ўйнаяпти; у бирдан даҳшатга тушиб атрофга қарай бошлади. Энди... энди... қачондан бери ўзи орқага суриб келаётган ўша мудҳиш дақиқа энди унинг иродасига ҳамла қила бошлади... Қирғоқда эса – тик этган овоз ҳам, товуш ҳам эшитилмайди, биронта одамнинг қораси ҳам кўринмайди... на бир йўл, на кулба, на бирон шарпа кўзга ташланади. Мана, Клайднинг ўзи яратган ёки унинг иродаси-

дан ташқари қандайдир йўл билан яратилган ўша дақиқа тақдирини ҳал этадиган мушкул дақиқа етиб келди; ҳаракат қилиш они! Энди у фақат битта иш қилиши: шахт билан бир зумда қайиқни ўнг ёки чап томонга ағдариши... қайиқнинг чап ёки ўнг биқинини бир силташда сувга киритиб юбориши; агар унда ҳам бўлмаса, бор кучи билан чайқалтириши керак. Мабодо Роберта жазаваси тутиб дод-вой соладиган бўлса, фотография аппарати ёки анави қайиқда ётган эшакларнинг бири билан бир уриш керак. Агар юраги дов бериб, иродаси етса... бемалол шундай қилиш мумкин... кўз очиб юмгунча, шов-шувсиз қилса ҳам бўлади. Кейин дарров бошқа ёққа сузиб кетиши керак... ундан у ёғига эса – эркинлик... омад... Сондра-ку, сўзсиз уники бўлади, бахт-иқбол... бутунлай бошқача, сурурли, қувончли, сирли ҳаёт бошланади.

Шундай экан, нега у чўзяпти?

Унга нима бўлди ўзи?

Нега у чўзяпти?

Мана шу мушкул дақиқада, қатъий ҳаракат қилишдан бўлак бирон чораси қолмаган бир пайтда тўсатдан унинг иродаси-ю жасорати, нафрат ва ғазаби фалаж бўлгандай қотди-қўйди, ваҳоланки, буларсиз қандай ҳаракат қилиш мумкин ўзи, Роберта эса қайиқ қуйруғида ўтирганча унинг ҳаяжонланиб, бирдан буришиб кетган, аммо айна пайтда қатъиятсиз, ҳатто саросимали юзига тикилиб қолди... Тўсатдан Клайд қиёфасидаги қаҳр-ғазаб, жаҳд, йиртқичларча шиддат ўрнини тортинчоқлик эгаллади, унинг нигоҳи деярли маъносиз тус олди. Унга қараб туриб, қўрқув билан (ўлим ёки ўлимга олиб борувчи ваҳшиёна тошбағирликни ўйлаш туфайли туғиладиган ҳиссиёт) ҳаракат – ҳаракат – ҳаракат иштиёқи ўртасида, шу беҳад, тинимсиз, аммо, ҳарқалай ношуд иштиёқ ўртасида кураш

бораётганини сезиш мумкин эди. Бу бир зумлик саросима бўлиб, икки қудратли интилиш, яъни ҳаракат ва ҳаракатсизлик ўртасидаги мувозанат тенг келиб қолган дақиқани ифодалар эди. Клайднинг кўз гавҳарлари кенгайиб, баттар қорайди; юз ва қўллари, бутун гавдаси худди томир тортишгандек гужанак бўлди; бир ерда қотиб туриши ва руҳий васвасаси борган сари кучайиб ваҳшиёна бир тусга кирди, аммо бу, аслида қотилликдан ҳам қайтмайдиган шафқатсиз, дадил ирода кучи бўлмай, балки фақат фалажлик ёки қоқшоликнинг ўзгинаси эди.

Роберта Клайднинг теварак-атрофдаги барча нарсаларга ғалати бир тарзда ва малол келадиган даражада зид бўлган бу ўз-ўзи билан зўр бериб олишувини, қип-қизил телбалик жазавасига ўхшаш ғалати аҳволини кўриб, бирдан ваҳм босиб қичқириб юборди:

– Клайд, Клайд, эсингни едингми? Сенга нима бўлди? Юзингда юз қолмади-ку... сен қандайдир... қандайдир ғалати бўлиб кетдинг. Мен сени ҳеч қачон бу алпозда кўрмаганман. Нима бўлди сенга?

Роберта ўрнидан турди-да, қайиқни чайқалтириб юбормаслик учун энгашганча, эҳтиёткорлик билан битта-битта босиб Клайднинг олдига кела бошлади, назарида ҳозир Клайд қайиқ тубига ёки ташқарига муккаси билан ағарилиб тушадигандай эди. Клайд ўзининг беҳад муваффақиятсизлиги, қўрқоқлиги ва шундай қулай имкониятдан фойдаланолмай ношудлик қилиб турганини ўша лаҳзадаёқ тушуниб етди, уни Роберта ёки қисматнинг ўзи шу даражада оёқ-қўлини боғлаб, азобга солаётгани учун тўсатдан фақат ўзигагина эмас, балки Робертага нисбатан ҳам қалбида нафрат бўрони жўш урди. Лекин шунда ҳам у ҳаракат қилишдан қўрқар эди... у бундай бўлишини истамасди... У Робертага, ҳеч қачон сенга уйланмайман, ҳеч қа-

чон... ҳеч қачон, ҳатто мени чаққан тақдирингда ҳам, сен билан никоҳдан ўтиш учун Ликургдан кетмайман, демоқчи эди... У Сондрани севади, фақат Сондранинг ўзини севади! Лекин Клайднинг гапиришга мажоли йўқ эди. У фақат дарғазаб ва саросимада қолган эди; Робертага худди қутургандек ўқрайиб қараб турарди. Роберта ёнига келиб, унинг қўлини ўз қўлига олмақчи ва аппаратни қайиқ тубига қўймоқчи бўлганида Клайд уни шиддат билан итариб юборди, аммо шунда ҳам Клайднинг ёмон нияти йўқ эди, фақат Робертадан, унинг суйканишларидан, гина ва меҳрибончиликларидан... доим хира бўлиб туришларидан қутулишни истарди, холос... Э, худо-е!

Аммо у шу қадар қаттиқ куч билан отилдики, Робертанинг лаблари, бурни, даҳани аралаш аппарат билан ургани ҳам майли-я (у онгсиз равишда ҳали ҳам аппаратни қўлида маҳкам ушлаб турарди), унинг ўзини ҳам қайиқнинг чап биқинига итқитиб ташлади, қайиқ эса қийшайиб сувга ботиб кетай деди. Роберта қора қонга бўялган юзининг оғриғидан ва қайиқ қийшайиб кетганидан даҳшатга тушиб қулоқни тешиб юборгудек даражада чинқириб юборди. Бу чинқириқдан довдираб қолган Клайд сапчиб ўрnidан турди-ю, бир кўнгли унга кўмаклашиб, ушлаб қолиш, бир кўнгли бехосдан уриб юборганига кечирим сўраш ниятида Робертага томон интилди-ю, шу ҳаракати билан қайиқни бутунлай ағдариб юборди: Роберта ҳам, Клайд ҳам бирдан сувга тушиб кетишди. Тўнқарилаётган қайиқнинг чап биқини Роберта сувга бир кўмилиб кетиб, яна қалқиб юзага чиққан пайтида унинг нақ бошига тегди, Клайд ўз рўпарасида Робертанинг телбаларча буришган юзини кўрди. У бир зумда ўзига келди. Роберта эса эс-ҳушини йўқотиб, юраги чиқиб кетган, оғриқ ҳамда ғоят

даҳшатли, васвасали қўрқув зўридан нима содир бўлаётганини билмасди: сув даҳшатли эди, фарқ бўлиш даҳшатли эди, Клайднинг бехосдан, деярли ўйламай туширган бу зарблари даҳшат эди...

- Ёрдам беринглар! Ёрдам беринглар!..
- Ё худо, мен чўкяпман! Чўкяпман! Ёрдам беринглар!..
- Клайд! Клайд!

Бирдан Клайднинг қулоқлари остида бир овоз эшитилди: «Ахир, бу... бу... Эртаю кеч ақлингни банд этган, ноилож аҳволга тушганларингда ёлвориб тилаган нарсанг шу эмасмиди, ахир? Мана ўйлаганинг! Минг ваҳимага тушганинг, қўрқоқлик қилганинг билан, бари бир, у юз берди-ку. Қасддан эмас, бехосдан туширган зарбанг ва бу бахтсиз ҳодиса сен ўзинг бутун вужудинг билан хоҳлаб юрган, аммо қилишга юрагинг бетламаётган ўша дардисар муаммодан сени халос этди-ку! Наҳотки, энди сен ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ – бу, ахир, одатдаги бахтсиз ҳодиса-ку – Робертага ёрдам қилсанг, демак, яна боши берк кўчага тушиб, азоб чекишни истар экансан-да, аслида-ку, худди шу нарса сени обдан тамом қилмаганмиди, энди ундан қутулдинг-ку, ахир? Сен уни қутқариб қолишинг мумкин. Лекин қутқармаслигинг ҳам мумкин! Ана, қара, қанчалик типирчилаяпти, жон ширин-да. Сен ургандаёқ бўлар иш бўлган эди. Энди ўзига қўйса қутулолмайди, мабодо унга яқинлашсанг борми, жон талвасасида сени ҳам фарқ қилиб юбориши мумкин. Ахир, сен яшашни истайсан-ку! Агар у тирик бўлса, сенинг ҳаётингда бир чақалик ҳам маъно қолмайди. Салгина, атиги бир неча лаҳзагина ўзингни босиб тур! Кут, кут, ёрдам сўраб ёлвораётганига зътибор берма! Шунда... шунда... Ҳа, ана қара. Ҳаммаси тамом бўлди. У чўкиб кетди. Сен уни ҳеч қачон, ҳеч қачон тирик кўрмай-

сан, ҳеч қачон. Ҳа, ана, шляпанг ўзинг ўйлагандек сувда ётибди. Қайиқда эса Робертанинг ўртиги эшкак ҳалқасига илинганча қолибди. Уларга тегма. Ахир, шулар бу жойда бахтсиз ҳодиса рўй берганига асос бўлолмайдимми?»

Шу билан тамом... сув юзи салгина мавжлан-япти... теварак атроф ҳайрон қоларли даражада осойишта ва тантанавор. Яна ўша мудҳиш, сирли қушнинг этни жунжитувчи, мазахли қичқириги:

Қит-қит-қит... қра-а-а-а!

Қит-қит-қит... қра-а-а-а!

Қит-қит-қит... қра-а-а-а!

Қоқ-қуруқ дарахт устида турган хосиятсиз қушнинг қичқириги. Қанот силкишлари.

Клайд вазмин, тумшайиб, хафагазак аҳволда қирғоққа сузиб чиқа бошлади. Робертанинг қичқириги ҳали ҳам қулоғи остида жаранглар, сўниб бораётган кўзларининг телбаларча, ёлворгансимон сўнгги боқишини ҳамон кўриб турарди. Кейин, хайрият мен ўлдирмадим, деган фикр миясига келди. Йўқ, йўқ. Худога минг қатла шукур! У қилмади буни. Аммо, ҳарқалай (у қирғоққа чиқиб кийимларини силкий бошлади) у ўлдирди шекилли? Ёки у эмасми? Ахир, Робертага кўмаклашмади-ку, истаса қутқариши ҳам мумкин эди. Гарчи у бехосдан уриб юборган бўлса ҳам, Робертанинг сувга йиқилишига аслида у айбдор. Лекин тўғри-ку... тўғри-ку...

Сўнаётган куннинг ғира-шираси ва сокинлиги. Ўзимиз билган ўша меҳмондўст ўрмонларнинг қоронғи бурчаклари, баданигача жиққа ҳўл бўлган Клайд қуп-қуруқ жомадони олдида турган кўйи қоронғи тушгунча кийимларини қуритиб олмоқчи бўляпти. Ҳозирча у жомадонидан ишлатилмай қолган фотоаппарат оёқчаларини ечди-да, ўрмон ичкари-

роғида ағанаб ётган, ҳадеганда кўз тушмайдиган бир қуруқ гўлани топди-ю, оёқчаларни ўшанинг остига яшириб қўйди. Ишқилиб, ҳеч ким кўрмадимикин?

Биров қараб турган бўлса-я? Кейин у жойига қайтиб келди-ю қайси томонга юрсамикин, деб ўйланиб қолди. У ғарб тарафга, кейин жанубга қараб йўл олиши керак. У зинҳор адашиб кетмаслиги лозим. Тавба, яна бояги қушнинг асабга тегувчи шанғи овози эшитиляпти. Сўнгра атрофга зимистонлик чўкди, ёзги юлдузлар эса зулматни ёритолмади. Йигитча қоронғи, кимсасиз ўрмонни кесиб боряпти; бошида қуруқ похол шляпа, қўлида жомадон, у тез-тез, аммо эҳтиёткорлик билан жанубга... жанубга... қараб кетяпти.

УЧИНЧИ КИТОВ

I БОБ

Катараки округи Учинчи миль Кўрфази номи билан аталган қишлоқ чеккасидан бошланиб, бўйи шимолга қараб Канада чегараларигача элик миль ва эни Сенашет ва Ҳинд кўллари-дан бошланиб, шарққа қараб, Қояли ва Скарф дарёларигача ўттиз миль келади. Бу бўшлиқнинг каттагина қисми одам оёғи етмаган ўрмонлар ва кўллардан иборат бўлиб, ҳар жой-ҳар жойда Кунц, Грасс-Лейк, Шимолий Уоллес, Браун-Лейк сингари қишлоқ ва посёлкалар қад кўтариб туради; бош шаҳар ҳисобланган Брижбургда округга қарашли ўн беш минг аҳолининг икки мингга яқини яшайди. Шаҳарнинг марказий майдонида кўҳна, аммо баҳайбат соатли минора билан безатилган тузуккина суд биноси жойлашган, минора устида эса доимо беш-ўнта қаптар; шаҳарнинг асосий тўртта кўчаси мана шу майдонга келиб туташарди.

Тўққизинчи июль, жума; Фред Хейт исмли терговчи суд биносидаги ўз кабинетида ўтирибди, ўзи бўйдор, елкадор киши бўлиб, мош-гуруч соқолига ҳатто мормонлар оқсоқолининг ҳам ҳаваси келиши турган гап эди. Кенг юзи, катта-катта қўл-оёқлари чорпаҳил жуссасига монанд.

Бизнинг ҳикоямиз бошланаётган, соат иккилардан ошган туш пайтида, Хейт хотинининг илтимосига қўра ёзиб олдирган каталог-китобни эринчоқлик билан варақлаб, харид қилинган нарсаларни почта орқали юборадиган дўконлар тўғрисида маълумот тўплаб ўтирарди. У берсанг ейман, ур-

санг ўламан деб турган бешта боласига бошмоқ, камзул, шапка ва шапкачалар олиш дардида нарх-наволарни кўздан кечираётиб, ўзига лойиқ қишлоқ пальто борлигини билиб қолди, кенг-мўл қилиб тикилган, ёқаси энли, кенг белбоғли ва йирик-йирик чиройли тугмалари бу пальтога қараб туриб, кўнгли ўксинганча ўй суриб кетди; йилига атиги уч минг доллар тушадиган ҳамёни бу қишда бунақанги ортиқча харажатни сира кўтаролмас, бунинг устига хотини Элла ҳам мўйна пўстин олиш дардида юрганига мана, салкам уч йил бўляпти.

Лекин у бу хусусда ҳар қанча бош қотирмасин, тўсатдан жиринглаган телефон хаёлини бўлди.

– Ҳа, мистер Хейт эшитяпти.. Катта мушгир кўлидан Уоллес Айхэм гапиряпти дейсизми? Ҳа, Уоллес, қулоғим сизда... бир йигит билан бир қиз чўкиб кетибди? Ҳа, яхши, бир дақиқа сабр қилинг...

У, яқиндагина «терговчи секретари» лавозимида давлат хизматига кирган эпчил йигитчага юзланди.

– Эрл, маълумотларни ёзиб боринг, – кейин телефонга қараб гапирди: – Яхши, Уоллес, энди менга барча далил-тафсилотларни айтинг, ҳа, ҳа. Аёлнинг мурдаси топилган, эриники эса йўқ... хўш-хўш... Қайиқ жануб томондаги соҳил яқинида тўнкарилиб ётган экан... хўш. Астари йўқ похол шляпа... хўш-хўш. Аёлнинг оғзи ва кўз атрофлари лат еган... Пальтоси билан шляпаси меҳмонхонада... хўш-хўш... Пальтосининг битта чўнтагидан хат чиқди... кимга ёзилган экан? Миссис Олденга, Бильц, Маймико округига? Хўш... Эрининг мурдасини ҳали ҳам қидиришяптими? Хўш-ўш... Ҳозирча ҳеч қандай натижа йўқ денг?.. Тушунарли... Ҳа, майли, яхши... Уоллес, энди гап бундоқ: пальтоси билан шляпаси жойида қолаверсин. Тўхтаг, ўйлаб олай... ҳозир икки ярим, мен тўртдаги поезд билан етиб бораман. Поездга меҳмонхонадан автобус юборишади, шекилли? Хўп, ўша автобусда

бораман, аниқ... Ҳа, ростдан Уоллес, мурдани топишганда тепасида бўлган одамларнинг барини ёзиб олинг. Яна нима? Чуқурлиги ўн саккиз фут, ундан кам эмас денг-а? Хўш... Эшкак ҳалқасига ўртиги илиниб қолган... хўш., Жигар ранг ўртик... Шуми ҳаммаси?.. Хўш... Хўп, сиз қандай қиёфада топган бўлсангиз, ўшандай қолдиришга буйруқ қилинг. Мен ҳозироқ йўлга чиқаман. Ҳа. Миннатдорман сиздан, Уоллес... кўришгунча хайр.

Мистер Хейт шошмасдан трубкани илди, худди шундай шошмасдан ёнроқ ёғочидан ясалган кенг креслосидан турди-ю, қалин соқолини силаб, котиби Эрл Ньюкомга қаради (мистер Хейтнинг котиб-машинкачиси ҳам, клерк¹ ҳам, қўйинг-чи, югурдаги ҳам шу битта Эрл эди).

– Ҳаммасини ёзиб олдингизми, Эрл?

– Ҳа, сэр.

– Унда пальто билан шляпани кийинг, кетдик. Биз учу ўндаги поездга улгуришимиз керак. Айрим гувоҳларга поезддаёқ чақирув қоғози тўлдиришингиз мумкин. Ҳар эҳтимолга қарши ўзингиз билан ўн беш-йигирматача бланка олиб олинг: ўша ерда учратган гувоҳларнинг номларини ёзиб олишга тўғри келади. Ҳа, илтимос, миссис Хейтга телефон қилинг-да, айтинг, бугун кечки овқатга ҳам, ҳатто охирги поездга ҳам улгуролмасам керак. У ерда биз эртагача қолиб кетишимиз ҳам эҳтимол. Бунақа пайтларда иш кутилмаганда чаппасига айланиб кетиши мумкин, билиб бўлмайдими, шунинг учун ҳамма нарсага шай туриш керак.

Хейт алмисоқдан қолган зах хонанинг бурчагида турган кийим-кечак шкафига яқин борди-да, ундан сават панамасини олди. Кенг ҳошиялари пастга қараган панама унинг чақчайган, аслида эса мулойим укки кўзли, қуюқ соқолли юзини хий-

¹ Клерк – Фарбий европа мамлакатлари ва АҚШда идора ходими. (Таржимон.)

ла олимистерроқ кўрсата бошлади. У ёқ-бу ёғини тўғрилаб олганидан сўнг, секретарига:

– Эрл, мен бир дақиқага шериф¹га кириб чиқмоқчиман, – деди. – Сиз «Республикачи»га ҳам, «Демократ»га ҳам қўнғироқ қилинг-да, воқеани гапириб беринг; тагин газеталар биздан бирон нарсани бекитишяпти, деб ўйлаб юришмасин. Вокзалда учрашамиз.

Хейт битта-битта қадам ташлаб хонадан чиқди.

Ўн тўққиз ёшлардаги сочлари ҳурпайган, ўзи жудаям жиддий, аммо гоҳи пайтларда паришонхотир юрадиган, новча, ориқдан келган Эрл Ньюком ўша заҳотиёқ судга чақириш бланкаларидан бир тахини олди-да, чўнтагига тиқа туриб, миссис Хейтга телефон қоқа бошлади. Кейин у газета таҳририятларига қўнғироқ қилиб, Катта мушгир кўлидаги бахтсиз ҳодиса ҳақида хабар берди-ю, шоша-пиша ҳаво ранг тасмали похол шляпасини олганча (шляпа унга анчагина катта эди) пастга отилди; бу атрофларда машҳур, ўзи ҳам анча-мунча уддабуро прокурор Орвил Мейсон кабинетининг очиқ эшиги олдида Зилла Саундерсга урилиб кетди. Зилла эрга тегмаган қари қиз бўлиб, прокурорнинг бирдан-бир стенографисткаси ҳам шу эди. У аудитор² идорасига бормоқчи бўлиб турган эди, аммо, одатда ҳадеганда хамири ачимайдиган мистер Ньюкомнинг ҳозир шошиб кетаётгани ва ташвишли кўринишидан ажабланди-ю, орқасидан чақирди:

– Хэлло, Эрл! Нима бўлди ўзи? Қаёққа бунчалик ошиқяпсиз?

– Бахтсиз ҳодиса. Катта мушгир кўлида икки киши чўкиб кетибди. Тагида бошқа гап борга ўхшайди. Мистер Хейт ўша ёққа кетяпти, мен ҳам

¹ Шериф – Англия ва АҚШда маъмурий ва суд амалдорларидан бири.

² Аудитор – юрист амалдор. (Таржимон.)

бирга бораман. Биз учу ўндаги поездга улгуришимиз керак.

– Қаердан билдинглар? Улар шу ерлик эканми?

– Ҳозирча билмайман, менимча, бу ерлик бўлиш-маса керак. Қизнинг чўнтагидан Маймико округига, Бильца, аллақандай миссис Олден номига ёзилган хат чиқибди. Қайтиб келганимиздан сўнг ҳаммасини гапириб бераман ёки қўнғироқ қиламан.

– Э, худо-ей, агар бу жиноят бўлса, унда, ҳой-наҳой мистер Мейсон ҳам қизиқса керак.

– Албатта-да. Мен унга телефон қоқаман ёки мистер Хейтнинг ўзи қўнғироқ қилади. Агар Бада Паркер ёки Кэрел Бэднелни кўрсангиз, шаҳардан ташқарига кетганимни айтиб қўйинг. Кейин, Зилла, сиздан илтимос, ойимга телефон қоқиб, уни ҳам огоҳлантиринг, майлими? Ўзим телефон қилмайдиганга ўхшайман.

– Қўнғироқ қиламан, ташвиш тортманг.

– Раҳмат.

Бошлиғининг ҳар кунги бир тахлитдаги тирикчилигини алғов-далғов қилиб юборган бу воқеадан манфаатдор бўлган Ньюком икки зинани бир сакраб босганча округ суди пиллапоясидан қувноқлик ва эпчилик билан чопиб туша бошлади. Миссис Саундерс эса, бошлиғи республикачи партиянинг бўлажак округ конференциясига оид айрим масалалар билан кетганини билгани учун, унинг кабинетида янгиликни ўртоқлашадиган ҳеч ким йўқлиги сабабли аудитор идорасига қараб юрди: ҳарқалай, у ерда учраган одамга кўлда содир бўлган фожиа ҳақида ўзи билганларини ҳикоя қилиб бериши мумкин-ку, ахир.

II БОБ

Терговчи Хейт ва унинг ёрдамчиси йиққан маълумотлар сирли ва хавотирли хусусиятга эга эди. Кўринишидан бахтли, бир-бирига муносиб жуфти ҳалол саёҳатчилар тушган ўша қайиқ йўқолган куннинг эртасига эрталаб меҳмонхона хўжайинининг ташаббуси билан қидирув ишлари бошланган, натижада оролчанинг нарёғидаги Ҳилол қўлтиғидан тўнкарилиб ётган қайиқ, шляпа ва ўртик топиб олинган. Ўша заҳотиёқ меҳмонхонанинг ҳамма хизматчилари, йўл кўрсатувчилар ва меҳмонлар орасидан бу ишга кимни кўндириб ёллашса – ўшалар кўлга шўнғиб, чўкиб кетганларнинг мурдасини топиб чиқариш мақсадида учи чангак узун ходалар билан сув тубини кавлаштира бошлашган. Йўл кўрсатувчи Сим Шуп, меҳмонхона хўжайини ва қайиқлар қароргоҳини ижарага олган кишининг гапига қараганда, ўлган аёл жуда ёш ва хушбичим бўлиб, ҳамроҳи эса – ҳойнаҳой, бадавлат оилалардан бирининг фарзанди эди, шунинг учун ҳам бу ерда яшайдиган бармоқ билан санарли кишилар – дарахт кесувчилар ва меҳмонхона хизматчилари бу ҳодисага қизиқибгина эмас, балки ачиниб ҳам қарай бошладилар. Бунинг устига тиқ ётган шамолсиз очиқ бир кунда бунақанги сирли фожиа юз бериши ҳеч бирининг ақлига сиғмас эди.

Туш пайтига борганда чангак билан иш кўраётган дарахт кесувчилардан бири Жон Поль беш-ўн марта уриниб, кейин Робертани кўйлагидан илганча сув остидан кўтарганда одамларнинг ҳаяжони баттар авжга чиқди; унинг юзида – оғзи, бурни, ўнг қовоғи ва кўзининг остида зарбдан қолган кўкиш доғлар яққол кўриниб турарди, йиғилганларга бу ўша заҳотиёқ шубҳали бўлиб туюлди. Жон Поль қайиқни бошқараётган шериги Жо Райнер

билан бирга Робертани сувдан чиқарди-да, юзига тикилиб туриб:

– Вой, шўринг қурғур-а! – деб хитоб қилиб юборди. – Қушдай енгил экан-а! Ҳатто қандай чўкиб кетганига ҳам ақлим етмайди.

У ўтирган жойида эгилди-да, бақувват қўллари билан жиққа ҳўл, жонсиз ётган Робертани даст кўтариб қайиққа олди; бу пайтда шериклари бошқа қайиқларга ишора қилишган эди, улар тезда шу томонга сузиб кела бошлашди.

Жон Поль (қизнинг сувда ёйилиб, юзини тўсиб олган) узун, йўфон қўнғир сочларини бир томонга сураётди:

– Вой-бў, роса азобланибди-ку! – деб қўшиб қўйди, – Жо, бир қарагин! Бу бечора гўдакни бир нарса билан бошлаб туширишганга ўхшайди назаримда. Қара, қарагин!

Сал ўтмай дарахт кесувчилар ва меҳмонхонада истиқомат қилувчиларнинг бари қайиқларини шу ёққа ҳайдаб келиб, Робертанинг юзидаги момата-лоқларни кўра бошладилар. Унинг жасадини юқори-га, қайиқ қароргоҳига олиб кетишлари ва ҳамроҳининг мурдасини яна қидира бошлашлари биланоқ турли-туман гумонлар айтила бошланди: «Бу ерда бошқа бир гап борга ўхшайди... Кўк доғлар... ва умуман... Шунақанги осойишта кунда қайиқ қандай қилиб ағдарилиб кетиши мумкин?» «Ҳозир кўрамиз: сув тубида яна одам бормикин ёки йўқми...» Бир неча соат давомида қидира-қидира, охири ҳеч қандай натижа чиқаришолмагандан сўнг ҳамма йиғилганлар: сувда ҳойнаҳой эркакнинг жасади бўлмаса керак ва аввалданоқ бўлмаган, деган қарорга келишди, бу даҳшатли, ташвишли фикр эди...

Шундан кейин Клайд ва Робертани бекатдан олиб келган йўл кўрсатувчи ҳамда Катта мушгир кўли ва Ўтлоқзордаги меҳмонхона хўжайинлари билан суҳбатлашилгандан сўнг қуйидагилар

аниқланди: 1) чўккан қиз жомадонини Қуролсоз бекатида қолдиргани ҳолда, Клифорд Голден жомадонини ўзи билан олиб кетган; 2) Ўтлоқзор кўли ва Катта мушгир меҳмонхоналаридаги рўйхатларда шубҳали қарама-қаршилик мавжуд: бир жойда – Карл Грэхем, бошқасида эса – Клифорд Голден деб ёзилган, ваҳоланки, ташқи қиёфасига қараганда иккови ҳам сўзсиз битта одам бўлган (меҳмонхоналарнинг иккала хўжайини муфассал муҳокамадан кейин, шундай қатъий хулосага келишди) ва ўзини Клифорд Голден ёки Карл Грэхем деб атаган ўша кимса Катта мушгир кўлига олиб келаётган йўл кўрсатувчидан: бугун одам кўпми у ерда, деб суриштирган. Шу гаплардан кейин ноаниқ гумонлар бу ишда ҳаром қўллик бор, деган қатъий ишончга айлана борди. Энди бунга ҳеч кимда шубҳа қолмади.

Шимолий ўрмонларда яшовчи кишилар бу воқеадан чуқур ташвишга тушганлари ва ўзларининг гумонлари сўзсиз ҳақ чиқишини терговчи Хейт келиши биланоқ унга шама қилиб айтиб ҳам қўйишди. Уларнинг фикрича, Клифорд Голден ёки Карл Грэхемнинг жасади кўл тубида аввал бошда ноқ, умуман бўлмаган. Хейт қайиқ қароргоҳидаги уйчада турган каравотга авайлаб ётқизиб қўйилган номаълум қизнинг мурдасини кўздан кечириб чиқди-ю, унинг ёшлиги ва гўзаллигини кўриб, фақат хушбичимлигидан эмас, балки уни ўраб олган сирли гумонлардан таъсирланганидан кўнгли бир хил бўлиб кетди. Бунинг устига меҳмонхона идорасига қайтиб келиб, Роберта пальтосининг чўнтагидан топилган хатни ўқиб чиққандан сўнг, уни энг мудҳиш шубҳалар қамраб олди, чунки у ўқиган хат тубандагича эди:

«Ўтлоқзор кўли, Нью-Йорк штати, 8 июль

Қадрли ойижон!

Биз энди шу ерда никоҳдан ўтмоқчимиз, лекин буларни фақат сиз учун ёзаяпман. Илтимос, мактубимни дадамга ва умуман ҳеч кимга кўрсатманг, чунки бу ҳозирча сир. Мен сизга рождество кунини учини чиқариб айтган эдим-ку, шунинг учун ташвиш тортиб ўтирманг, мендан ҳеч нарса сўраманг ва мен ҳақимда ҳеч кимга гапирманг. Фақат мендан хат олганингиз ва менинг қаердалигимни билишингизни айтсангиз кифоя. Қўрқманг, ҳаммаси жойида бўлади. Сизни қучоқлаб, иккала юзингиздан ўпиб қоламан, ойижон. Хавотир олманг, дадамга ишларим жойидалигини тушунтиришга ҳаракат қилинг, лекин на дадамга, на Эмилияга, на Том, на Гифордга бирон нарса дея кўрманг, хўпми? Сизни қайта-қайта ўпиб қоламан.

Сизни жонидан афзал кўрувчи Берта.

P.S. Буларнинг ҳаммаси ҳозирча сир, шунинг учун фақат иккаламиз билганимиз маъқул, ўртада бир оз вақт ўтгач сирлиги ҳам қолмайди, ана ўшанда сизга хат ёзиб, тушунтириб бераман».

Варақнинг юқори ўнг бурчига конвертдагига ўхшаш «Ўтлоқзор кўли» меҳмонхонаси, Нью-Йорк штати, Жек Эванс мулки» деган тамга босилган эди. Афтидан, бу хат улар мистер ва миссис Грэхем номи билан меҳмонхонада тунаб чиққан кунларининг эртасига эрталаб ёзилган бўлса керак.

Вой, бу ёш қизларнинг енгилтаклиги!

Икковлари никоҳсиз бўлсалар ҳам меҳмонхонада худди эр-хотиндек туришгани хатдан шундоқ маълум эди. Мистер Хейт мактубни ўқий туриб бутун аъзойи баданини қалтироқ босди, чунки унинг ҳам қизлари бор, у қизларини ниҳоятда севарди. Аммо шу пайт миясига бир фикр келди. Оқругда ҳадемай сайловлар бошланади; ноябрда

барча маҳаллий ҳокимият, шу жумладан, терговчи ҳам кейинги уч йилга қайта сайланиши лозим; бунга қўшимча равишда шу йилнинг ўзида округ судларига ҳам сайловлар бўлади (уларнинг ваколат муддати олти йил). Августда, яъни тахминан бир ярим ойлардан сўнг республикачи ва демократик партияларнинг округ конференциялари бўлиши керак, ана ўшанда тегишли мансабларга номзодлар кўрсатилади. Лекин ҳозирги прокурор айна пайтда округ судьяси даражасидан юқори бирорта бошқа мансабга умид қила олмас эди, негаки у прокурорлик ўрнини икки гадан бери сурункасига эгаллаб келаётган эди. Бунга у ўзининг маҳаллий сиёсий нотиклик истеъдоди туфайлигина эмас, балки юқори суд амалдори сифатида ўз дўстларига бера олган хилма-хил ёрдамлари туфайли ҳам эришган эди. Аммо энди у борди-ю, агар номзод бўлиш бахтига эришмаса ва округ судьялигига сайланмай қолса, шу билан унинг сиёсий мартабаси ҳам тутаган ҳисоб эди. Яна бир чатоқ жойи – бутун ваколоти давомида бирон марта ҳам унинг довуғини ёядиган мундоқ тузукроқ суд муҳокамаси бўлмаган, шу боисдан у келгусида сайловчиларнинг ҳурмат ва эътиборидан тўла умидвор бўла олмас эди. Бироқ ҳозир...

Катта мушгир кўлидаги воқеа, деб ўйларди узоқни кўрадиган терговчи, энди росаям қўл келиши, аҳолининг диққат-эътибори ва хайрихоҳлигини ўша кишига – ҳозирги прокурорга, унинг, Хейтнинг энг яқин ва нафи тегиб турадиган дўстига оғдириб юбориши турган гап. Бу Хейтнинг ҳам қўлини узун қилиб обрўига, оқибатда эса ўз партияси номзодлари рўйхатига самарали таъсир кўрсатиши, демак, бўлажак сайловда уларнинг бари бирор-бир мартабага эга бўлиб қолишлари аниқ эди. Ҳозирги прокурор фақат ўз номзодини кўрсатишларига эришибгина қолмай, ҳатто ноябрдаги сайловда олти йиллик муддатга судья қилиб сай-

лашларига ҳам эришарди. Сиёсат оламида ахир, бундан ҳам ғалатироқ воқеалар юз берган-ку...

Хейт ўша заҳотиёқ Роберта чўнтагидан топилган хат тўғрисида лом-мим демасликка қарор қилди, чунки агар чиндан ҳам жиноят юз берган бўлса, бу хат айбдорнинг сирини тезда фош этиб берадигандек, ҳозирги сиёсий вазиятда эса шу муаммони ечишга алоқадор бўлган ҳар бир кишига довруқ ва ҳурмат-эҳтиром ваъда қилаётгандек туюлди унга.

У бир йўла Ньюкомга ва Роберта билан Клайдни Катта мушгир кўлига олиб келган йўл кўрсатувчига Қуролсоз бекатига бориб, у ерда қолдирилган жомадонни Хейтнинг ўзидан ёки прокурор юборган одамдан бўлак бирорта кишига бермасликни тайинлаб келишни буюрди. Кейин у Бильцага қўнғироқ қилиб, Берта ёки Альберта исмли қизи бор Олденлар оиласи у ерда яшайдими-йўқми, шуни билмоқчи эди, аммо (назарида худди худонинг хоҳишига кўра юз бергандек) орадан лоп этиб бошқа иш чиқиб қолди: у турган хонага шу ерлик овчилар икки эркак билан бир бола, кўлдаги воқеадан хабардор бўлган кишиларни эргаштириб, бамисоли ўқдай отилиб кириб келишди. Бизда жуда муҳим гап бор, деб мурожаат қилишди улар, кейин бири олиб, бири қўйиб, бирини бири тўғрилаб кўрганларини гапира кетишди. Улар ўша Роберта чўккан кунни кечки соат бешларда кўл бўйида ов овлаш ва балиқ тутиш мақсадида Учинчи миль Кўрфазидан (Катта мушгирнинг жанубидан деярли ўн икки милча наридан) йўлга чиқишибди. Шундай қилиб, улар ўша кунни кечқурун соат тўққизларга яқин Катта мушгирнинг жанубий соҳилига етиб келишгандами ёки ҳали уч милча наридаликларидами, ишқилиб, бир йигитчага дуч келишибди, улар уни Катта мушгир меҳмонхонасидан Учинчи миль Кўрфази посёлкасига бораётган саёҳатчи бўлса керак, деб ўйлашибди. У жуда пўрим, олифга кийинган бў-

либ, бу ердагиларга мутлақо ўхшамас экан. Бошида похол шляпа, қўлида эса жомадони бор экан, у эрталаб поездда Учтинчи миль Кўрфазига бор-йўғи бир соатда бора олиши мумкин бўлгани ҳолда, келиб-келиб мана шундай бемаҳалда пиёда кетаётгани уларни ҳайратга солибди ўшанда. Яна учрашиб қолишганда қўрқиб кетгани ҳам қизиқ туюлибди уларга. Овчиларнинг сўзига қараганда, ўрмонда дуч келиб қолишганда у худди жон ҳолатда қочишни мўлжаллагандек даҳшат ва саросимага тушибди. Тўғри, ойдин кеча бўлгани учун овчилардан бири кўтариб олган фонуснинг пилиги жуда пасайтириб қўйилган, уларнинг ўзи ҳам ўрмон йиртқичи изидан бораётган одамлардек аста-аста қадам ташлаб кетишаётган экан. Аммо у жойлар ниҳоятда хавфсиз, ахир, у ерда фақат уларнинг ўзи сингари тўғри одамларгина учрайди, шунинг учун ўша йигитчанинг ўзини панага олиб, буталар орасига яширинмоқчи бўлгани ноўрин эди. Ҳа, айтгандай, фонусли йигитча – Бад Брюнинг пиликни сал кўтарганида бояги йўловчи бир оз ўзига келиб, овчиларнинг саломига алик қайтарибди, кейин Учтинчи миль Кўрфази ҳали олисми, деб сўрабди. Улар: етти милча масофа бор, дейишгандан сўнг у яна йўлида давом этибди, овчилар ҳам бу ғалати учрашувни муҳокама қила-қила ўз йўлларига равона бўлишибди.

Мана энди ўша одамнинг белгилари Клайдни Қуролсоз бекатидан олиб келган йўл кўрсатувчининг ҳамда Катта мушгир кўли ва Ўтлоқзордаги меҳмонхона хўжайинларининг таърифига бошдан-охир мос бўлиб тушгандан кейин чўкиб ўлган номаълум қизни қайиққа солиб кетган йигит ўша йўловчи эканлигига зигирча ҳам шубҳа қолмади.

Эрл Ньюком шу заҳотиёқ ўз бошлиғидан Учтинчи миль Кўрфазидаги яккаю ягона меҳмонхона хўжайинига телефон қоқиб, ўша сирли кимса у ерда тўхтаганми-йўқми – аниқ билишга рухсат сўради. Су-

риштирса, у тўхтамаган экан. Ҳойнаҳой, мана шу учта овчидан ташқари уни ҳеч ким, ҳеч ерда кўрмагандир ҳам. Гарчи ўша куни кечқурун, ўша одамга ўхшаш, қўлида жомадон, аммо похол шляпа эмас, шапка кийиб олган бир йигитчани ўрмонда учратган кунларининг эртасига эрталаб Шейронда ҳам кўришгани аниқланган бўлса ҳам (у, Учинчи миль Кўрфази билан Шейрон ўртасида қатнайдиган «Оққуш» номли кўл пароходчасига тушган экан), уни бари бир ер ютгандек эди. Унинг изига тушиш қийинлашди. Шейронда ҳозиргача ҳеч ким ўшандай одам келиб-кетганини эслай олмас эди. Ҳатто капитаннинг ўзи ҳам, кейинчалик эътироф этишига қараганда, ўша йўловчи қандай тушиб қолганини сезмабди: ўша куни пароходда ўн бешта одам бўлиб, капитан уларнинг биронтасини ҳам эслаб қолмаган экан.

Аммо Катта мушгирда истиқомат қилувчи бутун аҳоли аста-секин, ўша кимса ким бўлишидан қатъи назар – ашаддий, совуққон қотил, деган қатъий фикрга кела бошлади. Шунинг учун ҳам ҳамма унинг ушланиши ва қамоққа олинишини жуда-жуда, ўн карра, юз карра истамоқда эди. Аблаҳ Қотил! Қўлда юз берган бу ҳаяжонли фожиа бир зумдаёқ оғиздан-оғизга ўтиб, телефон ва телеграфлар орқали, Олбэнида чиқадиган «Аргус» ва «Таймс Юнион» ёки Ликургда чиқадиган «Стар» сингари маҳаллий газеталар орқали ҳамма ёққа ёйилди-қўйди; гапирган одамлар бу воқеанинг остида қандайдир даҳшатли жиноят бўлса керак, деб имо-ишора қилиб қўйишарди.

III БОБ

Терговчи Хейт хизмат бурчини ўтаб, изига қайтар экан, қиладиган ишларини режалаб ола бошлади. Бу қайғули ишда унинг навбатдаги қадами қандай бўлиши керак? Жўнашидан олдин яна бир

марта Робертани кўрмоқ мақсадида у ётган хонага кирди-ю, ич-ичидан чуқур ҳаяжонга тушди: Роберта ғоят норасида, пок ва ёқимтой кўриниб кетди кўзига. Астарбоп матодан тикилган одмигина ҳаво ранг кўйлагининг жиққа ҳўл бурмалари гавдасига ёпишиб турибди; жажжи кўллари кўксида, йигирма тўрт соат сув остида ётганидан ҳали қуриб улгурмаган сарғиш-қўнғир сочлари нимаси биландир кишида, у чаққон ва эҳтиросли бўлган, деган фикр туғдирарди, шуларнинг бари жиноятга яқин йўламайдиган майин бир жозоба тўғрисида сўйлаётгандай туюларди.

Лекин бу ниҳоятда қайғули ишнинг шахсан унга, терговчига алоқадор бўлган бошқа томони ҳам бор эди. У Бильцга, хат эгаси миссис Олден ҳузурига бориб, унга қизининг ўлими тўғрисидаги шум хабарни айтсинми, бир йўла бечора қизнинг ҳамроҳи ким бўлганлиги ва ҳозир унинг қаердалигини ҳам суриштирсинми? Ёки у аввалига Брижбургда прокурор Мейсонга учрашиб, юз берган воқеани унга ипидан-игнасигача гапириб бергани маъқулми, ана ўшанда мистер Мейсон зиммасига, ҳойнаҳой, эътиборли бир оилага қақшатқич зарба беришдек нохуш вазифа юклатилган бўлар эдими, балки? Бу ўринда сиёсий вазиятни ҳисобга олиш зарур эди. Гарчи терговчи мустақил ҳаракат қилиб, шу иш баҳонасида ўзини кўрсатиб қолиши мумкин бўлса ҳам, аммо партиянинг умумий тартибига риоя қилиш лозим эди: партия рўйхатининг бошида сўзсиз, кучли одам туриши ва кузги сайловларда партиянинг мавқеини мустаҳкамлаши даркор эди, кўлдаги фожиа эса айни муддао эди. Демак, иккинчи йўл энг оқилона йўл бўлиб, Хейтнинг прокурор дўсти учун ажойиб имконият яратиб берарди! Хейт шу фикрларни ўйлаган кўйи Брижбургга келди-ю, прокурор Орвил Мейсон кабинетига гердайданча кириб борди, прокурор эса терговчи-

нинг хатти-ҳаракатидан нимадир муҳим бир воқеа борлигини сизди ва ўша заҳотиёқ зийрак тортди.

Мейсон ўрта бўй, яғриндор ва жисмоний жуда бақувват киши эди; лекин у ёшлигида бехосдан, бахтга қарши, бурнини пачоқ қилиб олганидан сўнг ёқимтой, ҳатто кўҳликкина юзи хунуклашиб, деярли кўрқинчли бир қиёфага кирган эди. Аммо Мейсон унча-мунчага бўш келиб ўтирадиган анойилардан эмасди, у қайтага нозик табиат ва хаёлпараст одам эди. Болалигида у йўқчилик ва хўрликларни кўп кўргани учун кейинчалик, бир оз омади юришган кезларда пешонаси ярқироқ кишиларга тақдир арзандалари деб қарайдиган бўлди. Камбағал фермердан тул қолган онаси бир амаллаб рўзғор тебратиб турар, шу боисдан у онасига ёрдам бериш мақсадида ўн икки ёшиданоқ болалик шўхликлари ва ҳузур-ҳаловатларидан деярли бутунлай воз кечган эди. Ўн тўрт ёшида эса конькида учиб кетаётиб йиқилиб тушган ва афти башарасини бир умрга ногирон қилиб олган эди. Шу сабабли у йигитлик йилларида қиз талашини доимо енгилиб келарди: қанча-қанча умид боғлаган қизлари бошқаларга насиб қилганидан сўнг аста-секин у ўзининг майиблигини салга кўнглига оладиган бўлиб қолган эди. Охири бориб, у одатда фрейдистлар* руҳий-шаҳвоний маиблик деб атайдиган аҳволга тушган эди.

Лекин ўн етти ёшга чиққанда у Брижбургда босиладиган «Республикачи» газетаси ноширининг эътиборини қозонди-ю, газетанинг доимий қисқа хабарчисига айланди. Кейинчалик Орвилнинг мақолалари Олбэнидаги «Таймс Юнион», Утикадаги «Стар» сингари газеталарда ҳам босила бошлади, ўн тўққизга қадам ташлаганда эса у собиқ Брижбург судьяси Дэвис Ричофер маҳка-

¹ Фрейдизм – психологик ва социологик маълумот. Унинг асосчиси австриялик психиатр врач З. Фрейд бўлган. (Таржимон.)

масида ҳуқуқ фанлари мажмуасини ўрганиш имкониятига эга бўлди. Орадан йиллар ўтгач, адвокатлик иши билан шуғулланиш ҳуқуқини олди; у баъзи бир маҳаллий сиёсатдонлар ва савдогарларнинг хайрихоҳлигини қозонди, улар эса Мейсонни штат қонун чиқариш мажлисининг қуйи палатасига ўтказиб юборишди; у ерда қаторасига олти йил мажлисбозлик қилди ва камсуқумлиги, аммо узоқни кўра билиши, шуҳратпарастларча буйруқ бажаришга тайёр туриши оқибатида пойтахт каттаконларининг мурувватига эришди, айти пайтда у ўз қадрдон шаҳридаги ҳомийларининг ҳам кўнглини қолдирмади. Унда нотиклик истеъдодидан ҳам хийлагина бор эди. Брижбургга қайтгандан сўнг аввалига прокурор ёрдамчиси вазифасида ишлаб турди-да, кейин, орадан тўрт йил ўтгач, аудиторликка сайланди ва ниҳоят, сурункасига икки марта тўрт йилдан прокурор бўлди. Жамоат орасида баланд мартабага эришиб олгач, ўзига тўқ маҳаллий дорихона хўжайинининг қизига уйланди-ю, ҳадемай икки боланинг отаси ҳам бўлди.

Мисс Саундерс Катта мушгир кўлида юз берган ҳодиса тўғрисида ўзи билганларини Мейсонга оқизмай-томизмай гапириб берган ва Мейсон ҳам худди терговчи Хейтга ўхшаб, бу жиноят теваарагида сўзсиз кўтариладиган шов-шувлар ўзига жуда қўл келишини дарров тушунган эди. Бу анча бўшашиб қолган сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш имконини берар, ҳатто, афтидан, унинг бутун келажаги масаласини ҳам ҳал этиши мумкин эди. Қандай бўлишидан қатъи назар, у бу масалага ниҳоятда қизиқиб қолди. Ҳозир Хейтнинг олдида, бу ишдан ўзининг бағоят манфаатдор эканлигини яшириб ўтирмади.

– Ишлар қалай, Хейт?

– Гап бундай, Орвил, мен ҳозиргина Катта мушгирдан қайтиб келдим. Мен сизбоп зўр бир иш

топганга ўхшайман, бу иш сизнинг озгина вақтин-гизни олади.

Хейтнинг йирик, бақа кўзлари шу аснода юқоридаги қуруқ сўзларидан кўра кўпроқ маънони ифодаламоқда эди.

– Сиз кўлдаги бахтсиз ҳодисани назарда тут-япсизми?

– Ҳа, сэр, худди ўшани.

– Бу ерда бошқа бир гап бор, деб ўйлашга асо-сингиз етарлими?

– Биласизми, Орвил, бу қотиллик эканлигига зи-фирча ҳам шубҳа қилмайман. – Хейтнинг хўмрай-ган кўзлари ғамгин бир тарзда чақнаб кетди. – Авваламбор, бу масалада эҳтиёт бўлиш керак, албатта, бу гаплар фақат иккаламизнинг ора-мизда ҳозирча. Тўғриси айтганда, кўл тубидан йигитнинг жасади чиқмаслигига ҳали узил-кесил ишонмайман. Лекин шуларнинг ҳаммаси, меним-ча, анча-мунча шубҳали, Орвил. Салкам ўн бешга яқин одам кеча, бугун куни билан чангак ушлаб кўлнинг жанубий қисмини тит-пит қилиб чиқиш-ди. Мен уч-тўрт йигитга ҳар жой-ҳар жойда чуқур-ликни ўлчаб кўришни буюрдим – ҳамма ерда ҳам йигирма беш футдан ошмайди. Хуллас, шу пайт-гача эркак зотидан асар ҳам йўқ. Қизни эса сув-дан кеча, соат бирга яқин чиқаришган, у осонгина топилган-қўйган. Шундай чиройли қизки, Орвил, жудаям ёш, ўн саккиз-йигирмаларда, ундан кат-та эмас. Лекин орада бир қатор ниҳоятда шубҳали гумонлар бор, шу боисдан мен йигитнинг жасади у ерда бўлмаса керак, деб ўйлаяпман. Очиғини ай-тсам, бунчалик жуда оғир жинойтга ўхшайдиган воқеани ҳали умримда сира учратмаганман.

У шуларни гапира туриб, кийилаверганидан бир ҳолатга келиб, қопга ўхшаб осилиб қолган камзу-лининг ўнг чўнтагини кавлай бошлади-да, охири Робертанинг хатини олди, уни дўстига узатди-ю,

ўзи ҳам стулини суриб яқинроқ ўтирди; прокурор эса хатни ўқий бошлади.

– Ҳа, бу анча-мунча шубҳали кўринади, – деди у. – Демак, гапингизга қараганда, ҳозирча топилмаган... Ҳа, бу аёлни ўзингиз кўрдингиз, шундайми? – деб сўради Мейсон хатни ўқиб бўлгач. – У нималарни билар экан бу ҳақда?

– Йўқ, Орвил, мен уни кўрмадим, – деди Хейт шошмасдан, ўйга ботган кўйи, – сизга сабабини ҳам айтаман. Мен кечаёқ, бу масалада бирор-бир иш бошлашдан олдин сиз билан маслаҳатлашган маъқул, деган қарорга келган эдим. Ҳозир сиёсий аҳволимиз қандайлигини ўзингиз биласиз. Агар бу иш усталик билан олиб борилсами, кузга бориб жамоатчиликнинг фикрини анча-мунча ўзгартириб қўйган бўлардик. Мен сиёсатни бунақанги жиноятга аралаштиришимиз керак, деяётганим йўқ, албатта, аммо-лекин ишни шундай олиб борайликки, у кўзга ташлансин, хўш, шундай қилсак айбми? Шунинг учун ҳам аввало сиз билан гаплашиб олишни раво кўрдим. Агар истасангиз, у ёққа ҳам бориб келаман. Лекин, менимча, яхшиси ўзингиз бориб, у йигит киму, насл-насаби қандай, шахсан билиб келганингиз маъқул. Агар шу ишни охирига етказсак, сиёсий жиҳатдан қанчалик зўр аҳамиятга эга бўлишини ўзингиз ҳам биласиз. Бу ишни қотириб қўйиш қўлингиздан келади, Орвил, мен бунни биламан.

– Раҳмат, Фред, раҳмат, – деди Мейсон тантанавор оҳангда, у дўстига кўз қирини ташлаганча хатни столга уриб-уриб қўйди. – Мен ҳақимда бунчалик яхши фикрда бўлганингиз учун сиздан миннатдорман. Ўйлайманки, сиз энг тўғри йўлни танлагансиз. Бу хатни сиздан бўлак биронта ҳам киши кўрмаганига ишончингиз комилми?

– Фақат конвертини кўрди. Уни ҳам бор-йўғи бир киши – меҳмонхона хўжайини мистер Хаббард

кўрди, холос. У менга хатни қизнинг пальтоси чўнтагидан топганини, бирор кор-ҳол юз бериб йўқолиб қолиши ёки мен боргунимча уни очиб қўйишларидан кўрқиб, ўзида сақлаганини айтди. Бахтсизликни эшитишим биланоқ орада бир гап борлигини сездим, деди у. Унинг сўзига қараганда, йигит жуда асабийлашиб, ўзини қандайдир ғалати тутибди.

– Жуда яхши, Фред. Ҳозирча бу иш тўғрисида ҳеч кимга оғиз оча кўрманг, хўпми? Мен шу ондаёқ ўша ёққа жўнайман. Лекин, эҳтимол, сиз яна бошқа нарсаларни ҳам биларсиз?

Мистер Мейсон руҳи кўтарилиб, ғайрати жўшиб кетганидан кетма-кет савол берар, ҳатто ўзининг эски қадрдони билан ҳам энди буйруқ оҳангида гаплашмоқда эди.

– Ҳа, кўп нарсаларни билиб олдим, – деб жавоб қилди терговчи донишмандларча виқор билан. – Қизнинг юзида одамни шубҳага соладиган кўкарган ва ёрилган жойлари бор, Орвил: ўнг кўзининг ости ва сўл чаккасининг остида, яна лаби ва бурнида; бечорани бир нарса билан – тошми ёки ёғочми ёки эҳтимол, эшкакларнинг бири биланми уришганга ўхшайди; улар шундоқ яқингинада, сувда қалқиб юрган экан. Кўринишидан ҳали ғирт гўдак дейсиз, шунақанги ёшки, Орвил, биласизми, бирам яхшигина қизки... Бироқ ўзига маҳкам турмаган экан-да. Сизга ҳозир ҳаммасини айтиб бераман. – Терговчи бирдан жим бўлди-ю, чўнтагидан катгакон дастрўмолини чиқарди, қаттиқ аксириб, кейин ихлос билан соқолини силаб текислади. – У ерда врач топиб ўтиришга вақтим бўлмади, бундан ташқари, душанбада ўликни ёриб, хулоса чиқаришни мўлжаллаяпман. Тайинлаб қўйганман: ака-ука Луцлар бугун мурдани шу ерга олиб келишади. Лекин ҳаммасидан ҳам Учинчи миль Кўрфазида яшовчи бир бола билан икки овчининг гапи, айниқса, одамни шубҳага солади: улар сешанба

куни кечкурун ов қилиш ва балиқ тутиш мақсадида Катта мушгирга келишаётган экан. Мен Эрлга уларнинг исмларини ёзиб олиб, кейин қоғоз жўнатиб, душанбада сўроққа чақиришни буюрганман.

Шундан сўнг Клайдга фавқулодда йўлиқиб қолган овчиларнинг баёнотини терговчи бирма-бир сўзлаб берди.

– Хўш, хўш! – деб хитоб қилиб турди прокурор ора-сира, бу воқеага астойдил қизиққанидан.

– Яна бир гап бор, Орвил, – сўзида давом этди терговчи. – Мен Эрлга телефон орқали Учинчи миль Кўрфази билан боғланиб, меҳмонхона хўжайини, почта мудирини ва маҳаллий полиция бошлиғидан маълумот олишни топширган эдим, лекин ҳозирча у йигитни фақат бир киши кўрганга ўхшаб турибди. У ҳам бўлса, Учинчи миль Кўрфази билан Шейрон ўртасида қатнайдиغان пароходчанинг капитани – капитан Муни, сиз, эҳтимол, уни танирсиз. Эрлга уни ҳам чақиришни буюрганман. Капитаннинг гапига қараганда, жума куни эрта-лаб соат саккиз яримларда, айни унинг «Оққуш»и биринчи рейс билан Шейронга қараб кетаётганда ўша йигитча ёки таърифидан ўшанга жуда ҳам ўхшайдиган бир йигит пароходга чиққану Шейронгача чипта олган. Қўлида жомадони, бошида шапкаси, аммо анави уч овчи ўрмонда учратганда эса у похол шляпада экан. Капитан уни гоят хушқомат бола деяпти. Бичими келишган, кийими башанг, кўринишидан олий табақага мансублиги шундоқ билиниб турган эмиш. Ўзини катта олиб, ҳеч кимга қўшилмай кетибди.

– Хўш, хўш, – деди Мейсон.

– Мен Шейронга телефон қоқиб, дуч келган одамлардан шундай ўткинчини кўрмадингизми, деб сўраб билишни Эрлга топширганман. Очиғини айтсам, уни ҳеч ким эслаёлмаяпти – ҳар ҳолда кеча кечкурунгача аҳвол шу эди, мен келаётга-

нимда сира маълумот йўқ эди. Лекин Эрга унинг ташқи белгиларини телеграф орқали шу атрофдаги меҳмонхоналар, чорбоғли жойлар ва темир йўл бекатларига хабарлаб қўйишни буюрганман, хотиржам бўлаверинг, агар шу ўрталарда юрган бўлса, тезда изини топишади. Қилган ишим сизга ёқса керак, деб ўйладим. Энди менга ордер берсангиз, Қуролсоз бекатидаги жомадонни олиб келардим сизга. Унда биз билишимиз зарур бўлган нарсалар ҳам бордир, ахир. Олиб келишга ўзим бораман. Кейин шу бугуноқ Ўтлоқзор кўлига, Учинчи миль Кўрфази ва улгуролсам, Шейронга ҳам боришни мўлжаллаяпман У ерда яна нималарни аниқлаш мумкин, бир кўриб келардим. Лекин, Орвил, бу ишда қотилик борлиги яққол кўриниб турибди, деб қўрқаяпман. Буни қарангки, у аввал қизни Ўтлоқзордаги меҳмонхонага, сўнгра Катта мушгирга олиб борган-да, номини ҳар хил ёздирган! Қизнинг жомадонини бекатда қолдириб, ўзиникини кўтариб кетган! – Хейт шу ерга келганда маънодор қилиб бош силкиб қўйди. – Ўзингиз тушунасиз-ку, Орвил, тузук одамлар бунақа қилмайди. Фақат бир нарсага ҳайронман: қандай қилиб унинг ота-онаси аввал унинг кимлигини билмай туриб, қизларининг у билан кетишига йўл қўйдилар экан.

– Тўғри айтасиз, – деди Мейсон хушмуомалалик билан, дўстининг фикрига қўшилиб.

У қизнинг анча-мунча ичидан пишганлиги, қилган иши унчалик одобдан эмаслигини ўйлар ва бунга жуда қизиқиб қолган эди. Аллақайлардан, жанубдан келган бадавлат шаҳарлик бир йигит билан унинг қонунсиз дон олишиб юргани! Шу воқеа муносабати билан у, Мейсон, роса донг таратиб, катта мавқега эга бўлиб олиши ҳам мумкин! У гайрати қистаб кетганини сезиб, шарт ўрнидан турди. Қани энди ўша жиноятчи олчоқни қўлга туширсами! Бу ёвуз ўлим, қаҳр-ғазаб бўронини кўтаради, сўзсиз. Қарабсизки,

бу ёғи август конференциялари, номзод кўрсатишлар! Нариеғи эса кузги сайловлар!

– Мени осиб юборишмайдами! – деб хитоб қилди у; тақводор ва вазмин киши бўлган Хейтнинг олдида бундан ҳам қаттиқроқ сўкиниб юборишдан у ўзини зўрга тийди. – Фред биз гоят жиддий бир нарсанинг изига тушганмизми, дейман. Мен бунга аниқ ишониб турибман. Бу ерда машъум воқеа – разил жиноят борга ўхшайди, назаримда. Биринчи галда, менимча, телефон орқали Бильц билан боғланиб, у ерда Олденлар оиласи борми, агар бўлса – Бильцнинг қаерида яшадини аниқлаш керак. Бильцга автомобилда тўғри борилса, бор-йўғи элик миль, ҳатто ундан ҳам кам. Тўғри, йўли ёмон жуда, – деб қўшимча қилди у. – Бечора она-я! У билан учрашишга юрагим сира бетламаяпти. Бу гоят оғир мусибат, албатта...

У Зиллани чақирди-да, Бильц яқинида Тайтус Олден деган одам яшайми, агар яшаса, уникага қандай борилади, шунини аниқлашни илтимос қилди. Кейин яна гапида давом этди:

– Лекин, даставвал бу ерга Бэртонни чақиринг (Мейсоннинг ёрдамчиси Бэртон Бэрлей шанба-якшанба қилиб шаҳардан ташқарига чиқиб кетган эди). Агар ёзма амр беришми ёки шунга ўхшаш у-бу ишингизми чиқиб қолгудек бўлса, Фред, сизга унинг фойдаси тегади, мен анави бахти қаро аёл ҳузурига борай. Эрли эса жомадонга юборсангиз, сиздан бағоят миннатдор бўлардим. Қизнинг кимлигини аниқлаш учун отасини шу ерга олиб келмоқчиман. Аммо мен қайтмагунимча, на хат тўғрисида, на Бильцга кетганим тўғрисида ҳеч кимга оғиз оча кўрманг, тушундингизми? – У ошнасанинг қўлини қисиб қўйди. – Ҳозир эса, – Мейсон гапини дабдаба билан давом эттирди, у бўлажак улуф воқеалар гирдобиди ўзи олдинги ўринни эгаллаб туришидан ҳалитданоқ лаззатлана бошлаган эди, – мен сизга мин-

натдорчилик билдиришим керак, Фред. Мен сиздан умрбод қарздорман, яхшилигингизни асло унутмайман, ишонинг. – У қадрдон дўстининг кўзларига тик боқди. – Буларнинг ҳаммаси ўйлаганимиздан ҳам зиёдроқ наф келтириб қолиши мумкин бизга. Менимча, бутун хизматим давомидаги энг катта, энг жиддий ишим ҳам шу бўладиганга ўхшайди, агар биз кузги воқеаларга қадар уни тезда муваффақиятли ҳал қила оласак, бу ҳаммамизнинг ҳам обрўимизга обрў қўшади, шундай эмасми?

– Тўғри, Орвил, жуда тўғри, – Хейт ҳам маъқулади. – Мен сизга: менимча, бунақа воқеаларга сиёсатни аралаштирмаслик керак, деб айтдим, лекин начора, ўз-ўзидан уланиб кетгандан кейин... – Хейт шундай деди-ю, ўйга ботиб, жим бўлиб қолди.

– Ҳозирча, – деб давом этди прокурор, – Эрга буюринг беш-олти хил расм олсин: қайиқни, эшкак, шляпани қаердан топишганини, чўккан қизни чиқариб олишган жойни аниқ туширсин. Иложи борича гувоҳларни кўпроқ чақиринг. Ҳамма харажатларингизни қоплашни аудитор билан келишиб қўяман. Мен эртага ёки душанба куни шу ерда бўламан, кейин ишга ўзим киришаман.

У Хейтнинг кўлини қисиб, елкасига қоқиб қўйди. Хейт эса бу эътибордан боши осмонга етган кўйи, демакки, келажакка катта умид боғлаганча бесўнақай похол шляпасини кийиб, кенг пальтосининг тугмаларини қадади-ю, содиқ хизматкори Эрлни шаҳар телефони орқали чақириб, унга топшириқ бериш ва жиноят содир бўлган жойга унинг ўзи – Хейс яна бораётганини хабарлаб қўйиш учун идорага қайтди.

IV БОБ

Орвил Мейсоннинг Олденларга бирдан раҳми келиб кетди, чунки у бир қарашдаёқ қисмат зар-

блари, камситув ва хўрликлар худди ўзи сингари бу оилага ҳам ошно эканини тушунди-қўйди. Хизмат автомобилида шанба куни соат тўртларга яқин Брижбургдан келиб, тепалик этагидаги гариб, чириб битган эски бир кулбага кўзи тушганда, молхона эшигида энги калта кўйлак ва камзул кийиб алган Тайтус Олденнинг ўзи турарди; унинг афт-ангори, жуссаси, бутун қиёфаси ўз уринишларининг фойдасизлигини яхши тушунадиган омадсиз киши эканлигини айтиб турарди. Шу сабабли Мейсон Брижбургдан жўнашидан олдин телефон қоқмаганига ҳозир ачинди: бунақа одамлар учун қизининг ўлими тўғрисидаги хабар қанчалик даҳшатли зарба бўлишини у тушунарди. Айни пайтда Тайтус ўзига қараб келаётган Мейсонни кўриб, йўл сўрамоқчидир-да, бегона киши шекилли, деб ўйлади-ю, очиқ чехра билан унга пешвоз чиқди.

– Мистер Тайтус Олден сиз бўласизми?

– Ҳа, сэр, менман.

– Мистер Олден, менинг фамилиям Мейсон, Брижбургданман, Катараки округининг прокурориман.

Тайтус: қизиқ, шунча Олис округдан келган прокурорнинг менда нима иши бор экан-а, деб ҳайрон бўлганча:

– Хўш, сэр, – деб жавоб қилди.

Мейсон эса гапни нимадан бошлашни билмай Тайтусга тикилиб қолди. Ўзи топиб келган фожиали шум хабар бунақанги ожиз, ҳимоясиз одамнинг, ҳойнаҳой, ўтакасини ҳам ёриб юбориши ҳеч гап эмас эди. Улар иккови уй олдидаги қорамтир баланд арчалардан бирининг остида туришарди. Шамол унинг игна баргларини ўйнаб, ўзининг шу оламга монанд азалий ашуласини шивир-шивир такрорламоқда эди.

– Мистер Олден, – деб гап бошлади Мейсон ўз табиатига номуносиб бўлган жиддият ва майинлик

билан. – Сизнинг Берта ёки эҳтимол, Альберта исмли қизингиз борми? Мен отини аниқ билмайман.

– Роберта, – деб тўғрилади Тайтус Олден, у ноҳуш бир нарсани олдиндан сезгандай бутун вужуди ларзага тушди.

Мейсон эса, менга зарур бўлган нарсаларни бу одам кейин тузукроқ гапириб беролмайди, деб хавфсираб, шоша-пиша:

– Ҳа, дарвоқе, бу ерда сиз Клиффорд Голден деган йигитни танитайсизми? – деб сўради.

– Эслашимча, бунақасини сира эшитмаганман, – деб суст жавоб қилди Тайтус.

– Ёки Карл Грэхемни-чи?

– Йўқ, сэр. Бунақа исмли кишини эслолмаяпман.

– Ўзим ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлаган эдим, – хитоб қилди Мейсон, бу гапни у Тайтусдан кўра кўпроқ ўзига қарата айтаётгандек туюлди, кейин жиддий ва қатъий қилиб давом этди: – Ҳа, ростдан, қизингиз ҳозир қаерда?

– Ҳозир Ликургда. У ўша ёқда ишлайди. Лекин сиз нега савол бераясиз? Наҳотки, у бирор ёмонлик қилган бўлса... ёки бирор нарса сўрадимиз сиздан?

У ёлғондака, зўраки жилмайиш қилди, аммо кулранг мовий кўзларида саросима ва хавотирли савол маъноси акс этиб турарди.

– Бир дақиқа сабр қилинг, мистер Олден, – дея давом этди Мейсон майин, лекин айна пайтда кескин оҳанг билан. – Ҳозир ҳаммасини сизга тунтириб бераман. Бироқ аввал сизга икки-уч савол беришим керак. – Кейин у Тайтусга жиддий ва ачинган бир қиёфада кўз ташлади. – Сиз қизингизни охири марта қачон кўрган эдингиз?

– Ҳа, ҳа, бу ердан у ўтган сешанба куни эрталаб кетган эди, Ликургга қайтиб бориши зарур эди. У ўша ерда Грифитсларнинг кўйлак ёқа фабрикасида ишлайди. Аммо...

– Яна бир дақиқа сабр, – деб такрорлади прокурор гапни чўрт кесиб, – ҳаммасини ҳозир айтиб бераман. Ҳойнаҳой, қизингиз уйга ҳафтанинг охирида келган бўлса керак? Шундайми?

– У изн пайтида келиб, бизникида салкам бир ойча турди, – Тайтус бир бошдан салмоқланиб гапириб бера бошлади: – Қизим ўзини бир оз ёмон ҳис қилган экан, уйда хиёл дам оламанми, деб келибди. Аммо у кетаётганда соппа-соғ эди. Умид қиламанки, мистер Мейсон, унга бирор нарса бўлди, демоқчи эмассиз, шундаймасми? – У довдираб қолган бир қиёфада офтобда қорайган узун қўллари иягига қўйди. – Нима бўлди ўзи, ҳеч ақлимга сифмаяпти... – У эсанкираб оқарган сийрак сочларини силай бошлади.

– Қизингиз кетгандан бери у ҳақда ҳеч қандай хабар олмадингизми? – деб давом этди Мейсон босиқлик билан, у Тайтусга оғир зарба туширишдан аввал иложи борича ундан кўпроқ маълумот олиб қолишга тиришмоқда эди. – У Ликургга емас, қаёққадир бошқа ёққа кетаётганини айтмаганмиди?

– Йўқ, сэр, биз ҳеч қандай хат-хабар олмадик. Лекин, айтинг, ўнинг бошига бирон кулфат тушмадими ишқилиб? ё у-бу қилиб қўйдими... Йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Лекин саволларингиз қизиқ... Гапларингиз қизиқ...

У билинар-билинемас титраб, онгсиз равишда юпқа, қонсиз лабларига қўллари теккиза бошлади. Аммо прокурор жавоб қайтариш ўрнига чўнтагидан Робертанинг онасига ёзган хатини олди-ю, чолга фақат конверт устидаги ёзувни кўрсатди-да:

– Қизингизнинг дастхати шуми? – деб сўради.

– Ҳа, сэр, шу қизимнинг дастхати, – деб жавоб берди Тайтус хиёл овозини баландлатиб. – Аммо нима гап ўзи, мистер прокурор? Бу хат қандай қилиб сизга тушиб қолди? Нима ёзилган унда? – У Мейсоннинг кўзларидан аллақандай даҳшатли

фалокат рўй берганини уқди-ю, титраб-қақшаб муштумини қисди. – Нима ўзи бу? Унда нима ёзилган?.. Қизим нима деб ёзибди бу хатида? Қизимга нима бўлди ўзи, сиз менга айтишингиз керак!

У гўё уйга югуриб бориб, одамларни ёрдамга чақирмоқчи ва юрагидаги ваҳимасини хотини билан ўртоқлашмоқчи бўлгандай ҳаяжонга тушиб, атрофига олазарак қаради... Мейсон эса шўри қуриган чол бечорани қай аҳволга солганини кўриб, унинг қўлини маҳкам, аммо дўстона бир тарзда ушлаб олди.

– Мистер Олден, – деб гап бошлади у, – ҳар биримизнинг ҳаётимизда ҳам кулфатли дамлар бўлади, шунда биз бутун иродамизни бир ерга жамлашимиз зарур. Юз берган воқеани сизга айтишга тилим бормаяпти, чунки мен ўзим ҳам ҳаётда не не кўргиликларни бошдан кечирганим учун ҳам қанчалик азоб чекишингизни биламан.

– Ярадор бўлдими! Ё ўлдими? – Тайтус кўзлари ола-кула бўлиб прокурорга қараганча қулоқни тешгудек чинқириб юборди.

Орвил Мейсон бошини лиқиллатди.

– Роберта! Болагинам! Оҳ, парвардигор! – Тайтус худди зарба еган кишидек энгашиб қолди, қулаб тушмаслик учун дарахтга суянди. – Аммо нима қилиб ўлди? Қаерда? Фабрикада машина ўраб кетдими уни? Ё марҳаматли тангрим!

У уйига, хотинининг олдига бормоқчи бўлиб, орқасига қайрилди, лекин юзи бадбуруш, бақувват қўлли прокурор уни ушлаб қолди:

– Бир дақиқа сабр қилинг, мистер Олден, бир дақиқа! Сиз дарровданоқ хотинингизнинг олдига бора кўрманг. Биламан, жуда оғир, жуда даҳшатли бу, лекин рухсатингиз билан сизга аввал тушунтириб берай. Ўлган жойи Ликург ҳам эмас, машина ҳам ўраб кетмаган қизингизни, йўқ. У чўкиб ўлган. Қўлда. У пайшанба кунни шаҳардан ташқа-

рига чиққан экан, тушуняпсизми? Эшитяпсизми, пайшанба куни. У Катта мушгир кўлида пайшанба куни қайиқда сайр этиб юриб, чўкибди. Қайиқ ағдарилиб кетибди.

Тайтуснинг аянчли аҳволи, сўз ва хатти-ҳаракатлари прокурорни шу даражада ҳаяжонга солдики, у ҳар қанча ўзини босаман деса ҳам, бари бир, воқеа қандай бўлганини (агар буни ҳатто бахтсиз ҳодисага йўйишган тақдирда ҳам) мундоқ тузукроқ тушунтириб беролмади. Мейсон оғзидан Робертага қарата айтилган «ўлим» сўзини эшитгани ҳамон Олден ларзага тушиб, ақдан озишига сал қолди. У аввалига бўкирганча бир-икки савол берган бўлди-ю, кейин аллақандай йиртқичларга хос овоз чиқариб инграй бошлади, гўё унга ҳаво етишмаётгандек эди. Худди оғриқнинг-зўридан тиришиб қолгандек қадди букилди, сўнгра кўлини кўлига уриб, кафтлари билан чакка томирларини сиқиб олди.

– Менинг Робертагинам ўлибди! Менинг қизалоққинам! Йўқ, йўқ! Роберта! Э, худо! У чўкмаган! Бу бўлмаган гап! Онаси атиги бир соат олдин уни гапирган эди. Бу хабарни эшитса, у турган жойида жон беради. Мени ҳам ўлдиради бу. Ҳа, ўлдиради. Менинг бахти қаро, жигаргўша қизалоғим! Болагинам! Мен бунга чидаб туролмайман, мистер прокурор! .

У бутун вужуди зил кетиб, ҳорғин бир қиёфада Мейсонга суяниб қолди, Мейсон ҳам кўлидан келганча уни тик тутиб туришга ҳаракат қиларди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, чол телбаларча паршон, эсанкираган нигоҳи билан уйи ва дарвозасига кўз ташлади.

– Онасига ким айтади? – деб сўради у. – Кимнинг юраги бетлайди айтишга?

– Мистер Олден, қулоқ солинг менга, – деб гап уқтирарди Мейсон, – сизни ўйлаб, хотинингизни ўйлаб бир нарсани илтимос қиламан: ўзингизни бо-

синг, бу ишнинг чигалини очишда менга ёрдам беринг, гап бамисоли бегона қиз тўғрисида бораётгандек босиқлик ва пухталиқ билан ёрдам беринг менга. Ҳали мен сизга ҳаммасини гапириб беролганим йўқ. Лекин аввал сиз ўзингизни босиб олинг. Акс ҳолда мен ҳам тузукроқ тушунтириб беролмайман. Бу даҳшат, албатта, шунинг учун чин кўнгилдан сизга ҳамдардман. Биламан, сизга ниҳоятда огир. Лекин орада ҳали шунақанги машғум, аламли гаплар ҳам борки, уларни сиз албатта билишингиз керак. Қулоқ солсангиз-чи, ахир! Қулоқ солинг!

Мейсон Тайтуснинг қўлини қуйиб юбормай, Робертанинг ўлими билан боғлиқ бўлган хилма-хил маълумот ва гумонларни иложи борича тез-тез ва ишонарли тарзда гапира кетди, кейин унга бояги хатни ўқитди-ю, охирида:

– Бу ерда жиноят бор! – деб хитоб қилди. – Мистер Олден, бу фирт жиноят! Брижбургда биз шундай фикрга тўхталяпмиз, жуда бўлмаганда шундай деб хавфсираяпмиз, шаксиз-шубҳасиз қотиллик, мистер Олден, агар шундай шафқатсиз, совуқ таъбир жоиз бўлса... – У жим бўлди, Олден эса жиноят сўзини эшитиши биланоқ ўзини йўқотиб, худди унга гапираётганларини унчалик тушунмаётгандай Мейсонга маънисиз тикилиб қолди.

– Кўнглингизга ҳозир қил ҳам сифмаслигини тушуниб турсам ҳам, – дея яна гап бошлади Мейсон, – аммо округимда қонунчиликнинг бош мутасаддиси сифатида мен шу бугуноқ ҳузурингизга келаверишга қарор қилдим, мақсадим қизингизни йўлдан уриб бу кимсасиз кўлга олиб кетган Клифорд Голденми ёки Карл Грэхемми ёхуд яна бошқа бир кимсами, ўшандан сизнинг хабарингиз борми-йўқлигини аниқлаш, холос. Тушунаман, мистер Олден, бошингизга ҳозир ғоят огир кулфат тушган. Аммо шунга қарамай, бу калаванинг учини топишда жон-дилингиз билан менга ёрдам бе-

риш сизнинг бурчингиздир, деб таъкидлаб ўтмоқчиман, аслида бу бирдан-бир хоҳишингиз ҳам бўлиши даркор. Мана бу хатга қараганда, хотинингиз ўша йигит тўғрисида у-бу нарсаларни – ақалли унинг исмини биладиганга ўхшайди.

У маънодор бир тарзда хатни чертиб қўйди.

Қизи, ҳойнаҳой, кимнингдир ёвуз зўравонлигининг қурбони бўлганини Олден англаши биланоқ кўнглидаги аччиқ жудолик туйғуси устига аллақандай ҳайвоний забткорлик билан онадан овчи туғилган кишиларнинг синчковлигию газаби ва қизиққонлиги қўшилди-кетди ва натижада Тайтус ўзини қўлга олиб, энди прокурорнинг гапларини қовоғи уюлганча индамай эшита бошлади. Демак, қизи ўз ажали билан фарқ бўлмапти-да, уни ўлдиришган экан-да хатдан маълум бўлишича, ўша ўзи турмушга чиқаман деган йигит ўлдирибди-да Робертани! Наҳотки, у, Тайтус, ота бўла туриб, қизининг дилида бегона одам яшаганидан беҳабар қолган бўлса! Қизиқ, хотини биларкану, у эса ғафлатда ётаверган экан. Демак, Робертанинг ўзи отам билмасин, депти-да.

Олденга сингиб кетган диний эътиқод ва расм-русмлар, унинг шаҳарга ва шаҳардаги бошдан-охир шошқалоқ, очкўз ҳаётга нисбатан шубҳали кўз билан қараш сингари қишлоқиларга хос одати ўша заҳотиёқ миясида бир фикр пайдо қилди: ҳарқалай, Робертага Ликургда бузуқ, ёлғончи бир бадавлат шаҳарлик йигит йўлиқиб қолгану уйланаман, деб роса бошини айлантирган, кейин турган гап – лафзидан қайтган. Қизига қарши бунчалик разил жиноят қилган одамга нисбатан Олденнинг юрагида бир лаҳзадаёқ шафқатсиз, ҳадсиз интиқом истаги аланга олди. Олчоқ! Зўравон! Қотил!

У ҳам, хотини ҳам Роберта Ликургда ўзи танлаган машаққатли, ҳалол йўлдан покизалик ва бахтиёрлик билан, тинчгина кетяпти, ўзини боқиш

ва қартайиб қолган ота-онасининг жонига бир оз бўлса ҳам оро кириш мақсадида ишлаяпти, деб ўйлашар эди. Ваҳоланки, пайшанбадан то жума куни эрталабгача Робертанинг жасади қўл тубида ётган. Улар эса тентираб, гаплашиб, юмшоқ кўрпа-тўшакларда ухлаб, жигаргўшаларининг бу даҳшатли қисматидан беҳабар қолишган. Мана, энди у қандайдир бегона бир уйда, эҳтимол, ўликхонадами ётган бўлса керак, туғишганлари, меҳрибонлари эса тепасида ҳам туришолмади, дунёни сув босса тўпигига чиқмайдиган, қаҳри қаттиқ хизматчилар эртага уни Брижбургга олиб кетишади.

– Яратган эгамнинг борлиги рост бўлса, – деб хитоб қилди Олден ҳаяжонини босолмай, – бундай ярамаснинг албатта жазосини беради! Ҳа, жазосини беради!. «Мен ҳали тақводорнинг болалари қаровсиз, – дея бирдан ёдаки дуо ўқий бошлади у, – наслари ушоқ нонга зор бўлиб юрганларини ҳам кўраман». – У тўсатдан ғайрати жўшиб кетиб, қўшимча қилди: – Мен энди ҳаммасини хотинимга айтишим керак. Ҳа, ҳа, ҳозироқ бориб айтишим керак! Йўқ, сиз шу ерда тура тулинг. Аввалига унга ҳаммасини ўзим айтишим керак. Ҳозироқ қайтиб келаман. Ҳозироқ. Мени шу ерда кутиб тулинг. Биламан, бу шум хабар хотинимни ўлдириб қўйиши ҳам мумкин. Лекин шунда ҳам бари бир у ҳаммасини билиши зарур. Балки ўша ярамаснинг кимлигини айтиб берар, ўшанда олисга қочиб улгурмасидан уни қўлга туширамыз... Ҳа, шўринг қурғур қизгинам-а! Бечора Робертагинам-а! Менинг меҳрибон, раҳмдил, ҳалол-покиза қизгинам-а!

Шундай қилиб, у кўриниши телбанамо, эзилган бир қиёфага кириб, маънисиз алжираганча орқасига қайрилди-да, худди автоматга ўхшаб бесўнақай, қўпол одим ташлаган кўйи номи ошхона-ю, ўзи эса эски иморатларга тиркаштириб қурилган каталакка қараб юрди: у ерда хотини

эртанги – якшанба кунги нонушта учун алоҳида таомлар тайёрлаётганини билар эди. Аммо остонага борганда ичкарига киришга юраги дов бермай тўхтаб қолди. У ақл бовар қилмайдиган, сўнгги ва шафқатсиз ҳаёт кучлари олдида фожиали тарзда тиз чўккан инсоннинг жонли бир тимсоли эди.

Миссис Олден орқасига ўгирилиб, эрининг мутлақо ўзгариб кетган афт-ангорига кўзи тушгач, ҳолсизланганидан қўлларини осилтирганча қолди; Тайтуснинг ҳолатидан нимадир бир ёмон иш рўй бергани яққол сезилиб турарди, шу сабабли миссис Олден юзидаги ҳорғин, осойишта, соддадил ювошлик бир зумда ғойиб бўлди.

– Тайтус, худо хайрингни берсин! Нима бўлди ўзи?

Тайтуснинг қўллари осмонга кўтарилган, лаблари ярим очиқ, ваҳимага тушган кўзлари эса беихтиёр ғалати бир тарзда торайиб, яна кенгайиб кетмоқда эди, у охири фақат бир сўз:

– Роберта! – дея олди, холос.

– Нима бўпти унга? Нима бўпти, Тайтус? Нима бўпти?

Тайтус миқ этмасди. Яна асабдан лаблари, кўзлари, қўллари уча бошлади...

– Ўлибди! У... у чўкиб ўлибди! – Олден шундай деди-ю, мутлақо ҳолдан тойиб, шундоқ ёнида, эшик олдида турган курсига ўтириб қолди.

Миссис Олден нима бўлганига тушунмай бир дақиқа унга қараб турди, кейин тушунди-ю, ломим демай, ерга гурсиллаб йиқилди. Тайтус эса унга қараб туриб, бошини чайқар, гўё шу билан: «Ана, ана, айтмадимми. Шундай бўлиши аниқ эди. Қайтага қутулди, бунақанги жафолардан», деяётганга ўхшар эди. У шошмай ўрнидан турди-да, хотинига яқин бориб, ерга чўккалаб уни кўтаришга уринди. Кейин яна шу тахлит қаддини ростлади-ю, ошхонадан чиқиб, уйни айланиб ўтди ва Орвил Мейсон ўтирган ярим хароба зинапоя томонга

қараб юрди, Мейсон эса ботаётган қуёшга тикилганча бу бечора, омадсиз фермер ҳозир хотинини қанчалик азобга солиб қўйганикин, деб ўйламоқда эди. Гарчи Роберта фожиаси ўзига фойда келтирса ҳам у бир дақиқа: қани энди ҳаммаси тушга айланиб, бу воқеа мутлақо юз бермагандами, қандай саз бўлар эди, деб ўйлади.

Лекин фермернинг қоқ суяк жуссасига кўзи тушиши биланоқ ирғиб ўрнидан турди, уни ортда қолдириб, ошхона томонга шошилди. Қизи сингари жимитгина ва нозиккина миссис Олденнинг ерда унсиз, ҳушсиз ётганини кўрди-ю, бақувват қўллари билан уни даст кўтарди ва ошхонадан катта хонага олиб ўтдида, у ерда лиқиллаб турган юмшоқ узун курсига ётқизиб қўйди. Кейин томирини ушлаб кўриб, югура солиб сувга кетди. Айни пайтда у шу яқин ўртада ўғлими, қизими, қўшни-пўшнисими, кимдир биров бормикин, деган мақсадда чор атрофга аланглади, ҳеч ким кўринмагандан кейин шоша-пиша миссис Олденнинг тепасига қайтиб юзи ва қўлларига сув сепди. Хотинининг ёнида тиз чўкиб қолган Тайтусга қараб:

– Бу яқин атрофда доктор борми? – деб мурожаат қилди.

– Бильда бор... Крейн доктор.

– Уйингизда ёки қўшнингизникида телефон йўқми?

– Мистер Уилкоксникида бор. – Тайтус қўлини силтаб, Уилкокснинг уйи томонга ишора қилди, яқингинада Роберта шу телефондан фойдаланган эди.

– Сиз қараб туринг. Мен ҳозир келаман.

Крейн ёки учраган бошқа врачни чақириш мақсадида Мейсон телефонга қараб чопди ва дарҳол миссис Уилкокс ва унинг қизи билан бошлашиб қайтиб келди. Кейин қўни-қўшнилари йиғилгунча ва ниҳоят доктор Крейн етиб келгунча кутавериб кўзи тўрт бўлди; Мейсон доктор Крейн билан маслаҳатлашиб, мени бу ерга олиб келган муҳим,

махфий бир иш хусусида миссис Олден билан шу бугуннинг ўзидаёқ гаплашсам бўладими, деб сўради. Мистер Мейсоннинг сипо, расмий муомаласи доктор Крейнга кучли таъсир қилди ва бу миссис Олденга яхши бўлар балки, деган хулосага келди.

Дори-дармон кучи билан, шунингдек, атрофдагилар чин юракдан насиҳат қилавериб, таъзия билдиравериб, охири миссис Олденни ўзига келтиришди, унга ҳамон далда беришар, кўнглини кўтаришар, миссис Олден ҳам энди нима гап бўлганини бафуржа тинглаб, Роберта хатида эслатиб ўтилган сирли кимса ҳақида Мейсон берган саволларга жавоб қайтара оладиган бир ҳолатга келган эди. У, Роберта ўзига фақат биргина киши алоҳида эътибор билан қарашини, ҳа, яна у ҳақда атиги бир мартагина ўтган рождество куни гапирганини эслади. У йигит ликурглик бадавлат фабрикант Сэмюэл Грифитснинг жияни, Роберта ишлайдиган бўлимнинг мудири Клайд Грифитс эди.

Лекин бу – шундай обрў-эътиборли одамнинг жияни Робертани ўлдиришда айбланади, деган сўз эмас эди, албатта, буни Мейсон ҳам, Олден ҳам дарров тушунишди. Бойлик! Мавқе! Бундай айбни қўйишдан олдин Мейсоннинг арқонни узун ташлаб, обдан ўйлаб олишга интилаётганида ҳам жон бор эди. Унинг фикрича, Клайд Грифитс билан чўкиб ўлган қизнинг ижтимоий мавқеи ўртасида осмону ерча фарқ мавжуд эди. Аммо ҳар ҳолда боягидай бўлиши ҳам мумкин. Хўш, нима учун бўлмасин? Қайтага бошқаларга қараганда айнан шунақа юксак мартабали йигитча шунчаки, йўл-йўлакай Роберта сингари қиз билан яширинча кўнгилахушликка бош урмайдими, ахир Хейт ҳам: қиз гоят гўзал экан, деб айтган эди-ку. Роберта Клайднинг амакисининг фабрикасида ишлаган ва ўзи камбағал бўлган. Бунинг устига, Фред Хейт маълум қилганидек, Роберта, бу ким

бўлишига қарамай, ўз ўлими олдидан никоҳдан ўтгунга қадар у билан эр-хотиндек бирга туришга ботинган. Ахлоқи бузуқ бойвачча йигитчалар қашшоқ қизларга нисбатан доимо шундай муносабатда бўлишмайдими, ахир? Мейсон ёшлигида не-не зарбаларни, хор-зорликларни бошидан кечириб, бунақа бойваччаларни жуда кўп кўргани учун ҳам бу фикри ўзига жуда ишонарли кўринди. Инсофсиз бойлар! Бағритош бойлар! Робертанинг ота-онаси эса ўз қизларини сутдан ҳам оқ, сувдан ҳам тиниқлигига қатъий ишониб юришган, албатта.

Кейинги савол-жавоблардан маълум бўлишича, миссис Олден у йигитни умрида ҳеч кўрмаган, лекин бошқа бирортасининг ҳам номини асло эшитмаган экан. У билан эри фақат яна шуни кўшимча қилишдики, Роберта уйга охирги гал бир ойга келган пайтида ўзини анча ёмон ҳис этган, ҳадеса ётавериб, бўшашиб, ўлганининг кунидан ғимирлаб юрган экан. Яна у тез-тез хат ёзиб, почтачига топширар ёки чорраҳадаги қутига ўзи бориб ташлаб келар экан. Бу хатларнинг кимга юборилаётганини на мистер ва на миссис Олден билишар экан, лекин Мейсон шу ондаёқ буни, ҳойнаҳой, почтачи билса керак, деб хаёлидан ўтказди. Хўш, тагин нимани гапириш мумкин, Роберта бир ой ичида ўзига анчагина, ҳа, ростдан тўртга шекилли, кўйлак тиктирибди. Кейинги кунларда уни алақандай мистер Бейкер деган кимса бир неча марта телефонга чақирибди, Тайтус буни мистер Уилкоксдан эшитган экан. Жўнаётганида фақат ўзи билан олиб келган нарсаларинигина: ихчам бир сандиқча-ю жомадонини кўтариб кетибди, холос. Сандиқчасини ўзи бекатда юкхонага топширибди, лекин уни Ликуртта жўнатганми ёки бошқа бирон ёққа, бундан Тайтуснинг хабари йўқ экан.

Мейсон, Бейкер тўғрисидаги ўз назарида анчагина муҳим бўлган янги маълумотни ўйлаб кўр-

ди-ю, шу пайт бирдан: «Клифорд Голден – Карл Грэхем – Клайд Грифитс!» – деган сўзлар лоп этиб миясига келди. Исм-фамилияларнинг бир хил ҳарф билан бошланиши ва бир-бирига уйқаш эшитилишидан у ҳайратга тушди. Агар, борди-ю ўша Клайд Грифитс жиноятга мутлақо алоқасиз бўлган тақдирда ҳам номларнинг бунчалик ўхшашлиги эшитган одамни ҳайрон қолдириши аниқ эди! Мейсон почтачини топиб, уни сўроқ қилишга ошиқа бошлади.

Тайтус Олден фақат Робертанинг жасадини танийдиган ва Қуролсоз бекатида қолдириб кетилган жомадондаги нарсалар унга тегишлими ёки йўқлигини аниқлаб берадиган гувоҳ сифатидагина эмас, балки почтачини очиқ гапиришга мажбур эта оладиган одам сифатида ҳам Мейсонга ниҳоятда зарур эди, шу сабабли у чолдан кийиниб, ўзи билан бирга юришни илтимос қилди ва эртагаёқ уйингизга жавоб бериб юбораман, деб ишонтирди.

У, бу гаплардан ҳеч кимга оғиз оча кўрманг, деб миссис Олденни огоҳлантирди-ю, почтачини сўроқ қилиш мақсадида ўша ёққа жўнади.

Почтачини топишиб, Олденнинг олдида сўроқ қилишди. Олден бу пайтда прокурорнинг ёнида худди мурдадек қотиб турарди.

Почтачи Роберта кейинги келган пайтида унга анча-мунча – ўн иккитами ёки ҳаммаси бўлиб ўн бешта шекилли, хат берганини эслади, ҳатто уларнинг ҳаммаси бир жойга, Ликуртта, алакимга ҳам эди-я... ҳаҳ, тилининг учида турибди... Ҳа, эсига тушди – Клайд Грифитсга, йўқлаб олинадиган хат тариқасида жўнатилган эди. Мейсон ўша заҳотиёқ почтачини маҳаллий нотариусга олиб борди, у почтачининг гапларини бутун қонун-қоидага биноан ҳужжатлаштириб берди. Кейин прокурор ўз маҳкамасига қўнғироқ қилиб, Робертанинг жасадини Брижбургга олиб келишганини билди-ю, ўша ёққа қараб машинасини охирги кучи қолгунча

вангиллатиб ҳайдаб кетди. Кечқурун соат ўнга бориб, «Ака-ука Луцларнинг дафн бюроси» қабулхонасида жасад тепасида Бэртон Бэрлей, Хейт, Эра Ньюкомлар йиғилишди; Тайтус қизининг юзига қаради-ю, бирдан ҳушидан айрилай деди. Шу аснода Мейсон, биринчидан, унинг Роберта Олденлигига ишонч ҳосил қилган бўлса, иккинчидан, ўзича бошқа бир муаммони ҳам ҳал этиб олди: Ўтлоқзор кўли меҳмонхонасидаги ёзувга ишониб, Робертани салга ўзини унутиб, ёмон йўлга юриб кетадиган енгилтабиат қизлардан деса бўладими? Йўқ, деган қарорга келди у. Роберта ундай қизлардан эмас. Орага айёрлик, ёвуз ният – ахлоқсизлик ва қотиллик аралашгани яққол кўриниб турарди! Уҳ, аблаҳ! Яна у шу пайтгача озодликда юрибди-я! Бу ишнинг сиёсий аҳамияти Мейсоннинг назарида гўё ўз қимматини йўқотиб, унинг ўрнини эса барча бадавлат кишиларга нисбатан чексиз ғазаб ва нафрат эгаллагандай бўлди.

Аммо марҳума ҳузуридаги бу дақиқалар, қизи рўпарасида тиз чўкканча унинг музлаб ётган жажжи қўлчаларини суюб-суюб лабига босаётган, узун қўнғир сочлари орасидан кўриниб турган сап-сариқ юзига тўхтовсиз жонсарақ бир ҳолда, ғазабнок бўлиб тикилиб қолган Тайтус Олденнинг аҳволи – шуларнинг ҳаммаси жамоатчиликни бу ишга расмий ва бефарқлик билан қарамасликка мажбур этиши аниқ эди. Бутун йиғилган одамларнинг кўзлари жиқ-жиқ ёш эди.

Бунинг устига Тайтус Олден ҳам ярага баттар туз сепиб юборди. Ака-ука Луцлар ва уларнинг уч нафар таниши – шундоқ ёнбошдаги автомобиль устахонасининг эгалари ҳамда «Республикачи» газетасининг вакили Эверет Бикер ва «Демократ» газетасининг муҳаррири Сэм Тэксонлар остонада турганларича, алақандай сипогарчилик ва даҳшат билан бир-бирларининг бошлари оша ич-

карига мўралашаётган бир пайтда Тайтус Олден бирдан ўрнидан сапчиб турди-ю, шиддат билан Мейсонга отилиб қичқира бошлади:

– Бу ишда айбдор бўлган ўша аблаҳни топиб беринг, мистер прокурор! Менинг меҳрибон, бокира қизгинамни қандай қийнаган бўлса, уни ҳам шундай қийнашсин. Қизимни ўлдиришгани аниқ, гап шу! Фақат қонхўр махлуққина қиз болани кўлга олиб бориб, мана шундай уриши мумкин, у қизимни урган, буни ҳаммаям кўриб турибди! – Тайтус ўлик қизининг юзига ишора қилди. – У аблаҳ билан судлашиб юришга менинг пулим йўқ, лекин мен ишлайман... Фермамни сотаман...

Унинг овози чиқмай қолди. У Робертага яна ўгирилиб қараганида сал бўлмаса гангиб йиқилиб кетаёзди. Шунда бебахт отани забт этган ғусса ва интиқом тўлғоғи Орвил Мейсонга ҳам кўчди-ю, у олдинга чиқиб хитоб қилди:

– Юринг, бу ердан кетайлик, мистер Олден. Биз энди бу жасад сизнинг қизингиз эканини биламиз. Ҳой, яхшилар, жасаднинг эгаси топилди, ҳаммангизни гувоҳликка даъват этаман. Мистер Олден, агар бечора қизингизни кимдир ўлдирганлиги ҳақидаги гумонимиз тасдиқланса, прокурор сифатида мен сизга тантанали суратда ваъда бераманки: у аблаҳни қидириб топиб, маъмурлар қўлига топширмагунимча вақтимни ҳам, пулимни ҳам, кучимни ҳам аямайман. Агар Катараки округидаги одил суд юксак даражада турса – бунга менинг ишончим комил – сиз маҳаллий судимиз танлаган маслаҳатчиларга бемалол ишонсангиз бўлаверади. Кейин сиз фермангизни ҳам сотмайсиз!

Мейсон гарчи тўсатдан бўлса-да, чин юракдан ҳаяжонлангани, ларзага тушган тингловчиларни кўриб тургани учун нотиклик истеъдоди бирам очилиб кетдики, асти қўяверасиз.

Шу пайт ака-ука Луцларнинг бири – дафн этиш бюросининг бехос ва ғайритабийй ўлимлар билан боғлиқ барча юмушларини бажарувчи хизматчиси Эд тўлқинланиб кетганидан:

– Тўғри айтасиз, Орвил! Бизга айни шунақа прокурор керак! – деб юборди.

Эверет Бикер бўлса:

– Ишингизга ривож тилаймиз, мистер Мейсон! – деб қичқирди. – Ўрни келганда биз ҳаммамиз сизни бир тану бир жон бўлиб қувватлаб чиқамиз.

Фред Хейт билан унинг ёрдамчиси, Мейсоннинг бу қизғин нутқи ва ўзига ярашиб турган мардона қоматидан завқланиб кетишди-ю, унга яқинроқ боришди. Хейт дўстининг қўлини олиб сиқди. Эра бўлса тўлқинланиб гап бошлади:

– Муваффақият тилайман, мистер Мейсон! Биз қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз, кўнглингиз хотиржам бўлсин. Ҳа, ростдан, марҳума Қуролсоз бекатида қолдириб кетган жомадонни унутманг. У маҳкамангизда турибди. Мен икки соат бурун уни Бертонга берган эдим.

– Ҳа, тўғри. Сал бўлмаса унутаёзган эканман, – деди Мейсон хотиржамлик ва ишбилармонлик билан. Бир неча дақиқа илгариги сўзамоллиги ва кўнгличанлигидан энди асар ҳам қолмаган эди. Энди Мейсон ёқимли мақтовлар оғушида маст эди: у ўз хизмат фаолияти йилларида ҳали ҳеч қачон бунақанги ҳаловатни бошидан кечирмаган эди.

V БОБ

Мистер Мейсон Олден ва мансабдор кишилар ҳамроҳлигида ўз маҳкамасига қараб борар экан, бундай қабиҳ жиноят қандай қилиб юз берганикин, деб ўзига-ўзи савол берарди. У ёшлигида хотин-қизлар илтифотидан бегона бўлиб, кўп азоб чеккан, шунинг учун унда мана шунақанги хаёл-

парастиликка мойиллик кучли эди. У бир томондан Робертанинг гўзаллиги ва жозибадорлиги, иккинчи томондан эса унинг қашшоқлиги-ю, жиддий ахлоқий ва диний тарбияси ҳақида бош қотириб, охири шундай хулосага келдики, барча далилларга қараганда, ўша йигит ёки бирор-бир тирранча бола уни йўлдан оздиргану кейин жонига теккандан сўнг, ўшандай ҳийла ўйлаб топган, ундан қутулиш учун хиёнаткорона тарзда кўлга ёлғондакам «тўй сафари»га олиб чиққан. У ўз қалбида ўша кимсага нисбатан беқиёс нафрат ўти пайдо бўлганини ҳис этди. Разил бойлар! Текинхўр бойлар! Ахлоқсиз, ёвуз бекорчилар! Клайд Грифитс ҳам худди ўшаларнинг насл-насабидан тарқаган бир итвачча! Қани энди уни тезроқ қўлга туширса эди!

Айни пайтда у тўсатдан: алоҳида шарт-шароитлар тақозосига кўра (қизнинг ўша одам билан эр-хотиндек яшагани аниқ эди), Роберта, ҳойнаҳой, иккиқат бўлса ҳам керак, деб ўйлади. Шу фаразнинг ўзиёқ оқибати ёмон тутаган бу ишқ савдосига уни астойдил қизиқтирибгина қолмай, балки ўз гумонини синаяб кўришдек бетоқат бир истак ҳам уйғотди. Шу сабабли Мейсон мурдани очиш учун агар Брижбургдан бўлмаса, у ҳолда Утикаданми ёки Олбэниданми тузукроқ бир врач топиш зарурлиги, шунингдек, бу гумондан Хейтни ҳам хабардор қилиб қўйиш, ниҳоят, Робертанинг юзида кўкиш из қолдирган зарбларнинг ўзига хос томонларини аниқлаш лозимлиги хусусида бош қотира бошлади.

Аммо Мейсон биринчи галда жомадон ва унинг ичидаги нарсаларни кўриб чиқиши лозим эди, буни қарангки, омади келиб, ундан ғоят муҳим яна бир далилни топиб олди. Унда Робертанинг кўйлаклари ва шляпаси, ички кийимлари, бир жуфт резинкали қизил шойи тасмасидан ташқари (улар ликурглик Браунштейнлардан қандай сотиб олинган бўлса, ўшандай тахи бузилмаганча турар-

ди) рождество байрамида Клайд унга совға қилган пардоз қутича ҳам бор экан. Қутича гилофининг бир четига, кулранг шойи бурма астари тагига кичкинагина оддий қоғозча яшириб қўйилган бўлиб, унга: «Бертага Клайддан. Рождество байрами билан қутлайман!» деган сўзлар ёзилган эди. Лекин фамилияси йўқ эди. Бу сўзлар шоша-пиша, ажи-бужи ёзилганлиги билиниб турар, чунки буни ёзган пайтда Клайд Роберта қошига эмас, мутлақо бошқа ёққа шошилаётган эди.

Мейсонни бу нарсга ҳайратга солди: наҳотки қотил пардоз қутича билан бояги қоғозчанинг жомадондалигини билмаган?.. Агар била туриб, қоғозчага тегмаган бўлса-чи, унда ўша Клайд қотил бўлиши мумкинми? Ахир, бировнинг жонига қасд қилган одам ўз қўли билан ёзилган хатни наҳотки мана шундай ташлаб кетаверса? Тавба, шунақаям ёвуз ниятли, ғалати қотил бўладими? Шунда прокурорнинг хаёлига шундай фикр келди: «Қоғозчанинг борлигини, яхшиси, судгача билдирмай тургани маъқул эмасмикин, борди-ю, жиноятчи бу қиз билан мутлақо алоқам йўқ ёки унга пардоз қутича совға қилмаганман, деб туриб олса, ўшанда кутилмаганда шарт ўртага қўйгани дуруст эмасми?» У қоғозчани олди-ю, чўнтагига урди, аммо аввалига Эрл Ньюком уни обдан кўриб чиқди-да:

– Менинг унчалик ишончим комил эмасу, мистер Мейсон, аммо назаримда бу, Катта мушгир меҳмонхонасидаги дастхатга жудаям ўхшаш, – деди.

Мейсон:

– Ҳа, буни биз тез аниқлаймиз, – деб жавоб берди.

У Хейтни имо билан қўшни хонага чақирди, бу ер кўздан холи бўлгани учун бемалол гаплашиш мумкин эди. Мейсон шундай деди:

– Ҳа, Фред, ҳаммаси худди сиз ўйлагандек бўлиб чиқяпти. Онаси қизининг кетганини билар экан (у Бильцдан туриб телефон орқали Хейтга айтган

гапи гумон қилинган жиноятчи хусусида миссис Олдендан маълумот олдим, деган сўзини назарда тутаётган эди). Аммо, агар унинг кимлигини айтмасам, сиз минг йил ўйласангиз ҳам тополмайсиз.

Кейин у Хейтга тикилиб қараб қолди.

– Гапингиз мутлақо тўғри, Орвил. Ўйлаб ўйимга етолмаяпман.

– Сиз Ликургдаги «Грифитс ва компания» фирмасини биласизми?

– Ия, ҳа, анави ёқа тикадиган фирмами?

– Ҳа, худди ўша.

– Ҳарқалай, ўғли эмасдир?

Фред Хейтнинг кўзлари олайиб пахтаси чиқиб кетаёзди, у анча вақтлардан бери ҳали ҳеч кимга бу қадар бақрайиб қарамаган эди. Қорайган катта қўллари эса узун соқолини тутамлаганча қолди.

– Йўқ, ўғли эмас. Жияни.

– Сэмюэл Грифитснинг жияни?! Бўлмаган гап!

Тақводор, ахлоққа қаттиқ риоя қилиб, сиёсат ва савдогарчилик билан қизиқадиган кекса терговчи соқолини юлқиганча эсанкираб Мейсонга қаради.

– Ҳозирча ҳамма калаванинг учи ўшанга бориб тақаляпти, Фред. Ҳар ҳолда мен бутун кечқурун Ликургга жўнайман, ўйлайманки, эртага бундан ҳам кўпроқ нарсаларни билиб олсам керак. Лекин қаранг-да, анави фермер Олден ниҳоятда қашшоқ бир бечора экан, қизи эса Ликургдаги Грифитслар фабрикасида ишлар экан; анави жияни, Клайд Грифитс эса, ҳойнаҳой, қиз ишлаган бўлимни бошқарса керак.

– Хўш, хўш, хўш, – деди терговчи.

– Саёҳатгача, яъни сешанбага довур қиз бир ой давомида уйда ўтирибди, бетоб экан (у бу сўзга урғу берди). Шу вақт ичида у йигитга кам деганда ўн марта, афтидан ундан ҳам кўпроқ хат ёзибди. Бунини ўша ерлик почтачидан билиб олдим. У бутун қонун-қоидага биноан қасам ичиб гувоҳликка

ўтди, мана унинг гувоҳлиги! – Мейсон камзулининг чўнтагини уриб қўйди. – Хатларнинг бари Ликургга, Клайд Грифитсга йўлланган. Мен ҳатто унинг уй номерини ҳам биламан. Қиз яшаган оиланинг фамилияси ҳам аниқ. Мен Бильцдан туриб ўша хонадонга қўнғироқ қилдим. Бугун Ликургга ўзим билан бирга чолни ҳам олиб кетмоқчиман: эҳтимол, у биладиган яна бошқа нарсалар ҳам чиқиб қолиши мумкин орадан.

– Хўш, хўш, Орвил. Тушуняпман... тушуняпман... Лекин ҳазилакам гапми: Грифитс-а!.. – Хейт томоғини қириб қўйди.

– Энг муҳими, мен сиз билан медицина экспертизаси хусусида гаплашиб олмоғим даркор, – деб давом этди Мейсон шоша-пиша, гапни кесиб-кесиб. – Биласизми, у қизга уйлангиси келмагани учун ўлдиришга аҳд қилган, деёлмайман. Менимча, бу ишонарсиз гап.

Шундан сўнг Мейсон Роберта иккиқат бўлган деган хулосага олиб келган асосий мулоҳазасини Хейтга маълум қилди.

Хейт ўша заҳотиёқ унинг фикрларига қўшилди.

– У эмас-бу эмас, мурдани очиб, – деди Мейсон, – яралари ва майиб жойларининг хусусиятлари тўғрисида медицина хулосасини чиқариш керак. Қизни аввал ўлдириб, кейин қайиқдан отиб юборганми ёки уни бир нарса билан уриб, ҳушсиз ҳолда ташлаб кетганми, ё қайиқ ағдарилганми – Фред, биз мана шуларнинг барини жасадни бу ердан олиб кетгунларига қадар худди беш қўлдай аниқ билишимиз лозим. Иш учун бунинг аҳамияти катталигини ўзингиз яхши тушунасиз-ку. Агар биз шуларнинг ҳаммасини аниқ билмасак, ишимиз асло ўнгидан келмайди. Аммо бу ердаги врачлар билан қандай бўларкин-а? Шу ишларнинг барини, сизнингча, уларнинг қайсиниси бир мундоқ тузук-

роқ, судда ҳеч ким хулосага қарши оғиз очолмайдиган қилиб эплай оларкин?

Мейсон миясида айбнома режаларини тузаётгани учун, ҳаяжонга туша бошлади.

– Билмайман, Орвил, – деб жавоб қилди Хейт салмоқданиб, – аниқ айтолмайман. Буни мендан кўра ўзингиз яхши биласиз. Мен доктор Митчеллдан эртага кириб, қизни бир кўришни илтимос қилдим. Бетсни ҳам чақирса бўлади. Агар сиз яна бирор-бир бошқасини десангиз... Бевоними ёки Линкольнними... Бево ҳақида фикрингиз қандай?

– Яхшиси, Утикадан Уэбстерни ё Бимисни ёки икковини бирдан чақирган маъқул, – деди Мейсон. – Бунақа ишда тўрт-беш эксперт ҳам ортиқчалик қилмайди.

Хейт ўз гарданига юклатилган жавобгарликнинг нақадар оғирлигини сезгани ҳолда:

– Менимча, сиз ҳақсиз, Орвил, – деди қўшимча қилиб. – Ҳойнаҳой бир-икки ақдан кўра тўрт-бештаси яхшидир. Лекин бу деган сўз: яна бир ёки икки кунга, барча врачларни йиғмагунимизча гувоҳлик ишларини қолдириб турамиз, дегани бўлади.

– Тўғри, тўғри, – деб тасдиқлади Мейсон. – Бу қайтага яхши. Мен шу аснода Ликуртта бориб келаман, эҳтимол, бошқа янгиликларни ҳам билиб қайтарман. Ахир, кўп нарсани олдиндан айтиш қийин-ку. Балки у ерда уни қўлга тушириб қолишим ҳам мумкин. Яхши ният ярим мол, дейдилар. Ёки жуда йўқ деганда, бутун ишга, майли, қиттайгина бўлса-да, ойдинлик киритадиган бирор-бир янгилик топиб келишим мумкин... Фред, бу ғоят катта ишга айланишини шундоқ сезиб турибман. Менинг фаолиятимда, қолаверса, сизникида ҳам бу ниҳоятда оғир иш бўлиши турган гап, шунинг учун ҳар бир қадамимизни ўлчаб босишимиз керак. Бундай масалада қанча эҳтиёт бўлсанг, шунча яхши. У, чамаси, бадавлат одамга ўхшайди,

демак, у курашади. Бундан ташқари, унга қариндош-уруғлари суянчиқ бўлишади.

Асабийлашганидан унинг қалин сочлари худди тиккайиб кетгандек кўринди.

– Ҳечқиси йўқ, менимча, эпласак керак, – деб давом этди у. – Биринчи навбатда Утикадан Бимис билан Уэбстерни чақириш зарур, балки бугун унга телеграмма юборасизми-а ёки телефонда гаплаша қолинг. Олбэнидан Спралани ҳам чақириш лозим. Ичимиздан ёв чиқмаслиги учун ўзимизнинг Линкольн ва Бетсни ҳам унутмаслигимиз керак. Ҳа, ростдан, Бевони ҳам. – Шу ерга келганда у хиёл кулимсираб қўйди. – Мана шунақа гаплар, Фред, мен бўлсам ҳозирча йўлга ҳозирлик кўрай. Шундай қилинларки, улар бу ерга эртага эмас, душанба ёки сешанбада келадиган бўлишсин. Ўша пайтгача, эҳтимол, мен ҳам қайтиб улгурарман, унда ҳаммасида ўзим қатнашаман. Агар иложи бўлса, яхшиси, душанбада йиғила қолишсин... қанча тез бўлса, шунча яхши! Кўрамиз, нима гап чиқаркин ўшанда.

У шкафдан яна бир даста бланка олди-да, кейин қабулхонага чиқиб, Олденга: иккаламиз бирга Ликургга борадиган бўлдик, деб огоҳлантирди, сўнгра Барлейдан миссис Мейсонни телефонга чақириб, унга шошилиш иш билан олис бир жойга кетаётгани ва душанба кунидан олдин келолмаслигини айтиб қўйишни топширди.

Орвил Мейсон Утикага бора-боргунча уч соат, Ликург поездини кутиб бир соат ва яна ўша поезднинг вагонидан бир соату йигирма дақиқа (улар Ликургга эрталаб соат еттиларга яқин кириб келишди) гандан эзилиб соб бўлган бечора Тайтусни гапга солиб келди, Тайтус эса ўзи ва Робертанинг оддийгина ўтмишини, қизининг сахийлиги, мўмин-қобиллигини, хулқ-одоби, унинг меҳрибон ва назокатли қалби, аввал қаерда ишлаб, қанча маош олгани ва уни нималарга сарфлаганини чалакам-

чатти сўйлаб берар, чолнинг бу аянчли ҳикояси Мейсонни чуқур изтиробга солар эди.

Тайтус билан Ликургга келгач, Мейсон ўша заҳотиёқ «Ликург» меҳмонхонасига борди ва битта номерни ижарага олиб, чол дам олсин деб, уни ўша ерда қолдирди. Меҳмонхонадан чиқиб маҳаллий прокурор ҳузурига шошилди, чунки бу территорияда иш кўриши учун Мейсон ундан рухсат олиши лозим эди. Айрим юмушларини бажариши учун Мейсонга гражданича кийиниб олган барваста бир изқувар полициячини қўшиб беришди, у ҳам Клайдни қандай бўлмасин уйида қўлга туширишдан умид тутиб, унинг Тэйлор-стритдаги кулбасига қараб жўнади. Аммо уларга пешвоз чиққан миссис Пейтон, ҳа, аслида Клайд шу ерда яшайди-ю, лекин ҳозир уйида йўқ (у сешанба куни кетган эди, ҳойнаҳой, Ўн иккинчи кўлдаги дўстлариникида бўлса керак), деб жавоб берди. Шундан сўнг Мейсон бир оз ноқулай бўлса ҳам, биринчидан, ўзининг Катараки округининг прокурори эканлиги ва иккинчидан, Катта мушгир қўлида чўкиб кетган бир қиз ҳалокатига алоқадор баъзи бир шубҳалар борлиги сабабли (ўша қизга афтидан Клайд ҳамроҳ бўлиб борган) прокурор сифатида ҳозир Клайднинг хонасини тинтув қилажagini тушунтирди. Бу гап миссис Пейтонни шу даражада ларзага солдики, юзида чексиз ҳайрат, даҳшат ва шубҳа акс этиб, орқага тисарилиб кетди.

– Нима, мистер Клайд Грифитс-а?.. Э, йўғ-е, бу ақлга сиғмайди! У Сэмюэл Грифитснинг жияни-ку, уни бу ерда ҳамма танийди. Агар у ҳақда сизларга бирор-бир маълумот керак бўлса, унинг қариндошларига боринглар: улар сизларга албатта ҳаммасини айтиб беришади. Э, тавба, шундай бўлиши... йўқ, бўлмағур гап бу!

Кейин миссис Пейтон Мейсонга ва аллақачоноқ нишонини кўрсатиб улгурган маҳаллий изқуварга

шундай назар билан тикилиб қолдики, гўё уларнинг ҳалоллиги-ю ваколатларига ҳам шубҳа қилаётгандек эди у.

Изқувар бунақанги воқеаларни кўравериб пишиб кетганидан шу орада лип этиб миссис Пейтоннинг орқасига ўтди-ю, юқори қаватга олиб чиқадиган зина тагига туриб олди. Мейсон бўлса ҳар эҳтимолга қарши аввалдан тайёрлаб қўйилган тинтув ўтказиш тўғрисидаги ордерни чўнтагидан чиқарди.

– Таассуфки, хоним, аммо бизга унинг хонасини кўрсатишингизни илтимос қилишга мажбурман. Мана, тинтув ўтказиш ҳуқуқини берувчи ордер, бу киши эса менинг ихтиёримдаги полиция агенти.

Миссис Пейтон қонун билан олишишнинг беҳудалигини дарров тушунди-ю, қўллари дир-дир титраб Клайднинг хонасини кўрсатди, бироқ шунда ҳам у, ҳойнаҳой, қандайдир бемаъни, мутлақо ноҳақ ва иззат-нафсни ҳақорат этувчи англашилмовчилик юз берган бу ерда, деб ўйлай бошлади.

Мейсон билан изқувар эса Клайднинг хонасига кириб келиб уни кўздан кечириб бошлашди. Бирдан икковларининг назари қулфланган ҳолда бурчақда турган нимжонгина сандиқчага тушди, изқувар мистер Фаунс ўша заҳотиёқ унинг оғирлигини аниқламоқчи бўлди шекилли, хиёл кўтариб кўрди, Мейсон эса хонадаги барча яшик ва қутичалардаги буюмларнинг барини, шунингдек, кийим-бош киссаларини ҳам битта қолдирмай бир чеккадан кўздан кечириб чиқа бошлади. Шифоньер тортмасидаги эски-туски кўйлак-иштонлар ва Трамбаллар, Старклар, Грифитслар ва Гарриэтлардан келган эски таклифномалар орасидан у бир энлик блокнот варағини топиб олди, унга Клайд эсидан чиқармаслик учун ўзининг қаерга таклиф этилганини қайд этиб қўйган эди: «20 февраль, чоршанба. Старкларникида тушки зиёфат», пастроғида эса: «Жума, 22. Трамбаллар» деб ёзил-

ган эди. Мейсон бу дастхатни чўнтагидаги расмчанинг ёзувига солиштириб кўрди-ю, бир-бирига ўхшашлигидан, ўзи чиндан ҳам айна излаб юрган одамнинг хонасида эканлигига ўша заҳотиёқ қаноат ҳосил қилди. У қоғозни чўнтагига яширди-да, бурчак томонга, қулфлоглиқ сандиқчани диққат билан кўриб чиқаётган из-қуварга қаради.

– Хўжайин, буни нима қиламиз? Олиб кетамизми ёки шу ернинг ўзида очамизми?

– Менимча, – деди Мейсон савлат тўкиб, – шу ерда очганимиз маъқул, Фаунс. Кейинроқ олиб кетишга одам юбораман, бироқ ичида нима борлигини мен ҳозироқ кўришни истардим.

Изқувар дарҳол чўнтагидан зилдай исканасини чиқарди-ю, атрофда болға йўқмикан, деб у ёқ-бу ёққа қаради.

– Анча бўш сандиқ экан, – деди у, – агар истангиз, синдириб очиб беришим ҳам мумкин.

Аммо гап шу ерга келганда чексиз ҳайратга боғлиб ўтирган миссис Пейтон бунчалик бўлишини кутмагани учунми, охири чидолмади, қўпол ҳаракатнинг олдини олиш умидида гапга аралашди:

– Агар истасаларинг, болға топиб беришим ҳам мумкин, – деди у, – лекин, наҳотки чилангарга одам юбориш шунчалик амри маҳол иш бўлса? Умрим бино бўлиб бунақа бемазаликни кўрмаганман ҳали!

Шунга қарамай, изқувар болға топди-да, қулфни бир уриб туширди. Сандиқнинг чоғроққина устки бўлмасида майда-чуйда турли хил либос-анжомлар: пайпоқ, ёқачалар, галстуклар, ипак шарф, шимга тақиладиган тасма, эски жемпер, бир жуфт баланд пошналар одмигина қишлоқ этик, муштук, ялтироқ қизил кулдон ва коньки бор экан. Лекин шуларнинг орасида, бурчакда бир боғлам Робертанинг Бильддан туриб ёзган ўн бешта сўнгги хати ҳамда бултур совға қилган кичикроқ портрети ётарди. Сондранинг Қарағайзор бурунига кетма-

сидан олдин Клайдга ёзган барча хатчалари ва таклифномалари йиғилган бошқа бир даста эса, шундоқ ёнида эди. Қарағайзор бурунида ёзилган бу хатларни Клайд ўзи билан бирга кўкрак чўнтагида, нақ юрагининг устида сақлаб юрар эди. Клайдни баттар фош этадиган яна бошқа бир даста хат ҳам чиқиб қолди – булар онасидан келган ўн битта мактуб бўлиб, устига-устак дастлабки ёзилган иккитаси Чикагога, Гарри Тенет номига сўраб олинадиган мактуб сифатида ёзилган эди, бу ҳол кишида дарров шубҳа туғдирарди, қолган хатлар эса Клайд Грифитс номига аввал Чикагога, кейин Ликуртга юборилган эди.

Прокурор сандиқда яна нима бор-йўқлигини текшириб ўтирмай, тўғридан-тўғри хатларни ўқишга тутинди: аввалига Робертанинг дастлаб ёзган учта хатини ўқиб чиқди-ю, шундан сўнг унинг Бильдга кетиш сабабини ҳам аниқ-равшан билиб олди; кейин ниҳоятда оддий ва арзон қоғозга битилган онасидан келган биринчи учта хатни кўздан кечириб чиқди: уларда онаси Клайднинг Канзас-Ситида қилган бемаънигарчиликлари, ўша бахтсиз ҳодисани деб ўз юртидан бош олиб кетишга мажбур бўлганига шама қилиб ўтар, шунда ҳам қатъий сўзида туриб, меҳрибонлик билан уни келажакда энди сира йўлдан адашмасликка ундар эди. Мейсон аслида одамови мижоз бўлгани ҳамда кишилар ва инсоний муносабатларни чуқур билмаганлиги учун унда, Клайд болаликданоқ беқарор хулқи, енгилтаклиги ва ахлоқсизлиги билан ном қозонган экан, деган тасаввур пайдо бўлди.

Айни пайтда Мейсон, гарчи Клайд бу ерда бадавлат амакисининг мурувватидан баҳра олиб юрган бўлса-да, аммо ўзи Грифитслар аждодининг камбағал, бунинг устига художўй уруғига мансублигини билганда чинакамига ҳайрон қолди. Бошқа пайт бўлганда-ю, бу қайтага Клайдга

нисбатан унинг муносабатини анча юмшатган ҳам бўларди. Аммо ҳозир, Сондра ёзган номалар, Робертанинг даҳшатли мактублари ва Канзас-Ситида Клайд аввал ҳам қилган алақандай жиноят тўғрисида онаси эслатган гаплар Мейсонга шунчалик таъсир этдики, у, Клайд шу хулқи билан яна янги жиноятни мўлжаллаши у ёқда турсин, ҳатто бадани қилт этмай бемалол ёвузлик қила олишга ҳам қодир кимса экан, деб ўйлай бошлади. Қизиқ, Канзас-Ситида нима бўлган экан? Ўша ернинг прокурорига албатта телеграмма юбориб, тафсилотларини сўраш керак.

У шу ҳақда ўйлай туриб, Сондранинг хилма-хил мактуб ва таклифномалари ҳамда севги иқрорларини шоша-пиша, бироқ айти пайтда синчковлик билан, танқидий назар билан кўриб чиқа бошлади. Ҳамма хатлардан хушбўй атир ҳиди анқир, улар исм ва фамилиялари жимжимадор қилиб ёзилган ялтироқ қоғозларга битилган бўлиб, борган сари ширинроқ ва самимийроқ маъно касб этар эди, охири пайтда юборилган хатлар эса доимо: «Митти Клайди» ёки «менинг ёқимтой қора кўзгинам» ёхуд «менинг ёқимтой миттигинам» деган сўзлар билан бошланар, тагига эса болаларча «Сонда» деб ёки «Сизнинг Сондрангиз» деб имзо чекилган эди... Улардан айримлари яқингинада: ўнинчи, ўн бешинчи, йигирма олтинчи май кунлари ёзилган эди, худди шу кунларда Робертадан ниҳоятда умидсиз мактублар кела бошлаган, деган фикр Мейсоннинг миясига ялт этиб урилди.

Энди ҳаммаси равшан эди. У бир қизни пинҳона йўлдан ургану бу билан чекланмай, уятсизларча яна бошқаси билан ҳам дон олишган – бу гал у, шу ерлик олий табақа оилаларига мансуб қизни қўлга туширган.

Ҳайратга тушса тушгудек бу воқеага ўралашиб, шошилиб қолган Мейсон айти пайтда ҳозир қуруқ

хаёл суриб ўтирадиган вақт эмаслигини ҳам яхши билар эди. Йўқ, беҳудага ўй суришдан фойда чиқмайдн, ҳозир. Сандиқчани тезликда «Ликург» меҳмонхонасига жўнатиш зарур. Кейин у, агар иложи бўлса, ўша кимса қаердалигини аниқлаши ва уни қўлга олиши лозим... Мейсон изқуварга полиция маҳкамасига қўнғироқ қилишни ва сандиқни номерига элтиб қўйишларига бош-қош бўлишни буюрди-ди, ўзи Сэмюэл Грифитснинг данғиллама ҳовлисига қараб шошилди, лекин бориб билса, оила аъзоларининг ҳаммаси шаҳардан ташқарида, Ўрмонзор кўлида эканлар.

Телефон орқали Ўрмонзордан сўраб-суриштирган эди, у ердан: Клайд Грифитс Шейрон яқинидаги Ўн иккинчи кўлда Финчлилар мулки ёнидаги Қрэнстонлар чорбоғида бўлса керак, деган хабарни беришди. Финчли деган фамилия ҳам, Шейрон деган шаҳарча ҳам Мейсоннинг миясида Клайд билан аллақачоноқ боғланиб кетган эди, шу сабабли у, агар Клайд олис ерларга жуфтакни ростлаб қолмаган бўлса, у ҳолда ҳойнаҳой шу атрофда, эҳтимол, анави ҳамма мактуб ва таклифномаларни ёзган қиз, Сондра Финчлининг чорбоғидадир, деган қарорга келди. Ахир, «Оққуш» капитанининг гапига қараганда ҳам, Учинчи миль Кўрфазидан келаётган йигитча Шейронда тушиб қолган-ку. Омади келиб турибди шекилли ўзи! Энди уни аниқ қўлга туширди!

Мейсон бундан бу ёғига қандай ҳаракат қилиш режасини ҳар томонлама ўйлаб олди-да, Шейрон ва Қарағайзор бурунига шахсан ўзи борадиган бўлди. Шу орада у Клайднинг ташқи қиёфасини аниқ суриштириб билгач, бу белгилар ва Клайднинг қотилликда гумон қилиниб, изланаётганлиги масаласини фақат Ликург прокурори ва полиция бошлиғигагина хабарлаб қолмай, шунингдек, Брижбург шерифи Ньютон Слэк, Хейт ва ўз ёрдамчисига ҳам етказиб, учовларини тезликда

Шейронга етиб келинлар, шу ерда учрашамиз, деб таклиф этди.

Шундан кейин, гўё миссис Пейтоннинг топширигига биноан иш кўраётган киши бўлиб, шаҳарлараро телефон орқали Қарағайзор бурунидаги Крэнстонлар чорбоғи билан боғланди-да, бош хизматкордан, мабодо мистер Клайд Грифитс сизларникида эмасми, деб сўради. «Ҳа, сэр, у шу ерда, сэр, лекин ҳозир бу яқин ўртада кўринмаяпти, сэр. Кўлга сайр қилишга чиқиб кетган бўлиши керак, сэр. Нима деб қўяй, сэр?» Бош хизматкор кейинги саволларга тузукроқ жавоб қайтаролмади: улфатларнинг ҳаммаси Айиқ кўлига қараб кетди чамаси, у бу ердан ўттиз милча нарида; қачон қайтиб келишларини у билмайди, бир-икки кун ўтгандан кейин, ҳарқалай ундан олдин келишмас. Аммо бир нарса – Клайднинг ўша улфатлар билан кетгани аниқ-равшан эди.

Мейсон ўша заҳотиёқ Брижбург шерифини иккинчи марта телефонга чақирди-да, ўзи билан тўрт ёки беш нафар изқувар олиб келишга кўрсатма берди, чунки бу таъқибчилар Шейронда гуруҳларга бўлиниб, Клайдни, агар у ернинг тагига кириб кетган тақдирда ҳам, албатта топишлари ва Брижбург турмасига қамашлари керак эди. Кейин у ёғига Клайд қонун белгилаган расм-русмларга биноан ҳозирги кунгача уни Роберта Олденнинг қотили қилиб кўрсатаётган, бир қарашда рад этиб бўлмас ғалати гумонларни ечиб бераверади.

VI БОБ

Кўл сувлари Робертани ўз қаърига ютгандан сўнг, Клайд қирғоққа сузиб чиқиб, кейин кийимини алмаштириб, Шейронга ва ундан сўнг Крэнстонлар чорбоғига етиб олгандан бери узил-кесил ақддан озгандек юрар, саросима ва даҳшатга

тушганидан, Робертанинг бевақт ўлимида ўзи гуноҳқорми ёки йўқми – аниқ билмас эди. Лекин айна пайтда бир нарса унга аён эди. У шимол тарафга, Катта мушгир меҳмонхонасига қайрилмасдан, ёт кўзлардан яширинганча жанубга қараб кетаётганини фавқулодда биттаси кўриб, кейин қутилмаганда юз берган анави фалокатни гапириб қолса борми, у ҳолда уни шу қадар раҳмсиз ва тошбағирликда айб-лашадики, ҳар қандай киши ҳам иккиланмай уни қотил, дейди. Бу фикр уни қаттиқ азобга соларди, чунки энди у ўзини ҳақиқатан ҳам гуноҳсиздек ҳисобларди, ахир, охирги дақиқаларга борганда унинг қалбида бутунлай тўнтариш юз бермади!

Аммо у қайтиб бориб, юз берган воқеани хабарламагандан сўнг энди унга ким ҳам ишонарди? Ҳозир қайтаман деса, кечикди. Кимсан бир фабрика ишчиси билан Клайднинг ўша кўлда бўлгани ва меҳмонхонада уни хотиним, деб ёздирганини мабодо Сондра эшитиб қолса борми... Э, худо-е!

Шундан кейин амакисига ёки совуқ, қаҳри қаттиқ Гилбергга буларнинг ҳаммасини қандай изоҳлаб беради... Ликургдаги барча олифга, уятсиз ёшларга нима дейди?.. Йўқ, йўқ! Қилар ишни қилиб қўйди, энди чекинишининг иложи йўқ. Акс ҳолда – фалокат... эҳтимол, ўлим. У иложи борича бу даҳшатли аҳволдан фойдаланиши, шундай ғалати, гўё уни оқловчи натижа билан тутаган ўша ниятидан фойдаланиши зарур.

Аммо бу ўрмонлар! Яқинлашаётган тун! Ҳамма ёқда, ҳар бир нарсада қўрқинчли ёлғизлик ва хавф-хатар! Борди-ю, биров йўлиқиб қолса, у ўзини қандай тутуди-ю, унга нима дейди? Клайд бутунлай гангиб қолган, руҳий ва асабий хасталик остонасида эди. Шох қисирлаб синса ҳам худди куён сингари қочишга тушарди.

Ўшанда у шундай аҳволда қоронғи тушишини кутди-да, кейин ўрмон ичкарисига шўнғиб кетди,

аммо аввал жомадонини топиб, костюмини ўзгартирди ва ҳўл кийимларини сиқиб бир оз қуритмоқчи бўлди, сўнгра уни жомадонига солиб, устига қуруқ шох-шабба ва япроқлардан ташлади-да, фотография аппаратининг таглик оёғини эса йиқилиб ётган дарахт танаси остига яширди. У ҳамон ўзининг галати ва хавфли аҳволи тўғрисида тўхтовсиз бош қотирарди. Борди-ю, у Робертани бехосдан уриб юбориб, икковлари сувга ағанаб тушган пайтларида ва Роберта қулоқни тешгудай нола қилиб қичқирган ўша дақиқада кимдир қирғоқда турган бўлса-я? Қундузи бу ерда ўзи кўрган анави кучли, бақувват йигитлардан бирими... ёки бирон бошқа кишими кўриб қолган бўлса, унда нима бўлади... балки мана шу дақиқанинг ўзида кимдир ҳамма ёққа жар солаётгандир – шу тунда ўнлаб одамлар, эҳтимол, унинг изига тушишар. Тавба, одам одамни овласа-я! Улар Клайдни ушлаб олишса, кейин Робертани бехосдан уриб юборганига ким ҳам ишонади, ахир! Ҳатто қонуний судни кутиб ўтирмай, уни ваҳшийларча ўлдириб юборишлари ҳам мумкин. Ҳеч гап эмас. Бунақа воқеалар илгарилари ҳам бўлган. Осишади. Ёки шу ўрмоннинг ўзидаёқ шартта отишади. Ҳатто, Роберта уни узоқ таъқиб қилгани, қанчалар азоблаганини... гапиришига ҳам йўл қўйишмас балки! Буни ҳеч ким, ҳеч қачон тушунмайди!

У шуларни ўйлаганча тобора қадамини тезлаштириб борарди – тиканакли чайир, қалин буталар, оёқ остида ваҳима билан қарсиллаётган қуруқ шох-шаббалар орасидан иложи борича тез-тез ўтиб, хаёлида эса тинмай: Учинчи миль Кўрфазига олиб борадиган йўл ўнг томонимда, ой чап томондан чиқиши керак, деган фикрни такрорлашдан бўшамасди.

Э, худо, анави нима?

Аллақандай даҳшатли овоз келяпти!

Тун зулмати бағридан бамисоли бир ажинанинг мунгли ва машъум овози келаётганга ўхшайди!

Ана!

Нима у?

У жомадонини қўлидан тушириб юборди, бутун вужудини совуқ тер босиб, сершоҳ, азамат бир да-рахт остида қўрқувдан гужанак бўлганча қимир этмай, ерга ўтириб қолди.

Даҳшатли овоз!

Ҳа, бу бойўғли! Клайд бу овозни бундан бир неча ҳафта бурун, Крэнстондар чорбоғида бўлган пай-тида эшитганди. Лекин бу ерда-чи? Шу чангалзор-да-я! Шу зулмат ичида-я!.. Йўлга тушиш, тезроқ бу ердан даф бўлиш керак, энг тўғриси шу. Бу қўрқинчли, ваҳимали фикрларни миясидан чиқа-риб ташлаши зарур, акс ҳолда унда қувват ҳам, ирода ҳам бутунлай тугайди.

Аммо Робертанинг нигоҳи! Унинг ўша сўнгги ил-тижоли боқиши! Эй, худо-е! Унинг кўзлари ҳозир ҳам шундоқ рўпарасида турибди. Жон ҳолатда, даҳшат-га тушиб қичқиргани-чи? Клайд бу ердан узоқлашиб кетмагунча... наҳотки, ўша қичқириқ қулоқлари остида бир дақиқа ҳам кетмай тураверса-я?

Робертани уриб юборганида ҳеч қандай ёмон нияти йўқлигини... атиги бир лаҳзалик газаби қайнаб, Робертадан норози бўлганини у тушунди-микан? Майли, Роберта қаерда бўлмасин – кўл ту-бидами ёки шу қоронғи чангалзорда Клайд билан ёнма-ёнми, бари бир... Клайднинг нияти поклиги-ни пайқармиди? Унинг арвоҳи-чи?.. Йўқ, бу ердан тезроқ олисга... олисга қочиб кетиш керак! Қочиб кетиш керак... аммо сирасини айтганда... бу ер, чангалзорлик унинг учун хавфсиз жой-ку. У ўзини қўлга олиб, зинҳор катта йўлга чиқмаслиги керак. У ерда, эҳтимол, уни қидириб юришгандир!...Аммо, одам ўлгандан кейин ҳам жони яшайди, деган гап тўғримикан? Арвоҳи яшайди, деганлари-чи? Улар-нинг ҳамма нарсани кўриб-билиб туришлари-чи, шулар ҳам ростмикан? Унда Клайднинг нияти пок-

лигини Роберта билиши керак... лекин у ҳолда унинг аввалги ниятларини ҳам билади-да. Ҳозир нима деб ўйлаётганикин? Балки у ҳозир қайғу тўла таъналарни ёғдириб, Клайдни бекордан-бекор айбдор ҳисоблаётгандир? Ҳа, янглишиб айблаётгандир, тўғри, Клайд аввалига уни ўлдирмоқчи ҳам бўлган эди. Ўлдирмоқчи бўлган эди! Шундай нияти бор эди! Бу, албатта, катта гуноҳ. У гарчи Робертани ўлдирмаган бўлса ҳам... Клайднинг ўрнида кимдир шундай қилди. Бор ҳақиқат шу.

Аммо анави шарпа!.. Худо урди энди, сени фош этиш ва жазо бериш учун ўлганларнинг арвоҳи... эрта-кеч орқангдан эргашиб юргани-юрган... ким билади, эҳтимол... Улар одамларни изингга солиб юборишга ҳам уриниб кўрар? Онаси бир марта Клайд, Фрэнк, Эста ва Жулияларга арвоҳга ишонманам, деб бўйнига олдирган ҳам эди-ку, ахир.

Ниҳоят ой ҳам чиқди, шундан сўнг у қоқила-суқила, атрофга қулоқ солиб, тўхтаб, қалтироқ босиб ва баданидан тер қуйиб, шу ҳолда уч соат давомида йўл босди. Атрофда, худога шукур, ҳеч ким кўринмас эди! Олис самода эса Сондра яшаётган Қарагайзор бурунидаги каби йирик ва майин юлдузлар нур сочиб туришарди... Ҳозир унинг сув юзасида шляпаси сузиб юрган ўша кўл ўпқонида ётган Робертадан қочиб бораётганини Сондра бир кўрганда эди! Агар у Робертанинг чинқириғини эшитгандами! Қизиқ, Сондрани деб – унинг ҳусни жамоли-ю, унга бўлган талпиниши, ҳаётига у қанчалар сингиб кетгани туфайли – у шундай иш қилгани... шундай иш қилгани – аввал севган суюклисини ўлдиришгача бориб етганини... шундай ёвуз ишни қилишга уринганини у ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон Сондрага гапириб беролмайди. Бу фикр бутун умр бўйи уни қийноққа солади. У ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон бундан қутулолмайди! Аввал у бу ҳақда ўйлаб кўрмаган экан. Бу даҳшат-ку, ахир!

Шу пайт бехосдан тун қоронғисида, кейин эс-ласа соат ўн бирлар экан ўшанда, чунки сув теккани учун соати тўхтаб қолган эди, ғарб томонга қараб кетган катта йўлга аллақачоноқ чиқиб олиб, бир ёки икки милча йўл босмаган ҳам эдики, гўё осмондан тушгандай қоронғи чангалзор ортидан худди арвоҳга ўхшаб анави уч киши чиқиб қолса бўладими! Клайд аввалига: улар мени Робертани ураётган пайтимда ёки сал кейинроқ кўриб қолишган, энди мени қўлга тушириш учун келишяпти, деб ўйлади. Қанчалар даҳшатли эди ўша дақиқалар! Фонус ушлаган бола эса унинг юзини аниқроқ кўриш учун чироғини кўтарди! Шунда у Клайднинг юзида аллақандай шубҳали қўрқув ва эсанкираш аломатларини ҳам кўрган, албатта, чунки Клайд айнаи ўша пайтда нақ ич-этини еётган эди: сиримни ошкор қилиб қўядиган бирор нарсани эсдан чиқариб қолдирган бўлсам-а, деган васваса миясини тинимсиз кемирмоқда эди. У, булар мени қўлга оладиган одамлар, деб ишонди-да, тисарилиб кетди. Аммо шу пайт олдинда келаётган баланд бўйли озғин киши Клайднинг юраги чиқиб кетаёзганидан гўё завқлангандай, бамайлихотирлик билан: «Салом, йўловчи!» деб қўйди, бола эса пинагини ҳам бузмай, чироқнинг пилигини кўтарганча олдинга қараб кетаверди. Клайд шундагина булар мутлақо унинг изидан тушган отряд эмас, балки шу ерлик деҳқонлар ёки йўл кўрсатувчилар эканлигини англади-да, агар ўзини босиб, улар билан юмшоқ муомала қилса, ҳеч қачон уни қотил деб гумон қилмасликларига ишонди.

Аммо кейин ўзига ўзи ичида: «Ахир, улар мени эсда олиб қолишади-ку. Шундай бемаҳалда ҳувиллаган йўлда бир ўзим жомадон кўтариб кетаётганимни эслаб қолишади-ку... деб қўйди. Ўша заҳотиёқ шошилиши... шошилиши... ва энди ҳеч кимга йўлиқмаслигим керак, деган қарорга келди.

Орадан бир неча соат ўтгач, ой ботаётганда, ўрмонга ёғилиб турган оч-сарик заиф нурлардан тун яна ҳам мудҳиш ва хомуш кўринаётган бир паллада Клайд Учинчи миль Кўрфазига етиб келди – бу Ҳинд тоғларининг шимолий тизмаларига ёндашиб тушган, ерлик халқларнинг бир тўда чор деворлари-ю чорбоғли ҳовлиларидан иборат қишлоқча эди. Йўл муйилишига етганда у баъзи деразаларда ҳали ҳам хира шуъла милтиллаб турганини кўрди. Дўконлар. Уйлар. Кўча чироқлари. Бироқ заиф ой нурида бу чироқлар бутунлай хира – хира ва мавҳум кўринарди, Клайд шундай бемаҳалда башанг кийиниб олганча жомадон кўтариб қишлоққа кириб бориши мумкин эмас эди, буни ҳар қандай одам ҳам яхши тушунар эди. Агар унга бировнинг кўзи тушгундай бўлса, кўринишига албатта қизиқсиниб қолиши ва шубҳа қилиши турган гап эди. Мана шу қишлоқ билан Шейрон ўртасида қатнайдиغان кемача эса (Клайд Шейрон орқали Қарағайзор бурунига қараб жўнаши керак эди) саккиз ярим бўлгандагина жўнар, демак, унга қаердадир яшириниб, иложи борича ўзини тартибга келтириши лозим эди.

Шунинг учун у қишлоқнинг қоқ четига туташиб кетган ўрмон ичига яна қайтиб кирди-да, тонггача шу ерда кутиб ўтирмақчи бўлди; у ердан кичкинагина черковча минорасидаги соатни кузатиб, йўлга чиқиш вақтини ҳам билиб туриши мумкин эди. Ҳозирча у қилаётган иши тўғрими ёки нотўғрими – шуни англашга уринарди. Мабодо уни шу ернинг ўзида биттаси пойлаб турган бўлса-чи? Анави уч киши... ёки уни кўрган бошқа бирортаси... Ёки кимдандир хабар топган полиция изқувари турган бўлса-чи?.. Орадан бир оз вақт ўтгач, у: ҳарқалай, қишлоққа тушган маъқул, деган қарорга келди. Ёки кўлнинг фарбий қирғоғи бўйлаб, ўрмон оралаб йўлга тушсинми... бунинг устига тунда

юриши керак, чунки кундузи кўриб қолишлари мумкин... агар у ана ўша кемага тушса борми, бир ярим соат, нари борса икки соат деганда Шейронда, Крэнстонларникида бўлади! Яёв кетса, фақат эртага етиб боради – бу жуда бемаъни иш, янада хавфлироқ иш. Бундан ташқари, у Сондра билан Бертинага сешанба куни келаман, деб ваъда бериб қўйган, бугун эса жума. Устига-устак, эртага эҳтимол, шов-шув кўтарилиб, изидан қувишар... ҳар томонга унинг ташқи белгиларини хабарлашар... бугун эрталаб бўлса... наҳотки, Робертани шунчалик тез топа олишса? Йўқ, йўқ. Энг тўғри йўл – шу. Бу ерда уни ахир ким билиб ўтирибди, унинг Карл Грэхемми ёки Клифорд Голденлигини ким ажратиб бера оларди? Яхшиси, Роберта тўғрисида у-бу нарсаларни билиб олгунларича кутиб ўтирмай, шошилиш керак. Ҳа, шундай. Ниҳоят, минора соати саккиздан ўн дақиқа ўтганда у юраги гуп-гуп урганча ўрмондан чиқди.

Қайиқлар қароргоҳига олиб борадиган кўча. Кемача ўша ердан Шейронга қараб жўнайди. Клайд кўрқа-писа одимлаб бора туриб, бирдан Рэкет кўлидан келаётган автобусга кўзи тушиб қолди. Шунда у қароргоҳ ёки палубада бирор-бир танишимни учратиб қолсам, ҳозиргина Рэкет кўлидан келдим, у ерда Сондра ва Бертиналарнинг дўстлари кўп экан, дейишим мумкин, деб ўйлади; агар мабодо ўша дўстлардан бирини учратгудек бўлса, унда уч кундан бери Рэкет кўлида эдим, дейди. Истаган исм ёки чорбоғ, жуда бўлмаса, бирор номни ёддан айтавериши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, у кемачага чиқиб, палубага кўтарилиб-да, кейин Шейронда тушиб қолди – назарида ҳеч ким унга эътибор ҳам бермагандай туюлди. Кемада йўловчилар анча-мунча кўп эди, лекин биронта ҳам таниш учрамади, фақат асли шу яқин ўрталик бўлган ҳаво ранг кўйлакли ва оқ

похол шляпали қизни айтмаганда, Клайдга бошқа бирорта одам ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. Бояги қизнинг нигоҳи эса, очигини айтганда, Клайдга суқланиб боқаётганини билдириб турарди. Аммо Клайд шунга ҳам дош беролмади: кўзга камроқ тушишга ҳаракат қилаётгани учун ҳамма йўловчилар кема бурнида туришни афзал кўрса ҳам, у қўйруқ томонга қараб кетди.

Шейронга етиб келгач, кўпчилик йўловчилар эрталабки биринчи поездга улгуриш учун темир йўл бекатига қараб кета бошладилар, буни билган Клайд ҳам уларнинг кетидан тез-тез бораверди-да, кейин изини йўқотиб кетиш мақсадида лип этиб биринчи дуч келган қаҳвахонага кириб олди. Гарчи у Катта мушгирдан келгунча озмунча йўл босмаган, унга эса ярим кун эшкак эшган ва Роберта билан овқатланаётган пайтида ҳам шунчаки, номига тамадди қилиб ўтиргандай бўлса-да, негадир ҳализгача иштаҳаси йўқ эди. Сўнгра у бекатдан келаётган бир тўда йўловчиларни кўрди-ю – улар орасида ҳам таниш-билишларидан ҳеч ким йўқ эди – ўзини поезддан тушиб, меҳмонхона ва қайиқлар қароргоҳига келаётгандек қилиб кўрсатди-да, уларга қўшилиб кетаверди. Бу поезд ҳойнаҳой жанубдан, Олбэни ва Утикадан келаётган бўлса керак, деб ўйлади у, демак, шу поезддан тушдим, деса гапи ҳар томонлама тўғри чиқади. У ўзини бекатдан чиққандек қилиб кўрсатди-да, аммо йўл-йўлакай телефон қидириб топиб, Бертина билан Сондрага ўзининг шу ердалигини хабарлади, улар моторли қайиқ эмас, автомобиль юборажакларини айтишгач, мен меҳмонхона айвонида кутиб турман, деб огоҳдантирди. Йўл-йўлакай юз берган воқеа хусусида ҳали ҳеч қандай баёнот бўлиши мумкин эмаслигига гарчи кўзи етса ҳам тонгги газета сотиб олди. У эндигина меҳмонхонага қа-

дам қўйиб, айвонга чиқиб ўтириши билан Крэнстонларнинг машинаси етиб келди.

Крэнстонларнинг анчадан бери таниш бўлиб қолган ҳайдовчиси Клайдга салом бериб, самимий жилмайганда, у ҳам, гарчи қалб гўшаларини ҳанузгача кўрқув азоби тирнаб турса-да, ҳарқалай ясама қувноқлик ила беғам қиёфада кулимсираб боқди. Ўрмонда дуч келган анави уч киши, деб таъкидларди ичида, ҳозир шубҳасиз Катта мушгир кўлига етиб боришган. У ерда энди Роберта билан икковларини сўзсиз қидира бошлашган, балки, ким билади, ағдарилиб ётган қайиқ билан Клайднинг шляпаси-ю, Робертанинг ўртигини ҳам топиб олишгандир. Анави уч киши эса, эҳтимол, жомадон кўтарганча тунда жануб томонга қараб кетаётган бир йигитни кўрдик, деб хабар ҳам беришгандир. Агар шундай бўлса, унда Робертанинг жасади топилиши ёки топимаслигидан қатъи назар, улар иккови чиндан ҳам чўкиб кетганмикин, деган гумон ҳам пайдо бўлгандир.

Хўш, дейлик, алақандай кутилмаган фавқулод юз бериб, Робертанинг жасади сув юзасига қалқиб чиққан бўлса-чи? Унда нима бўлади? Балки юзида зарб излари қолгандир, ахир, у қаттиқ урган эди-ку. Агар шундай бўлса унда қотиллик бор бу ерда, деб шубҳа қилишади. Йигитнинг жасадини топишолмагач, анави кишилар ўзлари учратган одамнинг ташқи қиёфасини тасвишлаб беришади, унда Клифорд Голден ёки Карл Грэхемни қотил деб ҳисоблашмасмикин?

Лекин Клифорд Голден ёки Карл Грэхем – Клайд Грифитс эмас-ку, ахир. Клайд Грифитс билан Клифорд Голден ёки Карл Грэхемнинг бари битта одамлигини қандай аниқлаб бўлади? Ахир, у бутун эҳтиёт чораларини кўриб қўйган-ку, улар Ўтлоқзор кўлига боришганда, Клайднинг илтимосига кўра Роберта тамадди тайёрламоқчи бўлиб ташқарига чиққан пайтида унинг жомадони ва

сумкасини ҳам кавлаб кўрган эди. Тўғри, Тереза Баузер деган бир қиздан Бильцга, Роберта номига жўнатилган иккита хат бор экан, лекин уларни у жўнашларидан олдиноқ, Қурулсоз бекатидаёқ йўқ қилган эди. «Уайтли, Ликург» деган белги туширилган пардоз қутичасини йўқотишнинг эса иложи бўлмади, аммо миссис Голден ёки миссис Грэхэмнинг ўзи ўз билгича бу қутичани Уайтлидан олган бўлиши ҳам мумкин-ку, ахир, бунақа нарсадан бирор-бир гумон чиқариш қийин. Турган гап, қийин. Ҳа, яна Робертанинг кўйлаклари бор эди. Лекин ўша кўйлаklar ёрдамида уни таниб қолишган тақдирда ҳам, Робертанинг ота-онаси бошқалар сингари қизининг Голден ёки Грэхем исми номаълум бир одам билан саёҳатга чиқиб кетганини ўйлаб кўришмайдими, ахир? Ҳойнаҳой, улар бунини эл эшитмай қўя қолсин, деб андиша қилишар. Нима бўлишидан қатъи назар, Клайд умидсизланмасликка, дадил туришга, бу ердагиларда шубҳа туғдирмаслик учун ўзини хотиржам, тетик ва қувноқ тутишга қарор қилди, аслини олганда ҳам Робертани, ахир, у ўлдирмади-ку!

Мана, у ярқиллаган автомобилда кетяпти, Сондра билан Бертина эса уни кутиб туришибди. У, тўппа-тўғри Олбэнидан келяпман: у ерга амакимнинг бир топшириғи билан борган эдим, ўша иш сешанбадан бери вақтимни олди, дегани маъқул. У энди Сондранинг ҳузурида бўлиб, роҳат-фароғат қилади, аммо шунга қарамай, у хоҳласа-хоҳламаса, доимо, ҳар доим анави даҳшатларни ўйлашга мажбур... Кутилмаганда қандайдир хатога йўл қўйиб, изини сездириб қўядиган барча далил-ашёларни йўқотиб улгуролмаган бўлса-я... Унда нима бўлади? Сири очилади-қўяди! Қамоққа тушади! Эҳтимол, бехосдан туширилган зарбалигини тунтунтириб беролмаса... қизиқ устида уни ноҳақдан-ноҳақ қоралаб... жазолаб... юборишлари ҳам

мумкин. Унда Сондра билан боғланган... Лукурт билан боғланган... барча ширин хаёллари, порлоқ келажак ҳақидаги орзу-умидлари чиппакка чиқадди. Лекин у тушунтириб бера олармикан? Қўлидан келармикан бу? Э, худо-е!

VII БОБ

Клайд жума куни эрталабдан бошлаб душанба куни чошгоҳ пайтигача илгарилари уни неки шунчалик ҳайратга солган ва қувонтирган бўлса, ўшалар оғушида бўлди, аммо бари бир даҳшатли қўрқув ва хавотирлар азобида тинимсиз қийналди. Сондра билан Бертина Клайдни Крэнстонлар чорбоғига кираверишда кутиб олиб, уни ўзига ажратилган алоҳида хонагача кузатиб борган дақиқаларидан бошлабоқ Клайд бу ердаги барча кўнгилахушликлар ва ўзига таҳдид солиб келаётган муқаррар ҳалокат ўртасидаги осмону ерча фарқ тўғрисида тўхтовсиз ўйлади.

Клайд хонага кириши билан Сондра лабларини чўччайтириб, Бертинага эшиттирмасдан аста шивирлади:

– Ярамас! Келишининг иложи бўлса ҳам бир ҳафта давомида ўша ёқда лақиллаб юрибди-я. Сондра бўлса унга ҳамма нарсани тахт қилиб ўтирибди! Бир-икки тарсаки едириб, адабингизни бериш керак эди ўзи. Мен ҳатто бугун кўнғироқ қилиб, қаердалигингизни билмоқчи эдим!

Сондранинг кўзлари Клайдни қаттиқ севиб қолганидан далолат бериб турарди.

Миясини оғир хаёллар эгаллаб олганига қарамай, Клайд Сондрага қувноқ жилмайиб боқди, чунки қаршисида Сондра тургани учун Робертанинг ўлими-ю, ўзига таҳдид солиб келаётган хавф ҳам – барча даҳшатлар бир зумда ўз кучини йўқотгандай туюлди унга. Ишқилиб, иши ўнгидан келсину би-

рор нарса баҳона бўлиб сири очилиб қолмасин-да! Олдинда уни саодатли йўл кутиб турибди! Порлоқ келажак кутяпти! Сондранинг ҳусну жамоли! Унинг оташ муҳаббати! Унинг мол-дунёси! Аммо у ўзига ажратилган хонага кириши биланоқ анави костюм эсига тушиб қолди-ю, асабийлаша бошлади, хонага сал олдинроқ унинг жомадонини ҳам киритиб қўйишган эди. Костюми ахир жиққа ҳўл, эзилиб ётибди, уни жуда бўлмаса шкафнинг юқори токчасига яшириб қўйиши керак. Клайд якка ўзи қолиши биланоқ дарров эшикни қулфлади-ю, жомадондан эзилиб кетган, ҳали қуриб улгурмаган, Катта мушгир кўлидаги балчиқда шими лойга булғанган костюмини олди, лекин ўша заҳоти, яхшиси қоронғи тушгунча қулфланган жомадонда туравергани маъқул, деган қарорга келди: чунки ўшанда бирор-бир чорасини ўйлаб топиши ҳам мумкин бўлади. Бироқ ўша куни жомадонда бор бошқа нарсаларнинг ҳаммасини ювишга бериш мақсадида бир тугун қилиб боғлади. Шу ишларни бажара туриб, у ҳаётнинг бутун кўтаринкиликлари ва фожеликлари, сир-асрори чексизлигини равшан-яққол, даҳшатга тушиб, кўнгли айнар даражада англаб етди... У шарқий штатларга ўтгандан бери бошига не-не савдолар тушмади, ахир, аслида у ёшлигида нима ҳам кўрди! Очиғини айтганда, мана ҳозир ҳам у деярли ҳамма нарсадан маҳрум. Мана шу кенг, ҳашаматли хона – осмон бўлса, Ликургдаги унинг ҳужраси – бамисоли ер. Тавба, кечаги воқеадан кейин бу ерда юрганининг ўзи қизиқ... Дераза остида зилол сувлари ялтираб турган анави кўл қорамтир сувли Катта мушгирга мутлақо ўхшамайди!.. Кенг айвонли, йўл-йўл соябонлари кўлгача давом этиб борган мана шу ёруғ, мустаҳкам, катта бинога туташиб кетган ям-яшил ўтлоқзорда эса Стюарт Финчли, Вайолет Тэйлор, Фрэнк Гарриэт ва Вайнет Фентлар ўзларига яраш-

ган спорт кийимларида теннис ўйнашарди, Бертина билан Харлей Бэгот эса шийпон панасида дам олиб ўтиришар эди.

Клайд ҳам ҳаммомга тушиб, кийимини ўзгартириб олгач, гарчи ҳамон асаби таранг ва ваҳимадан изтироб чекаётган бўлса-да, ўзини қувноқ кўрсатганча уйдан чиқди-да, Сондра, Берчард Тэйлор ва Жил Трамбалларга яқин борди: улар кечаги сайр-томоша пайтида моторли қайиқда юз берган бир қизиқ воқеани гапириб, қаҳ-қаҳ уриб кулишар эди.

Жил Клайдни қувноқ хитоб билан қарши олди:

– Хэлло, Клайд! Қаёқларда гум бўлиб юрибсиз? Мен сизни назаримда юз йилдан бери кўрмагандайман.

Клайд Сондрага маънодор жилмайиб қўйди-ю – у Сондранинг ҳамдардлиги ва севгисига ҳали ҳеч қачон бу қадар муштоқ бўлмаган эди – айвон панжарасига яқин келди-да, иложи борича ўзини хотиржам тутиб, жавоб қилди:

– Сешанбадан бери Олбэнида ишладим. У ёқлар иссиқ! Бугун бу ерга келганимдан ғоятда хурсандман. Кимлар бор?

– Назаримда ҳамма шу ерда, – Жил кулимсиради – Кеча Ренделларникида Вандани кўрдим. Скотт эса Бертинага янаги сешанбада борамай, деб ёзибди. Чамамда, бу йил Ўрмонзорда унчалик одам кўп бўлмайдиганга ўхшайди.

Шундан сўнг: Ўрмонзор нима учун ҳозир илгаригидек гавжум эмас, деган масалада узундан-узоқ қизгин баҳс бошланиб кетди. Бир пайт Сондра бехосдан:

– Вой ўлмасам, унутибман! – деди ҳовлиқиб. – Бугун Беллага қўнғироқ қилишим керак эди. У янаги ҳафтада Бристолга отлар кўргазмасига борамиз, деб сўз берган эди.

Кейин отлар ва итлар ҳақида гап бошланиб кетди. Клайд диққат билан қулоқ тутганча бор ку-

чини ишга солиб, ўзини ҳамма қатори тутишга уринар, лекин ҳамон ўша даҳшатли фикрлардан қутулолмас эди. Йўлда учраган анави уч киши... Роберта... Балки унинг жасади аллақачон топилгандир... Э, тавба, ўзига ўзи далда берарди у, нега бунча юрагим ўйнамаса-а? У ер ҳазилакам чуқур эмас ахир, эллик футча келади, унақа жойдан жасадни топиш амри маҳол! Кейин унинг Клифорд Голден ва Карл Грэхемлигини қаёқдан билишади? Қандай билишади? Ахир, у ҳаммасини ими-жимиди қилди-ку... Фақат анави уч кишини айтмаганда... йўлда учраган ўша уч киши! Клайд эти увишгандай, беихтиёр сесканиб кетди.

Унинг кўнгли нотинчлигини Сондра ҳам билди. Клайд биринчи бор келгандаёқ кийимларининг бир ҳолатдалигини Сондра сезган, шу сабабли кайфияти сустигининг боиси ҳам аслида қўлининг калталигида, деб ўйлади у ҳозир ҳам. У ўз жамғармаларидан етмиш беш долларини олиб, зўрлаб бўлса ҳам албатта Клайдга бермоқчи бўлди, майли, бу гал у шу ердалигида орадан лоп этиб чиқиб турадиган майда-чуйда харажатлардан тортиниб, қимтиниб юрмасин тагин! Сал вақт ўтгач, агар бир дафқир гольф ўйнаса, пана-пана бурчакларда бир лаҳза қучоқлашиш ва бўсалар олиш учун имкон туғилишини ўйлади-ю, Сондра шод овоз билан ўрнидан сакраб турди:

– Ким бир давра гольф ўйнайди? Жил, Клайд, Берч! Келинлар, тўртталамиз ўйнаймиз! Гаров ўйнашим мумкин, икки киши бўлсангиз ҳам, бари бир Клайд иккаламизни енголмайсизлар.

– Бўпти! – деб қичқирди Берчард Тэйлор, ҳаворанг йўл-йўл сариқ жемперини тўғрилаганча ўрнидан тураркан. – Гарчи бугун уйга эрталаб соат тўртда қайтган бўлсам ҳам, ҳечқиси йўқ, ўйнайвераман. Сиз-чи, Жил? Сонни, шартим бор: ютқазган киши ҳаммага зиёфат беради, розимисизлар?

Клайд бир сапчиб тушди-ю, бадани музлаб кетгандай бўлди; у анави даҳшатли саргузаштдан сўнг киссасида қолган арзимаган йигирма беш долларини ўйлаб кетди. Тўрт киши клубда овқатланса, камидасаккиз ёки ўн доллар кетади! Балки ундан кўпроқ кетиши ҳам мумкин! Аммо Клайднинг эсанкираб турганини Сондра сезди-ю, «Розимиз!» деб хитоб қилди-да, Клайдга яқинроқ бориб, туфлисининг учи билан секингина унинг ботинкасини туртиб қўйди.

– Аммо мен кийимимни ўзгартириб олишим керак. Бирпас сабр қилинглар! Клайд, сиз-чи... сиз унганча Эндрыюни топиб айтинг, гольф таёқчаларини олиб келсин, майлими? Биз сизнинг қайингизда кетамиз-а, тўғрими, Берчи?

Клайд, агар Сондра иккаламиз ютқазиб қўйсак, зиёфати қанчага тушаркин, деб ўйлаганча югуриб Эндрыюни қидиргани кетди, лекин Сондра унга етиб олди-да, қўлидан ушлади:

– Жоним, шу ерда тўхтаб туринг, мен кираману чиқаман!

У зинапоядан юқорига, ўз хонасига отилди, кейин жажжи қўлларида бир даста пул рижимлаб, кўз очиб юмгунча яна қайтиб чиқди.

– Мана, жоним, тезроқ олинг! – деди у шивирлаб ва пулни шоша-пиша Клайднинг чўнтагига тикди. – Жимм... оғиз оча кўрманг! Тезроқ! Бу, агар ютқазиб қўйсак – зиёфатга, яна бошқа нарсалар ҳам бор... уни кейин айтаман. Эҳ, менинг миттигинам, сизни деб ақлу ҳушимдан айрилай деяпман!

У ўзининг эркаловчи қўй кўзлари билан Клайдга еб қўйгудай бир сония термулиб турди-да, кейин яна зинадан чопиб чиқиб кетди ва энди тепадан туриб:

– Э-э, боринг энди, тентаквой! – деб қичқирди. – Таёқчаларга боринг! Тезроқ!

Сўнгра у кўздан ғойиб бўлди. Клайд эса чўнтагини пайпаслаб кўриб, Сондра, бу ердаги барча харажатлар у ёқда турсин, агар лозим бўлса қо-

чиб қолишга ҳам бемалол етадиган миқдорда кўп пул берганини сезди. «Қадрлигим! Жондан азиз қизалоғим!» – дея хитоб қилди у ичида. Фусункор, назокатли, сахий Сондрагинам! У шу қадар чинакамига севадики. Аммо у бир кунмас-бир кун анави воқеани эшитса-чи?.. Э, худо-е! Фақат у билсайди... шуларнинг бари уни деб қилиняпти-ку, ахир! Ҳаммаси Сондрани деб қилиняпти! Кейин у Эндрыюни излаб топди-да, таёқчаларни олиб, ул-фатлар ҳузурига қайтиб келди. Ана, Сондра ҳам чиқди. У ўзига қуйиб қўйгандек ярашган, қўлда тўқилган яшил спорт кийимида чопиб келар эди. Хизматкорларга ўхшаб шапкача ва калта оқ кўйлак кийиб олган Жил моторли қайиқ рулида ўтирган Берчард билан нима ҳақдадир ҳазиллашиб, кулар эди. Сондра эса югурганча, Бертина билан Харлей Бэготларга қичқирарди:

- Ҳой, дўстлар! Бизлар билан бормайсизларми?
- Қаёққа?
- «Казино»даги гольф-клубга!
- Йўқ, жудаям узоқ. Нонуштадан кейин соҳилда учрашамиз.

Берчард қайиқни шундай тезликка солдики, у дельфиндек сакраб тушди. Клайд эса атрофидаги барча нарсаларни худди тушида кўраётгандек, гоҳ кайфу сафо ва умидворлик билан, гоҳ қоп-қора даҳшат булути узра кўраётгандек бўлар, шу зулмат ортидан эса, эҳтимол, тўсатдан қамоққа тушиши-ю, қазоси ҳам яқинлашиб келаётгандек туюлар эди!

Аввалги мулоҳазалари ҳам бир четда қолиб, эрта-лаб яшириниш ўрнига ўрмондан чиқиб хатога йўл қўйдим, деб ўйлай бошлади. Аммо, ҳарқалай, энг тўғри йўли шу эди – акс ҳолда неча кун давомида ўрмонда ўтириб, тунлари эса соҳил бўйлаб кетган йўлга чиқарди-да, қоқ Шейронгача пиёда боришга мажбур бўларди. Бунинг учун икки ёки уч кун сарфлаш керак бўларди. Клайднинг кечикканидан ҳай-

рон бўлган Сондра эса ташвишга тушиб Ликуртга қўнғироқ қилиши, натижада Клайд тўғрисида турли гап-сўз, сўраб-суриштиришлар бошланиб, охири ёмон оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин эди...

Аммо бу ерда, чарақлаган мана шу кунда ҳар қандай ташвиш ҳам ортиқчадек туюларди, ҳарқалай, бошқалар бепарво-ку... Клайднинг қалб гўшалари эса муздек, чироқ ёқса ёримайди... Сондра бўлса Клайд ўз ёнидалигидан завқи ошиб, бирдан ўрнидан сакраб турди-да, – қўлидаги оч рангли шарфини худди байроқчадек ҳилпиратиб, яйраб, шўхлиги тутиб қичқирди:

– Клеопатра денгизлар оша суза-суза, пешвоз чиққан... пешвоз... у денгизларда кимни кутаётган эди?

– Чарли Чаплинни, – дея луқма ташлади Тэйлор ва Сондрани кўрқитмоқчи бўлиб қайиқни шиддат билан лопиллатиб ҳайдай бошлади:

– Тентаклик ҳам эви билан-да! – Сондра шундай жавоб қайтарди-ю, мувозанатини сақлаш учун оёқларини кенг-кенг қўйиб олди.

– Йўқ, Берчи, сиз ҳам билмайсиз, – деб қўшиб қўйди яна у. – Клеопатра., ҳмм... биласизми, аквапланда физилаб учиб кетяпти!

У бошини орқага ташлаб, қўлларини ёйиб олди, қайиқ эса ҳамон ҳурккан асов от каби гоҳ ўнгга, гоҳ чапга сапчир эди.

– Берчи, бари бир мени йиқитолмайсиз! Мана кўрамиз! – деб қичқирди Сондра, Берчард бўлса қайиқни журъати етганча у ёқдан-бу ёққа отиб, илон изи қилиб ҳайдар эди, шунда Жил кўрқиб кетганидан бақириб юборди;

– Нима қияпсизлар? Ҳаммамизни чўктириб юбормоқчимисизлар?

Клайд бир сесканиб кетди-ю, яшин теккандай ранги қув ўчди. Бирдан кўнгли айниб, беҳол бўлиб кетди. У бунчалик қийналиб, азоб чекарман, деб

ўйламаган эди сира. Назарида, ҳаммаси хамирдан қил суғургандек силлиққина ўтиб кетаверадигандай эди. Мана, энди бўлса арзимаган, тасодифий бир сўздан ҳам рангида ранг қолмаяпти. Мабодо, бошига оғирроқ иш тушгудай бўлса, унда нима қилади... тўсатдан полициячи изқувар бостириб келиб, кеча қаерда эдинг ва Робертанинг ўлими ҳақида нималарни биласан, деб қолса, нима жавоб қилади?.. Гапидан адашиб, титраб-қақшаб ўтирса, шубҳасиз, оғиз ҳам очолмайди ва сирини ўзи фош этиб қўяди! Йўқ, у ўзини қўлга олиши, ҳеч нарса бўлмагандай ўйнаб-кулиб юравериши керак, жуда бўлмаганда... мана шу бугун, биринчи куни ўшандай қилиши керак.

Яхшиямки, қайиқнинг тез сузаётганига ҳамма маҳдиё бўлиб, ҳаяжонга тушгани туфайли Жилнинг овози Клайдни росмана довдиратиб қўйганини, афтидан, ҳеч ким сезмади, у ахийри секин-секин ўзини қўлга олиб, илгариги хотиржам ҳолича келди. Бу пайтда қайиқ «Казино»га яқинлашгани учун Сондра ҳаммани қойил қолдирадиган бирор-бир ҳунар кўрсатиб саёҳатни яқунламоқчи бўлди-да, бир сакраб бандаргоҳ панжарасини ушлаб олди, тирмашиб юқорига кўтарилди, қайиқ эса шув этиб ўтиб кетди-ю, айлана ясаб, кейин бориб тўхтади. Сондра бу орада Клайдга қараб бахтиёр бир қиёфада жилмайиб қўйди, Клайд эса ўз дилида хуштор, жозибадор, мурувватли, довурак Сондрага нисбатан шиддатли бир талпиниш сизди, Сондранинг табассумига лойиқ бўлиш учун у ўрнидан сакраб турди-ю, Жилга бандаргоҳ зинасидан кўтарилишга кўмаклашиб юборди, кейин ўзини қувнаб ва қизиб кетганга солиб, тез-тез тирмашганча Сондрадан сўнг иккинчи бўлиб юқорига чиқиб олди. Унинг жонланиши сиртдан қараганда қанчалик табиий кўринса-да, аммо аслида шунчалик ясама ҳам эди.

– Қойил! Сиз чинакам гимнаст экансиз!

Кейин, Сондра ўргатиб турса ҳам Клайд тажрибасизлиги ва кўнглидаги оғир ташвиши туфайли гольф майдончасида, ишқилиб, баҳоли-қудрат ўйнай бошлади, Сондра эса иккови яна висол кўришгани ва бирга ўйнаётганларидан қувончи ичига сиймай, ўйин давомида ҳадеб ўпишиш мумкин бўлган серсоя хилватгоҳларга ўтаверар, шу орада Клайдга ўзи, Стюарт, Фрэнк Гарриэт, Вайнет, Фэнт, Берчард ва Вайолет Тэйлорлар, Грэнт ва Бертина Крэнстонлар, Харлей Бэгот, Перли Хейнс ва Жил Трамбаллар биргалашиб азда-базда бир ҳафтага саёҳатга отланаётганларини сўзлаб бера бошлади. Улар эртага кундузи йўлга чиқишармиш, аввалига кўлда моторли қайиқда ўттиз миль йўл босиб, у ёғига – Айиқ кўли деган жойгача эса қирқ миль автомобилда кетишар экан; Айиқ кўли атрофида чодир қуриб, фақат Харлей билан Фрэнкгагина маълум бўлган ғоят гўзал, хушманзара жойларни бирин-бирин байдаркаларда бориб томоша қилишар экан. Кунин янги жойда бўлишар эмиш. Йигитлар олмагон овлашармиш, тушлик тамадди учун балиқ тутишармиш. Ойдинда сайр қилишлар-чи! Айтишларича, ўша ерда меҳмонхона ҳам бор экан, унга қайиқда борса ҳам бўларкан. Улар билан икки ёки уч хизматкор, кейин одоб юзасидан катталардан биронтаси ҳам қўшилиб борармиш. Ўрмондаги сайр-томошалар-чи! Байдаркага тушиб кўлда сайр этиш, соатлаб икки киши танҳо қолиш – севишганлар учун бундан ҳам қулайроқ фурсат топиладими, ахир! Бир ҳафтагача улар ажралишмай, бир-бирларининг дийдорларига тўйишади!

Кейинги кунларда юз берган воқеалар гарчи уни иккиланишга мажбур этган бўлса-да, ҳарқалай Клайд беихтиёр: таваккал, қайтага шулар билан кетганим маъқул эмасми, деб ўйлай бошлади. Сондра, ахир, уни чин юракдан севади, бу тенгсиз

бахт эмасми! Бормаган тақдирида ҳам, хўш, нима қилар эди у? Қайтага бу ердан... бахтсизлик рўй берган мана... шу ердан... шу ердан олислаб кетишига ёрдам беради-ку бу саёҳат. Мабодо, айттайлик, кимдир Клайдга ўхшаш одамни ахтарган вақтида ҳам... уни фалон ердан топамиз ва сўраб-суриштирамиз деб гумон қилишган жойларидан унинг сояси ҳам чиқмайди-ку... Йўлда учраган анави уч киши-чи?

Клайд, кимдандир гумон қилишаётганини аниқ билмагунча бирон ёққа кетиш асло мумкин эмас, деб ўйлади ўша заҳоти. Шу сабабли гольф ўйинидан сўнг, ўзи бир оз танҳо қолган вақтида киоскага бориб газета суриштирди, аммо унга етти-етти яримларгача Утика ва Олбэнидан маҳаллий оқшомги газеталар келмаслигини айтишди. Демак, ўша пайтгача Клайд дунёда нима бўлаётганидан беҳабар қолаверади.

Нонуштадан сўнг чўмилишди, танца тушишди, кейин Клайд Харлей Бэгот ва Бертина билан Крэнстонлар чорбоғига қайтаб келди, Сондра эса Клайд билан кейинроқ Гарриэтларникида учрашишга ваъдалашди-да, Қарағайзор бурунига қараб жўнади. Аммо Клайд шу орада доим: ишқилиб, салгина қулай фурсат топишим билан дарров бориб газета олишим керак, деб ўйлар эди зўр бериб. Агарда у бугун Крэнстонларникидан Гарриэтларникига бораётганида мана шу ерга кириб, ҳамма газеталардан битта-биттадан ололмаса ёки ақалли бир дона ҳам тополмайдиган бўлса, унда эртага Айиқ кўлига жўнашдан аввал, эрталабданоқ яна шу «Казино»га келиб-кетишнинг бирор баҳонасини топиши керак. У албатта газета олиши керак! Чўкиб кетган икки киши хусусида бирор гап бўляптими, – бўлаётган бўлса айнан қандай гаплар бўляпти, қидирув бошландими, у шуларни билиши керак!

Йўлакай, у газета ололмади: ҳали келтиришмабди. Гарриэтларникига кириб борганда у ерда ҳам биронта газетага кўзи тушмади. Аммо орадан ярим соат ўтгач, айвонда ҳамма қатори ўтирганда ва яйраб гаплашаётганда (лекин бари бир унинг хаёли анави воқеадан ҳамон бўшамас эди) Сондра пайдо бўлди-ю:

– Диққат, дўстлар! – дея гап бошлади. – Мен сизларга бир яхшилик топиб келдим! Ё кеча, ё бугун эрталаб Катга мушгир кўлида қайиқ афдарилиб кетибди-да, икки киши ғарқ бўлибди. Менга буни ҳозир Бланш Лок телефон орқали айтди, у бугун Учинчи миль Кўрфазида. Унинг гапига қараганда, қизни топишибди-ю, аммо шеригини ҳали топишолмабди. Улар кўлнинг аллақайси жануброқ қисмида чўкиб кетишибди.

Клайд бир зумда тош бўлиб қотиб, ранги докадек оқариб кетди. Лаблари гезариб, бир нуқтага тикилиб қолган кўзларига рўпарасидаги нарсалар эмас, балки ўша олис кўл қирғоғи, баланд-баланд арчалар ва Робертани ютиб кетган қорамтир сув кўринаётган эди. Демак, Робертанинг жасадини топишибди. Энди Клайд ўйлаганидек, ўзининг жасади ҳам сув тубидалигига ишонишармикин? Бас, гапга қулоқ солиш керак! У, гарчи боши айланиб кетаётган бўлса ҳам тинглашга мажбур.

– Оғир гап! – деди Берчард Тэйлор мандолинани динфиллатишдан тўхтаб. – Бирорта таниш-паниш эмасмикин?

– Бланш, ҳали ҳамма тафсилотларни билганим йўқ, деяпти.

– Ўзи ўша кўл менга сира ёқмас эди, – дея гапга аралашди Фрэнк Гарриэт. – Жуда ҳувиллаган, кимсасиз. Ўтган йили ёзда биз дадам ва мистер Рэндел билан ўша ерда балиқ овлаганмиз, лекин тезда кетган эдик. Ҳаддан ташқари қоронғи жой. Биз у ерда бундан уч ҳафта олдин бўлган эдик.

Сондра, эсингиздами? – деб қўшимча қилди Харлей Бэгот. – Ўша жой сизга ҳам ёқмаган эди.

– Ҳа, эсимда, – дея жавоб қайтарди Сондра. – Жон асари йўқ, ҳувиллаган жой. Ҳайронман, ўша ёққа боришни ким ва нима учун хоҳлабди экан?

– Ҳарқалай, таниш-билишларимиздан бўлмасин-да, ишқилиб, – деди Берчард хаёлга ботиб. – Акс ҳолда, бу воқеа узоқ вақтгача ҳаммамизнинг таъбимизни хира қилиб юриши мумкин.

Клайд ўзи сезмай қоқ-қуруқ лабларини ялади-да, талвасага тушиб ютинди, чунки томоғи қуриб қолган эди. Вайнет Фэнт Сондра гапираётганда аввалига эшитмагани учун:

– Ҳойнаҳой, бу воқеани ҳали ҳеч қайси газета бериб улгурмаган бўлса керак. Ким газета ўқиди? – деб сўради.

– Бирорга ҳам газета йўқ, – деб қўйди Берчард. – Бари бир буни хабарлашга ҳали улгуришолмаган. Бланш Лок ҳозиргина Сондрага телефон орқали айтибди-ку, ахир. Ваҳоланки, у ҳозир ўша ёқларда юрибди.

– Ҳа-я, тўғри.

«Ҳарқалай, Шейронда чиқадиған оқшомги газета – ҳаҳ, нима эди... «Бэннер» эди шекилли?.. Эҳтимол, ўшанда дастлабки маълумотлар бордир? Қани энди бугун биттасини топсам!» – деб ўйлади Клайд.

Шу пайт миясига бошқа бир фикр лоп этиб урилди! Э, худо-е, келиб-келиб энди эсига тушибди-я: изи-чи, изи?.. Қирғоқда лойга изи тушиб қолган бўлса-я? У ўша жойдан тезроқ қочиб кетишга шошилиб, ҳатто орқасига ҳам қайрилиб қарамаган эди. Ахир, изи қолган бўлиши мумкин-ку. Унда шу изидан келаверишади... Анави уч киши учратган одамнинг изи шу, деб келаверишади! Клифорд Голденнинг изи ҳам шу дейишади! Саҳар палласида Клайднинг изғигани... Крэнстонлар автомобилда келгани... Уларнинг чорбоғида эса ҳўл костюми турибди! Борди-ю, кимдир йўқлигидан

фойдаланиб, унинг хонасига кириб, ҳамма нарса-сини титкилаб, тинтиб, ҳаммадан сўраб-суриштириб чиққан бўлса-чи?.. Балки жомадонини ҳам очиб кўргандир? Қандайдир бир полициячи келган бўлса-я! Э, худо! Костюми жомадонидалигини қаранг-а! Нега уни жомадонга солиб, умуман ўзи билан бирга олиб юрибди-а? Аввал бошданоқ уни яшириб ташлаши... жуда бўлмаганда тош бойлаб кўлга отиб юбориши керак эди. Ана шунда сув тубида қолиб кетарди. Шунақанги мушкул аҳволда юрганида нималарни ўйлаб юрибди ўзи? Яна киярман шу костюмни, деган хаёлга бордимиз?

Клайд ўрnidан турди. У ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан чинакамига муз-муз бўлиб кетди, Кўзлари бир дақиқа аллақандай маънисиз тус олди. У кетиши керак бу ердан. У ҳозирнинг ўзидаёқ хонасига қайтиб, костюмини бир ёқдик қилиши... кўлга ташлаб юбориши... уй орқасидаги ўрмоннинг бирор жойига яшириб қўйиши керак!.. Аммо фарқ бўлган икки киши тўғрисидаги сафсатадан кейин бирданига кетвориши ноқулай, қолганлар нима деб ўйлайди?

Йўқ, деди у ичида ўша заҳоти. Вазмин бўл... ҳаяжонланганинингни зинҳор билдирмасликка урин.., пинагинини бузма... чалғитиш учун атайлаб бир-икки оғиз гапириб ҳам қўй.

Ниҳоят, у бор кучини ишга солиб, Сондрага яқин келди-да:

– Оғир гап, шундай эмасми? – деди.

Унинг овози деярли хотиржам эшитилди-ю, бироқ шу асно тиззалари ва қўллари сингари титраб кетиши ҳеч гап эмасди.

– Нимасини айтасиз, – дея жавоб қилди Сондра унга ўгирилар экан. – Шунақа гапларни ўлгудай ёмон кўраман, сиз-чи? Стюарт икковимиз мана шўндай кўлма-кўл сандироқлаганимизда доим оиймнинг юраклари ўйнаб туради.

– Ҳа, хавотир оладилар-да.

Клайднинг товуши гўё ўзига итоат этмай бўғилиб чиқди. Бу сўзларни у эшитилар-эшитилмас, зўрға ғулдираниб гапирди Лаблари эса баттар гезариб, бир-бирига янада маҳкам ёпишган, юзида қон асари қолмаган эди,

– Клайд, сизга нима бўлди? – деди Сондра бирдан, унга диққат билан тикила туриб. – Рангингиз ўчиб кетди! Кўзларингизни қаранг! Нима бўлди? Мазангиз қочдими ёки офтоб таъсир қилдими?

Сондра ўз фикрини синаб кўриш мақсадида бошқаларга разм солиб чиқди-да, кейин яна Клайдга қаради. Клайд, Сондра айтганидек, ҳозиргидай ранги ўчиб ўтирса, бу яхшиликка олиб бормаслигини тушунди-ю, иложи борича ўзини қўлга олишга ҳаракат қилиб:

– Э, ҳечқиси йўқ, – деб жавоб қайтарди. – Ҳойнаҳой, бу офтобдан бўлса керак. Ҳа, ҳа, бу офтобдан, Мен... мен кеча жуда чарчагандим, мана – оқибати. Ҳарқалай, бугун кечқурун келмасам бўлар экан бу ерга. – Кейин куч билан ўзини мажбурлаб, зўр-базўр, аранг кулимсиради.

Сондра эса унга чинакам раҳми келиб тикилганча:

– Менинг митти Клайдийим кечаги ишдан шунчалик чарчаганми-а? – деб шивирлай бошлади. – Қун бўйи биз билан сакрашмачоқ ўйнаб юргандан кўра болакайим буни менга эрталаб айтиб қўя қолса бўлмасмиди? Агар истасангиз, Фрэнкка айтай, ҳозироқ сизни яна Крэнстонларникига олиб бориб қўйсин... Ё бўлмаса сиз унинг хонасига кўтаринг-да, бир оз тиниқиб ола қолинг. Тортинманг, у лом-мим демайди. Мен ундан сўрай бўлмаса, хўпми?

Сондра энди Фрэнкка гапирмоқчи бўлиб турган эди, Клайд унинг сўнгги таклифидан нақ юраги чиқаёзгани ва айни пайтда кетишга ҳам бирор-бир

баҳона топишга тайёр турганидан самимий дилдан, лекин ҳарқалай журъатсизгина сўз қотди;

– Йўқ, илтимос, сўраманг, азизим! Мен... мен ётишни истамайман! Ўтиб кетади ҳаммаси. Агар хоҳлаб қолсам, кейинроқ тепага кўтариларман ёки сиз ҳам бу ерда кўп турмай кетсангиз, мен, балки илгарироқ уйга жўнарман, аммо ҳозир эмас. Хиёл мазам йўкроғу, лекин бу ўтиб кетади.

Сондра унинг ғайритабиий, назарида зарда оҳанги билан гапирганига ҳайрон бўлди-ю, ўша заҳотиёқ кўниб қўя қолди.

– Ҳа, майли, жоним. Ихтиёрингиз. Аммо тобингиз қочаётган бўлса, унда Фрэнкни чақиришимга ижозат этсангиз дуруст бўлар эди, у сизни хонасига олиб чиқиб қўяр эди. Қўрқманг, Фрэнк эътироз қилмайди. Бир оздан кейин – чамаси ўн яримларда мен ҳам хайрлашаман, сўнг Крэнстонларни кичкина икковимиз бирга борамиз. Уйга кетишимдан олдин сизни ўша ерга олиб бориб қўярман, акс ҳолда кимдир кетадиган бўлиб қолса, сиз билан бирга кетишни хоҳлаб қолиши мумкин. Наҳотки, кичкинтойимга менинг режам ёқмаса?

Клайд:

– Яхши, лекин мен фақат у-бу ичиб олай, – деб жавоб қилди.

Сўнгра у Гарриэтлар уйининг кенг ваннахоналаридан бирига кириб олди-да, эшикни қулфлади, ўтириб, тўхтовсиз ўйлай бошлади... Робертанинг жасади топилгани, юзида эҳтимол зарбадан қолган доғлар борлиги, соҳилдаги нам қум ва балчиқда ўзининг изи муҳрланиб қолган бўлиши мумкинлиги... Крэнстонлар чорбоғида турган ҳўл костюми, анави ўрмонда учраган уч киши, Робертанинг жомадони, шляпаси ва пальтоси, ўзининг сувда қолган, тамғаси юлиб олинган шляпаси... шулар ҳақида ўйлади-ю, энди бу ёғига нима қиларман, деб ўзига ўзи савол берди. Хўш, у қандай йўл

тутсин? Нима десин? Ҳозир Сондранинг ҳузурига бориб тезда, қаёққадир кетайлик, деб ялинсинми ёки шу ердан ҳеч ёққа жилмай, яна ғам-андухларга қайта-қайта дучор бўлаверсинми? Эртанги газеталарда нималарни ёзишаркин-а? Нималарни? Нималарни ёзишаркин? Охири бориб-бориб, бу воқеага Клайднинг ҳам алоқадорлигини гумон қилишиб, уни қидириб қолишадиган, шунга шама қилувчи бирор-бир хабар чиқадиган бўлса, унда эртага мўлжалланаётган саёҳатга жўнаши ақдан бўлармикин? Балки олис жойларга қочиб қолган маъқулроқдир? Энди унда бир оз пул ҳам бор. У Нью-Йоркка, Бостонга, Янги Орлеанга кетиши ҳам мумкин – Янги Орлеанда Ретерер бор, ахир... йўқ, йўқ, у ёққа ўлса ҳам бормайди, чунки уни бирортаси таниб қолиши мумкин!..

Э, худо-е, наҳотки шу пайтгача тузган барча режалари шу қадар бемаъни бўлса! Босган ҳар қадамидан хато чиқяпти-я! Бошида ўйлагандаёқ ишни бузмаганмиди ишқилиб? Масалан, шунақанги чуқур жойдан Робертани топиб олишларини у хаёлига ҳам келтирмаган эди-ку? Мана энди қарабсизки, Роберта гўё Клайдга қарши гувоҳлик беришга шошилгандек, биринчи куннинг ўзидаёқ, шу қадар тез топилди-қўйди! Гарчи у меҳмонхонада бошқа фамилия билан ёзилган бўлса-да, лекин йўлда учраган анави уч киши ва кемачадаги қизнинг гапларига қараб туриб, уни осонгина топиб олишлари мумкин-ку, ахир? Шунинг учун ҳар қанча қийналганда ҳам ўйлаб-ўйлаб, чорасини топиши керак! Анави ҳўл костюми туфайли ҳалокатли бирор кор-ҳол чиқмасидан бурун бу ердан тезроқ жуфтакни ростлаши керак.

Уни бирданига яна ҳам кучлироқ ҳолсизлик ва даҳшат қамраб олди-да, Сондра ҳузурига қайтиб бориб, ўзимни чиндан ҳам ёмон ҳис этяпман, агар эътироз билдирмасангиз ва бошқаларни кўндирсангиз, сиз билан бирга уйга қайтишни истар эдим,

демоқчи бўлди. Шу сабабли зиёфат тугашидан анча олдин, соат ўн яримда Сондра, Берчарддан: негадир мазам қочяпти, шунинг учун мени, Клайд ва Жилни уйга ташлаб кединг, деб илтимос қилди, аммо, келишиб олганимиздек, Айиқ кўлига жўнаш учун эртага яна ҳаммамиз йиғиламиз, деб ҳам қўйди.

Клайд хавотирли фикрларга ботиб, эҳтимол бундай вақтли кетаётганим ҳам бу бебош ва ҳалокатли йўлимдаги ҳар бири бадбахт хатоликдан иборат бўлган яна битта одимдир, деган хаёлга борди ва охири моторли қайиққа ўтирди-ю, сал ўтмаёқ ўзини Крэнстонлар чорбоғида кўрди. Қирғоққа тушгач, анча хотиржам оҳангда у Берчард билан Сондрадан узр сўради, кейин хонасига отилиб, костюми илгари қандай қўйилган бўлса, ўшандай жойида турганини кўрди-да, йўқлигида ҳеч ким хонасига кирмаганига ишонч ҳосил қилди. Шунда ҳам у юрагини ваҳима босганча костюмини олди-ю, тугун қилиб боғлади, сўнгра атрофга қулоқ солиб, билинтирмай чиқиб кетиши учун жимлик чўкишини пойлаб бир оз кутиб турди ва уйқудан олдин соф ҳавода хиёл айланмоқчи бўлган кишидай уйдан чиқди. Кўл соҳили бўйлаб тахминан чорак милча нари боргач, оғир бир тошни излаб топди-ю, уни костюмига боғлаб, бор кучи билан қулочкашлаб сувга улоқтирди. Кейин яна жимгина, маъюс ва безовта бир қиёфада хонасига қайтиб келди-да, эртаги кун менга нима олиб келаркин, борди-ю, кимдир келиб, мени сўроқ қилса, нима жавоб бераман... деган чексиз, ғамгин, хавотирли хаёлларга шўнғиб кетди.

VIII БОБ

Клайдни қўрқинчли тушлар (Роберта, уни қамоққа олгани келган кишилар ва шунга ўхшаш нарсалар) билан азобга солган деярли уйқусиз тундан сўнг тонг ҳам отди. Ниҳоят, у ўрнидан тур-

ди: ҳар бир асаби, кўзлари қақшаб оғрир эди. Бир соатлардан кейин пастга тушди-ю, автомобиллардан бирини ҳайдаб чиқаётган Фредерикни (қайси куни уни шу ерга олиб келган ҳайдовчини) кўриб, унга Олбэни ва Утикада чиқадиган ҳамма кундузги газеталардан олиб келишни топширди. Соат тўққиз яримларга яқин ҳайдовчи қайтгач, Клайд газеталарни кўтариб хонасига кирди-да, эшикни қулфлаб, улардан бирини ёзиб кўрган эди, бирдан нига ваҳимали сарлавҳага кўзи тушди:

СИРЛИ ТАРЗДА ҲАЛОК БЎЛГАН ҚИЗ.
КЕЧА УНИНГ ЖАСАДИ АДИРОНДАК
КЎЛЛАРИНИНГ БИРИДАН ТОПИЛДИ.
ҲАМРОҲИНИНГ ЖАСАДИ ЙЎҚ.

Юраги ҳовлиққанидан ранги қув ўчиб, дераза олдидаги стулга ўтирди ва ўқий бошлади:

«Брижбург (Нью-Йорк штати), 9 июль. Кеча тушга яқин Катта мушгир кўлининг жанубий қисмида сувдан номаълум бир ёш жувон чиқариб олинган, тахмин қилишларича, у чоршанбада Ўтлоқзор кўли меҳмонхонасида ўзини «Карл Грэхем рафиқаси билан», пайшанба куни Катта мушгир кўли меҳмонхонасида эса «Клифорд Голден рафиқаси билан» деб ёздирган бир йигитнинг хотини экан. Тўнқарилиб ётган қайиқ билан эркакларнинг похол шляпасини Ҳилол кўлтиғи деб номланган жойдан топишган. Шу боисдан кун бўйи у ерда чангак ва тўрлар ёрдамида қидирув олиб борилган. Аммо кеч соат еттигача ҳам эркакнинг жасади чиқмаган, фалокат юз берган жойга соат иккида чақирилган брижбурглик терговчи Хейтнинг тахминига қараганда, эркакнинг жасадини топишдан умид қилмаса ҳам бўлади. Ўлган жувоннинг юзи ҳамда бошидаги яра ва моматалоқлар, шунингдек, ҳодиса юз берган жойга қидирув давом этаётган пайтда етиб келган уч кишининг гапи,

яъни уларнинг ўтган тунда кўлдан жануброқда, ўрмонда, таърифидан худди ўша Голден ёки Грэхемга ўхшаган бир йигитни учратганлари – кўп кишиларни бу ўринда қотиллик бор ва қотил яширинишга уринмоқда, деб тахмин қилишга мажбур этипти.

Марҳуманинг чарм жомадони Қуролсоз темир йўл бекатида (Катта мушгир кўлининг шарқ томонида, беш миль нарида) сақлаб қўйиш учун топширилган экан, шляпаси ва пальтоси эса Катта мушгир меҳмонхонасида қолдирилгани ҳолда Грэхем ёки Голден бўлса, айтишларича, жомадонини ўзи билан бирга қайиққа олиб борган. Катта мушгир кўли меҳмонхонаси хўжайинининг маълум қилишича, ўша йигит ва жувон ўзларини «олбэнилик Клифорд Голден рафиқаси билан», деб ёздиришган. Меҳмонхонада улар бир неча дақиқа бўлишган; кейин Голден шундоқ меҳмонхона ёнидаги қайиқлар қароргоҳига боргану кичик бир қайиқни ижарага олган ва жомадонини кўтариб, ҳамроҳи билан кўл сайрига жўнаган. Шу-шу улар қайтиб келишмаган, кеча эрталаб эса кўлнинг жанубий қисмидаги Ҳилол кўлтиғи деб номланган, чоғроққина бир кўрфазчада таги устига айланиб тўнкарилиб ётган қайиқни топишган; хиёл ўтмай шу ернинг ўзидан навжувоннинг мурдаси ҳам чиққан. Кўлнинг бу томонида сув ости тошлари йўқлиги, марҳуманинг юзида эса кўкарган жойлари аниқ кўриниб тургани учун ўша заҳотиёқ уни ҳамроҳи нима биландир урган бўлса керак, деган гумон туғилди. Буларга бояги юқорида айтилган уч кишининг гувоҳлиги ҳамда қайиқ яқинидан топилган эркак кишининг похол шляпасидан тамғаси юлиб олингани ва эгаси кимлигини аниқлаш имконини берадиган бошқа биронта белгиси йўқлиги масаласи ҳам қўшилса, агар йигитнинг мурдаси топилмаса, унда мистер Хейт: қотиллик юз берган, деб тахмин қилишга мутлақо ҳақли бўлади.

Ўтлоқзор ва Катта мушгир кўллари меҳмонхоналари хўжайинлари ҳамда ижарачиларининг таърифига қараганда, Голден ёки Грэхем – йигирма тўрт-йигирма бешлар атрофидаги хушқомат, қорачадан келган, бўйи беш футу саккиз ёки тўққиз дюймдан ошмайдиган йигит экан. У оч кул ранг костюм, жигар ранг ботинка ва похол шляпа кийган, қўлидаги жигар ранг жомадонига соябон ва яна алақандай бир буюм, эҳтимол ҳассами, боғлаб қўйилган экан.

Ёш жувон меҳмонхонада қолдирган шляпа тўқ жигар рангда, пальтоси оч жигар рангда, кўйлаги эса тўқ ҳаво рангда эди.

Голден ёки Грэхем агар тирик юриб, яширишни мўлжаллаётган бўлса, уни ушлашлари учун шу атрофдаги барча темир йўл бекатларига унинг изланаётгани тўғрисида хабар юборилди. Фарқ бўлган жувоннинг жасади округнинг бош шаҳри бўлмиш Брижбургга элтилади ва бундан кейин тергов ўша ерда олиб борилади».

Клайд вужуди музлаб, гунг бўлиб ўтирганча ўй ўйлашдан бўшамасди. Яна шундоқ бурунларининг остида бу даражада разил қотиллик қилинган (одамларга шундай туюлса керак), ҳойнаҳой, кишилардаги ҳаяжонни баттар кучайтириши, кўпчилик, ҳатто шу атрофдаги барча халойиқ газетада белгилари эълон қилинган жиноятчини топиш мақсадида энди ҳар бир учраган одам ва ўтган-кетганга ҳам синчковлик билан разм солиб чиқишлари турган гап эди. Аммо, модомики, улар деярли Клайднинг изига тушишган экан, демак, у шу ерлик ёки Катта мушгирдаги маъмурларга мурожаат этиб, ҳаммасини бошдан-оёқ холисанилло сўйлаб бергани маъқул эмасми, ўзи тузган дастлабки режасидан бошлаб, шу оқибатга олиб келган сабаблар тўғрисида дейсизми, ҳарна бўлганда ҳам у Робертани ўлдирмагани, чунки сўнгги дақиқа-

ларда қалбида кескин ўзгариш юз бергани ва у ўзи ният қилган ишни бажаролмайдиган ҳолатга тушиб қолгани дейсизми.., шуларни бир бошдан тушунтириб бергани маъқул эмасми? Йўқ, алҳазар, унда бу, Роберта иккалови ўртасидаги саргузаштларни Сондра ва Грифитсларга бошдан-охир фош этиб қўяди-ку, ахир, устига-устак, у ҳали бу ердан бутунлай умидини узмай туриб шундай қилса ақлдан эмас. Ўзи-ку, бир ёқда қочиб юрган бўлса, бир ёқда Робертанинг юзидаги жароҳатларни ҳикоя қилубчи анави маълумот эълон қилинган бўлса, бу вазиятда унинг гапларига ким ҳам ишонарди? У ҳар қанча чираниб, бегуноҳлигини тушунтиргани билан ҳамма нарса уни қотил деб кўрсатиб турибди-ку, ахир.

Эҳтимол, уни кўрган айрим кишилар, гарчи, у ҳозир кулранг костюм ва похол шляпада бўлмаса ҳам, газетада босилган белгиларга қараб туриб таниб қолишлари мумкин. Уни, тўғрироғи у эмас, балки унга ўхшаган Клифорд Годден ёки Карл Грэхемни излашяпти, қотиллигини бўйнига қўйиш учун излашяпти! Аммо Клайд худди Голденнинг ўзгинаси-ку, ахир, тагин лоп этиб анави уч киши келиб қолса-я? Клайдни қалтироқ босди. Бу ҳам етмагандай, тўсатдан яна бир даҳшатли фикр – Голден ва Грэхемларнинг исм-фамилиялари ўзиникига ўхшаш ҳарфлар билан бошланганлиги ёдига тушди (бу фикр шу аснода биринчи бор миясига худди чақиндек урилди). У бунга аввал эътибор ҳам бермаган экан, аммо энди, келиб-келиб шу нарса уни барбод қилиши мумкинлигини англаб етди. Илгари нега у бирон марта ҳам шуни ўйламаган экан-а? Нега? Нега? Эй, худо-е!

Айни шу пайтда уни Сондра телефонга чақириб қолди. Бу – Сондра, деб айтишди унга. Клайд энди ҳар нима бўлганда ҳам амаллаб ўзини қўлга олиши, ақалли мундай бир майинроқ гапира билиши лозим эди.

Хўш, унинг Миттивойи эрталаб ўзини қандай ҳис этипти? Анча тузалиб қолдими? Кеча унга туйқусдан қандай бир ярамас касаллик ёпишди-а? Ҳозир у энди ўзини қушдай сезаётгандир, шундай эмасми? Ҳамма қатори саёҳатга ҳам бора олса керак? Э, қойил, гап мана бундоқ бўпти! Сондра бўлса шунчалик кўрқиб кетдики, агар Клайд кўрпа-тўшак қилиб ётиб олса, саёҳатга чиқолмай қолади, деб тун бўйи безовталаниб чиқди. Аммо у боради, демак – ишлар яна беш бўлади. Жоним! Жондан азиз кичкинам! Кичкинтой Сондрани севади-а? Жудаямми? Бу саёҳат Клайд учун ғоятда фойдали бўлади, деб Сондра қатъий ишонади. Эрталабки вақти бутунлай йўлга отланиш билан банд бўлади, бироқ соат бир ёки бир яримларда «Казино» ёнидаги бандаргоҳда ҳамма тайёр туриши керак. Ана шунда – оҳ, айтишга тил ҳам лол! У ерни бамисоли жаннат дейиш мумкин! Клайд Бертина, Грэнт билан ва Крэнстонлар чорбоғидан жўнай-диган бошқа ҳамроҳлар билан бирга келади-ю, бандаргоҳда Стюартнинг моторли қайиғига ўтиб олади. Шубҳасиз, ҳаммамиз роса маза қиламиз, жудаям маза қиламиз, лекин ҳозирча Сондранинг вақти зикроқ! Хайр, кўришгунча хайр!

Кейин у саъва каби йилт этди-ю, ғойиб бўлди.

Аммо кутиши керак: Клайд яна уч соатдан кейингина бу ердан жўнаб кетиши ва шундай қилиб Клифорд Голден ёки Карл Грэхемни излаб юрган бирортасига дуч келиб қолиш хавфидан қутулиши мумкин! Балки ҳозирча у соҳилда айланиб юрсинми, ўрмонга кириб кетсинми? Ёки жомадонини йиғиштирганча пастга тушиб ўтириб, шосседан чорбоққа қараб келадиган илон изи узун йўлдан ким кўринганини ёки кўлдаги қайиқларни кузатиб турсинми? Мабодо, агар сал шубҳали бирон кимса кўринадиган бўлса, ҳали қочиб улгуриши ҳам мумкин... У худди шундай қилди ҳам: авва-

лига бамисоли яраланган йиртқичдек ҳар томонга олазарақ қараб, ўрмонга кирди; кейин чорбоққа қайтиб келиб, шу ерда ҳам гоҳ ўтириб, гоҳ олд ва орқага юриб, ҳар дақиқада теварақда нима бўлаётганини хавотир билан қузатиб турди. (Анави киши ким? Хув анави қайиқ кимники бўлди? У қаёққа кетяпти? Бу ёққа қараб келмаяптимикин? Унда ўтирган кимийкин? Тагин полиция... изқувари бўлса-я? Унда ҳалиям вақт ғаниматлигида... сўзсиз, қочиб қолиш керак.)

Мана, ниҳоят, уч соат ҳам ўтиб кетди ва Клайд Бертина, Грэнт, Харлей ва Вайнетлар билан биргаликда Крэнстонларнинг моторли қайиғида «Казино» ёнидаги бандаргоҳга қараб йўл олди. Бандаргоҳда уларга саёҳатга отланган бошқа улфатлар ва хизматкорлар ҳам қўшилишди. Шимол томонга қараб ўттиз миль юрилгач, шарқий соҳилдаги Балиқчилар кўрфазида уларни Гарриэтлар, Бэготлар ва яна бошқа аллакимларнинг автомобиллари кутиб олди ва ғамлаб қўйилган барча ашқол-дашқоллар-у байдаркалари билан қирқ миль шарқ томонга – Айиқ қўлига олиб кетишди, бу кўл ҳам хунуклиги ва ҳувиллаганлиги жиҳатидан деярли Катта мушгир қўлига ўхшар эди.

Агар анави воқеа елкасида тоғ бўлиб турмаганида, бу саёҳат Клайдга олам-олам қувонч бахш этиши аниқ эди! Сондранинг нигоҳи қалбидаги оловли муҳаббатини изҳор қилиб турган пайтда унинг ҳузурда бўлиш Клайд учун чинакам бахт эди. Ёнида Клайд борлигидан Сондра ҳам шу даражада яйраган ва жонланиб кетган эдики, нақ ўзини қўйишга жой тополмасди. Лекин, ҳар ҳолда Робертанинг жасади топилганини қаранглар-а! Мана энди Клифорд Голден – Карл Грэхемни излашяпти. Телеграф ва газеталар орқали ташқи белгиларини ҳамма ёққа хабарлаб ҳам улгуришибди. Қайиқ ва автомобилларда ўтирган манави ул-

фатлар ҳам ўша белгиларни билишлари эҳтимолдан узоқ эмас. Аммо улар Клайднинг Сондра ва Грифитслар билан муносабатини билганлари учун ундан шубҳа ҳам қилишмаяпти, бояги белгилар эса ҳеч бирининг хаёлига ҳам келмайди. Борди-ю, ўйлаб қолишса-чи? Борди-ю, билиб қолишса нима бўлади? Э-эй даҳшат! Қочоқлиги! Фош этилиши! Полиция! Уларнинг ҳаммаси, эҳтимол, Сондрадан бошқаси биринчи бўлиб ундан юз ўгиришади. Йўқ, Сондра ҳам юз ўгиради. У ҳам даҳшатдан кўзлари чақчайганча... сўзсиз, ундан юз ўгириб кетади...

Ўша оқшомнинг ўзида, кунботар пайти ҳамма улфатлар Айиқ кўлининг ғарб қирғоғидаги худди қайчилангандек теп-текис, кенг майсазорга жойлашдилар; гулхан атрофидаги бешта хилма-хил чодир эса бамисоли ҳинд қишлоқларини эслатар эди; ошпаз ва хизматкорлар турадиган чодирлар сал нарироққа ўрнатилган, кўкатлари ўсиб кетган соҳилда ётган олтига байдарка гўё сувдан чиқариб олинган олабуға балиқларига ўхшар эди. Кейин гулхан теварагида ўтириб овқатланишди. Таомдан сўнг бошқалар танца тушишаётган пайтда Бэгот, Гарриэт, Стюарт ва Грэнтлар янгича қўшиқлардан куйлай бошлашди ва охири каттакон керосин чирокнинг пилигини баланд кўтариб, қарта ўйинига тушиб кетишди. Қолганлар эса лагербоп ва студентча шўх қўшиқлардан хиргойи қила бошлашди; Клайд бу қўшиқларнинг биронтасини билмаса ҳам жўр бўлишга уринарди. Аллакимлар қаҳ-қаҳ уриб яйраб-яйраб кулишарди. Айримлар эса: биринчи балиқни ким тутишга, биринчи олмахон ёки какликни ким отишга, биринчи пойгада ким голиб чиқишга бас бойлашишарди. Ниҳоят, эртанги кун режаси ҳам тантанавор тарзда муҳокама этилди: эртага нонуштадан сўнг лагерни камида яна ўн милча шарқроққа кўчирадиган бўлишди, у ерда жуда ҳам зўр бир пляж бор, ундан беш миль

нарида эса «Дурагай» меҳмонхонаси жойлашган, ўша ерда овқатланиб, ҳолдан тойгунча танца тушишимиз ҳам мумкин, дейишди улар.

Эҳ, ҳаммаданам бу лагернинг тунги, ҳамма уйкуга чўмган пайтдаги осойишталиги ва сулувлигини айтмайсизми. Юлдузлар! Қорамтир, сирли товланаётган сув сатҳи сезилар-сезилмас мавж билан қопланган сеҳрли, қорамтир арчалар гир-гир шабадада бир-бирлари билан шивирлашади, тунги қушлар ва бойўғлиларнинг қичқириқлари ҳам Клайдни борган сари баттарроқ ваҳимага солар ва у тун зулматига офир андуҳ ила қулоқ тутар эди. Агар... агар уни тобутдан чиққандек мана шу даҳшат, яъни Робертага қилган ёмонлигинина эмас, балки уни қотил, деб айблаётган шафқатсиз қонун қудрати таъқиб остига олмагандами, унда бу жойларнинг хуш табиати Клайд учун қанчалар ажиб ва бамисоли жаннатдек кўринган бўлар эди!.. Бир хиллар ўз ўрнига ётиб, бир хиллар эса қоронғилик қаърига яширинган бир пайтда, Сондра юлдуз живир-живири остида Клайд билан бир-икки офиз гаплашиб олиш ва ўпишиш мақсадида секингина чодирдан чиқди. Клайд Сондранинг қулоғига ўзининг чексиз миннатдорлиги, унинг севгиси ва ишончини қозонолганидан бахтиёрлигини айтиб шивирлайди ва у бир кун келиб менинг бу даражада, ҳозир сиз ўйлаётгандек олимистер эмаслигимни билиб қолсангиз, ўшанда қитгай бўлса ҳам яна мени севасизми... нафратланмайсизми... деб сўрашга ҳам тайёр. Лекин Сондра унинг ҳозирги кайфиятини кечаги аҳволига солиштириб кўришидан (ахир у, кеча кечқурун чинакамига васвасага тушган эди-ку!) ва Клайднинг қалбини кемираётган даҳшатли, ҳалокатли сирдан воқиф бўлиб қолишидан кўрқиб, ўзини гапдан тийди.

Сўнгра у Бэгот, Гарриэт ва Грэнтлар билан бир чодирга кириб, ўз ўрнига чўзилди-ю, шунда ҳам

ваҳимага тушганча, ташқарида тик этган товушга соатлаб қулоқ солиб ётди: тагин бу пусиб келаётган бирон кимсанинг қадам товуши бўлмасин... унда... унда бу Клайд учун – адолат суди, ҳибс, фош бўлиш ва ўлим билан баб-баробар эди – э, худо-е! Клайд шу кеча қўрқинчли, гўё жон олғувчи тушлардан икки марта чўчиб уйғониб кетди – назарида уйқусида қичқиргандек ҳам бўлди (энг ёмони мана шу эди).

Аммо кейин яна тонг жилвалари, қўл узра кўтарилаётган сап-сариқ қуёш соққаси, нариги соҳилдаги қўлтиқчада ёввойи ўрдакларнинг шалоп-шалопи... Бир оздан сўнг Грэнт, Стюарт ва Харлейлар ярим яланғоч ҳолда байдаркаларга ўтириб, қўлларида яроғ, худди эски овчилардек олисдаги ўша ўрдаклардан иккитагинасини отиб келиш умидида йўлга тушишди, лекин қуп-қуруқ қайтишгач, қолганлар қийқириқ-сурон кўтариб уларни мазах қилишди. Кейин чўмилганда тақиладиган ялтироқ кийимлари устидан шойи халатларини ташлаб олган йигит ва қизлар шўхлик билан соҳилга югуриб келиб, яна қийқириқ-сурон ила ўзларини сувга отишди. Соат тўққизда нонушта қилинди, шундан сўнг шод-хуррам, ранго-ранг байдаркалар флотилияси гитара, мандолина ва банжо¹ товушлари... ҳамда қўшиқ, ҳазил-мутойиба ва ўйин-кулгилар билан кунчиқар тарафга қараб йўл олди.

– Менинг миттигинамга яна нима бўлди? Жуда қовоқлари солиқ. Наҳотки бу ерда Сондра ва бу ажойиб болалар билан ҳеч яйрай олмаса?

Шундагина Клайд бирдан ўзини қувноқ ва ташвишсиз тутиши лозимлигини пайқаб қолди.

Тушга бориб Бэгот, Грэнт ва Гарриэтлар, ўзлари ҳозир йўл олган олдиндаги сулув қирғоқ – Рамсхорн бурунига жуда оз масофа қолганини айтишди; у ерда қоя тепасидан бутун қўл худди

¹ Банжо – мусиқа асбоби. (Таржимон.)

кафтдагидек якқол кўриниб турар экан, соҳилда эса чодир тиклаш ва саёҳатчиларнинг бошқа ашқол-дашқоллари учун ҳам қулай жойлар кўп экан. Хуллас, бу жазирама, серфайз якшанба кунини ҳам одатдагидек хушнуд ўтказиш мўлжалланган эди: нонушта, чўмилиш, танца, сайр-томоша, қарта ўйини, мусиқа. Кейин Клайд билан Сондра бошқа жуфтларга ўхшаб, сездирмайгина – Сондра мандолина кўтариб олган эди – лагердан кунчиқар томонга қараб анча олислаб кетишди-ю, қоя остидаги пастқам бутазорлар орасига киришди. Гарчи Сондранинг сўзига қараганда, миссис Финчли бундан буён ўз қизининг Клайд билан, масалан, мана шу саёҳат пайтидагига ўхшаш яқин муносабатда бўлишини ёқтирмайроқ гапирган бўлса-да, бари бир улар ҳозир арчалар соясида ётиб олиб – Сондра эса Клайд оғушига кўмилган эди – ўзлари-ча истиқбол режаларини тузишарди. Клайд Гриффитсларга қариндош бўлгани билан ниҳоятда камбағал, назардан четда қолган бир одам, Сондра онасининг ўғитларини Клайдга тағинам анча юмшатиброқ гапириб берар экан, охирида қўшиб қўйди:

– Бу кулгили гап, жоним! Сиз буни унчалик кўнглингизга олманг. Мен ҳам бир оғиз гап қайтармай, фақат кулиб қўя қолдим, чунки ойимни ҳозир хафа қилишга юрагим бетламайди. Лекин шунга қарамай, Клайдни саёҳатда ва бошқа жойларда учратиб қолсам, ундан қандай қилиб ўзимни олиб қочаман, деб таъна қилиб ҳам қўйдим, тўғрими, ахир, энди сиз ҳамманинг оғзига тушган одамсиз, сизни ҳамма жон-жон деб меҳмонга таклиф этади. Менинг жоним – шунақанги барно йигитки! Ҳамма шундай дейди, ҳатто йигитлар ҳам.

Бу пайтда прокурор Мейсон, унинг ёрдамчиси Бэртон Бэрлей, терговчи Хейт, Эрл Ньюком ва серважоҳат шериф Слэк (у семиздан келган одам бўлиб, одатда улфатчилик вақтида ўзини анча

хушчақчақ тутишига қарамай, ҳозир қовоғи солиқ эди) ва унинг уч ёрдамчиси – Краус, Сиссел ва Суэнклар Шейрондаги «Кумуш ёғду» меҳмонхонасининг пешайвонида ўтириб, жиноятчини қандай қилиб тезда, осонгина ва сўзсиз қўлга тушириш хусусида кенгашмоқда эдилар.

– У Айиқ, кўлига кетибди. Биз дарров изидан тушиб, қидираётганимиз тўғрисидаги миш-мишлар қулоғига бориб етгунча, таппа босишимиз керак.

Улар йўлга чиқишди. Бэрлей билан Эрл Ньюком бутун Шейронни айланиб, Клайднинг бу ерга келиши ва жума куни Крэнстонлар чорбоғига кетганлиги ҳақида иложи борица яна янги маълумотлар тўплашга ҳаракат қилишди; улар Клайднинг қаёққа қараб жўнаганидан хиёл бўлса-да бохабар одамларнинг кўпи билан суҳбатлашиб, гувоҳлигини олишди ва уларга судга чақирув қоғозларини ҳам тақдим этишди. Хейт ҳам худди шундай топшириқ олди-ю, Учинчи миль Кўрфазига қараб йўлга чиқди: у «Оққуш» капитани Муни ва Клайдни ўрмонда учратган уч кишини сўроқ қилиши лозим эди, Мейсон эса шериф ва унинг ёрдамчилари ҳамроҳлигида атайлаб ёллаб олинган тезюарар кемачага тушиб, яқиндагина саёҳатга жўнаб кетган ёш улфатлар изидан таъқиб эта бошладилар: улар аввалига Балиқчилар кўрфазига боришлари, агар издан чалғимаган бўлсалар, кейин Айиқ кўлига ўтишлари зарур эди.

Душанба куни эрталаб, улфатлар Рамсхорн бурунида тўхтаган жойларидан қўзғалиб, Шелтер-Бичу томонга (шарққа қараб ўн тўрт миль йўл босилади) силжиган пайтларида Мейсон билан Слэк ва унинг учала ёрдамчиси яқиндагина лагерь кўчиб кетган ўша ерга етиб келишди. Шу жойда шериф билан Мейсон ўзаро маслаҳатлашиб олдилар-да, отрядни уч гуруҳга бўлишди: ерлик кишилардан байдаркалар топишгач, Мейсон ва шерифнинг биринчи ёр-

дамчиси Краут жанубий соҳил бўйлаб, Слэк билан иккинчи ёрдамчи Сиссел шимолий соҳил бўйлаб сузиб кетишди, Суэнк исмли ҳали гўргина йигитча эса жиноятчини шарт тутиб, қўлига кишан солиш иштиёқида ёниб, бир ўзи кўл ўртасини қоқ кесиб шарққа қараб сузиб кета бошлади, у гўё яқка юрган овчи ёки балиқчига ўхшаб кўринса-да, аммо шу яқин ўртада, соҳилда сирни ошкор этиб қўювчи тутун-путунми, ёки чодирми ёки дам олиб юрган бекорчи одамларми – ишқилиб биронтаси кўриниб қолмасмикин, деган умидда зийраклик билан теварак-атрофни кузатиб борарди. Ҳаттоки у хаёлида: «Клайд Грифитс, сиз қонун номи билан қамоққа олиндингиз!» – деганча жиноятчини қўлга туширгандек ҳис этарди ўзини, аммо бахтига қарши, Мейсон ва Слэк уни шунчаки бир айфоқчидек олдинга жўнатишган эди. Шу сабабли у биронта шубҳали нарсани учратгудек бўлса, ўлжани қўрқитиб ва қочириб юбормаслик учун ўша заҳотиёқ орқасига қайтиши, жиноятчи эшитмайдиган жойга келгандан сўнг эса ўзининг саккиз ўқли револьверидан атиги бир мартагина ўқ узиши керак эди. Ана шунда отряднинг шу яқин орадаги гуруҳи ҳам бир марта ўқ узиб жавоб бериши ва у ерга иложи борича тезроқ етиб келиши лозим эди. Агар Клайдга ўхшаган ўша шубҳали шахс майли, пиёдами ёки қайиқдами, ишқилиб қочиб кетишга уринаётган бўлмаса, унда Суэнк ҳар қандай шароитда ҳам жиноятчини бир ўзи тутишга асло ҳаракат қилмаслиги зарур эди.

Клайд эса айни шу аснода Харлей Бэгот, Бертина ва Сондралар билан бир байдаркада ўтирганча ҳамма улфатлари қатори кунчиқар томонга қараб аста-аста сузиб кетмоқда эди. У ора-сира орқасига олазарақ қараб қўяр: мабодо маъмурият одамларидан биронтаси Шейронга етиб келиб, энди изимиздан тушган бўлса-я, деб ўзига-ўзи тўхтовсиз

савол берарди. Агар унинг исмини билиб олишса-ю, унда қаёққа қараб кетганини суриштириб аниқлаш унчалик қийин ҳам эмас, шундаймасми?

Бироқ улар исмини билишмайди-да. Буни газетадаги хабарлар ҳам айтиб турибди. Шунинг учун айниқса ҳозир, мана шундай ажойиб бир саёҳат пайтида, Сондра билан ёнма-ён кета туриб, ниҳоят яна у билан висолга эришган бир вақтида бўлар-бўлмасга хавотирланавериши унчалик тўғримас, ахир! Бундан ташқари, у мана шу кимсасиз ўрмон ичидан соҳил ёқалаб шарққа қараб юриб, нариги томондаги анави меҳмонхонагача бориши, кейин қайтиб келмай қўя қолиши ҳам мумкин-ку? У шанба куни кечқуруноқ Харлей Бэгот ва яна бошқа улфатларидан, кўлнинг кунчиқар томонидан жануб ёки шарқ тарафга кетадиган йўл йўқмикин, деб шунчаки сўраб ҳам қўйган эди, ўшанда улар ҳа, бор, деб жавоб беришган эди.

Ниҳоят, байдаркалар тўдаси душанба куни тушга яқин саёҳат мутасаддилари танлаган учинчи тўхташ жойи – хушманзара Шелтер-Бичуга ҳам етиб келди. Клайд чодир қураётганларга кўмаклаша бошлади, атрофидаги қизлар эса шўхлик қилишга ўтишди.

Бу пайтда ёш изқувар Суэнк Рамсхорндаги лагерда ёқилган гулхан кулларига кўзи тушиб қолди-ю, худди из ҳидини олган йиртқичдай шоша-пиша, ичи қизиб соҳилга чикди ва улфатлар тўхтаб ўтган жойни кўздан кечиргач, яна зудлик билан қайиғини ҳайдаб кетди. Орадан бир соатлар ўтганда теварак-атрофни синчиклаб кузатиб бораётган Мейсон ва Краутлар ҳам шу ерга етиб келишди; аммо улар бир қарашдаёқ ўлжалари бу жойдан ҳам силжиб кетганини дарров пайқашди.

Бироқ Суэнк эшкакка зўр бераверганидан, соат роппа-роса тўртда Шелтер-Бичуга етиб келди. Чўмилаётган олтитача кишини узоқдан кўра солиб, шартлашиб олинганича хабар бериш мақсадида

ўша заҳотиёқ орқасига қайтди. Икки милча нарига бориб, ўқ узди. Икки марта жавоб ўқи янгради: чунки Мейсон ҳам, Слэк ҳам Суэнкнинг хабарини эшитиб, энди иккала гуруҳ шитоб билан кунчиқар томонга қараб сузиб келишмоқда эди.

Сондра билан ёнма-ён сузиб бораётган Клайд ўқ овозларини эшитди-ю, бирдан юрагини ваҳима босди. Биринчи ўқ ванғиллаганда у шунчалар даҳшатга тушдики! Сўнгра яна икки марта ўқ узилди – кейинги овоз қаердандир, олисдан келса ҳам, ҳарқалай, биринчисига жавоб тарзида отилди, шекилли. Шундан сўнг юракни эзувчи оғир жимлик бошланди. Нима бу ўзи? Устига-устак, Харлей Бэгот ярага туз сепгандай:

– Эшитяпсизларми, отишяпти! Ҳозир ов мавсуми эмас! Булар тартиббузарлар! – деб луқма ташлади.

– Ҳой, оғайнилар! – деб қичқирди Грэнт Крэнстон. – Булар менинг ўрдакларим! Уларга тега кўрманглар!

– Грэнт, агар улар сендақа отаётган бўлишса, хотиржам бўл, ўрдакларга бало ҳам урмайди, – деб узиб олди Бертина.

Клайд зўрма-зўраки илжайди-ю, ўқ овози келган томонга аланглаб қаради ва худди қўрага қамалган жонивордек қулогини динг қилди.

Қандай бир кучки, уни сувдан чиқиб, кийиниб, қочиб қолишга ундаяпти-а, ҳадеб? Шошил! Шошилсанг-чи! Чодирга қараб чоп! Ўрмонга югур! Тез! Охири у шу овозга қулоқ солди-ю, унга қарамай туришган бир пайтни пойлаб туриб, шоша-пиша ўз чодирига кирди, кейин либосини алмаштириб, одми ҳаво ранг костюмини кийди-да, шапкасини олди, бегона кўз ва қулоқлардан холи жойда ҳаммасини бир бошдан ўйлаб, бир қарорга келиш мақсадида лип этиб лагерь орқасидаги ўрмонга кириб кетди. Нима сабабдан... нима са-

бабдан... йўқ узилганига боши қотиб, ваҳимага тушиб, у тобора соҳилдан ичкарироққа кириб борарди, чунки кўлдан туриб биронтаси кўриб қолиши мумкин, деб қўрқарди у.

Аммо Сондра-чи! Унинг шанба куни, кеча ва бутун айтган ширин-шакар сўзлари-чи... Ахир, Клайд, ўзи чиндан ҳам хавф остидами ёки йўқми – бунини аниқ билмай туриб, Сондранини мана шундай ташлаб кетавериши тўғрими? Эҳ, унинг бўсалари-чи! Кишига лаззат бахш этувчи ваъдалари, келажакка аталган режалари-чи! Клайд шу кетганча дом-дараксиз кетса, Сондра, қолаверса, бошқалар ҳам уни нима деб ўйлашади? Ер ютгандек бирдан йўқолиб қолганини Шейрондаги ва шу атрофдаги бошқа газеталар ҳам сўзсиз илиб кетишади, кейин унинг Клиффорд Годден ва Карл Грэхемлигини осонгина билишади-қўяди, хўш, шундай бўлмайдимиз, ахир?

Сўнгра у, бор-йўғи ўрмон ёки кўлда юрган ўткинчи овчиларнинг ўқиғига инониб, эҳтимол, бекор ваҳимага тушаётгандирман, деб ўйлай бошлади. У, қочиб кетсаммикан ёки қолайми, деган масалада ўзи билан ўзи баҳслашиб, ўзини ўзи пайсалга сола бошлади. Анави баланд-баланд, азамат дарахтларнинг улуғвор осойишталигини айтинг, ер бағирлаб ўсган жигар ранг игна баргли дарахтларнинг гилам-гилам барглари босганда қадам товушлари мутлақо эшитилмайди, анави қалин бутазорлар орасига кириб яширинганча қоронғи тушишини бемалол пойлаб ётиши ҳам мумкин! Ундан у ёғига эса – олға, олға... Лекин шунга қарамай, у бирор-бир бегона одам келган-келмаганлигини билиш мақсадида орқага, лагерь томонга бурилади. (У, бир оз ўрмонни айланмоқчи эдим, адашиб қолдим, деб баҳона қилса ҳам бўлади.)

Тахминан шу пайтнинг ўзида лагердан ғарброқда, икки милча нарида Мейсон, Слэк ва бошқа қолганлар ҳам бир ерга тўпланишди-ю, дарахт-

лар панасига беркинганча ўзаро маслаҳатлашиб олишди. Натижада, Клайд ҳали имирсилаб, ҳатто яна лагерга қайтай деб турганида Мейсон билан Суэнк байдаркаларида соҳилдаги ёшлар томонга сузиб боришди, кейин Мейсон бу ерда мистер Клайд Грифитс йўқми, уни кўрсак бўладими, деб сўради.

Ҳаммадан кўра яқинроқда турган Харлей Бэгот:

– Ҳа албатта. У шу ўртада, шу яқин ўртада, – дея жавоб берди.

Стюарт Финчли бўлса:

– Ҳ-ой, Грифитс! – деб қичқирди.

Лекин ҳеч ким жавоб қайтармади.

Клайд қирғоқдан анча олислаб кетган, шунинг учун ҳам Стюартнинг овозини эшитиши мумкин эмасди, лекин у бари бир гарчи секин ва эҳтиёткорлик билан бўлса-да, лагерь томонга қайтаётган эди. Мейсон эса, Клайд шу яқин ўртада ва у, шаксиз, шубҳа ҳам қилмаётир, деган хулосага келиб, бир оз кутишга аҳд қилди. Лекин шунда ҳам у Суэнкка ўрмон ичкарасига кириб, агар у ерда фавқулудда Слэкни ёки изқуварлардан бошқа биронтасини учратиб қолса, бир кишини шарқий соҳилдан, иккинчи кишини эса ғарбий соҳилдан жўнатиш зарурлигини айтишни топширди; Суэнкнинг ўзи эса кўлнинг кунчиқар томонида жойлашган меҳмонхонага қайиқда бориб, у ердаги ҳамма одамларни, шу атрофда қотилликда айбланаётган бир кимса юрибди, деб огоҳлантириб қўйиши керак.

Клайд эса бу пайтда улардан атиги уч чақиримча шарқроқда келаётган эди, кўнглида нимадир унга ҳамон: «Қоч, қочсанг-чи, вақтни бой берма!» дея тайинларди-ю, аммо у шунда ҳам пайсалга солиб: «Сондра! Бу роҳат-фароғатли ҳаёт! Наҳотки шуларни ташлаб кетаверсам?» – деб ўйлар эди. Агар кетсам, бу – қолишимдан ҳам кўра баттарроқ хатолик бўлса керак, деди у ўзига ўзи. Борди-ю,

бояги қарсиллаган товушлар мутлақо аҳамиятсиз – овчиларнинг шунчаки ёввойи паррандаларга қарата отган ўқлари бўлса-чи, шуни деб у ҳамма нарсадан ажралиши керакми? Аммо шунга қарамай, у яхшиси ҳозир бормаганим маъқул, ҳарқалай, қоронғи тушгунча кутиб, бу ғалати ўқ товушлари нималигини билиб олишим керак, деган фикрни ҳаёлидан ўтказди-ю, тагин орқасига қайтди.

Кейин яна тўхтаб, атрофга журъатсизгина қулоқ солди: ўрмон қушчалари чирқиллашар эди. У қалин чангалзорликларга хавотир аралаш олазрак қарай бошлади.

Шу пайт бирдан элик қадамча нарида, атрофини қатор азим дарахтлар қуршаб олган узун йўлқадан баланд бўй, чакак соқолли ва ўткир, синовчан нигоҳли қотма бир одам овоз чиқармай, тез-тез Клайд томонга юриб кела бошлади (кўринишидан у чинакам ўрмон кишиларини эслатар эди); бошида жигар ранг намат шляпа, ориқ гавдасида эса оқариб кетганидан ранги қандайлигини ажратиб бўлмайдиган қопдай кенг костюм. У тўсатдан:

– Бир оз сабр қилсинлар, мистер! Ўрнингиздан жилманг! Исми шарифлари мабодо Клайд Грифитс эмасми? – деб қичқирганда, қичқириқ зўридан даҳшатга тушган Клайднинг бутун вужуди музлаб, турган ерида тошдай қотди-қолди.

Клайд нотаниш кишининг ўткир, қаттиқ нигоҳи ва қўлидаги тўппончасини кўриб, тўхтади; унинг хатти-ҳаракатлари шу даражада қатъий ва дангал эдики, буни кўрган Клайд суяк-суякларига-ча музлаб кетгандай сизди ўзини, Наҳотки, у қўлга тушган бўлса? Наҳотки, изидан чиндан ҳам маъмурият одамлари келишган бўлса? Ё, худо! Энди қочиб кетишнинг ҳам ҳеч иложи йўқ! Нега у олдинроқ жўнаб колмади, нега? У бирдан ҳолсизланди-ю, сиримни ошкор қилиб қўймаслик

учун «йўқ» деб жавоб берсаммикин, деган хаёлда бир дамгина иккиланди, кейин ўзини босиб:

– Ҳа, менман, – дея жавоб қайтарди.

– Сиз мана бу ерда лагерь қурган улфатлардан-сиз, шундайми?

– Ҳа, сэр.

– Жуда соз, мистер Грифитс. Тўппонча ўқталаётганим учун кечиринг. Гап шундаки, менга сизни ҳар қандай шароитда ҳам қўлга олиш буюрилган. Исми шарифим Краут, Николас Краут. Катараки округи шерифининг ёрдамчисиман, сизни қамоққа олиш ҳақида рухсатномам ҳам бор. Гап нимадалигини биларсиз ва мен бошлаган томонга қаршилиқ кўрсатмай бораверарсиз, деб умид қилсам бўлар?

Мистер Краут шундай деди-ю, қўлидаги оғир, кўриниши хунук қуролини яна ҳам маҳкамроқ қисиб ушлади ва Клайдга шиддатли, қатъиятли бир назар ташлади.

– Лекин... лекин... йўқ, мен билмайман! – деди Клайд зўрба-зўр; у бирдан ранги оқариб, бўшашиб қолди. – Агар қамоққа олишга рухсатномангиз бўлса, измингизга бўйсунушга мажбурман, албатта... Аммо мен... мен тушунолмайд қолдим, – унинг овози хиёл титраб кетди, – нима учун сиз мени қамоққа олмоқчисиз?

– Ие, ҳали тушунмаяпман денг? Мабодо сиз чоршанба ёки пайшанба кунлари Катта мушгир кўлида ёки Ўтлоқзорда бўлган эмасмидингиз? А?

– Йўқ, сэр, бўлмаганман, – деди Клайд ёлғон сўзлаб.

– Кўринишидан сизга у ерда чўкиб кетган қиз тўғрисида ҳеч нарса маълум эмас шекилли, аммо сиз маълумотларга қараганда, бильцлик Роберта Олден билан бирга бўлгансиз-ку?

– Ё тавба, ўлимдан хабарим бору, бу гаплардан хабарим йўқ! – дея эътироз билдирди Клайд асабийлашган ва энтиккан ҳолда; Робертанинг аниқ

исми шарифи ва адресини бегона бир одамнинг оғзидан эшитганда... бу уни беҳад ларзага солди. Демак, улар билишибди! Шунчалик тез-а! Калитини топишибди, Клайднинг ҳам, Робертанинг ҳам чинакам исмини билиб олишибди! Ё, парвардигор! – Ҳали мени қотилликда айблашяптими? – дея қўшиб қўйди у эшитилар-эшитилмас, деяри шивирлаган товуш билан.

– Ўша қиз ўтган пайшанба куни гарқ бўлгани сизга маълум эмасми? Ахир, сиз ўшанда у билан бирга эмасидингиз?

Мистер Краут ундан совуқдан-совуқ, синчков, шубҳа ёғилиб турган нигоҳини узмас эди. Клайд эса хаёлида фақат бир нарсани, яна тузукроқ важ-баҳона топиб, қандай ҳаракат қилиш зарурлигини ўйлаб олгунча ҳамма нарсани инкор этиб туришни маъқул топди-да:

– Йўқ, мен қаёқдан бирга бўламан, ахир, – дея жавоб берди.

– Сиз пайшанба куни кечқурун соат ўн бирларда Катта мушгир кўлидан Учинчи миль Кўрфазига келаётган пайтингизда уч йўловчини учратмадингизми?

– Йўқ, сэр, учратган бўлсам тил тортмай ўлай. Мен сизга: у ерда бўлмаганман дедим-ку, ахир,

– Жуда соз, мистер Грифитс, сизга айтадиган бошқа гапим йўқ энди. Мендан фақат бир нарса – Роберта Олденнинг қотили деган шубҳа билан сиз, Клайд Грифитсни қўлга олиш талаб этилади, холос. Қани, орқамдан юринг.

Кейин у, асосан ўз қудрати ва нуфузини кўз-кўз қилиш мақсадида қўш ҳалқали пўлат кишан чиқарди: Клайд уни кўрганда тисарилиб кетди-ю, худди бировдан калтак егандай титрай бошлади.

– Менга кишан солиб ўтиришингизнинг ҳожати йўқ, мистер, – деди у ялингансимон оҳангда. – Илтимос, ундай қилманг. Мен умрим бино бўлиб

бунақа кишанга тушмаганман. Усиз ҳам қаёққа десангиз, боравераман.

У ўрмоннинг бундан сал олдингина беркиниб қу-тулиб қолиши мумкин бўлган пастқам чангалзорлик-ларига хомуш тортиб, афсус-надомат билан назар ташлади... У ерлар чинакам хавфсиз жойлар эди.

– Нима ҳам дердик, – жавоб қилди важоҳатли мистер Краут, – агар қаршилиқ кўрсатмай кетсан-гиз, марҳамат, кишанга солмаслигимиз ҳам мумкин.

Сўнгра у Клайднинг деярли жонсиз қўлларидан ушлаб олди. Йўлга тушишгач, Клайд:

– Сиздан яна бир илтимосим бор, айтсам мум-кинми, – деди овозини пасайтириб журъатсизги-на. (Сондрани ва қолган бошқа улфатларини ўй-лаганда у даҳшатга тушиб, ҳолсизланди. Сондра! Сондра! Уларнинг ҳузурига қўлга тушган қотил си-фатида қайтиб бориш! Сондра билан Бертина уни шу ҳолда кўришса, унда нима бўлади? Йўқ, йўқ!) – Сиз... сиз мени яна қайта лагерга олиб бормоқ-чимисиз?

– Ҳа, сэр, олиб бормоқчиман. Менга шундай бу-юррилган. У ерда Катараки округининг прокурори билан шерифи турибди.

– Ҳм, тушунарли, тушунарли, – дея хитоб қилди Клайд, деярли бутунлай ўзини йўқотиб. – Лекин сиз... менга илтифот этиб... мана, жимгина кетяп-ману... биласизми, у ердагиларнинг бари менинг дўстларим, шу ҳолда борганимдан кўра ўлганим афзал!.. Сиз мени мабодо лагерни четлаб олиб ўтиб кетолмайсизми... майли, қаёққа десангиз ҳам ро-зиман! Бундай дейишимнинг боиси бор, албатта.., яъни... мен... э, худо! Мени лагерга қайта олиб бор-манг, мистер Краут... сиздан ўтиниб сўрайман!

Энди у Краутнинг кўзига худди ёш боладай жуда ҳам ожиз кўриниб кетди... нозик юзи, гўё бутунлай бегуноҳ кўз қарашлари, эгнидаги пўрим костюми, ўзини боодоб тутиши... бу сифатлари билан у қў-

пол, ваҳший қотилга мутлақо ўхшамасди, ваҳоланки Краут айни ўшанақа одамни учратарман, деб ўйлаган эди. Хуллас у – Краут ҳурмат-эҳтиром билан қарайдиган кишилар тоифасиданлиги шундоққина аниқ эди. Борди-ю, буларни бир чеккага йиғиштириб қўйганда ҳам, бу йигитчанинг уруғ-аймоғи ҳам ҳазилакам одамлар бўлмаса керак. Краут шу пайтгача эшитган гапларнинг бари бу йигитча Ликургдаги энг баобрў оилаларнинг бирига мансублигинг исботлаб турибди. Шу сабабли Краут хиёл юмшоқроқ муомалага ўтди.

– Майли, йигитча, – деди у, – сизга унчалик қаттиққўллик қилишни истамайман. Чунки мен, очигини айтганда, шериф ҳам, прокурор ҳам эмасман, мен фақат сизни қамоққа олишим керак. Сизни нима қилиш кераклигини айтиб берадиган мендан бошқа одамлар ҳам бор. Биз ўшаларнинг олдигача борайлик, сиз улардан илтимос қилинг, балки улар айтишар, сизни лагерга қайтариб олиб бориш эҳтимол шарт эмасдир. Бироқ унда буюмларингизни нима қиламиз? Улар лагерда қолган бўлса керак, тўғрими?

– Ҳа, лекин уларни олиш шарт эмас, – деди Клайд шоша-пиша. – Ҳоҳлаган пайтда олиб кетса ҳам бўлади. Агар мумкин бўлса, ҳозир мен ўша ёққа мутлақо бормасам...

– Майли, кетдик, – дея жавоб қилди мистер Краут.

Мана, улар ибодатхона устунларига ўхшаш: учи ғира-шираликда улугвор қад кўтариб турган баланд дарахтлар орасидан бамисоли черков йўлакларида одимлаётган қавмлардай тантанали сукутга тўлиб кетишаркан, Клайд ғарб тарафдаги дарахтлар панасидан кўзга чалинаётган қирмизи ранг шафаққа безовта ва ҳорғин-ҳорғин назар ташлаб борар эди.

Қотилликда айблашяпти! Роберта ўлибди! Энди унинг учун – Сондра ҳам ўлган ҳисоб! Грифит-

слар ҳам! Амакиси ҳам! Онаси ҳам! Анави лагер-дагилар ҳам!

Э, парвардигор, қўнглидаги алланима «қоч» деб уни шоширганида, майли, нималигидан қатъи назар, нима учун қоча қолмади-а?

IX БОБ

Мистер Мейсон, Клайд йўқлигида унинг ёр-биродарларига мундоқ бир разм солиб кўрган эди, Ликург ва Шейронда миясига келган фикрлари тасдиқланиб, янада қатъийлашгандек бўлди. Шунинг ўзиёқ уни сергаклантириб, қоралов ҳукмини осонгина чиқара оламан, деган аввалги ишончини дарз кетказиб юборди. Кўриниб турибдики, бунақанги жанжалларни босди-босди қилиб кетишга Клайдда мол-дунё ҳам, истак ҳам етиб-ортадиганга ўхшарди. Бойлик. Дабдаба. Олий зот қариндошлар ва мўътабар таниш-билишлар – буларнинг баридан қутулишнинг бирон йўлини топиш керак, албатта. Бадавлат ва обрў-эътиборли Грифитслар жиянларининг қамоққа олинганини эшитишгач, унинг қандай жиноят қилганини ҳам сўраб-суриштириб ўтирмай, ўз шаънларига доғ туширмаслик учунгина энг ишбилармон адвокатни бу ишга жалб этишлари аниқ-ку, ахир! Сўзсиз, шундай қилишади, ишбилармон юрист эса ишни хоҳлаганча орқага суриши мумкин... У ҳолда, токи у жиноятчининг айбини бўйнига қўйиб улгургунича орадан қанча вақт ўтиб, унинг ўзи ўз-ўзидан айбловчилик вазифасидан тушади, кейин ҳозир умид қилаётгани ва унга сув-ҳаводек зарур бўлган судьялик мансабига сайланиши у ёқда турсин, ҳатто судьяликка номзод бўлиб ҳам мўлжалланмайди.

Ялтироқ свитер ва майин оқ мовутдан шим кийиб олган Харлей Бэгот кўл соҳилида чиройли тизилиб турган чодирлар рўпарасида ўтирган-

ча, ўзининг қармоқ-пармоқларини тартибга солаётган эди. Айрим чодирларнинг олд пардалари кўтариб қўйилгани учун гоҳ-гоҳида пардоз-андоз билан шуғулланаётган Сондра, Бертина ва бошқа қизларга кўзи тушиб қолар эди, улар эндигина чўмилиб чиқишган эди. Улфатлар чиндан ҳам жуда терилган эди, шу боисдан Мейсон, ўзининг бу ерга нима учун келганини дабдурустдан ошкор айтиши сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан тўғри бўлармикан, деб иккиланиб қолди; у ҳозирча индамай туришни афзал кўрди-ю, Роберта Олденнинг ёки шахсан ўзининг ёшлиги билан манави ўспиринларнинг ҳаёти ўртасидаги осмону ерча фарқ ҳақида ўйлаб кетди. Грифитслардек зўр мартабали одам Робертага ўхшаш қизга ҳар қандай пасткашлик ва бағритошликни қилишга қилиб, яна жазодан осонгина қутулиб кетишга ҳам умид боғлаши турган гап, албатта, деди у ичида.

Аммо шунга қарамай, халақит берадиган ҳар қандай ёв кучларни ҳам писанд билмай, ўз айтганини қилмоқчи бўлди-да, охири Бэготнинг ҳузурига келди ва (гарчи ўзи иложи борича мулойим ва дилкаш кўринишга тиришса ҳам) энсаси қотиброқ гап ташлади:

- Жудаям лагербоп жой эканми?
- «Ҳа-а, биз ҳам анойилардан эмасмиз-да, – деди Бэгот гердайиб,
- Сизлар, ҳойнаҳой, ҳаммангиз Шейрон яқинидаги чорбоғлардан бўлсангиз керак?
- Ҳа-а... Асосан жанубий ва ғарбий соҳилдаги чорбоғларданмиз.
- Лекин бу ерда мистер Клайддан бошқа Грифитслардан ҳеч ким йўқми?
- Йўқ. Улар, менимча, ҳалиям Ўрмонзор кўлида бўлишса керак.
- Сизнинг ўзингиз мистер Клайд Грифитсни шахсан танийсизми?

– Ҳа, албатта. У бизнинг улфатимиз.

– Мабодо, билмайсизми, у анчадан бери шу ердами, яъни демоқчиманки, Крэнстонларникида у анчадан бери турибдими?

– Жумадан бери, шекилли. Ҳарқалай, мен уни жума куни эрталаб кўрганман. Аммо ҳозир ўзи келади, керак бўлса ўзидан сўрашингиз мумкин, – деди Бэгот гапни чўрт кесиб, чунки мистер Мейсон майда-чуйда саволлари билан тобора хира пашшага ўхшаб кетаётган эди, бунинг устига у, Клайд билан ўзларининг доирасидан ташқаридаги одам бўлса.

Шу пайт теннис ракеткасини қўлтиқлаганча Фрэнк Гарриэт келиб қолди.

– Фрэнк, қаёққа кетяпсан?

– Гаррисон бугун майдончани тозалаб қўйган эди, бир ўйнаб келмоқчиман.

– Ким билан?

– Вайолет, Надина ва Стюартлар билан.

– У ерда бошқа майдонча ҳам борми?

– Ҳа, бор, у ерда иккита майдонча бор. Бертина, Клайд ва Сондраларни олиб, ҳаммангиз боринглар ўша ёққа.

– Балки манавини бир ёқлик қилиб олганимдан кейин борсам-борарман.

Мейсоннинг хаёлига шу заҳоти: Клайд ва Сондра, Клайд Грифитс ва Сондра Финчли бир-бирига боғлиқ экан-да, деган фикр келди – чўнтагидаги мактублар ва ташрифномалар ҳам худди шу қизники бўлиши керак. Эҳтимол, у Клайд икковини шу ерда кўриб қолар, кейинчалик эса Клайд ҳақида у билан суҳбатлашар?

Шу пайт Сондра, Бертина ва Вайнетлар чодирларидан чиқиб келишди. Бертина:

– Харлей, Надинани кўрмадингизми? – деб қичқирди.

– Йўқ, аммо Фрэнк шу ерда эди. У Надина, Вайолет ва Стюартлар билан ўйнайман, деб теннис майдончасига кетди.

– Э, шундайми! Кетдик, Сондра! Вайнет, кетдик! Майдончалари қанақайкин, бир кўрайлик.

Бертина Сондранинг исмини айтиб туриб, унга ўгирилди-да, қўлидан ушлади, шунда Мейсон кутиб юрган воқеа юз берди – яъни у, Робертани ўзи билмагани ҳолда, фожиали бир тарзда Клайд қалбидан ситиб чиқариб ташлаган ўша қизни ақалли кўз қирини ташлаб бўлса-да, ҳарқалай, кўриб олди. Мейсон Робертага қараганда Сондранинг анчагина хушрўйлигини ва ясан-тусани жойидалигини бир қарашдаёқ сизди, анави Роберта эса қачонлардир пешонасига шунақанги либос битишини ҳатто халёлига ҳам келтиролмас эди, албатта. Бу қиз, мана, тирик юрибди-ю, анависи бўлса дунёдан кўз юмиб, Брижбург ўликхонасида ётибди.

Учала қиз бир-бирларининг қўлларини ушлаб олганларича ўзларига тикилиб турган Мейсон ёнидан чопиб ўтиб кетишди, Сондра югуриб бораётган жойида Харлейга қараб:

– Агар Клайдни кўрсангиз, айтинг, ўша ёққа борсин, майлими? – деб қичқирди.

Харлей жавоб қайтарди:

– Сизнинг соянгизга буни тайинлаб ўтиришнинг ҳожати бор деб ўйлайсизми?

Мейсон кўз олдида рўй бераётган воқеаларнинг ранг-баранглиги ва серқайғулигидан лол бўлиб, диққат ва ҳаяжон билан теварак-атрофидаги нарсаларни кузатмоқда эди. Энди у Клайднинг Робертадан нима учун қутулмоқчи бўлганини ҳам тушуниб етди, энди Клайднинг ҳақиқий, пинҳона нияти ҳам очилди-қўйди. Шу чиройли қиз ва шу дабдабаларнинг бари Клайднинг кўнглидан бошқа ҳис-туйғуларни сиқиб чиқарган эди. Қизиги шундаки, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган ёшгина йигитчанинг шў қадар қабиҳ пасткашликкача юз тубан кетгани кишини ҳайрон қолдирарди! Бунга ақд бовар қилмайди! Устига-устак, анави бах-

ти қаро қизнинг ўлиmidан сўнг орадан атиги тўрт кун ўтгач, манави ҳурилиқо билан кўнгилахушлик қилиб, Худди Роберта унга тегишдан умидвор бўлганидек, у ҳам Сондрага уйланишдан умид қилиб юрибди. Ақлга сифмайдиган не-не пасткашликлар бўлар экан-да ўзи оламда!

Ҳадеганда Клайд қайтавермагандан кейин Мейсон энди ўзини танитиб, Клайднинг буюмларини тинтиб чиқмоқчи ва олиб қўймоқчи бўлиб турган бир пайтида Эд Суэнк келди-ю, унга бошини силкиб, изимдан юринг, деб имо қилди. Мейсон ўрмонга кириши билан азамат дарахтларнинг остида, сояда кимни денг, нақ Николас Краутнинг ўзини-ю, унинг ёнида хушқомат, яхши кийинган бир йигитчани кўрди. Ташқи қиёфаси тахминан ўша одамлар айтган белгиларни эслатарди. Ёши ҳам Клайддигини билдирарди. Қув ўчиб кетган рангидан Мейсон айна шу йигит Клайддигини дарров пайқади ва бамисоли уяси бузилган қовоғаридек газабланиб ўзини унга отди. Ҳарқалай, у аввал Суэнкдан Клайдни қаерда ва ким тутганини сўраб-суриштириб олди-да, кейин унга хўмрайганча синовчан назар билан қаттиқ тикилиб турди, аслида ҳам қонун куч-қудрати-ю буюклигининг тимсоли бўлган одамлар худди мана шундай тикилишлари керак.

– Демак, сиз Клайд Грифитссиз?

– Ҳа, сэр.

– Унда эшитиб қўйинг, мистер Грифитс, менинг исмим Орвил Мейсон. Мен Катта мушгир ва Ўтлоқзор кўллари жойлашган округнинг прокурориман. Ўйлайманки, сиз бу жойлар билан яхши танишсиз, шундай эмасми?

У бир оз жим туриб, айтган пичинги Клайдга қандай таъсир қилганини билмоқчи бўлди. Аммо у кутгандай Клайд ваҳимага тушиб ўзини йўқотиб қўймади, фақат қоп-қора кўзларини Мейсонга

диққат билан тикканча қараб турарди, унинг бу нигоҳи асаблари қақшаб оғриётганидан далолат бермоқда эди.

– Йўқ, сэр, у ерларни яхши биламан, деб айтолмайман.

Клайд Краут ҳамроҳлигида ўрмон оралаб бу ерга келар экан, қанчалик далилу ашёлар зўр бўлишига қарамай, ўзим ҳақимда, Роберта билан алоқамиз ҳамда Катта мушгир ва Ўтлоқзор кўллари борганимиз ҳақида оғиз оча кўрмаслигим керак, деган қатъий фикр тобора миясига чуқурроқ ўрнаша борган эди. У лом-мим демаслиги керак. Акс ҳолда, айбсиз айбдорга айланиб, йўқ гуноҳни бўйнига осиб олади. Ҳеч бир кимса – Сондра ҳам, Грифитслар ҳам; кибор дўстларидан биронтаси ҳам, Клайднинг шунақа тубан нияти борлигини билмаслиги керак. Ваҳоланки, уларнинг бари шу атрофда, бир чақирим ерда, тўсатдан келиб қолиб, унинг нега қамоққа олинганини сўрашлари мумкин. Гарчи у юз берган воқеага ўзининг қандайдир алоқадорлиги ва орадаги гаплардан хабардорлигини инкор этиши зарурлигини тушуниб турса-да, айна пайтда анави одамнинг қаршисида туриб юрагини мислсиз қўрқув босди – унинг ғазабнок ва нафратли нигоҳига дош беролмай калавасининг учини йўқотиб қўйди. Унинг эгри бурни... еб қўйгудек қадалиб турган ола-кула кўзлари...

Клайд тона бошлагандан сўнг Мейсоннинг жаҳли чиқиб кетди-да, унга худди номаълум, аммо хавфли бир йиртқичга тикилгандек бақрайиб қолди; лекин Клайд ўзини йўқотиб қўйганини кўргач, сўзсиз уни тезда айбига иқрор қиламан, деб ўйлади ва гапида давом этди:

– Мистер Грифитс, сизни нимада айблашаётганидан, ҳойнаҳой, хабарингиз бўлса керак?

– Ҳа, сэр, буни менга ҳозиргина мана бу киши айтди.

– Хўш, ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми?

– Мутлақо йўқ, сэр! – дея инкор қилди Клайд.

Унинг юпқа, ҳозир гезариб кетган лаблари қаттиқ юмиади, кўзлари эса таърифга сифмас, ўта пинҳоний даҳшат билан тўлиб-тошган эди.

– Нима? Бемаънилиқ ҳам шунчалиқ бўладими! Юзсизлик ҳам шунчалиқ бўладими! Сиз ҳали ўтган чоршанба ва пайшанбада Ўтлоқзор кўли ва Катта мушгирда бўлмаганман, дерсиз?

– Ҳа, сэр.

– У ҳолда, – Мейсон ғазабидан сочлари тикка бўлганча қаддини ростлади, сиз Роберта Олден билан танишлигингизни, қиз бечорани Ўтлоқзор кўлига олиб бориб, кейин икковингиз пайшанба куни Катта мушгир кўлида сайр этишга жўнаганингизни ҳам рад этарсиз, эҳтимол? Бутун йил давомида ўзингиз учрашиб юрган ва миссис Гилпинникида истиқомат қиладиган, Грифитслар фабрикасида сизнинг бўлимингизда ишлайдиган ўша қизни айтяпман. Сиз рождествода пардоз қути ҳадя этганингиз ўша қизни айтяпман? Эҳтимол, сиз: менинг исмим Клайд Грифитс эмас, Тэйлор-стритдаги миссис Пейтонникида турмайман, Роберта Олден ва миссис Финчлидан олган мана бу хат ва номалар ҳам менинг сандиқчамдан чиқмаган, дейишингиз ҳам мумкинми?

Мейсон шундай дея туриб чўнтагидан бир даста хат ва таклифномаларни олди-да, нақ Клайднинг бурни остида силкита бошлади. Ҳар бир сўзни айтгани сари у ўзининг ялпоқ, қийшиқ бурни ва хунукдан-хунук бақбақасини Клайднинг юзига тобора яқин олиб борар, кўзлари эса жирканч ва ғазабдан чақнаб кетаётган эди. Клайд бўлса тўхтовсиз орқага тисарилар, курагини қотириб қўйган аллақандай муз юраги ва миясига ўта бошлаган эди. Хатларни топибди-я! Ҳамма нарсани бошдан-оёқ билиб олибди! Ҳў, нарироқдаги Клайднинг чодиридан эса жомадонда Сондранинг сўнгги мактублари

турибди, уларда Сондра мана шу келаётган кузакда биргалашиб қочиб кетиш режаларини тузган. Нима учун уларни йўқ қилиб ташламади-я! Энди манави одам ўша хатларни топиб олиши мумкин – сўзсиз топади ҳам – шундан кейин Сондрани ва қолганларнинг барини сўроқ қила бошлайди. Клайд ғужанак бўлиб олди ва бутун вужуди музлаб кетди. Шу даражада ўйламай, ношудлик билан қилган қилмишининг ҳалокатли оқибати, худди ер шари нимжонгина Атлантнинг елкасини эзиб ташлагандек, Клайдни ҳам эзиб қўйди.

Лекин нимадир дейиш ва айни пайтда ҳеч нарса ни бўйинга олмаслик зарурлигини сезди-ю ноилож жавоб қайтарди:

– Мен Клайд Гриффитсман, бу – тўғри, бироқ қолган гапларнинг бари ёлгон. Мен бу ҳақда ҳеч нарса билмайман,

– Э, қўйсангиз-чи, мистер Гриффитс! Мени алдашга уринмай қўя қолинг. Бекорга овора бўласиз. Бу қувлигингиз сизга сариқ чақалик ҳам фойда бермайди, менинг эса пачакилашиб ўтиришга вақтим йўқ. Эсингизда бўлсинки, одамларнинг ҳаммаси – гувоҳ, улар ҳали гапларингизни эшитишади. Мен хонангизда бўлдим, мисс Олденни билишингиз, унга севги изҳор қилиб юрганингиз ва ўтган қишда уни йўлдан уриб, орадан бир оз вақт ўтгач, кўкламда у сиздан иккиқат бўлиб қолгандан сўнг эса, аввалига уйига жўнатганингиз, кейин никоҳдан ўтамиз, деб лақиллатиб, мана шу саёҳатни ўйлаб топганингизни очиб ташлайдиган рад этиб бўлмас далиллар – сандиқчангиз билан мисс Олденнинг хатлари ҳозир қўлимда турибди. Ҳа, нима ҳам дердик, сиз уни бошлаб никоҳдан ўтказдингиз! Лаҳадга киритдингиз – мана қандай никоҳ! – Катта мушгир ўпқонига юттириб юбордингиз! Мен бўлсам, қўлимда ҳозир исталган далилу ашёларнинг ҳаммаси бор, деб турибману, сиз

бўлсангиз уялмай-нетмай бетимга у қизни билмайман, дейсиз-а! Ё тавба!

Мейсон борган сари қаттиқроқ гапирар, Клайд эса унинг овозини лагердагилар эшитиши ва Сондра ҳам эшитиб, бу ерга келиб қолишидан қўрқарди. Мейсон ўртага ташлаётган аёвсиз далилларнинг шиддатли қуюни остида саваланиб, карахт бўлиб қолган Клайд томоғи бўғилиб, томири тортишаётгандай сизди ўзини ва худди қўлини синдириб юборар даражада бармоқларини қисирлата бошлади. Аммо шунга қарамай, Мейсоннинг узун гапига фақатгина:

– Ҳа, сэр, – деб жавоб бериб қўя қолди, холос.

– Ё, тавба! – дея такрорлади Мейсон яна. – Энди мен сиз қиз болани ўлдиришингиз, кейин мана шунақа жуфтакни ростлаб қолишингиз мумкинлигига ишондим. Яна ҳомиласи билан-а? Сизга ёзган мактубларидан воз кечмоқчи бўляпсизми? Ҳа, ундай бўлса, ҳозир бу ерда йўқман, мен тирик одам эмасман, дейишингиз ҳам мумкин, бемалол! Унда мана бу таклифномалар билан мана бу хатлар-чи, хўш, бунга, нима дейсиз? Турган гап, улар ҳам мисс Финчлидан бўлмаса керак, шундайми? Хўш, қалай? Йўқ, мисс Финчлидан эмас, демоқчи бўласиз-да, а, ҳозир менга?

У хатларни Клайднинг бурни остида силкита бошлади, Клайд Сондранинг шундоққина яқиндалиги, демак, бу мактубларнинг асл моҳияти фош бўлиб қолиши ҳам мумкинлигини ўйлаб:

– Йўқ, бу хатлар Сондраданлигини инкор этмайман, – дея жавоб берди.

– Жуда соз. Унда ўша хонада, ўша сандиқчангизда ётган мана бу хатлар-чи, улар мисс Олдендан эмасми?

Мейсон Робертанинг хатларини шундоқ юзи олдида силкитаётганидан беихтиёр кўзлари пирпираб кетган Клайд:

– Мен бу ҳақда гапиришни истамайман, – дея жавоб қайтарди.

– Ҳе, биласизми? – Мейсон ғазаби қайнаганидан бидиллаб кетди: – Сафсатангизни йиғиштиринг! Шунчалик ҳам юзсизлик бўладими? Ҳа, майли, бу ҳақда ҳозирча индамаёқ тура қолайлик. Вақти соати келиб, мен буни худди хамирдан қил суғургандек осонгина исботлаб бераман. Аммо қўлимда далил турса-да, сиз барчасидан тонмоқчи бўлиб ўтирсангиз, мана шунисига ақлим етмаяпти! Унда орқасига ўз дастхатингиз туширилган расмингизга нима дейсиз? Уни мисс Олденнинг жомадонидан олишни унутгансиз. Мисс Олден сизнинг зўрингиз билан ўз жомадонини Қурулсоз бекатида қолдирган, ҳолбуки, сиз ўз жомадонингизни ола кетгансиз, мистер Карл Грэхем – мистер Клифорд Голден – мистер Клайд Гриффитс! Ўша расмингизнинг орқасига «Бертага Клайддан. Рождество билан табриклайман!» деб ҳам ёзиб қўйгансиз, эсингиздами? Мана, истасангиз, кўрсатишим мумкин! – Мейсон шундай деб чўнтагидан расмни чиқарди-да, Клайднинг нақ бурни остида силкитди. – Буни ҳам эсдан чиқаргандирсиз-а? Шахсан ўзингизнинг дастхатингиз! – У бир оз жим турди-ю, аммо жавоб кутмай, яна давом этди: – Намунча ўзингизни овсарликка солмасангиз! Сохта номлар остига яширинмоқчи бўлибсизу, бироқ ўз исм-шарифингизнинг бош ҳарфини ўзгартиришга ҳам ақлингиз етмабди-я, сиз ана шунақа жиноятчисиз, мистер Карл Грэхем – мистер Клифорд Голден.

Мейсон Клайднинг айбини бўйнига қўйиб олиш нақадар муҳимлигини яхши билгани учун буни шу ернинг ўзидаёқ қандай қилиб амалга оширсам экан, деган хаёлда йўл қидира бошлади. Шу пайт бехос Клайднинг даҳшатдан гезариб кетган юзига кўзи тушди-ю, прокурор: у тилдан қолар даражада росаям қўрқиб кетибди-ку, деб ўйлади. Кейин

Мейсон бирдан тусини ўзгартирди, ҳарқалай, овози пасайиб, пешонаси ва оғзининг четидаги хунук ажинлари йўқолгандай бўлди.

– Гап бундай, Грифитс, – дея сўз бошлади у анча-мунча босиқлик билан, жўнроқ гапириб. – Аҳволингиз шундайки, сизга ёлғон ҳам, бемулоҳаза ва бемаъни тонишингиз ҳам ақалли зиғирдан бўлса-да, наф бермайди. Қайтага сизга зиён етказди, ишонинг. Эҳтимол, сизнингча, мен бир оз қўполлик қилиб юборгандирман, аммо бунинг сабаби – менда ҳам асаб бор, ахир. Ростини айтсам, мен мутлақо бошқача одамни учратарман, деб ўйлаган эдим. Лекин мана энди сизни, юз берган воқеадан ғоят қўрқиб кетганлигингизни ҳам кўриб турибман, шундан кейин, э-э, балки бу ерда айбни енгиллатувчи бошқа бирор-бир... бирор-бир гап борга ўхшайди, деб ўйлаб қолдим, агар сиз ҳаммасини гапириб берсангиз, бўйнингизга тушаётган иш анча-мунча енгиллашади. Мен нима бўлганидан беҳабарман, буниси ёлғиз ўзингизга аён, мен фақат сиз билан очиқчасига гаплашмоқчиман, холос. Ўзингизнинг мана бу яққол далил хатларингиздан бошламоқчиман. Кейин, биз Учинчи миль Кўрфазига борамиз, менимча, биз у ерга эртага етиб борсак керак, у ерда Катта мушгирдан келатган пайтингизда тунда сизга учраб қолган анави учала овчи ҳам бўлади. Фақат улар эмас, Ўглоқзор кўлидаги меҳмонхонанинг хўжайини ҳам, Катта мушгир меҳмонхонасининг хўжайини ҳам, сизга қайиқ берган қайиқчи ҳам, сизни ва Роберта Олденни Қуролсоз бекатидан олиб келган ҳайдовчи ҳам... Уларнинг бари сизни танишади. Наҳотки, уларнинг ҳеч бири сизни танимайди, мисс Олден билан у ерда бўлган-бўлмаганлигингизни айтиб беролмайди, деб ўйласангиз? Балки сиз, вақти келиб, уларга суд маслаҳатчилари ишноломай қолишади, деб хаёл қилаётгандирсиз?

Клайд худди ичига танга ташлаганда ширқ этиб ишлайдиган автомат сингари шуларнинг барини бир зумда хаёлидан ўтказди-ю, аммо лом-мим демади, фақат қимирламай, вужуди музлаб қотган кўйи қаёққадир бўшлиққа тикилиб қолди.

– Бу ҳали учи, – дея мулойимлик билан, айё-рона давом этди Мейсон. – Ҳали миссис Пейтон ҳам бор. У хонангизга кириб, сандиқчангиз ва шифоньерингизнинг юқори тортмасидан мана бу хатларни ва расмингизни олганимни кўрган эди. Хўш, сиз ва мисс Олден ишлаган фабрика қизлари-чи? Ўлганини эшитишгач, улар наҳотки сизнинг мисс Олден билан қандай алоқада бўлганингизни эслай олишмайди, деб ўйлайсиз? Бу, ахир, бемаънилик-ку! Ҳар қанча хаёл олиб қочганда ҳам бунақанги оддий воқеаларга аслида ўзингизнинг ақлингиз етиши керак эди. Шундай қилиб қутулиб кетаман, деб ўйламаёқ кўя қолинг. Демак, сиз бизни аҳмоқ қилмоқчи бўляпсиз. Сал бош қотирсангиз, бунга ўзингиз ҳам очиқ-ойдин тушуниб етишингиз мумкин.

У Клайд энди айбига иқрор бўлса керак, деган умидда яна индамай турди. Аммо Клайд Роберта ёки Катта мушгир кўлига оид бирон нарсани бўйнига олиш ўзини ҳалок қилишига аниқ кўзи етгани учун илгаригидай миқ этмай тураверди. Мейсон яна гап бошлади:

– Майли, Грифитс, мен тагин шуни ҳам айтиб қўймоқчиманки, ҳатто агар ўғлим ёки укам бўлган тақдирингизда ҳам сизга бундан ортиқроқ маслаҳат беролмас эдим, сиздан мен фақат ҳақиқатни билишни эмас, балки шу билан бирга бу воқеадан сизни қутқариб чиқиб кетишни ҳам истардим. Агар ўз аҳволингизни хиёл бўлса-да енгиллатишни ўйласангиз, унда сиз ҳозиргидек ҳамма нарсани инкор этавермаслигингиз керак. Сиз қайтага ортиқча чалкашликларни юзага келтириб,

жамоат кўзи олдида ўзингизни ўзингиз хароб қиласиз. Сиз, мисс Олденни билардим ва у билан кўлга ҳам борган эдик, у мана бу хатларни менга ёзган эди, дейишингиз мумкин-ку, ахир, шу билан қарабсизки, олам гулистон эмасми? Мабо-до бундан бошқа воқеаларнинг сизга дахли йўқлигини исбот этмоқчи бўлган тақдирингизда ҳам бари бир бундан қутулолмайсиз-ку. Ақлини салпал ишлатган ҳар бир одам – агар онангиз шу ерда бўлганда, у киши ҳам – сизга албатта шундай деган бўлар эди. Сизнинг хулқингиз анчайин кулгили, айбсизлигингизни эмас, айбдорлигингизни исбот қилиб беряпти. Агар қандайдир юмшатувчи шарт-шароитлар бўлган бўлса, нима учун улардан вақтида фойдаланиб, бу фактларни дарҳол ойдинлаштириш мумкин бўлмасин? Агар сиз ҳозир шундай қилсангиз, унда мен сизга қўлимдан келганча кўмаклашаман, деб сўз беришим мумкин. Қолаверса, бу ерда мен бир одамни ўла-ўлгунча қувғин остига олиб, азоб бериш ёки қилмаган ишини қилдинг, деб бўйнига қўйиш учун юрганим йўқ, мен фақат ҳақиқатни билишни истаيمان. Мен сизга далил-ашёларим қўлимда ва мен буни исботлайман, деб турсаму, аммо сиз ҳатто ўша қиз билан танишлигингизни ҳам инкор этиб ўтирсангиз, унда, энди... – Прокурор чорасизликдан аччиқланганини билдириш мақсадида қўлларини осмонга ёйди.

Аммо Клайд ҳамон аввалгидек ранги бўздай оқариб, гунглигича тураверди. Мейсон сўйлаган бутун гаплар ва унинг ҳозирги, ҳарқалай дўстона, хайрихоҳона айтган насиҳатларига ҳам қарамай, Роберта билан танишлигимни эътироф этсам, ўзимни ўзим йўқ қиламан, деган ишончи Клайдни ҳамон тинч қўймас эди. Хўш, бу машъум эътирофга анавилар – лагердагилар қандай қарашади! Қарабсизки, Сондра ҳамда ширин айш-ишратли турмуши хусусидаги бутун орзу-

умидлари чиппакка чиқади. Шунинг учун у бошига қилич келган тақдирда ҳам оғзини очмаслиги керак. Мейсон бутунлай ўзини йўқотди-ю, бақариб берди:

– Ҳа, жуда яхши! Демак, оғзингизга сўк солганча туравермоқчисиз? Шундайми, гапиринг?

Клайд тарвузи қўлтигидан тушган кўйи ҳолсизланиб жавоб қилди:

– Робертанинг ўлимига зиғирдай ҳам алоқам йўқ менинг. Айтадиганим фақат шу, бошқа гапим йўқ.

У шундай дея туриб, шу дақиқанинг ўзидаёқ: ҳарқалай, бундай жавоб қилмаслигим керак эди... яхшиси, бошқача жавоб қилганим тузук эди... бироқ қандай жавоб, деб ўйлай бошлади. Робертани чиндан ҳам билиши, ҳатто у билан кўлга бирга боргани... лекин уни ўлдириш эса етти ухлаб тушига ҳам кирмагани... у шунчаки бахтсиз ҳодиса юз бериб, ўзи чўкиб кетганини айтиши керак эди. Мабодо у Робертани урган тақдирида ҳам фақат бахтсиз бир фавқулод орқасида урган бўлиши мумкин... Аммо, яхшиси, уни урганини мутлақо айтмагани тузук эмасми? У Робертани фотография аппарати билан беҳосдан тушириб қолганига ҳозирги аҳволда бирор-бир кишининг ишониши ҳам қийин-ку, ахир. Энг яхшиси, аппарат тўғрисида оғиз очмагани маъқул, бунинг устига унда аппарат бўлганлигини шу пайтгача биронта газета ҳам эслатиб ўтмади-ку.

У шуларни ўйлаб турган пайтида, Мейсон хитоб қилди:

– Ҳўш, мисс Олденни билишингизни тан оласизми?

– Йўқ, сэр.

– Ҳа, жуда соз. – Мейсон ҳамроҳларига юзланиб қўшимча қилди:

– Аҳвол шундай экан, энди уни фақат лагерга қайтариб олиб бориб, дўстларидан сўраб-су-

риштиришимиздан бошқа иложимиз йўқ. Эҳтимол, бу бойваччани ҳамтовоқлари билан юзлаштирсак, яна бирор-бир чигални ечиб олармиз. Унинг лаш-лушлари ва жомадони, ҳойнаҳой, биронта чодирда турган бўлса керак ҳозирча. Қани, йигитлар, буни ўша ерга олиб борайлик, бу ҳақда бошқалар нима деркин, бир кўрайлик.

Мейсон лагерга бормоқчи бўлиб, тез ва совуққонлик билан изига қайрилган эди, ўзи дуч келиши мумкин бўлган воқеадан даҳшатга тушган Клайд жунжикканча:

– Йўқ, илтимос, ундай қилманг! – деди изтиробга тушиб. – Наҳотки, сиз мени ўша ёққа олиб борсангиз? Йўқ, йўқ, илтимос, ундай қилманг!

Бу орада гапга Краут ҳам аралашди.

– Биз у билан бу ёққа келаётганимизда, уни лагерга олиб бормаслигингизни гаплашишимни мендан илтимос қилган эди, – деди у Мейсонга қараб.

– Ия, ҳа, шамол бу ёқдан эсяпти денг! – Мейсон хитоб қилди. – Сиз сиркаси сув кўтармас ҳозирги кўринишингиз билан Ўн иккинчи кўлдан келган анави қиз ва йигитчалар олдига борсангиз, мутлақо ноўрин иш бўлади, аммо сиз ўз қўл остингиздаги бечора бир фабрика қизини танимайман, деб тихирлик қилмоқчисиз, шундайми? Жуда соз! Э, йўқ, оғайним, чучварани хом санаманг, ё сиз ўзингизга маълум ҳамма нарсаларни ошкора айтиб берасиз ёки лагерга олиб бораман. – У ўз гапи Клайдга қандай таъсир этганини билмоқ мақсадида бир дақиқа кутиб турди. – Биз барча таниш-билишларингизни тўплаб, нима гаплигини тушунтириб берамиз. Ўшанда кўрамиз, ҳаммасидан қандай қутулиб чиқаркинсиз. – Кейин Клайд иккиланаётганини сезиб, давом эди: – Йигитлар, олиб боринглар уни!

У қайрилиб, лагерга қараб беш-олти қадам юрди; Краут балан Суэнк ҳам Клайдни икки то-

мондан қўлидан ушлаб, Мейсоннинг изидан йўлга тушмоқчи бўлишганда Клайд қичқириб юборди:

– Йўқ, йўқ, ундай қилманглар! Мистер Мейсон, сиздан ўтинаман, мени у ёққа олиб борманг! Илтимос қиламан! Мен у ерга қайтиб боролмайман! Айбдор бўлганим учун эмас. Бор буюмларимни у жойдан менсиз ҳам олиб келса бўлади-ку... у ерга қайтиб боришим мен учун энди ниҳоятда оғир.

Рангсиз юзи ва қўлларидан дона-дона тер чиқиб кетди ва аъзойи баданини бутунлай муз қоплади. Мейсон Клайднинг гапини эшитиб тўхтади ва:

– Э, ҳа, боришни истамайсизми? – дея хитоб қилди. – Агар орадаги гапларни дўстларингиз билиб қолишса, обрўйингиз тўкилади-да, шундай эмасми? Майли, унда ҳозироқ марҳамат қилиб саволаримга жавоб қайтаринг, тез ва очиқчасига жавоб қайтаринг, акс ҳолда вақтни ўтказмай лагерга борамиз. Хўш, қалай, жавоб қайтарасизми?

Мейсон довдираб, лаблари титраб, кўзлари ола-кула бўлиб кетган Клайднинг устига яна бостириб келди. Шунда Клайд асабийлашиб, ҳаяжонга тушиб гапирга кетди:

– Ҳа, албатта, мен уни билардим. Билардим, албатта. Сўзсиз! Билишим хатлардан ҳам маълум. Хўш, нима бўпти? Мен уни ўлдирганим йўқ. У билан ўша ёққа отланган пайтимда ҳам уни ўлдирмоқни мутлақо ният қилган эмасман. Мен буни мутлақо истамаганман. Эшитяпсизми, истамаганман! Бу бир бахтсиз ҳодисадай бўлди ўзи. Мен ҳатто у билан бирон ёққа боришни ҳам истамагандим. Буни Роберта илтимос қилган эди... уни қаёққадир олиб кетиб... чунки... чунки... буни ўзингиз ҳам биласиз, хатлардан ўқигансиз. Мен фақат уни бирон ёққа якка ўзи кетиб, мени тинч қўйишига кўндирмоқчи бўлган эдим, чунки мен унга уйланишни хоҳламас эдим. Бор гап шу. Ўша ёққа мен уни ўлдириш учун эмас, асло, кўндиришга уриниб кўрмоқчи бў-

либ олиб борган эдим, бор гап шу. Қайиқни ҳам мен ағдариб юборганим йўқ, ҳарқалай, шундай бўлишини истамагандим... Шамол шляпамни учириб кетган эди, уни ушламоқчи бўлиб иккаламиз бирдан ўрнимиздан турдигу қайиқ ағдарилиб кетди, бор гап шу. Кейин қайиқнинг қирраси бошига тегди. Мен буни кўрдим, аммо у сувда жонҳолатда талвасага тушганидан кўрқиб кетдим... агар яқинига сузиб борсам, мени ҳам чўктириб юборади, деб кўрқдим. Кейин у чўкиб кетди. Мен бўлсам қирғоққа сузиб чиқдим. Худо ҳақи, бор гап шу!

У гапирарди-ю, аммо юзи, ҳатто қўлларигача кизариб кетган эди. Унинг азобдан киртайган, даҳшатдан чақчайган кўзларини эса бутунлай умидсизлик белгилари қоплаб олган эди. «Борди-ю, ўша куни мутлақо шамол эсмаган бўлса-я, шуни эслаб қолишса-чи?» – деб ўйлади у. Қулаб ётган дарахт остига беркитилган фотоаппарат оёқчаси-чи? Агар уни топиб олишган бўлса, айти шу нарса билан Робертани урган, деб ўйлашлари мумкин. У терга ботиб, бутун вужуди титрамоқда эди.

Бу орада Мейсон унга яна бошқа савол берди:

– Ҳўш. Бир оз гапингизни бўламан. Сиз уни ўша ёққа ҳеч қандай ёмон ниятсиз олиб борганман деяпсиз, шундайми?

– Ҳа, сэр.

– Яхши, унда сиз нега Катта мушгир кўлида бошқа фамилияда, Ўтлоқзорда эса яна бошқа фамилияда ёзилгансиз?

– Шунчаки, ўша ерда у билан бирга бўлганимни биронгаси билиб ўтирмасин, деб шундай қилган эдим.

– Ҳа, тушунарли! Оғироёқ бўлгани учун ўзингизга ортиқча ғавфо орттиришни истамагансиз?

– Йўқ, сэр. Э, кечирасиз, тўғри, сэр.

– Кейинроқ уни топиб олишса, қиз боланинг шаънига катта доғ тушишини ўйламадингизми?

– Ахир, мен унинг чўкиб кетишини хаёлимга ҳам келтирмаганман, – деди Клайд устамонлик билан, вақтида чап беришга уриниб.

– Лекин сиз меҳмонхонага қайтиб бормаслигингизни сўзсиз билгансиз?.. Буни аниқ билгансиз, шундайми?

– Ие, бу нима деганингиз, сэр, йўқ ердаги гапларни гапирасиз-а! Қайтиб бораман, деб ўйлаганман.

Мейсон: «Қойил, қойил!» – деб хаёлидан ўтказди-ю, бироқ буни ичида айтди, кейин шоша-пиша давом этди:

– Ҳойнаҳой, сиз қайтиб бормаслигингиз учун қулай ва осон бўлсин деб жомадонингизни ўзингиз билан олиб, мисс Олденникени эса бекатда қолдириб кетгансиз, шундайми? Бу одобсизлик эмасми? Қани, бунга нима дейсиз?

– Мен жомадонимни шундан-шунақасига тўғри жўнаб қолиш мақсадида олиб юрмаганман. Биз унга нонушталикни солмоқчи бўлган эдик.

– «Биз» деганингиз ким ёки ўзингизми?

– Биз иккаламиз.

– Демак, зиғирдаккина нонушта тамаддини деб мана шундай катта жомадонни кўтариб юришингиз лозим эди, шундайми? Наҳотки, сиз уни қоғозга ўраб ёки мисс Олденнинг сумкасига солиб олишингиз мумкин бўлмаса?

– Биласизми, унинг сумкаси лиқ тўла эди, кейин мен тугунчак кўтариб юришни ёқтирмайман.

– Ҳа, тушунарли. Сиз ҳаддан ташқари мағрур, но-зиктаъ одамсиз, тўғрими? Аммо-лекин мана шу ғурурингиз қоп-қора тунда, орада ўн икки милча йўл босиб, зил-замбилдай жомадонни Учинчи миль Кўр-фазигача кўтариб боришингизга халақит бермабди-ку, биронтаси кўриб қолишидан ҳам қўрқмабсиз?

– Бу оддий нарса, у чўкиб кетгандан сўнг, бирга бўлганимни ҳеч ким билмай қўя қолсин дедиму, қочишдан бошқа илож тополмадим...

У индамай қолди, Мейсон бўлса унга тикилганча, яна ўзининг қанчадан-қанча саволлар бериш истаги борлигини... яна кўплаб, жуда кўплаб саволларига – ишончи комил – Клайд аниқ жавоб қайтаролмаслигини ўйлар эди. Бироқ кеч кириб бораётган эди, Клайднинг буюмлари эса ҳалигача лагерда турибди, жомадони ва эҳтимол, Катта мушгир кўлидалиги пайтида кийган, одамлар айтган ўша кулранг костюми ҳам ўша ердадир, ҳозир эса у бошқа костюмда юрибди. Агар сўроқни давом этгирса, тагин кўп нарсаларни билиб олиши аниқ, аммо қоронғи тушиб келаётган бир пайтда шу ерда шундай қилиши шартми? Ҳали қайтиб боргунча орада қанча йўл бор, шунда хоҳлаганча савол-жавоб қилиб олса ҳам бўлади.

Шу сабабдан, айти ҳозир Мейсон суҳбатни бўлишга унчалик рўйхушлик билдирмаса-да, сўзини якунлаб шундай деди:

– Гап бундай, Грифитс, майли, бир оз нафасингизни ростлаб олинг. Эҳтимол, ҳаммаси сиз айтганчадир, билмадим. Сизга ачинганим шунчаликки, гапларингизнинг бари тўғри чиқишига чин юракдан тилақдошман. Қандай бўлишидан қатъи назар, бари бир ҳозир сиз мистер Краут билан бирга кетасиз, қаерга боришингизни у айтади.

Кейин у Суэнк билан Краутга ўгирилди:

– Хулласи калом, оғайнилар, энди биз мана бундай қиламиз. Кеч кириб қоляпти, мабодо шу бугун бирор-бир бошпанада ётишдан умидимиз бўлса, шошилишимиз керак. Мистер Краут, сиз бу йигитчани анави иккита қайиқ турган жойга олиб борасиз-да, кутасиз. Йўл-йўлакай шериф билан Сисселни чақириб топасиз: тайёрлигимизни билдирасиз. Биз бўлсак, ишимиз битган ҳамоно Суэнк билан икковлашиб сизларнинг олдингизга бошқа қайиқда етиб борамиз.

Қош қорая бошлаган пайтда Мейсон билан Суэнк лагерь томонга, Краут ва Клайд эса ғарбга қараб йўл олишди; Краут то шериф билан унинг ёрдамчиси жавоб қайтаргунча уларга садо бериб, астойдил ҳой-ҳойлаб борди.

Х БОБ

Мейсон иккинчи марта лагерга келиб, аввал Фрэнк Гарриэтга, кейин Харлей Бэгот билан Грэнт Крэнстонга Клайднинг қамоққа олингани ва гарчи у Робертани ўлдирмаганман, деса ҳам, аммо ўзи Катта мушгир кўлида Роберта билан бирга бўлганини тан олганини маълум қилди; Мейсон Суэнк иккалови Клайдга қарашли буюмларнинг барини олиб кетажакларини ҳам қўшиб қўйди.

Бу хабар мароқли саёҳатнинг бутун ҳузур-ҳаловатини бир зумда йўққа чиқариб юборди. Тўғри, у ҳаммани таажжубга ҳам солди, шубҳа туғдириб, бир оз ҳовлиқтириб ҳам қўйди, лекин уларнинг қаршисида нақ Мейсоннинг ўзи турарди, у Клайднинг буюмлари қаердалигини кўрсатишни талаб қилиб, фақат Клайд ялингани учунгина унга илтифот билдириб, уни бу ерга олиб келмадик, акс ҳолда буюмларини ўзи топиб берарди, деб уқтирар эди.

Улфатлар ичида ишбилармонроғи ҳисобланган Фрэнк Гарриэт Мейсоннинг сўзларидаги чин ҳақиқатни биринчи бўлиб тушуниб етди-ю, ўша заҳотиёқ уни Клайднинг чодирига бошлаб борди, Мейсон эса Клайднинг жомадони ва кийимларини текшириб кўра бошлади, бу орада Грэнт Крэнстон билан Бэгот Сондранинг хушторлигидан хабардор бўлганликлари учун аввалига Стюартни, кейин Бертина ва охири Сондрани чақирди-да, юз берган воқеани одамлардан холи жойда айтиш учун уни четроққа олиб ўтишди. Сондра ўзи эшит-

ган гапларининг маъзига тушунар-тушунмас ранги қув ўчди-ю, ҳушидан кетиб, Грэнтининг қўлига шилқ этиб тушди. Уни чодирга олиб киришди-да, ўзига келтиришди, Сондра бўлса, дод-войга ўтди:

– Битта ҳам сўзига ишонмайман! Бу бўҳтон! Бундай бўлиши мумкин эмас! Оҳ, бахти қаро болагина-я! Клайд! Клайд! Қани сен? Уни қаёққа олиб кетишди?

Сал нарсага ловилламайдиган, анча-мунча пихи қайрилиб қолган Стюарт билан Грэнт Сондрага эҳтиёт бўлишни, тишни-тишга қўйиб индамай туришни маслаҳат беришди. Эҳтимол, ҳаммаси ростдир. Хўш, унда нима бўлади? Унда ҳамманинг қулоғига бориб етади. Агар бўҳтон бўлса, Клайд тезда ўзининг бегуноҳлигини исбот этади-ю, уни қўйиб юборишади, шундаймасми, ахир? Хуллас, ҳар қанча бўлганда ҳам шов-шув кўтармаслик керак.

Шу пайт Сондранинг ўзи ҳам ўйланиб қолди: борди-ю, ҳаммаси рост чиқиб... Катта мушгирдаги ўша қизни Клайд ўлдирган бўлса-я... уни ҳибсга тушириб, олиб кетишибди... энди барча одамлар – йўқ деганда шу дўст-ёронларининг бари у билан қандай дон олишиб юрганини билишади... шу гапларнинг ҳаммаси ота-онасининг қулоғига ҳам етиб бориши, балки бутун халойиққа ёйилиб кетиши ҳам мумкин...

Э, йўқ, Клайднинг фариштадек поклигига шак келтириб бўлмайди! Бу гапларнинг бари фирт янглиш, холос. Кейин бирдан Сондра ўша чўкиб кетган қиз ҳақидаги хабарни биринчи бор Гарриэтларникида телефон орқали эшитганини эслаб қолди, сўнгра Клайднинг ранги қув ўчиб кетганини ҳам эслади... у бетоб эди ўшанда... ҳушини йўқотишига сал қолган эди... Йўқ, йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас! Лекин у Ликургдан негадир кечикиб, фақат жума куни келган эди. У ердан Сондрага хат ҳам ёзмаган эди... Юз берган воқеанинг бутун даҳшатини яна бир бор ҳис этган Сондра бехосдан тагин ҳушини йўқотди. У чодирда жонсиз одамдай

ранги қув ўчиб, ҳаракатсиз ётар эди, бу орада Грэнт ва бошқа улфатлар ўзаро кенгашиб, энг тўғриси, ҳозирнинг ўзидаёқ ёки жуда бўлмаганда эртага азонда лагерни йиғиштириб, изимизга – Шейронга қараб жўнаганимиз маъқул, деган қарорга келишди.

Бир оз вақтдан сўнг Сондра ўзига келди ва кўз ёшлари шашқатор бўлганча, бу ердан ҳозироқ кета-жаги, бу мудҳиш жойда энди ортиқча турулмаслиги, Бертина ва бошқалардан ҳушини йўқотгани ва йиғлаганини ҳеч кимга айтмасликларини, уни ёлғиз қолдирмасликларини ялиниб-ёлвориб сўради, негаки, бу ортиқча гап-сўзларга сабаб бўлиши мумкин эди. Кейин у – бу гапларнинг бари рост чиқса – унда Клайдга ёзган хатларимни қандай йўл билан қайтариб олсам экан, деб узлуксиз бош қотира бошлади. Э, худо-ей, қанчалик даҳшат-а! Борди-ю, энди хатлари полициянинг қўлига тушиб қолса ёки уларни газеталарда эълон қилиб юборишса, унда нима бўлади! Ҳарқалай, Сондра Клайдни севар эди, шу сабабли ҳаётида биринчи марта шафқатсиз, аччиқ ҳаёт ҳақиқати унинг қувноқ, ҳавойи, тор дунёсини бузди, унга аёвсиз зарба берди.

Шундай қилиб, Сондра Стюарт, Бертина ва Грэнт билан биргаликда кўлнинг шарқий қирғоғидаги «Дурагай» меҳмонхонасига жўнайди, деган шошилинч қарорга келишди, у ердан улар, Бэготнинг айтишича, айлана йўл билан Шейронга етиб боришлари мумкин экан.

Бу орада Мейсон Клайднинг бутун лаш-лушларини ўзи билан бирга олиб, шоша-пиша ғарбга – Баликчилар қўлиғи ва Учинчи миль Кўрфазига қараб жўнади; йўлда учраган бир фермада биринчи тунни ўтказиш учунгина у орада фақат бир марта тўхтади ва мўлжалланган жойга сешанба кунни кечқурун анча кеч етиб келди. Аввалдан ўйлаб қўйганидек, йўлда кета туриб Клайдни сўроқ қилишда да-

вом этди, асосан у гувоҳларнинг гапига қараганда, Клайд Катта мушгир кўлига борганда кийиб юрган анави кулранг костюмнинг лагердаги буюмлари ичида нима учун йўқлигини сўраб-суриштирди.

Клайд оёғи остидан чиққан яна бир чалкашликдан хавотирга тушганча, эгнида кулранг костюм бўлганини инкор этиб, ўшанда ҳам устимда мана шу ҳозирги костюмим эди, деб туриб олди.

– Ахир, у жиққа ҳўл бўлиб кетмаганмиди?

– Ҳа.

– Кейин сизга уни қаерда дарров тозалаб, даз-моллаб бериша қолди?

– Шейронда.

– Шейронда?

– Ҳа, сэр.

– Ўша ердаги бичиқчи тозалаб бердимми?

– Ҳа, сэр.

– Қайси бичиқчи?

Афсуски, Клайд уни эслаёлмай қолди.

– Демак, Катта мушгирдан то Шейронгача сиз ҳўл, гижим костюмда келибсиз-да, а?

– Ҳа, сэр.

– Сўзсиз, буни ҳеч ким кўрмагандир?

– Агар янглишмасам, ҳеч ким кўрмади.

– Ўҳў, янглишмасам денг-а! Ҳа, майли, ҳали ҳаммасини текшириб кўрамиз.

Мейсон ўзича Робертани сўзсиз Клайд ўлдирган – бунинг устига қасддан ўлдирган, деган фикрга келди, шу сабабли охири бориб костюмини қаерга беркитганини ёки кимга тозалашга берганини ҳам айтишга мажбур қиламиз, деб ўйлади.

Бундан ташқари, кўлдан топиб олинган похол шляпа ҳам бор. Хўш, у ҳақда нима дея олади? Шляпамни шамол учириб кетди деб-ку, Клайд ўзини ўзи тутиб берди, гарчи у сувдан топилган шляпани киймаган бўлганда ҳам, лекин бари бир

кўлга шляпада борганини тан олиб қўйди. Мана энди Мейсон зўр бериб гувоҳлар борида ўша топилган шляпа Клайдга тегишлилигини ва у кейинроқ кийиб юрган иккинчи шляпа ҳам мавжудлигини аниқлаб олишга уриняпти,

– Сиз шляпамни шамол учуриб кетди, деган эдингиз. Хўш, унда у сувда қолганмиди? Уни оламан деб уриниб кўрмаганмидингиз?

– Йўқ, сэр.

– Ҳойнаҳой, ҳаяжонга тушганингиздан бу ҳақда ўйламаган бўлсангиз керак?

– Ҳа, сэр.

– Бироқ сиз ўрмонда келаётган пайтингизда бошингизда бошқа шляпа бор эди. Уни қаердан олган эдингиз?

Икки ўт орасида қолган Клайд қўлга тушаётганини сезиб, бир дақиқа гунг бўлиб турди, ҳозир бошидагиси – ўша ўрмонда келаётганида кийган иккинчи шляпаси эканлигини, сувда қолган биринчи шляпасини эса Утикадан сотиб олганини билиб қолишмасмикан, дея даҳшатга тушиб хавотирлана бошлади. Кейин у алдамоқчи бўлди:

– Кечирасиз, бошқа похол шляпам йўқ эди.

Мейсон Клайднинг бу гапига эътибор бермай, қўлини чўзиб, унинг бошидаги похол шляпасини олди ва астаридаги фабрика белгисини кўра бошлади – «Старк ва К°, Ликург».

– Демак, бу шляпангизнинг астари бор экан. Ликургдан сотиб олганмисиз?

– Ҳа, сэр.

– Қачон?

– Анча бўлган, июнда.

– Тунда, ўрмондан ўтиб келаётган пайтингизда кийган шляпангиз шу эмасми, мабодо, аниқ биласизми?

– Бу эмас, сэр.

– Унда ўша шляпангиз қаерда?

Клайд қопқонга тушганини сезиб, яна жим бўлиб қолди. «Э, худо-е, энди қандай тушунтирсам экан? – дея ўйлай бошлади у. – Нима учун кўлдаги шляпани меники деб бўйнимга олдим-а?» Аммо ўша заҳотиёқ: бўйнига олса-олмаса, ўшанда бошида похол шляпаси борлигини эслайдиган одамлар Ўтлоқзор кўлидан ҳам, Катта мушгирдан ҳам, сўзсиз, топилишини англади.

– Ўша шляпангиз қаерда эди? – деб яна суриштирди Мейсон.

Охири Клайд:

– Аввалги гал чорбоққа шу шляпамда келган эдим, – деди, – ёдимдан чиқариб шу ерда қолдириб кетибман. Бу гал, мана, топиб олдим.

– Э-ҳа, тушунарли! Очигини айтсам, омадингиз бор экан!

Мейсон ўзича анча-мунча қув, уддабуро одамга дуч келганга ўхшайман, деб ўйлай бошлади... шу боисдан яна ҳам нозикроқ тузоқ қўйишга тўғри келади! Айни пайтда у Крэнстонлар ва Айиқ кўлига саёҳатга чиққан бошқа улфатларлар ҳам: жума куни Клайд уларникига келганда бошида похол шляпаси бормиди, олдинги келганида мабодо шляпасини қолдириб кетмаганмиди, шуни ҳеч ким эслаёлмайдими, деб сўрашни ҳам кўнглига тугиб қўйди. Клайднинг алдаётгани аниқ эди, шунинг учун уни қўлга тушириш керак эди.

Шу сабабдан то Брижбургга, кейин маҳаллий округ турмасига боргунга қадар Клайдда бир дақиқа ҳам тинчлик бўлмади. У жавоб беришдан ҳар қанча бўйин товласа ҳам, Мейсон унга қайта-қайта қуйидагича саволларни ёғдирар эди: «Боринг, ана сиз чиндан ҳам қирғоққа чиқиб, фақат овқатланмоқчи бўлган экансиз, унда нега шунчалик олисга – кўлнинг жанубий бурчигача сузиб бордингиз, у кўрфазнинг бошқа ерлардан мундоқ устунроқ жойи ҳам йўқ-ку?» ёки: «Ўша куни қол-

ган вақтингизни қаерда ўтказдингиз? Ҳарқалай, фожиа юз берган ерда ўтирмагандирсиз, албатта?» Кейин у бирдан гапни жомадондан чиққан Сондранинг хатларига буриб юборди, Клайд у билан анчадан бери танишми? Сиртдан қараганда, Сондра уни қаттиқ севадиганга ўхшайди, Клайд ҳам шундайми? Нега у мисс Олденни ўлдириш ниятига тушди, Сондра унга кузда тегмоқчи бўлгани учун эмасми, ишқилиб?

Клайд охири айбномага чидаб туролмай қизишиб рад этди, қолган вақтда эса, киртайган, нурсиз кўзларини умидсизлик билан олдинга тикканча деярли миқ этмай ўтираверган эди.

Кейин кўлнинг ғарбий томонидаги аллақайси бир ферма чордоғида шундоққина полга солинган похол тўшакларда ётиб, амал-тақал қилиб, ит азобида тонг отгиришди; Сиссел, Суэнк ва Краутлар галма-гал қўлларида тўппонча ушлаб уни қўриқлаб чиқишди. Мейсон, шериф ва бошқалар эса пастда, биринчи қаватда ухлашди, Дарвоқе, ҳар хил миш-мишлар тарқаб улгургани учун ерли кишилардан бир тўдаси азонданоқ тўпланиб: «Катта мушгирдаги анави қизни ўлдирган йигитча шу ерда сизлар билан эмиш, тўғрими?» – деб сўроққа тута бошлашди. Кейин уни кўриш учун то кун ёйилгунча, яъни маҳбус ва унинг ҳамроҳлари Мейсон топган автомашиналарда жўнаб кетмагунларича шу ерда кутиб туришди.

Балиқчилар қўлтиғи билан Учинчи миль Кўрфазида ҳам тўп-тўп халойиқ – фермерлар, чорбоғларда истиҳомат қилувчилар, дўкондорлар, ўрмон кесувчилар, болалар йиғилиб улгуришган эди: афтидан, аввалдан қўнғироқ қилиб, жинойтчини олиб, келаётганларини хабарлаб қўйишганга ўхшар эди. Бэрлэй, Хейт ва Ньюкомлар ҳам Учинчи миль Кўрфазида кутиб туришган экан; улар телефон орқали огоҳлантирилган эдилар, шу сабабли Клайднинг

кимлигини узил-кесил аниқлаш мақсадида Катта мушгирдан чақирилган барча гувоҳларни озгин, серзарда ва эпчил судья Габриэл Грэг ўтирган камерага таклиф этишди. Қарабсизки, Мейсон маҳаллий судья қаршисида туриб, Клайдни Робертанинг қотили сифатида айблаб, бутун тартиб-қоидага биноан: у шубҳа остига олинган шахс сифатида Брижбург округ турмасига қамалсин, деган қонуний қарор чиқартириб олди. Кейин у Бэртон ва шериф билан биргаликда Клайдни Брижбургга олиб борди-да, ўша заҳотиёқ уни қамаб, устидан қулф солишди.

Клайд камерага кириб, ўзини темир каравотга отди-ю, нажотсиз бир ҳолатда талвасага тушиб бошини ушлади. Кундузги соат учлар эди-ю, лекин улар турмага етиб келишганда бу ерда кам деганда беш юзга яқин одам тўпланган бўлиб, улар шовқин-сурон кўтарганча ғазабланиб, дағдага солиб туришарди. Аллақачоноқ миш-мишлар тарқалиб кетган эди, гўё Клайд бадавлат қизга уйланаман деб, ёшгина, гўзал бир хизматчи қизнинг умрига завола етказиб, ваҳшиёна тарзда ўлдирган эмиш, қиз бечоранинг айби эса – фақат уни жон-дилдан севгани экан. Дўқ-пўписа, дағал кичқириқлар ҳам эшитила бошлади:

– Ўша ифлос, пасткаш кимса мана шу экан! Ҳали шошмай тур, иблис, сиртмоқда осилиб ўласан! – Бу Суэнкка ўхшаш раҳмсиз, дийдаси қаттиқ ёш ўрмончи бир йигитнинг дарғазаб кичқириғи эди.

Устига-устак, халойиқ орасидан кўринишига қараганда шаҳар харобаларида яшовчи, чит кўйлакли, ликиллаган бир қизча отилиб чиқди-да:

– Сенмидинг ўша заҳар илон? – деб шанғиллади. – Қотил! Қочиб кетмоқчи бўлгандингми, тузоққа илинибсан-ку?

Клайд шериф Слэкнинг пинжигига тиқилганча ўйлай бошлади. «Булар мени чиндан ҳам Робер-

тани ўлдирган дейишяпти, шекилли? Ҳатто мени тошбўрон қилиб юборишлари ҳам мумкин!» Клайд қайтага ҳолдан тойиб, қути ўчиб, сўкиш-ҳақоратлар остида ит азобда қолгани учун турманинг темир дарвозалари очилиб, ичкарига кираётганида чинакамига енгил тортди-ю, бир хўрсинди, чунки бу дарвозалар ортида у ҳарқалай тинч эди.

Аммо у камерага киргач, бир дақиқа ҳам мижджа қоқмай, умрбод айрилган юпанчлари ҳақида ўйлаб, бутун тун бўйи ўз фикрларидан азобланиб чиқди. Сондра! Грифитслар! Бертина! Ликургдаги бошқа таниш-билишлар, улар эрталабданоқ энди ҳаммасини эшитишади. Ие, бу ёқда онаси ва қариндош-уруғлари-чи... Сондра ҳозир қаерларда юрганикин? Мейсон унинг буюмларини олмоқчи бўлиб лагерга қайтиб борганда, ҳойнаҳой, Сондрага ва бошқа улфатларига ҳам бор гапни оқизмай-томизмай етказган бўлса керак, албатта. Энди унинг чиндан ҳам жиноятчи ва қотиллигини ҳамма билади! Бироқ бу ишларнинг бари қай тарзда юз берганини қани энди, қани энди биронтаси билса! Қани энди Сондра ёки онасимиди, ё бирор-бир бошқа кимсамиди, Клайднинг дилини тушунса!

Иш шунчаликка бориб етар экан, қайтага аввал бошдаёқ анави Мейсонга воқеа қандай юз берганини ипидан игнасиғача айтиб бергани маъқулмиди, эҳтимол. Ие, унда ўзининг шум нияти-ю, дастлаб ўйлаган мақсади, фотография аппарати, Робертага ёрдам бериш ўрнига ундан нари қочгани – шуларнинг барини очикдан-очик гапириб бериши керак эди-да. Кейин бехосдан уриб юборгани (ахир, ким ишонади унга?), иши битгач, аппарат оёқчаларини яшириб қўйганини ҳам айтиши зарур эди. Бунинг устига, мабодо шу гаплар ошкор бўлганда – унда Клайд Сондра учун ҳам, Грифитслар учун ҳам, умуман, ҳамма учун ҳам ўлган одам ҳисобланар эди. Бари бир уни қотил-

ликда айблаб, ўлдириб юборишлари аниққа ўхшайди. Э, худо-е, қотиллик-а! Уни Робертани ўлдирган ёвуз кимса сифатида суд қилишади ва бу даҳшатли жиноят унинг бўйнига қўйилади. Ана шунда уни, сўзсиз, ўлдиришади, электр курсига ўтқазишади! У мана шу шубҳа (ўлим... қотиллик учун ўлим ҳукми!) ваҳимасида ҳадсиз эзилганидан каравотида қаққайганча қотди-қолди. Ўлим! Э, худо! Қани энди у Робертадан ва онасидан келган хатларни миссис Пейтонникидаги хонасида қолдирмаганда эди! Бу ёққа жўнашдан олдин сандиқчасини бошқа бирор-бир хонага олиб чиқиб қўйганда эдими, нима учун аввал ўйламади буни? Лекин шу пайтнинг ўзидаёқ миясига: ўшанда ҳам хато бўлар эди, чунки шубҳа туғдирар эди, деган фикр келди, Аммо унинг қаерданлиги-ю, исми шарифи нималигини қандай қилиб билишди экан-а? Беихтиёр у яна сандиққа солиб қўйилган хатларни ўйлади. У онаси ёзган мактубларининг бирида Канзас-Ситидаги анави воқеани эслатиб ўтганини эндигина хотирлади, демак, ўша воқеани Мейсон ҳам билиши керак. Нима учун Робертадан олган, онасидан олган, умуман ҳамма хатларини, нима учун йўқ қилиб ташламади-а?! Нима учун? Нима учунлигига ҳозир ўзи жавоб беролмас эди, ҳарқалай, дуч келган майда-чуйдани ҳам, ҳар бир кўрсатилган илтифоту, яхшилик ва меҳрибонлик белгисини ҳам асраб қўяверишдек бемаъни одати борлиги учун шундай қилган бўлса керак... Агар у иккинчи похол шляпани киймаганда... анави уч кишини ўрмонда учратмаганда-ю, олам гулистон эди! Э, парвардигор! Ҳар қанча бўлганда ҳам у бир амаллаб изига тушишлари мумкинлигини аввалдан билиши лозим эди. Агар жомадони ва Сондранинг хатларини олиб, Айиқ кўлидаги лагердан чиқиб, тўппа-тўғри ўзини ўрмонга урганда, соз иш бўларди! Ким билади, шунда у Бостондами ёки

Нью-Йоркдами ёки яна бошқа бирор-бир жойда-ми яшириниб кетарди, эҳтимол.

Азобда қолганидан у ҳолдан тойиб ухлолмади ва тўхтовсиз у ёқдан-бу ёққа юриб ёки ўзига эриш туюлган тошдай қаттиқ каравотнинг четига омонатгина ўтириб, нуқул ўйлагани ўйлаган эди... Тонг отганда эса эскириб кетган қопсимон ҳаво ранг форма кийган, бод касалидан эзилган, озгин, кекса турма хизматчиси қора темир патнисда унга бир кружка қаҳва, бир бурда нон ва бир парча тухум солиб қовурилган чўчқа гўшти олиб келди. Чол патнисни темир панжарали туйнукдан ичкарига узатар экан, Клайдга синчковлик билан, лекин айни пайтда аллақандай бепарвогина бир назар ташлаб қўйди. Аммо Клайднинг қўнглига ҳозир овқат сиғмас эди.

Кейин бирин-кетин Краут, Сиссел ва Суэнк, охирида эса шерифнинг ўзи ҳам келиб, навбатма-навбат камерага мўралаб қарашди-да: «Хўш, Грифитс, бугун қандай сезяпсиз ўзингизни?» ёки: «Хэлло, мабодо бирон нарса керак эмасми?» деб сўрашди. Нигоҳларидан эса ҳайрат, жирканч, шубҳа ва даҳшат акс этиб турарди: негаки, Клайд, ахир – қотил-ку! Бироқ шунга қарамай, Клайднинг шу ерда ўтириши уларда аллақандай ўзгача туйғу, ҳатто хийлагина ифтихор ҳиссини ҳам уйғотмоқда эди. Чунки Грифитс, ҳарқалай, ҳазилакам одам эмас, жанубдаги шу катта шаҳарнинг машҳур доираларига мансуб йигит. Яна бунинг устига Клайд улар учун ҳам, ғоят безовталанган кенг жамоатчилик учун ҳам худди қопқонга тушган бир йиртқичдек гап, ўша йиртқич уларнинг тенгсиз санъатлари туфайли, мана, адолат тузоғига илиниб ўтирибди, Клайд бамисоли уларнинг истеъдодига жонли бир тимсолдек ярашиб турибди! Газеталарда-ю, одамлар орасида-ю, бу нарса ҳали сўзсиз, оғиздан-оғизга ўтади, уларнинг номи тилларда дoston бўлади! Клайднинг расми ёнида уларнинг расмла-

ри ҳам берилади, номлари эса Клайд билан бирга қайд этилади!

Клайд бўлса уларга темир панжара ортидан жавдираб қараганча ўзини илтифотли тутишга уринарди: чунки у энди ўшаларнинг қўлида эди, нимани хоҳлашса, шуни қилишлари мумкин эди.

XI БОБ

Ўликни ёриб кўриш натижалари Мейсон учун ҳарқалай бир қадам орқага кетиш бўлди, чунки беш врач қўл қўйган ҳужжатда қуйидагилар ёзилган эди: «Оғзи ва бурнининг атрофи лат еган; бурнининг учи, афтидан, салгина эзилган, лаблари шишган, олдинги битта тиши хиёл ўрнидан қўзғалган; лабининг ички томонидаги шиллиқ пардада тимдаланган жойлари бор», – аммо врачларнинг яқдиллик билан таъкидлашларича, буларнинг ҳаммаси ҳаёт учун унчалик хавф туғдирмайдиган жароҳатлар эди. Энг жиддий жароҳат бош суягида эди: афтидан марҳуманинг калласига «қандайдир тўмтоқ асбоб» билан қаттиқ урилган бўлса керак, агар буни тўнтарилиб кетган қайиқнинг зарбидан кўрилса (Клайд биринчи эътирофида худди шуни гапирган эди), унда «қандайдир тўмтоқ асбоб» деган ибора сира ўрнига тушмаган, «ёрилган ва ички қон кетиш рўй берган, бу – ўлимга олиб келган бўлиши мумкин» эди.

Лекин ўпкаси текшириб кўрилганда ичи тўла лиқ-лиқ сув эканлиги аниқланди ва бу, Роберта сувга қулаб тушган пайтида ҳали тирик бўлган, деган фикрни, ҳеч шубҳасиз, исботлаб берар эди, у Клайд айтганидек, тириклигида сувга ағанаб тушгану, кейин фарқ бўлиб ўлган эди. Бундан бошқа бирор-бир зўрлик ёки олишув аломатларини топиш жуда қийин эди, тўғри, қўли ва панжаларининг ҳолатига қараб ҳукм чиқарилса, Робер-

танинг нимагадир интилгани, ниманидир ушлаб қолмоқчи бўлгани сезилиб турарди. Қайиқнинг четинимикин? Шундай бўлиши мумкинми ўзи? Балки Клайднинг айтганларида озми-кўпми жон бордир? Албатта, бу далилларнинг кўпи ҳозирча қисман унинг фойдасига қараб боряпти. Бироқ Мейсон ва бошқалар қатъий туриб: борди-ю, Клайд уни аввалига, сувга ташламасидан олдин ўлдирмаган тақдирда ҳам, ҳарқалай, уни ургани, сўнгра – балки у ҳушидан кетган бўлса – қайиқдан итқитиб юборганини ҳозирги маълумотлар яққол кўрсатиб турибди, деб ҳисобламоқда эдилар.

Аммо уни нима билан урган? Қани энди Клайдни шуни айтишга мажбур эта олишса!

Бирдан Мейсоннинг миясига бир фикр келди: у Клайдни Катта мушгирга олиб боради! Қонун айбланувчиларни ҳар қандай зўрлашлардан ҳимоя қилади-ю, лекин шунда ҳам у Клайдни бари бир ўша жиноят юз берган ерлардан қадам-бақадам яна қайтадан юриб ўтишга мажбур этади. Эҳтимол, ҳаммасини билиб ололмаслиги ҳам мумкин, лекин, ҳарқалай, Клайд тагин ўша жойга бориб, жиноят содир бўлган вазиятга тушгач, беихтиёр бирор-бир ҳаракати билан ақалли костюми ёки Робертани урган қуроли қаердалигини сездириб қўйиши мумкин.

Шундай қилиб, учинчи куни Краут, Хейт, Мейсон, Бэртон Бэрлей, Эрл Ньюком, шериф Слэк ва унинг ёрдамчилари ҳамроҳлигида Катта мушгир қўлига йўл олишди-ю, ўша хосиятсиз кунда Клайд ўтган жойларнинг барини шошмасдан, синчиклаб текшира бошлашди. Краут эса Мейсоннинг топшириғига биноан Клайдга «илашиб», ўзини унга яқин қилиб кўрсатишга ва сирини билиб олишга уринарди. У далилларнинг етарли даражада ишончли эканини исботламоқчи бўлар эди: «уни ўлдирмадим, деганингиз билан суд маслаҳатчилари ишо-

нишармиди сизга, ҳечам ишонишмайди», лекин «Мейсонга очигини айтадиган бўлсангиз, у судья ёки губернатор билан гаплашиб кўради. Сизга у бошқа ҳар қандай одамдан кўра кўпроқ яхшилиқ қилиши мумкин, сизни қутқариб ҳам қола олади – унда умрбод қамоқ жазосига ёки йигирма йилга кесилишингиз мумкин... бироқ ҳозиргидек ҳамма нарсадан бўйин товлайверадиган бўлсангиз, турган гап, электр курсидан қутулолмайсиз».

Аммо Клайд Айиқ кўлида қандай кўрқса, ҳозир ҳам худди шундай ваҳимадалиги учун ҳамон чурқ этмас эди. Модомики, Робертани урмаган экан, нега энди урдим дейиши керак, бу ёғини суриштирса, ҳарқалай, у қасддан урмаган-ку? Бунинг устига, нима билан урганини ҳам айтиши лозим-ку? Ахир, шу пайтгача фотография аппарати ҳақида ҳеч ким гапирмади-ку?!

Лекин Роберта чўкиб кетган жой билан Клайд қирғоққа чиққан жой ўртасидаги масофани округ танобчиси аниқ ўлчаб бўлган ҳам эдики, қутилмаганда Эрл Ньюком Мейсон ҳузурига келиб, муҳим бир янгилик борлигини хабарлади. Клайд тўхтаб, кийимини алмаштирган ердан сал нарироқда, қулаб ётган дарахт ғўласи остидан Клайд беркитган фотография аппаратининг оёқчалари топилибди, у бир оз занглаган ва намиққан бўлиб, Мейсон ва бошқалар: анчагина оғир экан, Клайд ҳойнаҳой Робертани шу нарса билан уриб ҳушидан кетказгану, кейин қайиққа солиб, охири сувга ташлаб юборган, деб ўйлай бошлашди.

Бу топилмага кўзи тушиши билан Клайд баттар оқариб кетди, бироқ ўзида фотография аппарати ва унинг оёқчалари бўлганини қатъий инкор этди. Мейсон дарров барча гувоҳлардан: балки бирортангиз Клайдда аппарат ёки аппарат оёқчасини кўрганингиз бордир, эслай олмайсизларми, деб сўрамоқчи бўлди.

Ўша куннинг охирига борибоқ Клайд билан Робертани бекатдан олиб келган ҳайдовчи ҳам, Клайд ўз жомадонини қайиққа итқитиб юборганини кўрган қайиқчи ҳам, Роберта билая Клайднинг эрта-лаб темир йўл бекатига қараб жўнаётганларини ўз кўзи билан кўрган қизча – Ўтлоқзор кўли меҳмон-хонасининг хизматчиси ҳам – ҳаммалари Клайднинг жомадонига боғлаб қўйилган «қандайдир сарик таёқчалар»ни унутишмаган эди: бу, ҳойнаҳой, ўша аппарат оёқчалари бўлса керак.

Бэртон Бэрлей кейинроқ бориб, афтидан, аппарат оёқчалари билан эмас, балки анча-мунча оғирроқ бўлган аппаратнинг ўзи билан урилгандан сўнг юзида жароҳат қолган, деган қарорда тўхтади: қирраси бош суягига, ясси томони эса юзига теккан бўлиши керак. Бу хулосадан сўнг Мейсон маҳаллий одамлардан беш-олтитасини чақириб, Клайддан мутлақо сир тутгани ҳолда, Роберта топилган ернинг атрофларини – кўлнинг тубини яна қидиртира бошлади. Қидирув ишлари кун бўйи давом этди, эвазига анчагина катта мукофот ваъда қилингани учун Жек Богарт деган киши қидира-қидира, охири қайиқ ағдарилиб қетганда Клайд тушириб юборган ўша аппаратни кўлида ушлаганча, сув остидан шўнғиб олиб чиқди. Бунинг устига аппаратдан бир галтак плёнка ҳам топиб олинди, уни расм қилиб чиқариш учун мутахассисга беришди-да, кейин билишса, у Робертанинг қирғоқда туриб олдирган бир неча сурати бўлиб чиқди: бир суратда Робертанинг ағнаб ётган дарахт устида ўтиргани, бошқасида эса, соҳилда қайиқ ёнида тургани, яна бирида унинг дарахт шохини ушламоқчи бўлаётгани акс эттирилган эди. Ҳамма расмлар хира, сувда. бузилганига қарамай, ҳарқалай, уларни ажратиш мумкин эди. Аппаратнинг энг энлик сирти билан Роберта юзидаги жароҳатнинг узунлиги ҳамда кенглиги

мутлақо бир хил чиққани сабабли, энди Клайд урган асбобнинг топилгани ҳам шубҳасиздай бўлиб туюла бошлади.

Аммо аппаратнинг ўзида ҳам, Брижбургга текшириш учун жўнатилган қайиқнинг четлари-ю тағларида ҳам, унга солиб қўйилган гиламчаларда ҳам қон излари сира учрамади.

Шунда Бэртон Бэрлей: агар ишончли далил керак бўлиб қолса, у, яъни Бэртон ёки бошқа бирон киши бемалол бармоғини қирқиб, қайиқ ичидами ёки гиламчадами, ё фотография аппаратидами икки-уч томчи қон юқи қолдириши мумкинлигини ўйлай бошлади. Бэртон Бэрлей ҳам ўзига етгунча муғомбир йигит эди, бунақалар бу ўрмон хилватгоҳларида анча-мунча сероб эди. Ёки, айтайлик, Робертанинг бошидан икки-уч тола соч олиб, аппарат сиртига ёки марҳуманинг ўртиги илиниб қолган эшкак ҳалқасига ўраб қўйиш ҳам мумкин. Шундай қилиб, у бу ҳақда ўзича жиддий бош қотириб кўрди-да, ака-ука Луцларнинг ўликхонасига бориб, Робертанинг бошидан икки-уч тола сочини юлиб олишни мўлжаллаб қўйди. Ахир, Клайд тошмехрлик билан ўша қизни ўлдириб юборганига унинг ишончи комил. Наҳотки, энди арзимаган бир-иккита далил етишмайди деб, бу индамас, ўзига обдан бино қўйган, муттаҳам йигитга билганингни қилавер, дегандай бутунлай йўл очиб берилса? Йўқ, ундан кўра Бэрлейнинг ўзи Роберта сочларини эшкак ҳалқасига ўраб ёки аппаратга тиқиб қўяди-да, кейин илгари сезилмай қолган бу тафсилотга Мейсоннинг диққатини жалб этади.

– Ўша кунёқ, Хейт билан Мейсон қизнинг юзи ва бошидаги жароҳатларни яна бир бор шахсан ўлчаб кўришаётган пайтда Бэрлей билинтирмай туриб, аппарат қопқоғи билан объективи орасига Робертанинг бир неча тола сочини тиқиб қўйди. Орадан сал ўтмай, Мейсон билан Хейт бирдан соч

толаларини кўриб қолишди-ю, гарчи аввал қандай қилиб кўрмаганларига ажабланишса ҳам, аммо бундан қатъи назар, демак, Клайд чиндан ҳам айбдор экан, деган ишончли хулосага келишди. Шу боисдан Мейсон: мен прокурор сифатида иш охирига етди деб ҳисоблайман, дея эълон қилди. У чиндан ҳам жинойтчининг ҳар бир қадамини синчиклаб чиққан эди, агар зарур бўлса, эртагаёқ суд олдида гапиришга ҳам тайёр эди.

Лекин бошқа далилларнинг ўзиёқ етарли бўлгани учун маълум вақтгача аппарат хусусида ҳеч гапирмасликка – агар иложини топса, бу сирни билганларни ҳам яхшилаб пишиқлаб қўйишга аҳд қилди. Борди-ю, Клайд ҳозиргига ўхшаб, аппаратим йўқ эди, деб ўжарлик қилиб тураверса, адвокати ҳам бу ёқда бунақанги далиллар борлигини ҳатто хаёлига келтирмайди... ана шунда судда манави аппарат, Робертанинг Клайд ўзи олган анави расмлари, аппарат катталиги билан марҳума юзидаги жароҳат изларининг бутунлай тўғри келиши – шуларнинг бари худди тепадан яшин ургандай ҳаммани довдиратиб қўяди! Ахир, бундан ҳам ишончлироқ далил бўлиши мумкинми?!

Бутун гувоҳликлар ва далилу ашёларни шахсан Мейсоннинг ўзи тўплагани учун бу ҳақда мендан кўра тузукроқ ахборот берадиган одам йўқ, деган хаёлда, бутун гапларни губернаторга ўзи етказишга ва суд маслаҳатчилари маҳаллий кенгашининг махсус сессияси иштирокида шу округ ишини кўриб чиқиш учун Олий суднинг фавқулодда сессиясини чақиришга рухсатнома олишга жазм қилди, ана унда Мейсон суд маслаҳатчилари кенгашини истаган вақтида чақира олади. Шу рухсатномани ололса, суд маслаҳатчилари кенгаши ҳайъатини ҳам танлаб, агар Клайдни судга беришга қарор қилишса, бир-бир ярим ойлардан сўнг суд муҳокамасини бошлаб юбориш ҳам мумкин

бўлади. Мейсон бу иш ўзи учун айни муддао эканлигини танҳо дилидагина тан олар, чунки бўлажак ноябрь сайловларидан унинг умиди катта бўлиб, кўнглининг бир чеккасида номзодлар рўйхатига кириб қолиш орзуси ҳам йўқ эмас эди. Агар фавқуллодда сессия чақирилмаса, унда бу иш фақат январда – Олий суднинг навбатдаги сессиясидагина кўрилади, у пайтда унинг прокурорлик ваколати ҳам тугайди, ҳатто судья лавозимига сайланган тақдирда ҳам бари бир бу ишни ўзи охирига етказа олмайди. Ваҳоланки, ҳозир округ аҳолиси Клайдга нисбатан ниҳоятда душманлик кайфиятида турибди, бу яқин атрофларда шошилиш суд чақирилаётганини тўғри деб топмайдиган ҳатто биронга одамни ҳам учратиш амри маҳол бўлса керак. Шундай экан, нега энди орқага сурилади? Нега энди шунақанги жиноятчига яна муҳлатни чўзиб, нажот йўлини топишига имконият бериб қўйилади? Устига-устак, бу ишни олиб боришнинг ўзи унга, Мейсонга бутун мамлакат олдида ҳуқуқий, ижтимоий ва сиёсий шухрат орттириб бериши шубҳасиз-ку.

ХII БОБ

Шундай қилиб, шимолий ўрмонлардан жуда катта жинойий шов-шув кўтарилди. Кишини гиж-гижловчи барча ғаройиб, аммо диний-ахлоқий жиҳатдан даҳшатли бўлмиш муҳаббат, сурур, бойлик, қашшоқлик, ўлим сингари нарсалар бу ерда аралаш-қуралаш эди. Бунақанги жиноятларнинг умуммиллий аҳамиятини ва уларга бўлган қизиқишни дарров фаҳмлаб етадиган эпчил ноширлар ўша заҳотиёқ телеграф орқали буюриб, Ликургда Клайд кимникида ва қандай яшагани, кимлар билан дўст тутингани, қандай қилиб бир қиз билан алоқасини яширгани ҳолда, айни пайтда бошқасини олиб қочиш кетиш режасини туз-

гани – шулар тўғрисида хилма-хил хабарлар боса бошладилар. Шахсан Мейсоннинг ўзига ёки «Ассошиэйтед пресс», ё «Юнайтед пресс»нинг маҳаллий вакиллариغا Нью-Йорк, Чикаго, Филадельфия, Бостон, Сан-Франциско ва Шарқ ҳамда Фарбдаги бошқа йирик Америка шаҳарларидан тўхтовсиз телеграммалар оқиб келар, уларда жиноятнинг кейинги тафсилотларини сўраб-суриштиришар эди. Миш-мишларга қараганда, Грифитс ошиқ бўлиб қолган анави гўзал ва бадавлат қиз ким ўзи? У қаерда яшайди? Клайд билан алоқалари қай даража бўлган? Аммо Мейсон Финчли ва Грифитсларнинг бойлигига ихлос ва ҳурмат билан қарагани учун Сондранинг номини айтишни истамас эди, фақатгина лиқурглик жуда бадавлат фабрикантнинг қизи, деб қўя қолар эди (айнан кимлигини айтишни лозим кўрмасди); бироқ у, Клайд эринмай лента билан боғлаб қўйган бир ўрам хатни иккиланмай кўрсатаверар эди.

Аммо Робертанинг хатлари эса тўла ва атрофлича шарҳланар, энг ҳаяжонли ва ғамгин жойларидан олинган парчалар газеталарда эълон қилиш учун бериб юбориларди, чунки Робертанинг хотирасини авайлайдиган кими ҳам бор эди, дейсиз... Хатдан олинган парчаларнинг матбуотда ёритилиши Клайдга нисбатан ғазаб ва нафрат ўтини, Робертага нисбатан эса ачиниш ҳиссини тобора кучайтирар эди: қашшоқ, камсуқум, ёлғиз бир бечора қизнинг Клайддан бошқа бирон суянадиган кишиси ҳам йўқ эди, ваҳоланки, Клайд жуда бағри тош, хиёнаткор жаллод экан. Агар уни дорга осиб ўлдиришганда ҳам, енгил жазо топган бўларди! Гап шундаки, Мейсон Айиқ кўлига боргунча, сўнг ундан қайтиб келишда ва қолган ҳамма кейинги кунларда ўша хатларни ўқиш билан банд бўлди. Робертанинг уйдаги туриш-турмуши, қайғу-ҳасрати ва эртанги кунни ҳақида ўйлаб хавотирда яша-

ши, унинг ёлғизлиги ва руҳан эзилиб қолдан тойгани тўғрисидаги айрим ўта таъсирли сатрларни ўқиганда Мейсон ниҳоятда изтиробга тушди; у ўз ҳолатини бошқаларга – хотини, Хейт ва маҳаллий газета ходимларига ҳам юқтирди-қўйди, шундан сўнг газета ходимлари Брижбургдан юборган хабарларида Клайднинг қайсарлик билан айбини бўйнига олмаётганини, одамови ва бағритошлигини гарчи бир оз бўрттириб бўлсада, анча-мунча жонли бир тарзда тасвирлаб ёза бошладилар.

Утикадаги «Стар» газетасининг алаким деган бир хаёлпараст ёшгина мухбири Олденлар фермасига бориб, азоб-уқубатда қолган, бахтсизликдан соб бўлган миссис Олденнинг аҳволини ўша заҳотиёқ деярли ҳаққоний акс эттириб берди: она шўрликни обдан ҳасрат еб қўйганидан у на газаб ва на зорланишни билар, содда ва жўнгина қилиб мухбирга: қизининг ота-онага қанчалик меҳрибонлиги, қанчалик қобил ва ҳимматлилиги, художўй бўлгани, мазҳаб черковининг маҳаллий руҳонийси бир марта уни шу пайтгача ўзи кўрган барча қизларнинг ичида энг доноси, энг меҳрибони ва энг гўзали деб атагани; уйдан кетгунга қадар у онасининг чинакам қувват-мадори бўлгани – шуларни сўйлабди, она бечора. Ликургда у оғир аҳволда, ёлғиз ўзи яшагани учун ҳам анави ярамас сенга уйланаман, деб ваъда бергану, илондай авраб уни алдаган, кейин беҳаё ишларга бошлаган (ҳарқалай, шу ишни Роберта қилганига сира-сира ишонгиси келмайди) мана энди ёмоннинг касофатига қолиб, ёш умри хазон бўлиб кетди. Ахир, у бутун умри давомида соф, ҳалол, мўмин-қобил, меҳрибон бир қиз эди. «Шундай қиз энди йўғ-а! Ўлсам ҳам бунга ишонгим келмайди».

Онасининг ҳикояси қуйидагича берилган эди:

«У мана шу ўтган душанбадагина шу ерда эди. Назаримда бир оз маъюс кўринса-да, лекин ку-

лимсираб турарди. Кечаси ҳам, кундузи ҳам, фермани айланиб, учраган ҳар бир нарсага тикилиб қарашига, ҳадеб гул тераверишига ажабланган эдим ўшанда. Кейин у келиб, мени қучоқлади ва: «Биласизми, ойижон, мен қайтадан чақалоқ бўлиб қолишни, сиз яна қўлингизда кўтариб, алла айтингингни истаяпман, худди илгариги пайтдагидай», деди. Мен унга: «Сенга нима бўлди, Роберта? Нега бугун жудаям маъюссан?» дедим. У бўлса: «Йўқ, шунчаки ўзим. Биласиз-ку, эртага эрталаб жўнайман. Шундан бугун негадир кўнглим ғаш», деб жавоб берди. Буни қарангки, мана шу саёҳатни ўйлаб, ажали етиб турган экан ўзи! Назаримда ишлари ўнгидан келмаслигини кўнгли олдиндан сезган экан. Буни қарангки, умрида пашшага зиёни тегмаган қизгинамни урибди-я!»

Гап шу ерга келганда миссис Олден ўзини тутолмай, унсизгина йиғлай бошлади, нарироқда эса дард-ҳасратдан мункайган Тайтус турарди.

Лекин Грифитслар ва бошқа маҳаллий кибор доираларнинг вакиллари бўлаётган бу воқеаларни назар-писанд қилмагандай, лом-мим демай сукут сақлашар эди. Сэмюэл Грифитсга келсак, у аввалига Клайднинг шу қадар даҳшатли ишга қодирлигини тушунолмай, бунга асло ишонинқирамай турди. Тавба, тавба?! Шундай хушмуомалаи, хийла тортинчоқ, боодоб йигитча қотилликда айбланса-я? Сэмюэл бу пайтда Ликургдан анча олисда – Юқори Саранакида юргани учун Гилберт у ёққа зўр-базўр сим қоққанида, кутилмаган бу воқеадан эсанкираб, нима қилиш кераклигини айтиш у ёқда турсин, ҳатто эшитганларини мундай бир тузукроқ тушунолмай, гаранг бўлиб қолди. Э, йўқ, бўлмагур гап! Бу ерда қандайдир хатолик ўтганга ўхшайди. Афтидан, Клайдни ким биландир янглиштиришган шекилли.

Шунга қарамай, Гилберт: бу гапларнинг ҳаммаси рост, чунки ўша қиз Клайд бошқарган бўлимда

ишлар экан, Брижбург прокурорида (Гилберт у билан ҳам суҳбатлашиб кўрди) ўша марҳума қизнинг Клайдга ёзган хатлари бор экан, Клайд уларни рад этмабди, деб тушунтира бошлади.

– Ҳа, яхши! – деди Сэмюэл. – Лекин ўйламай туриб бирор-бир иш қила кўрма, айниқса, мен қайтиб боргунимча бу гапни Смилли ёки Готбойдан бошқа ҳеч кимга айтма. Брукхарт қаерда? (У «Грифитс ва К°» фирмасининг ҳуқуқ кенгашчиси Дарра Брукхарт ҳақида гапираётган эди.)

– Ҳозир у Бостонда, – деб жавоб берди Гилберт. – Душанбами ёки сешанбадами келмоқчи бўлгандай эди, лекин ундан олдин келмас-ов.

– Телеграмма жўнат, тезда етиб келсин. Ҳа, ростдан, Смиллига айт, «Стар» ва «Бикон» газеталарининг муҳаррирлари билан гаплашиб кўрсин, мен боргунимча тагин бирор-бир шарҳ бериб ўтиришмасин. Мен эртага эрталаб етиб бораман. Яна Смиллига айтгинки, машина олиб, иложи бўлса шу бугуноқ ўша ёққа жўнасин (у Брижбургни назарда тутаетган эди). Мен нима гаплигини ўша жойнинг ўзидан аниғини билмоқчиман. Агар иложини топса, Клайд билан ҳам учрашсин, анави прокурорга ҳам йўлиқиб, қўлидан келганча кўпроқ суриштириб билсин. Кейин ҳамма газеталардан битта-биттадан олсин. Матбуотда нималарни ёзиб улгуришганини ўз кўзим билан кўриб чиқмоқчиман.

Тахминан худди шу пайтнинг ўзида, Ўн иккинчи кўлдаги чорбоғларида икки кечаю икки кундуз давомида Клайд тўғрисидаги ўзининг бутун қизлик орзу-ҳавасларини барбод этган шу кутилмаган фожиани ўйлаб, ҳолдан тояр даражада аччиқ хаёлларга ботиб ўтирган Сондра, охири, ҳамма гапни отасига ошкора айтишга қарор қилди, чунки у онасидан кўра отасини кўпроқ яхши кўрар эди. Шу хаёлда у кабинетга кирди, одатда отаси овқатдан сўнг вақтини шу ерда ўтказиб, у-бу нарсалар-

ни ўқиш ёки ўз юмушларини режалаш билан банд бўларди. Лекин отасининг олдига етиб бормасданок у ҳиқиллаб йиғлай бошлади: чунки у чиндан ҳам васвасага тушиб қолган эди, барбод бўлган севгиси, ўзи ва оиласи атрофида салга жанжал чиқиб кетай деб тургани унинг баландпарвоз орзу-ниятларига, эл-юрт олдадаги обрўйига путур етказиши мумкин эди. Неча маргалаб уни тергаб, огоҳлантирган ойиси энди нима деркин? Отаси-чи? Гилберт Грифитс билан унинг қаллиғи-чи? Сондранинг таъсирига берилган Бертинани айтмаганда, қолган ҳамма Крэнстонлар ҳам унинг Клайд билан яқин бўлишини ҳеч қачон маъқулламаган эдилар, хўш, улар нима дейишаркин?

Қизининг ҳиқиллаётганини эшитган отаси бошини кўтарди-ю, нима гаплигига мутлақо тушунмай ҳайрон бўлиб қолди. Аммо ўша заҳотиёқ қандайдир қўрқинчли бир нарса юз берганини пайқади-да, шоша-пиша қизини бағрига босиб, уни юпатиш ниятида қулоғига шивирлади:

– Ҳой, секинроқ, секинроқ! Азбаройи худо, қизимга нима бўлди ўзи? Ким уни ранжитди? Нима қилиб? Қандай қилиб?

Кейин у орада нималар бўлиб ўтгани ҳақидаги қизининг бутун дил иқрорини: Клайд билан илк бор танишгани, уни ёқтириб қолгани, Грифитсларнинг Клайдга нисбаган бемехрликлари, унга ўзи ёзган мактублар, Клайдни севиши... ва ниҳоят, унинг мана бу даҳшатли гуноҳда айбланиб, қамоққа олиниши – мистер Финчли шуларни бутунлай ўзини йўқотган кўйи тинглаб ўтирди. Тўсатдан ҳаммаси рост чиқса-я! Энди уни ва дадажонини дуч келган жойда чайнашади! Сондра нақ юраги ёрилгудай яна ўкириб йиглаб юборди... Лекин отаси қанчалик жаҳли чиқиб, хафа бўлмасин, бари бир охири бориб унга раҳми келиши ва айбини кечирешини у жуда яхши билар эди.

Ўз уйида осойишталик, тартиб-интизом, одоб ва тўғрилиқ ҳукм суришига кўникиб қолган мистер Финчли қизига гарчи ичи ачишиб турса-да, аммо қовоғи осилганча унга ҳайрон бўлиб тикилди-да, хитоб қилди:

– Ана холос, жуда расво бўлибди-ку! Э, алҳазар, алҳазар! Азизим, мен ҳайрон қоляпман! Ўзимга келолмаяпман ҳеч. Очиғини айтсам, сира қуюшқонга сифмайдиган иш бўпти. Қотилликда айбланаётган эмиш! Сен ёзган хатлар унда эмиш! Гапингга қараганда, ҳатто унда ҳам эмас, аллақачоноқ прокурорнинг қўлига тушган эмиш. Ана холос, ана холос! Жудаям хунук иш бўлибди, Сондра, э, тавба, шунчалик хунуки! Мен буни бир неча ой олдин ойингдан эшитган эдим, ўшанда ундан кўра ҳам кўпроқ сенга ишонган эдим. Мана, энди қара, оқибати қандай бўлиб чиқди! Нега сен менга ҳеч нарса айтмаган эдинг? Нега ойингнинг гапига қулоқ солмадинг? Охири иш бориб мана шундай шармандаликка тақалгунча кутиб ўтирмай, мен билан ҳаммасини маслаҳатлашсанг бўларди-ку. Мен қурғур, икковимиз бир-биримизни ҳурмат қиламиз, тушунамиз, деб юрибман-а. Ойинг билан мен сендан жонимизни ҳам аямаслигимизни ўзинг ҳам биласан. Бунинг устига, очиғини айтсам, сени анча-мунча ақллисан, деб ўйлаб юрибман. Қотиллик тўғрисидаги ишга аралашиб қолишингни эса, етти ухлаб тушимда ҳам кўрмаганман! Ё, парвардигор!

Мистер Финчли шиддат билан ўрнидан турди-да – у чиройли костюм кийиб олган, малла соч, хушрўй киши эди – бармоқларини асабий қисирлатганча у ёқдан-бу ёққа юра бошлади, Сондра-нинг эса йиғиси босилмасди. Мистер Финчли бирдан тўхтаб, яна гапида давом этди:

– Ҳа, бўлди, бўлди! Йиғидан нима фойда! Кўз ёши тўкканинг билан қайтиб ўрнига келмайди. Бир амаллаб чидармиз, майли. Ҳайронман, ҳай-

ронман... бу нарса қанчалик сенга зиён етказишини тасаввур қилолмайман. Аммо шуниси аниқки: хатларинг масаласида бир чора излашимиз керак.

Сондра ҳамон йиғлар, мистер Финчли эса юрт олдидаги шаънларига қанчалик оғир зарба келиб тушганини тушунтириш мақсадида хотинини чақиртирди; чиндан ҳам миссис Финчлининг хотирасида бу зарба то ўла-ўлгунча унутилмас аламли из қолдирди. Кейин мистер Финчли штат сенатори, республикачилар партияси марказий комитетининг штатдаги раиси, адвокат ва ўзининг доимий ҳуқуқ кенгашчиси Легер Эттерберига қўнғироқ қилди-да, Сондранинг бошига тушган мушкул ишни сўйлаб бериб, энди нима қилиш кераклигини маслаҳатга солди.

– Қани ўйлаб кўрайлик-чи, – дея жавоб берди Эттербери. – Агар мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда бунчалик ташвиш тортиб ўтирмасдим, мистер Финчли. Бўлмағур шов-шувлар тарқаб кетгунига қадар бирор-бир чорасини тополсам керак, деб ўйлайман. Бир ўйлаб олишга вақт беринг... Ўша Катаракида ким прокурор экан? Мен шуларни аниқлаб, улар билан гаплашаман-да, кейин сизга қўнғироқ қиламан. Ташвиш тортманг, бирор йўлини топаман, хотиржам бўлинг. Сизга ваъда беришим мумкин, ҳар қанча бўлганда ҳам анави хатлар газетага тушмайди. Балки улар – гарчи бунга унчалик ишонмасам ҳам – судга кўрсатилмай қолиши ҳам мумкин. Лекин қизингизнинг номини тилга олинмаслигининг иложини сўзсиз топамиз, сира ташвиш тортманг.

Кейин Эттербери юридик манзил-тақвимдан Мейсоннинг фамилиясини топди-да, у билан шахсан учрашуви ҳақида келишиб олди. Мейсоннинг фикрича, бу хатлар кўриладиган иш учун ниҳоят даражада муҳим эди, аммо Эттерберининг овози уни гангитиб қўйганидан, у Сондранинг номи ёки

хатларини кўпчиликка эълон қилишни мутлақо хаёлига ҳам келтирмагани, фақат агар Клайд айбини бўйнига олмай, суд маслаҳатчилари кенгаши томонидан дастлабки муҳокамага киритилишини орқага сурмоқчи бўлган тақдирда бу хатларни яширин муҳокама учунгина сақлаб турганини шоша-пиша тушунтира бошлади.

Эттербери Финчли билан иккинчи бор гаплашиб, унинг қизи ёзган хатлардан қандайдир тарзда фойдаланиши ёки Сондранинг номи тилга олиншига бутунлай қарши эканлигига ишонч ҳосил қилгач, баъзи бир сиёсий ахборот ва режаларимни айтиш учун эртагаёқ ёки индинга шахсан ўзим Брижбургга жўнайман, деб ваъда берди ва бу Сондранинг номини қисман бўлса ҳам тилга олиш-олмаслиги масаласида Мейсонни жиддий ўйлаб кўришга мажбур этади, деди.

Сўнгра оилавий кенгашда яхшилаб муҳокама қилиб олингач, миссис Финчли, Стюарт ва Сондралар зудлик билан, ҳеч қандай изоҳсиз ва хайрлашув зиёфатларисиз, Мэн соҳилларигами ёки яна бошқа бирор-бир жойгами жўнаб кетишлари зарур, деган қарорга келинди. Мистер Финчлига қолса, Ликург ва Олбэнига қайтиш керак, деган таклифни айтди. Газета ходимлари ва ёру дўстларнинг хира пашшадай сўраб-суриштиришларидан кутулиш учун энг яхшиси, улар бу ердан жўнаб қолганлари маъқул эди. Кейин Финчилилар оиласи Наррагансетга қараб жуфтакни ростлаб, бир ярим ой давомида Уилсон номи остида яшириниб юришди. Крэнстонлар ҳам худди шу сабабга кўра тезлик билан сон-саноқсиз ороларнинг бирига йўл олишди, уларнинг фикрича, жуда бўлмаса ёзнинг қолган қисмини ўша ерда бир нави ўтказиш мумкин эди. Гарриэт ва Бэготлар эса ўзларини у ҳадар обрўсизланмагандай қилиб кўрсатишди-ю, Ўн иккинчи кўлда тураверишди. Лекин

ким кўринганнинг бари Клайд ва Сондра тўғрисида, ёвуз жиноят тўғрисида, шу ишларга ўзи билиб-билмай беихтиёр аралашиб қолиб, ўз номини булғаган ҳар бир киши умрбод иснодга қолажаги тўғрисида гап сотишарди.

Бу орада Смилли Грифитсларнинг топшириғига биноан Брижбургга жўнади-да, Мейсон билан икки соат суҳбатлашгандан сўнг, турмага кириб, Клайдни кўриш ва камерасида яккама-якка гаплашиб чиқишга ижозат олди. Смилли Грифитслар ҳозирча Клайдни ҳимоя қилишга киришмаётганликларини, шунақанги аҳвол юз бериб турган бир пайтда, умуман уни ҳимоя қилиш мумкинми ё йўқми, фақат шуни билмоқчи эканликларини тушунтириб берди. Мейсон ҳам Смиллига Клайдни иқрор қилинг, деб қатъий маслаҳат берди, чунки унинг айбдорлигига зиғирдай ҳам шубҳа йўқ, суд муҳокамасининг чўзилиб кетиши эса Клайдга ҳеч қандай наф бермагани ҳолда округга жуда қимматга тушади, деб уқтирди; қайтага у ҳаммасини бўйнига олса, айбини юмшатувчи бирор-бир баҳона-сабаб топилиб қолиши ҳам мумкин, жуда бўлмаганда ваҳима билан газета саҳифаларида кўтариладиган мана шундай ижтимоий жанжалнинг олди олинган бўлади-ку, ахир.

Шундай қилиб, Смилли Клайд энди нима қилсам экан, деганча ҳафсаласи тушиб, умидсизланиб ўй суриб ўтирган камерага томон йўл олди. Смилли деган номни эшитишининг ўзидаёқ Клайд худди бировдан зарба егандай сесканиб тушди. Грифитслар – Сэмюэл Грифитс ва Гилберт! Ўшаларнинг шахсий вакили. Хўш, энди унга нима дейиши керак? У Мейсон билан гаплашиб олгандан сўнг, сўзсиз мени айбдор ҳисоблайди, деб ўйлай бошлади Клайд. Нима дейман унга? Тўғрисини айтсаммикич ёки йўқми? Клайд бир нарсани ўйлаб, бир қарорда тўхтагунча Смилли эшикдан кириб келди.

Клайд қотиб қолган лабларини ялаб, зўр-базўр:
– Салом, мистер Смилли! – деди.

Смилли ҳам ясама меҳрибончилик билан жавоб қайтарди. – Хэлло, Клайд! Сизни шундай жойга қамаб қўйишган ниҳоятда қайғули ҳол. – Кейин яна гапида давом этди: – Газеталар ва шу ерлик прокурор сиз ҳақингизда шунақанги олди-қочди гапларни тўқишяптики, асти қўяверасиз, лекин бунчалик бўлмаса керак, деб ўйлайман. Бу ерда, сўзсиз, бир янглишмовчилик ўтган. Мен худди шу нарсани аниқлашга келдим. Амакингиз бугун эрталаб қўнғироқ қилиб, сиз билан учрашишимни ва нима учун сизни бу ерга қамаб қўйишганини суриштириб билишимни топширди. Қариндошларингизга ҳозир қанчалик оғирлигини сиз ўзингиз тушунасиз. Улар менга ҳамма гапни ипидан-игнасигача аниқлашни ва иложи бўлса, бу ишни ёпишни буюришди. Шу сабабли агар сиз бутун тафсилотларни бошдан-охир гапириб берсангиз... тушуняпсизми... мен шунга истардимки...

Смилли тўхтади. Ҳозиргина прокурордан эшитганлари ва Клайднинг ичимдагини топ деб туришидан сўнг, ўзининг гуноҳсизлигини исботлаш учун тузукроқ бир гапи ҳам йўққа ўхшайди, деган фикр келди Смиллига.

Клайд бўлса ёрилиб кетган лабларини яна бир бор ялади-да, гап бошлади:

– Ишларим чатоқ бўладиганга ўхшайди, мистер Смилли. Мен мисс Олден билан учрашганимда, кейин бошимга бунчалик бахтсизлик тушишини асло ўйламаган эдим. Лекин мен уни ўлдирмадим: тепамда худо бор, бу чин сўзим. Менда ҳеч қачон уни ўлдириш истаги туғилмаган ва уни ўша кўлга олиб боришни ҳам хоҳламагандим. Бу чин гапим, буни мен прокурорга ҳам айтдим. Биламан, прокурорда мисс Олденнинг менга ёзган хатлари бор, аммо уларда менинг мисс Олден билан кетмоқчи

бўлганим эмас, балки унинг мен билан кетмоқчи бўлгани ҳақида гап боради...

Бир оз бўлса-да, Смилли гапимга ишонаётган-микин, деган хаёлда Клайд жимиб қолди. Смилли эса Клайднинг изоҳлари Мейсоннинг гапларига тўппа-тўғри чиқаётганини билиб турса ҳам, уни тинчлантириш мақсадида:

– Ҳа, биламан, ҳозир Мейсон уларни менга кўрсатди, – деди фақат.

– Унинг кўрсатишини билар эдим, – дея секингина давом этди Клайд. – Лекин баъзан қандай бўлиб чиқишини биласизми, мистер Смилли. – Тағин шерифми ёки Краутми қулоқ солиб туришган бўлмасин деган хавотирда овозини яна ҳам пасайтирди. – Агар бошида мутлақо ёмон ният қилмаган тақдирингда ҳам қиз бола билан мана шундай машашага тушиб қолишинг ҳеч гап эмас экан. Ўзингиз ҳам биласиз-ку буни. Мен аввал Робертани севар эдим, бу рост, кейин у билан алоқада ҳам бўлганман, бу хатларидан ҳам кўриниб турибди. Лекин фабрикадаги тартиб қандайлиги ўзингизга маълум-ку: бўлим мудирини ишчи қиз билан сира алоқада бўлмаслиги керак. Назаримда, бутун омадсизликларим худди шундан бошланганга ўхшайди. Тушуняпсизми? Мен ишқилиб биров билиб қолмасин, деб доим васвасада юрдим.

– Ҳа, тушуняпман.

Шу алпозда Клайд борган сари ҳовурини босиб, ўзини бемалолроқ тутиб (чунки унинг гапларини Смилли ҳамдардлик билан эшитаётгандай туюларди), Роберта икковлари ўртасидаги илгариги яқинликни деярли бошдан-охир гапириб берди ва ўзини оқлашга уринди. Аммо уни тўхтовсиз, ғоятда ҳаяжонга солиб келаётган фотография аппарати, иккита шляпа, йўқолган костюм хусусида эса ломим ҳам демади. Тўғриси ҳам, буларни у қандай

қилиб тушунтириб бера олади? Охири, бу гапларнинг барини Мейсондан билиб олган Смилли:

– Анави иккита шляпа ҳақида нима дейсиз, Клайд? – деб сўради. – Анави Мейсоннинг гапига қараганда, сиз иккита шляпангиз борлигини, яъни: биттаси кўлдан топиб олингани-ю, яна бири эса йўлда келаётган пайтингизда кийган шляпангиз бўлганини тан олибсиз.

Клайд нимадир деб жавоб қайтаришга мажбур бўлиб, аммо нима дейишини билмай:

– Улар янглишяптилар, мистер Смилли, – деди. – Мен у ёқдан қайтиб келаётганимда похол шляпа эмас, шапка кийиб олган эдим.

– Тушуняпман. Аммо Мейсон Айиқ кўлида, ҳарқалай, бошингизда похол шляпа бўлган эди, дегяпти.

– Ҳа, бўлган эди, лекин у Крэнстонларникига биринчи гал келганимда кийган шляпамлигини мистер Мейсонга айтиб берган эдим-ку. Мен унга айтганман. Ўшанда шляпамни эсдан чиқариб қолдирган эканман.

– Ҳа, тушунарли. Яна аллақандай костюм – ҳа, кулранг костюм ҳам бўлган, шекилли. Мейсоннинг айтишича, сизни ўша костюмда кўришган экан, аммо уйда уни топишолмаётган эмиш. Сизда ўшанақа костюм бормиди, ўзи?

– Йўқ. Мен ҳаво ранг костюмда, мени бу ёққа олиб келишган пайтдаги ўша костюмда эдим. Кейин уни ечиб олиб, мана буни беришди.

– Аммо Мейсоннинг гапи бўйича, сиз кулранг костюмингизни Шейронда тозалатишга берганман, деган экансиз-ку, у бўлса у ердан ўша одамни излайвериб, бу гапдан хабардор ҳеч кимни учратолмабди. Жуда қизиқ-ку?! Сиз чиндан ҳам костюмни тозалатишга берган эдингизми?

– Ҳа, сэр.

– Хўш, кимга?

– Ҳа, мен сира эслолмаяпман ҳозир. Лекин ўша ёққа яна борсам, ўша бичиқчини топишим ҳам мумкин. Вокзалга яқин жойда эди.

Шундай дея туриб, у Смиллининг кўзига тик қарашга ботинолмай ерга тикилди.

Кейин Смилли ҳам аввал Мейсон қилганидек, Клайд қайиққа олиб тушган жомадонни суришти-ра бошлади, агар Клайд бошмоқ ва костюмлари билан қирғоққача сузиб чиқа олган экан, нега унда Робертанинг ёнига сузиб бориб, тўнқарилиб кетган қайиқни ушлаб олишида унга кўмаклашмади, деб ҳам сўради. Клайд бунга илгари айтганидек, ёпишиб олиб, мени ҳам чўктириб юборишидан кўрқдим, деган важни кўрсатди. Лекин у ҳозир биринчи марта Робертага қайиқни ушлаб ол, дея қичқирдим, деган гапни кўшимча қилди, ваҳоланки, аввал у Мейсонга қайиқ биздан узоқлашиб кетди, деган эди, буни Смилли Мейсондан билиб олган эди. Клайднинг шляпасини гўё шамол бошидан учириб кетгани ҳақидаги гапга келганда эса, Мейсон гувоҳлар, шунингдек, давлат метеорология ахборотлари ёрдамида ўша осойишта кунда шамол тугул арзимаган елпин ҳам бўлмаганини исботлаб беришга ўзининг тайёр эканлигини билдирди. Демак, Клайднинг ёлгон гапиргани аниқ эди. Касални яширсанг, иситмаси ошқор қилгани каби, унинг бутун кирдикорлари очиқ-ойдин сезилиб турарди. Бироқ Смилли уни ортиқча хижолат қилмаслик учун нуқул: «Ҳа, тушуняпман» ёки: «Ҳа, албатта» ёки: «Демак, шундай бўлган экан-да!» деб такрорларди, холос.

Ниҳоят, Смилли Робертанинг юзи ва бошидаги зарбадан қолган моматалоқларни сўраб-суриштирди. Чунки Мейсон қайиқнинг қирраси урилганда биратўласи икки жойда жароҳат пайдо бўлмаслигига унинг диққатини жалб этган эди. Клайд эса қайиқ ағдарилиб тушаётганда Робертага фақат

бир марта урилиб кетди, моматалоқ ва жароҳатларнинг бари шундан – бундан бошқа, хўш, нимадан бўлиши мумкин, сира ақлим етмаяпти – деб уқтирар эди. Лекин бу изоҳи қанчалар бемаънилигини унинг ўзи ҳам тушуна бошлади. Смиллининг ранжи, хижолат тортиб қарашларидан Клайднинг гапларига у ишонмаганлиги аниқ сезилиб турарди. Клайднинг Робертага ёрдамга келмаганининг ўзини Смилли очиқ-ойдин, чинакамига разил қўрқоқлик, деб ҳисоблади. Клайд Робертанинг ўлимига томошабин бўлиб қараб турган – бу ўринда қўрқоқликни важ қилиш билан иш битмайди.

Охири Клайд алдайвериб обдан чарчаганидан, ҳафсаласи пир бўлиб, индамай қолди. Смилли эса шу даражада ранжиб, авзойи бузилиб кетдики, ҳатто Клайдни яна сўроққа тутиб доводиратиб қўйиш фикридан ҳам бутунлай кўнгли совиди. Стулда безовталаниб типирчилаганча нима дейишини билмай ўтириб-ўтириб, ниҳоят:

– Ҳа, Клайд, энди мен кетмасам бўлмас, – деди.
– Бу ердан Шейронгача борадиган йўл ҳаддан ташқари ёмон экан. Шу воқеаларнинг барини ўз оғзингиздан эшитганимдан беҳад хурсандман. Сиз менга айтган гапларнинг ҳаммасини оқизмай-томизмай амакингизга етказаман. Лекин агар сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда иложи борича бошқа ҳеч нарсани гапирмас эдим, мендан янги хабар олмагунингизча сабр қилинг. Менга шу ердан сизнинг ишингизни олиб бориши мумкин бўлган бир адвокат топиш вазифаси юклатилган. Лекин кечикканмиз, мистер Брук харт эса – бизнинг бош ҳуқуқ кенгашчимиз – эртага қайтиб келадиган бўлгани учун, яхшиси уни кутиб, у билан гаплашганимиз маъқул, деб ўйлайман. Хуллас, агар маслаҳатимга кўнсангиз, мендан ёки ундан бирор-бир хабар топмагунингизча энди бошқа мутлақо гапирманг. Мистер Брукхарт ё ўзи келади,

ёки биронтасини юборади; ҳузурингизга келадиган одам орқали мен сизга хат жўнатаман ва у бундан бу ёғига нима қилишингиз кераклигини ҳам айтади.

Шу насиҳатлардан сўнг Смилли Клайдни ўз халлари билан яна ёлғиз қолдирганча хайрлашиб чиқиб кетди. Аммо Клайднинг айбдорлигига шахсан Смиллида ҳам ҳатто зиғирдай бўлса-да шубҳа қолмади, айти пайтда у Клайдни бу ҳаққоний оғир қисматдан фақат Грифитсларнинг миллионларигина – агар Грифитслар ўз миллионларини шу ишга сарфлашни истасалар – сақлаб қола олиши мумкинлигини ҳам чуқур ҳис этди.

ХIII БОБ

Эртаси куни эрталаб Сэмюэл Грифитс Уикиги авенюдаги данғиллама уйларининг каттакон меҳмонхонасида ўтирганча, Гилберт иштирокида, Смиллининг Клайд ва Мейсон билан учрашиб келганлиги тўғрисидаги батафсил ахборотини тинглади. Смилли ўзи кўрган ва эшитган нарсаларини ипидан-игнасиғача гапириб берди. Шунда Гилберт Грифитс бу ишлардан гоё даражада ҳаяжонга тушиб, ғазаби қайнаб кетганидан:

– Уҳ, иблис бола! – дея хитоб қилди. – Газанда! Кўрдингизми, дада, мен сизга айтган эдим-а! Уни бу ёққа яқин йўлатманг, деб огоҳлантирган эдим-а!

Сэмюэл Грифитс аввал бир чуқурроқ фикрламай, Клайдга қўққисдан меҳр қўйганига теккизиб айтилаётган бу шамани ўйлаб, бир оз жим турди-ю, кейин Гилбертга ранжиганнамо, маъноли бир назар ташлаб қўйди, унинг нигоҳидан: «Биз ўзи бу ерга нима учун йиғилдик, менинг дастлабки, гарчи бемаъни бўлса ҳам беҳуда, аммо олимпистер ниятимни муҳокама қилишгами ёки юз берган ташвишли аҳволними, хўш?» деган маънони уқиш мумкин эди. Гилберт эса: «Қонхўр! Анави бад-

бахт мақтанчоқ Сондра Финчли ундан тузук бир одам чиқаришни хаёл қилган эди, аслида менинг жиғимга тегмоқчи бўлган эди, ажаб бўпти, ўзига ўзи қора суртибди. Аҳмоқ! Қилмишига яраша жазосини топибди. Ҳали у бу қора доғни ювгунча, ўҳ-ўҳ», деб ўйлар эди. Лекин унга ҳам, отасига ҳам, яна бошқа кўпларга ҳам ташвиш дегани етиб ортадиган бўлди. Эҳтимол, бу жанжал ҳаммаларига – Гилбертнинг ўзига ҳам, қайлиғига ҳам, Беллага, Майрага ва ота-оналарига ҳам сира ўчмас доғ бўлиб тушиши ва ҳойнаҳой, Ликургдаги ўз тенги-тўшлари орасида уларнинг обрўига катта путур етказиши аниққа ўхшаб қолди. Фожиаки, нақ даҳшат! Эҳтимол, Клайд қатл этилар! Келиб-келиб Грифитсларнинг оиласида шу шармандалик юз бериб ўтирса-я!

Сэмюэл Грифитс Клайд Ликургга келгандан бери орада ўтган воқеаларнинг барини ўзича бирин-сирин хотирлай бошлади.

Аввалига уни ертўлада ишлашга мажбур этишди, Грифитслар оиласи эса ақалли унга салгина ҳам эътибор бериб қарамади. Ҳазилакамми, саккиз ой давомида у ўз ёғида ўзи қоврилиб юрди. Ҳозирги даҳшатли воқеаларнинг келиб чиқиш сабабларидан бири ҳам, эҳтимол, шу нарса бўлгандир? Кейин уни йигирма чоғли ёш қизга бошлиқ қилиб қўйишди! Хўш, бу ҳам хато эмасмиди, ахир? Гарчи Клайд қилган гуноҳни Сэмюэл мутлақо кечиролмаса ҳам, лекин ўшанда ўзи хатога йўл қўйганини ҳозир аниқ тушуниб турибди. Қанчалик паст табиат экан у! Ҳирс олдида шу қадар ўзини тия билмаганини қаранг! Қанчалик бетавфиқ йиртқичлигини айтмайсизми: анави қизни йўлдан оздиришга оздириб, кейин Сондрани – шу норасида жажжи Сондрагинани қўлга оламан деб, илгаригисидан қутулиш мақсадида уни нобуд этгани-чи? Энди у турмада ётибди, Смиллининг гапига қараганда, кишини таажжубга соладиган бу

даҳшатли аҳволни изоҳлаб беришга ҳатто тузукроқ бир баҳона ҳам тополмабди, фақат: уни ўлдириш ниятим йўқ эди, буни ақалли хаёлимга ҳам келтирмаганман, шляпамни шамол учуриб кетди... лекин қуруқ сафсатадан нарига ўтолмагани ҳам қизиқ! Шу қадар таги бўш гапларки! Иккита шляпа ёки йўқолган костюм ҳақида ҳам, чўкиб кетаётган қизга ўзининг нима учун ёрдамга бормагани ҳақида ҳам хиёл бўлса-да, одам ишонадиган бирор-бир важ-корсон ҳам айтолмабди. Унда қиз юзидаги моматалоқлар-чи – хўш, улар қаердан келиб қолган? Булар уни қўл-оёғидан боғлаб, гуноҳкор – шу деб кўрсатиб беряпти-ку, ахир!

– Ё, алҳазар! – дея хитоб қилди Гилберт. – Наҳотки бошқа бирор-бир ўринлироқ гап топишга ҳам ақли етмабди-я, бефаҳм!

Смилли: Клайддан билган гапларимнинг бари шу, мистер Мейсон ҳам унинг айбдорлигига, шу даражада қатъий ва бутун вужуди билан ишоняптики, бунга сира шубҳаси ҳам йўқ, деб жавоб қайтарди.

– Даҳшат! Даҳшат! – деб такрорлади Сэмюэл. – Мен сира тушунолмамаяпман буни, тушунолмамаяпман! Қон-қонимга яқин бўлган бу одамнинг қўлидан шу қадар жиноий иш келишини сира ақлимга сиғдиролмамаяпман!..

У даҳшатга тушиб, шиддат билан ўрнидан турди-да, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Грифитслар оиласининг шаънига катта доғ-ку бу! Гилберт ва унинг келажаги нима бўлади энди! Белла-чи, унинг тантиқ, иззатталаб орзу-хаёллари-чи! Сондра-чи! Финчли-чи!

У қўлини мушт қилди. Қошларини чимириб, лабини тишлади. Ора-сира у беғуноҳ, олифта Смиллига қараб-қараб қўяр, Смилли эса Грифитснинг ҳаддан ташқари дилтанг бўлаётганини сезиб, у ҳар қараганда бошини сарак-сарак қимирлатиб қўяр эди.

Сэмюэл Гриффитс яна бир ярим соатча эринмай, мабодо далилларни бошқача изоҳлашнинг иложи йўқмикан деб, Смиллини савол-жавобга тутиб ўтирди; кейин бир оз жим қолиб, охири:

– Очигини айтсам, ниҳоятда хунук иш бу, – деди. – Лекин сиз айтиб берган ҳамма гапларга ҳам қарамай, бари бир мен уни бутунлай гуноҳкор деб ҳисоблаёлмайман, чунки қўлимдаги далилларим етарли эмас. Эҳтимол, ҳали юзага қалқиб чиқмаган бошқа гаплар ҳам бордир, ахир, ўзингиз ҳам у кўп нарсалар тўғрисида оғиз очмади, деяпсиз-ку... биз билмаган бошқа бирор-бир тафсилотми... гарчи арзимаган бўлса ҳам, бирор-бир оқловчи далилми... акс ҳолда бу энг мудҳиш жиноятга айланиб кетади-ку. Мистер Брукхарт Бостондан келдимиз?

– Ҳа, сэр, у шу ерда, – дея жавоб берди Гилберт, – У мистер Смилли билан телефонда гаплашиб олган эди.

– Яхши. Унда бугун соат иккида ҳузуримга келсин. Ўлгудай чарчадим, энди бу ҳақда гапиришга мажолим йўқ. Смилли, менга айтганларингизнинг барини унга ҳам гапириб беринг. Соат иккида у билан бирга келинглар. Ҳеч нарса ақлимга сиғмаяпти-ю, аммо эҳтимол, у бирор-бир бамаъни гап айтиб қолар. Бироқ бир нарсани тайинлаб қўяй: менимча, Клайд айбдор бўлмаса керак. У айбдорми ёки йўқми – шуни аниқлаш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилмоқчиман. Агар айбсиз бўлиб чиқса – унда қонун йўл қўйган даражада, уни ўз ҳимоямга олмоқчиман. Лекин ортиқча уринмайман, мутлақо. Агар айби бўйнига қўйилса, жияним тугул ундан каттаси бўлганда ҳам, асло, асло, асло, – уни қутқаришга ҳаракат қилмайман. Бу менга тўғри келмайди! Мен унақанги одамлардан эмасман! Агар, мабодо у бегуноҳ бўлиб, тўғрилигига ҳатто зиғирдаккина асос топилса ҳам, майли, нима бўлса бўлар, ҳар қандай хижолатлик, ҳар қандай

шармандаликка ҳам қарамай, унга қўлимдан келганча ёрдам бераман. Агар айбдор бўлса-чи, унда йўқ! Ҳеч қачон! Бу тирранча чиндан ҳам гуноҳкор бўлсами, унда қилмишига яраша жазосини тортсин. Ҳатто жияним тугул ундан каттаси бўлганда ҳам бундай жиноятчи одамга мен бир долларимни ҳам, бир пенни¹йимни ҳам ҳаром қилмайман.

Кейин у орқасига ўгирилди-ю, аста-аста, вазмин қадам ташлаб, хона бурчидаги зинага қараб юрди. Смилли эса Сэмюэл изидан кўзлари бақрайганча ҳурмат билан тикилиб қолди. Ироданинг кучлилигини қаранг! Қатъиятни қаранг! Бунақанги мушқул аҳволда шу қадар адолатли бўла билиш! Гилберт ҳам донг қотиб қолганча бўшлиққа кўз тикиб, қимир этмай ўтирарди. Ҳа, отаси – чинакам инсон. Уни биров яна қанча ҳақоратлаган ва ранжитган тақдирда ҳам, у Гилбертга ўхшаб ўша одамдан қасд оламан деб, майда гапни кўтариб юрмайди.

Кейин эса мистер Дарра Брукхарт келди: у хушқомат, яхши кийинган, оғир жуссали, миқти ва эҳтиёткор адвокат эди; бир кўзи осилиб тушган қовоғидан хиёл юмилиб турар, анчагина қорин ҳам қўйган эди, мистер Брукхарт шу туришида, гарчи жисман бўлмаса ҳам, лекин хаёлда худди ҳавога учириладиган пуфакка ўхшаб, сийрак ҳавода арзимаган бир юридик воқеалар, шарҳлар ёки қарорлар шабодаси таъсирида ҳам у ёқдан-бу ёққа отилаверадигандай туюларди кишига. Қўшимча далилларнинг йўқлиги мистер Брукхартнинг назарида Клайдни мутлақо айбдорга чиқариб қўяётгандек эди. У шубҳали ва Клайдни фош этувчи барча ҳолатларни Смиллидан диққат билан эшитиб олгач, борди-ю, Клайд у даражада гуноҳкор бўлмаган тақдирда ҳам, агар шу пайтгача сезилмай келинаётган ва айбланувчига қандайдир нафи тегадиган яна бошқа далиллар топилмас экан, унда бари бир

¹ Пенни – чақа пул. (Таржимон.)

Клайдни кўнгилдагидек ҳимоя қилиб чиқиш гоят мушкул бўлади, деган қарорга келди. Анави иккита шляпа, жомадон... Клайднинг қочиб кетгани... Кейин анави хатлар... Аммо хатларни шахсан ўзи ўқигани тузук эди. Ҳаммага маълум сабабларга кўра, халойиқ сўзсиз Клайдга қарши, ўлган қизга эса хайрихоҳ кайфиятда бўлиши турган гап. Қизнинг камбағаллиги, ишчилар синфига мансублигининг катта аҳамияти бор. Шуларнинг ҳаммасидан кейин Брижбургдек чет бир чакалакзор округда суд маслаҳатчиларининг тузукроқ бир ҳукм чиқаришига ҳам ишониш қийин, Гарчи Клайд ҳам қашшоқ бўлса-да, бироқ у бадавлат одамнинг жияни, шу вақтгача, ҳарқалай, Ликургдаги киборлар доирасида арзигуликкина обрў-эътибори бор эди. Бу – албатта, шу ерлик одамларни унга қарши қилиб қўйиши аниқ. Шу сабабли аввалдан пайдо бўлган бунақанги кайфиятлар суд ҳукмига таъсир этмаслиги учун судлов жойини ўзгартиришга уришиб кўриш керак.

Лекин, иккинчи томондан, у аввало, оғир терговларда обдан пишган бир юристни жўнатиши лозим, токи у Клайднинг ҳимоясини ўз бўйнига олиб, ҳаётингиз тўғри жавобингизга боғлиқ, деган ваз билан Клайддан барча нарсаларни ўсмоқчилаб сўраб билиб олсин, акс ҳолда бу ишдан бирор умид қилса бўладими ёки йўқми, буни Брукхарт айтиб беролмайди. Ёрдамчилари орасида мистер Кетчумен деган жуда қобилиятли бир одам бор, ўшани шу вазифага юбориб, кейин унинг фикрига қараб туриб, Клайднинг иши юзасидан ўринли бир ҳулосага келиш ҳам мумкин. Лекин бу ишнинг яна бошқа нозик томонларн ҳам борки, Брукхартнинг назарида бирор-бир қарорга келишдан олдин уларни етти ўлчаб бир кесган маъқул. Жиноий ҳуқуқнинг бутун икир-чикирлари-ю ҳийла-найранглари сув қилиб ичиб юборган адвокатлар

Утикада ҳам, Нью-Йорк ва Олбэнида ҳам борлигини ҳойнаҳой, мистер Грифитс ҳам, унинг ўғли ҳам билишса керак (хусусан, Олбэнидаги ака-ука Кэнавандлар Брукхартнинг хотирига келди, улар гарчи анчагина шубҳали шахслар бўлишса ҳам, аммо жуда қобилиятли эдилар). Уларнинг ҳар бири ҳам, бу ишга дастлаб ўзлари қандай муносабатда бўлганларидан қатъи назар, яхшигина чиқим қилинса, сўзсиз, ҳимояни ўз зиммаларига олишлари аниқ эди. Кейин суд муҳокамасини албатта бошқа жойга ўтказиш ва хилма-хил талаб ҳамда норозиликлар билдириш йўли билан ишни чўзиб юборишлари ва охири бориб-бориб, агар олиҳимматли Грифитслар оиласига манзур тушгудек бўлса, ўлим. Ҳукмини хийла юмшоқроқ жазога алмаштира олишлари ҳам мумкин эди. Бошқа жиҳатдан, бу қадар тўполонли ва жанжалли масаладан сўнг газеталарда ҳам катта шов-шув кўтарилиши турган гап эди, хўш, бу Сэмюэл Грифитсга ёқармикин? Ҳозирги аҳвол шундайки, оғзига кучи етмаган одамлар ноҳақдан-ноҳақ уни ўз бойлигига таяниб, одил судни четлаб ўтмоқчи, деб гап тарқатишлари ҳам мумкин, ҳойнаҳой. Халойиқ бундай пайтда бадавлат кишиларга нисбатан ниҳоятда нотўғри фикрда бўлади. Ҳозир ҳам, шунга кўра, кейин таъна тошини ёғдириш учун, Грифитсларнинг Клайдни у ёки бу даражада албатта ҳимоя қилиб чиқишларини кутиб турган бўлса керак.

Демак, мистер Грифитс ва унинг ўғли ўз ниётларини очиқ-ойдин ҳал қилиб олишлари зарур: улар Брукхарт эслатиб ўтган анави Кэнавандларга ўхшаш атоқли юристларни таклиф этишадими ёки мундоқроқ адвокатларни чақиришадими ёки бутунлай уларсиз иш юритишадими? Ахир, сирасини айтганда, диққатни унчалик жалб қилмай туриб ҳам, Клайдни, масалан, одатдаги суд муҳокамаларида оқловчи бўлиб чиқадиган фаҳм-фаро-

сатлигина, эскичагина – масалан, дейлик, Брижбургда ёшини яшаб, ошини ошаб юрган юристлардан бири билан таъминлаш ҳам мумкин-ку – кейин унга Грифитслар оиласи шаънига айтиладиган ҳай-ҳай суронли, ножўя хуружлар газеталарда иложи борича камроқ босилишини таъминлаш вазифаси ҳам юклатилади.

Хуллас, уч соат давом этган муҳокамадан сўнг, Сэмюэл, мистер Брукхарт ўз ёрдамчиси Кетчуменни тезда Брижбургга жўнатиши керак, деган қарорда тўхтади: майли, у Клайд билан бир гаплашиб кўрсин, кейин у гуноҳқорми ёки йўқми – бу ҳақда мистер Кетчумен қандай фикрга келиш-келмаслигидан қатъи назар, жуда бўлмаганда ҳозирча эпчил маҳаллий юристлардан бир адвокатни топиши керакки, токи у ниҳоятда усталик ва ниҳоятда ҳалоллик билан унинг манфаатларини ҳимоя қилиб тура билсин. Бироқ мистер Кетчумен хизмат эвазига бериладиган мукофотнинг қанчалиги масаласида ҳеч қандай кафиллик олмай, балки қўйилаётган айб муносабати билан Клайдни ҳақиқатни гапиришга мажбурлашигина зарур эди, холос. Кейин эса шундай оқловчини топиш керакки, у Клайдга ҳақиқий наф келтирадиган далилларнигина, фақат далилларнигина виждонан аниқлашга ҳаракат қилсин: қисқаси, ҳар қанақанги кўринишдаги юридик айёрлигу, ҳийлагарлигу, фирромликларга ҳам, сохтагарчилик билан гуноҳқорни оқлаш ва оқибатда одил судни алдашга уринишларга ҳам мутлақо чек қўйилиши лозим.

XIV БОБ

Лекин мистер Кетчумен Клайддан Мейсон ва Смилли эшитган гаплардан бўлак бир оғиз ҳам ортиқча янгилик ололмади. Кимларнингдир чалкаш жавобларини ўргана туриб, ўша иш ҳақида деярили

тўғри хулоса чиқаришга анча-мунча уста бўлган Кетчумен инсон туйғуларини тушуниш масаласига келганда хийла нўноқ эди, ваҳоланки, Клайд билан юз берган воқеада айни шу нарса ғоят зарур эди. У ниҳоятда ҳиссиз, дунёни сув босса тўпифига чиқмайдиган жиддий қонунчи эди. Шунинг учун ҳам у жазирама июль кунда тўрт соат давомида Клайдни обдан қийнагач, бу жинойтчининг, шу пайтгача ўзи кўрган барча ғариб ношуддиклару барча ожизликларнинг энг ғалати намунаси эканига ишонч ҳосил қилди-ю, охири уни тинч қўйди.

Ўз вақтида, яъни Смилли жўнаб кетгач, Мейсон Клайдни бирга олиб Катта мушгир кўлига борди-да, фотография аппарати билан унинг оёқчаларини қидириб топишди, бу орада у Клайддан яна анча-мунчагина ёлғон-яшиқларни ҳам эшитди. Энди Мейсон Кетчуменга, гарчи Клайд «фотография аппаратим йўқ эди», дегани билан, лекин у, яъни Мейсон бунинг аксини кўрсатувчи далилларга эга: Клайдда аппарат бўлган ва у Ликургдан чиқишида уни ўзи билан бирга олиб кетган. Аммо Кетчуменнинг сўроғига Клайд мен аппарат олмаганман, анави топилган аппарат оёқчалари эса мутлақо меники эмас, дея жавоб беришдан бошқа тузукроқ бир сўз ҳам тополмади, унинг бу ёлғончилиги Кетчуменни ниҳоят даражада ҳайратга солди ва у энди тортишиб ўтирмасликни кўнглига тугиб қўйди.

Лекин Брукхарт Кетчуменга Клайд тўғрисида шахсан у қандай фикрга келишидан қатъи назар, адвокат танлашни топширган эди, чунки бу ерда масала анча қалтис, Грифитсларнинг олимистерлиги, қолаверса, ор-номуси ҳақида гап бораётган эди, нариги Грифитслар эса Брукхарт айтганидай тийинга зор қашшоқ кишилар экан, бунинг устига, умуман, уларни бу ишга аралаштириб юришнинг ўзи ҳам ноқулай. Шу сабабли у оқловчини жўнаб кетгунига қадар топишга аҳд қилди. Кейин

у маҳаллий сиёсий шароитни мутлақо ҳисобга олмагани ҳолда тўппа-тўғри Катараки округи миллий банкининг директори Айра Келлог ҳузурига борди; Келлог (Кетчумен бундан беҳабар эди) демократик партия маҳаллий ташкилотининг таниқли арбобларидан бири эди. У Клайдга тўнкалаётган жиноятдан ниҳоятда дарғазаб бўлган эди, чунки унинг диний ва маънавий қарашлари шуни тақозо қилар эди. Лекин у, иккинчи томондан, бу иш яқинлашиб келаётган сайловларда республикачилар партияси ғалабасига йўл очиб бераётганини яхши тушунар ва у Мейсонга тескари иш олиб бориш имкониятини қўлдан чиқармаслик зарурлигини ҳам аниқ тасаввур этар эди. Клайд қиёфасида пайдо бўлган бу жанжал ва у қилган жиноят республикачилар партияси машинасига катта қулайлик туғдираётган эди.

Гап шунда эдики, қотиллик аниқлангандан бери Мейсоннинг донғи салкам бутун мамлакатга ёйилиб кетган, ваҳоланки, бу атрофлардаги прокурорларнинг бирортаси ҳам яқин орада бунчалик кенг миқёсда тилга тушмаган эди. Ҳатто Буффало, Рочестер, Чикаго, Нью-Йорк ва Бостондек олис шаҳарлардан ҳам газеталарнинг мухбирлари, репортёрлар, рассомлар келишиб, Клайд, Мейсон ва Олденлар оиласининг соғ-саломат юрган вакиллари ва бошқа учраган одамлардан ҳам гап сўраш, уларнинг расмларини чизиш ва суратларини олиш билан овора эдилар, шуларнинг барини эса ҳамма кўриб билиб турарди. Маҳаллий жамоат орасида бўлса, Мейсоннинг номи оғиздан сира тушмай мақталар, ҳаттоки бутун вилоятдаги демократ-сайловчилар ҳам бу масалада республикачиларга қўшилиб, Мейсон бошига қилич келганда ҳам тўғриси айтидиган одам, у ўша қотилни қилмишига яраша болаб жазолаяпти, Грифитслар ва анави бадавлат қиз оиласининг бутун пуллари-ю, бутун

мавқелари ҳам бу халқ жонқуярига бир мирилик таъсир кўрсатолмади, дея гап уқтиришар эди. Чинакам прокурор мана бундай бўпти-да! «Ташвишланманглар, у «туя кўрдингми, йўқ»қа юрмайди!»

Дарҳақиқат, Кетчумен келишидан олдин терговчи ва гувоҳлар Мейсон иштироки ва ҳатто раҳбарлигида Роберта ўлимига оид тафсилотларни кўриб чиқишди-да, марҳума қиз Клайд деган кимса томонидан аввалдан ўйланиб амалга оширилган жиноят оқибатида ҳалок бўлган, Клайд Гриффитс эса ҳозир Брижбург турмасида қамалиб ётибди, унинг иши яқин вақтлар ичида округ суди маслаҳатчилари кенгаши ихтиёрига топширилиши керак, шунинг учун Клайд кенгаш ҳукмини кутиб ўтиравериши лозим, деган қарорда тўхтадилар. Мейсон барча сўроқ натижалари ва далилларни кўриб чиқиб, Клайдни судга бериш ёки чиқариб юбориш масаласини бир ёқдик қилиш учун губернатордан Олий суднинг фавқулодда сессиясини чақириш, демак, ўз-ўзидан маълумки, зудлик билан округ суд маслаҳатчилари кенгаши сессиясини чақиришни ҳам илтимос қилмоқчи бўлаётганини ҳамма билар эди. Худди шу пайтда бирдан Кетчумен келиб, Клайднинг ҳимоясини ишониб топширса бўладиган тузукроқ бир адвокатни шу ердан топиш мумкин эмасми, деб сўраб ўтирибди. Келлог Мейсоннинг фаолиятини йўққа чиқариш ниятида ўша заҳотиёқ Элвин Белнеп деган кишини («Белнеп ва Жефсон, адвокатлар») хаёлига келтирди; у икки марта штатнинг сенатори, уч марта Округ кенгашида демократик партиянинг вакили бўлиб улгурган ва кейинги вақтларда кўпгина таниқли демократлар ҳам ўз партиялари округда маъмурий бошқарувни қўлга олишлари биланок, уни энг юқори лавозимлардан бирига кўтариш керак, деб ҳисобламоқда эдилар. Чиндан ҳам бундан атиги уч йил муқаддам прокурор лавозими учун курашда

Мейсоннинг демократик рўйхат номзодлари ичидаги энг хавфли рақиби айна шу Белнеп бўлган эди. Сиёсий жиҳатдан у шунчалик муносиб одам эдики, бу йил Мейсон умид қилаётган ўша округ судьялиги ўрнига унинг номзодини кўрсатишни мўлжаллашаётган эди. Агар орадан Клайд билан боғлиқ мана бу кутилмаган ва ҳаммани ҳайратга солган воқеалар чиқиб қолмаганда-ю, унда жамоат фикрига кўра, Белнеп номзодлар рўйхатига тушгач, албатта судьяликка сайланар эди. Мистер Келлог ҳозирги нозик сиёсий вазиятнинг барча мураккаб томонларини Кетчуменга тушунтириб ўтирмади, аммо Мейсонга қарши мистер Белнепдан бўлак муносиброқ, ундан кўра лойиқроқ одамни топиш қийин, деб қўйди.

Қисқагина маърузадан сўнг, Келлог Кетчуменни шундоққина рўпарадаги «Белнеп ва Жефсон» идорасига шахсан ўзи олиб киражагини билдирди.

Кейин Белнепларнинг эшигини қоқишди; уларни қирқ саккиз ёшлардаги ўрта бўй, кўриниши жуда ҳам хушқомат бир киши хонага таклиф этди; унинг кул ранг-мовий кўзлари Кетчуменга худди ичкарисидан ниҳоятда зийрак одам тикилиб турган кўзгуга ўхшаб туюлди, аммо, эҳтимол, унинг ақли у қадар кенг ва чуқур бўлмаслиги ҳам мумкин эди.

Белнеп ўзини тута билганидан атрофдагилар уни ҳурмат қилишарди. У университетни тугатган эди. Ёшликда, ўз қиёфаси, бойлиги ва ижтимоий мавқеи туфайли (унинг отаси судья ва сенатор бўлган эди), у саргузашт изловчилар ҳаёти деса бўладиган нарсалардан тўйғунича роҳат қилиб олган, бу қўполлик ва чекланганлик, бу эҳтиросли тўлғанишлар ва аёл жинсига мойилликлар, Мейсонни ҳанузгача ҳаяжонга солувчи ва унинг хулқига кўпинча жуда қаттиқ таъсир ўтказувчи нарсалар Белнеп учун аллақачоноқ ўтмиш хотираларига ай-

ланган; унинг руҳий вазминлиги ва чидами ҳаётда унга учраб турадиган маънавий ва ижтимоий чалкаш ҳодисаларни (аммо у даражада мураккаб бўлмаганларини) тузуккина фарқлай олишига имкон берар эди.

Сўзсиз, бундай одам ўз табиатига кўра Клайднинг ишига ўхшаш ишга Мейсондек жазаваси тутмасдан ёндаша оларди. Унинг ўзи ҳам йигирма ёшлик вақтида икки қиз ўртасида қолиб, роса қийналган эди: бири билан у фақат кўнгилхушлик қилиб юрарди, иккинчисини эса чинакамига севиб қолган эди. Биринчисини йўлдан уриб, кейин – ё уйланиш ва ё қочиб кетишдек мушкул муаммо унинг рўпарасида кўндаланг бўлиб турганида, у жуфтакни ростлаб қолишни афзал кўрган эди. Лекин у аввалига ҳамма гапни отасига яширмай айтган, отаси эса унга изига кетишни маслаҳат берган эди, кейин бу орада уй докторини ҳам ишга солишди; ниҳоят, отаси минг доллар сарфлаб ва ҳомиладор қизни Утикага жойлаштириш харажатларини кўтариб, охири ўғлини мушкул аҳволдан қутқарди ва унинг қайтиб келиши ҳамда анави иккинчи қизга уйланиши учун шароит яратиб берди.

Шу сабабли гарчи Белнеп, қўйилган айбга кўра, Клайднинг бераҳм ва қатъий хатти-ҳаракатлар ёрдамида жавобгарликдан қочмоқчи бўлганини сира маъқулламаётган бўлса ҳам, ҳар ҳолда у, Клайд севгидан ақлини йўқотган ва унинг сеҳрига илинган, деган фикрга мойил эди (Белнеп ўзининг бутун юридик амалиёти йилларида қотил одамнинг руҳий дунёсини ҳеч қачон англаб етолмаган эди). Ахир, Клайднинг ҳозирча номи тилга тушган аллақайси бир бадавлат қиз билан дон олишиб юргани ҳақида ҳам ҳар хил миш-мишлар юрибди-ку?! Унинг қашшоқлиги, фурури ва шуҳратга ўчлиги барчага аён-ку, ахир?! Овозаларга қараганда, бу гапларда жон бор, шундай бўлгач, Белнеп округ-

да вужудга келган сиёсий вазиятдан анча-мунча фойдаланиши ва демак, Мейсоннинг ҳафсаласини пир қилиб ҳимояни яхши ташкил қилиши ёки ҳеч бўлмаганда бир қатор адлий тортишувлар уюштириб, муҳлатни қайта-қайта орқага суриши мумкин, шунда Мейсон ўзича ҳозир нақд деб ўйлаб юрган округ судьялиги лавозимига ҳам осонликча эришолмайди. Ҳозир, ахир, дадил юридик усуллари ишга солиб, жамоатнинг дарғазаблиги ошаётганига ҳам қарамай ва ҳатто айти шу сабабга кўра, ишни кўриб чиқишни бошқа округга ўтказиш ёки янги гувоҳларни қидириб топиш учун муҳлатни чўзиш тўғрисида таклиф киритиш мумкин эмасми? Ана ўшанда, муҳокама Мейсоннинг прокурорлик ваколати тугаган пайтда бошланади. Белнеп яқинда Вермонт штатидан келган шериги мистер Рубен Жефсон билан икковлашиб шу ҳақда бош қотирмоқда эди.

Шу орада мистер Келлогга эргашиб мистер Кетчумен келиб қолди. Кейин мистер Кетчумен ва мистер Келлог билан суҳбат бошланди, бунинг устига Келлог Белнепга ҳозирги сиёсий вазиятни рўқач қилиб, агар шу ҳимояни ўз зиммангизга олсангиз, гоят бамаъни иш қилган бўласиз, деб ишонтиришга уринди. Белнепнинг ўзи ҳам бу ишдан ниҳоят даражада манфаатдор бўлгани учун, шериги – бояги йигитча билан маслаҳатлашиб кўрди-ю, дарров кўниб кўя қолди. Майли, халойиқнинг кайфияти ёмонлигидан қатъи назар, ҳар қандай шароитда ҳам Белнепнинг сиёсий мартабасига путур етмайди-ку, ахир.

Кетчумен Белнепга бай пулини ва Клайдга йўланган тавсияномани бергандан сўнг, Белнеп Жефсондан, Мейсонни телефонга чақиритишни ва Сэмюэл Грифитс ўз жиянининг ҳимоясини адвокатлар сифатида «Белнеп ва Жефсон»ларга топширганини айтишни ва ундан, яъни Мейсондан

Клайд Гриффитсга қўйилган барча айблар тўғрисида, шунингдек, ҳамма гувоҳларнинг тилхатлари ва далил-ашёлар тўғрисида ёзма ахборот бериши ҳамда уларни мурдани ёриб қўрилгандаги ҳужжатлар ва терговчи маълумотлари билан таништиришини илтимос қилиб, шу хабарни етказишни буюрди. Олий суднинг фавқулодда сессияси чақирилганми ёки йўқми, агар чақирилган бўлса, унда ким судья қилиб белгилангани ва суд маслаҳатчиларининг йиғилиши қачон бўлиши ҳам уларни қизиқтирар эди. «Ҳа, айтгандай, биз мисс Олденнинг танаси юртига қўмишга жўнатилибди, деб эшитдик, шу рост бўлса, унда мен ва шеригим Жефсон иккаламиз ҳимоя томонидан таклиф этилган врачлар кўриши учун зудлик билан унинг мурдаси гўридан қазиб олинishiга рухсат берилишини ҳам сўраймиз», дея қўшиб қўйди Белнеп. Мистер Мейсон аввалига норозилик билдирди-ю, лекин охири бориб Олий суд раисининг тегишли фармойишига бўйсунилишини ўйлади-да, ноилож қўнди.

Ҳамма ишлар жойига тушгач, Белнеп: Клайд билан учрашиш учун турмага кетяпман, деди. Кун анча кеч бўлса ҳам ҳали у тушлик қилмаган, энди бирор жойда тамадди қилишининг тайини ҳам йўқ эди-ю, аммо у Кетчуменнинг сўзига қараганда, тузукроқ бир гап олиш қийин бўлган ўша йигитча билан шахсан ўзи учрашиб, дилидагини билиб олмақчи бўлди. Мейсон билан беллашиш иштиёқи Белнепнинг ичини қиздирар, у ўзича уддабуро ва зеҳнли бўлганим учун Клайдни ҳаммадан ҳам кўра мен яхшироқ тушуниб етаман, деб ишонар эди, шу боисдан адвокатларга хос синчковлиги баттар вужудини ҳаяжонга солаётган эди. Бу жинойтда қанчалар сурур ва қанчалар фожиа мужассамлашган эмасми, ахир! Катта сир тутиб унга гапириб беришган, анави Сондра Финчли деган қиз ким экан ўзи?! Узи Клайдни ҳимоя қилишга жалб

этса бўлмасмикин? Ўша қизнинг номини мутлақо тилга олмасликни Белнепга ҳам тайинлаб улгуришди, бу олий сиёсат манфаатлари билан боғлиқ эмиш. Хуллас, Белнеп ўша айёр, шуҳратпараст ва енгилтабиат йигитча билан гаплашишга шу қадар ошиқардики, гўё учишга қаноти йўқ эди.

Белнеп турмага келиб, шериф Слэкка Кетчумен бериб юборган хатни кўрсатди-да, илтифот юзасидан уни Клайд камераси яқинидан, аввало билинтирмай маҳбусни кузатиб кўриш мумкин бўлган бир жойга олиб боришларини илтимос қилди. Шунинг учун Белнепни иккинчи қаватга олиб чиқишди-ю, Клайд камерасига борадиган йўлак эшигини очишиб, бир ўзини сездирмай киритиб юборишди. У камера томонга юриб бир неча қадам берида тўхтади, Клайднинг шу дақиқада темир каравотга муккаси билан тушганча бошини чангаллаб ётганини кўрди; унинг бутун гавдаси иродасизларча шалвираб қолган эди; ёнгинасида эса патнисда ҳали мутлақо қўл урилмаган таомлар турарди. Гап шунда эдики, Кетчумен кетгач, Клайд ўзининг бетайин ва бемаъни ёлғонига бирортасини ишонтиришга иккинчи марта беҳуда уриниб кўргач, бутунлай ҳафсаласи пир бўлган эди. У шу даражада тушкунликка берилганидан росмана йиғлар, елкалари унсиз ноладан тўхтовсиз силкинар эди. Белнеп бунга кўрганда ўзининг ҳам ёшлик машамшалари ёдига тушиб кетди-ю, унга ниҳоятда раҳми келди. Ёвуз қотил йиғламайди, деб ўйлади у.

Белнеп камера эшигига яқин келди-да, бир оз жим турди, кейин:

– Ие, ие, Клайд! – дея гап бошлади. – Йиғлашингиз мутлақо ўринсиз. Бунчалик тушкунликка тушмаслик керак. Ишингиз сиз ўйлаётгандай унчалик чорасиз эмасдир балки. Туриб ўтиринг, адвокатдан яширманг ҳеч нарсани, ҳарқалай, озми-кўпми сизга фойдам тегиб қолса керак, истайсизми шуни? Исмин Белнеп, Элвин Белнеп. Мен шу ерда,

Брижбургда яшайман, сизга мени анави, яқиндагина олдингизда бўлган йигит, Кетчуменмиди, ҳа, ўша юборди. У сизга унчалик ёқмаганга ўхшайди шекилли? Менга ҳам ёқмади. Назаримда, таъбимизга унчалик мос тушмайдиган одам кўринади у. Лекин у мени сизнинг ҳимоячингиз қилиб тайинлади, мана унинг хати.

Белнеп қувноқлик билан дадил-дадил сўзлаб, темир панжара орасидан хатни узатди. Клайд эса ҳайратга тушганча журъатсизгина яқинлашиб келди. Белнепнинг овози аллақандай ўта самимий, ўзгача эшитилди, бу овозда худди раҳмдиллик, ҳамдардлик бордек туюлди унга, бу Клайдга журъат берди. У иккиланмай хатни олиб ўқиб чиқди-ю, кейин кулимсираб, қайтариб берди.

– Ана, олам гулистон, ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим, – давом этди Белнеп далда бериб, у шу тобда ўз шахсининг ёқимтойлиги туфайли шундай таъсирланиш рўй берди, деб ниҳоятда мамнун эди. – Мана бу бошқа гап. Биламанки, икковимизнинг гапимиз бир ердан чиқади. Мен буни сезиб турибман. Сиз менга худди ўз онангиз билан гаплашгандай ишониб бемалол гапираверинг. Сира хавотирланманг, агар истамасангиз, бировнинг қулоғига ҳатто бир оғиз сўзимиз ҳам бориб етмайди, тушуняпсизми? Клайд, агар кўнсангиз, мен ҳимоячингиз бўламан-да, сиз эса менга мижоз бўласиз. Биз икковимиз эртага ёки хоҳлаган пайтингизда бирга ўтиришимиз ва сизнингча, мен нимани билишим зарур бўлса – ўша нарсаларнинг барини гапириб беришингиз, мен ҳам нималарни билишни ишташим ва сизга ёрдамлаша оламанми ёки йўқми ана шуларни гапириб беришим мумкин. Менга озми-кўпми кўмак бериш билан ўзингизга кўмак беражагингизни исботлаб ўтиришинг ҳожати ҳам йўқ. Тушунарлими? Худо урсин, агар мен сизни бу воқеадан соппа-соғ олиб чиқиб

кетишга қўлимдан келганча ҳаракат қилмасам...
Хўш, бунга нима дейсиз?

У ҳамдардлик билан далда бергансимон, ҳатто дилкаш бир қиёфада жилмайиб қўйди. Клайд шу ердалигидан бери биринчи бор қўрқмай сир айтса бўладиган одам топилганини сизди-ю, балки, яхшиси бу кишига бор гапнинг ҳаммасини бутунлай гапириб берган маъқулмикан, деб ўйлай бошладди... У нима учун шундай хаёлга борганини айтиб беролмасди-ю, аммо Белнеп унга ёқиб қолган эди. Клайд ўша заҳотиёқ, гарчи умиди у қадар кучли бўлмаса ҳам, бу киши уни тушуниб, ҳатто ҳамма ёки деярли ҳамма гапларни билгач, ўзига ҳамдард бўлиб қараши мумкинлигини англади. Белнеп Клайдга: душмани – Мейсон унинг ҳар қандай шароитда ҳам жазоланишини истаётгани, агар у, яъни Белнеп қулай ҳимоя режасини туза олсагина ишнинг кўрилишини сўзсиз чўзиши мумкинлигини ва у пайтда Мейсоннинг прокурорлик муддати тугаб қолишини тушунтириб берди. Клайд ҳам мистер Белнепга, агар бир кеча ўйлашга ижозат этсангиз, унда эрталабми ёки бошқа хоҳлаган пайтингизда келсангиз, ўшанда ҳаммасини сўйлаб берардим, деган гапни айтди.

Эртаси куни Белнеп Клайднинг рўпарасига қўйилган стулда ўтирганча шоколад еб, унинг гапларини тинглар эди, Клайд эса темир каравотда ўтирган кўйи Ликурга келган пайтидан буёнги бутун ҳаётини – саргузаштларини барча тафсилотларигача ҳикоя қилишга тушди: у бу ерга нима учун келиб қолгани, Канзас-Ситида ҳалок бўлган бола (аммо анави газета қийқимини олиб сақлаб қўйгани ёдидан кўтарилиб, у ҳақда ҳеч нима демади); Роберта билан учрашгани, эҳтиросга тўлиб-тошиб унга берилиб кетгани, Робертанинг ҳомиладорлиги ва бу бахтсизликдан қутулишида ўзининг унга қанчалар кўмаклашмоқчи бўлгани, кейин уни фош

этиш ниятида Робертанинг пўписа қилгани, шу орада қўлига газетадаги анави мақола тушиб қолгани ва у охири беқиёс талваса ҳамда даҳшат ичида ўша ишга қўл ургани – шуларнинг барини бирма-бир гапира кетди. Аммо у бундай нарсани ўзича сира ўйлаб тополмаган бўларди, мистер Белнеп буни тушуниши керак. Ахир, у Робертани ўлдирмаган-ку. Йўқ, ўлдирмаган. Мистер Белнеп ҳар қанча хаёлга борганда ҳам, бу масалада унга ишониши керак. У мутлақо Робертани уришни истамаган эди. Йўқ, йўқ, йўқ! Бу бир бахтсиз тасодиф бўлди. Унда фотография аппарати ва унинг оёқчалари бор эди, Мейсон топган оёқчалар чиндан ҳам уники. Робертани аппарат билан бехосдан уриб юборгани ва аппаратнинг сувга чўкиб кетганини кўрганидан сўнг Клайд оёқчаларни қулаб тушган бир дарахт остига яшириб қўйди, аппарат, ҳойнаҳой, ҳозир ҳам сув остида ётган бўлса керак, агар плёнкаси ивиб кетмаган бўлса, унда Клайд билан Робертанинг расмлари бор. Лекин у Робертани қасддан урмаган. Йўқ! У бундай бўлишини истамаган ҳам эди. Роберта унга қараб интилганда, у туртиб юборди, аммо бу бутунлай бехосдан бўлди. Қайиқ ағдарилиб кетди... Шундан кейин Клайд қайиқ ағдарилмасдан олдин гўё қоқшол бўлгандай қотиб қолганини иложи борича, аниқроқ тасвирлашга уринди, чунки шу қадар чалкашликка йўл қўйгандан кейин, масалани охиригача очиб ташлай олмас эди.

Клайднинг бу ғалати ҳикояси бора-бора Белнепни ҳам чарчатиб, ҳаяжонга солди; у Клайд айтган фикрларнинг барини бу ердаги содда, қишлоқи суд маслаҳатчиларига гапириб беришнинг ўзиёқ мушкул нарса эканлигини билар эди, ваҳоланки, анави ёвуз ва бешафқат режа ҳамда ниятларини-ку, гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Охири у ҳолдан тойиб, довдираб ва эсанкираб ўрнидан турди-ю, Клайднинг елкасига қўлини қўйди.

– Гап бундай, Клайд, – деди у. – Менимча, бугунга етади шу ҳам. Қанчалик нарсаларни бошдан кечирганингиз ва буларнинг бари қандай юз берганини тушуниб, қанчалар чарчаганингизни ҳам кўриб турибман. Сиз менга ҳаммасини очиқ-ойдин гапириб бера олганингиздан хурсандман, сизга бу қанчалар оғир бўлганини ҳам биламан, албатта. Лекин энди, менимча, сиз бошқа гапирмаслигингиз керак. Ҳали орада вақтимиз кўп, ҳозирча мен баъзи ишларимни тўғрилаб қўяй. Икковимиз эртагами ёки индингами бу ишнинг айрим тафсилотларини муҳокама қиламиз. Ҳозирча ухлашга ётинг-да, дам олинг. Ҳали сиз билан қиладиган ишимиз кўп, ўшанга куч сақлашингиз керак. Энди ҳадеб ташвиш тортаверманг, бари бир фойдаси йўқ, тушунарлими? Мен, тўғрироғи, шеригим билан икковлашиб сизни бу можародан қутқазиб олиб чиқиб кетамиз. Сизга ҳали шеригимни ҳам кўрсатаман. У ҳам сизга маъқул тушади. Аммо мен сизнинг иккита шарт устида ўйлаб, ўшанга қатъий амал қилишингизни истар эдим. Биринчидан, ҳеч кимнинг ҳеч қандай пўписасидан қўрқманг, эсингизда бўлсин, мен ёки шеригим кунин, жуда бўлмаганда бир марта сиздан хабар олиб тураман, агар нимадир айтмоқчи ёки сўрамоқчи бўлсангиз, бизга хоҳлаган пайтингизда мурожаат этишингиз мумкин. Иккинчидан эса, агар мен лозим топмасам, ҳеч ким билан – Мейсон билан ҳам, шериф билан ҳам, турма назоратчилари билан ҳам ҳеч нарса ҳақида гаплаша кўрманг. Ҳеч ким билан, эшитяпсизми?! Энг муҳими – энди бошқа йиғламанг. Чунки, агар сиз фариштадек оқ ёки шайтоннинг ўзидек гуноҳкор бўлган тақдирингизда ҳам, кимнингдир олдида йиғлашдан кўра ҳам пастроқ хор-зорлик йўқ. Атрофингиздаги одамлар ҳам, турма назоратчилари ҳам бари бир буни тушунишмайди; улар кўз ёшини доимо иродасизлик

ёки айбга иқролик аломати, деб билишади. Мен эсам сиз ҳақингизда уларнинг бундай ўйлашларини истамас эдим, айниқса, сизнинг чиндан ҳам гуноҳсизлигингизни билганимдан сўнг. Энди булар менга равшан. Бунга ишонаман, тушунарлими? Шундай экан, Мейсоннинг олдидами ёки бошқаларнинг олдидами, қовоғингизни солиб ўтирманг.

Чиндан ҳам, бундан бу ёғига бир оз кула бошлашингиз ёки жуда бўлмаганда жилмайишингизни истар эдим. Ким билан кўришманг, ўзингизни қувноқроқ тутаверинг. Биласизми, юристларда: ўз гуноҳсизлигини ўйлаш – одамга қувват бағишлайди, деган эски бир мақол бор. Эсингизда бўлсин, сиз гуноҳқор одаммасиз, ахир, шундай экан, гуноҳқорлардек тикилманг-да. Худди энг охириги дўстидан ҳам айрилган одамга ўхшаб ўтиришингизни қаранг, нима, осмон узилиб ерга тушибдими ўзи. Мен ва шеригим – мистер Жефсон сиз билан биргамиз. Бир-икки кундан сўнг уни ҳам олдингизга бошлаб келаман. Унга ҳам худди менга қилгандек муомала қилаверинг. Унга ишонишингиз мумкин: агар билсангиз, баъзи масалаларда у ҳатто мендан ҳам устароқ қонунчи. Эртага сизга икитагина китоб, журнал ва газеталар келтириб бераман, ўқийсиз, расмларини кўрасиз. Ана шунда хавотирли фикрларингиз нарироқ кетади.

Клайд зўрға жилмайиб, бош силкиди.

– Ҳа, яна бир гап. Билмадим, сиз диндормисиз, йўқми? Лекин ҳар қандай шароитда ҳам, мабодо сизга таклиф этишса, якшанба кунги тоат-ибодатга астойдил бориб туришингизни маслаҳат бераман. Бу ернинг одамлари диндор халқ, шу сабабли иложи борича яхшироқ таассурот қолдиришингизни истар эдим. Одамлар нима дейишса – деяверишсин, қандай қарашса – қарайверишсин, менинг айтганимни қилаверинг. Агар анави Мейсонми ёки шу ерлик бошқа биронтасими, яна жонингизга тегиш-

са, менга бир энлик хат ёзинг. Хўш, энди мен кетдим бўлмаса, қани хайрлаша туриб қувноқроқ кулиб боқинг-чи, янаги келишимда ҳам агар малоллик келмаса, очиқ чехра билан кутиб олинг мени. Кейин оғзингизга эҳтиёт бўлинг, тушундингизми?

У Клайднинг кифтига қоқиб, орқасига уриб-уриб қўйганча камерадан чиқар экан, ичида ўйлай бошлади: «Бу йигитча ўзи айтганидай, шунчалик бегуноҳмикин? Қизни бехосдан-бехос шунақанги уриб юбориш мумкинми? Кейин нарига сузиб кетгани ҳам қизиқ, чунки ўзининг гапига қараганда, мени ҳам чўктириб юборади, деб қўрққан эмиш. Бу ёмон гап! Жуда ёмон гап! Бунга ишонадиган ақалли биронта одам топилармикин? Анави жомадон-чи, иккита шляпа-чи, йўқолган костюм-чи? Лекин у қизни бехосдан уриб юбордим, деб онт ичяпти. Хўш, унда ўзи тузган режалар-чи, қонун нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, унинг анави нияти ҳазилакамми, ахир? У ҳақиқатни гапир-яптими ёки ҳали ҳам, мен-ку мен, ҳатто ўзини ҳам алдашга уриняптими? Анави фотография аппарати-чи... Уни Мейсон топиб, ҳаммага кўрсатгунига қадар бир амаллаб қўлга тушириш керак эди. Анави костюмни ҳам. Мен уни топишим зарур, яшириб қўйилган экан, деган фикрни рад этиш учун, ҳарқалай, учини чиқариб қўйганим маъқул... костюм ҳар доим бизнинг қўлимизда эди... Ликуртта тозалатиш учун юборилган эди... дейиш мумкин. Э, йўқ, йўқ... сабр қилиш керак... буни аввалдан обдан ўйлаб, пишитиб олиш зарур».

Белнеп шу тарзда битта-битталаб... айни пайтда ҳорғин бир аҳволда, Клайднинг ҳикоясидан мутлақо фойдаланмаслик керак шекили, бу даражада ёвуз кўринмайдиган ва қонун кўзи билан қараганда, қотилликка бу қадар яқин турмайдиган бошқа бирор-бир юмшоқроқ нарса тўқиб чиқариш лозимдир-ов, деган хаёлга борди.

XV БОБ

Мистер Рубен Жефсон Белнепга ҳам, Кетчуменга ҳам, Мейсонга ҳам, Смиллига ҳам, хуллас, шу пайтгача Клайдни кўрган ва унинг иши билан қизиқётганларнинг биронтасига ҳам ўхшамас эди. У баланд бўй, қотма, қорачадан келган йигит эди, у бир сўзли ва оғир, аммо бир хил тепса тебранмас лоқайдлардан эмас эди; унинг иродаси ва қатъияти чинакам пўлатдек эди. Эпчиллик ва эгоизм унинг ақли ва касбига хос характерли хусусият бўлиб, бу нарса уни силовсин ёки сассиқ кўзанга ўхшатар эди. Унинг юзи қорамағиз эди, ўткир, оч мовий кўзлари пўлат рангига ўхшаш эди, катта бурни унинг ғайратлилиги ва қизиқувчанлигидан далолат бериб турарди, қўллари ҳам, гавдаси ҳам бақувват одам эди. Клайднинг ҳимояси ўзларига («Белнеп ва Жефсон» иродасига) топширилиши мумкинлигини билгач, у бир дақиқа ҳам вақтни бой бермай, терговчи томонидан ўтказилган дастлабки сўроқ ҳужжатларини барча майда-чуйдаларигача ва врачларнинг хулосаси-ю, Роберта билан Сондра-нинг хатларигача ўрганиб чиқди. Мана, энди Белнепдан Клайднинг Робертани ўлдирмоқчи бўлгани тўғрисидаги иқрорини, аммо бу ниятини у амалга оширолмагани, чунки ўша танг аҳволга тушган пайтида қоқшол бўлиб қолганини ёки пушаймон бўлгани, натижада уни бехосдан уриб юборгани ҳақидаги гапларини эшитиб, Жефсон фақатгина Белнепга тикилиб қараб қолди ва унинг лабларидаги истехзони ҳеч гап-сўзсиз дарров пайқади:

– Қиз билан кўлга қараб йўл олганда у, ҳойнаҳой, қоқшол бўлмагандир?

– Йўқ.

– Нарилаб сузиб кетганда-чи?

– Йўқ.

– Ўрмонда бораётган ва шляпаси билан костюмини алмаштираётган пайтида-чи, аппарат оёқчаларини яшириб қўйганида-чи?

– Йўқ.

Агар биз бу гаплардан фойдаланадиган бўлсак, унда у қонун олдида худди қизни қасддан ургандек айбдор бўлиб қолаверади, кейин судья сўзсиз, бу ҳақда суд маслаҳатчиларини огоҳлантиради, буни биласиз, албатта.

– Ҳа, биламан. Бу ҳақда мен ўйлаб ҳам кўрган эдим.

– Хўш, унда...

– Гап бундай, Жефсон. Бу, шубҳасиз, оғир можаро. Назаримда, ҳамма дастаклар Мейсоннинг қўлидага ўхшайди. Агар биз шу тирранчани қутқара олсак, бу – кейин хоҳлаган одамни ҳам қутқариб юборишимиз мумкин, дегани бўлади. Фақат, менимча, биз анави қоқшолик тўғрисида эслатиб ўтирмаганимиз маъқулми дейман, ундан кўра ақлдан озганлик, ҳаяжондан ўзини йўқотганлик ёки шунга ўхшаш бирор-бир нарсага шама қилган тузукка ўхшайди, хў, эсингиздами, Гарри Тоу билан шундай бўлган эди-ю?

Белнеп жим бўлиб қолди ва гумонсираганча хиёл оқ тушган чаккасини қашиб қўйди.

– Сиз уни, сўзсиз, айбдор ҳисоблайсиз, шундайми? – деди Жефсон совуққина қилиб.

– Буни қарангки, гарчи эриш туюлса ҳам, уни айбдор деёлмайман! Ҳарқалай, уни айбдор дейишга у қадар ишончим комил эмас. Тўғриси айтсам, ҳали шу пайтгача бунақанги чалкаш воқеага сира йўлиқмаган эдим. Бу йигит, сиз ўйлаганчалик жудаям бағритош ва совуққон эмас, ўзини тутишига қараганда у қайтага содда дил ва ипақдек майин йигитчага ўхшайди, ҳали ўзингиз ҳам кўрасиз уни. У эндигина йигирма бир ёшга ёки йигирма иккига кирган. Гарчи у Грифитсларга қарин-

дош бўлгани билан ўзи бориб турган камбағал, аслида оддий бир хизматчи, холос. Фарба, Денверда эди шекилли, уларнинг қандайдир бир миссия – хонақолари бор экан, ундан аввал Канзас-Ситида эканлар. У уйдан чиқиб кетганига ҳам тўрт йил бўлибди. Гап шундаки, у Канзас-Ситидаги меҳмонхонада дастёрчилик қилиб юрган пайтида болаларча аҳмоқона бир жанжалга аралашиб қолган экан-да, кейин қочиб кетишдан бошқа чора тополмаган экан. Биз Мейсондан эҳтиёт бўлишимиз керак, бу воқеа ҳақида у бирор-бир нарсани билганми ёки йўқми, аниқлашимиз лозим. Афтидан, бир гуруҳ дастёр болалар, шу жумладан Грифитс ҳам, аллақайси бир бадавлат одамнинг автомобилдан эгасидан сўроқсиз фойдаланишгану, кейин ишга кечикиб қолишдан қўрқиб, машинани тез ҳайдашган ва бир қизчани босиб кетиб, ўлдиришган. Биз шуларнинг барини икир-чикирларигача билиб олиб, тайёр туришимиз зарур, чунки Мейсон кўп нарсалардан хабардор, у судда айни биз кутмаган пайтимизни пойлаб туриб, бу можарони шарт ўртага ташлайди.

– Э, йўқ, бу ҳийласи ўтмайди, масалага ойдинлик киритиш учун жуда бўлмаганда менинг ўзимоқ Канзас-Ситига бориб келишим мумкин, – дея эътироз билдирди Жефсон ва унинг ўткир мовий кўзлари чақнаб кетди.

Белнеп эса Жефсонга ҳозиргача Клайд ҳақида билганларининг барини гапириб бера бошлади: унинг идиш-товоқ ювганлари, ресторанда дастёрчилик қилгани, содали сув сотгани, ташкачи бўлгани, Ликуртта келгунига қадар нима иш учраса, ўша ишларнинг барига уннаб кўргани ва доимо қизларга хуштор бўлиб юргани, аввалига Роберта билан, кейин эса Сондра билан танишганигача – ҳеч нарса қолмади. Охири бориб биттасига кўнгли юришмай, иккинчисини эса ақлдан озар даража-

да севиб қолгани ва анави биринчисидан қутулмай туриб, иккинчисига етишолмай доғда юрганларини ҳам сўйлаб берди.

– Шунча гап бўлганига қарамай, қизни ўлдирганига ишонмаётганингиз қизиқ! – дея сўради Жефсон охири.

– Ҳа, мен сизга айтдим-ку, бунга унчалик ишончим комил эмас. Аммо шунисини аниқ биламанки, у ҳали ҳам анави иккинчи қизнинг ҳажрида куйиб юрибди. Клайднинг ўзи ёки мен ўша қизни тилга олиб қолган пайтимизда, унинг ранги ўзгариб кетди. Масалан, мен Сондра билан яқин алоқада бўлганмисиз, деб сўраганимда – гарчи У Робертани йўлдан уриб, кейин уни ўлдиришда айбланаётган бўлса ҳам – худди мен унга бирор-бир бепардоз сўз айтиб, уни ёки ўша қизни ҳақорат қилгандек, менга ёмон ўқрайиб қаради.

Белнеп шу ерда лабини буриб жилмайди; Жефсон эса узун, қоқ суяк оёқларини олдидаги ёнғоқ дарахтидан ясалган столга тираганча ҳамон пинагини бузмай суҳбатдошига тикилиб ўтирарди.

– Э, шунақами, – деди у ниҳоят.

– Энди бу ёғини эшитинг, – дея давом этди Белнеп. – У: «Йўқ, мутлақо, йўқ! У қиз бундай ишга йўл қўймаган бўлар эди, кейин...» – деди-ю, индамай қолди. «Кейин нима, Клайд?» – деб сўрадим. «Ахир, у қизнинг кимлигини унутманг-да!» «Тушундим», дедим. Кейин, қизиғи шундаки, ота-онаси билмаслиги ва ўзининг ҳамда оиласининг обрўйи у даражада тўкилмаслиги учун ўша қизнинг номи авайлашнинг ва унга ўша қиз ёзган хатларни матбуот ва судда айтмасликнинг бирор-бир иложи йўқмикин, дея қизиқсиниб ҳам кўрди.

– Ростдан шундай қилдимиз? Хўш, анави иккинчи қизни гапирмадимиз?

– Худди шу масалада яхшилаб бир бош қотириб олмоқчиман. У ўша қизни ўлдиришни ният қилган

бўлиши ҳам мумкин, эҳтимол, чиндан ҳам ўлдирса, ўлдиргандир, лекин шунга қарамай, билишимча, уни аввал йўлдан урган. Аммо, аслида у анави бошқа қизнинг ишқида бамисоли девона бўлиб, тўғридан-тўғри нима қилаётганини ҳам билмай қолган. Тушуняпсизми? Унинг ёшидаги йигитчалар қай тарзда бундай аҳволга тушишини ўзингиз яхши биласиз-ку, қизларга ҳам ва пулга ҳам ўрганмай туриб, катта-катта мартабаларни орзу қилишади.

– Сиз шу масалада у хийла ақлдан озган, деб ўйлаяпсизми?– дея гап қистириб қўйди Жефсон.

– Балки, шундайдир-да... у ўзини йўқотиб, халёлга қул бўлган... хиёлгина ақлидан озган, биласизми, нью-йоркликлар тили билан айтганда, миянинг инқирози бу. Ҳозир ҳам у, шубҳасиз, анави иккинчи қизнинг шайдоси бўлиб ўтирибди. Назаримда, унинг турмада йиғлаши ҳам асосан ўша қиз туфайли. Биласизми, мен ҳузурига кириб борганимда у йиғлаётган экан, йиғлаганда ҳам худди юраги ёрилиб кетаётгандек ҳўнграб, ўкириб йиғлар эди. – Белнеп парижонхотирлик билан ўнг қулоғини қашиди. – Йўқ, нима десангиз денгу, аммо бу гапда анча-мунча жон бор: шу машмашаларнинг бари унинг идрокига таъсир этган... Бир томондан, анави Олден менга уйланасан, деб зўрлаб турса, бу ёқда буниси сенга тегаман, деб ваъдани қуюқ қилса... Мен биламан бунини, ўзим ҳам бир марта тушганман шунақанги мушкул аҳволга, – Белнеп Жефсонга ўша воқеани гапириб берди. – Ҳа, айтгандай, – дея давом этди у кейин, – Клайднинг гапига қараганда, анави чўкиб кетган қайиқлар ҳақидаги хабарни ўн саккизинчи ёки ўн тўққизинчи июндаги «Таймс Юнион»дан топишимиз мумкин экан.

– Майли, – деди Жефсон, – мен қидириб топаман.

– Эртага сиз мен билан унинг ҳузурига боришингизни истардим, – деб давом этди Белнеп. – Қўрамиз, сизда у қандай таассурот қолдираркин. Биз иккала-

миз бирга борамиз, бошидан ўтганларини сизга ҳам худди менга айтгандай қилиб гапириб берармикин, мен шуни бир синаб кўрмоқчиман. У ҳақда сизнинг фикрингизни билмоқчиман.

– Ҳа, фикримни биласиз, бундан хотиржам бўлинг, – дея гапни чўрт кесди Жефсон.

Янаги куни Белнеп ва Жефсон биргаликда Клайдни бориб кўришди. Жефсон шу учрашувдан сўнг, Клайднинг бу ғалати ҳикояси тўғрисида яна қайтадан бош қотириб кўргандан кейин ҳам унинг Робертани қасдан урмоқчи бўлганликда айби борми-йўқми, бу ҳақда қатъий бир қарорга келолмади, Клайд эса бундай ниятим йўқ эди, деб турибди... Агар шу гапи рост бўлса, унда нега у нарига сузиб кетиб, Робертанинг чўкиб кетишига йўл қўйиб берди? Шу боисдан, у-ку, яъни Жефсон-ку майли-я, аммо суд маслаҳатчиларининг бу гапга ишонишига ҳеч кимнинг кўзи етмайди-да.

Яна Белнепда, Клайд газета мақоласидан ўрнаб тузган ўша режасини амалга оширишга киришган пайтида, эҳтимол, руҳий осойишини йўқотиб, асабий жиҳатдан бир оз айниган бўлиши мумкин, деган тахмин ҳам бор эди. Тўғри, буни ҳам инкор этиш қийину, бироқ Жефсоннинг фикрича, ҳозир Клайд етарли даражада ақлли ва эс-хуши жойида эди; тўғри, Клайдни ўзига етгунча тошбағир ва Белнеп ўйламоқчи бўлаётганидан кўра анча-мунча айёр, деб ҳисоблар эди; тўғри, Клайднинг майин ва ёқимли муомаласи туфайли бу фикр бир оз юмшоқроқ тус олди, чунки унга адоват билан қарашга одамнинг сира кўнгли чопмас эди. Дарвоқе, Клайд Белнеп билан қандай гаплашган бўлса, Жефсон билан ҳам шундай кўнгли очиб, ишониб гаплашгани йўқ, шу боисдан Жефсон аввалига Клайдни унчалик ёқтирмади. Аммо Жефсон ўзини шу даражада қатъий ва жиддий тутдики, Клайд бирпаснинг ўзида: балки бу юрист калбида менга хайрихоҳ бўлма-

са ҳам, ҳар ҳолда у менинг ишимга ўз касби нуқтаи назаридан қаттиқ қизиқяпти, деган хулосага келди. Орадан сал ўтмай, бу ёш адвокатга у Белнепдан ҳам кўра кўпроқ умид қўя бошлади.

– Мисс Олденнинг сизга ёзган хатлари ишни ниҳоятда чигаллаштиришини ўзингиз ҳам билсангиз керак, албатта? – деб гап бошлади Жефсон, Клайд унга ўз тарихини қайта сўзлаб бергач.

– Ҳа, сэр.

– Бу ишнинг икир-чикирларидан хабардор бўлмаган одамларга у хатлар ғоят ғамгин туюлади, шуниси учун ҳам, эҳтимол, суд маслаҳатчилари сизга қарши тиш қайрашлари мумкин, айниқса, уларни мисс Финчлининг хатларига солиштиришса, шундай бўлиши турган гап.

– Ҳа, тушунаман, – деб жавоб берди Клайд. – Лекин Роберта илгари бундай эмас эди. У бошига мушкул иш тушгандан кейингина шунақа хатлар ёза бошлади, мен эсам тинч қўйишини истаган эдим.

– Биладан, биладан. Бу ҳақда яна ўйлаб кўриш керак, балки буни биз судда ҳам айтишимиз мумкиндир. Эҳ, қани энди қандайдир йўлини қилиб, бу хатларнинг судда кўрилмаслигининг иложини топганимизда-ю! – дея хитоб қилди Жефсон Белнепга мурожаат этиб, кейин яна Клайдга қаради: – Сизга бир саволим бор: сиз ўша қиз билан салкам бир йилча яқин бўлгансиз, шундайми?

– Ҳа.

– Шу давр ичида ёки ундан олдинми, ўша қиз бошқа бирор йигитча билан дўстона, яқин алоқада бўлганмиди? Сиз бу ҳақда ҳеч нарса билмайсизми?

Клайд Жефсоннинг у қадар қўрқоқ ва жиззаки эмаслиги ҳамда ўзига маъқул тушса, қутулиб қолиш учун ҳар қандай фикр-у, ҳар қандай қалбакиликка ундашдан ҳам тоймаслигини тушунди. Лекин Клайд бу шамадан қувониш ўрнига, дил-дилидан нафратланиб кетди. Робертанинг хулқини била ту-

риб, шунчалик сохтагарчиликка бориш чинакам қабиҳлик бўлар эди! У бунақанги адолатсизликка шама қилишларига чидолмас эди ва буни истамас эди ҳам, шу боисдан қуйидагича жавоб қайтарди:

– Йўқ, сэр. Унинг яна бошқа бирор кимса билан танишлигини ҳечам эшитмаганман. Бошқа таниши бўлмаган, буни аниқ биламан.

– Жуда соз, унда шундай деб ёзиб қўямиз, – деди Жефсон. – Унинг хатларига қараганда ҳам гапингиз рост чиқса керак, деб ўйлайман. Аммо биз барча далилу ашёларни билишимиз лозим. Агар орага бошқа биронтаси аралашган бўлганда-ю, ҳаммаси бошқача тус олар эди-я.

Клайд: бу фикрни қандоқ баҳолашимни Жефсон чиндан ҳам синаб кўрмоқчи шекилли, деб иккиланди-да, лекин бундан қатъи назар, бундай гапни ҳатто хаёлга ҳам келтирмаслик керак, деган қарорда тўхтади. Шунга қарамай, у ўзига ўзи: «Фақат мана шу кишигина мени қандай ҳимоя қилиш йўлини билади! У жуда эпчилга ўхшайди», деб қўйди.

– Энди, – дея давом этди Жефсон ўша-ўша жиддий ва синовчан нигоҳ билан (Клайднинг назарида унинг сўзларида зиғирдай ҳам хайрихоҳлик ва ачиниш ҳисси йўқ эди), – мен сиздан сўрамоқчи бўлган яна бир нарса бор: сиз ўша қиз билан танишган пайтингиздан бери, унга яқин бўлгунингизча ёки ундан кейинми – шу орада у сизга бирор марта бемаза, таҳқирловчи ёки пўписа қилувчи хат-пат ёзганмиди, бирор-бир талаб қўйганмиди?

– Йўқ, сэр, эслолмайман, – деб жавоб қилди Клайд. – У ҳеч қачон бундай хат ёзмаган эди. Йўқ... Фақат охирги хатларини айтмаса... фақатгина энг охирги хати.

– Ўзингиз худди унга сира ёзмагандай кўринасиз-а?

– Йўқ, сэр. Мен унга ҳеч қачон, ҳатто бир энлик ҳам хат ёзмаганман.

– Сабаб?

– Биласизми, у шу ерда, фабрикада, шундоқ ёнгинамда эди. Кейинги пайтларда – отасиникига кетганда эса, унга хат ёзишга қўрқдим.

– Ҳа-ҳа, тушунарли...

Бироқ Клайд Робертанинг майинлигидан баъзан асар ҳам қолмаслиги ва у гапга кўнмай... ҳаддан ташқари дадил ва ҳатто қайсар бўлиб кетиши ҳақида мутлақо самимий бир тарзда сўйлаб бера бошлади. Клайд унга: тўй қиласан, деб туриб олишинг эл-юрт ичидаги мавқеимга ва бутун келажакимга путур етказди, ахир мен ишлаб, сенга пулдан қарашиб тураман-ку, деса ҳам гапига сира қулоқ солмабди Роберта. Мана энди, Клайднинг сўзларига қараганда, унинг қайсарлиги ўзининг бошига етибди... Айни пайтда эса мисс Финчли Клайдга дунёдаги йўқ нарсаларни ҳам топиб беришга тайёр экан (бу сўзларни айтаётганда Клайднинг товуши майинлашиб, ҳаяжон билан титраб кетганини Жефсон дарров пайқади).

– Сиз мисс Финчлини чиндан ҳам қаттиқ севиб қолганмидингиз?

– Ҳа, сэр.

– Демак, мисс Финчлини учратганингиздан сўнг Роберта билан бошқа бирга бўлолмас эдингиз, шундайми?

– Йўқ, йўқ! Мутлақо бўлолмас эдим!

– Тушунарли, – деди Жефсон бошини маънодор қилиб сарак-сарак қимирлатганча, айни пайтда у шуларнинг бари суд маслаҳатчиларига айтилса, қанчалар бенаф ва хавфли иш бўлар эди, деб ўйларди. Балки, энг яхшиси, ҳозирги вақтдаги суд ишлари тажрибасига асосланиб туриб, Белнеп айтганидай, гоят мушкул аҳвол туфайли (Клайднинг назарида шундай эди) келиб чиққан ақдан озишлик ва руҳий мажруҳликка йўйиб қўя қолган тузукка ўхшайди. Жефсон ҳозирча бу масалани

бир четга қўйиб, яна гапида давом этди: – Сиз айтяпсизки, ўша охирги кунни у билан бирга қайиққа тушганингизда аллақандай бошқача бўлиб кетибсиз ва уни урган вақтингизда аслида нима қилаётганингизни ўзингиз билмай қолибсиз?..

– Ҳа, сэр, бу рост гап.

Клайд ўша пайтда аҳволи қандай бўлганини яна қайта тушунтиришга урина бошлади.

– Яхши, яхши, мен сизга ишонаман, – деб жавоб берди Жефсон, гўё Клайднинг гапларига ишонаётгандай, аслида эса унинг ҳолати қандайлигини тасаввур ҳам қилолмас эди. Лекин, – деди у, – хилма-хил вазиятлар туфайли биронта ҳам суд маслаҳатчиси сизга ишонмаслигини ўзингиз ҳам тушунасиз, албатта. Бу ишда изоҳ талаб қилувчи мужмалликлар шу даражада кўпки, ҳозирги аҳволда буларни кўнгилдагидек тушунтириб беришга бизнинг қурбимиз етмайди. Бу ёғига нима қилишимизни билмадим, – энди у Белнепга юзланди. – Анави иккита шляпа, жомадон... ахир, қандай асос билан биз руҳий хасталик ёки шунга ўхшаш нарсаларни рўкач қила оламиз? Мен бу ишнинг ўнгидан келишига унчалик ишонмаяпман. Сиз билмайсизми, оилангизда ҳеч қачон жинни-пинни бўлган одам йўқмиди? – дея қўшиб қўйди у яна Клайдга мурожаат этиб.

– Йўқ, сэр, мен бундай нарсани билмайман.

– Аллақайси амакингиздами, амакиваччангиз ёки бувангиздами тутқаноқ ё бошқа шунга ўхшаш телбалик белгилари учрамаганми?

– Йўқ, сэр, бунақанги нарсаларни сира эшитмаганман.

– Агар мен ишга киришсам-да, шунга ўхшаш сабабни исботлаб бермоқчи бўлсам, ўйлашимча, Ликургдаги бадавлат қариндошларингизга ҳам бу унчалик ёқмаса керак?

– Улар норози бўлишар, деб қўрқяпман, сэр, – дея жавоб берди Клайд.

– Хўш... бир бош қотириб кўрайлик-чи... – деди Жефсон бир оз жимликдан сўнг. – Ҳаммаси ниҳоятда мураккаб. Лекин бундан кўра хиёл тузукроқ бошқа бирор-бир йўлни мен сира кўрмаяпман.

Шу пайт у Белнепга мурожаат этиб, ўз-ўзини ўлдириш уйдирмаси мақсадга мувофиқ эмасми, чунки Робертанинг хатларидан ҳам унинг гам-гуссага мойиллиги кўриниб турибди, бу эса осонгина ўз жонига қасд қилишга олиб келиши мумкин-ку, сиз бунга қандай қарайсиз, деб сўради. Роберта Клайд билан кўлда қолгач, менга уйлан, деб ёлвора бошлаган ва Клайд рад этгач, у ўзини сувга отган, деса бўлмасмикин? Клайд эса шу даражада довдираб ҳаяжонга тушганидан уни қутқариш ҳам хаёлига келмай қолган.

– Унда унинг ўз оғзи билан айтган: шляпамни шамол учуриб кетди, уни ушлайман деб қайиқни ағдариб юбордим, деган сўзи нима бўлади? – дея эътироз билдирди Белнеп, у бун шундай бир оҳангга гапирдики, гўё бу ерда Клайд йўқдай эди.

– Ҳа, албатта, бу фикрингиз ҳам тўғри... Борди-ю, Робертани ўзини ўзи ўлдирад даражадаги аҳволга келтиргани учун маънавий жавобгарликдан кўрқиб, унинг ўз жонига қасд қилганлигини ҳам яширган экан, дейилса-чи, бу қандай?

Клайд қалтираб кетди, аммо Белнеп ҳам, Жефсон ҳам энди унга аҳамият беришмас эди. Улар худди бу ерда Клайд мутлақо йўқдай ёки бу ҳақда унинг тайинли бир фикри бўлмайдигандай бемалол гаплашишар эди. Клайд эса бундан ҳайратга тушарди-ю, лекин норозилик билдиrolмас эди – у ўзини шу қадар ожиз сезарди.

– Ҳа, лекин ўзини сохта ном билан ёздиргани-чи?! Иккита шляпа, костюм, жомадон! – деди Белнеп кесиб-кесиб, у шундай бир оҳангга гапирдики, Клайд бундан ўзининг аҳволини Белнеп қанчалар мушкул деб ҳисоблаётганини тушунди.

– Қанақанги назарияни ўйлаб топмайлик, бари бир бу нарсаларни нимадир деб изоҳлаб беришимизга тўғри келади, – деди Жефсон ўй сурганча. – Менимча, унинг ақлдан озганлигига ишора қилишимиз лозим, асли ниятлари ҳақида эса зинҳор оғиз очмаслигимиз керак, деб ўйлайман. Бироқ бу ҳақда гапирмасак, унда муқаррар равишда анави далилларга дуч келамиз.

Жефсон худди: «Тавба, нима қилишни билмай обдан бошим қотди-ку!» дегандай, ҳорғин бир тарзда қўлларини уриб қўйди.

– Ҳамма шароитларни ҳисобга олинг-да, – дея тайинлай бошлади Белнеп: – У унга уйланишдан бош тортган, хатлардан эса унинг ваъда бергани кўриниб турибди... бу қайтага унга баттар зиён келтириб, халқни унга баттар гижгижлаб қўяди. Йўқ, бу бўлмайди, – деб якунлади у. – Шунақа бир нарсани ўйлаб топиш керакки, салгина бўлса ҳам унга одамларнинг кўнгли эрисин.

Улар гўё орада ҳеч гап бўлмагандай яна Клайдга ўтирилишди ва унга: «Оғайни, роса бошимизни қотирдинг-ку!» деган маънода разм солишди.

Кейин Жефсон:

– Ҳа, ростдан, қаердадир Крэнстонлар чорбоғи яқинида кўлга ташлаган анави костюмингиз... – деди. – Сиз менга тузукроқ тушунтириб беринг, уни қаерда сувга ташлаган эдингиз, уйдан узоқроқ жойми?

Клайд қийналиб, барча тафсилотларни эслагунча, у кутиб турди.

– Агар мен ўша ерга борсам, эҳтимол, тезда топарман ташлаган жойимни.

– Ҳа, биламан, лекин Мейсонсиз сизни у ёққа юборишмайди, – деб эътироз билдирди Жефсон. – Ҳатто у билан ҳам қўймасликлари мумкин. Сиз турмадасиз, шу сабабли штат маъмурларининг рухсатисиз сизни бу ердан олиб чиқиб бўлмайди, тушундингиз-

ми? Бироқ биз ўша костюмни топиб келишимиз керак. – Кейин у Белнепга ўтирилиб, овозини пасайтирганча қўшимча қилди: – Уни топиб, тозалатишга бериш керак, сўнгра уни яшириб қўйилмай, балки Грифитснинг ўзи томонидан тозалатишга юборилгандай қилиб кўрсатиш зарур, тушунарлими?

– Ҳа, тўғри, – деб маъқулади Белнеп бепарво бир тарзда, Клайд эса ўз фойдасига очиқчасига тўқилаётган бу фирибгарлик ва алдамчилик савдосидан бир оз ажабланганча, қизиқиш билан гапга қулоқ сола бошлади.

– Энди сувга тушиб кетган анави фотография аппарати ҳақида келишиб олайлик, уни ҳам топишга уриниб кўриш лозим. Менимча, Мейсон уни билса керак ёки ўша ерда деб тахмин қилаётгандир. Ҳарна бўлганда ҳам аввал уни Мейсон топиб олмасидан биз қўлга туширсак, ишимиз ўнгидан келарди. Сиз улар билан бирга борганингизда, қайиқ ағдарилиб кетган жойни тўғри белгилашди-ми, қандай фикрдасиз?

– Тўғри белгилашди, сэр.

– Майли, кўрамиз, аппаратни топишнинг иложи йўқмикин? – дея давом этди Жефсон Белнепга юзланиб. – Тағин у судда қалқиб чиқиб ўтирмасин, олдини олиш керак. Унда улар қизни аппарат оёқчалари ёки бошқа бирор нарса билан урган, деб айюҳаннос солишади, биз эсак, шунда уларни боплаб таъзирларини берамиз.

– Бу ҳам тўғри, – деб жавоб қилди Белнеп.

– Энди Мейсоннинг қўлидаги жомадон масаласи. Мен ҳали уни кўрмадим, лекин эртага бориб кўрмоқчиман. Сиз, қизиқ, сувдан чиққан пайтингизда анави костюмингизни ҳўл ҳолича жомадонга тиқиб қўйганмидингиз?

– Йўқ, сэр, аввалига мен уни сиқдим – қўлимдан келганча қуритишга ҳаракат қилдим. Кейин илгари нонуштамиз солинган қоғозга ўрадим-да,

жомадон тагига қуруқ барглардан солиб, сўнгра костюм устидан ҳам барг сочиб қўйдим.

– Кейин жомадондан олган пайтингизда тагида нам доғлар қолмаганмиди, кўзингиз тушмадимми?

– Йўқ, сэр, қолмаган эди шекилли.

– Лекин аниқ билмайсиз-а?

– Ҳозир сиз сўраётганингиздан сўнг унчалик аниқ билмайдиганга ўхшайман.

– Майли, буни эртага ўзим бориб кўраман. Энди қизнинг юзидаги моматалоқлар масаласига келайлик. Сиз уни бирор-бир нарса билан урганман, деб ҳеч кимга тан олмаганмисиз?

– Йўқ, сэр.

– Бошидаги яралари чиндан ҳам сиз айтгандай қайиқ чети урилиб кетгандан бўлганми?

– Ҳа, сэр.

– Қолган бари яра-чақалари эса, сизнингча, фотография аппаратининг излари, шундайми?

– Ҳа, сэр, шундай бўлса керак, деб ўйлайман.

– Биласизми, нима, – дея Жефсон яна Белнепга мурожаат этди. – Мен ўйлайманки, вақти келганда биз: бу моматалоқ ва жароҳатлар Клайднинг иши эмас, балки қизни қидириб, қўл тубини хода ва илгаклар билан илма-тешик қилишганда қолган излар, деб дадил айтишимиз мумкин, тушунарлими? Ҳарқалай, мана шу уйдирмани бир ишлатиб кўрса бўлади. Борди-ю, айб хода ва илгакларда эмаслиги аниқланиб қолинса, – деб қўшимча қилди у лоқайд бир оҳангда ва хийла қовоғини уйиб, – унда сўзсиз, мурдани кўлдан бекатгача, кейин эса темир йўлда олиб кетиш пайтларида уринтириб қўйишган бўлади.

– Ҳа, назаримда, жароҳат излари бошқа нарсданлигини Мейсонга исботлаб бериш ҳам ҳазилакамга тушмайдиганга ўхшайди, – деб жавоб қилди Белнеп.

– Аппарат оёқчаларига келганда эса, мурдани гўридан қазиб олиб, ҳаммасини ўз қўлимиз билан ўлчаб чиқишимиз керак, қайиқ четининг қалинлигини ҳам ўлчаб кўриш лозим. Ана ундан сўнг, охири бориб, Мейсон гарчи аппарат оёқчаларини қўлида тутиб турган бўлса ҳам, уни ўз манфаатлари йўлида ишлатиб бўпти.

Шу сўзларни айтаётганида Жефсоннинг кўзлари торайиб, батгар чақнаб, мовий тус олди. Унинг боши ва озғиндан келган бутун вужуди сассиққўзаннинг нимасинидир эсга солар эди. Уларни сиполик билан кузатганча, гапларига қулоқ солиб турган Клайд худди мана шу кичик юрист ўзига ёрдам бера оладигандай бўлиб туюлди. У шунчалик зийрак ва ишбилармон, шунчалик дангалчи, вазмин ва беғам эди ва шунга қарамай, бамисоли қувват чиқариб турадиган қудратли машинасимон ўзига катта ишонч уйғотиб турар эди.

Ниҳоят, икковлари кетишга отланганларида Клайднинг дили сиёҳ бўлди: чунки улар Клайднинг ёнида туриб, уни қутқаришнинг хилма-хил ҳийла-найранглари ва режаларини тузишаётганда у ўзини анча-мунча хотиржам ва кучли ҳис этиб, ҳали-бери бўлмаса ҳам, қачонлардир, эҳтимол, озодликка чиқишига кўпроқ умид боғлаб, кўпроқ ишонаётган эди.

XVI БОБ

Анча-мунча музокаралардан сўнг, охири – фақат бунга агар Ликургдаги Грифитслар кўнишса – ҳимояни ақдан озганлик ва телбалик хуружини, ўткинчи руҳий хасталикни баҳона қилган ҳолда тузиш осон ва қулай деб топилди, бу – Клайднинг Сондра Финчлини севиб қолгани ва ўзининг бахтли келажаги ҳақидаги орзу ва умидларини Роберта бузиб юборишидан қўрққани оқибатида

келиб чиққан, дея талқин этилса ҳам бўлади. Лекин ҳимоячилар Ликургда Кетчумен ва Брукхарт билан, улар эса ўз навбатида Сэмюэл ва Гилберт Грифитслар билан гаплашиб олишгач, бу режа рад этилди. Ақлдан озганлик ёки ўткинчи телбаликни айтадиган бўлишса, унда шунақанги гувоҳларни танлашлари зарур эдики, улар Клайднинг ақл-фаросати ҳамма вақт камлиги ва бутун умри давомида тутуруқсиз одам бўлганлигини гапириб беришлари, унинг бетайинлигини жонли мисоллар асосида исботлашлари лозим эди; қариндош-уруғлари (шу жумладан, ҳойнаҳой, кимсан Ликургдаги Грифитсларнинг ўзи ҳам) буни қасам ичган ҳолда тасдиқлашлари керак эди. Хуллас, бу ўринда кўпгина гувоҳлар тўғридан-тўғри ёлғонни сув қилиб ичишлари ва қасамдан қайтиб, имонларини сотишлари керак эди, бунинг устига бутун Грифитслар авлоди бадном бўлиши мумкин эди. Шу сабабли, бундай бўлмағур гапга Сэмюэл ҳам, Гилберт ҳам мутлақо кўнмасликлари турган гап эди. Қарабсизки, охири Брукхарт Белнепга ҳимоянинг бу хил усулидан воз кечиш лозимлигини айтишга мажбур бўлди.

Шундай қилиб, Белнеп билан Жефсон яна бир-бирларининг рўпараларига ўтирганларича, ўй сура бошладилар. Негаки, ҳозир бошларига келган ҳар қандай ҳимоя усули уларга бутунлай ишончсиз бўлиб туюлмоқда эди.

– Мен бир нарсани айтмоқчиман, – деди ўжар Жефсон, Роберта билан Сондранинг хатларини яна қайтадан варақлар экан. – Судда биз йўлиқадиган энг жиддий нарса – Олденнинг мактублари. Агар уларни сал қироат билан ўқиб берилса борми, ман-ман деган суд маслаҳатчиси ҳам шубҳасиз, йиғлаб юборади, агар шундан кейин анави иккинчи қизнинг мактубини ўқишса, унда тамом, ҳаммаси чиппакка чиқади. Менимча, агар Мейсон иккинчи қизнинг хатлари тўғрисида гапирмайди-

ган бўлса, унда биз ҳам бу ҳақда умуман эслатиб ўтирмаганимиз маъқул. Шунда Клайд Роберта Олденни, фақат ундан қутулиш учунгина ўлдирган, деган тасаввур пайдо бўлар эди. Тушунишимча, бу Мейсонга ҳам жуда қўл келади шекилли.

Белнеп бу фикрга астойдил қўшилди.

Лекин вақтни бой бермай, қандайдир ҳимоя йўлини ўйлаб топиш зарур эди. Қайта-қайта музокарадан сўнг, охири Жефсон (шу жанжал баҳонаси билан бемалол шуҳрат орттириб қолиш мумкин, деб ҳисоблар эди у) қўйидагича хулосага келди: Клайд қотилликни мутлақо ўйламаган, деб туриб олинса, энг ишончли ҳимоя ҳам аслида шу бўлади, бунга Клайднинг ғоят шубҳали ва ғалати хатти-ҳаракатлари ҳам зид келмайди. Аксинча, гарчи жисмониймас, балки маънавий жиҳатдан қўрқоқ бўлганлиги учун (буни ўзи айтиб берган ҳамма воқеалар яққол исботлаб турибди) ўзининг фош этилиши ва Ликургдан ҳамда Сондра муҳаббатидан маҳрум қилинишидан қўрққан, айни пайтда унинг Сондрани чексиз севиб қолганлигини Роберта билгач (Клайд унга бу ҳақда аввал сира гапирмаган эди), мени тинч қўяр, деб умид қилган бўлиб чиқади. Шу боисдан ҳам у Робертага ҳамма гапни сўйлаб бериш ва орани очиқ қилиб олиш мақсадида наридан-бери, ҳеч бир шум ниятсиз уни ўзи билан бирга шаҳардан ташқаридаги бирор-бир жойга чиқишга ундаган (лекин бунда у атайлаб Ўтлоқзор қўли ёки Катта мушгирни танламаган, албатта); кейин у, шубҳасиз, Робертанинг бундан буёнги ҳаёти қийинлашиши ва қўлидан келганча унга пулдан ёрдам бериб туражagini ҳам айтмоқчи бўлган.

– Ҳаммаси яхши-ку, – деди Белнеп, – бироқ унда у Олденга уйланишдан бош тортган бўлиб чиқади-да, шундайми? Хўш, унда қизни ўлдириш ниятим йўқ эди, дегани билан қайси суд маслаҳатчиси унинг гапига ишонади?

– Тўхтанг, тўхтанг, – дея жавоб қилди Жефсон бир оз жаҳли чиқиб, – гапларингиз тўғри, албатта.

Аммо охиригача эшитинг-да. Мен сизга бир режам бор, деяпман.

– Хўш, хўш, қандай режа экан? – сўради Белнеп қизиқсиниб.

– Ҳозир айтаман. Режам шундан иборатки, ҳамма нарсаларни асли қандай бўлса, ўшандай: Клайд гапириб берганидек ва Мейсон таърифлаганидек қолдиравериш керак, фақат Клайднинг урганигина, турган гап, тилга олинмайди. Бошқа нарсаларнинг барини – хатлару моматалоқ дейсизми, жомадону иккита шляпа дейсизми – ҳамма-ҳаммасини сира инкор этмай тан олавериш керак.

Шу ерда у жим бўлиб қолди ва сепкил босган узун, ингичка кўллари билан сарғиш сочларини силади-да, майдон нарёгидаги Клайд ётган турмага қараб қўйди ва яна Белнепга тикилди.

– Жуда соз, лекин буни қандай қиламиз? – сўради Белнеп.

– Бошқа илож йўқ, гап бу ёқда, – деб давом этди Жефсон, худди ўзига ўзи мурожаат қилаётгандай ва битта кўйлакни ортиқроқ йиртган ҳамкасбини унутиб қўйгандай. – Ўйлайманки, ана шунда бир иш чиқиши мумкин. – У яна деразага ўтирилди, гўё энди у кўчада турган бирор кимса билан гаплашаётганга ўхшар эди. – Тушуняпсизми, у қўрқиб кетганидан ўша ёққа борган, нимадир бир иложини топиши керак эди, акс ҳолда у фош бўлиши аниқ эди. Шундан у меҳмонхоналарга ўзини бошқа ном билан ёздирди, чунки саёҳатга чиқишгани Ликургда ошкор бўлиб қолишидан қўрқади. Кейин у бошқа қизни яхши кўражagini дангал айтишга чоғланади. Лекин... – Жефсон шу ерда бир оз тин олиб, Белнепга диққат билан тикилиб қолди, – бизнинг яна бир муҳим таянчимиз бор, агар шу таянчимиз ҳам чиппакка чиқса, тамом – унда масаламиз ҳал! Эшитинг! У ўша ерда Роберта билан юраги така-пука бўлган қўйи унга уйланаман ёки

уни ўлдираман деб эмас, балки мени тинч қўй, деган маънода уни кўндирмоқчи бўлиб олиб боради. Кейин қарасаки, қиз бечора кўзига жуда хаста, эзилган, маънос қўриниб кетади, ахир, ўзингиздан қолар гап йўқ, у ҳали ҳам Клайдни жонидан севади, шундан сўнг Клайд у билан икки кеча бирга бўлади, тушунарлими?

– Ҳа, тушунарли, – дея гап қистирди Белнеп қизиқсиниб ва бу гап аввалгидек даражада шубҳага бормади. – Ҳарқалай, бу нарса Клайднинг нима учун Роберта билан бирга икки кеча тунаганини изоҳлаб беради.

– Ҳарқалай дейсизми? Аниқ изоҳлаб беради, десангиз-чи! – Жефсон истехзо ва вазминлик билан жавоб қайтарди; унинг оч мовий кўзлари фақатгина совуқ, ўжар ва эпчил бир мантиқни ифодалаб турарди, холос, бу кўзларда на озгина ҳаяжон бор эди-ю, на зиғирдаккина ачинишдан асар сезилар эди. – Хў-ўш; қиз билан у ўшандай шароитда... яъни ўшанақанги яқин бир шароитда бирга бўлгач, тушуняпсизми (бу сўзларни айтаётганда Жефсоннинг ақалли бир туки ҳам қимирламади), унинг қалбида катта ўзгариш юз беради. Нима демоқчи бўлаётганимни сезяпсизми? Клайднинг унга раҳми келади. Ўзи эса виждон азобида қолади, ахир у Роберта олдида гуноҳкор-ку. Бизнинг одамларимизга, мана шу художўй ва сипо қишлоқиларнинг барига бу гаплар кучли таъсир қилса керак, тўғрими?

– Эҳтимол, – секингина тасдиқлади Белнеп; энди у бу гапга жуда қизиқиб қолди ва муваффақият қозонишларидан озгина умид қила бошлади.

– У Робертага инсофсизлик қилганини ўзи ҳам билади, – дея давом этди Жефсон, худди тўр тўқиётган ўргимчаксимон ўз режасига ўзи маҳдиё бўлиб, – гарчи у анави иккинчи қиз ҳажрида ақлу ҳушини йўқотиб қўйган бўлса ҳам, лекин ўша мисс Олден олдида ҳам ўз гуноҳини ювмоқчи, чунки

унга ачинади ва ўзи ҳам хижолатда, тушуняпсизми? Утикада ва Ўтлоқзор кўлида ўша қиз билан бирга тунаганининг ўзи эса уни ўлдирмоқчи бўлган, деган айбни пучга чиқаради.

– Аммо у, ҳарқалай, анави иккинчи қизни севади-ку? – дея қайта сўради Белнеп.

– Ҳа, албатта. Очигини айтганда, ўша қизни у ниҳоятда ёқтиради ва умуман, у киборлар доирасига тушиб қолганда бирдан кўзи тиниб, ўзини бошқа одам деб ҳис этиб, бутунлай ўзгариб кетади. Лекин, Клайд гарчи бошқа қизни севишини айтган тақдирида ҳам, агар мисс Олден унга хотин бўлишга кўнса, унда энди у Робертага уйланишга ҳам рози бўлади.

– Тушунарли. Бироқ ҳарқалай қайиқ, жомадон ва шунча ишдан кейин яна тўппа-тўғри ўша Финчлиникига бориши фактини қандай англаш керак? – деб сўради Белнеп.

– Бир дақиқа сабр қилинг, бир дақиқа! Ҳозир сизга мен ҳаммасини тушунтириб бераман, – дея давом этди Жефсон, мовий кўзларини бўшлиққа гўё кучли прожектор нурларисимон қаттиқ қадаганча. – Ўз-ўзидан маълумки, у мисс Олден билан бирга қайиқда кетган, ўз-ўзидан маълумки, жомадонини ҳам кўлида кўтариб олган, меҳмонхоналарда сохта ном билан ёзилиб, Роберта гарқ бўлиб кетгач эса, ўрмон оралаб иккинчи қизникига қараб йўлга тушган. Хўш, нима учун у шундай қилган? Нима учун? Нима учун шундай қилганини билишни истайсизми? Мен сизга айтиб бераман! Унинг Робертага раҳми келган, тушуняпсизми, унга уйланмоқчи ҳам бўлган ёки жуда йўқ деганда, ўзининг қиз олдидаги гуноҳини сўнгги дақиқаларда ҳам ювишга аҳд қилган. Лекин шу нарса эсингизда бўлсинки, буларнинг бари у мисс Олден билан Утикада ва иккинчи кечани эса Ўтлоқзор кўлида тунаб ўтказганларидан кейингина юз берган. Аммо, Клайд айтаётганидек,

сира кутилмаганда фалокат чиқиб, Роберта чўкиб кетгач, яна унинг анави иккинчи қизга нисбатан муҳаббати аланга олган. Очигини айтса, у Роберта олдидаги гуноҳини ювиш учун ўзини унга қурбон бермоқчи бўлган вақтида ҳам иккинчи қизни қаттиқ севар эди. Тушунарлими?

– Тушунарли.

– Хўш, агар Клайд чиндан ҳам шундай бўлган эди, деб ўз сўзида қаттиқ туриб олса, улар Клайдда шу қадар руҳий ўзгариш юз берганини қандай қилиб инкор эта олишарди?

– Тўғри, лекин бу воқеани у шу даражада ишонarli қилиб гапириб бериши керакки... – деди Белнеп хиёл ташвишланиб. – Унда анави иккита шляпа нима бўлади? Уларга ҳам нимадир важ топиш лозимдир.

– Ҳозир шляпага ҳам гал келади. Шляпаси бир оз рижимланган эди. Шу сабабли у бошқасини сотиб олишга қарор қилган. Мейсонга, бошимда шапка бор эди, деганида эса, шунчаки, қўрқиб кетганидан, шундай жавоб берсам тезроқ қутуламанми, деб ўйлаб алдайверган. Албатта, у анави қизга қараб кетгунча, яъни Роберта ҳали тириклик пайтида, Клайднинг ўша қиз билан алоқаси борлиги ва унга уйланмоқчилиги масаласи ҳам қолаверади. Тушуняпсизми, у Робертага ўз ниятини айтган бўлади, шу масалани бир бошлаб ўйлаб чиқшимиз керак. Аммо, менимча, бу осон: Клайдда руҳий ўзгариш рўй бергач ва у Робертага нисбатан виждонан иш тутмоққа аҳд қилганидан сўнг, у фақат анави қизга хат ёзиши ёки унинг ҳузурига бориб, Роберта олдида ўзининг нақадар айбдор эканлигини айтиб беришигина қолади, холос.

– Хўш.

– Энди билдим, бу ишда анави қиз ҳақида гапирмасликнинг сира иложи йўқ экан. Уни безовта қиламизми, деб қўрқяпман.

– Керак бўлса, безовта қиламиз-да, – деди Белнеп.
– Биласизми, Роберта, бари бир Клайд менга уйланиши шарт, деб ҳисоблайди; демак, Клайд аввал анави Финчлининг ёнига бориб: мен сизга уйланомайман, чунки мен Роберта билан қовушгани кетяпман, дейиши керак. Шуларнинг бари агар Роберта ўзини Клайд бир оз вақтга қолдириб кетишига кўнсагина юз бериши мумкин, тушуняпсизми?

– Ҳўш.

– Агар Роберта бунга кўнмаса, унда Клайд Учинчи миль Кўрфазидами ёки бошқа бирор-бир жойдами, у билан никоҳдан ўтади.

– Ҳўш.

– Аммо шуни унутмангки, Роберта ҳали тирик экан, Клайд паришон ва маъюслигича юривади. Фақат Ўтлоқзор кўлидаги иккинчи тундан кейингина Клайд Робертага нисбатан инсофсизлик қилаётганини тушуна бошлайди, маъқулми? Ораларида нимадир бўлиб ўтади. Эҳтимол, Роберта йиғлайдими ёки Клайдга: бундан кўра ўлганим ҳам тузук эди, дейдими, ишқилиб, биласизми, анави хатларидаги гапларига ўхшаш фикр юритади.

– Ҳўш.

– Шунда Клайдда Роберта икковлари бафуржа гаплашиб олишлари учун ҳеч ким кўрмайдиган ва эшитмайдиган бирор-бир хилват жойга бориш истаги туғилади.

– Ҳўш, ҳўш... Давом этинг.

– Ҳуллас, у Катта мушгирни эслаб қолади. У қачонлардир аввал ўша ерда бўлган ёки улар ўзлари билмай ўша жойга бориб қолишади. Ундан у ёғи эса Учинчи миль Кўрфазидагача бор-йўғи ўн икки миль йўл, агар никоҳдан ўтишга битим қилишса, ўша ерда никоҳдан ўтиб қўя қолишади.

– Тушуняпман.

– Агар бундай битимга келишмаса, Клайднинг тавба-тазарруларини эшитгач, Робертанинг ўзи унга тегишдан воз кечади, шунда Клайд уни яна қайта

меҳмонхонага олиб бориб қўяди, тўғрими? Шунда, улардан бири тағин бир оз вақт ўша ерда қолар, иккинчиси эса балки ўша заҳотиёқ жўнаб кетар.

– Хўш, хўш.

– Ҳа, айтгандай, вақтини қизғангани ва меҳмонхонада узоқ туриб қолишни истамаганидан – акс ҳолда, у қимматга тушиб кетиши аниқ эди, биласизки, ўзи у пулдан қисилиброқ юради – нонуштасини жомадонига солиб олади. У ер-бу ерда расм олиш мақсадида фотография аппаратини ҳам олиб кетади. Тушуняпсизми, агар Мейсон шу аппаратга бурнини суқадиган бўлса, унинг борлигини нимадир деб изоҳлаб беришимиз лозим, энг яхшиси, у эмас, биз айтганимиз маъқул, тўғрими?

– Тушуняпман, тушуняпман! – дея хитоб қилди Белнеп; энди у масалага ниҳоятда қизиқиб қолганидан оғзи қулоғига етиб, ҳатто қўлларини арта бошлади.

– Қарабсизки, улар сайрга чиқишади.

– Хўш.

– Кейин қўлни айланиб юришади.

– Хўш.

– Ниҳоят, улар соҳилда ўтириб, нонушта қилишади, Клайд бир неча бор расмга олади...

– Хўш.

– Кейин у Робертага бутун ҳақиқатни гапириб беришга аҳд қилди, у шунга тайёр, шуни истайди...

– Тушуняпман.

– Лекин ичидагини айтишдан олдин у Робертани яна қайиқ олдида, соҳилда бир-икки марта расмга туширмоқчи бўлади.

– Хўш.

– Кейин у Робертага ҳамма гапни айтади, тушуняпсизми?

– Ҳа.

– Ҳа, ростдан, улар яна қайтиб, гул термоқчи бўлганлари учун Клайд жомадонини қирғоқда

қолдираверади, тушуняпсизми? Бу гап жомадон воқеасини изоҳлаб беради.

– Хўш.

– Аммо уни қайиқда расмга олишдан аввал у ўзининг бошқа қизни яхши кўриши, шунда ҳам агар Роберта истаса, унинг ўзига уйланиши, анави Сондрага эса хат ёзиб юбориши тўғрисида гап-ра бошлайди. Лекин, агар Клайднинг бошқа қизни яхши кўришини билгандан сўнг Роберта унга тегишни истамаса...

– Хўш, хўш? У ёғи-чи? – дея қизишиб гапни бўлди Белнеп.

– Ҳа, унда, – давом этди Жефсон, – Роберта ҳақида ўйлаб, унга кўмаклашиб туриш учун Клайд кўлидан келган ҳамма кшни қилади, чунки бадавлат қизга уйлангач, унинг пули ҳам кўп бўлади.

– Хўш.

– Аммо Роберта Клайд ўзига уйланиб, анави Финчлидан воз кечишини истайди.

– Тушуняпман.

– Клайд ҳам шунга кўнади.

– Албатта!

– Роберта шу даражада миннатдор бўлганидан ҳаяжонга тушиб ўрнидан сакраб турганча Клайдга қараб отилади, тушуняпсизми?

– Хўш.

– Шу пайт қайиқ бир томонга қийшайиб кетади, Клайд Робертанинг қулаб тушишидан қўрқиб, уни ушлаб қолмоқчи бўлиб ирғиб ўрнидан туради, тушуняпсизми?

– Ҳа, ҳа.

– Энди фотография аппарати унинг қўлида қолсинми ёки йўқми, бу ёғи ўз ихтиёримизда, сизнингча, қандай қилсак қулай бўларкин?

– Энди тушундим мен.

– Хуллас, қўлида аппарат бўладими, ё йўқми, Клайдми ёки эҳтимол, Робертами, қандайдир бир

қалтис ҳаракат қилиб юборишади-ю – аслида Клайднинг ўзи ҳам худди шундай гапириб беряпти – ёки иккаласи бирдан туриб кетишганиданми, ҳарқалай, қайиқ ағдарилади-да, у Робертани уриб юборади ёки бунинг акси, бу ерда истаганимизча айтаверишимиз мумкин, борди-ю, урди дейилганда ҳам у бехосдан шундай қилган бўлади.

– Тушуняпман, тушуняпман, оббо жин ургур-ей! – дея хитоб Қилди Белнеп. – Жуда соз, Рубен! Ажойиб! Шунчалик зўрки!

– Робертага қайиқнинг зирҳи тегиб кетади, Клайдга ҳам хиёлгина тегади, тушуняпсизми? – давом этди Жефсон, ҳийла-найрангдан иборат режаларига ўзи маҳлиё бўлиб, у шеригининг бирдан завқ-шавққа тўлиб кетганига эътибор ҳам бермади. – Ўша зарба Клайдни бир оз гаранг қилиб қўяди.

– Тушуняпман.

– У Робертанинг қичқирғини эшитиб, ўзини ҳам кўради, лекин унинг ўзи бир оз гарангсиб қолган, тушуняпсизми? У ўзига келиб, Робертага ёрдам қиладиган маҳалда эса...

– Роберта йўқ бўлади, – деб якунлади Белнеп пинагини ҳам бузмай. – У чўкиб кетган бўлади. Тушуняпман.

– Бу ёқда эса шубҳали вазият, қалбаки ёзувлар турибди... Роберта эса ҳалок бўлган, Клайд ҳар қанча истаганда ҳам энди унга сира кўмаклаша олмайди... Агар билсангиз, Робертанинг иккиқатлигини ота-онаси сезишгудек бўлишса, қандай аҳволга тушишлари ўз-ўзидан маълум...

– Ҳа, ҳа, тўғри.

– Шунинг учун ҳам Клайд даҳшатга тушиб қошиб қолади. Табиатан олиб қараганда, Клайд асли юраксиз одам – биз буни аввал бошданоқ исботлашга ҳаракат қиламиз. У амакиси билан яхши муносабатини ва эл-юрт ичидаги ўз обрўини сақлаб

қолишга сўзсиз тиришади. Ҳамма нарсага шуни баҳона қилиб кўрсатиш мумкин эмасми, ахир?

– Менимча ҳам бу қўп нарсага тузуккина баҳона бўлади шекилли. Чиндан ҳам, Рубен, ўйлашимча, бу энг қулай изоҳ бўлса керак, табриклайман сизни. Бундан ҳам тузукроқ изоҳ топилишига кўзим етмайди. Агар шунда ҳам у оқланмаса ёки суд маслаҳатчилари ўртасида тортишув келтириб чиқармаса, унда жуда бўлмаганда, Клайд, масалан йигирма йил олиши мумкин, сиз нима дейсиз шунга? – Белнеп ғоят мамнун тарзда ўрнидан турди-да, новча, қотмадан келган ҳамкасбига завқи ошиб тикилди-ю: – Қойил! – деб қўшимча қилди.

Жефсон эса кўзгусимон жимжит ҳалқобни эслатувчи чуқур кўзлари билан унга фақат бепарққина қараб қўйди, холос.

– Аммо сиз, ҳарқалай, бунинг тагидан нима келиб чиқишини тушунсангиз керак? – деди у босиқлик ва майинлик билан.

– Клайд қасам ичиб туриб, худди гувоҳдек жавоб бериши керак, демоқчисиз-да? Албатта, албатта. Жуда яхши тушуниб турибман. Лекин у фақат шунгагина умид қилиши мумкин.

– Клайд у қадар жиддий ва ўзига ишонадиган гувоҳ бўлмайдиганга ўхшайди, деб қўрқяпман. У ниҳоятда асабий ва сиркаси сув кўтармайди.

– Ҳа, биламан, – деди ўша заҳоти Белнеп. – Уни салга қўрқитиб олиш мумкин. Мейсон эса унга худди қутурган буқадек ҳамла қилади. Лекин биз уни шунга тайёрлаймиз, обдан суробини тўғриласак ҳам, аммо тайёрлаймиз. Бу – қутулиши учун охирги чора эканлигини, ҳаёт-мамоти шунга боғлиқлигини тушуниб етмагунча қўймаймиз. Кейинги бир-икки ой ичида роса суробини тўғрилаймиз.

– Агар шу айтганларимизни қилолмаса, унда у тамом. Қани энди биз унга қандайдир дадиллик бахш этиб, ўзини бамайлихотир тутишига кўник-

тира олсак эдик! – алақаёққадир, бўшлиққа қадалган Жефсоннинг нигоҳи қаршисида, гўё суд зали ва гувоҳлар ўтирадиган жойда Мейсонга қарама-қарши турган Клайд кўрингандай бўлди. Кейин Жефсон Робертанинг хатларини (тўғрироғи, Мейсон берган нусхаларни) қўлига олди. – Қани энди мана булар ишни бузмаганда эди! – деди у хатларни қўлида чамалаб кўра туриб, кейин ҳафсаласи пир бўлиб: – Лаънати! Шу ҳам иш бўлди-ю! – деди. – Лекин биз ҳали пачоқланганимизча йўқ, чучварани хом санаб юришибди! Биз ҳали жангга киришганимиз ҳам йўқ! Э, жуда бўлмаганда бу иш орқасидан ном орттириб қоламиз. Ҳа, ростдан, – деб қўшимча қилди у, – менга таниш бир йигитча бугун кечқурун Катта Мушгирда сувга тушиб кетган аппаратни топишга ҳаракат қилиб кўради. Қани, менга омад тиланг-чи.

– Бажонидил, бажонидил! – Белнеп айтган гап фақат шу бўлди.

XVII БОБ

Ўлим хусусидаги иш қанча-қанча кураш ва ташвиш-ҳаяжонларни келтиришини айтинг! Брукхарт билан Кетчумен Белнеп ва Жефсонга «ҳарқалай, ҳозирги аҳволдан қутулишнинг бирдан-бир тўғри йўли» Жефсоннинг режаси эканлигини айтдилару, лекин шу билан бирга бу ишда иложи борича Гриффитсларни баҳона қилмаслик керак, деб ҳам ўтдилар.

Кейин ўша заҳотиёқ мистер Белнеп ва мистер Жефсон дастлабки маълумотларни матбуотга бериб юборишди, бу маълумотлар шундай руҳда ёзилган эдики, бундан Клайднинг бегуноҳлигига уларнинг ишончи комиллиги; аслида эса Клайд туҳмат қурбони бўлганлиги, қўйдай ювош шу йигитчани мутлақо нотўғри тушунишаётгани, унинг мисс Олденга нисбатан қилган ният ва хатти-ҳаракатлари

Мейсон тўнкаётган айблардан бутунлай, худди оқ билан қорадек фарқ қилиши кўринар эди. Бу ерда бошқа бир шама ҳам бор эди, прокурорнинг Олий суднинг фавқулодда сессиясини чақиришни талаб қилиб, ноўрин шошқалоқликка бораётганининг асосий боиси ҳам аслида соф адлия талабларидан кўра, кўпроқ сиёсий мулоҳазалар оқибати бўлиши мумкин. Хўш, акс ҳолда нега бунча шошқалоқлик қилиняпти? Айниқса, округда сайловлар яқинлашиб келаётган ҳозирги пайтда-я? Дарвоқе, айрим шахслар ёки гуруҳлар ушбу тергов натижаларидан ўз шахсий сиёсий шуҳратпарастликлари йўлида фойдаланишга уринаётган бўлмасинлар тагин? Мистер Белнеп билан мистер Жефсон, ҳарқалай, бундай бўлмаса керак, деган умиддалар.

Лекин айрим шахслар ёки гуруҳларнинг режалари, шум ниятлари ёки сиёсий интилишлари ҳар қанча кучли бўлганда ҳам, янглиш тасаввур орқасида (адвокатлар буни исботлаб беришади) фақат республикачилар партиясининг ноябрь сайловларида ғолиб чиқиши учунгина шошма-шошарлик билан бегуноҳ бир йигитчанинг электр курсига жўнатилишига ҳимоя томони сира йўл қўёлмайди. Бу ғалати ва устига-устак, нотўғри тасаввурларни келтириб чиқарган аҳволни фош этиб беришлари учун ҳимоячиларга анча вақт керак. Шу сабабли улар прокурорнинг штат губернаторидан Олий суднинг фавқулодда сессиясини Олбэнида чақириш ҳақида сўраган илтимоси масаласида расмий равишда эътироз билдиришга мажбурдирлар. Бунинг устига, бунчалик шошилишнинг ҳожати борми? Ахир, бу хилдаги ишларни кўриб чиқадиغان навбатдаги сессия январда йиғилиши керак-ку, бу ишга оид ҳужжатларни тайёрлаш ҳам ҳазилакам вақтни олмайди.

Гарчи бир оз кечиккан бўлса ҳам, аммо бу кескин баёнот матбуот вакиллари томонидан анчагина жиддият билан тингланди, бироқ Мейсон эса

ҳимоянинг сиёсий найранг хусусидаги «юзаки» даъволарини ҳам, шунингдек, Клайднинг бегуноҳлиги тўғрисида айтган олди-қочдиларини ҳам назар-писанд қилмади.

«Наҳотки, мен бутун бир округ фуқаросининг вакили бўлсаму қораланиши лозим бўлган айбларни шундоқ кўриниб турмаса, бекордан-бекорга бир одамни айбласам ва бир ёққа жўнатсам! Бу менга зарур келибдими? Ахир, унинг қизни ўлдиргани беш қўлдай кўриниб турибди-ку! Бу ишнинг шубҳали томонларини ақалли бир оз бўлса ҳам ойдинлаштирадиган бир оғиз сўз айтдими у ёки бирон нарсани уддалаб бердими? Йўқ! Ё оғзига сўк солиб олади ёки ёлғон гапиради. Модомики, масаланинг бу жиҳатлари гоят билимдон мистер ҳимоячилар томонидан рад этилмаган экан, мен ўзим бошлаган ишни қатъиян давом эттирмоқчиман. Ҳозир қўлимда жиноятчи йигитнинг бутун гуноҳини бўйнига қўя оладиган етарли далилларим бор. Ишни январгача қолдириш эса, бу мистер ҳимоячиларга ҳам маълум, округ учун жуда қимматга тушиб кетади, чунки бу орада менинг ваколатим тугаб, янги келган одам мен ипидан-игнасигача билган ўша ҳужжатларни яна бир бошдан ўрганиб чиқишига тўғри келади. Ахир, шу иш юзасидан чақирган барча гувоҳларимиз ҳам ҳозир ихтиёримизда, у қадар кўп харж бўлмай, осонгина уларни Брижбургга олиб бориш ҳам мумкин. Январъ ёки февралда, айниқса, ҳимоя томони ўлиб-тирилиб уларни тўзителиб юборишга ҳаракат қилгандан сўнг, хўш, унда қаердан топамиз ўша гувоҳларни? Йўқ, мистерлар! Мен бунга кўнолмаман. Лекин улар яқин ўн, ё боринги, ўн беш кун ичида мен қўяётган айбларнинг ҳатто айримларининг хатолигига ақалли билвосита ишора этувчи бирор-бир ашё-далилларни келтира олишса борми, унда мен жон деб уларга қўшилиб суд раисига бора-

ман, агар улар суд раисига қўлга киритган ёки киритмоқчи бўлаётган далиллари ёки узоқдан чақирилиши талаб этиладиган ва мана бу йигитчанинг гуноҳсизлигини тасдиқлайдиган гувоҳлари борлигини маълум қилишса, қайтага бу ажойиб иш бўлади-ку! Унда мен, гарчи шу туфайли суд жараёни менинг ваколатим тугагандан кейин бошланган тақдирда ҳам судьядан Белнеп билан Жефсонга қанча вақт зарур бўлса, ўшанча вақт беришини астойдил туриб илтимос қиламан. Бироқ суд жараёни олдин бошланса, мен шундай бўлишига чин юракдан аминман, унда айбдорнинг гуноҳини бутунлай очиб ташлашга бор кучим ва қобилиятимни аямайман, буни мен қандайдир давлат мансабини эгаллаш учун эмас, балки ҳозир округ прокурори эканлигим ва бу менинг бурчим эканлиги туфайли шундай қиламан. Сиёсий мартабам масаласига келганда эса, хўш, мистер Белнепнинг ўзи-чи, наҳотки у сиёсий мартаба орттиришга интилмаётган бўлса? Ўтган сайловларда ҳам у мен билан беллашган эди, эшитишимча, яна шундай қилмоқчи экан».

Мейсон шу айтган гапларига тўла мувофиқ равишда, фавқулодда сессия чақириш ва Клайд ишини судга оширишга губернаторни кўндириш мақсадида Олбэнига жўнади. Губернатор Мейсон билан Белнепнинг далил ва асосларини тинглаб кўриб, масалани Мейсон фойдасига ҳал қилди, чунки фавқулодда сессияни чақиришга ижозат бериш, лозим бўлганда суд муҳокамаси тўхтаиб қўйишга халақит бермас эди ва шу сабабли фавқулодда сессиянинг чақирилиши ишни олиб бориш учун ҳимоя томонга зарур бўлган ҳар қанча қўшимча муддатларни олишига тўсқинлик қилолмаслигини ҳозиргача ҳимоя томони пеш қилаётган барча дастаклар мутлақо исботлаб беролмас эди. Бундан ташқари, бунақанги далил ва асосларни кўриб чиқиш – унинг, яъни губернаторнинг иши эмас, балки бунга махсус ваколоти бўлган Олий

суд аъзосининг ишидир. Шундай қилиб, Олий суднинг фавқулодда сессиясини чақириш ҳақида буйруқ берилди, сессиянинг раиси қилиб Фредерик Оберуолцер деган киши – ўн биринчи округнинг судьяси тайинланди. Мейсон Оберуолцер ҳузурига келиб, суд маслаҳатчилари кенгашининг фавқулодда мажлисини чақириш кунини белгилаб беришни илтимос қилди, Клайд шу мажлис қарори билангина судга оширилиши мумкин эди, бу мажлис бешинчи августга тайинланди.

Кейин, суд маслаҳатчилари кенгаши йиғилгач, Клайдни судга бериш тўғрисида қарор чиқаришга Мейсон у қадар ортиқча уриниб ҳам ўтирмади.

Шундан сўнг Белнеп билан Жефсоннинг Оберуолцерга келиб учрашишдан бўлак иложлари қолмади, Оберуолцер демократ эди, у бу мансабга собиқ губернаторнинг хайрихоҳлиги орқасида тайинлаган эди, шунинг учун ҳимоячилар ундан суд текширишини бошқа округга ўтказдиришни сўрамоқчи бўлдилар. Улар, Катараки округидан Мейсоннинг халойиқ олдидан айтадиган ва хусусий ваъзлари таъсирига берилмайдиган ўн икки кишини топиш амри маҳол, ҳар қанча ўйлаганда ҳам бу ақлга сифмайди, шундай экан, маслаҳатчилар Клайдга нисбатан жудаям ёмон муносабатда бўлиб, олдинданок уни гуноҳкор, деб ишонишади, демак у, аслида ҳимоя томони ўз фикрини айтиб улгурмасиданок суд маслаҳатчиларининг исталган ҳайъати томонидан ҳукм қилинаверади, деб исбот этишга уриндилар.

Судья Оберуолцер анчагина холис бўлгани учун:

– Хўш, муҳокамани қаёққа ўтказамиз деб ўйла-япсизлар? – деб сўради. – Ҳамма ерда ҳам ўша бир хил ҳужжатлар босилди-ку.

– Лекин, муҳтарам мистерлари, бу жиноятни округ прокурори роса ҳафсала билан шиширяптида... (Мейсон узундан-узоқ, қизишиб эътироз билдирди.)

– Шунга қарамай, биз, – дея давом этди Белнеп, – халойиқни бекордан-бекор безовта қилиб, тўғри йўлдан чалғитдик, деб ҳисоблаймиз. Энди сиз айбланувчига холис қарай оладиган ўн икки кишини топиб бўпсиз.

– Қанчалар бўлмағур гап! – дея хитоб қилди Мейсон жаҳли чиқиб. – Қуруқ сафсата бу! Ахир, газеталарнинг ўзиёқ мендан кўра кўпроқ ҳужжат йиғиб, эълон қилишди-ку. Мабодо бу ерда нимадир бир нарсага янглиш муносабат билдирилган экан, бу фақат шу иш юзасидан ашъвий ҳужжатларни босиш оқибатидагина юз берган. Мен, олдиндан ишониш ҳоллари бу ерда қандай бўлса, бошқа жойда ҳам шундай, деб тасдиқлайман. Бунинг устига, агар суд олис бир округга кўчирилдиган бўлса, кўпчилик гувоҳларимиз шу ерда, ундан округимиз озмунча ортиқча чиқимларга дучор қилинадими, бундай чиқимларни округ ўз бўйнига ололмайди ва бунга зарурат ҳам йўқ.

Судья Оберуолцер ақл-идрокли, ахлоқий томони мустаҳкам, шошмайдиган, эҳтиёткор, ҳамма вақт ва ҳар бир нарсада маълум тартибни афзал кўрадиган киши бўлиб, у кўпроқ Мейсоннинг фикрларига мойилроққа ўхшар эди. Шу сабабли орадан беш кун ўтгач – бу вақт ичида у барча масалаларни шошмасдан ўйлаб олди – ҳимоянинг илтимосини рад этди. Агар у ноҳақ бўлса, ҳимоя томони юқори идораларга норозилик билдириши ҳам мумкин. Ҳозирча эса, ишни кўришни ўн бешинчи октябрга белгилаб (ўша пайтгача ҳимоя томони бемалол тайёрланиб улгуришига вақти етади, деб ўйлади у), ёзнинг қолган қисмини Мовий тоғ кўли яқинидаги чорбоғида ўтказиш учун ўша ёққа жўнади; мабодо унинг шахсий иштирокисиз ечилиши мумкин бўлмаган қандайдир жудаям чигал ва мураккаб масалалар чиқиб қолса, унда қораловчи

ва ҳимоя томонларининг вакиллари уни ҳар доим ўша чорбоғдан топадилар.

Клайднинг ишига мистер Белнеп билан мистер Жефсон аралашганидан сўнг, Мейсон айблов ҳукми иложи борича тезроқ чиқарилишига эришиш учун икки ҳисса куч билан ҳаракат қилиш зарур, деган қарорда тўхтади. У ёш Жефсондан ҳам худди Белнеп сингари хавфсирар эди; шунинг учун Бэрлей ва Ньюкомни ўзи билан бирга эргаштириб, Ликургга яна бир марта бориб келди ва у ерда бошқа нарсалардан ташқари, қуйидагиларни ҳам аниқлаб олурди: 1) Клайд фотография аппаратини айнан қаердан сотиб олганини; 2) нима учун у Катта мушгир кўлига жўнашидан уч кун олдин миссис Пейтонга аппаратини ўзи билан бирга олиб кетмоқчилиги ва унга плёнка харид қилмоқчилиги ҳақида гапирганини; 3) Ликургда Орин Шорт исмли аттор савдогар борлиги, у Клайдни яхши билиши ва Клайд атиги тўрт ой муқаддам бир ишчининг хотини иккиқат бўлиб қолганда унга мурожаат этгани, шунингдек у, яъни Шорт, Клайдга Гловерсвиль яқинида яшовчи Глен деган бир докторни тавсия қилганини (буни Шорт, Бэртон Бэрлей ҳадеб кавлаштиравергандан кейин, мутлақо оғиз очиб бўлмайдиган бир сир сифатида унга ишониб айтди); 4) Глен докторнинг ўзини топиб, унга Клайд ва Робертанинг суратларини кўрсатишганда, у Клайдни эмас, Робертани танигани, унинг қандай кайфиятда кириб келгани-ю, нималар ҳақида гапирганини ҳам эслаганини; бу тафсилот на Клайддан ва на Робертадан ақалли зигирдай бўлса ҳам шубҳаланишга асос бўлолмагани учун Мейсон ҳозирча уни бир четга қўйиб туришга аҳд қилди. Ниҳоят, 5) тиним билмай, тўхтовсиз олиб борилган қидирувлар оқибатида Утикадаги ўша, Клайдга шляпа сотган савдогар ҳам топилди: у Бэрлей Утикадалик вақтида берган газета суҳбатига бе-

хос дуч келиб қолибди-ю, қараса, Бэрлейнинг сурати ёнида Клайднинг ҳам расми турган эмиш, у Клайдни таниган заҳоти Мейсонни қидиришга тушибди, охири Мейсон унинг ҳам машинкада кўчирилган ва тегишли тартибда тасдиқлатилган гувоҳлигини ўзи билан бирга олиб жўнабди.

Бунга қўшимча равишда, «Оққуш» пароходида кетаётиб Клайдга эътибор билан қараган анави қиз ҳам Мейсонга хат ёзиб, Клайдни эслагани ва ўшанда бошида похол шляпаси бўлиб, у Шейронда қирғоққа тушиб қолганини хабарлаган эди. Бу маълумотлардан сўнг «Оққуш» капитанининг гувоҳлиги ҳам бутунлай тасдиқланган эди ва Мейсон пешонаси ярқираб, роса омади келаётганини сеза бошлади. Мейсон учун охирги, аммо энг муҳим маълумот Бедфордда (Пенсильвания штати) яшовчи бир аёлдан олинган хабар бўлди: унинг ёзишича, эри иккови учинчидан то ўнинчи июлгача, бир ҳафта вақтларини Катта мушгирда ўтказишибди – кўлнинг жанубий қисмида, шарқий соҳилда чодир қуриб яшашибди. Буни қарангки, саккизинчи июлда, чамаси соат олтилар экан, юракни эзадиган, аянчли бир қичқириқ эшитиб қолибди у, назарида аёл киши ёки қиз бола ёрдам сўраётганга ўхшабди. Қичқириқ худди Кўрфазнинг жануби-ғарбий томонидаги улар бир гал балиқ овлаган оролчанинг нарёғидан, жуда ҳам олисдан эшитилгандай бўлибди.

Мейсон бу хабар тўғрисида индамай туришга қарор қилди, у аппарат ва плёнка, Клайднинг Канзас-Ситидаги гуноҳи масаласида ҳам лом-лим демади, у бу далилларни иложини топса нақ суд муҳокамасининг ўзигача яшириб бормоқчи бўлди, ана ўшанда ҳимоя томони буларни бир амаллаб рад этиш ёки юмшатишга кучи етмай қолади.

Белнеп билан Жефсон эса бошқа бирон туюкроқ нарса ўйлаб топишолмади: энди фақат Клайдни обдан пишиқлаш керак эди, у Ўтлоқзор

кўлига келганида ўзида юз берган руҳий тушкунликни рўкач қила туриб, ўз гуноҳини бутунлай инкор этиши зарур эди; иккита шляпа ва жомадон хусусида ҳам қандайдир изох бериш лозим эди. Тўғри, Крэнстонлар чорбоғи олдида кўлга ташлаб кетилган анави костюм ҳам бор, лекин у ерга қандайдир бир ғоят серҳафсала балиқчи борган эди, шундан сўнг костюм топилиб, тозалатилиб, дазмолланди-ю, энди эса у Белнеп ва Жефсонларнинг идорасида қулфлоглиқ шкафда осилиб турибди. Яна бу ёқда Катта мушгир кўлининг тубига тушиб кетган аппарат ҳам бор эди-ю, аммо уни қидирган билан бирон наф чиқмади, шунда Жефсон, аппаратни ҳойнаҳой Мейсон қўлга туширган бўлса керак, шунинг учун бошиданоқ, сал қулай пайт туғилди дегунча судда уни эслатиб ўтиш зарур, деган хулосада тўхтади. Бироқ Клайд у билан Робертани, майли, бехосдан бўлса-да, урганини эса ҳозирча инкор этиб туришга келишилди, ваҳоланки, мурда иккинчи марта текширувдан ўтказилган вақтда – бунинг учун уни Бильцдаги гўридан чиқариб олишга тўғри келди – марҳуманинг юзида ҳали ҳам жароҳат излари сақланиб қолгани аниқланди, улар аппарат катталиги ва шаклига маълум даражада мос тушар эди.

Масалан, Белнеп билан Жефсоннинг гувоҳ сифатида Клайдга жудаям кам умид боғлаётганларининг ўзини олайлик. Дарҳақиқат, шу воқеалар қандай юз берганини Клайд сўзлаб бера олармикин, очиқчасига, кучли ва эҳтиросли гапириб, Робертани билмай уриб юборганига суд маслаҳатчиларини ишонтира олармикин? Ахир, зарбадан қолган жароҳатлар борми-йўқлигидан қатъи назар, суд маслаҳатчиларининг Клайдга ишониши фақат мана шунга боғлиқ. Агар зарба бехосдан бўлганига ишонишмаса, демак, унда – ҳукм ҳам тайёр.

Шундай қилиб, улар суд муҳокамасига тайёрлана бошладилар, ҳозирча эса секингина Клайднинг аввалги ҳаётига оид ижобий маълумотларни ва гувоҳликларни тўплашга киришдилар. Лекин Клайднинг Ликургда ўзини баодоб йигитча қилиб кўрсатишга уриниб, аслида мутлақо саёқ юргани ва унинг Канзас-Ситидаги хизмат соҳасида бошлаган дастлабки қадамлариёқ жанжал билан тугагани Белнеп ва Жефсонга анчагина халақит бермоқда эди.

Яна орада ниҳоятда жиддий бир чалкашлик ҳам бор эди, буни Белнеп билан Жефсон ҳам, прокурор ҳам билишарди: Клайд қанча вақтдан бери турмада ўтирган бўлса, шунча вақтдан бери оиласидан ёки амакисининг оиласидан бирор киши келиб ёнига тушмади, унинг ўзи ҳам ота-онаси қарда яшашини фақат Белнеп ва Жефсондан бўлак биронта одамга айтмади. Агар, умуман, Клайдни астойдил ҳимоя қилиш ва оқлашнинг йўли топилса, бунинг учун онасими, ё отасими ёки жуда бўлмаганда сингиси, ё укаси, ўзлигини билдиришиб, Клайд ҳақида бир оғизгина бир нима дейишлари керак эди – бу тўғрида Белнеп билан Жефсон қайта-қайта фикрлашишган эди – бу жуда ҳам муҳим эди! Акс ҳолда, у доимо мана шундай ёмонлиқ, бир чақага қиммат одам бўлиб юрган, шунинг учун уни билганларнинг бари энди атайлаб ўзини олиб қочяпти, деган тасаввур туғилиши мумкин эди.

Шунинг учун ҳам улар Дарра Брукхарт билан суҳбатлашаётган пайтларида Клайднинг ота-онаси ҳақида ҳам гап очишди ва ликурглик Грифитслар ўша ғарбдаги туғишганларидан биронтасининг бу ишга аралашувига мутлақо қарши эканликларини билиб олишди. Ижтимоий жиҳатдан, деб тушунтирди Брукхарт, Грифитслар авлодининг бу икки пушти ўртасида бамисоли тубсиз жарлик ётибди, шу боисдан ҳам бу тўғрида айтиладиган ҳар бир сўз ликурглик Грифитсларга ниҳоятда кўнгилсиз тую-

лиши аниқ. Бундан ташқари, Клайднинг ота-онаси Ликуртга келиб, бевурд матбуот қўлида ўйинчоқ бўлиб қолмаслигининг ҳам кафилигини олиш қийин. Брукхарт Белнепга, агар Клайд шунга кўнса, унинг ота-онасини яхшиси, тинч қўйган маъқул, деган гапни айтди. Сэмюэл ва Гилберт Грифитсларнинг фикри ҳам шундай, аслини олганда уларнинг Клайдга берадиган моддий ёрдамлари ҳам маълум даражада мана шу нарсага боғлиқ, деди у.

Гарчи Клайднинг бўлиб ўтган воқеалар онасига зарба бўлажаги туфайли ўкинаётганини эшитган ва у билан тез-тез гаплашиб турадиган кишилардан биронтаси она-болани қизгин меҳр ришталари боғлаб турганига шубҳа қилмаса ҳам, бари бир у Грифитсларнинг хоҳишига рози эди. Гап шунда эдики, Клайд ҳозир онасига дуч келишдан қўрқар ва уялар эди: у ўзи тушиб қолган ҳозирги аҳволга ахлоқий, тагини суриштирганда ижтимоий юз тубан кетганлигига онаси қандай муносабатда бўлишидан қўрқар эди. Белнеп билан Жефсон тўқиган, гўё у бошидан кечирган маънавий бурилишга онаси ишонармикин? Ҳатто буларни бир четга қўйиб турганда ҳам, онаси шу ерга келганини, бу темир панжаралардан Клайдга – ғариб бўлиб ўтирган ўғлига қарашларини, сўнг бу қарашларга дош бериш кераклигини, кунора у билан гаплашишга тўғри келишини ўйлашнинг ўзиёқ жуда оғир эди. Унинг соф, толиққан, савол назари билан қараган кўзлари! Кейин унда ҳам ўғлининг бегуноҳлигига шубҳа туғилади, ҳатто Белнеп ва Жефсон ҳам, гарчи уни ҳимоя қилиш режаларини тузиб ётганларига қарамай, ўша зарба қасддан урилганмиди ёки бехосданми, деган масалада ҳамон иккиланаётганларини Клайд ахир сезиб турибди-ку. Улар бунга унчалик ишонишмаяпти, ҳойнаҳой, онасига ҳам шундай деб айтишади. Унда тақводор, худодан қўрқадиган, ҳар қандай ёвузликдан ҳазар

қиладиган онаси унга ҳимоячилардан кўра кўпроқ ишона олармикин?..

Шунинг учун Клайддан, сизнингча, ота-онангизни чақирсак бўлармикин, деб яна қайта сўрашганда у, ҳозирча онам билан кўришмаганимиз маъқул, бунинг фойдаси йўқ, икковимиз ҳам қийналамиз, дея жавоб берди.

Бахтимга, деб ўйлар эди у, бошимдан ўтган шунча воқеалар тўғрисида биронта ҳам хабар, ҳарқалай, Денверда яшаётган туғишганларимга ҳали етиб бормаган бўлса керак. Чунки уларнинг диний ва ахлоқий эътиқодларига кўра, дунёвий газеталар фисқу фасод билан тўлиб-тошган бўлиб, шу сабабли газеталар уларнинг уйлари-ю хонақоларига қеч қачон яқин йўлатилмас эди. Ликурглик Грифитслар эса уларга бирор-бир нарсани хабарлашни истамас эдилар.

Аммо бир гал кечқурун (тахминан, Белнеп билан Жефсон Клайднинг ота-онаси келмаётгани ва бу борада бирор-бир чора ўйлаб топиш керакми ёки йўқлигини жиддий туриб муҳокама қилаётган пайтларида) Эста «Роки маунтейн ньюс»да тўсатдан бир мақолани ўқиб қолди. Эста Клайд Ликурга кетгандан сўнг, орадан сал ўтмаёқ эрга теккан ва Денвернинг жануби-шарқий томонида яшар эди. Брижбург суд маслаҳатчилари кенгаши Клайд ишини судга ошириш тўғрисида қарор чиқариши биланоқ босилган ўша мақола эса қуйидагича эди;

«ИШЧИ ҚИЗНИ ЎЛДИРГАН ҚОТИЛ СУДГА БЕРИЛДИ

Брижбург, Нью-Йорк штати, 8 август – Клайд Грифитснинг ишини кўриб чиқиш учун губернатор Стаудербек томонидан тайинланган суд маслаҳатчилари кенгашининг шошилиш мажлиси бўлиб ўтди. Клайд Грифитс Ликургдаги (Нью-Йорк штати) ёқа тикадиган бадавлат фабрикантнинг жияни бўлиб, у ҳам худди шундай фамилияга эга. Клайд

Грифитс яқинда, шу йилнинг 8 июлида Адирондак тоғларидаги Катта мушгир қўлида бильдик миссис Роберта Олденни ўлдиришда айбланган эди. Бутун суд маслаҳатчилари кенгаши қасддан қотиллик қилишда айбланган Клайд Грифитс иши юзасидан чиқарилган айбномани тасдиқлади.

Аниқ далил-ашёларга қарамай, назарда тутилаётган қотилликни аслида бахтсиз ҳодиса эди, деб зўр бериб тасдиқлаётган Грифитс, ўша қарорга мувофиқ, ўз адвокатлари Элвин Белнеп ва Рубен Жефсонлар ҳамроҳлигида Олий суд раиси Оберуолцер ҳузурига келди ва менинг айбим йўқ, деб айтди. У судга қадар қамоққа олинди, суд 15 октябрга белгиланди.

Грифитс бор-йўғи 22 ёшда; то қамоққа олингунча Ликургда киборлар доирасининг обрўли аъзоларидан бири бўлган. Тахмин қилишларича, суюклисини – ёшгина ишчи қизни уриб, ҳушидан кетказган-да, сўнгра сувга ташлаб юборган, чунки Грифитс уни аввал ёмон йўлга бошлаб, кейин бадавлат бир қиз туфайли ундан ажралиб кетмоқчи бўлган экан. Бу ишга жалб этилган ҳимоячилар айбланувчининг бой амакиси, ликурглик фабрикант томонидан таклиф этилган, бироқ фабрикант ўзини шу пайтгача четда тутиб турибди. Булардан ташқари, бу ерда айтишларига қараганда, бирон-та ҳам туғишгани унинг ёнини олиб чиқмаган».

Эста ўша заҳотиёқ онасиникига қараб чопди. Хабар тўппа-тўғри ва очиқ-ойдин бўлишига қарамай, гап Клайд устида бораётганига у сира ишонгиси келмасди. Аммо воқеа юз берган жой ва исмларнинг айтилишида рад этиб бўлмайдиган даражада шум ҳақиқат бор эди: ликурглик бадавлат Грифитслар, ота-онасининг келмаётганлиги.

Трамвайда боришига сарфланган бир неча дақиқалардан кейин у Бидуэл-стритдаги мебелли

хоналари ва «Умид юлдузи» номи билан машҳур хонақоларига кириб келди; бу хонақонинг Канзас-Ситидаги хонақодан устунлиги йўқ эди. Тўғри, бу ерда хоналар анча-мунча кўп бўлиб, мусофирлар йигирма беш центга тунда бошпана топишлари мумкин эди (шу тарзда уйнинг солиқлари ҳам қопланиб туради, деб ҳисоблашар эди), бироқ шуларнинг бари кўп меҳнат талаб қилиб, жудаям арзимаган даромад келтирарди. Бунинг устига атрофдаги зерикарли ҳаёт Фрэнк билан Жулиянинг жонига тегиб кетган, улар ҳам бу ташвишлардан бутунлай қутулиб, хонақодаги бор офирчиликнинг ҳаммасини отаси ва онасининг елкасига юклашнинг пайида юрар эдилар. Ўн тўққизга чиққан Жулия бир ресторанда паттачи бўлиб хизмат қилар, Фрэнк эса, у ҳадемай ўн еттига тўлиши керак, яқинда сабзавот-мева магазинидан иш топган эди. Энди кундузлари уйда фақат бир бола – Эстанинг қонунсиз туғилган жажжигина ўғли Рассел (у олтига қадам қўйяпти) қолар эди; буваси билан бувиси эҳтиёткорлик юзасидан уни Канзас-Ситида боқиб олган етимча ўғлимиз, деб айтишарди. Қоп-қора сочи бу болакай бир оз Клайдга ҳам ўхшаб кетар, шу кичик ёшиданоқ, худди Клайдга ўргатганларидек, унга ҳам асосий ақидаларни ўргатиб улгуришган эди, болалигида айни шу нарса Клайднинг росаям жиғига тегар эди.

Эста кириб келганда (ҳозир у одмигина, сипо бир жувон эди) миссис Грифитс уйни йиғиштириш билан овора: супуриб-сидириб, чанг-чунглари артиб, ўрин-бошларни тартибга солиб юрган экан. Лекин бўзарган, эсанкираган қизи, бемаврид келиб, ўзини нариги бўш хонага имлаб чақираётганини кўриб, бошга кўп савдолар туша-туша, бунақанги нарсаларга хийлагина кўникиб кетган миссис Грифитс ишини йиғиштириб қўйди-ю, хунук бир хабарни олдиндан сезиб, бирдан кўз олди

қоронғилашди. Уларга яна қандай бало бостириб келаётганикин-а? Чунки Эстанинг ваҳима тўла кулранг кўзлари ва бутун кўриниши бахтсизликдан дарак бериб турар эди. У қўлида ушлаб олган газетасини ёзиб, онасига меҳр ва ташвиш билан боққан кўйи бояги мақолага ишора қилди. Миссис Грифитс газета сатрларини кўздан кечира бошлади. Аммо нима бу?

«ИШЧИ ҚИЗНИ ЎЛДИРГАН ҚОТИЛ СУДГА
БЕРИЛДИ» «ШУ ЙИЛНИНГ 8 ИЮЛИДА
АДИРОНДАК ТОҒЛАРИДАГИ КАТТА МУШГИР
КЎЛИДА... МИСС РОБЕРТА ОЛДЕННИ
ЎЛДИРИШДА АЙБЛАНГАН».
«ҚАСДДАН ҚОТИЛЛИК ҚИЛИШДА АЙБЛАНГАН».
«АНИҚ ДАЛИЛ-АШЁЛАРГА ҚАРАМАЙ, МЕНИНГ
АЙБИМ ЙЎҚ, ДЕБ АЙТДИ. «СУДГА ҚАДАР
ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ, СУД 15 ОКТЯБРГА
БЕЛГИЛАНДИ». «СУЮКЛИСИНИ УРИБ ҲУШИДАН
КЕТКАЗГАН-ДА, СЎНГРА СУВГА ТАШЛАБ
ЮБОРГАН». «БИРОНТА ҲАМ ТУҒИШГАНИ УНИНГ
ЁНИНИ ОЛИБ ЧИҚМАГАН».

Унинг кўзи ва ақли беихтиёр равишда энг муҳим сатрларни териб ўқиётган эди:

«КЛАЙД ГРИФИТС, ЛИКУРГДАГИ (НЬЮ-ЙОРК ШТАТИ) ЁҚА ТИКАДИГАН БАДАВЛАТ ФАБРИКАНТИНИНГ ЖИЯНИ»...

Клайд, унинг ўғли-я! Тунов куни, – йўқ, шунга ҳам бир ойдан ошибди (улар ҳатто Эйса билан хавотирга тушишаётган ҳам эди, нега у ҳеч...)... Саккизинчи июлда! Бутун эса ўн биринчи август! Демак – тўғри! Йўқ, унинг ўғли эмас бу! Бундай бўлиши мумкин эмас! Клайд ўз суюклиси бўлган қизнинг қотили эмиш! У мутлақо ундай одам эмас! У онасига ишларим юришиб кетди, деб ҳам ёзган эди: у – каттакон фабриканинг бўлим мудири,

ахир унинг келажаги порлоқ. Лекин бирор-бир қиз ҳақида оғиз ҳам очмаган эди! Энди бўлса, тўсатдан! Тўғри, Канзас-Ситида анави қизча билан... Оҳ, марҳаматли худойим-ей! Ликургдаги Грифитсларни қаранг-а, эрининг укаси-ю, ҳаммасини била туриб, бир оғиз ҳам ёзишмабди! Шубҳасиз, улар номус қилиб, жирканишган. Ёки совуққонликми бу? Э, йўғ-е, Сэмюэл, икки адвокатни таклиф қилибди-ку, ахир. Аммо қандай даҳшат-а! Эйса! Бошқа болалар-чи? Газеталарда тагин нималарни ёзишаркин! Хонақо-чи? Ҳаммасини ташлаб, яна қайсидир бир бошқа шаҳарга кетишга тўғри келадими энди. Бироқ у чиндан ҳам гуноҳқормикин ёки йўқми? Уни айблашдан олдин буни билиб олиши керак. Газетада у ўзини гуноҳқор ҳисобламади, деб ёзишибди. Оҳ, Канзас-Ситидаги ўша усти ялтироқ аммо ўзи қабиҳ, ҳаром меҳмонхона-я! Клайднинг анави бузилган дўстлари-чи? Ҳеч ким билмайдиган ерларда дайдиганча, ота-онасига ҳам ёзмай, Гарри Тенет номи билан кун ўтказиб юрган анави икки йили-чи! Нима қилган эди у ўшанда? Нимага ўрганган эди?

У, ҳадсиз азоб ҳамда даҳшатларга қўмилганча кими эрмай турарди, бу азоб ва даҳшатлардан уни шу аснода ҳатто дунёни тушуниб тасалли топишга бўлган ишончлари, илоҳий ҳақиқат, илоҳий раҳм-шафқат ва нажот – ўзи ҳар доим тарғиб қилиб келган ўша эътиқодлари ҳам ҳимоя қилолмас эди. Унинг ўғли! Унинг Клайди! Қотилликда айбланиб, турмада ётибди! У телиграмма юбориши, хат ёзиши, эҳтимол ўзи бориши керакдир. Лекин пулни қаёқдан олади? Хўш, у ёққа боргандан кейин нима қилади? Шуларга чидаш учун қаердан куч-қувват, қаердан далда олади? Яна ўша-ўша бурунгидай: буни Эйса ҳам, Фрэнк ҳам, Жулия ҳам билмасликлари керак. Эйсанинг юраги маҳкам бўлгани билан, бари бир, у қадар иродали эмас,

кўзларининг нури кетган, вужуди заиф... Эндигина ҳаётга кириб келаётган Фрэнк ва Жулиялар бундай кулфат ва тамғани елкаларида кўтариб юришлари лозимми?

Оҳ, марҳаматли парвардигор! Наҳотки, унинг бебахтлигига сира чек бўлмаса-я?!

У юзини ўгирди: меҳнатдан дағаллашиб кетган бесўнақай қўллари билинар-билинемас қалтирар, ушлаб турган газетаси ҳам дир-дир титрар эди. Ёнида эса Эста; у онасига, айниқса кейинги пайтларда кўпроқ ачинадиган бўлиб қолди, чунки гунинг қанчадан-қанча азоб-уқубатларни бошидан кечирганини тушунган эди. Гоҳо-гоҳо онаси унга ҳаддан ташқари толиққандай кўриниб кетарди, энди бўлса аксига олгандай мана бу зарбани айтинг! Аммо онаси оиладаги энг кучли аёллигини Эста билар эди – зуваласи пишиқ, елкадор, журъатли хотин эди у; майли, ўзича баъзан ўжарроқ, қўполроқ кўринса-да, ҳарқалай, оилани тебратиб турадиган заҳматкаш ҳам шу эди.

– Ойи, бунинг Клайдлигига сира ишонмайман! – дейишгагина кучи етди Эстанинг. – Бундай бўлиши мутлақо мумкин эмас, тўғримасми?

Бироқ миссис Грифитс ҳамон газетанинг ваҳимали сарлавҳасига қараб турарди, сўнгра кулранг мовий кўзлари жавдираганча хонага бир разм солиб чиқди. Кенг юзи гўё ҳаддан ташқари зўр беришдан ва беқиёс аламдан ёришгандай оқариб кетди. Унинг гуноҳкор, гумроҳ ва сўзсиз, бебахт ўғли шу қадар иштиёқ билан юқори мартабага эришиш, шуҳрат орттиришни орзу қиларди, мана, энди унга ўлим чангал соляпти, қилган жинояти учун, қотиллиги учун уни электр курсисида қатл этишлари мумкин! Газетада айтилишича, у қандайдир бечора бир ишчи қизни ўлдирган эмиш.

– Тшш!.. – деб шивирлади у, бармоғини маънодор қилиб лаби устига қўйганча. – У (яъни, Эйса) ҳозирча

билмаслиги керак. Аввалига телеграмма бериб ёки хат ёзиб кўрайлик. Сенинг манзилингга юбора қолишсин. Мен сенга пул бераман. Аммо мен энди бир дақиқа ўтириб олай-чи. Бўшашиб кетаётганга ўхшаяпман. Мана бу ерга ўтира қолай. Менга тавротни бер-чи. – Мисис Грифитс оддий темир каравот четига омонатгина ўтирди-ю, курсидан тавротни олиб, бир очишдаёқ 3 ва 4-сураларни топди.

«Э, худо, фанимларим чунонам кўпайдики».

«Сенга нола қилганимда, ўзинг бандам дегин, парвардигор». Кейин у кўринишидан ҳатто хотиржамга ўхшаб, ичида 6, 8, 10, 13, 23, 91-сураларни ҳам ўқиб туширди. Эста эса қайғу-ғамдан боши қотган кўйи миқ этмай ёнида турар эди.

– Оҳ, онажон, мен бунга сира ишонмайман! Бу шундай даҳшатлики!

Лекин миссис Грифитс сура ўқишда давом этарди. У, гўё ҳамма муаммоларни писанд қилмай, қандайдир осойишта хилватгоҳга беркиниб олишга улгургандай, у ерда бу дақиқаларда инсонга хос нарсаларнинг ҳеч бири – ёмонликлар ҳам, гуноҳлар ҳам унга хуруж қилолмайдигандай кўринарди. Ниҳоят, у бутунлай хотиржам бир тарзда китобни ёпди-ю, ўрнидан турди.

– Энди биз телеграммада нима ёзишимизни ва уни кимга юборишимизни ўйлаб олишимиз даркор. Мен Клайдга, албатта, айтмоқчиманки... анави... нима эди... Брижбург, – дея қўшимча қилди у газетага қараб олиб, сўнгра ўша заҳотиёқ тавротдан бир оятни ёд айтди: «Одилликда ягона, бандам дегин, парвардигор». – Ёки анави икки адвокатга юборамизми, бу ерда уларнинг исмлари ҳам бор. Телеграммани Эйсанинг укасига жўнатишга ҳам қўрқаяпман, у тўппа-тўғри отангга жавоб қилиши мумкин («Сен – менинг таянчимдурсан ва кучимдурсан. Сенга умид қиладурман»). Бироқ, агар судья ёки анави адвокатлар номига юборсак ҳам, те-

леграммани амакингга беришса керак, деб ўйлайман, сен нима дейсан? Йўқ, яхшиси, тўппа-тўғри Клайднинг ўзига жўнатамиз («У мени осойишта оби-ҳаёт манзилига олиб борадур»). Шунчаки, мен сен ҳақингда газетадан ўқидим, лекин меҳрим ўша-ўша – ўзингда, мен сенга ишонаман, аммо сен менга бор ҳақиқатни очиқ айтишинг ва биз нима қилишимиз кераклигини ёзиб юборишинг зарур, деб қўя қолган маъқул. Агар унга пул лозим бўлса, қандай қилиб топишни ҳам ўйлаш керак («У дилимга далда берадур»).

Шу пайт унинг ясама хотиржамлигидан асар ҳам қолмай, дағаллашиб кетган бесўнақай қўллари яна қисирлатиб ўйнай бошлади.

– Йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас. Вой худойимей! Ахир, У менинг ўғлим-ку. Биз ҳаммамиз уни яхши кўрамыз, унга ишонамыз. Биз шуларни гапиришимиз керак. Худо йўлини осон қилсин, ишқилиб. Бардам бўл ва тангрига сифин. Имонингни сақла. Фоний дунёда ўз паноҳида асрагай сени...

У ўзини билмас, нима гапираётганини ҳам зўр-базўр англаётган эди. Эста эса унинг ёнида турганча, ҳадеб такрорларди.

– Ҳа, ойижон! Ҳа, албатта! Ёзаман, телеграмма бераман. Унга, сўзсиз, етиб боради бу!

Лекин айна пайтда у: «Ё тавба! Тавба! Қотилликда айбланияпти-я, бундан ҳам ёмонроқ гап бўлиши мумкинми?! Йўқ, бу, шубҳасиз, янглиш гап. Ундай бўлиши мумкин эмас. Вой, билиб қолса, нима қиламан энди? (У эрини ўйлади.) Бу, яна Рассел воқеасидан кейин-а. Яна Канзас-Ситида Клайд қилган номаъқулчиликлардан кейин-а... Онам шўрлик-а! Намунча бахти қаро бўлмаса...» деб ўйлар эди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, улар нариги хонани тозалашга кўмаклашаётган Эйсага ҳеч нарса билдирмасликка ҳаракат қилиб хонақо залига тушдилар, хонақода осойишталик ҳамда девор-

лардаги сон-саноксиз суралар парвардигорнинг раҳм-шафқати-ю, донолиги ва умрбод одиллигидан ваъз айтар эди.

XVIII БОБ

Юқоридагича руҳда тузилган телеграмма зудлик билан Белнеп билан Жефсон номига жўнатилгандан сўнг, улар ҳам Клайдга шу заҳотиёқ ҳамма ишларим жойида деб, унинг жуда яхши ҳимоячилари борлиги, пулга ҳам муҳтож эмаслиги, ҳозирча яхшиси, туғишганларидан биронтасининг ҳам бу ерга келмай туришини адвокатлари маслаҳат беришаётгани, чунки унга зарур бўлган ҳамма нарсаларнинг муҳайёлиги тўғрисида жавоб ёзишни маслаҳат беришди... Айни пайтда ҳимоячилар ҳам миссис Грифитсга нома ёзишиб, Клайдга чин юракдан ёрдам бериш истаклари борлигига уни ишонтириб, ҳозирча воқеаларнинг боришига аралашмай турган маъқул, деб тавсия қилишди.

Ғарбда яшовчи Грифитсларнинг Шарққа келиб қолиш хавфи шу йўсинда барҳам топди; аммо Клайднинг ота-онасига тегишли айрим маълумотлар, уларнинг касби-кори, яшайдиган жойлари, имон-эътиқодлари ва ўғилларига нисбатан меҳр-муҳаббатлари тўғрисидаги айрим гаплар унда-бунда газеталарга чиқиб туришига Белнеп билан Жефсон унчалик қарши ҳам эмас эдилар, чунки бунга қадар кўпгина газеталар Клайднинг туғишган яқин кишилари уни мутлақо унутиб юборишган, деб зўр бериб таъкидлаётган эди. Шунинг учун ҳам онасидан Брижбургда олинган телеграмма бу ишга ниҳоятда қизиқиб қараётган шахслар томонидан зудлик билан ўқилиб, мазмуни шошилинч равишда баъзи бир одамларга ва матбуот вакилларига энг ичида етказилиши адвокатлар учун жуда ҳам қўл келди: Денвердаги бутун бошли оила ўша

заҳотиёқ қидириб топилди-ю, улар билан суҳбатлар уюштирилди. Орадан сал ўтмай, ғарбий ва шарқий газеталарнинг барида Клайд оиласининг ҳозирги аҳволи, ота-онасининг хонақо воизлари сифатидаги фаолиятлари, тор ва ҳаддан ташқари чекланган диний эътиқодлари ҳақида қисқа ё муфассал ҳисоботлар ёритила бошланди; ҳатто болалик пайтларида Клайдни ҳам бутун оила билан эргашиб кўчада сура айтиб юришга мажбур этганлари тўғрисида ҳам гаплар бор эди, бу янгилик Ликург ва Ўн иккинчи кўлдаги улфатларда ҳам, шунингдек, Клайднинг ўзида ҳам кўнгилсиз бир ғашлик туғдирди.

Миссис Грифитс эса, табиатан ҳалол ва покиза, имони бобида босган ҳар бир қадамида ғоят самимий бўлгани учун, кетма-кет кириб келаётган мухбирларга Денверда ҳамда бошқа ерларда ўзи ва эри олиб борган диний ташвиқот ишларини майда-чуйдаларигача иккиланмай сўзлаб бераверар эди. У на Клайдга ва на ўзининг бошқа жўжаларига болалик қувончлари ва ўйин-кулги насиб бўлмаганини ҳам ҳасрат қилар эди. Аммо унинг ўғилгинаси, майли, ҳозир нима гуноҳда айблалашса айблашаверсин, аслида у қадар аҳмоқ бола эмас эди, шу сабабдан бунақанги жиноят қилишда чиндан ҳам унинг айбдорлигига у ишонмайди. Буларнинг бари – қандайдир бахтсизлик, хунук бир янглишмовчилик бўлса керак, ўғли албатта буни судда айтиб беради. Борди-ю, у чиндан ҳам тентаклик қилган бўлса, буларнинг ҳаммасига бир неча йил бундан Канзас-Ситидаги хонақонинг ишини тўхтатиб қўйган бошқа бир бахтсизлик ҳам сабабчи бўлган, ўшанда бутун оила Денверга кўчиб ўтишга мажбур бўлган эди, Клайднинг ҳолидан эса ҳеч ким хабар олмади. Ўғли Ликругдаги бадавлат амакисига хатни унинг қистови билан ёзган эди, шу баҳонаи сабаб билан у ўша ёққа бориб қолган эди.

Клайд ўз камерасида бу хабарларни ўқир экан, дилни яраловчи хўрлик ва ўкинч туйғусидан азоб чекар эди. Ниҳоят, у онасига норозилигини ёзиб юборди: нима учун у ҳадеб ўтган ишлар, ўзлари шуғулланган ваъзхонлик ҳақида тинимсиз гапираверади. Клайд бутун умр ўша ишларни ёмон кўргани ва кўчакўйда изғиб юришни жини ёқтирмаганини биларди-ку, ахир. Жуда кўп кишилар – хусусан, амакиси ва амакиваччаси ҳам, Клайд танишиб улгурган ва ўз турмушларини бутунлай бошқача қуриб, зебу зийнат, ҳашаматлар ичига кўмилган бадавлат одамларнинг ҳаммаси ҳам воизлик фаолиятини менсимайди. У билан отасидай муқаддас деб билишмайди. Энди Сондра ҳам шуларнинг барини ўқийди, албатта, дер эди у ўзига ўзи, ваҳоланки, буларни у ўлиб-тирилиб яширишга уринган эди.

Лекин шунга қарамай, у онасини фақат ҳурмат ва меҳр-муҳаббат билан эслар, чунки онаси жуда ғайратли ва самимий эди, Клайдга бўлган меҳри эса доимо бир хил, ўзгармас эди. Ўғлининг хатига жавобан у бечора, агар дилингни оғритиб қўйган ёки соф туйғуларингни таҳқирлаган бўлсам, она бўлмай мен ўла қолай, деб афсусланиб ёзибди. Аммо-лекин, бошга қилич келган тақдирда ҳам ҳар доим ростини гапириш керак эмасми, ахир? Тангрининг марҳамати кенг, тангри, деган одам ҳеч қачон хор бўлмайди. Шу сабабли Клайд ундан ёлғон гапиришни сўрамаёқ қўя қолсин. Лекин, агар Клайдга ёрдам керак бўлса, бир оғиз сўз кифоя, онаси бажонидил пул топишга уриниб кўради, ёрдамга етиб келади... Ўғлининг ёнида қамоқхонада ўтириб, қандай қилиб қутулиш йўлларини биргалашиб ўйлашади ва унинг қўлларини ўз кафтлари орасига олиб сийпайди... Бироқ Клайд, онаси тиниқ мовий кўзларини унга типпа-тик қадаганча, ундан ҳақиқатни айтишни талаб қилишини ҳам яхши билар эди. Ҳозир Клайд бунга чидай олма-

ган бўлур эди. Шунинг учун, у бир оз фикр юритиб олгандан сўнг, онасининг келмай тургани маъқул деган қарорда тўхтади.

Чунки у суд рўпарасида, худди дарғазаб денгиз устида турган вулқонли қоя сингари турар, бу деган сўз – Мейсоннинг ашаддий ҳужуми-ю, бунга унинг Жефсон ва Белнеп тўқиб берган уйдирмалар билан жавоб қайтариши, деган маънони билдирар эди. Гарчи у, охирги дақиқада Робертани уришга журъатим етмаган эди, деган фикр билан ўз виждонини овутишга ҳаракат қилса-да, бироқ шунга қарамай, бу янги сафсатани сўзлаб, шу айтганида қатъий туриши унинг учун ниҳоятда мушқул бир вазифа эди. Буни иккала адвокат ҳам тушунишар эди, шу сабабли Жефсон Клайд камераси остонасида тез-тез пайдо бўлар ва у билан:

– Хўш, бугун ишларимиз қалай? – деган сўзларни айтиб саломлашар эди.

Жефсоннинг қўпол, исқирт, пала-партиш тикланган костюми шу қадар ғалати кўринардик! Кўзигача бостириб кийиб олган, эскириб кетган тўқ жигар ранг юмшоқ шляпасини айтмайсизми! Бақувватлиги шундоқ сезилиб турган, узун, қоқ суяк, тирсаги чиққан бу қўлларни-чи! Совуқдан-совуқ, кичик-кичик кўк кўзларини айтинг, улар худди одамни тешиб юборадигандай, айёрлик ва тап тортмас қатъиятга тўла эди, Жефсон шу айёрлиги ва қатъиятини Клайдга ҳам ўтказишга уринар эди, бунга у қисман эришган ҳам эди!

– Хўш, бугун яна кимлар келди? Ваъзгўйлар, қишлоқ қизлари ёки Мейсоннинг йигитларидир?

Клайдни шу вақт ичида турли-туман одамлар сира тинч қўймагани учун ҳам Жефсон унга ана шундай саволни берар эди, чиндан ҳам жинойи ва шаҳвоний ваҳималарга ўч одамлар Робертанинг аянчли ўлими-ю, унинг гўзал ва бадавлат рақибаси борлиги билан ниҳоятда қизиқиб қолган эдилар.

Маҳаллий майда адвокатлар, врачлар, дўкондорлар, турли мазҳабдаги қишлоқ руҳонийлари келишар эди – уларнинг бари бефаҳм ва дағал кишилар бўлиб, ҳар хил шаҳар амалдорларининг дўстлари ва танишлари эдилар; улар Клайднинг камераси олдида тонг саҳарлаб, кўпинча кутилмаган пайтда пайдо бўлиб қолишар ва синчков ё ғазабнок ёки даҳшатли назар билан уни кўздан кечиришар, кейин тахминан қуйидагича саволларни беришарди: «Ука, сиз худога сифинасизми? Сажда қилишга оғринмай-сизми?» (Шунда Клайд ҳар гал отаси билан онасини эслар эди.) Кейин яна саволлар ёғилар эди: хўш, у тангрининг иродасига бўйин эгдимикан? Наҳотки, Роберта Олденни ўлдирганини у ростдан ҳам инкор этса? Қизлар эса мана бундай саволлар беришарди: «Айтишларича, сиз биттасини севиб қолган экансиз. Ўша қизнинг исми нима? Ҳозир қаерда у? Илтимос, бизга шуни айтиб берсангиз! Ҳеч кимга оғиз очмаймиз! Ўша қиз судга келадими?» Клайд бунанқанги саволларга аҳамият бермасликка ҳаракат қилар ёки дудмал, чалғитиброқ, қўлидан келганча ўзини бепарво тутиб жавоб қайтарар эди. Улар обдан Клайднинг гашига тегар эдилару, аммо Белнеп ҳам, Жефсон ҳам унга ўз шахсий фойдаси учун ҳам иложи борича қувноқроқ, тетик ва ёқимтойроқ бўлиб кўриниш зарурлигини тўхтовсиз равишда уқтирар эдилар. Кейин рассомлар ёки фотосуратчилар ҳамроҳлигида мухбир эркаклар ва мухбир аёллар келишиб, Клайдни гапга тута бошладилар, уни суратга туширдилар, расмини чизиб олдилар. Бироқ Клайд Белнеп ва Жефсоннинг маслаҳатига кўра, бу тоифа одамлар билан одатда гаплашишдан бош тортар ёки аввалдан пишиқлаб қўйилган – ёдлаб олган жавобларини айтар эди.

– Нима оғзингизга келса, гапираверингу, – дея уқтирарди Жефсон қувноқлик билан, – фақат таяинли бир сўз айтмасангиз бўлгани. Қовоғингизни

сира уйманг. Юзингиз доимо кулиб турсин, тушунарлими? Анави қоғозингизни ёдлаб олишни унутмадингизми? (Жефсон Клайдга машинкада кўчирилган, судда албатта берилиши мумкин бўлган узундан-уzun саволлар рўйхатини топшириб қўйган эди; ҳар бир саволга у айна шу қоғозда ёзилгандек жавоб қайтариши керак эди, борди-ю, бошқа тузукроқ жавоб топаман деса, унда ҳозироқ ўйлаб, ёдлаб олиши зарур эди. Ҳаммаси Катта мушгир саёҳатига, уни иккинчи шляпани сотиб олишга мажбур этган сабабларга, у бошидан кечирган руҳий бурилиш: қандай, қачон, қаерда? – юз берганига оид саволлар эди.) Сиз учун бу бамисоли бир «Муқаддас китоб»дай гап, тушунарлими? – Кейин у ўзи папирос чекса ҳам, бироқ Клайдга сира таклиф этмас эди: чунки Клайд ўзини тутган, сипо йигит сифатида ном чиқариши учун бу ерда чекмаслиги керак эди.

Жефсон ҳар гал Клайднинг олдига келиб кетганда у ўзини худди адвокат айтгандай тута билишига хийла вақт ишониб ҳам юрар эди: Клайд суд залига шахдам ва дадил кириб боради, ҳамманинг бўзрайиб қарашига – ҳатто нақ Мейсоннинг қарашига ҳам мардона туриб чидайди, (ҳатто гувоҳ сифатида жавоб бераётган пайтида ҳам) Мейсондан қўрқишини, ўзи анави кўчирма қоғоздаги жавоблар ёрдамида изоҳлаши лозим бўлган Мейсонга маълум ўша воқеаларнинг бутун даҳшатини ҳам унутади... Робертани ва унинг сўнгги қичқиривини ҳам, Сондра ва унинг теварагидаги қувноқ, ажойиб муҳитдан жудо бўлиш оқибатида келиб чиққан қалб азоби ва дард-аламларини ҳам унутади.

Лекин яна қоронғи тушди дегунча ёки бутун узун кунни Клайд фақат қотма, серсоқол Краут ё айёр, чаққон Сиссил билан ўтказадиган бўлса (улар қачон қараса, шу яқин ўртада ивирсиб юришар, ора-сира камера эшигига келиб: «Хўш, аҳволларимиз қалай?» деб сўрашар ва шаҳардаги ол-

ди-қочдилардан гап очишар ёки шашка, ё шахмат ўйнашга берилишар эди), Клайд борган сари маъюслашиб қолар ва охири бориб, ҳарқалай, бу ишдан сира қутулолмасам керак, деб ўйлай бошлар эди. Ахир, у, адвокатлар, онаси, укаси ва сингилларини ҳисобга олмаганда, бир ўзи ёлғиз-ку! Сондрадан эса садо ҳам чиқмаслиги аниқ. Дастлабки зарба ва даҳшатдан бир оз ўзига келган Сондра ҳам энди Клайд тўғрисида анча-мунча бошқачароқ фикр юрита бошлаган: сирасини айтганда, Клайд Сондрани севгани туфайлигина, эҳтимол, Робертани ўлдирган ва ўзи мискин бир аҳволга тушиб, азобда қолгандир, деб ўйлар эди. Ҳарқалай, эл-юрт Клайдга нисбатан шу қадар душманлик ва шу қадар нафрат билан қарар эдики, Сондра унга бир энлик хат ёзишни ҳам ҳатто хаёлига келтиролмас, бунга журъат этолмас эди. Ахир, у – қотил-ку! Бунинг устига шўрлик оиласини айтинг! Газеталарда унинг Фарбда яшовчи ота-оналари – бор-йўғи кўча изғиб юрадиган ваъзгўйлар эканлиги, Клайднинг ўзи ҳам болалигида кўчаларда сура ёдлаб кун ўтказганини ёзишяпти!

Аммо вақти-вақти билан у яна Клайднинг жўшқин, бемулоҳаза ва ҳойнаҳой, оч – чанқоқ эҳтироси тўғрисида беихтиёр ўйлаб кетар эди. Демак, у шунақанги даҳшатли ишга қўл урган экан, ҳарқалай, Сондрани қаттиқ севган бўлиши керак! Шу сабабли Сондра, қачонлардир кейинроқ бориб, бу гапларнинг ҳаммаси босди-босди бўлиб кетгач, эҳтиёткорлик билан бир иложини қилиб, тагига исмини ҳам қўймай, Клайдга хат ёзиб кўришнинг иложи бўлмасмикан, – деб ўзига ўзи савол берар эди. Сондрани шу қадар қаттиқ севар экан, уни ҳам ударажада унутиб юбормаганларини, майли, Клайд билиб қўйсин. Лекин ўша заҳотиёқ Сондра бошқача қарорга келди: йўқ, йўқ... ота-оналари... агар улар билиб қолишса ёки гумонсирашса бор-

ми... таниш-билишлар-чи... Сондранинг аввалги дўстлари-чи?.. Йўқ! Нима бўлганда ҳам ҳозир бундай қилиш ярамайди. Эҳтимол, кейин у озод этилгандами ёки... ёки... жазолангандами... шундай қилар, бунга унинг ақли ҳам етмайди. Гарчи Клайд унга эришаман, деб қилган ёвуз жиноят Сондрага шу қадар тубан ва манфур бўлиб туюлса-да, бари бир у бағоят даражада изтироб чекар эди.

Клайд эса бу пайтда камерада у ёқдан-бу ёққа юрар ёки деразадаги темир панжара ортидан қоронғи майдонга тикилар ёки газета кўрар ва уларни қайта ўқиб чиқар, ё адвокат келтириб берган журнал ва китоб саҳифаларини асабийлик билан варақлаб ўтирар ёки шашка ва шахмат ўйнар, ё овқатланар эди: Белнеп билан Жефсон турма бошлиқлари билан алоҳида келишиб олган эди (Клайднинг амакиси шу хоҳишни билдирган эди), унга оддий маҳбусларга қараганда бошқачароқ, энг яхши таомлардан берилиши керак эди.

Чамасига кўра, Сондрани бутун умрга, узил-кесил йўқотгани учунми, у деярли бефойда бўлиб туюлувчи бу курашни давом эттира оладими-йўқми, шу тўғрида қайта-қайта ўйлар эди.

Бироқ вақт-вақти билан, ярим тунда ёки тонг саҳарда, бутун турма жимжит бўлиб қолган бир пайтда, у туш кўрар... ё электр курсининг шарпаси кўриниб, уни ҳаммадан ҳам кучлироқ даҳшатга солар ва сўнгги иродасидан ҳам маҳрум қилар эди... У бир нуқтага тикилган кўйи кўзлари ола-кула бўлиб сапчиб ўрнидан туриб кетар эди. Юраги шиддат билан дукиллаб тепар, пешонаси ва кафтларини совуқ тер босар эди. Электр курси қаердадир – анави ёқда, штатнинг бир турмасида турибди. Бир вақтлар Клайд – одамлар унда қандай ўлиши тўғрисида ўқиган ҳам эди. Клайд у ёқдан-бу ёққа юриб ўйлар, фақат ўйлар эди... агар ҳамма иш Жефсон мўлжаллаётгандай бўлиб чиқмаса-чи... агар у, иши янгитдан

судда кўрилган тақдирда ҳам қораланса-чи... унда... Бу турмадан бир амаллаб қутулиб чиқиб, қочиб кетишнинг иложи бўлмасмикин? Мана бу кўҳна гишт деворлар... Қалинлиги қанча экан? Балки, ҳарқалай болғами, тош-пошми... ақалли укаси Фрэнк ёки сингиси Жулия ёки Ретерер, ё Хегландлар олиб келишлари мумкин бўлган бирор асбоб биланми... агар, ўшаларнинг биронтаси билан яширин хат ёзишиб, уларни тузукроқ бирон нарса олиб келишга кўндирилганда эди-ю... Агар арра топгандами, темир панжарани шарт кесиб ташлар эди! Кейин қочиб қолар эди, орқасига қарамай қочар эди, ҳолбуки бир вақтлар ўша ўрмонлардаёқ жуфтакни ростлаши керак эди-я...

Лекин энди қандай қилиб қочсин? Қаёққа қочсин?

ХІХ БОБ

Ўн бешинчи октябрь. Осмон булутли эди. Январь изғиринига ўхшаш аччиқ шамол хазонларни бир ерга уюм қилиб тўплар эди-да, кейин тўсатдан осмони фалакка учириб кетар эди, улар гиргир айланиб, қушлар сингари ўзларини у ёқдан-бу ёққа уришар эди. Олдинда юз берадиган кураш ва фожиаларни кўплар кўнглидан ўтказиб туришларига, электр курсининг шарпаси хира бўлсада, идрок кўзгусида кўриниб-кўриниб қўйишига ҳам қарамай – қандайдир тантанавор кайфият ҳукм сулар эди: юзлаб фермерлар, ўрмон кесувчилар, савдогарлар форд ва бюик машиналарига тушганча, хотинлари, қиз ва ўғиллари, ҳатто эмизикли чақалоқларигача кўтариб келишар эди. Улар суд очилишидан анча буруноқ майдонга йиғилишиб, белгиланган вақт яқинлашган сари, бир хиллари Клайдни кўриб қолиш мақсадида турма дарвозаси олдида, бир хиллари эса турма рўпарасидаги суд эшиги олдида уймалаша бошладилар: чунки Клайдни шу эшиклардан олиб ўтишлари аниқ

эди, халойиқ уни шу ерда кўргач, кейин суд залига кириши ҳам мумкин эди. Кўўна бино томининг бўғотлари ва рахларида юрган кабутарлар эса эринчоқлик билан у ёқдан-бу ёққа изғишар эди.

Мейсонни унинг яқинлари – Бэртон Бэрлей, Эрл Ньюком, Зилла Саундерс ва Мэниго фамилияли ёшгина, яқинда ўқишни битириб келган брижбурглик юрист ўраб олишди: улар Мейсонга текширув ҳужжатларини тартибга солишда кўмаклашишлари, номи шу кунларда бутун мамлакатга ёйилган прокурор қабулхонасида йиғилишиб улгурган ҳар хил гувоҳларга маслаҳат ва йўланмалар беришлари керак эди. Кўчада, суд биноси олдида эса чакана савдогарлар: «Ёнғоққа кеп қолинг!» «Сосиска! Қайноқ сосиска!» «Роберта Олденнинг бутун хатлари-ю, Клайд Грифитснинг тарихини сотиб олинглар! Атиги йигирма беш цент!» – дея қичқаришарди. (Бэртон Бэрлейнинг бир оғайниси Робертанинг Мейсон идорасида турган хатларининг нусхасини ўғирлаб олиб, Бингхэмтондаги суюқ романлар ноширига сотган, у эса бир зумдаёқ бу «даҳшатли жиноят»ни акс эттирган ҳолда, Роберта ва Клайднинг расмларини ҳам бериб, алоҳида китобча чиқариб юборган эди).

Бу пайтда турма қабулхонасида Элвин Белнеп ва Рубен Жефсон ҳамда улар билан бирга Клайд ҳам ўтирарди, у ўн иккинчи кўл қаърига бутунлай кўмиб кетишни мўлжаллаган ҳу анави костюмин кийиб олган эди. Айни вақтда у янги галстук тақиб, янги кўйлак ва янги бошмоқ ҳам кийган эди, буларнинг бари Ликургада у илгари қандай пўрим юрган бўлса, судда ҳам худди ўша қиёфада ҳозир бўлиши учун қилинган эди. Ёнида – новча ва озгин, одатдагидай пала-партиш кийинган, аммо иродаси темирлиги юз бичими-ю, ҳар бир ҳаракати ва ҳар бир қарашидан шундоқ сезиладиган Жефсон турар эди, Клайд Жефсоннинг шу хусусиятидан дои-

мо таажжубланиб ёқасини ушлар эди. Белнеп эса Олбэнининг ман-ман деган олифталарини ҳам қочирадиган бўлиб зўр кийиниб олган эди; унинг зиммасида судда ишни биринчи бўлиб изоҳлаб беришдек ва гувоҳларнинг қайта-қайталаб сўроқ қилинишида иштирок этишдек мушкул бир вазифа турар эди.

– Кўзингизни очинг, ҳеч нарсадан қўрқманг, у ерда нима гапиришса ҳам ва судда нима қилишса ҳам асабийлашаётганингизни билдирманг, эшитяпсизми, Клайд? – дер эди у. – Биз бошидан охиригача сиз билан бирга бўламиз. Сиз ўртамизда ўтирасиз. Жилмайинг ёки ўзингизни бепарво кўрсатинг, фақат ваҳимага тушиб ўтирманг. Бироқ ҳаддан ташқари адабсиз ва қувноқ бўлиш ҳам ярамайди, тагин улар сизни ҳамма ишга енгилтаклик билан қараяпти, деб ўйлашмасин. Тушунаяпсизми, сиз ҳамма вақт дилкаш ва ёқимли йигитча бўлиб кўринишингиз, ўзингизни ҳам жентельменларча тутишингиз керак. Кейин мутлақо қўрқманг – бу сизга ҳам, бизга ҳам ёмон зиён етказиши мумкин. Ахир, сиз айбдор эмассиз-ку, демак, гарчи сиз юз берган воқеадан қаттиқ азобланишингиз керак бўлса ҳам, аммо қўрқишингизга ҳеч қандай асос йўқ. Мен ишонаманки, шуларнинг барини сиз жуда яхши тушуниб етгансиз.

– Ҳа, сэр, гапларингизга тушунаяпман, – деб жавоб берди Клайд. – Мен ҳаммасини худди сиз айтгандай қиламан. Кейин уни мен атайлаб урмадим-ку, ахир, бу – чин ҳақиқат, шундай бўлгандан кейин нимадан қўрқай?

Сўнгра у Жефсонга тикилди, чунки у кўнглида Белнепдан кўра кўпроқ унга ишонар эди. Аслида ҳам ҳозир Белнеп айтган ўғитлар Жефсон унга икки ойдан бери тайинлаб келаётган гапларнинг худди ўзгинаси эди. Клайднинг қараётганини сезган Жефсон ҳам унга яқинроқ сурилиб ўтирди ва тешиб

юборгудек, аммо одамга далда берувчи мовий кўзларини Клайдга тик қадаганча, гап бошлади:

– Сиз айбдор эмассиз! Сиз айбдор эмассиз, Клайд, тушунарлими? Буни энди сиз яхши англаб олдингиз, ҳар доим шунга ишониб, шуни ёдда тутишингиз керак, чунки аслида ҳам шундай бўлган-ку, ахир. Сиз уни ураман деб ўйламагансиз, эшитяпсизми? Сиз бу ҳақда қасам ичяпсиз. Белнепга ҳам, менга ҳам қасам ичгансиз, биз бунга ишонамиз. Шароит шундайки, биз бор гапни худди сиз айтгандай изоҳлаб беролмай қолсак, у ҳолда маҳаллий суд маслаҳатчиларининг анчагина қисмини бунга ишонишга ва тушунишга мажбур қилолмаймиз. Бунга йўл қўйиш ярамайди, буни мен сизга айтганман. Энди анависи-чи? Ҳақиқатни сиз ҳам биласиз, биз ҳам. Лекин сизнинг устингиздан адолатли ҳукм чиқаришлари учун биз изоҳни бир, оз бошқачароқ, бузиброқ беришимизга тўғри келадди, сиз мисс Олденни билмай уриб юборганингиз аниқ, бироқ буни бошқачароқ тушунтириш лозим: биз суд маслаҳатчилари бу ҳақиқатни қандай бўлса шундайлигича, бўялмаган тусда тушунадилар, деб умид қилолмаймиз. Тушунапсизми?

Бу одамни ҳамма вақт иззат билан эшитадиган Клайд:

– Ҳа, сэр, – деб жавоб берди.

– Худди шунинг учун ҳам, мен сизга қайта-қайта айтганман-ку, биз сизнинг бошингиздан ўтган руҳий бурилиш тўғрисидаги воқеани ўйлаб топганмиз. Бу вақт жиҳатидан унчалик тўғри эмас, аммо сиз кўлда бўлган пайтингизда чиндан ҳам ўзингизда ўзгариш сезгансиз-ку, ахир. Бизнинг важ-далилимиз ҳам худди мана шунда. Бироқ ишнинг жуда кўп ғалати томонлари ҳисобга олинандиган бўлса, суд маслаҳатчилари бунга сира ҳам ишонишмайди, шунинг учун ҳам биз кўнглингизда юз берган руҳий ўзгаришни шунчаки бошқа

вақтга олиб ўтамиз, тушунарлими? Сиз қайиқда сайр этгунингизча шундай бўлган эди, деб кўрсатамиз. Бу унчалик тўғри эмасу, аммо, сиз уни ургансиз, айбнома қўйишаётгани ҳам, ҳарқалай, у қадар тўғримас-ку! Кейин сизни, нотўғри айбнома билан электр курсига ўтқазишолмайди, ҳамма қандай қарайди билмайману, аммо бундай бўлишига рози эмасман. – У Клайднинг кўзига тик қаради-да, давом этди:

– Биласизми, Клайд, бу худди картошка ёки костюмга буғдой ёки ловия айирбошлаб олгандай бир гап, чунки ақчангиз бўлгани ҳолда кимдир биттаси ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, пули – ясама, деб гап ёйиб юборгану, энди уни ҳеч ким олгиси келмайди. Шу сабабдан буғдой ёки ловия билан қарздан қутулишингизга тўғри келади. Биз эсак, уларга бошлаб ловия берамиз. Аммо сиз айбдор бўлмаганингиз учун виждонимиз пок қолаверади бари бир. Сизда айб йўқ! Аввалига ниятингиз қай даражада бўлганидан қатъи назар, охири бориб сиз уни уришни истамаганингиз тўғрисида менга онт ичдингиз. Шунинг ўзиёқ етади менга. Сизда айб йўқ.

Шу ерда Жефсон Клайд костюмини ёқасидан ушлади-да, унинг зўриққан ва асабийлашган қўй кўзларига анча вақт тикилиб турди, кейин қатъият ва ишонч билан қўшимча қилди (бу ишонч Жефсоннинг ўзи учун фақат бир хом хаёл эди, бироқ у Клайдга қандай бўлмасин шу ишончни сингдиришга уринар эди):

– Бўшашиб бораётган ёки асабийлашаётган пайтингизда ёки сиз Мейсоннинг саволларига жавоб бераётганингизда, назарингизда, у устун келаётгандай туюлса, эсингизда тутинги, маҳкам туриб ўзингизга ўзингиз: «Менда айб йўқ! Айб йўқ Мени жазолашга уларнинг ҳақлари йўқ, чунки мен чиндан ҳам айбдор эмасман!» дейишингизни истар эдим. Агар шунда ҳам ўзингизни қўлга олол-

масангиз, унда менга қаранг. Мен ёнингизда бўлман. Сал юрагингиз ҳовлиқдими, ҳозир мен сизга қандай қараётган бўлсам, худди ўшандай тикка кўзимга боқинг. Шунда ўзингизни қўлга олишингизни ва ҳозир айтиб турганимдай ўзингизни тугиб олишингизни истаётганимни биласиз: биз нима тўғрида онт ичгин десак, ўша нарса тўғрисида онт ичасиз, айна пайтда сиз, ҳатто кўнглингизга келган тақдирда ҳам, буни нотўғри бўляпти, деб ўйламаслигингиз керак. Мен сиз қилмаган иш деб ва сизнинг қасам ичиб чин ҳақиқатни тасдиқлашингизга йўл қўймаганлари туфайли сизни қата этишларига рози бўлмайман. Гап шу, вассалом!

У хурсанд бўлиб, дилкашлик билан Клайднинг елкасига қоқиб қўйди, Клайд эса вужудига ўзгача бир бардамлик югурганини сезиб, шу аснода у, ўзимни сўзсиз тайинлаб айтаётганларидай тута оламан ва айна шундай қиламан, деб ўйлай бошлади.

Кейин Жефсон соатини чиқариб, аввалига Белнепга, сўнгра шундоқ рўпарадаги деразага қаради. Суд биноси олдида ва турма дарвозалари яқинида алақачоноқ халойиқ тўпланган, бу ерда мухбирлар ва фотосуратчилар бетоқат бўлиб Клайднинг чиқиб келишини пойлашар, уни ва бу ишга алоқаси бор бошқа ҳар қандай кишиларни ҳам йўл-йўлакай расмга олиб қолишнинг пайида эдилар.

– Ҳойнаҳой, вақт бўлди-ёв, – деди совуққонлик билан Жефсон. – Афтидан, бутун Катараки фуқароси суд залига йиғилмоқчи, шекилли. Ҳамма ёғимизни одам босиб кетадиган бўлди. – Шу ерда у Клайдга қараб, давом этди: – Сиз уялиб ўтирманг, Клайд. Буларнинг ҳаммаси шаҳарликларнинг ўйин-томошасини кўриб кўнгил очмоқчи бўлган шунчаки қишлоқилар, холос.

Жефсон ҳам, Белнеп ҳам чиқишди. Уларнинг ўрнига Клайднинг ҳузурига Краут билан Сиссел ки-

ришди; ҳимоячилар ўтлари қовжираб ётган майдон орқали, шивир-шивир гаплашаётган оломон орасидан ўтиб, суд биносига қараб йўл олишди.

Орадан тагин беш дақиқа ўтгач Слэк ва Сиссел ўрнини олган Краут ва Суэнк ҳамроҳлигида, бунинг устига, оломон томонидан кўтарилиши мумкин бўлган тўполон ва суиқасдларга қарши яна қўшимча – ўнг ва чапдан икки кишидан қоровул қўйилганча, Клайднинг ўзи ҳам чиқиб келди. У қўлидан келганча дадил ва бардам туришга ҳаракат қилар эди; аммо атрофида қўпол ва ғалати одамлар – бесўнақай мўйна чопонли ва қалпоқли ёки бу ерлардаги фермерларга хос эски, оқариб кетганидан рангини билиб бўлмайдиган кийимларни кийиб олган кишилар ва уларнинг хотинлари, бола-чақалари шу қадар кўп эдики... Уларнинг бари Клайдга совуқ бир зийраклик билан қарар эдилар... У, мана ҳозир кимдир менга тўппончадан ўқ узиб қолади ёки пичоқ кўтариб ҳужум қилади, деб юраги ўйноқлар эди. Қўлларида тўппонча яланғочлаб олган қоровуллар эса унинг хавотирини баттар оширар эдилар. Бироқ у фақат: «Олиб келишяпти! Олиб келишяпти! Ана, у!» «Кўринишидан сира қотил демайсан!» деган овозларнигина эшитар эди.

Фотоаппарат затворлари шарақ-шуруқ қилар, ҳамроҳлари баттар уни ўртага олиб қисишар, Клайднинг бутун вужуди эса тобора музлаб бораётганга ўхшарди.

Ана, беш пиллапояли жигар ранг тош зина, кўҳна суд биносининг эшиклари, ичкарида эса яна бир зина; бу зина шифти ва деворлари баланд, кенг, узун залга олиб чиқади; шифт ва деворлар қўнғир рангга бўялган, залнинг иккала томонида ва энг охирида, шарқ тарафда, баланд-баланд, ингичкагина, тепаси ёйсимон деразалари бор бўлиб, нур оқими тушиб турибди. Залнинг ғарб тарафи эса баландроқ бўлиб, у ерга қорамтир-жигар

рангдаги ўймакор суд курсиси қўйилган; орқасида портрет; залнинг ўнг ва чап ҳамда тўрт томонида ўриндиқлар, қатор-қатор курсилар, ҳар бир қатор олдингисига қараганда бир оз юқорироқ ўрнатилган, уларнинг бари одамга лиқ тўла, ҳатто ўртадаги йўлақда ҳам кишилар тирбанд бўлиб туришибди. Клайд кириши билан улар олдинга чўзилиб, бўйинларини эгиб қарай бошладилар, ўнлаб қаттиқ, синчков кўзлар унга текилиб қолди, зални ғала-ғовур босди. У, ғўнғир-ғўнғир товушлар ва шивир-шивирларни эшитганча ўриндиқлар ёнидан ўтиб, залнинг олд томонидаги бўш ерга борди: у ерда стол ортида Белнеп билан Жефсон ўтирибди, уларнинг ўртасида эса Клайдга мўлжалланган бўш курси ҳам турибди. Клайд ўз атрофида бегона кўз ва афт-башаралар тўлиб кетганини бор вужуди билан ҳис этди-ю, уларга қарагиси келмай қолди.

Худди рўпарасида, суд курсиси жойлашган айвончага яқинроқ турган бошқа бир столда эса Мейсон ва яна бир неча киши ўтиришарди; Клайд Эрл Ньюком ва Бэртон Бэрлейни таниди; улар билан бирга тагин бир киши ўтирарди-ю, аммо Клайд уни аввал сира кўрмаган эди. Клайд кириб келган пайтда тўртгалови унга юзланиб, диққат билан кўз югуртиб чиқишди.

Бу гуруҳни журналистлар ва рассомлар – эркаклар ва аёллар ўраб олишган эди.

Хиёл вақт ўтгач, Клайд Белнепнинг маслаҳатини эслаб, қаддини ростлади, сунъий равишда ўзини бепарво тутиб (бирок хавотирга ботган қонсиз юзи ва журъатсиз нигоҳи бунга бир қадар зид бўлиб тушар эди), ё ўзини томоша қилаётган ёки расмини чизаётган мухбирлар томонга кўз ташлади. Ҳатто у: «Одам кўп-ку жуда!» деб шивирлаб ҳам қўйди. Шу пайт, у ҳали яна бошқа бирон сўз айтиб улгурмасидан қаердадир икки марта дук-дук овоз, кейин эса: «Тартиб сақлансин! Суд бошланди! Ўр-

нингиздан туришларингизни сўрайман!» деган хитоб эшитилди. Бир зумдаёқ залдаги шивир-шивир ва жонланиш ўрнини пашша учса ҳам сезиладиган даражадаги тинчлик эгаллади. Баланд жойнинг пастки томонидаги эшик очилди-ю, новча, кўриниши хушбичим, яқиндагина соқоли қирилган, юзи яшнаб турган бир киши кенг қора мантия кийганча кириб келди; у суд столи ёнидаги каттакон курси олдига илдам юриб бордида, йиғилганларга диққат билан кўз югуртиб чиқди, аммо биронта кишига ҳам алоҳида эътибор бериб қарамагандай кўринди ва курсига чўкди. Шундан кейингина залдаги одамларнинг ҳаммаси ҳам ўтирди.

Сўнгра баланд жойнинг рўпарасига, суд столнинг чапроқ томонига қўйилган стол ёнидан ушоққина бир мўйсафид қўзғалди-ю:

– Эшитинглар, эшитинглар! Нью-Йорк штати, Катараки округи Олий судида иши кўрилиши лозим топилган барча шахслар, берироқ келинглари ва диққат қилинглари! Суд сессияси очилди! – деб маълум қилди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, ўша одам яна ўрнидан турди-да:

– Нью-Йорк штати Клайд Гриффитсга қарши!.. – деб эълон қилди.

Мейсон ўша заҳотиёқ столдан туриб:

– Халқ тайёр, – деб маълум қилди.

Шундан сўнг Белнеп ўрнидан туриб, ўзига ярашган назокатли таъзим билан:

– Жавобгар тайёр, – деб билдирди.

Кейин яна ўша клерк ўз столи олдида турган қутичага қўлини тикди-да, бир варақ қоғоз чиқариб, уни баланд овоз билан ўқиди:

– Саймон Динсмор!

Жигар ранг костюми, қўллари омбирга, қовоқ-тумшуғи сассиқ кўзанга ўхшаш кичкина бир

одам суд маслаҳатчилари курсисигача лўкиллаб бориб ўтирди. Ўша заҳотиёқ унинг олдига Мейсон келди (унинг япасқи бурунли юзи бугун айниқса қаҳрли кўринар, дўриллаган овози эса залнинг исталган жойидан барала эшитилар эди) ва унга кетма-кет савол ёғдира кетди: ёшингиз нечада? Нима иш қиласиз? Уйланганмисиз? Бола-чақангиз нечта? Ўлим ҳукмини тан оласизми? Охирги савол маслаҳатчининг аччиғини келтирдими, ё қандайдир ортиқча ҳаяжонга солдими, ҳар ҳолда ғалати бир туйғу уйғотганини Клайд дарров пайқади; маслаҳатчи шартта-шартта, яна алоҳида таъкид билан:

– Айрим кишилар учун тан оламан, албатта! – дея жавоб берди.

Бу жавобдан Мейсон хиёл кулимсираб қўйди, Жефсон эса Белнепга ўгирилиб қаради; Белнеп пичинг аралаш минғиллади:

– Бу ерда тагин адолатли суд олиб боришнинг иложи бор эмиш.

Аммо холис фермер ўз кўнглига туғиб олган фикрини баттар таъкидлаб айтаётган эди, буни Мейсон ҳам сезди-ю:

– Суднинг рухсати билан халқ бу маслаҳатчи номзодини четлаштиради, – деди.

Судья савол назари билан қараб турганини Белнеп кўрди-ю, розиман, дегандай бош силкиди ва фермер бу гал маслаҳатчи вазифасидан четлаштирилди.

Клерк эса қутидан дарров яна бошқа бир қоғоз олди-да:

– Дадлей Ширлайн! – деб эълон қилди.

Ўттиз саккиз-қирқ ёшлардаги башанг кийинган, бачканароқ ва эҳтиёткор, баланд бўйли, ориқ бир киши келиб, маслаҳатчилар курсисидан жой олди. Мейсон аввалгисига берган саволларни бу одамга ҳам бера бошлади.

Шу аснода Клайд Белнеп ва Жефсоннинг аввалдан тайинлаб қўйган барча ўғитларига зид ўлароқ,

калаवासининг учини йўқотиб, тумшайганча, бами-соли жони йўқдай қотиб ўтирарди. У бутун халойиқ ўзига ёв бўлиб ўтирганини сезган эди. Мана Шу одамлар тўдаси ичида Робертанинг отаси ва онаси ҳам бўлса керак, эҳтимол, сингиллари ва укалари ҳам бордир, деган фикрдан Клайд сесканиб кетди... улар унга тикилганча, ҳамма айблари учун лойиқ жазосини топишига (газеталар бу ҳақда бир неча ҳафтадан бери тинимсиз жар солишаётган эди) чин кўнгилларидан ишониб ўтирган бўлсалар керак...

Ликурглик улфатлар орасида ва Ўн иккинчи кўлда у билан учрашиб юрганларнинг биронтаси ҳам Клайдга иложини қилиб бир йўлиқиб қўйишни ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмади, ахир, уларнинг бари, уни, ҳойнаҳой, айбдор деб ҳисобласа керакда, улардан биронтаси келганмикин бу ерга? Масалан, Гертрудами ёки Трейси Трамбалми? Ёки Вайнет Фэнт ва унинг акаси? Вайнет ўша куни уни Айиқ кўлида қамоққа олишганда лагерда эди. Клайд кейинги бир йил ичида учрашган ва ҳозир уни мана шундай – бечора, гариб, даҳшатли жиноятда айбланаётган кимсасиз бир одам сифатида кўришлари мумкин бўлган барча ўша кибор танишларини хаёлида эслай бошлади. Бу ердаги ва Фарбдаги бадавлат қариндошлари-ю, ота-онаси тўғрисида обдан гапирган уйдирмаларидан кейин, айниқса, бу жуда оғир эди! Энди уларнинг бари Клайдни ёвуз одам, деб ҳисоблашади. Ахир, улар фақат Клайднинг жинойий ниятинигина билишади, холос, юрагида нима юз бергани билан эса уларнинг неча пуллик ишлари бор... унинг ташвиш ваваҳималари, Роберта туфайли боши берк кўчага кириб қолганлари, Сондрага бўлган муҳаббати-ю, ўзи учун Сондранинг нақадар азизлиги – буларнинг бари уларга ёт эди. Улар буни тушунишмас-

ди, борди-ю, Клайд бу ҳақда гапириб беришни хоҳласа ҳам унга оғиз ҳам очиришмасди.

Аммо шунга қарамай, Белнеп билан Жефсон тайинлаганидай, у тўғри ва жилмайиб ўтириши ёки ақалли бўлмаганда, ўзига тикилиб турган нигоҳларни хотиржам ва қўрқмай қаршилаши лозим эди. Шундай қилиб, у қаддини ғоз тутди-ю, бир дақиқа тошдай қотиб турди. Э, худо-е, одамлар намунча бир-бирига ўхшамаса-я! Унинг чап томонидаги ўриндикда худди Робертанинг тирик расмига ўхшаш бир аёл ёки қиз ўтирарди. Сўзсиз, у унинг сингиси Эмилия бўлса керак. Роберта у ҳақда тез-тез гапириб турар эди... аммо бу нақадар даҳшат-а! Клайднинг юраги тўхтаб қолаёзди. Балки у Робертадир? У хаёлий, бироқ айти пайтда жонли, нафрат ва таъна тўла нигоҳи билан Клайднинг бағрини тиглаётган эди. Унинг ёнида – Робертага хиёл ўхшаб кетадиган яна бир қиз, нарёғида эса Робертанинг мўйсафид отаси, ҳу, бир гал Клайд йўлни сўраш мақсадида фермага кирганда кўргани – юзи тўла ажин ўша мўйсафид... Энди у Клайдга азобдан киртайган кулранг кўзлари билан деярли қутургандай ўқрайиб қарар, унинг бу нигоҳи очикдан-очик: «Қотил! Қотил!» деяётгандай эди. Чолнинг ёнида эса элик ёшлар чамасида пакана, жимитгина, касалманд бир аёл ўтирибди, бурушган юзи ва ичига чўкиб кетган кўзлари ўртиги остидан ҳам кўриниб турарди; унинг кўзи Клайднинг кўзига тушганда у гўё нафрат билан эмас, балки оғир изтироб чеккандай ерга қаради ва юзини ўтириб олди. Бу, сўзсиз, унинг онаси эди. Қандай даҳшат-а, бу! Ақл бовар қилмас даражада оғир бу! Клайднинг юраги ноте-кис уриб, қўллари титрай бошлади.

Бир оз ўзига келиш учун у кўзини ерга қадаб, шундоқ олдида, стол устида турган Белнеп ва Жефсоннинг қўлларига қаради; адвокатлар очиб қўйилган блокнотлар устида қаламларини ўйна-

ганларича Мейсонга ва навбатдаги суд маслаҳатчиси номзодига тикилиб туришарди (бу гал қандайдир бир бақалоқ, кўриниши довдирроқ киши синовдан ўтаётган эди). Тавба, Белнеп билан Жефсоннинг қўллари шу қадар бир-бирига ўхшамас эканки! Бириники майин, оппоқ, миқти бармоқли, иккинчисиники эса, қорамтир, томирлари ўйнаган, қоқ суяк, узун-узун бармоқли эди. Белнеп юмшоққина қилиб, тавозе билан: «Мен бу номзоднинг маслаҳатчилар курсисини бўшатиб қўйишини истар эдим», деса, Мейсон бамисоли ўқдай кесиб: «Озод қилинди!» деб дўриллар ёки Жефсоннинг: «Элвин, уни жўнатиб юборинг. У бизга тўғри келмайди», деган босиқ, аммо қатъий пичирлашлари эшитилар эди. Шу пайт тўсатдан Жефсон Клайдга мурожаат этиб қолди:

– Бошингизни кўтаринг, Клайд! Атрофингизга қаранг! У қадар қаддингизни букиб, эзилиб ўтирманг. Одамларнинг кўзига боқинг! Модомики, кулмоқчи экансиз, чинакамига кулинг. Уларнинг кўзига тўппа-тўғри қаранг. Улар сизни еб қўйишмайди. Булар шунчаки қизиқ томоша ишқибозлари бўлган фермерлар, холос.

Аммо Клайд бир неча мухбирлар ва рассомларнинг уни синчиклаб, шоша-пиша расмини чизиб, нималарнидир ёзиб олаётганларини ўша заҳотиёқ пайқади-ю, юзига қон тепиб кетди, чунки у уларнинг қаттиқ тикилиб турганларини сезар ва худди пероларинингғижирлашига ўхшаш аччиқ-тиззиқ сўзларини ҳам эшитаётган эди. Шуларнинг бари газетада чиқади-я – унинг қалтираётган қўллари дейсизми, докадек оқарган юзи дейсизми – улардан бирон нарса қочиб қутулармиди... Клайд Олденларга қандай қарагани борми ва улар унга қандай қарашгани, у бунга дош беролмай кўзини олиб қочгани... буларни Денвердаги онаси ҳам, Ликургдаги барча халойиқ ҳам ўқийди, тасаввур

қилади... мағзини чақади. Бироқ шунда ҳам... шунда ҳам... ҳарқалай, у ўзини қўлга олиши, қаддини тик тутиб, атрофга қараши керак, акс ҳолда уни Жефсон ҳам ёмон кўриб қолади.

Клайд яна қайтадан ўзини қўлга олишга ва қўрқувни енгишга уринди; бошини кўтариб, атрофга разм солди.

Шу он у баланд дераза ёнида, девор олдида кўнглида сира кўришни истамагани – Трейси Трамбалга кўзи тушди; албатта, у бу ерга Клайдга ачинганидан ва ҳамдард бўлганидан эмас, чамаси, юрист сифатида бу ишга қизиқиб қолганидан, балки шунчаки қизиқсинганидан ёки бошқа бирор-бир сабаб билан келган бўлиши мумкин, ҳарқалай, қандай бўлишидан қатъи назар, бугун у суд залида эди; Клайднинг бахтига у шу аснода унга эмас, балки бақалоқ маслаҳатчига қандайдир саволлар бераётган Мейсонга қараб турган экан. Трейсининг ёнида эса Фредди Сэлс; узоқни кўрмайдиган кўзлари қалин ойнали зўр кўзойнак остига яширинган, у Клайд томонга қараб турса-да, чамаси уни кўрмаётган эди, шекилли, ҳар ҳолда, унинг кўраётгани сира сезилмас эди. Бундан ҳам оғир жазо борми, ахир!

Улардан беш қатор берида эса, нариги томонда, мистер ва миссис Гилпинлар ўтиришибди, уларни Мейсон қидириб топган бўлса керак. Аммо улар нимани айтиб беришлари мумкин? Робертага ижарага берган хоналарига Клайднинг келиб туришини айтишлари мумкин-да. Кейин, буни махфий қилишган, дейишар балки? Бу, албатта, ёмон. Ие, мистер ва миссис Ньютонлар нима қилиб ўтиришибди. Улар қай мақсадда гувоҳ қилиб чақиритганикин? Ҳойнаҳой, Клайд билан танишгунча Роберта қандай яшаганини ҳикоя қилиб беришсин, дея чақиритгандир? Анави Грэйс Марр-чи, Клайд уни шунчаки, унда-бунда тез-тез кўриб турарди-ю, аммо сирасини

айтганда, у билан фақат бир мартагина, Крам кўлида гаплашган эди; Роберта уни мутлақо ёқтирмас эди. Хўш, у нима деркин? Сўзсиз, у Роберта билан қандай танишганини сўзлаб берар, лекин бошқа яна нимани гапиради? Уларнинг орқасида эса – йўқ, мумкин эмас! – лекин, ҳарқалай... ҳа... худди ўша, анави Орин Шорт ўтирибди, Клайдга у Глен доктор ҳақида гапириб берган эди. Ана, холос! У, ҳойнаҳой, шуларни сўзлаб берса керак... шубҳасиз, сўйлайди. Одамларнинг бари ўша гапларни ёддан чиқармаганини қаранглар-а! Бундай бўлиши Клайднинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди.

Ҳа, ана, учинчи деразадан берироқда, лекин анави ғариб Олденлар оиласидан нарироқда эса, йўлтўсарликка ўтиб кетган ўтмиш вақтлардаги квакер¹ларга ўхшаш серсоқол бир баҳайбат киши ўтирибди: унинг исми Хейт эди. Клайд уни Учинчи миль Кўрфазида ва кейин эса зўрлаб Катта мушгир кўлига олиб борганларида кўрган эди. Ҳа, у гувоҳ. Унинг ёнида, ҳў бир пайтлар Клайдни келиб-кетувчилар рўйхатига ёзилишига мажбур қилган анави маҳаллий меҳмонхонанинг хўжайини. Кейин Клайдга ижарага қайиқ берган қайиқчи ҳам шу ерда эди. Унинг ёнида Роберта билан икковини Қуролсоз бекатидан Катта мушгир кўлига олиб борган новча, ориқ йўл кўрсатувчи – у қорачадан келган, чайир, қупол бир йигит эди; энди у митти, ичига тушган ёвуз кўзларини Клайддан узмас эди. У, ҳойнаҳой, Клайд билан Робертанинг кўлга қандай борганларини ипидан-игнасигача оқизмай-томизмай гапириб берса керак. Ўша куни Клайднинг асабийлашгани ва ярашмаган қилиқлар қилгани унинг ёдидамикин, буни Клайднинг ўзи худди ҳозиргидай эслайди. Агар ёдида бўлса, унда Клайдда

¹ Квакерлар – XVII асрда Англияда юзага келган насроний, протестант мазҳабларидан; бу мазҳаб, шунингдек, Шимолий Америкага ҳам ёйилган. (Таржимон.)

юз берган маънавий бурилиш тўғрисидаги уйдир-ма гапга бу қанчалик таъсир қиларкин-а? Жефсон билан яна бу ҳақда келишиб олсинми?

Аммо анави Мейсон! Қанчалик қайсар-а у! Қанчалик эпчил! Клайдга қарши гувоҳлик бера олиши мумкин бўлган шунча одамнинг ҳаммасини тўплаб улгурганини қаранглар, бунинг учун у озмунча югурганмикин! Мана, ҳозир ҳам Клайд унга кўз ташлаган эди, у:

– Халқ рози! – деб хитоб қилаётган пайти экан, (бу унинг, эҳтимол, ўнинчи марта бекордан-бекор қилаётган хитоби бўлса керак, чунки маслаҳатчилар курсиси ҳамон бўш эди).

Жефсон унинг сўзларини эшитиши биланоқ, ҳар гал Белнеп томонга хиёл ўгирилиб, унга қарамай туриб:

– Элвин, бу сизга тўғри келмайди. Қуруқ ва ён бермайдиган одам экан, – дер эди.

Шундан кейин Белнеп юмшоқлик ва хушмуомалалик билан ва деярли ҳар гал муваффақиятли равишда маслаҳатчини рад этар эди.

Ниҳоят, охири – қанчалик одам енгил тортар экан-а! – клерк баланд, қулоқни тешгудек қаримсиқ овоз билан соат иккига қадар танаффус эълон қилди. Жефсон қулимсираганча:

– Ана, кўрдингизми, Клайд, бу биринчи беллашув, – деди. – У қадар чигал ва у қадар кўрқинчли эмас, тўғрими? Энди боринг-да, маза қилиб овқатланинг, хўпми? Танаффусдан кейин ҳам худди шунақанги узундан-узоқ, зерикарли эзмагарчилик бўлади.

Бу орада Краут, Сиссел ва бошқа соқчилар ҳам Клайдга яқинлашиб, уни ўраб олишди. Шундан кейин яна оломон, бос-бос: «Ана, у! Ана, келяпти у! Ана, ана!» – деган овозлар... Бир семиз хотин Клайднинг нақ ёнгинасидан сирғалиб ўтди-ю, тўппа-тўғри юзига қараб: «Йўл беринглар, уни бир

кўрай! Мен сизни яхшилаб кўриб олмоқчиман, йигит! Менинг ҳам икки қизим бор!» деб қичқирди.

Лекин халойиқ ичида Клайднинг кўзига тушган ликурглик ва Ён иккинчи кўлдаги танишларидан биронтаси ҳам унга яқин келишмади. Сондра-ку, шубҳасиз, ному нишонсиз эди. Белнеп билан Жефсон ҳам, у судга келмайди, деб қайта-қайта Клайдга уқтиришган эди. Агар иложи топилса, ҳатто унинг номи ҳам тилга олинмайди. Грифитслар ҳам, Финчлилар ҳам бунга қарши эдилар.

XX БОБ

Белнеп билан Жефсон суд маслаҳатчиларини танлашга нақ беш кун сарфлашди. Аммо, ниҳоят, Клайдни суд қилиши лозим бўлган ўн икки киши қасамёд қилиб, ўз ўринларини эгаллашди. Уларнинг бари мўйсафид, соч-соқоли оқарган, офтобда қорайган серажин юзли одамлар бўлиб, асосан фермер ва дўкондорлар эдилар, ораларида Форд автомобиллари билан савдо қилувчи киши, Диксон қўлидаги меҳмонхонанинг эгаси, Брижбургдаги Гамбургер газмол дўконининг сотувчиси ва ўзи Ўтлоқзор кўли шимолидаги Нардэй деган жойда доимий яшаса ҳам, бироқ бориб-келиб ишлайдиган суғурта агенти бор эди. Уларнинг ҳаммалари бир кишини мустасно қилганда, уйланган одамлар эдилар. Уларнинг ҳаммалари, фақат бир кишини мустасно қилганда, ўтакетган ахлоқли бўлмаса ҳам, ҳарқалай тақводор ва аввал-бошданок Клайдни гуноҳкор, деб кўнгилларига тугиб олган шахслар эдилар. Лекин деярли уларнинг бари ўзларини ҳалол ва беғараз одамлар, деб ҳисоблашар ва бунақанги ғалвали ишда суд маслаҳатчиси сифатида мажлисбозлик қилишни астойдил исташар, шунинг учун ҳам диққат-эътиборларига ҳавола қилинадиган да-

лиларни адолат билан, бетараф туриб ҳал эта олишларига имонлари комил эди.

Шундай қилиб, уларнинг бари онт ичди.

Ўша ондаёқ Мейсон ўрнидан турди.

– Мистер суд маслаҳатчилари!.. – дея гап бошлади у.

Клайд эса, Белнеп ва Жефсонга ўхшаб, маслаҳатчиларга тикилганча ўзига ўзи, Мейсоннинг кириш нутқи уларда қандай таассурот қолдираркин, деб савол берар, чунки бу ҳозирги ғалати шарт-шароитда Мейсондан кўра ғайратлироқ, ундан кўра завқ-шавқлироқ бирор-бир бошқа қораловчини топиш амри маҳол эди. Бу Мейсон учун беқиёс бир бахтли фавқулод эди! Қўшма Штатларнинг бутун фуқароси, ахир, унга кўз тикиб турмаяптими ҳозир? Унинг назарида айни шундай бўлаётгандай эди. Гўё аллақайси бир режиссёр бирдан: «Ёруғлик берилсин! Съёмка бошланди!» – деб хитоб қилаётганга ўхшар эди.

– Шубҳасиз, – деб гап бошлади Мейсон, – ўтган бир ҳафта мобайнида оқловчи ва қораловчи томонларнинг вакиллари, мана, ораларидан сиз сайланган ўша номзодларни нақадар батафсил кўриб чиққанлари кўпчилигингизни чарчатиб, баъзан эса ўйлатиб ҳам қўйди. Одамни ҳайратга соладиган бу ишнинг барча тафсилотларини кўриб чиқиши мумкин бўлган ўн икки кишини топиш анча қийин кўчди, чунки бу шундай тафсилотларки, буларни сизлар қонун талаб қилган даражада одиллик ва фаҳм-идрок билан тарозига солиб кўришингиз лозим бўлади. Менга келганда эса, жентельменлар, фақат бир истагим туфайлигина, яъни: адолат қарор топишини ўйлаганим туфайлигина бу қадар батафсил иш олиб боряпман! Бировга менинг кек-адоватим ҳам йўқ, олдиндан ўйлаб қўйган ёмон ниятим ҳам йўқ. Шу йилнинг тўққизинчи июлига қадар, дунёда шундай айбдор

ва унинг қурбони борлигини, ҳозир унга тўнкалаётган мана шундай жиноят мавжудлигини шахсан мен хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Аммо, жентельменлар, мен сизга айтсам, тарбия қўрган ва шундай таниш-билишлар орттирган ёшгина йигит шунақанги жиноятда айбланиб, гуноҳкор бир вазиятга тушиб қолганини эшитганимда дастлаб ниҳоят даражада таажжубланиб, шубҳаланган бўлсам-да, бироқ мен аста-секин ўз фикримни ўзгартиришга мажбур бўлдим. Аввалги шубҳаларимни бутунлай итқитиб ташлаб, қўлимга ўзидан ўзи ёғилиб келаётган сон-саноксиз далиллар асосида, бу иш юзасидан қораловчи сифатида халқ номидан чиқиш менинг бурчимдир, деган хулосага келдим.

Аммо, нима бўлишидан қатъи назар, далилларга ўтайлик. Бу ишга икки қиз аралашган. Бири оламдан кўз юмди. Иккинчисининг исми эса (у Клайд томонга ўтирилди ва у билан ёнма-ён ўтирган Белнеп ва Жефсонга ҳам ишора қилди), қораловчи ва ҳимоя томонларининг ўзаро келишувига биноан бу ерда айтилмайдиган бўлди, чунки биз одамларга яна ортиқча жабру жафолар орттиришдан ўзимизни тийишимиз керак. Чиндан ҳам сизларни ишонтириб айтишим мумкинки, бу ерда гапирадиган ҳар бир сўзим ва келтирадиган ҳар бир далилим билан қораловчи томон фақат биргина мақсадни кўзда тутди: яъни, мақсадимиз – штатимиз қонуни ва судланувчига қўйилаётган жиноятга мувофиқ равишда чинакам адлия қарор топишига эришмоқликдир. Чинакам адлия, жентельменлар, чинакам ва адолатли. Аммо сизлар борди-ю, виждонан ҳаракат қилмай, ушбу иш юзасидан тегишли ҳалол ҳукми чиқармас экансизлар, унда Нью-Йорк штати ва Катараки округи фуқаросини қаттиқ ҳақорат этган бўласизлар. Чунки халқнинг умиди сизларда ва сизлардан ниҳоятда пухта ўйланган хулоса кутяпти.

Шу ерда Мейсон бир оз нафасини ростлади ва аянчли бир қиёфага кирганча Клайдга юзланди, кейин ора-сира унга бармоғини ниқтаб, давом этди:

– Нью-Йорк штати фуқароси бу ерда қора курсида ўтирган Клайд Грифитсни ёвуз ният билан қасддан одам ўлдирганликда айблайди. (Мейсон бу сўзни шундай айтдики, гўё овози момақалди-роқдай гумбурлаб чиқишини истаётгандай эди.) Уни халқ ёлғончилик йўлига ўтиб, қасддан, бемехрлик ва бағритошлик билан, бир неча йиллардан бери Маймико округидаги Бильц шаҳарчаси яқинида яшовчи фермернинг қизи Роберта Олденни ўлдирганликда, кейин эса марҳуманинг жасадини одамлардан ва бу дунёдаги одил суддан умрбод яшириб кетмоқчи бўлганликда айблайди. Номи зикр этилган Клайд Грифитсни халқ (шу ерда Клайд Жефсоннинг пичирлаб айтган ундови-га бўйсуниб, стул суянчигига иложи борича бемало-роқ суяниб олди-да, Мейсоннинг юзига қўлидан келганча вазминлик билан тикила бошлади. Мейсон ҳам унга тик қараб турар эди) ушбу жиноятга қўл уришидан аввал ҳафталар мобайнида ўзининг маккорона режаларини обдан ўйлаб олган, сўнг-ра эса шошилмай, совуққонлик билан уни амалга оширган, деб айблайди.

«Нью-йорк штати фуқароси бу айбларни қўя туриб, сизларга уларнинг ҳар бири бўйича далилу ашёларни тақдим этишга ҳам тайёр. Далиллар сизларга маълум қилинади, бу далиллар устидан мен эмас, сизларгина ягона ҳукм чиқарувчи бўлмоғингиз даркор».

У тағин жим қолди, шошқалоқ тингловчилар сиқилишиб, прокурорнинг ҳар бир сўзига муштоқ бўлганча олдинга интилишаётган бир пайтда, Мейсон ўз ҳолатини ўзгартирди, қўлини кўтариб, жингалак сочларини артистлардек уста ҳаракат билан орқасига тараб қўйди-да, яна гап бошлади.

– Жентельменлар, мен узоқ гапириб ўтирмайман, бу ишни ўзларингиз эшитиб туриб, Катта мушгир сувлари қаърида мудҳиш бир тарзда паймонаси тўлган қиз бечоранинг қандайлигини дарров биласиз-қўясиз. Йигирма йиллик умри давомида (Мейсон Робертанинг йигирма учдалигини ва Клайддан икки ёш катталигини жуда яхши билар эди) уни билган одамларнинг биронтаси ҳам у ҳақда ҳатто бир оғиз ёмон сўз айтолмади. Аминманки, бу ерда, судда ҳам Роберта тўғрисида ҳеч қандай ёмон сўз бўлмайди. Бир йилдан сал ортиқроқ, яъни ўн тўққизинчи июлда у ўз билан кучи билан оиласига қарашиб туриш мақсадида Ликургга келади. (Шу ерда бутун зал Робертанинг ота-онасию сингиллари ва укаларининг хўнграб йиғлаб юборганларини эшитди.)

– Жентельменлар... – дея давом этди Мейсон ва Роберта ота уйини ташлаб чиқиб, Грейс Марр билан бирга ўрнашганидан бошлаб, Крам кўлида Клайд билан танишиб қолгани ва Клайднинг бегона одамлар орасида бир ўзинг яшайсан, деган талабига бўйсуниб ҳамда ҳомийлари бўлмиш Ньютонлардан алоқа узганигача ҳаммасини бирма-бир гапириб берди. Мейсон, мисс Олден бу шубҳали кўч-кўчнинг асосий сабабини ота-онасидан яширгани ва Клайднинг айёрона маслаҳатига охири қандай кўниб қолгани тўғрисида сўзлади. Робертанинг Бильддан туриб Клайдга ёзган хатлари бу воқеаларни худди кузгудагидек равшан кўрсатиб берар эди. Кейин Мейсон шу қадар синчиклаб ва эринмасдан Клайд ҳақида, унинг Ликург «киборлар давраси»га ва айниқса, бадавлат ва гўзал мисс Хга берилгани, мисс Х ҳам соддалиги ва кўнгилчанлиги оқибатида Клайдга қизиқиб қолиб, уни ўзига етишиши мумкин, деган маънода умидвор қилиб қўйгани ва шу билан беихтиёр равишда Клайдда эҳтирос уйғотгани, бу эҳтирос туфайли Клайднинг Робертага бўлган севгиси сўнгани тўғрисида сўй-

лади; натижада шу нарсалар жиной мақсаднинг туғилишига (Мейсон, буни исботлаб бераман, деб таъкидлади) ва кейинчалик Робертанинг ўлимига олиб келган.

– Хўш, мен айб қўяётган бу кимса ўзи ким? – дея хитоб қилди тўсатдан Мейсон, ғоят фожеий бир оҳангда. – Ана у, рўпарангизда ўтирибди. Эҳтимол, у, тубанлашиб кетган бир ота-онанинг фарзандидир, шаҳар харобаларидан чиққандир, кейин бурч, зиммадаги вазифа тўғрисида сабоқ оладиган жойи бўлмагандир, бундай бир тузукроқ, муносиброқ ҳаёт кечиришни шу бурч, шу вазифасиз тасаввур қилиб бўлмайди-ку, ахир?! Хўш, у шундай одамми? Аксинча! Унинг отаси Ликургда энг йирик ва муҳим корхоналардан бири – «Грифитс ва Компания, ёқа ва кўйлақлар» фирмасини яратган оилага мансубдир. Ҳа, Клайд камбағал эди, шубҳасиз; аммо Роберта Олденчалик қашшоқ эмас эди, қашшоқлик мисс Олденнинг хулқига, ҳарқалай, ёмон таъсир кўрсатмабди-ку. Грифитснинг ота-онаси Канзас-Ситида, Денверда, ундан олдин эса Чикаго ва Грэнд-Репидсда, Мичиган штатида, гарчи мансаблари бўлмаса ҳам, афтидан жонларни бало-қазода асровчилик бурчини ўтаб яшаганлар: улар диний ақидаларни тарғиб қилиб, хонақо бошқарганлар; мен тўплаган маълумотларга қараганда, улар чин маънодаги ҳақиқий тақводор ва ҳар жиҳатдан андишали одамлардир. Тўнғич ўғиллари эса, улардан намуна олиб, илҳомланиш ўрнига муштдек бошиданоқ уларнинг эътиқодидан юз ўтириб, анча-мунча енгилтак ҳаётга ўзини урган. У Канзас-Ситидаги машҳур «Грин-Дэвидсон» меҳмонхонасига дастёр бўлиб ишга кирган.

Мейсон Клайдни доимо шўртумшуқ, дайди бўлган, эҳтимол, бир ерда ўтиролмаслигининг сабаби ҳам асли одати шундайлигидандир, деб уқтира бошлади. Кейинчалик эса, – дея гапини давом эт-

тирди Мейсон, – Клайд амакисининг Ликургдаги ўша ҳамма биладиган фабрикасида бўлим мудирри лавозимини эгаллайди. Аста-секин у амакисига ва амакисининг болаларига мансуб бўлган анави доирага кириш ҳуқуқини олади. Кейин шаҳарнинг энг зўр кўчаларидан бирида ўзига хона олса арзийдиган маош ҳам тушира бошлайди, ўзи ўлдирган анави қиз эса бу пайтда пастқам бир ерда, хароб бир кулда яшар эди.

– Шу пайтгача, – деб давом этди Мейсон, – судланувчининг ёшлигини негидир жуда бўрттириб кўрсатишди. (Шу ерда Мейсон нафрат билан ишшайиб қўйди.) Ҳимоячилари ҳам, газеталар ҳам қайта-қайта уни бола деб аташди. Лекин у бола эмас. У гунгурсдай эркак киши. Ижтимоий имкониятлар ва ижтимоий тарбия нуқтаи назардан қараладиган бўлса, маслаҳатчилар курсисида ўтирган мана сизларнинг ҳар бирингиздан кўра у устунроқ шароитга эга. У саёқ эди. Меҳмонхона ва клубларда, ораларидан қил ҳам ўтмайдиган ўша ликурглик улфатлари ичида у обрўли, энг муносиб ва ҳатто – таниқли, ажойиб кишилар билан учрашар эди. Ахир, бундан икки ой муқаддам қамоққа олинган пайтида ҳам у ниҳоятда нуфузли улфатлари, бизнинг жойларга ёзги таътил учун келган бадавлат ёшлар орасида юрган эди-ку. Шунини ёдда тутинглар! Унинг ақли, ҳуши жойида, бола эмас. Керак бўлса бировга ақл ўргатади ва нима яхши, нима ёмонлигини беш қўлда биледи.

«Жентельменлар, – дея давом этди у, – айбланувчи Ликургда келгандан сўнг орадан атиги тўрт ой ўтгач, унинг қурбонига айланган қиз фабриканинг у бошқараётган бўлимига кириб ишлай бошлаган, буни қораловчи томон тезда исботлаб ҳам беради. Ўртада фақат икки ой ўтгач, Грифитс қизни Ликургдаги ҳурматли ва художўй одамларни-кида турган иссиқ жойидан совутиб, унга мутлақо

номаълум бўлган хонадонга ўтишга кўндирган. Айбланувчининг нуқтаи назари билан қараганда, қиз яшаётган янги жойнинг энг қулай жиҳати шу бўлганки, у бу ерга пинҳона, бамайлихотир кириб-чиқиши, бировларнинг тергашидан қўрқмай, қизга нисбатан ўзининг разил мақсадларини бе-малол амалга оширавериши мумкин бўлган».

«Грифитс компанияси фабрикасида – буни биз кейинроқ исботлаб берамиз – шу воқеанинг кўп жиҳатларини изоҳлаб берадиган бир тартиб-қоида бор: юқори мансабли хизматчилар ёки цех ва бўлим бошлиқларидан биронтаси ҳам ўз қўли остидаги қизлар ва умуман, фабрикадаги хизматчи аёллар билан на фабрика ичида ва на ундан ташқарида сал бўлса-да, ғайриқонуний алоқа қилишга сира ҳақлари йўқ. Бундай алоқалар ажойиб бу корхона хизматчиларининг ахлоқи ва обрў-эътиборига ёмон таъсир этган бўлур эди, шу сабабли бу ман этилар эди. Мана бу йигит ҳам фабрикага келгандан сўнг тезда уни ўша қоидадан огоҳ қилишади. Лекин бу уни ёмон ишдан тийиб қола олдимиз? Ҳатто яқиндагина амакиси кўрсатган ҳомийлик ва меҳрибонлик ҳам уни хиёл бўлса-да тийиб туролдимиз? Қаёқда дейсиз! Муғомбирлиги оламга татийди! Бошиданоқ ичимдагини топ, деб туриб олган! Унинг бирдан-бир нияти – йўлдан уриш эди! Аввалдан ўйланиб, беадаблик ва ғайриқонуний бир тарзда қилинган ножўя, жамият томонидан қораланган, муқаддас, серфазилат никоҳ тартибларини поймол этувчи пинҳоний бир дон олишув эди бу».

«Унинг мақсади шу эди, жентельменлар! Лекин уни Роберта Олден билан боғлаб турган шунақанги муносабатлари мавжудлигини биронта одам на Ликургда ёки бошқа бирон исталган жойда билармиди? Йўқ, ҳеч ким билмасди! Ҳеч ким, қиз ҳалок бўлгунга қадар бу алоқа ҳақида ҳеч кимсада ҳатто оддий гумонсираш ҳам йўқ эди, мен қўлга кирит-

ган далиллар шуни исбот этипти. Ҳеч кимсада! Қаранглар буни!»

«Мистер суд маслаҳатчилари! – Бу аснода Мейсон овозида деярли эҳтиром туйғуси янграётгандай эди, – Роберта Олден судланувчини бор вужуди билан севар эди. У, инсон ақли ва инсон қалбининг олий бир сиру асрори даражасига қўтарилган муҳаббат билан севар эди уни, бундай севги ўз қудрати ва ўз ожизликлари билан ор-номус даҳшатини ва ҳатто худонинг қаҳрини ҳам писанд билмас эди. У самимий, камтар, сахий ва вафодор қиз эди, эҳтиросли ва чинакам маъшуқа эди. Фақат мурувватли, инонувчан ва заҳматкаш қалбгина шундай сева олар эди, мисс Олден худди шундай севар эди У севиб-севиб, охири аёл киши суюклисига бериши мумкин бўлган бутун бор бисотини унга ҳадя этган эди».

«Дўстларим, бунақанги воқеалар ер юзида миллион марталаб содир бўлган ва бундан кейин ҳам миллион марталаб яна содир бўлаверади. Бу янгилик ҳам эмас ва у ҳеч қачон эскирмайди ҳам».

«Лекин ҳозир лаҳадда ётган ана ўша қиз январь ёки февралда судланувчи Клайд Грифитс ҳузурига келиб, унга ўзининг она бўлажагини айтишга мажбур бўлган. У ўша пайтда ҳам, кейин ҳам Грифитсга: мен билан кетиб, никоҳдан ўтгин, деб ялиниб-ёлворганларини биз сизларга исботлаб берамиз».

«Аммо унинг илтимосини Грифитс қондирдими? Қондириш нияти бормиди ўзи? Э, йўқ! Чунки бу пайтда Клайд Грифитснинг орзу-ўйлари ва туйғулариди ўзгариш юз берган эди. Грифитс номининг ўзиёқ Ликургдаги энг сара доираларга йўл очиб беришини у дарров тушунди, Канзас-Сити ёки Чикагода арзимас одам бўлиб юрган Клайд бу ерда машҳур аслзодага айлангани ва Роберта Олден келиб чиққан муҳитдан мутлақо узоқ бўлган шароитларда айш қилиб юрувчи бадавлат ва

ўқимишли қизлар билан бемалол таниша олишини ҳам тушунди.

Устига-устига, у шундай бир қиз топдики, у қиз хусни, давлати, ижтимоий мавқеи билан уни ўзига асир этди, унинг ёнида, Грифитснинг ўзи жойлаштириб қўйган фақирона ёлғиз кулбасида турувчи камсуқумгина фабрика ишчиси, фермернинг қизи, албатта, аянчли бир қиёфада кўринар эди! У ишқий ҳангомалар учун анча мос қиз эди-ю, бироқ хотинликка ярамас эди. Шунинг учун ҳам унга уйланишни истамади».

Мейсон бир оз жим қолди-да, кейин яна давом этди:

– Бироқ мен Клайд Грифитс ҳаётида зиғирдай ҳам ўзгариш тополмадим, унинг киборларча кайф-сафога бўлган ҳирси тобора ортиб бораверган. Аксинча, январь ойидан то бешинчи июлгача ва ҳатто ундан кейин ҳам, – ҳа, мисс Олден охири бориб унга, агар сен келиб, мени олиб кетиб уйланмасанг, унда мени ва сени биладиган одамларнинг мурувватига орқа қилишга мажбурман, деб айтган вақтида ҳам, ҳатто у жони чиқиб, муздек қотганча Катта мушгир кўли тубида абадий уйқуда ётган пайтида ҳам, – танцалар, сайр-томошалар, автомобиль саёҳатлари, зиёфатлар ва Ўн иккинчи кўлга, Айиқ кўлига қилинган кўнгиш очиш сайилларидан у сира бўшамас эди... Менимча, мисс Олден тушиб қолган маънавий ва ижтимоий вазият Грифитснинг ўз хулқини бир оз ўзгартиришга мажбур этишини у хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

Мейсон гапидан тўхтаб, Белнеп ва Жефсон томонга қаради, улар бўлса пинакларини ҳам бузмай, у қадар ташвиш ҳам тортмай – аввал Мейсонга, сўнгра бир-бирларига қараб кулиб қўя қолишди; аммо Клайд бу нутқнинг газабнок эҳтирослилигидан қути учиб, хавотирга тушганча ундаги жуда кўп муболаға ва ноҳақ гаплар хусусида бош қотира бошлади.

Мейсон унинг бу фикрларини бўлиб юборди.

– Шундай қилиб, жентельменлар, – дея яна гап бошлади у, – мен бу ерда боя айтиб ўтганимдек, Роберта Олден Грифитснинг ўзига уйланишини қаттиқ туриб талаб қила бошлаган. Грифитс ҳам унга уйланишга ваъда берган. Аммо ўзларингиз ҳам кўрасизлар, – қўлимиздаги барча далиллар шуни исботлаб турибди, – у ўз ваъдасини бажаришни мутлақо ўйламаган. Аксинча, мисс Олденнинг аҳволи оғирлашиб, унинг нолишларига Грифитс ортиқ чидай олмай ва Робертанинг Ликуртта келиши ўзига хавф туғдириши унга ёқмай қолган бир вақтда, у мисс Олденни уйига, ота-онасиникига жўнашга кўндиради, чамаси, У, мен бориб сени олиб кетгунимга қадар майда-чуйда кийимлар тиктиришинг керак, кейин мен олдинга келаман ва бирор узоқроқ шаҳарга олиб кетаман, у ерда бизни ҳеч ким танимайди ва сен менинг хотинимдай бўлиб тураверасан-у обрў-иззат билан боламизга жон ато қиласан, деб баҳона қилган бўлиши мумкин. Унинг Грифитсга ёзган хатларига қараганда – мен буни ҳали кўрсатаман – у Бильцга, уйига жўнаб кетгандан кейин орадан уч ҳафта ўтгач, уни олиб кетиш учун Грифитс бориши лозим эди. Аммо у ваъдасига биноан, бордими? Йўқ, у бундай қилмади.

«Охири бориб, – ҳеч бир иложи қолмагандан сўнг, фақат шу боисдангина, – ўлимидан роппа-ро са икки кун олдин, олтинчи июлда Робертанинг ўз ҳузурига келишига рози бўлган. Лекин вақтини ҳам жуда топган... бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз! Айни пайтда бешинчи июндан то олтинчи июлгача эса, у бечора қизни Маймико округидаги Бильцга яқин кўримсиз, хароб бир фермага ташлаб қўяверган, у бояқиш қон-зардоблар ютиб, қўни-қўшниларининг кўмаги билан ўзига битта-яримта қўйлак ҳам тиккан, ҳатто ўшанда ҳам қиз

шўрлик бу кўйлақларни сепим, деб айтолмаган. У, Клайд мени ташлаб кетса керак, деб шубҳаланган ва бундан даҳшатга тушган. Қарабсизки, у ҳар куни, баъзан эса кунига икки марта лаб унга мактуб ёза бошлаган. Дилидаги ваҳималарини изҳор этган, унинг келиши ва ўзини олиб кетишини бир энлик хатми ёки бир оғиз сўз биланми тасдиқлашни сўраб, илтижолар қилган».

«Хўш, нима бўлди дейсиз, у мисс Олденнинг илтимосини бажо келтирдими? Битта ҳам хат ёзмаган. Битта ҳам! Э, узр, жентельменлар, узр! Бунинг ўрнига, у бир неча марта телефон орқали гаплашган: негаки телефондаги гапнинг изига тушиш ва ҳадеганда уни тушунавериш анча қийин-да. Лекин шу гаплар ҳам онда-сонда, чала-чулпа бўлганки, мисс Олден Грифитснинг ўзига аҳамият бермаётгани, ўша пайтда уни мутлақо унутиб қўйганидан зор-зор қақшаб, ҳасрат қилган. Бешинчи ҳафтанинг охирига бориб, тоқати тоқ бўлиб, сабр косаси тўлган қиз бечора ҳатто мана бундай деб ёзган (шу ерда Мейсон рўпарасидаги столда турган бир тўда хатдан бирини олди-да, ўқиб берди): «Сени огоҳлантириб қўйяпман, агар менга жума куни тушгача телефон қоқмасанг ёки ўшангача хатингни олмасам, унда Ликкуртга ўша оқшомда ёқ етиб бораман ва мени қай аҳволга солганингни одамлар бир билиб қўйсин». Шўрлик қиз пичоқ суягига қадалиб, охири айтишга мажбур бўлган сўзлар мана шулар эди, жентельменлар».

«Аммо Клайд Грифитс Робертага нисбатан номардлик қилганини ҳамма билишини истардими? Албатта, йўқ! Шунда унинг миясида бир режа туғилади, у шу режа ёрдамида ўзини фош бўлишдан сақламоқчи ва Роберта Олденнинг эса умрбод овозини ўчирмоқчи бўлади. Жентельменлар, у чиндан ҳам қизнинг овозини ўчирганини қораловчи томон сизларга исботлаб беради».

Мейсон шу ерда Адирондак тоғларининг махсус тайёрланган харитасини ёзиб кўрсатди, унда Роберта ўлгунга қадар ва ундан кейин то Клайдни Айиқ кўлида қўлга туширгунларигача у босиб ўтган йўлнинг ҳаммаси қизил сиёҳ билан белгилаб чиқилган эди. Айни вақтда Мейсон, Клайд изни йўқотиш мақсадида аввалдан обдан тайёргарлик кўриб қўйганини ҳам тушунтира бошлади: меҳмонхонада сохта ном билан ёзилишгани, иккита шляпа ва шунингдек, Фондадан Утикагача, кейин эса Утикадан Ўтлоқзор кўлигача Клайд билан Роберта бошқа-бошқа вагонларда кетишгани тўғрисида гапирди.

– Жентельменлар, мана бу нарсани унутмаганлар, – деди сўнгра Мейсон. – Гарчи, Роберта билан илгари ҳам тўй саёҳати хусусида гаплашган бўлса-да, лекин у ўз қайлиғи билан саёҳатга чиққанини биров билишини истамаган – ҳатто улар Катта мушгирга келишганда ҳам у буни истамаган. Чунки у уйланмоқчи эмас эди, балки жонига теккан қизни гумдон қилиб қўя қолиш учун кўздан чет, кимсасиз бир жой излаётган эди, холос. Бироқ бу ишлар унинг қотиллигидан бир-икки кун олдин ўша қизни қучоғида тутганча, ўзи бажаришни ақалли хаёлига ҳам келтирмаётган пуч ваъдаларини яна такрорлашига халақит берганмиди? Хўш, халақит берганмиди? Мен сизларга иккита меҳмонхонадан олинган рўйхат қоғозларини кўрсатаман, уларда иккови ҳам бир хонада истиқомат қилган эканлар, негаки бутун бўлмаса эртага уйланишлари лозим эди. Лекин бу саёҳат бир кун эмас, икки кунга чўзилганининг сабаби шунда эдики, судланувчи Ўтлоқзор кўлининг кимсасизлигига ишониб, янглишган эди. Қараса, ҳамма ёқ гавжум, диний бир мазҳабнинг ёзги жамоаси шу ерда тўпланган экан, шунда у яна ҳам хилватроқ Катта мушгир кўлига жўнашга қарор қилади. Мана, жентельменлар, кўз ўнгингизда ақд бовар

этмайдиган, даҳшатли бир манзара: гўё қўй оғзидан чўп ҳам олмаган ва одамлар ноҳақдан-ноҳақ айбдор дейишаётган ўша йигитча ҳолдан тойган, дили хун бўлган қиз бечорани чўктириб юбориш учун хилват бир қўл қидириб, у жойдан-бу жойга судраб юрибди. Тағин бу воқеа унинг она бўлишига атиги тўрт ой вақт қолганда бўлаётганини айтмайсизми?

«Кейин, охири у хийлагина кимсасиз қўлга етиб боргач, қизни яна ўша сохта исм остида «Клифорд Голден рафиқаси билан» деб ёздирган меҳмонхонадан олиб чиқиб кетади-да, қайиққа солиб ажалга қараб ҳайдаб боради. Қиз шўрлик тўй олди-дан Клайд айтган ўша ширингина сайр-томошага чиқдик, бу саёҳат муносабатимизни яхшилаб, унга фазилат бахш этади, деб ўйлагандир ўшанда, ҳойнаҳой. Муносабатларимизни яхшилаб, унга фазилат бахш этади, деб ўйлаган у!

Аммо бунинг ўрнига қўл тўлқинлари Робертанинг азиз бошини яхшилаб кўмиб юбордилару, уни азоб-уқубатдан тинчгина халос этдилар, лекин унинг умидлари рўёбга чиқмади... рўёбга чиқмади! Грифитс бўлса, ҳатто туки ҳам лат емай, ўз ўлжасининг қонига тўйган йиртқич бўри сингари айёрлик билан қочиб қолди... у шу кетишда эркинлик сари, бошқа қиз билан бўладиган тўю томошалар сари, ижтимоий ва моддий роҳат-фароғат ҳамда севги ва бахт чўққилари сари жадаллаб борар эди, ваҳоланки, бу пайтда Роберта жонсиз ва ному нишонсиз бир қиёфада сувдан бунёд бўлган ўз лаҳадида абадий уйқуга чўмиб ётар эди».

«Лекин, жентельменлар, бу дунёнинг ишлари ҳадсиз ва тубсиздир, бизнинг қисматимиз худонинг хоҳиш-иродаси-ю, унинг ёзмишига боғлиқдир, биз қанчалик уринмайлик, бари бир худонинг айтгани бўлади. Асл ҳақиқат шундаки, инсон ҳамиша интилади-ю, аммо ҳақ-ҳуқуқ эса биргина худонинг измидадир!»

«Хатто Катта мушгирдаги меҳмонхонадан кетаётганида ҳам мисс Олден яқин орада тўйимиз бўлади, деб ўйлаганини мен қаердан билганимга айбланувчи албатта ҳайрон! Аслида ҳам буни мен ҳар қандай йўл билан ҳам билолмаслигимни ўйлаб, у ўзини ўзи юпатыпти. Бироқ бутун фавқулод ва эҳтимолларни илгаридан билиш ва олдини олиш учун инсон ақли нақадар зийрак ва зўр бўлмоғи даркор! Ана, у бу ерда адвокатлари унинг шу аҳволдан эсон-омон қутулиб чиқишига ёрдам беришади, деб кўнгли тўқ бўлиб ўтирибди. (Бу сўзларни эшитганда Клайд асабий бир тарзда қаддини ростлаб қўйди, бошидаги сочлари ҳам тиккайиб стол остига яширинган қўллари қалтираб кетганини сезди.) Ўша қиз Ўтлоқзор қўлидаги меҳмонхонада онасига хат ёзгани, лекин уни жўнатишга улгуролмагани ва у Катта мушгирдаги меҳмонхонада қолдирган пальтосининг чўнтагида турганидан Грифитснинг хабари йўқ, чунки ўша кун кун иссиқ эди, шу боисдан Роберта яна қайтиб келаман, деб ҳам ўйлаган эди. Ўша хат мана бу ерда, столимда турибди».

Клайднинг тишлари такиллаб, худди иситмаси хуруж қилган одамдай дағ-дағ титрай бошлади. Ҳа, тўғри, у пальтосини меҳмонхонада қолдирган эди! Белнеп билан Жефсон ҳам энди буниси қандай бўлди, деб ўз-ўзларидан сўраб, хавотирлана бошлашди. Эҳтимол, айна шу машғум тасодиф улар ўйлаб чиққан ҳимоя режасига зарар келтирар ёки Клайдни бутунлай хароб қилар? Уларнинг фақат кутишдан бўлак иложлари қолмаган эди.

– Шу хатида, – дея давом этди Мейсон, – Роберта нима учун ўша ёққа борганини тушунтириб беради. Хўш, нимага борган экан денг, никоҳдан ўтиш учун борган экан. (Мейсон шу гапни айтганда Жефсон билан Белнеп ҳам худди Клайдга ўхшаб елкаларидан оғир тоғ ағдарилгандай енгил тортиб, хўрсиниб қўйишди, чунки бу уларга жуда ҳам қўл

келар эди.) Улар тезда, бир кун ёки икки кун ичида никоҳдан ўтишлари керак эди, – деб давом этди Мейсон, ҳамон, шу сўзларим билан Клайднинг нақ ўтакасини ёриб юбораман, деган умидда. – Бироқ Олбэними ёки Сиракузаданми, ё яна бошқа аллақайси гўрданми келган Голден ёки Грэхемнинг калласида эса мутлақо бошқача фикр юрар эди. У ўзининг қайтиб келмаслигини билар эди. Шунинг учун ҳам у бутун ашқол-дашқолларини ўзи билан бирга қайиққа солиб олган эди. Кейин у бутун кун бўйи, тушдан то қоронғигача ҳувиллаган кўлда қулайроқ жой ахтариб юрган – шундай жой бўлиши керак эдики, уни қирғоқдан туриб ҳеч ким кўролмаслиги лозим эди – буни сизларга биз исботлаб берамиз. Охири бориб гира-шира пайтда у шунақа жойни топган. Сўнгра эса бошида янги похол шляпа, қўлида топ-тоза, қуруқ жомадони билан ўрмон оралаб жанубга қараб борар экан, ўзини бутунлай хавфсиз шароитда деб сезган. Клифорд Голден ҳам энди йўқ эди. Карл Грэхем ҳам энди йўқ эди, улар фарқ бўлиб кетишган эди, улар Катта мушгир кўли қаърида, Роберта Олден билан ёнма-ён ўлиб ётишар эди. Аммо Клайд Грифитс эса тирик ва озод эди, у Ўн иккинчи кўлга, ўзи шу қадар бошларига кўтарган ўша улфатлари томонга кетмоқда эди.

«Жентельменлар, Клайд Грифитс Роберта Олденни сувга чўктириб юборишидан олдинроқ ўлдирган эди. У Робертанинг боши ва юзларига зарба тушириб, буни ҳеч ким кўрмади, деб ўйлаган. Аммо Робертанинг ўлим талвасасидаги охирги қичқириғи Катта мушгир сувлари узра янграб кетган пайтда у ерда бир гувоҳ бўлган эди, қораловчи томон ўзининг сўнги сўзини айтишидан олдин ўша гувоҳ сизларнинг олдингизга чиқади-да, ҳаммасини гапириб беради».

Мейсон ихтиёрида ўша воқеани ўз кўзи билан кўрган гувоҳ-пувоҳ йўқ эди, лекин у душман то-

монда ваҳима кўтариш имкониятидан бир фойдаланиб қолмоқчи бўлган эди.

Дарҳақиқат, натижа у кутгандан ҳам зиёда бўлиб чиқди. Шу пайтгача Клайд, айниқса, Роберта хати тўғрисидаги одамни ларзага солувчи янгликдан кейин ҳам пинагини бузмай, ўзини ноҳақдан-ноҳақ таҳқирланган одамдек тутиб ўтирган эди-ю, бироқ бу гапдан сўнг бирдан тошдай қотди – кейин бутун гавдаси ғужанак бўлиб қолди. Гувоҳ! У ҳаммасини гапириб берармиш! Э, парвардигор! Демак, ўша гувоҳ ким бўлишидан қатъи назар, қаердадир кўлнинг кимсасиз бир соҳилида яшириниб ўтирган экан-да... у ўша бехосдан уриб юборилган зарбани ҳам кўрган, Робертанинг қичқиривгани ҳам эшитган экан-да... Клайд унга ёрдамлашмаганини ҳам кўрган-да унда! Қирғоққа қандай сузиб чиққани, кейин дом-дараксиз йўқолгани... эҳтимол, у ўрмонда кийимини алмаштираётган вақтида ҳам уни кузатиб тургандир. Э, парвардигор! Клайд қўллари билан стулни чангаллаб олди, боши эса худди бировдан мушт егандай орқасига чиганиб кетди: ахир, бу ўлим дегани, уни шубҳасиз, қатл этишади! Э, худо! Бошқа энди ҳеч қандай нажот ҳам йўқ! Боши зўр-базўр қуйи эгилди, у ҳушини йўқотаётганга ўхшар эди.

Белнеп нималарнидир ёзиб олаётган эди, Мейсоннинг гапини эшитганда қўлидаги қалами аввалига тушиб кетди; кейин кўз қарашлари довдираган, гарангсиб қолган бир қиёфага кирди, чунки бу зарбани даф этишга ҳимоя томонининг ҳеч бир далили йўқ эди... Аммо у ўзини бундай тутиши – ўтакетган эҳтиётсизлик эканлигини ўша заҳотиёқ тушуниб етди-ю, ўзини ўнглаб олди. Наҳотки, шунча гапдан кейин ҳам Клайд уларни алдаса? Наҳотки, у мисс Олденни қасддан ўлдиргану, яна бунинг устига орада қандайдир ҳеч ким сезмай қолган гувоҳ ҳам бўлса? Агар шу гап рост чиқса, унда улар

бу бефойда, обрў-ҳурматлари учун хавфли ҳисобланган ишдан қандайдир бир йўлини қилиб воз кечишлари лозим бўлади.

Жефсонга келганда эса, дастлаб у ҳам эсанкираб, боши қотди. Унинг унча-мунчани писанд билмайдиган бақувват миясида ҳам ҳар хил хаёллар кеза бошлади: чиндан ҳам ўша гувоҳ бормикин, наҳотки?.. Демак, Клайд алдабди-да? Унда гап тамом, вассалом. Ахир, у Робертани урганини бўйнига олиб, буни уларга ҳам айтган эди-ку, ҳойнаҳой, ўша гувоҳ ҳам кўрган бўлса керак буни. Демак, тўсатдан рўй берган руҳий бурилиш тўғрисидаги анави олди-қочдилар ҳам энди шу билан тамом деган сўз. Ўша гувоҳнинг гапидан кейин ким ишонади бунга?

Лекин Жефсон табиатан ниҳоятда ўжар ва дадил одам бўлгани учун прокурорнинг қақшатқич зарбасидан кейиноқ дарров чекиниб қўя қолмас эди. У тарвузи қўлтиғидан тушиб кетган шерикларига ўтирилиб қаради-ю, Белнеп ва Клайднинг шахсий бўшанглигидан номус қилганча, шивирлади:

– Мен бунга ишонмайман. Менимча, у ёлғон гапиряпти ёки бизни қўрқитмоқчи бўляпти. Ҳарқалай, сабр қилсак, кўрамиз, Навбатимиз келишига анча бор. Қаранглар, ҳали қанча гувоҳлар турибди. Агар истасак, ҳафталар мобайнида қарши саволлар беравериб, унинг ваколат муддати ўтиб кетгунга қадар чўзаверишимиз мумкин. Бунга эса мингта баҳона топса бўлади, масалан, ўша гувоҳнинг кимлигини аниқлашнинг ўзига озмунча вақт кетмайдими? Бунинг устига ўз-ўзини ўлдирган, деган тахминимиз ҳам бор, аслида ҳам шундай бўлганлиги аниқ. Клайд қасам ичиб туриб, бунинг қандай юз берганини кўрсатади-қўяди: мияси кабрахтланиб, уни қутқаришга журъати етмай қолган бўлади. Буни беш юз фут наридаги масофадан бирор-бир кимса кўра олармиди, ахир... – у қовоғини очмай кулимсиради, кейин Клайдга эшиттирмай

туриб, қўшимча қилди. – Менимча, сира иложини тополмасак, у ҳолда уни йигирма йил билан қутултириб қолиш қўлимиздан келар, нима дедингиз?

XXI БОБ

Кейин гувоҳлар, гувоҳлар, гувоҳлар – бир юз йигирма етти киши сўроқ берди. Улар айтган гапларга, айниқса, врачлар, уч овчи ва Робертанинг сўнгги қичқиривини эшитган аёлнинг гапларига Жефсон билан Белнеп қайта-қайта эътирозлар билдириб туришди, чунки дадиллик билан ўйланган Клайд ҳимоясининг ҳаққонийлиги ўша гаплардаги адвокатлар сезиб қолиши мумкин бўлган ноаниқлик ва хатоларга боғлиқ эди. Шу боисдан ҳам ушбу ишни кўриб чиқиш ноябргача чўзилиб кетди, ўшанда Мейсон ғоят кўпчилик овоз билан ўзи шу қадар ошиқиб кутган судьялик лавозимига ҳам сайланди. Суд иши шунчалик қизғин, кескин тортишувлар билан ўтгани туфайли бутун мамлакатдаги кенг омма диққатини ва эътиборини тобора кўпроқ ўзига жалб этган эди.

Мухбирларнинг суд залидан берган хабарларига кўра, Клайднинг гуноҳкорлиги кун сайин ойдинлашиб борди. Бироқ у Жефсоннинг қатъий талабига бўйсуниб, қораловчи томондан чиққан ҳар бир гувоҳнинг хуружларини хотиржам туриб ва ҳатто мардона қарши олди.

– Исмингиз нима?

– Тайтус Олден.

– Сиз Роберта Олденнинг отасимисиз?

– Ҳа, сэр.

– Хўш, мистер Олден, сизнинг қизингиз Роберта қандай қилиб ва қанақанги шароитларда Ликуртта кетганини суд маслаҳатчиларига гапириб бермайсизми?

– Эътироз билдираман. Бунинг ишга алоқаси йўқ, муҳим нарса ҳам эмас, бу қонунга хилоф, – дея гапни бўлди Белнеп.

– Мен буни ушбу иш билан боғлаб бераман, – деб гап қистирди Мейсон судьяга қараб туриб, шунда судья, Тайтус жавоб қайтариши мумкин, аммо бу жавоб борди-ю, «ишга алоқаси бўлмаса», уни чиқариб ташлаш ҳам мумкин, деган қарорга келди.

– Қизим Ликуртта иш қидириб борган эди, – дея жавоб берди Тайтус.

– Нима учун у иш қидириб ўша ёққа борган эди?

Яна эътироз билдирилиб, яна ҳамма расмиятчилик қоидалари бажо келтирилгандан кейингина чолга гал беришди.

– Ҳа, биласизми, Бильц яқинидаги бизнинг фермамиз бирон марта ҳам бундай бир тузукроқ даромад келтирмаган, шу сабабли болалар бизга кўмаклашишлари керак эди, Бобби эса тўнғич қизимиз...

– Буни қарордан чиқариб ташлашни илтимос қиламан!

– Чиқариб ташлансин.

– Бобби – бу тўнғич қизингиз Робертани эркалаб айтган исмингиздир, шундай эмасми?

– Эътироз билдираман... – яна даҳанаки жанг бошланди.

– Ҳимоя томонининг эътирозини суд рад этади.

– Ҳа, сэр. Баъзан биз уни шундай ном билан атар эдик. Оддийгина қилиб Бобби деб қўя қолардик.

Клайд диққат билан тингламоқда эди; у қишлоқи бу мўйсафиднинг қовоқ уйганча ёзғиргансимон хўмрайиб қарашидан пинагини ҳам бузмай унга чидаш берди-ю, аммо ҳайрон қолди: у ўз собиқ суюклисининг эркалаб айтилган исмини биринчи марта эшитаётган эди. У уни Берта деб ҳам

атарди-ю, бироқ Роберта эса уйида ўзини Бобби дейишларини унга сира айтмаган эди.

Қарама-қарши эътирозлар, тортишувлар, судья қарорлари довули остида Олден, Мейсон раҳбарлигида ўз ҳикоясини яна давом эттирди, Роберта Грейс Маррдан мактуб олгач, қандай қилиб Ликургга жўнамоқчи ҳамда мистер ва миссис Ньютонларникида жойлашмоқчи бўлгани, унинг Гриффитслар фабрикасида қандай ишлай бошлагани, ўшандан кейин уни ота-онаси ниҳоятда кам кўргани, бешинчи июнда эса у бир оз ҳордиқ чиқариш ва ўзига бир-иккита кўйлак тикиб олиш мақсадида уйига қайтиб келгани – шулар тўғрисида гапирди.

- У эрга тегмоқчи бўлганини гапирмаган эдимиз?
- Йўқ.

Лекин у узундан-узун хатлар ёзар эди – Тайтус ўшанда у хатларнинг кимга аталганини билмас эди – кейин у нимадандир кўнгли вайрон бўлиб юрар, соғлигининг ҳам мазаси кетган эди. Тайтус икки марта унинг йиғлаб ўтирганини кўрган, бироқ индамай қўя қолган, чунки йиғлаётганини бировга сездирмасликка ҳаракат қилаётганини у пайқаб қолган эди. Уни бир неча марта Ликургдан туриб телефонга чақиришган, охириги марта эса, у жўнаб кетишидан бир кун олдин, тўртинчими ёки бешинчи июлдами чақиришган эди, буни у худди ҳозиргидай эслайди.

– Жўнаб кетаётганида у ўзи билан нима олган эди?

– Жомадон билан сандиқчасини.

– Агар ўша жомадонини кўрсатсак, сиз уни танийсизми?

– Ҳа, сэр.

– Бу ўша жомадонми? (Мейсон ёрдамчиларидан бири жомадонни келтириб, столчага қўйди.)

Олден жомадонни кўрди-ю, мушти билан кўзларини артди ва:

– Ҳа, сэр, – деди.

– Шундан кейин, – Мейсон бутун ишнинг боришини мана шунақанги ҳаяжонли таассуротлар тугдирувчи услубда давом эттириб боришга ҳаракат қилди, – Робертанинг сандиқчасини олиб келишди, уни кўрганда Тайтус Олден ҳам, хотини, қизлари ва ўғиллари – ҳаммалари йиғлаб юборишди. Тайтус сандиқчани ҳам Робертаники, деб тасдиқлагандан сўнг, жомадон билан сандиқчани очиб кўришди. Роберта тиккан кўйлақлар, ички кийимлар, туфли, шляпалар, Клайд совға қилган пардоз қути, онаси, отаси, сингиллари ва укаларининг расмлари, эскириб кетган пазандалик китобчаси, қошиқ, вилка ва пичоқлар, бувиси ҳадя этган туздон ва мурчдон – Роберта уларни бўлажак оилавий ҳаёт учун кўз қорачиғидек асраб келаётган эди – шуларнинг бари қайта-қайта кўриб чиқилди ва булар Робертаники эканлигини тасдиқлашди.

Мейсон буларнинг ҳаммасини асосий «иш» билан боғлашга ваъда бергани учун бу ишлар Белнепнинг норозилигига ҳам қарамай қилинаётган эди, бироқ Мейсон ўз сўзининг устидан чиқолмади ва шунга яраша судья ҳам ўша гувоҳликларни қарордан чиқариб ташлашни буюрди. Аммо бу ҳаяжонли манзара суд маслаҳатчиларининг ақли ҳамда қалбида чуқур из қолдириб улгурган эди. Белнеп эса Мейсоннинг устамонлик билан олиб бораётган ҳийла-найрангларини танқид қилаётганида, фақат бу жентельменнинг дарғазаб бўлиб:

– Бу ерда ўзи ким қораловчи, шуни билишни истар эдим? – дея бўкириб юборишигагина эришди, холос.

– Округимиздан судьялик лавозимига қўйилган республикачилар номзоди – ҳозирча ўша қораловчи

бўлса керак, назаримда! – деб жавоб берди Белнеп, унинг бу жавобидан гуриллаб кулги кўтарилди, Мейсон эса ўзини баттар йўқотиб, бақира кетди:

– Муҳтарам мистерлари! Мен норозилик билдираман! Бу ушбу ишга бутунлай алоқаси йўқ, сиёсий масалани беадабларча ва ғайриқонуний бир тарзда унга аралаштириб юборишга уринишдир. Бу, гўё мен округ судьяси лавозимига республикачи партиянинг номзоди бўлганим учун ушбу иш юзасидан қораловни тегишинча бетарафлик билан олиб боролмаслигимга суд маслаҳатчиларини инонтирмоқ мақсадида қилинган маккорона ва шум ниятли бир интилишдир. Мен кечирим сўрашларини талаб қиламан, акс ҳолда, бутун ишни худди шу ернинг ўзидаёқ таққа тўхтатаман!

Шундан сўнг судья Оберуолцер суд тартиб-қоидалари жиддий равишда бузилганини тушуниб етди-ю, Мейсон билан Белнепни ўз ҳузурига чақириб олди ва Белнепнинг аслида нима демоқчи бўлгани хусусидаги вазмин ва майингина изоҳларини тинглади-да, бундан кейин икковлари ҳам суд ҳайъатига ҳурматсизликда айбланишдан таҳдикага тушиб, қай йўсинда бўлмасин, сиёсий вазиятга ишора қилишга йўл қўймасликларини буюрди.

Шунга қарамай, Белнеп ва Жефсон ўзларини муваффақият билан табриклашди, уларнинг Мейсоннинг номзодлиги юзасидан ва юқори мансабга кўтарилишда Клайд ишидан фойдаланиб қолмоқчи бўлаётгани хусусида чиқарган хулосалари шу тарзда суд ва суд маслаҳатчиларининг эътиборига етказилган эди.

Кейин яна гувоҳлар кетидан гувоҳлар...

Грейс Марр Роберта билан қандай ва қаерда танишгани, у ўшанда қанақанги покиза, беғуноҳ ва художўй бир қиз бўлгани, Крам кўлида Клайд иккаласи учрашгандан сўнг эса у мутлақо ўзгариб

кетгани тўғрисида бурро-бурро, лекин эзмаланиб гапириб берди. Роберта ичимдагини топ дейдиган, гапни чалғитадиган, сирли саргузаштларини хаспўшлаш учун турли хил ёлғон-яшиқ баҳоналар ахтарадиган қизга айланиб қолибди, масалан, кечқурунлари у уйдан чиқиб кетар экан-да, алламаҳалда қайтиб келар экан, шанба ва якшанбада фалон жойга бордим, дер экану, суриштириб келса у ерга мутлақо бормаган бўлиб чиқаркан ва ниҳоят, Грейс унга ўзининг норозилигини айтмоқчи бўлиб турган бир пайтида Роберта тўсатдан уларникидан кетиб қолибди-ю, ҳатто манзилени ҳам бермабди. Шуларнинг ҳаммасига бир эркак айбдор экан, ўша эркак Клайд Грийфитс экан. Бир гал тунда Грейс Робертанинг орқасидан пойлаб борибди – бу ўтган йилнинг сентябри ёки октябрида бўлган экан – қараса, Гилпинларнинг уйи яқинида Клайд иккаласини кўрибди. Улар дарахт остида туришган экан, Клайд уни қучоқлаётган экан.

Шу ерда Жефсоннинг таклифига биноан, гувоҳни Белнеп сўроқ қила бошлади, у Грейсга макрли саволлар бериб, Роберта Ликургга келган вақтда, мисс Марр таърифлаётганидек, чиндан ҳам ўтакетган художўй ва серҳиммат қиз бўлганмиди ёки йўқми, шунини аниқлаб олишга уринарди. Лекин сўлгин, жаззаки мисс Марр эса, ҳарқалай, Роберта Клайд билан Крам қўлида учрашгунга қадар, мен уни ҳалоллик ва покликнинг рамзи сифатида билардим, деб қайта-қайта уқтирарди.

Сўнгра бу гапни Ньютонлар ҳам қасам ичиб туриб тасдиқлашди.

Кейин Гилпинлар – хотини, эри ва қизлари – бунинг устига ҳар бири алоҳида-алоҳида қасам ичган ҳолда фақат ўзлари кўрган ва эшитганларини гапириб беришди. Миссис Гилпин, Роберта шу жомадони ва сандиқчасини кўтариб, уларникига

қандай кириб келгани, одамлардан қочиб, ёлғизликда яшагани, ниҳоят миссис Гилпин Робертага ачинганидан бир оз унга кўнглини кўтариш имконини бериш мақсадида уни ўзиникига таклиф қила бошлагани, аммо Роберта эса ҳар гал буни рад этганларини эслаб гапирди. Лекин кейинроқ, ноябрнинг охирларига бориб, (тўғри, бунақанги ёқимтой, камсуқумгина қизга аччиқ сўз айтишга миссис Гилпиннинг бирон марта ҳам журъати етмаган эди) у ва иккала қизи, Роберта гоҳо-гоҳо соат ўн бирлардан ошганда ўз хонасида кимнидир қабул қилишини сезиб қолишган, бироқ унинг кимлигини эса миссис Гилпин билмаган. Белнеп тагин қайта саволлар бериб, Роберта уни гувоҳлар таърифлашаётгандай у қадар нуқсонсиз сипо қиз эмас эди, деган маъно чиқариб, шундай эътироф ва маълумотларни қўлга киритиб олишга тиришиб кўрди-ю, аммо бундан иш чиқмади. Миссис Гилпин ҳам, худди эрига ўхшаб Робертага ниҳоятда меҳр қўйган эди, фақат Мейсоннинг, кейин эса Белнепнинг зўрлови остидагина у Клайднинг бемаҳал келиб-кетишларини сўзлаб беришга мажбур бўлган эди.

Сўнгра уларнинг тўнғич қизлари Стелла гувоҳлик берди. Роберта уларникига кўчиб келгач, орадан сал ўтмай, октябрнинг охирими ёки ноябрнинг бошларидами, у (Стелла) уйига қайта туриб, Робертани қандайдир бир бегона киши билан бирга кўрибди, энди билсаки, ўша одам мана, Клайд экан; улар уйдан юз қадамча нарида туриб, афтидан жанжаллашаётган эканлар. Стелла қадамини секинлатиб, қулоқ солибди. Ҳамма гапни эшитмабди-ю, бироқ Мейсоннинг ёрдамчи саволлари кўмагида, у, Роберта ўз хонасига Клайднинг киришини истамаганлигини эслаб гапирди: «Бундай қилиш яхши эмас», деган экан Роберта. Клайд туриб-туриб, охири шарт бурилиб жўнаб кетибди,

Роберта эса худди «қайт, қайт» дегандай қўллари-ни чўзганча қолаверибди.

Клайд ҳайратга тушган кўйи кўзлари бақраяр-ди, холос. Ахир, ўша кунлари, аслида эса Робер-та билан танишганимдан бери ҳам бизни ҳеч ким кўрмаяпти, деб хаёл қилиб юрардида. Бу гувоҳли-клар эса Мейсоннинг кириш нутқида айтиб ўтил-ган кўпгина айбларни, сўзсиз, тасдиқлаб берар эди: демак, у қасддан, ўз қилмишининг ҳақиқий моҳиятини тўла тушунган ҳолда Робертани ис-тамаган ишига мажбурлаб кўндирган эканда?! Бунақанги гувоҳликлар, эҳтимол, судьяни ҳам, шунингдек, суд маслаҳатчиларини ҳам ва кўпчи-лиги қишлоқи бўлган қолоқ урф-одат ҳамда ху-рофот-бидъатларга муккасидан кетган мана бу маҳаллий аҳолини ҳам Клайдга қарши гижгижлаб қўйса керак. Буни тушунган Белнеп Стеллани га-пидан адаштириб, айна Клайднинг ўзини кўрга-ни ё кўрмаганлигига уни иккилантирмоқчи бўлди. Лекин қош қўяман деб, кўз чиқарди. Стелла яна янги маълумотларни ҳам айтиб берди: бир мар-та ноябрдами ёки декабрнинг бошларидами, боя айтиб ўтилган воқеадан кейин орадан сал ўтмай, Клайд қандайдир бир қутичани қўлтиғига қисти-риб олганча Роберта остонасида пайдо бўлибди-да, эшикни тиқирлатиб ичкарига кирибди. Ўшанда Стелла бу йигит ҳув анави ойдинли тунда Роберта билан уришиб турган кишининг худди ўзгинаси эканини аниқ танибди.

Стелладан сўнг Уигэм, унинг кетидан Лигет гувоҳ-лик бериб, Клайд ва Робертанинг қайси кунда иш бошлаганларини, шунингдек, бошлиқлар ва хизмат-чи аёллар ўртасидаги ўзаро алоқага оид қонданнинг мавжудлигини ҳам тасдиқлаб ўтишди. Уларнинг гувоҳлигига қараганда, Клайд билан Робертанинг хулқи ўша пайтда бутунлай нуқсонсиз бўлган: улар

ҳатто бир-бирларига назар ташламагандай кўринишарди, сирасини айтганда, бошқаларга ҳам қайрилиб боқишмасди (бу сўзларни Лигет айтди).

Яна гувоҳларга сўз берилди. Миссис Пейтон ўз уйида Клайд яшаган вақтига доир нималарни билса – ҳаммасини ва унинг кибор дўстлари тўғрисида ҳам гапирди, чунки миссис Пейтон унинг ўша улфатларидан хабардор эди. Миссис Олден эса ўз сўзида ўтган йили рождество пайтида Роберта, бошлиғи, фабрика хўжайинининг жияни – Клайд Грифитс унинг кўнглини овламоқчи бўлиб юрганини, аммо ҳозирча бунини сир тутиш лозимлигини бўйнига олганини айтди. Фрэнк Гарриэт, Харлей Бэгот, Трейси Грамбал ва Фредди Сэлслар ўтган йилнинг декабрида Клайдни ўзлари турли хил сара зиёфатлар ва кечаларга доимий равишда таклиф қилаверганларини гапиришди, Скенэтедида яшовчи доричи Жон Ламберт, чамаси январда унга бир йигит мурожаат этиб – энди кўрса, у мана бу айбланувчининг худди ўзгинаси экан – бола туширадиган бирор дори беришини илтимос қилганини сўзлади. Орин Шорт, январнинг охирида Клайд ундан, эри бор ёш бир аёлга ёрдами тегадиган бирор-бир врачни билмайсизми, деб сўраганини айтди, у Грифитс фабрикасидаги хизматчилардан бирининг хотини экан; ўша хизматчи Клайдга маслаҳат солган экан, чунки у ва хотини ниҳоятда қашшоқ бўлганликлари учун бола кўришни истамаган эканлар. Кейин Глен доктор ўзиникига Робертанинг кириб боргани, уни газеталарда босилган расмидан танигани ҳақида сўзлаб берди ва шифокорлик қонунига кўра, унинг илтимосини қондиролмаганини ҳам қўшиб қўйди.

Сўнгра Олденларнинг қўшниси – фермер С. Б. Уилкокс ўз гувоҳлигида, тахминан йигирма тўққизинчи ёки ўттизинчи июнларда, айни у ошхона-

далик пайтида, Робертани шаҳарлараро телефон орқали Ликургдан бир одам чақиргани, у ўзини Бейкер деб танитгани, Роберта эса унга: «Лекин, Клайд, мен бунчалик узоқ кутолмайман. Ўзинг биласан-ку, иложим йўқ. Буни истамайман ҳам», деганини эшитиб қолганини гапириб берди. Робертанинг овози безовта ва ранжиган бир оҳангда эшитилибди. Мистер Уилкоккс «Клайд» деган исмни жуда яхши эслаб қолган экан.

Айни шу Уилкоккснинг қизи, пак-пакана, семиз ва «ш-ш»лаб гапирувчи Этел эса, шундан олдин унинг ўзи уч марта бошқа шаҳардан қилинган қўнғироққа жавоб бергани ва кейин Робертани чақириб келишга чопгани, ҳар гал Ликургдан Бейкер исмли киши телефон қоққанини қасам ича туриб тасдиқлаб ўтди. Бир марта Роберта уни Клайд деб атаганини ҳам у эшитган экан. Роберта яна, ҳар қандай шароитда ҳам бунчалик узоқ кутолмайман, деганини ҳам эшитибди, лекин у бу билан нимани назарда тутган – Этел буни тушунмаган экан.

Кейин қишлоқ почтачиси Рожер Бин гувоҳлик бериб, еттинчи ёки саккизинчи июнь билан тўртинчи ёки бешинчи июль ўрталарида у Робертанинг ўзидан ҳамда Олденлар фермаси яқинидаги чорраҳага ўрнатилган почта қутисидан ўн бештача хат олгани ва уларнинг кўпчилигига Клайд Гриффитсга, Ликург, Бош почтаamt, йўқлаб олувчига, деб йўлланганини гапирди.

Сўнгра Ликург бош почтаmtининг хизматчиси Эймос Шоуолтер, эслашича, еттинчи ёки саккизинчи июнь билан тўртинчи ёки бешинчи июль ўрталарида Клайд ўз номига келган мактубларни суриштирди ва ўн беш ёки ўн олтитача хат олиб кетди, деб гувоҳлик берди.

Унинг кетидан Ликург бензин қўйиш бекатининг мудирини Р. Т. Бигген сўзлаб, олтинчи июль

эрталаб, соат саккизларга яқин Филдинг авенюда кета туриб (шаҳарнинг ғарбий четидаги Ликург-Фонда электр темир йўл бекатига олиб чиқадиган кўча), кулранг костюм ва похол шляпада Клайдни кўриб қолдим, деб айтди, қўлида жигар ранг жомадони ҳам бор экан; жомадонга ён томондан фотография апаратининг сарғиш оёқчалари ва яна алланимадир, эҳтимол, соябонми, камар билан боғлаб қўйилган экан. Клайд яшайдиган жойни билгани учун, унинг шу ергача пиёда келаётганини кўриб, у ҳайрон бўлибди, чунки у уйининг шундоқ олдидаги Сентрал авенюдан поездга тушиб олиши ҳам мумкин экан. Белнеп қайта сўроқ жараёнида, тахминан икки юз қадамча нарида турган гувоҳ қандай қилиб нақ аппарат оёқчаларини кўрганига кафил бўла олади, деб суриштиришга уринган эди, аммо Бигген: ҳа, аппарат оёқчалари эди, мис мурватли сап-сарик ёғоч оёқчалар эди, деб ўз айтганида туриб олди.

Ундан кейин Фонда бекатнинг бошлиғи Жон У. Трошер гувоҳлик бериб, олтинчи июлда эрталаб (у бунни аниқ эслайди, чунки ўша пайтда у баъзи бир ишига доир ёзув-чизувларини саранжомлаб ўтирган экан) Роберта Олден келиб, ундан Утикагача чипта олганини гапирди. У мисс Олденни танир экан, негаки ўтган қишда ҳам уни уч-тўрт марта кўрган экан. У ҳолдан тойган, назарида деярли бетобдек туюлибди, бу ерда унга кўрсатишгани худди анавинга ўхшаш жигар ранг жомадон кўтариб олган экан. У судланувчини ҳам таниётган эмиш, унинг ҳам қўлида жомадони бор экан. Трошер ўшанда судланувчининг Робертага зиғирдай эътибор берганини ёки у билан гаплашганини кўрмаган экан.

Сўнгра Фонда билан Утика ўртасида қатновчи поезднинг кондуктори Куинси Э. Дейл Клайдни

танигани, ўшанда уни кейинги вагонларнинг бирида кўрганини айтди. У Робертани ҳам кўрган экан, кейин уни газеталарда босилган расмидан танибди. Ўшанда Роберта унга қараб майин кулимсираб қўйган экан, кондуктор бўлса бу жомадонинг ҳарқалай сенга оғирлик қилса керак, мен тормозчи кондукторлардан биронтасига айтаман, Утикага борганинга сенга қарашиб юборар, дебди. Роберта эса унга ташаккур билдирибди. Кондуктор Робертанинг Утикада тушиб вокзал дарвозасидан кириб кетганини ҳам кўрибди, Клайдга эса у ерда кўзи тушмаган экан.

Шундан кейин, Робертанинг Утика бекати омборхонасида анча вақт қолиб кетган сандиқчаси кўриб чиқилди. Сўнгра, меҳмонхона бошқарувчиси Жерри Керносян томонидан Утика меҳмонхонасида тўхтаб ўтганларнинг рўйхати ёзилган дафтарча саҳифалари ҳам кўздан кечирилди; олтинчи июль куни рақами остида: «Клифорд Голден рафиқаси билан» деган ёзув турар эди. Мутахассислар шу ернинг ўзида бу ёзувни Ўтлоқзор кўли ва Катта мушгир кўлидаги меҳмонхоналарнинг рўйхат дафтарчаларидаги ёзувлар билан солиштириб кўришгач, учала дастхат ҳам битта одамга тегишлилигини қасам ича туриб тасдиқлашди. Кейин бу дастхат Робертанинг пардоз қутисидан топилган бир энлик таклиф қоғозига битилган ёзув билан ҳам қиёслаб кўрилди, бу белгилар барча суд маслаҳатчилари томонидан галма-галига синчиклаб қараб чиқилди, шунингдек, Белнеп ва Жефсон ҳам, гарчи улар таклиф қоғозидagi ёзувдан бошқасини аввал кўрган бўлсалар-да, яна қайтадан қараб чиқишди. Ашёвий далилларнинг яшириб қолингани, яъни прокурорнинг шу ножўя, гайриқонуний ва шармандали кирдикори муносабати билан Белнеп қайтадан эътироз билдирди.

Бу масалада узундан-узоқ кескин тортишувлар бўлиб ўтди-ю, шу билан суд муҳокамасининг ўнинчи куни ҳам тугади.

XXII БОБ

Ундан кейин, ўн биринчи кунда, Утикадаги меҳмонхона клерки Фрэнк Шефер Клайд билан Роберта меҳмонхонага қандай кириб келишгани, айна пайтда улар ўзларини қандай тутишгани ва икковлари учун Клайд: «Сиракузалик мистер ва миссис Клифорд Голден» деб қўл қўйганини эслаб гапирди. Унинг кетидан Утикадаги газмол дўкони ишбошиларидан бири Уоллес Вандергоф похол шляпа сотиб олаётганда Клайднинг афт-ангори ва ўзини тутиши қандай бўлганлигини таърифлаб берди. Сўнгра, Утика билан Ўтлоқзор қўли ўрта-сида қатнайдиغان поезд кондукторини сўзлатишди. Ўтлоқзор қўлидаги меҳмонхона хўжайини ва меҳмонхона официанткиси Бланш Петинжил ҳам гувоҳлик бериб, Клайд тушлик таом вақтида Робертага бу ерда никоҳдан ўтишга рухсат йўқ экан, яхшиси, эртагача, яъни бошқа бирор жойга етиб боргунимизча кутайлик, деганини эшитиб қолганини айтди. Айниқса, шу гувоҳлик анча нохуш эди. Чунки Клайд, тузилган режага кўра, эртаси куниёқ Робертага ичидаги бор гапини айтиб берган бўлиши керак эди, лекин кейинига Жефсон билан Белнеп, бу эътирофгача ҳам орада анча-мунча илк босқичлар бўлган эди, дейилса тўғри келар, деган қарорда тўхташди. Официаткадан сўнг, Клайд билан Роберта Қуролсозгача тушиб боришган поезднинг кондуктори гапирди. Ундан кейин эса, йўл кўрсатувчи ва автобус ҳайдовчисига сўз тегди, у Клайднинг одам гавжумми, деб ғалати савол бергани ва биз қайтиб келамиз, деб Робертанинг жо-

мадонини ташлагани ҳолда, ўзиникини эса олиб кетаверганини сўзлаб берди.

Сўнгра Катта мушгир кўлидан меҳмонхона хўжайини, қайиқчи, Клайдни ўрмонда учратиб қолган анави уч овчи ҳам гувоҳлик беришди, айниқса, ўшаларнинг гапи Клайдга оғир бўлди, чунки улар, дуч келганимизда у бутунлай ўзини йўқотиб қўйди, деб айтишди. Кейин эса қайиқ ва Робертанинг жасадини қандай топишганини, Хейтнинг етиб келгани ҳамда Роберта пальтосининг чўнтагидан қандай қилиб хат топиб олишгани тўғрисида гапирилди. Шуларнинг ҳаммасини ўнлаб гувоҳлар тасдиқлаб ўтишди. Сўнгра пароход капитани, қишлоқлик қиз, Крэнстонлар ҳайдовчиси; Клайднинг Крэнстонлар чорбоғига келиши ва ниҳоят (бунинг устига қасам ичилгандан кейингина ҳар бир босилган қадам хусусида гувоҳлик берилар), Клайднинг Айиқ кўлига саёҳатга кетиши, унинг изидан тушилиб, қўлга олинishi – шу босқичларнинг ҳаммаси ва Клайд ўша пайтда айтган гаплар бирин-сирин ўртага ташлана бошланди: шуларнинг бари Клайд учун анча-мунча ноқулайлик тугдирар эди, чунки бу унинг сохтагарчилиги, носамимийлиги ва даҳшатга тушаётганини фош этиб қўяётган эди.

Аммо Клайд учун энг хавфлиси ва энг ёмони, шубҳасиз, фотография апаратыга ва унинг оёқчаларига ҳамда улар қандай вазиятда топилганига оид гувоҳликлар бўлди. Бунга Мейсон катта умид боғлаб, айбини шу билан бўйнига қўйдиранман, деб ўйлаётган эди. Биринчи галда у, Клайд, бу аппарат ва оёқчаси меники эмас, деб ёлғончилик қилганини исботламоқчи бўлди. Шу мақсадда у аввалига Эрл Ньюкомни чақирди, у қасам ича туриб айтдики, у, Майсон, Хейт ва текширувнинг бошқа иштирокчилари билан Клайдни жиноят содир бўлган Катта мушгир кўлига олиб боришган

ўша куни, у, яъни Ньюком ва Бил Суортс деган ўша жойлик бир одам иккаласи (у ҳам бу ерда ҳали гувоҳлик беради) бута ва ағанаб ётган дарахтларнинг орасини титкилаб юришиб, соҳил ёқасидаги қулаган бир гўла остига қўйилган аппарат оёқчаларига дуч келиб қолишибди. Кейин Ньюком Мейсоннинг сўроқларига жавоб қайтара туриб (Белнеп билан Жефсон эътироз билдиришга уриниб кўришган эди, бироқ судья уларнинг эътирозини ҳар гал қайтариб ташлайверди). Клайддан фотография апарати ёки аппарат оёқчаси бўлганмиди сизда, деб сўрашгани, у эса, йўқ, деб жавоб берганини ҳам қистириб ўтди. Ньюкомнинг гувоҳлигини эшитгач, Белнеп билан Жефсон ўзларининг ниҳоятда газабланганликларини билдирдилар.

Шундан сўнг ўша заҳотиёқ судга Хейт, Бэрлей, Слэк, Краут, Суэнк, Сиссел, Бил Суортс, ер ўлчовчи Руфус Форстер ва Ньюкомлар имзо чеккан қарорни тақдим этишди; бу ҳужжатда таъкидланишича, Клайдга аппарат оёқчаси кўрсатилиб, бу сизники эмасми, деб савол берилганда, у буни «кескин тарзда, қайта-қайта рад этган» экан. Хуллас, охири бориб-бориб, судья Оберуолцер бу гувоҳликни суд қароридан чиқариб ташлашни буюрганда ҳам, Мейсон бунинг ғоят муҳимлигини бор кучи билан таъкидлаш мақсадида дарров қўшимча қилди:

– Майли, муҳтарам мистерлари, лекин менда яна бошқа гувоҳлар ҳам бор, улар ушбу ҳужжатда ёзилган нарсаларни ва ҳатто ундан зўрларини ҳам қасам ичган ҳолда тасдиқлаб беришлари мумкин. – Ўша заҳотиёқ у: – Жозеф Фрейзер! – деб чақирди.

Гувоҳлар учун ажратилган жойда спорт анжомлари, фотография апаратлари ва шунга ўхшаш ашқол-дашқоллар билан савдо қилувчи дўкондор пайдо бўлди-да, қасам ичди ва майнинг иккинчи ярмида айбланувчи Клайд Грифитс, (дўкондор уни

танир экан, исмини ҳам билар экан) Сэнк фирмасынинг $3^{1/2} \times 5^{1/2}$ ҳажмидаги фотография аппаратыни оёқчаси билан бирга ундан қарзга олиб кетганини айтди. Кейин ҳозир қўлига беришган аппарат ва сарғиш аппарат оёқчасини диққат билан кўриб, ундаги рақамларни дафтарчасидаги белгиларга солиштириб чиққач, мистер Фрейзер, айти шу нарсаларни у Клайдга сотганини тасдиқлади.

Клайд донг қотиб қолган эди. Демак, аппаратни ҳам, оёқчасини ҳам топишибди-да? Тағин бу, Клайднинг менда ҳеч қандай аппарат бўлган эмас, деган гапидан кейин-а! Энди бу ёлғончиликни суд маслаҳатчилари, судья ва бутун жамоат қандай баҳолашди? Арзимаган мана шу аппарат устида алдамчилик қилгани ҳам очилиб ўтирибди-ю, унда руҳий бурилиш юз берганига энди ким ишонади? Яхшиси, у бошдан оқ ҳаммасини бўйнига олиб қўя қолгани тузук эди.

Аммо у шу ҳақда бош қотириб турган пайтида, Мейсон Саймон Дожа деган ёшгина бир ўрмон кесувчини чақирди, у, сувдан Робертанинг жасадини олиб чиққан Жон Поль иккаласи, прокурорнинг илтимосига биноан, ўн олтинчи июль – шанба куни, марҳуманинг танаси топилган жойда бир неча марта сувга шўнғиб кўришганини ва охири бориб у фотография аппаратыни топишга муваффақ бўлганини сўзлаб берди. Шу заҳотиёқ ўша аппаратни Дожага кўрсатишган эди, у таниди.

Шундан сўнг, дарров ўша топилган аппаратга алоқадор бўлган, бироқ шу пайтгача эслатилмай келинаётган плёнка масаласига кўчилди: у сувдан олиниб, дорига солиб ишловдан чиқарилгач, энди ашъвий далиллар қаторига қўшиб қўйилган эди; тўрттала расмда Робертага айнан ўхшайдиган бир аёлнинг аксини кўриш мумкин эди, иккитасида эса Клайдни осонгина таниса бўлар эди. Белнеп

буларни на рад эта олди-ю ва на далилий исботлар қаторидан чиқаришга ҳам қурби етди.

Кейин ўн саккизинчи июнда Крэнстонларнинг Шейрондаги чорбоғида меҳмон бўлган (Клайд ҳам ўша ерга айни биринчи марта борган пайти эди) Флойд Тэрстон гувоҳлик бериб, ўша куни Клайд кўриниши ва катталиги тахминан бу ерда унга кўрсатганларига ўхшаш аппарат билан бир неча марта расм олганини гапирди. Аммо у, ҳозир кўргани айнан ўша аппаратмиди ёки йўқми, буни аниқ айтолмагани учун унинг гувоҳлиги қарордан чиқариб ташланди.

Ундан сўнг Ўтлоқзор қўлидаги меҳмонхона хизматчиси Эдна Пэттерсонга сўз тегди, у еттинчи июль куни кечқурун Клайд ва Робертага ажратилган хонага кирсам, Клайд қўлида аппарати билан турган экан, эслашимча, унинг катталиги ва кўриниши ҳам мана шу ҳозир олдимда турган аппаратга ўхшар эди, деди. Ўша пайтда у аппарат оёқчаларини ҳам кўрган экан. Атрофида юз бераётган воқеаларни галати бир эсанкираш билан кузатаётган Клайд бу қизнинг ўшанда хонага қандай кириб келганини ҳам хотирлади. У оғир бир ажабланиш ҳисси билан ўйлади: кутилмаган, бир-бирини ҳатто тушида ҳам кўрмаган бу хилма-хил гувоҳлар, яна орадан шунча вақт ўтиб кетганига қарамай, шу қадар мустаҳкам ашъвий далиллар занжирини ярата олганлари чиндан ҳам қизиқ эди!

Кейинги кунларда, Робертанинг жасади Брижбургга олиб келинганда Мейсон томонидан чақиртирилган беш врачнинг гувоҳлиги тингланди, айни вақтда Белнеп билан Жефсон чарчаш нималигини билмай, қайта-қайта улар айтган фикрларга қаршилик билдириб туришди; врачлар эса ҳаммалари ҳам галма-галига қасам ичиб, Робертанинг юзи ва бошидаги жароҳатлар, агар бунга унинг жисмо-

ний аҳволи ҳам қўшилса, уни бемалол ҳушидан кетказган бўлиши мумкин, деб таъкидлаб ўтишди. Марҳума ўпкасининг ҳолати (уни сувга чўктириб синаб кўришди) шуни тасдиқлайдики, қайиқ раҳидан сувга ағанаб тушаётган пайтида Роберта ҳали тирик эди, тўғри, у ўша вақтда ҳушини йўқотган бўлиши ҳам мумкин. Бу жароҳатларни келтириб чиқарган буюм масаласига келганда эса, врачлар: у қандайдир қаттиқ нарса бўлган, дейишдан бўлак бирор-бир тузукроқ тахмин айтишга ҳам журъат этолмадилар. Белнеп билан Жефсон ўзларини ҳар қанча жиддий тутиб, анча-мунча инжиқлик қилсалар ҳам, бари бир туширилган зарбалар Робертани гарангситиб, ҳушини йўқотар даражада кучли бўлмагандир, деган фикрни врачларнинг бўйнига қўёлмадилар... афтидан, энг ёмони чаккасидан тепароқдаги жароҳат бўлса керак, у анча ичкарига ботиб кирган ва ўша жойда қон қуйилиб қолган эди. Бунга ашъвий далил сифатида фотография расмларини чиқариб кўрсатишди.

Ҳам жамоатни, ҳам суд маслаҳатчиларини чуқур, зилдай ҳаяжон қамраб олган мана шу серғулу пайтни пойлаб туриб, Робертанинг жасади Хейт, врачлар ва ака-ука Луцлар ихтиёрида бўлган вақтида олинган унинг жуда кўп расмларини намоиш қилишди. Юзидаги моматалоқ-яранинг катталиги фотография аппаратининг икки қиррасига тенг келишини ҳам кўрсатиб беришди. Шундан кейин Бэртон Бэрлей қасам ичган ҳолда, аппарат объективи билан қопқоғи орасида Робертанинг сочига бутунлай ўхшаш (ҳарқалай ўхшашлигини Мейсон тўхтовсиз равишда таъкидлар эди) икки тола соч топиб олганини гапириб берди. Неча соатлаб чўзилган мажлис давомида бунақанги далилу ашълардан тоқати тоқ бўлиб, ғазаби қайнаб ўтирган Белнеп гап шу ерга келганда энди уларни аччиқ истеҳзо билан рад этишга уриниб кўрди: ўзи-

нинг ҳурпайиб кетган оқиш сочидан бир толасини шарт юлди-ю, суд маслаҳатчилари ва Бэрдейдан, ҳар қандай одамнинг ҳам сочининг рангини бит-тагина толасидан билса бўлади, деб сизлар дадил тасдиқлайсизларми, акс ҳолда, бу тола ҳам нақ Робертанинг бошидан юлиб олинганига сизлар нега ишонмас экансизлар, дея савол ташлади.

Сўнгра Мейсон миссис Ратжер Донегью исмли гувоҳни чақирди, у ниҳоятда хотиржам ва текис бир оҳангда, саккизинчи июль куни кечқурун, соат беш ярим билан олти ўрталарида у ва эри Ҳилол кўрфази яқинида чодир қуришганини маълум қилди, кейин эса сайр этиб, балиқ тутиш мақсадида қайиққа тушиб жўнаб кетишибди, улар соҳилдан тахминан ярим милча нарига, Ҳилол кўрфазини шимол тарафдан тўсиб турган сердарахт бурундан чорак милча берига борганларида миссис Донегью қичқириқ эшитиб қолибди.

– Беш ярим билан олти ўртасида деяпсизми?
– Ҳа, сэр.
– Қайси куни эди ўзи?
– Саккизинчи июль.
– Ўша пайтда, аниғини айтганда, қайси жойда эдингиз?

– Биз ўшанда...
– «Биз» эмас. Шахсан ўзингиз қаерда эдингиз?
– Мен эрим билан бирга қайиқда кўлнинг анави, Қуйи кўрфаз деб номланган томонидан сузиб ўтаётган эдик, шундай номланишини ҳам кейин билдим.

– Хўш. Энди айтинг-чи, кейинига нима бўлди?
– Биз кўрфазнинг ўртасига сузиб борганимизда кимдир қичқирганини эшитиб қолдим.

– Қандай қичқириқ?
– Юракни эзиб юборадиган, худди кимдир жони оғрибми... ёки даҳшатга тушибми, қичқираётганга

ўхшар эди... Бамисоли қулоқни тешгудек қичқириқ эди, кейин мен уни сира унутолмадим.

Шу ерда Белнеп ўрнидан туриб, сўнгги жумлани қарордан чиқариб ташлашни тавсия этди, кейин уни ўчириб ташлаш тўғрисида буйруқ қилинди.

– Ўша қичқириқ қайси томондан эшитилди?

– Олисдан. Ўрмонданми ёки эҳтимол ундан ҳам узоқларданми...

– Ўшанда сиз туртиб чиққан буруннинг нариги ёғида ҳам кўрфазми ёки қўлтиқчами борлигини билармидингиз?

– Йўқ, сэр.

– Хўш, ўшанда соҳил бўйидаги ўрмонда қичқиришаётганини нима деб ўйладингиз?

(Суд ҳимоя томонининг эътирозини қабул қилди).

– Қани, энди бизга айтиб беринг-чи, ким қичқирган эди – эркак кишими ёки аёлми? Кейин нима деб қичқирган эди?

– Аёл киши қичқирди. Қичқириқ, шубҳасиз, олисдан келса ҳам, аммо қулоқни тешгудек, аниқ эшитилди. У икки марта қичқирди – худди одамнинг жони қаттиқ оғригандаги каби: «Вой-вой!» ёки «О-оҳ!» дегандай бўлди назаримда.

– Эркак киши эмас, айна аёл қичқирди, деб мабодо янглишмаяпсизми, ишончингиз комилми шунга?

– Янглишаётганим йўқ, сэр. Бунга астойдил ишонаман. Аёл кишининг овози эди, эркак ёки ўғил бола бунақа қаттиқ қичқиролмайди. Фақат аёл кишигина шунақа қичқири олиши мумкин.

– Тушунарли. Миссис Донегью, энди айтинг-чи... харитадаги мана бу нуқта Роберта Олден жасади топилган жойни билдиради, кўряпсизми?

– Ҳа, сэр.

– Мана бу дарахтлар орқасида турган иккинчи нуқтани ҳам кўряпсизми, у тахминан сизнинг қайиғингиз қаерда бўлганини кўрсатади?

– Кўряпман, сэр.

– Ўша овоз манави белгилаб қўйилган Ҳилол кўрфазидан келгандай бўлиб туюлдими сизга?

(Эътироз билдирилди. Эътироз қабул қилинди.)

– Қичқириқ яна такрорландими?

– Йўқ, сэр. Мен кутиб турдим. Бундан ташқари, мен ўша қичқириққа эримнинг ҳам диққатини жалб этдим, биз икковлашиб кутдик, аммо бошқа чурқ этган ҳам овоз чиқмади.

Сўнгра уни Белнеп сўроқ қила бошлади, у оғриқнинг зўридан эмас, балки даҳшатга тушишдан ҳам қичқириш мумкинлигини исботлашга ошиқар эди; у миссис Донегьюни яна бир бошдан сўроққа тутса ҳам, на унинг ўзини ва на гувоҳликка чақирилган унинг эрини ҳар қанча уринганда ҳам иккилантиролмаслигига имони комил бўлди. Улар ўша аёлнинг қичқириғи ўзларида гоят чуқур, унутилмас таассурот қолдирганини таъкидлашар эди. Қичқириқ уларни сира тинч қўймабди, чодирга қайтиб келганларида ҳам нуқул ўша ҳақда гаплашишибди. Қоронғи тушгани учун эри овоз келган жойни қидирмай қўя қолибди, миссис Донегьюга эса худди ўрмонда аёл ёки қиз болани ўлдиришгандай бўлиб туюлаверибди ва шу боисдан бу ерда ортиқча қолишни исташмабди-да, эртаси куни эрталабоқ бошқа қўлга қараб йўл олишибди.

Дэм қўлидаги лагерда хизмат қилувчи адирондаклик йўл кўрсатувчи Томас Баррет эса мана бундай гувоҳлик берди: у миссис Донегью айтган вақтда қирғоқ бўйлаб Катта мушгир меҳмонхонасига кетаётган экан, тахминан аввалги гувоҳ айтган жойда у қайиқда сайр этиб юрган эркак киши билан аёлнигина эмас, балки қўлтиқнинг қуйироқ соҳилида ўша саёҳатчилар қурган чодирни ҳам кўрибди. Яна у, Ҳилол кўрфазидидаги қайиқни четдан туриб, ҳеч қардан кузатиб бўлмайдди, мабодо, шундоқ кўрфазга

кираверишгача борилса, унда бошқа гап, деб қўшимча ҳам қилди. Қўлтиққа олиб кирадиган йўлак эса ниҳоятда тор, шу сабабли кўрфаз кўлдан қараганда мутлақо кўринмайди. Тагин бошқа айрим гувоҳлар ҳам бу фикрни тасдиқлаб чиқишди.

Шу пайт (бу ҳаяжонли дақиқа аввалдан пишитилиб, атайлаб мўлжаллаб қўйилган эди), ботаётган қуёш нурлари баланд, тор суд зали пештоқларида бирин-сирин ўчиб бораётган бир вақтда Мейсон кетма-кетига Робертанинг хатларини ўқишга тутинди, у оддийгина қилиб, зўр бермасдан, аммо ачиниб ва чуқур тўлқинланиб ўқий бошлади, у бу хатларни биринчи марта ўқиганида ҳам худди шундай ачинган ва ҳаяжонга тушган, эди. Ўшанда уни бу мактублар йиғлатиб юборган эди.

У ўқишни саккизинчи июнда – Роберта Ликурдан кетганидан сўнг орадан атиги уч кун ўтганда – ёзилган хатдан бошлади ва кейин ҳаммасини, то ўн тўртинчи, ўн бешинчи, ўн олтинчи ва ўн еттинчида ёзилган хатларгача ўқиди.

Кўпчилик хатларнинг айрим жойларига ва у ерда ерда тилга олиниб ўтган воқеа ҳамда далилларга асосланиб туриб, Роберта билан Клайд ўртасидаги танишлик тарихини бемалол тикласа бўлар эди, то у уч ҳафтадан, кейин эса бир ойдан сўнг, кейин саккизинчи ёки тўққизинчи июлда келиб уни олиб кетиш ниятида юрганлигигача... сўнг-ра Роберта тўсатдан қилган дўқ-пўписа-ю, шундан кейин Клайднинг шошилиш равишда у билан Фондада учрашмоқчи бўлганлигигача... мана шуларни анча ойдинлаштириб олиш мумкин эди. Мейсон бу беҳад аламли мактубларни ўқир экан, одамларнинг кўзига ёш қалқиб чиқди, кўпчилик дастрўмолини олиб, йўталиб-йўталиб қўя бошлади, бу жамоат ва суд маслаҳатчиларига Роберта хатларининг ғоят таъсир қилганлигидан дарак эди.

«Сен менга кўп ташвиш тортавермаслигим, ўзимни қандай ҳис этаётганимни ўйлайвермаслигим ва вақтимни хушнуд ўтказишимни маслаҳат бердинг. Сен Ликургда, ўз улфатларинг орасида сан ва сени ҳамма ёққа иззатлаб чақиришаверганлари учун сенга бундай дейиш осон. Менга эса Уилкоксларнинг телефонидан гаплашиш ҳам қийин: нима деганимни исталган пайтда эшитиб қолишлари мумкин, сен бўлсанг, ҳали уни-ҳали буни гапирма, деб тайинлаганинг-тайинлаган. Мен сендан жуда кўп нарсаларни сўраб олмоқчи эдим, лекин телефонда бунинг иложини қилолмадим. Қачон қараса, сен, ҳаммаси жойига тушиб кетади, деб такрорлайсан. Бироқ сен 27-куни келасанми-йўқми, шуни ҳам очиқ-ойдин айтмадинг. Унчалик англаёлмадим – жуда ёмон эшитилди – аммо сен нима учундир яна ушланиб қолармишсан. Ахир, бу мумкин эмас, Клайд! Дадам билан ойим учинчида Гамильтонга, амакимни-кига кетишяпти. Том билан Эмилия эса ўша кунидек опамникига жўнашади. Аммо мен уни-кига яна қайта боролмайман ва боришни истамайман ҳам. Бу ерда ҳам ёлғиз ўзим қололмайман. Шундай экан, ваъда берганингдай, келишинг, инсоф қилиб, ўзинг келишинг керак. Клайд, бу аҳволда мен энди бошқа кутолмайман, шунинг учун сен келиб, мени бу ердан олиб кетишинг шарт. Фақат, илтимос, ёлвораман сендан, яна кеч қолиб, мени баттар қийнаб ўтирма».

Тагин ўқий бошлади:

«Клайд, мен сенга ишонганим учун ҳам уйимга келган эдим. Сен ўшанда энг кечи билан уч ҳафтадан сўнг мени олиб кетмоқчи бўлган эдинг, бунга катта ваъдалар ҳам берган эдинг ва шу вақт ичида ҳамма ишларингни саранжомлаб, бирор-бир бошқа жойдан иш топгунинггача етиб турадиган

пул ҳам жамғаришингга ишонтирган эдинг. Лекин учинчи июлда мен бу ерга келганимга деярли бир ой тўлади-ю, кеча бўлса сен, учинчида келиш-келмаслигингни аниқ айтолмадинг. Ахир, мен сенга ота-онам Гамильтонга ўн кунга кетаётганини айтган эдим-ку. Кейин, тўғри, сен келаман дединг, лекин фақат кўнглимни кўтариш учунгина бораман, дединг. Ана ўшандан бери еганим ҳам, ичганим ҳам татимай ўтирибман.

Клайд, тушунсанг-чи, мен бутунлай хастаман. Назаримда дақиқа сайин ҳушимни йўқотиб, йиқилиб тушаётганга ўхшайман, устига-устак, мабодо сен келмай қолсанг, унда нима қиламан, деб туну кун ич-этимни еяпман, бу мени ақлимдан оздириб қўйяпти».

«Клайд, мени энди бошқа севмаслигингни ва муносабатларимиз бутунлай бошқача бўлишини истаётганингни биламан. Лекин мен нима қилай, ахир? Ҳамма ишлар учун сен ҳам худди мен каби айбдорсан, дейишинг ҳам мумкин. Агар буни одамлар билишганда, ҳойнаҳой, улар ҳам шундай деб ўйлашган бўларди. Бироқ ўша кўнглим тортмаган ишни қилишга мени мажбурламагин, деб ялиниб-ёлворганларим эсингдами, ўшандаёқ охири вой бўлишини дилим сезган эди. Аммо мен сени бутун борлигим билан севганим учун, кетиб қолишингни истамадим, хоҳишинг шу бўлса, дедиму...»

«Клайд, қани энди мени ажал олиб қўя қолса эди! Ўшанда ҳаммаси тинчирди-қўярди. Охири пайтда мен ўзимга ўлим тилаб неча маргалаб ҳудога илтижолар қилдим – очигини айтсам, шунинг учун илтижо қилдимки, ҳаёт энди менга ўз қадрини йўқотди, у мен учун биз сен билан учрашганимиз ва сен мени севиб қолган вақтингдагидай қадрли эмас эди. Эҳ, ўша дамларимиз қанчалар ширин сониялар экан-а! Қани энди, бари тушга

айланиб қўя қолса-ю... Сен билан мутлақо учрашмаган бўлиб чиқсам! Ана шунда менга ҳам, ҳаммамизга ҳам анча тузук бўлар эди. Лекин энди иложсизман, Клайд, ахир менинг бир чақа пулим ҳам, боламизга ном бериш учун бошқа бир имкониятим ҳам йўқ. Аммо мен онам ва отамга, ҳамма туғишганларимга даҳшатли мусибат ва шармандагарчилик орттириб кетишимдан қўрқмаганимда эди, ишон, унда мен мутлақо бошқача йўл тутган бўлар эдим. Бу менинг чин лафзим».

Яна ўқиди:

«Эҳ, Клайд, Клайд, бултурдан бери ҳаётдаги нарсалар қанчалик ўзгариб кетди-я! Ўзинг бир ўйлаб кўр, ўшанда биз Крам кўлига ва Фонда, Гловерсвил, Литл-Фоллз яқиндаги бошқа кўлларга ҳам борар эдик, энди бўлса... энди бўлса... Ҳозиргина Том билан Эмилияни йўқлаб ўртоқлари ва дугоналари киришди, сўнгра улар маймунжон тергани кетишди. Мен кетларидан қараб қолдим, улар билан бирга боролмаслигим ва энди ҳеч қачон улардек бўлолмаслигимни ўйлаб кетдим... кейин тўйиб-тўйиб йиғладим».

Ниҳоят, шундай деб ўқиди:

«Бутун мен ўзим яхши кўрган жойларим билан хайрлашиб чиқдим. Биласанми, жоним, бу ерда шу қадар сўлим хилватгоҳларимиз кўпки, уларнинг бари юрагимга чуқур ўрнашиб қолган! Бу ерларда мен бутун умримни яшаганман, ахир. Биринчидан, бу ерда бизнинг бир қудуғимиз бор, атрофини ям-яшил йўсин қоплаган, шу қудуқ билан хайрлашиб келдим, чунки энди яқин орада мен унинг тепасига келолмасам керак, эҳтимол, умрбод келолмасман. Кейин кекса бир олма дарахти ҳам бор: кичкиналик вақтимизда Эмилия, Том, Гиффорд ва мен доимо ўшанинг тагида ўйнардик. Сўнгра боғимиз ичида «Имон» деб номланган их-

чамгина аломат шийпончамиз ҳам бор, гоҳо-гоҳо ўша ерда ҳам ўйнар эдик.

Эҳ, Клайд, шуларнинг бари мен учун қанчалар азизлигини тасаввур ҳам қилолмайсан! Бу гал уйдан мен ғалати бир туйғу билан чиқиб кетяпман, гўё назаримда энди сира қайтиб келмайдиганга ўхшайман. Бечора онамни айтмайсанми, онамни, мен уни шунчалар севаманки, мана энди уни алдаётганимдан азобланиб, ичимни ит тирнаб ётибди! Унинг жаҳди чиққан пайтини сира кўрмаганман, қачон қараса, менга қайишгани-қайишган. Баъзи пайтларда унга ҳаммасини гапириб бергим келади-ю, лекин бундай қилолмайман. Менсиз ҳам унинг ташвишлари ўз бошидан ошиб ётибди, яна бунақанги оғир зарбага дучор бўлишини истамайман. Йўқ, мен кетиб, охири бир кун қайтсам ҳам – эрга тегаманми ёки ўлигим келадими, бунинг менга деярли аҳамияти йўқ энди – бари бир онам ҳеч нарсани билмайди, мен унга зиғирдай ҳам кулфатни раво кўрмайман, уни азобга қўйганимдан кўра ўлиб кетганим минг қатла афзал. Хуллас, кўришгунча хайр, Клайд, телефонда айтганинг бўйича учрашамиз. Сени шунча безовта қилганим учун кечир.

«Сенинг жабрдийда Робертанг».

Хатларни ўқиётган вақтида Мейсон баъзан кўз ёшини тийиб туrolмади, сўнгги саҳифани ёпганда эса, ҳолдан тойган, аммо далилларининг мукамаллиги ҳамда рад этиб бўлмаслигидан суюнгани ҳолда:
– Халқ ўз сўзини тугатди! – дея хитоб қилди.

Худди шу дақиқада, суд залида эри ва Эмилия билан бирга ўтирган ҳамда узундан-узоқ, серғалва бу суд жараёни ва айниқса, ўқиётган хатлардан юрак-бағри хун бўлган миссис Олден кўксидан бамисоли дод-фарёдга ўхшаш бир нидо узилиб чиқди-ю, ҳушини йўқотди. Чарчаган ва обдан эзил-

ган Клайд ҳам миссис Олденнинг фарёдини эшитиб, унинг қулаб тушганини кўриб, ўрнидан туриб кетди... Ўша заҳоти Жефсоннинг эҳтиёткор қўли унинг елкасидан босди ва шу орада суд ижрочилари ҳамда теварак-атрофда яқин турган одамлар миссис Олденни суяб, ўрнидан турғазишди-да, унга ва Тайтусга залдан чиқишларида кўмаклашдилар. Бу манзара залда йиғилганларни ҳаддан ташқари ҳаяжонга солиб юборди, эҳтимол, Клайд мабодо шу ернинг ўзида яна бир жиноят қилган тақдирида ҳам халойиқ бунчалик дарғазаб бўлмаслиги мумкин эди.

Секин-аста гала-ғавур, ҳаяжон ҳам босилди, аммо залга анча-мунча қоронғи тушиб қолган эди, девор соатларининг мили бешни кўрсатар, ўтирганларнинг ҳаммаси чарчашган эди; шу боисдан судья Оберуолцер эртага эрталабгача танаффус эълон қилишни лозим топди.

Барча журналистлар ва рассомлар ўша ондаёқ дув этиб ўринларидан туриб, эрталаб ҳимоя томони сўз олиши керак, қизиқ, уларнинг гувоҳлари кимлар экан, бунақанги ақл бовар қилмас даражада ошиб-тошиб ётган далилу ашёлар қаршисида Клайд ҳам сўзлаб, гувоҳ сифатида ўзини ҳимоя эта олишига улар имкон беришармикин ёки унинг ҳимоячилари ақлдан озганлик ва ахлоқий беқарорлик хусусидаги ҳақиқатсимон олди-қочдиларни гапириб, фақат шу билангина чегараланиб қўя қолишармикин? Хуллас, бу – Клайд учун умрбод қамоқ жазоси билан тугаши мумкин, холос, лекин ундан кам бўлмайди, деб ўзаро пичир-пичир сўйлаша бошладилар.

Клайд эса ҳуштаквозлик ва қарғиш садолари остида суд залидан чиқиб келар экан, эртага гувоҳ сифатида гапиришимга, гарчи ўзлари бунга анчадан бери, ҳар томонлама тайёрланган бўлсалар ҳам, журъатим етармикин, деб ўзидан ўзи сўрар

эди... Яна у (турмадан олиб чиқишда ва қайта олиб кетишда унинг қўлига кишан солишмасди): иложи йўқмикин-а, эртага кечқурун ҳамма ўрнидан туриб, оломон қўзғалган пайтда, унга ҳеч ким қарамай турганда, соқчилар унга томон келишаётганда... иложи йўқмикин-а... – деб ўйлар эди, лоақал чопиб кетолса ёки йўқ, бемалол, хотиржам бир тарзда, лекин тез-тез ва гўё ўзи билмагандай анави зинага яқинлашса, кейин пастга... қаёқдан чиқса ҳам майли эди... илгари у турма деразасидан кўрган ҳу анави катта зина олдидаги кичкинагина ён эшикками? У ақалли бирор-бир ўрмонга етиб олса – бўлди эди, кейин кетаверарди... кетаверарди... кетаверарди... ёки тўғридан-тўғри қочиб қоларди, ҳеч ерда тўхтамай, очиққанига ҳам қарамай, туну кун чарчамай... бирор-бир манзилга етгунча кетаверарди. Бир уриниб кўрса бўлади, албатта... Уни отиб ташлашлари, изидан итларни қўйиб юборишлари, одамларни чоптиришлари мумкин, лекин шунда ҳам таваккалига қочишга уриниб кўрса бўлар, шундай эмасми?

Чунки бу ерда унинг қутулишидан умиди йўқ. Суддаги шунча борди-келдидан кейин унинг бегуноҳлигига ҳеч ким, ҳеч бир жойда ўлса ҳам ишонмайди. Клайд эса ит ҳасратда ўлиб кетаверишни истамайди. Йўқ, йўқ, бунақанги ўлимдан асрасин уни!

Мана, яна бир машаққатли, зим-зиё, азобли тун бошланди.

Унинг кетидан эса яна бир машаққатли, нурсиз ва совуқ тонг отади.

ХIII БОБ

Эртаси эрталаб соат саккизларда ҳамма йирик газеталарнинг кўзга ташланиб турувчи сарлавҳалари энг аниқ ва тушунарли иборалар билан барчани ва ҳар бир фуқарони қуйидагилардан воқиф этди:

«ГРИФИТС ИШИ ЮЗАСИДАН ҚЎЙИЛГАН АЙБНОМА
ОДАМНИ ЛАРЗАГА СОЛУВЧИ СОН-САНОҚСИЗ
ДАЛИЛЛАР БИЛАН ЯКУНЛАНДИ.
ҚОТИЛЛИК САБАБЛАРИ ВА У ҚАНДАЙ АМАЛГА
ОШИРИЛГАНИ РАД ҚИЛИБ БЎЛМАС ДАРАЖАДА
ИСБОТЛАНДИ. ЮЗ ВА БОШИДАГИ ЖИДДИЙ
ЖАРОҲАТ ИЗЛАРИ ФОТОГРАФИЯ АППАРАТИ
ҚИРРАЛАРИ БИЛАН ТЕНГ БЎЛИБ ЧИҚДИ.
ЎЛДИРИЛГАН ҚИЗНИНГ ОНАСИ, ҚИЗИ ЁЗГАН
ФОЖЕЙИЙ ХАТЛАР ЎҚИБ ТУГАТИЛГАНДА
ҲУШИНИ ЙЎҚОТДИ».

Мейсон тузган айбноманинг темирдек мустаҳкам мантифи, худди шу каби унинг одамни ларзага солувчи чинакам ҳаяжонли нутқи ўша ондаёқ Белнеп билан Жефсонни, биринчи гада эса Клайдни шунга мажбур этдики, улар ўзларининг дабдала бўлганлари ва ҳеч бир ҳийла-найрангли уйдирмалар билан энди Клайднинг ўтакетган ёвузлигига ишониб бўлган суд маслаҳатчиларини бошқа бирор фикрга кўндиролмасликларини аниқ тушуниб етдилар.

Ҳамма Мейсоннинг айбномани гоят моҳирона олиб боргани билан табриклади. Клайд эса кейинги кунларда юз берган барча воқеаларни энди онам ҳам ўқийди, деган фикрдан обдан адои тамом бўлиб, маъюсланиб қолди. Жефсондан албатта илтимос қилиш керак, у онамга телеграмма юбориб, бу гапларга ишониб ўтирмаслигини – ўзи ҳам, Фрэнк ҳам, Жулия ҳам, Эста ҳам ишониб ўтирмаслигини айтсин. Албатта, бутун буни Сондра ҳам ўқийди, аммо шунча кундан бери, шунча зим-зиё тунлардан бери ундан бир чурқ этган овоз ҳам чиқмади! Онда-сонда газеталарда «мисс Х» деб ёзишгани кўзга чалиниб қолади-ю, бироқ у ҳақда мундай бир тузукроқ маълумот ҳам берилмайди. Бадавлат оиланинг қудрати ана, нималарга қодир экан! Бу-

гун эса ҳимоя томонининг навбати ва у қўлидан озми-кўпми иш келадиган ягона гувоҳ сифатида ўзини ҳимоя қилиб чиқишга мажбур. У ўзига ўзи бу ишни уддалай олармикинман, деб савол берарди... Оломон-чи?.. Унинг дарғазаб кайфияти-чи?.. Оломоннинг шубҳаси ва нафрати асабларни қақшатишини айтмайсизми? Белнеп гапини тугатиши билан, ўша заҳоти Мейсон бошлайди. Белнеп билан Жефсонга яхши! Улар Клайднинг бошига ҳали албатта тушадиган азоб-уқубатлардан холи.

У шу азоб-уқубатларни кутиб, ўз камерасида Белнеп ва Жефсон ҳамроҳлигида бир соатча ўтирди-да, кейин уни суд залига олиб кетишди, у яна суд маслаҳатчиларининг тасвираб бўлмас даражадаги синчков назарлари ҳамда йиғилганларнинг одамни алам қилдирувчи томошаси остида қолди. Мана, Белнеп ўрнидан туриб, суд маслаҳатчиларига тантанавор бир қараб қўйди-ю, гапини бошлади:

– Жентельменлар! Бундан сал кам тўрт ҳафта бурун прокурор, ўзи йиққан ашёвий далилларга асосланиб туриб, сиз, мистер маслаҳатчилар, судланувчини ҳозир бўйнига қўйилаётган жиноятни қилганликда айбдор, деб топишларингизни талаб этажагини айтиб ўтган эди. Шундан кейин орада узундан-узоқ, толиқтирарли расм-русмлар ҳам бўлиб ўтди. Ўн беш-ўн олти ёшли боланинг енгилтакларча ва бемаъни, лекин айни пайтда ўйламай ва беҳосдан қилган ишлари бу ерда сизларга, жентельменлар, бамисоли ашаддий жиноятчининг хатти-ҳаракатидай бўрттириб кўрсатилди, аниғини айтганда айбланувчига нисбатан сизларни гижгижлаш мақсадидагина шундай қилинди. Лекин шу билан бирга Канзас-Ситида юз берган ва нотўғри баҳоланган фақат биргина бахтсиз ҳодисадан ташқари (бутун юридик фаолиятим даврида ҳақиқатни бу қадар дағал ва ваҳшиёна бузиб

изоҳдашларига бошқа бирон марта ҳам дуч келмаган эдим), дадил айтиш мумкинки, айбланувчининг ҳаёти ҳам худди шу ёшдаги бошқа болаларнинг ҳаёти каби покиза, серташвиш, бенуқсон ва бегуноҳ ўтган. Уни эркак киши – соқол-мўйловли росмана эркак киши, ёвуз, бутун фикру хаёли жинояткорона фисқу фасодлар билан тўлиб-тошган дўзахий малъун даражасига кўтариб қўйишганларини эшитдингизлар. Ахир, у эндигина йигирма бир ёшга тўлган-ку. Мана, у рўпараларингизда ўтирибди. Шундай дейишга журъат этаманки, мабодо мен ўз ҳимоям остидаги мана шу гумроҳ йигитча тўғрисида туғилган сон-саноксиз машъум фикрлар ва туйғулар оқибатида кўзингизда пайдо бўлган хира пардани сўзнинг сеҳрли кучи билан олиб ташлай билганимда эди ва мен (бундай қилиш мумкин эмас, деб мени агар огоҳдантиришмаганда эди) қораловчи томоннинг алоҳида мақсадларни кўзда тутганини айта олганимда эди, унда сизлар айбланувчига бундан буён мутлақо бошқача муносабатда қарар эдингизлар, ҳозирги фикрларингиз эса бамисоли ўринларингиздан туриб, ўзларингизни мана бу деразалардан пастга отганингиздай номувофиқ туюлган бўлур эди.

«Маслаҳатчи мистерлар, аввалдан обдан пиши-тиб танланган ва баъзан худди заҳарга булганиб олингандай туюлган гувоҳликлар бўрони қаршисида ҳам, мен, менинг ҳамкасбим ва бизнинг ҳимоямиз остидаги гувоҳ шу қадар хотиржам туриб, ўзимизни яхши тутганимиз прокурор ва залда ўтирган бошқа кишилар сингари сизларни ҳам, шубҳасиз, ҳайрон қолдирган бўлса керак. (У иззатталаблик ва сертақаллуфлик билан ўзининг гапириш навбатини кутиб ўтирган шеригига ишора қилди.) Аммо ўзларингиз ҳам кўрдингизлар, биз зўрма-зўраки эмас, чинакамига руҳан хотиржам ўтирдик; бу – ўз ишининг

ҳаққи ва адолатли эканлигини қонун қаршисида ҳар қандай баҳс чоғида ҳам исботлай олишини ҳис қиладиган ва биладиган кишиларнинг хотиржамлигидир. Эвонлик шоир¹нинг: «Ҳақиқат йўлида баҳслашаётган одам уч бора кучлидир», деган сўзлари, шубҳасиз, эсларингиздадир.

«Қиз бечоранинг ғоят мусибатли, фожеий ҳалокатига олиб келган барча ғаройиб ва тасодифий шарт-шароитлар бизга маълум, афсуски, бу қораловчи томонга маълум эмас экан. Ҳали буни сизлар ўзларингиз эшитасизлар, холисона фикрларингизни ҳам билдирасизлар. Ҳозирча эса сизларга тубандагиларни айтишимга ижозат бергайсизлар: иш бошланган дастлабки пайтданоқ, бу ачинарли фожиани ойдинлаштирмоқчи бўлганимиз – бизнинг хизматимизни бир четга суриб қўйган тақдиримизда ҳам, бу одамнинг бунчалик ёвуз ва ваҳшиёна жиноят қилган-қилмаганлигига, сиз, мистерлар, унчалик ишонмасизлар, деб ўйлаган эдим. Сизлар бунга ишониларингиз мумкин эмас! Чунки муҳаббат савдоси қийин савдодир, муҳаббатнинг эҳтиросли ва ҳалокатли сўқмоқларини, гап эркак киши устидами ёки аёл киши устида борадими, бунинг фарқи йўқ, одатдаги жиноят сўқмоқларидир, деб қараш нотўғри бўлур эди. Эсланглар, ахир, ҳар биримиз ҳам бир вақтлар навжувон эдик. Бу ерда ўтирган барча аёллар ҳам бўйи етган қизлар эдилар, ёшлик ҳаяжонлари ва азоблари эс кирганда пайдо бўладиган ҳаётий ишбилармонликка қанчалар ётлигини улар билишади, эҳ, шундай билишадики! «Бировга чоҳ қазимайлик – ўзимиз тушамиз, нима эксак – ўшани ўрамиз».

«Биз сирли мисс Х нинг борлигини тан оламиз; унинг мактублари (биз бу ерда уларни кўрсатолмаймиз), унинг латофати ва муҳаббати айбланувчи-

¹ Эвон дарёси бўйидаги Стратфордда туғилган Вильям Шекспирни шундай деб аташади.

нинг ақду ҳушини олиб қўйган. Биз унинг мисс Х га нисбатан бўлган севгисига тан берамиз. Айбланувчи ҳийла ва беодоблик йўли билан, бу даражада аянчли ҳалок бўлган ўша гўзал зотни эзгулик йўлидан чалғитган, деб тахмин қилишяпти, лекин биз бу мутлақо фавқулудда юз берганлигини исботлаб берамиз. Гувоҳларимиз ёрдамида, шунингдек, бу ерда сизлар эшитган айрим гувоҳликларни таҳлил этиш йўли билан биз айбланувчининг хатти-ҳаракатлари, ҳар ҳолда ўзи севган қизи – ҳаётга ниҳоятда тор қарайдиган, одатдаги жиддий ахлоқ-одоб доираларига кўмилиб қолган одамлар орасидалигини кўра-била турган бошқа ҳар қандай йигитчанинг хатти-ҳаракатларидан кўра айёроқ ёки ахлоқсизроқ бўлмаганлигини исботлашга ҳаракат қиламиз. Мистерлар, прокурорнинг ўзи ҳам айтганидек, Роберта Олден Клайд Гриффитсни севар эди. Кейинчалик фожиага айланган бу алоқанинг дастлабки кунларидан бошлабоқ марҳума қиз уни бор вужуди билан, чин юрагида севар эди, Клайд ҳам уни ўша пайтда худди шундай ҳарорат билан севадиганга ўхшаб туюлар эди. Бир-бирини чуқур ва чинакам севиб қолган одамларга эса бошқаларнинг гапи чўт эмас. Улар бир-бирларини севадилар – шунинг ўзи бас!

«Аммо, жентельменлар, биз сизларга айтмоқчи бўлган изоҳ бу эмас, шу боисдан бу ҳақда мен узоқ вақт тўхталиб ўтирмайман. Хўш, Клайд Гриффитс, умуман, нима учун Фондага ёки Утикага, Ўтлоқзор кўлига ёки Катта мушгир кўлига борди? Унинг ўша ёққа боргани, бунинг устига яна Роберта Олден билан бирга борганини рад этишга ёки қандайдир яшириб кетишга бизда бирор-бир сабаб ёки хоҳиш бор, деб ўйлайсизларми? Ёки мисс Олденнинг тўсатдан юз берган, ҳарқалай, жуда ғалати ва сирли ўлиmidан сўнг унинг бирдан қочиб қолганини бер-

китишга бирор-бир важимиз борми? Агар сизлар ҳатто дақиқанинг юздан бир қисмига тенг вақт ичида ҳам, шундай бўлган эди, деб ўйласанглар, демак, унда мен бунақанги боплаб алданган ва йўлдан адаштирилган ўн икки суд маслаҳатчиси олдида гапириш шарафига ўзимнинг бутун йигирма етти йиллик иш фаолиятим даврида сираям эришмаган бўлиб чиқаман».

«Жентельменлар, мен сизларга Клайд Грифитс айбдор эмас, деб айтдим, бу ҳаққоний гап. Эҳтимол, сизлар гўё биз ҳам кўнглимизда унинг айбдорлигига ишонишимиз тўғрисида ўйлаётгандирсизлар. Лекин сизлар янглишасизлар. Ҳаётда шунақанги қизиқ, ҳайратомиз ишлар юз берадики, кўпинча мутлақо бегуноҳ одамлар ҳам айбсиз айбдор бўлиб қолаверадилар, яна бунинг устига бошдан-охир барча воқеалар гўё унинг айбини тасдиқлаётгандай кўринаверади. Суд фақат эгри далилларга асосланиб, нотўғри ҳукм чиқарган жуда кўп фожеий ва даҳшатли ҳодисалар ҳам маълум. Эҳтиёт бўлинглар, ниҳоятда эҳтиёт бўлинглар! Инсон хулқига оид бирор-бир назарияга ёки ғирт маҳаллий, диний ёки ахлоқий тартибларга асосланган ҳар қандай хато фикрлар ҳам, кўринишидан гўё сира рад этиб бўлмас даражадаги далилларга асосланган фикрлар ҳам сизларни чалғитиб қўймаслиги керак! Эҳтиёт бўлинглар, энг соф ва олимистер ниятлар тақозоси билан иш кўра туриб, беихтиёр равишда бу ердан жиноят ёки жиний ниятни топиб қолманглар тагин, ваҳоланки, аслида айбланувчининг фикру хаёлида ҳам ва хатти-ҳаракатида ҳам ҳеч қандай жиноят, ҳеч қандай жиний ниятнинг ҳатто уруғи ҳам йўқ эди. Эҳ, эҳтиёт бўлинглар! Ниҳоятда, ниҳоятда эҳтиёт бўлинглар!»

Шу ерда у жим бўлиб қолди, бамисоли чуқур ва ҳатто аламли ўйларга шўнғиб кетгандай эди, Клайд эса бу моҳирона, дадил нутқдан далда олгани учун

бир оз руҳи тетиклашди. Ана, Белнеп яна гап бошлади, шу қадар жасорат бахш этувчи бу нутқнинг бир сўзини ҳам қолдирмай тинглаш керак.

– Роберта Олденнинг жасади Катта мушгир кўли тубидан чиқариб олиниши биланоқ, жентельменлар, ўша заҳоти уни бир врач кўрикдан ўтказган. У қизнинг чўкиб ўлганини тан олади. У бу ерда чиқиб, гувоҳлик ҳам беради. Бу нарса масалани айбланувчи фойдасига ҳал қиляпти, сизлар буни эътиборга олишларингиз лозим.

«Сизларга прокурор, Роберта Олден билан Клайд Грифитс унаштирилган эдилар, шу сабабли мисс Олден Клайд билан бирга никоҳ сайрига жўнаш учун олтинчи июлда Бильддаги отасининг уйидан чиқиб кетган эди, деб айтди. Лекин, жентельменлар, очигини айтганда, бу муайян шарт-шароитларни хийла бузиб кўрсатиш, деган сўз. «Унаштирилган эдилар» – уларнинг олтинчи июлда жўнаб кетганларининг сабабини прокурор ана шундай таърифлади. Аслида эса Клайд Грифитснинг Роберта Олден билан қачонлардир расмий равишда ростдан ҳам унаштирилгани ҳеч қандай далил билан мутлақо исбот этилмади, мутлақо, мисс Олден хатларидаги бир неча сатрларни ҳисобга олмаганда, у Робертага уйланишга ҳеч қачон кўнмаган. Ушбу сатрлардан шу нарса маълум бўладики, жентельменлар, Клайд фақат мисс Олденнинг аҳволи тақозо этган маънавий ва моддий нуқтаи назар тазйиқи остидагина унга уйланишга рози бўлган, Робертанинг бу аҳволига Клайд ҳам жавобгар эди, албатта, лекин шунга қарамай, бу аҳвол иккаловининг – йигирма бир ёшли йигитча билан йигирма уч ёшли қизнинг хоҳиши туфайлигина юзага келиб чиққан эди. Энди мен сизлардан сўрамоқчиман: наҳотки, шу нарса ҳақиқий ва очик унаштирув бўлса? Наҳотки, сизлар шу сўзларни мана шундай

маънода қабул қилсангизлар? Тушунинглар, мен бебахт марҳума қизни калака қилаётганим, камситаётганим, ё шаънига доғ тушираётганим йўқ, асло. Мен шунчаки, ҳақиқатни олиб қараганда, марҳума билан бу йигитча қонуний жиҳатдан ҳам, урф-одат нуқтаи назаридан ҳам расмий тарзда унаштирилмаган эди, демоқчиман. Мен сенга уйланаман, деб у олдиндан унга ваъда бермаган... Ҳеч қачон ваъда бермаган! Бунга ҳеч қандай далил ҳам йўқ. Бу нарсалар айбланувчи фойдасига бўлаётганини сизлар эътироф этишларингиз зарур. Фақат Робертанинг аҳволи офирлиги учунгина, Клайднинг зиммасида бунинг жавобгарлиги борлигини биз тан оламиз, агарда... агарда... (Белнеп салмоқланиб, урғу бериб гапирди) Роберта уни тинч қўйишни истамаса, ана ўшандагина унга уйланишга розилик билдирган. Демак, мисс Олден уни тинч қўймаган экан, бу нарсанинг шу ерда ўқилган хатларидан ҳам маълум бўлди, айбланувчи ўзининг Ликургда фош этилиши ва гап-сўзга қолишидан қўрқиб, охири рози бўлган, мана шу розилиги эса прокурор тилида унаштирувга айланиб кетган, ваҳоланки, бунақанги муқаддас бурчдан фақат малъун, ўғри ва қотил одамгина тоғниб кетиши мумкин. Аммо жентельменлар, қонун ва дин нуқтаи назаридан анчагина тўғри ва анчагина муқаддас ҳисобланган бурчлар ҳам бу дунёда неча марталаб бузилган. Буни минг-минглаб эркаклар ва минг-минглаб аёллар ўз бошларидан кечирганлар: уларнинг туйғулари ўзгарган, қасамлари, ваъдалари ва онглари эсдан чиққан ёки ҳақоратланган, кўплари эса ўз кулфат-азобларини дилларининг чуқур хилватхоналарига яширганлар ёки ҳатто жон-жон деб ўлимга ҳам тик борганлар – ўз қўллари билан ўзларини нобуд этганлар! Прокурор айтиб ўтганидек: бу гаплар янгилик ҳам эмас ва ҳеч қачон эскирмайдиган ҳам. Ҳеч қачон!»

«Сизларни огоҳдантириб қўйяпман, ҳозир ихтиёрларингизга айна шунақа воқеа тақдим этил-япти: марҳума қиз ҳам айбланувчи туйғуларида юз берган ўшандай ўзгаришнинг қурбони бўлган. Бу маънавий ва ижтимоий жиҳатдан қанчалик оғир жиноят бўлишига қарамай, аммо юридик томондан жиноят ҳисобланмайди. Қизнинг ўлими билан тасодифан, мураккаб ва деярли ақлга сифмайдиган бир тарзда боғланиб кетган воқеалар оқими туфайлигина Клайд Грифитс сизларнинг рўпарангизда айбланувчи сифатида ўтирибди, бунинг устига бу воқеалар ҳали қаттиқ хатоларга олиб бориши турган гап. Мен буни тўла тасдиқлашим мумкин. Чунки бунинг чин ҳақиқатлигини мен биламан. Кўрилади ушбу иш тугаши олди-дан сизларга бу масала хусусида ҳам ҳар томонлама ва етарли даражада қониқтирарли изоҳлар берилиши керак ва бундай изоҳлар берилади ҳам».

Бироқ мана шу фикр ўз кетидан бошқа бир фикрни ҳам эргаштириб келадики, у кейинги бўладиган ҳамма нарсаларга муқаддима сифатида хизмат қилади».

«Маслаҳатчи мистерлар! Сизлар бу ерда суд қилаётган ва тақдири сизларнинг қўлингизга топшириб қўйилган одам – қўрқоқ, ақлий ва маънавий жиҳатдан журъатсиз бир шахсдир, хоҳ инонинглар, хоҳ инонманглар, бор-йўқ гап шу, аммо у мутлақо пихини ёрган бағритош жиноятчи эмас. Бошига оғир иш тушганда довдираб қоладиган кўпчилик одамлар сингари у ҳам ақлий ваҳима ила маънавий ваҳиманинг ғалати бир мутаносиблигининг қурбонига айланган. Бу ҳодисанинг сабабларини эса ҳализгача ҳеч ким тузукроқ бир тушунтириб беролмаган. Ҳар биримизнинг ҳам ўзимизча қўрқиб юрадиган нарсаларимиз, инсу жинсларимиз бор. Табиатнинг фақат шу томонларигина

– асло бошқа нарса эмас – Клайдни шунақанги хавфли аҳволга солиб қўйди. Жентельменлар, ўз амакиси фабрикасида ўрнатилган тартиб-қоидалардан қўрқиши, ваҳимага тушиши, худди шунингдек, фабрика бошлиқларига берган лафзини бузишдан ҳадиксираши – мана шу сабаблар уни аввалига ўз бўлимида ишлай бошлаган хушрўйгина қизга қизиқиб қолганини, кейинроқ эса у билан танишлигини яширишга мажбур этган эди».

«Аммо бу қонун кўзи олдида мутлақо жиноят ҳисобланмайди. Сизлар ҳар бирингиз ўзингизча қандай ўйлашингиздан қатъи назар, шу айби учунгина уни судлай олмас эдингизлар. Жентельменлар, у энди мисс Олден билан илгаригидай қадрдон муносабатда бўлолмаслигига кўзи етгач, аини ўша ақлий ва маънавий қўрқоқлиги – унинг тўғри Робертага бориб, бундан бу ёғига алоқамизни узамиз, уйланишимни-ку, хаёлингга ҳам келтирма, деб очиқ-ойдин айтишига йўл бермаган. Лекин бир одам ваҳимага қул бўлиб ўтирганда, сизлар унинг устидан қандай қилиб ҳукм чиқарасизлар, ахир? Хуллас, очигини айтганда, эркак киши, масалан, бир аёлни ўлгудек жини ёқтирмаса-да (ёки аёл киши эркакни ёқтирмаса), бирга туришлари бамисоли дўзахдай азобли бўлса, айтинглар-чи, ўша одам нима қилиши керак, ахир? Ўшанга уйланиши керакми? Нима учун? Бир-бирларини бир умр ёқтирмай, бир-бирларидан нафратланиб ва бир-бирларини азоблаб юришлари учунми? Мана шунини оқилона ҳаракат, оқилона одат ёки қонун деб эътироф этишингизни чин юракдан тасдиқлай оласизларми? Бироқ ҳимоя томонининг нуқтаи назарича, айбланувчи оқиллик билан иш тутишга уриниб кўрган ва мана шундай шароитда ҳам, асосан, виждонига қулоқ солган. У, албатта, сенга уйланаман, демагану, аммо бари бир кўнг-

лидагини гапириб кўрган, лекин афсуски, таклифи ерда қолиб кетган. У айрим-айрим яшашни таклиф этган, бироқ ўз маошидан унга ёрдам бериб туришни, мисс Олденнинг эса қаердадир Ликургдан ташқарида жойлашишини шарт қилиб қўйган. Робертанинг кеча бу ерда ўқилган хатларида ҳам шунга ўхшашроқ гапларга ишора бор. Аммо, минг афсуски, мисс Олден ўз талабида қаттиқ турган, ҳолбуки, кўпинча қилиниши ножоиз бўлган ишларни мажбуран қилдириш фожиага олиб келади. Кейин эса, баҳслар билан ва бир-бирини кўндиришга уринишлар билан ўтказилган узундан-узоқ Утика, Ўтлоқзор кўли ва Катта мушгир кўли сафарларини айтинг. Шуларнинг баридан бир чақалик ҳам наф чиқмаган. Лекин Клайдда шундаям уни ўлдириш ёки уни ўлар ҳолатга етказиш нияти йўқ эди, барибир. Бундай нияти сира йўқ эди унинг! Нима учунлигини эса биз сизларга далиллаб кўрсатамиз».

«Жентельменлар, мен яна бир бор таъкидлайманки, Роберта Олден иккаласи ҳозир мен тилга олиб ўтган жойларда ҳар хил сохта номлар билан саёҳат қилиб юришига Клайд Грифитсни мажбур этган нарса унинг бирор-бир жинойий режаси ёки мақсади бўлганлиги эмас, балки унинг ақлий ва маънавий қўрқоқлиги эди, холос, худди шу қўрқоқлиги туфайли у «мистер Карл Грэхэм рафиқаси билан», «мистер Клифорд Гольден рафиқаси билан» деб ёзишга мажбур бўлган. Клайд Робертани таъқиб этиб юрганида ва ниҳоят, Роберта билан гуноҳли ва ғайриқонуний алоқа қила бошлаганида, у: офир гуноҳга ботдим ва жамоатчилик кўзи олдида жиддий хатоликка йўл қўйдим, деб қўрққан, бу эса ақлий ва маънавий қўрқоқликнинг, бўлажак оқибатлардан даҳшатга тушишнинг худди ўзгинасидир».

«Катта мушгирда ҳам, бахтсиз ҳодиса туфайли кўл сувлари Робертани кўмиб кетгач, яна ўша

қўрқоқлиги оқибатида у меҳмонхонага қайтиб бориб, унинг ўлимини одамларга айтишга юраги бетламаган. Ақлий ва маънавий қўрқоқлик, ақл ва қалбнинг қўрқоқлиги – юз берган нарса мана шу, бошқа ҳеч нарса эмас, у ўзининг ликурглик бадавлат қариндошларини ўйлаган, ўша қиз билан кўлга бориб, фабрика тартибини бузганини, энди бу билиниб қолса, қариндошларининг алам ва номусга чидолмай, дарғазаб бўлишларини ўйлаган. Бундан ташқари, бу ёқда Клайднинг умид осмонда порлаб турган энг ёрқин юлдуз – мисс Х ҳам бор эди-ку, ахир».

«Биз шуларнинг барини эътироф этамиз, у нима деб ўйлаган ва нима деб ўйлаши лозимлигини ҳам чегаралаб ўтирмасликка тайёрмиз. Қораловчи томон таъкидлаганидек (буни биз ҳам эътироф этамиз), у мисс Х га ниҳоятда қизиқиб қолган эди ва бамисоли ақлу ҳушидан айрилган эди, мисс Х ҳам унга нисбатан шундай эди. Айбланувчи янгисини топганда, ўзига ғоят содиқ бўлган биринчи суюқлисини ташлаб кетишга ҳам тайёр турар эди, бунга ҳатто ошиқар эди, чунки гўзаллик ва бойлик унинг кўнглини янги қизга нисбатан эритиб қўйган эди, аслида Роберта Олденнинг кўзига ҳам Клайд айна шунақа бўлиб кўринар эди. Агар Роберта Олден уни танлаб янглишган бўлса, у чиндан ҳам янглишган эди, хўш, бунинг нимаси ажабланарли, Клайд ҳам ўзининг энгилтак ҳавасмандлиги билан алданиб қолган бўлиши мумкин-ку ахир, ҳуллас, ҳали суриштириб келганда, ким билади дейсиз, эҳтимол, мисс Х унинг қадрига тузукроқ етолмас ҳам... Ҳарқалай, биз ҳимоячиларга Клайднинг ўзи айтиб, тан олганига қараганда, ўша пайтда уни ҳаммадан ҳам бир фикр кўпроқ азобга солган, агар мисс Х, умрида ҳатто эшитмаган бир қиз билан мен кўлга сайр этгани чиққанимни би-

либ қолса, унда... ҳа, унда мендан юз ўгириб кетса керак, деб ваҳимага тушган».

«Биламан, жентельменлар, сизнинг фикрингизча, бундай хулқ-атворни оқлаб бўлмайди. Инсон ўз қалбидаги икки хил нолойиқ туйғу ўртасидаги ўзаро курашнинг ҳам қурбонига айланиши мумкин, аммо черков ва қонун назарида эса у ё гуноҳкор ёки жиноятчи бўлиши керак. Лекин, шунга қарамай, бу беш панжадай аниқ ҳақиқат, ахир, бунақанги туйғулар қонундан мустақил равишда, диндан мустақил равишда яшайверадилар, юракка ғулу солаверадилар ва кўп ҳолларда ўз ўлжаларининг хатти-ҳаракатларини айна шу туйғулар белгилаб берадилар. Биз ҳам Клайд Гриффитснинг қилмишларини ўша туйғулар белгилаган, деб эътироф этамиз.

Бироқ у Роберта Олденни ўлдирдимиз, ахир?

Йўқ! Яна такрорлаймизки – йўқ!

Жуда бўлмаганда у қўрқа-писа, дудмаллик билан, Робертани ўша ерга олиб бориш, хилма-хил сохта номлар остида яшириниб, кейин, агар у уни эркин қўйишга рози бўлмаса, унда чўктириб юборишни мўлжаллаган эмасмиди? Бемаъни гап! Мумкин эмас! Ақсизлик бу! Унинг режаси мутлақо бошқача эди.

Лекин, жентельменлар, – шу ерда Белнеп худди миясига янги, кутилмаган бир фикр келгандай тўхталиб қолди, – эҳтимол, сизларни менинг изоҳларимнинг ўзи ҳам маълум даражада қониқтирар, аммо сизлар чиқаришингиз лозим бўлган узил-кесил хулосадан олдин эса, Роберта Олден ўлимини ўз кўзи билан кўрган якка-ю ягона гувоҳнинг сўзини тинглашларингиз лозим, у гувоҳ фақат қичқириқни эшитибгина қўя қолмаган, балки ўзи ўша ерда бўлган, унинг ўлимини кўриб, демакки, қандай жони чиққанини ҳам бошдан-охир билган...»

У Жефсонга гўё: «Ана, Рубен, ниҳоят гапимни ҳам тугатдим!» дегандай қараб қўйди. Кейин Рубен бамайлихотир бир қиёфада Клайдга ўтирилди-да – бироқ унинг бу қиёфаси остида темир иродаси ҳам сезилиб турарди – шивирлади:

– Ана энди, Клайд, бу ёғи ўзингизга боғлиқ. Аммо мен сиз билан бирга бораман, тушунарлими? Мен сизни ўзим сўроқ қилмоқчиман. Сизни мен шу даражада авра-астар қилиб ташладимки, менимча, саволларимга ўйнаб-ўйнаб жавоб қайтарсангиз керак, тўғрими?

У қувноқлик билан, далда бергансимон жилмайиб қўйди. Белнепнинг зўр нутқи ва Жефсоннинг бу янги ҳимматидан севиниб кетган Клайд деярли беғам бир кўринишда ўрнидан турди (бундан атиги тўрт соат илгари эса унинг кайфияти бутунлай бошқача эди) ва шивирлади:

– Жуда қойил-ку! Бу ишни ўзингиз қўлга олганингиздан мамнунман. Ўйлайманки, ҳамма гапларим энди кўнгилдагидек қовушиб кетаверса керак.

Халойиқ эса бу орада, ҳозир ҳақиқий гувоҳ чиқади, яна қораловчи томон эмас, ҳимоя томони тавсия этган гувоҳ чиқади, деб бирдан ғивирлаб қолди; бир хиллар ўринларидан туриб, бўйинларини чўзиб, аланг-жалаң қарай бошладилар. Суд иши номуносиб бир шароитда, одатдаги жиддият ва тантанаворлик сақланмаган ҳолда ўтаётганидан ғоят даражада хафа бўлган судья Оберуолцер эса болғачасини тиқиллатди, ўша заҳоти клерк баланд овоз билан йиғилганларни интизомга чақирди:

– Тартиб сақлансин! Тартиб сақлансин! Тезда ўтиришларингизни илтимос қиламан, акс ҳолда суд зали одамлардан холи этилади! Суд ижрочиларидан тартибга кўз-қулоқ бўлиб туришларини сўрайман!

Сўнгра бу ҳаяжонли тинчликни бузиб, Белнепнинг овози янгради:

– Клайд Грифитс, гувоҳлар учун ажратилган жойга ўтинг.

Жефсонга эргашиб келаётган Клайднинг олдинга ўтганини кўриб ҳайрон бўлиб турган халойиқ судья ва суд ижрочиларининг қаттиқ жеркишларига ҳам қарамай, ҳовлиққан кўйи шивир-шивир гаплаша бошладилар. Яқинлашиб келаётган Жефсонга кўзи тушганда ҳатто Белнеп ҳам бир оз ажабланди, чунки Клайдни ўзи сўроқ қилишига аввал улар келишиб олган эдилар. Клайдни онт ичириш билан овора бўлишганда Жефсон Белнепга яқин борди-ю, шивирлаб гапирди:

– Элвин, уни менга топширинг. Менимча, шундай бўлгани тузук. У ўзини сира бемалол қўёлмай кўрқиб турибди, уни бир амалларман, бунга ишончим комил.

Халойиқ ҳам адвокатларнинг алмашилиб қолганига эътибор бериб, шу ҳақда ўзаро шивирлаша бошладилар, Клайд бўлса ташвиш тўла йирик кўзларини чор-атрофга олазарак тикканча, ўйлар эди: «Мана, ниҳоят, мен – гувоҳман, ҳамма менга қараяпти, албатта. Ўзимни бутунлай хотиржам, дунёни сув босса тўпифимга чиқмайдигандай қилиб кўрсатишим керак, чунки мен уни ўлдирганим йўқ-ку. Ахир, мен уни ўлдирмадим-ку, тўғриси ҳам шу-да». Бироқ шунга қарамай, унинг ранги бўзариб, қовоқлари қизариб, шишиб кетган эди, қўллари эса, ўзи шунча тиришса ҳам, сезилар-сезилмас титраб турарди. Ана, Жефсоннинг баланд, бақувват ва новдадай келишган гавдаси у томонга ўгирилди-да, мовий кўзлари тўппа-тўғри Клайднинг қўй кўзларига синчиклаб тикилиб қолди ва аллокат гапини бошлади:

– Хўш, Клайд, аввало шунга келишиб олайликки, суд маслаҳатчилари ва залдаги барча кишилар менинг саволларим ва сизнинг жавобларингизни

аниқ эшитсинлар. Энди эса бир оз ўйлаб олинг-да, ўз ҳаётингизда «нималарни эсласангиз, ҳаммасини бизга шошилмасдан гапириб беринг: қаердансиз, қаерда туғилгансиз, отангиз ва онангизнинг касби нима ва ниҳоят, сиз ўз меҳнатингиз эвазига яшай бошлаганингиздан бери то ҳозирги вақтгача нима билан шуғуллангансиз. Эҳтимол, мен аҳён-аҳёнда баъзи бир саволларни ташлаб, сўзингизни бўлиб турарман, бироқ, асосан, ҳаммасини ўзингизга қўйиб бераман, чунки буни сиз ҳар қандай кишидан ҳам тузукроқ адо этишингизни яхши биламан.

Лекин Клайд хотиржам бўлиши керак эди, доимо ёнида турган ҳимоячи – бесабр, бетоқат, шубҳа ва душманлик назари билан қарайдиган халойиқ билан ўзи ўртасидаги бамисоли бир девор, қалъа эканлигини ҳис этиб туриши керак эди, шунинг учун ҳам Жефсон деярли тегиб кетар даражада унга яқинлашди, ҳатто шунчалик яқин бордики, истаса, у гувоҳ минбари зинасига оёғини ҳам қўйиши ёки Клайд томонга энгашиб, у ўтирган кресло суянчиғига оғирлигини солиши ҳам мумкин эди. У нуқул: «Ҳа-ҳа-а... Хў-ўш... Кейин нима бўлди?.. Ундан кейин-чи?» деб такрорлар эди. Унинг дадил, гайратлантирувчи, дўстона овози Клайдга сўзсиз, куч-қувват бағишлагани учун ҳам у ўзининг қисқагина умр достонини тутилмасдан, кесиб-кесиб, ча-лакам-чатти қилмай тузуккина гапириб берди.

– Мен Мичиган штатидаги Грэнд-Репидсда туғилганман. Ўша пайтда менинг ота-онам шаҳардаги диний хонақони бошқарар ва кўчаларда ваъзхонлик қилиб юрар эдилар...

XXIV БОБ

Клайд ўз жавобида оиласининг Иллинойс штатидаги Куинсидан (ота-онаси бир вақтлар ўша ерда «Нажот Армияси»да хизмат қилган эдилар)

Канзас-Ситига кўчиб ўтгани ва ўн икки ёшдан бошлаб то ўн бешга киргунича қандай бўлмасин бирор-бир иш топишга уриниб юрган пайтларини гапириб берди, чунки мактабда ўқиб туриб, айти вақтда ота-онаси истаган художўйлик ишларида қатнашиш унга анча малол келар эди.

– Мактабда тузук ўқирдингизми?

– Йўқ, сэр. Биз кўпинча у ёқдан-бу ёққа кўчиб юардик.

– Ўн икки ёшдалигингизда қайси синфда ўқир эдингиз?

– Биласизми, аслида еттинчига ўтишим керак эди, лекин мен олтинчида эдим. Шу сабабдан мактабни ёмон кўрардим.

– Ота-онангизнинг диний фаолиятига қандай қарардингиз?

– Нима бўлибди, бу ёмон иш эмас... аммо кечалари кўчада хутба айтишни жиним ёқтирмасди.

Кейинги юз берган ишларни ҳам у худди шу тарзда гапириб бера бошлади: то Канзас-Ситидаги ҳашаматли меҳмонхона – «Грин-Дэвидсон»га дастёр бўлиб киргунигача орада арзон-гаров ҳақ тўлайдиган дўконда сотувчи бўлиб ишлагани борми, содали сув сотиб, газета ташиб юрганлари борми – ҳаммасини сўйлаб берди.

– Биласизми, нима... – деди Жефсон. (У, Мейсоннинг Клайдга гувоҳ сифатида ишончсизлик туғдирмоқ ниятида Канзас-Ситидаги пачоқ бўлган автомобиль ва ўлган қизчага боғлиқ гапларни ҳадеб кавлаштириб, Клайд берган гувоҳликнинг таъсирини пасайтириб юборишидан қўрқиб, рақибини доғда қолдирмоқчи бўлди. Чиндан ҳам агар савол-жавоб тўғри олиб борилса, бу воқеаларнинг бари ҳарқалай изоҳлаб берилиши ва юмшатилиши мумкин албатта, мабодо Мейсонга эрк берилса-чи, у сўзсиз, йўқ нарсадан пуфлаб, катта ваҳима чиқа-

риши турган гап эди.) Шу боисдан Жефсон сўзида давом этди:

- Сиз у ерда қанча вақт хизмат қилгансиз?
- Бир йилдан сал кўпроқ.
- Хўш, у ердан нега кетгансиз?
- Биласизми, орада бир бахтсизлик рўй берган эди...
- Қандай бахтсизлик?

Клайд аввалдан тайёр тургани ва айтадиган гапини сув қилиб ёдлаб олгани учун ҳаммасини, ҳатто қизчанинг ўлими-ю, ўзининг қочиб кетганларигача қўшиб, ипидан-игнасигача сўзлаб берди, ваҳоланки, буларнинг барини Мейсоннинг ўзи суриштириб билмоқчи бўлиб юрган эди, албатта. Шу сабабдан энди Клайднинг сўзларини тинглаётганида фақат бошини қимирлатганча киноя аралаш:

– Ҳа, тузук, ўзи тан оляпти... ёмон эмас! – деб жаврашгагина кучи етди, холос.

Жефсон эса бўлаётган воқеаларнинг бутун аҳамиятини тушунгани ҳолда (у мистер Мейсон қўлидаги энг кучли қурооллардан бирини ишдан чиқарганга ўхшар эди чамаси!) давом этди:

- Яна қайтаринг, ўша пайтда неча ёшда эдингиз?
- Ўн саккизга қадам қўйган эдим.

– Демак, сиз айтмоқчисизки, – давом этди Жефсон, ўша ҳодисага оид ўйлаб топган барча саволларини бериб тугатгач, – уйга қайтиб боришингиз мумкинлигини билмагансиз, чунки машинани ахир, сиз олмагансиз-ку, очигини айтиб берганингизда ота-онангиз сизга кафил бўлишларини ҳам билмагансиз?

– Эътироз билдираман! – дея шовқин солди Мейсон. – Канзас-Ситига қайтиб бориши ва ота-онаси унга кафил бўлиши мумкинлигига ҳеч қандай исбот йўқ.

– Эътироз қабул қилинди! – деди судья овози дўриллаб, баланд курсисидан туриб. – Савол-жа-

воб пайтида ҳимоя томони масалага яқинроқ бўлишини сўрайман.

– Саволни қайтариб оламан, – деди Белнеп ўтирган жойидан туриб.

Клайд эса бари бир:

– Йўқ, сэр, мен буни билмаган эдим, – деб жавоб қай тарди.

– Ҳарқалай, айна шу нарса сабаб бўлиб, Канзас-Ситидан кетганингиздан сўнг ўзингизни Тенет деб атай бошлагансиз, менга шундай дедингиз, тўғрими? – давом этди Жефсон.

– Ҳа, сэр.

– Айтгандай, Клайд, Тенет деган фамилия қаёқдан эсингизга келди?

– Куинсида мен билан бирга ўйнаб юрадиган бир боланинг фамилияси.

– Ўша бола яхши бола эдими?

– Эътироз билдираман! – деди Мейсон ўтирган жойида шовқин солиб. – Нотўғри, аҳамиятсиз гаплар, ишга алоқаси «йўқ».

– Сиз суд маслаҳатчиларининг миясига қуймоқчи бўлган барча гапларга қарама-қарши ўлароқ, у, яхши болалар билан дўстлашган бўлиши мумкин, шу жиҳатдан олиб қараганда, мен берган савол айна ишга алоқадор савол, – дея таъкидлади Жефсон муғомбирона бир тарзда.

– Эътироз қабул қилинди! – деди дўриллаб судья Обер уолцер.

– Тенет номини олганингиз унга ёқмаслиги ва сиз яшириниб юришга мажбур бўлганингиз сабабли, бу унга зиён етказиши ҳақида ўша пайтда бош қотириб кўрмаганмисиз?

– Йўқ, сэр... мен Тенетлар жуда кўп бўлса керак, деб ўйлаган эдим...

Бу гапга тингловчилар мурувват билан жиламайиб қўйишлари ҳам мумкин эди-ю, лекин халқ

Клайдга нисбатан шу қадар душманлик кайфиятида, шу қадар дарғазаб муносабатда эдики, бу пайтда бунақанги енгил-елпиликни хаёлга келтириш ҳам қийин эди.

Жефсон оломоннинг кўнглини юмшатолмаганини сезди-ю:

– Қулоқ солинг, Клайд, – дея давом этди, – сиз онангизни яхши кўргансиз, шундай эмасми?

Яна эътироз, ғиди-биди бошланди, охири бориб Жефсон берган савол ўринли ва қонуний деб топилди.

– Ҳа, сэр, яхши кўрардим, албатта, – деди Клайд жавоб қайтариб, аммо ўртада хиёлгина иккиланиб қўйди, буни ўтирганлар ҳам сезишди: нимадир томоғига тиқилиб, кўкраги бир кўтарилди-да, оғир хўрсинганида яна пастга тушди.

– Жудаямми?

– Ҳа, сэр... жудаям.

Энди у кўзларини кўтаролмай қолди.

– Онангиз қўлидан нима келса ва нимани тўғри деб ҳисоблаган бўлса, сиз учун ҳаммасини қилган, шундайми?

– Шундай, сэр.

– Хўш, унда қочиб кетганингиз ва шунча вақт она меҳридан узоқда бўлганингиздан бир оз бўлса-да афсусланиб, азоб чекдингизми? Унда нима учун сиз ўзингизнинг, бир хиллар айтгандек, у қадар гуноҳкор эмаслигингиз тўғрисида бир оғизгина айтиб ҳам қўймагансиз, яна ишлаётганингиз ва одобли йигитлардек юришга ҳаракат қилаётганингизни айтиб хабарлардан ташвиш тортманг, деб қўйсангиз бўлмасмиди?

– Мен ойимга ёзганман буларни, лекин тагида ўз номимни қўймасдан ёзганман.

– Тушунарли. Яна у-бу муносабат билан ўзингизни эслатиб турганмисиз?

– Ҳа, сэр. Бир марта озгина пул жўнатган эдим. Ўн доллар.

– Демак, сиз уйингизга қайтишни мутлақо ўйламагансиз?

– Йўқ, сэр. Қайтиб борсам, мени қамаб қўйишади, деб қўрққанман.

– Бошқача қилиб айтганда, – Жефсон ўз сўзларини маънодор қилиб, кесиб-кесиб гапира бошлади, – ҳамкасбим мистер Белнеп айтганидек, сиз ақлий ва маънавий қўрқоқ одам бўлгансиз.

– Мен айбдорнинг сўзларини суд маслаҳатчиларига сингдириш йўлида қилинаётган уринишларга қарши эътироз билдираман! – дея гапни бўлди Мейсон.

– Очигини айтганда, айбдорнинг сўзларини бировларга сингдириб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ. Унинг сўзлари оддийгина ва тўғри, ҳамма тушуниб турибди, – деди Жефсон бидиллаб.

– Эътироз қабул қилинди! – дея эълон қилди судья. – Давом эдинг, давом эдинг.

– Демак, Клайд, тушунишимча, сиз маънавий ва ақлий жиҳатдан қўрқоқ бўлганингиз учун ҳам шундай воқеа юз берган. Аммо мен бу масалада сизни зинҳор айблаш олмайман, айбингиз йўқ бўлса, қандай қилиб сизни айбдор дейман (сирасини айтганда, ахир сиз ўзингизни ўзингиз яратмагансиз-ку, тўғрими?).

Бироқ Жефсон хийла ҳаддидан ошиб кетгани учун уни судья тартибга чақириб, эндиги сўзларингизни ўйлаброқ гапиринг, деб огоҳлантирди. Жефсон давом этди:

– Демак, сиз аслида Канзас-Ситига, аввалги хизматингизга қайтиб боришингиз мумкин бўлгани ҳолда, у ёқдан-бу ёққа – ҳали Олтонга, Пеория, Блумингтон, Милуоки, Чикаголарга ўтиб, чет-четдаги тор кулбаларда кун кечиргансиз, идиш товоқ ювиб, содали сув сотиб, ташкачилик қилиб, Генет номи остида яшириниб юравергансиз?

– Эътироз билдираман! Эътироз билдираман!
– деди Мейсон жазаваси тутиб. – Илгариги жойига қайтиб бориб, ишга кира олишига ҳеч қандай исбот йўқ.

Гарчи бу пайтда Жефсоннинг чўнтагида Клайд хизмат қилган вақтда «Грин-Дэвидсон» меҳмонхонаси дастёрларининг бошлиғи вазифасида ишлаган Френсис Кс. Скуайрснинг хати турган бўлса-да ва бу хатда Скуайрс, бировнинг автомобилида сайрга борганларидаги ўша ҳодисадан ташқари, Клайдда бошқа ҳеч қандай номаъқулчилик сезмагани: қайтага у оёқ-қўли енгилгина, ҳалол, одобли, чаққон ва хушмуомала йигит бўлганлигини ёзганига қарамай... Мистер Скуайрс шунга қаттиқ амин эканки, ўша бахтсиз ҳодиса юз берган вақтда ҳам Клайд, ҳойнаҳой, унинг энг нофаол иштирокчиларидан бири бўлган ва агар у қайтиб келиб, рўй берган воқеани тузукроқ гапирганида уни меҳмонхонада олиб қолишлари ҳам мумкин эди, деб ёзган бўлса-да, судья Оберуолцер: – Эътироз қабул қилинди! – деб ҳукм чиқарди. Хуллас, бу далилларни ҳам – ишга алоқаси йўқ, деб топишди!

Сўнгра Клайд Канзас-Ситида қўлга тушиб мушкул аҳволда қолишдан қўрқиб қочиб кетгани, икки йил давомида дуч келган жойларда дарбадар юриб, охири Чикагодан иш топгани, аввалига ташкачилик, кейин эса «Юнион-Лиг» клубида дастёрчилик қилганлари; биринчи жойдаги ишидан турибоқ онасига хат ёзгани, сўнгра онасининг қистовига кўра амакисига хат йўлламоқчи бўлгани, шу орада уни тўсатдан клубда учратиб қолгани ва амакиси уни Ликуртга келишга таклиф этганларини гапирди. Кейин у қандай иш бошлагани, қандай кўтарилгани ва амакиваччаси ҳамда цех бошлиғи уни фабрикада жорий этилган қоида билан таништиргани ва ниҳоят, у Роберта, кейин-

чалик мисс Х билан танишиб қолгани – шуларнинг барини ипидан-игнасигача бирма-бир ҳикоя қилди. Клайд Роберта Олденга кўнгли кетиб орқасидан юргани, унинг севгисини қозонгач эса, ўзини қанчалар бахтли ҳис этиб, бахтиёр ҳисоблагани, аммо орадан мисс Х чиққандан сўнг бу қизнинг мафтункор ҳусну жамоли Робертага нисбатан унинг муносабатини мутлақо ўзгартириб юборгани: у ҳамон Клайдга ёққани билан, бироқ энди илгаригидек унга уйланишни истамай қолганини ҳам оқизмай-томизмай сўйлаб берди.

Шунда Жефсон шоша-пиша орага тушди: чунки Клайднинг ўзи тан олаётган беқарорлик хусусияти савол-жавоб пайтида бирдан гапиравериш мумкин бўлмаган бир воқеа эди, шу сабабли Жефсон суд маслаҳатчиларининг диққатини чалғитишга уринди.

– Клайд, – дея гапни бўлди у, – сиз Роберта Олденни аввалига чиндан ҳам севиб қолган эдингизми?

– Ҳа, сэр.

– Унда сиз мисс Олденнинг гоят андишали, соф ва художўй қиз эканлигини билишингиз ёки жуда бўлмаганда, унинг одобидан шуни дарров пайқашингиз лозим эди, шундайми?

– Ҳа, сэр, мен уни худди шундай қиз деб ҳисоблар эдим, – деди Клайд аввалдан ёдлаб олган жавобини такрорлаб.

– Унда сиз гоят умумий тарзда бўлса ҳам, икир-чикирларига берилмай, ҳаммамизни чуқур таассуфга солаётган (шу ерда Жефсон оломонга, кейин суд маслаҳатчиларига такаббуруна, еб қўйгудек, совуқдан-совуқ тикилиб қўйди) воқеани, яъни, туйғуларингизнинг қандай қилиб, не сабабдан, қаерда ва қачон ўзгара бошлаганини, аввало, ўзингизга ва қолаверса, суд маслаҳатчиларига тушунтириб беролмайсизми? Модомики, дастлаб у қиз ҳақида шунчалик юксак фикрда экансиз, нега

унда орадан сал ўтмаёқ бу қадар номуносиб ишга ботиндингиз, хўш, бу қандай юз берди? Наҳотки, сиз барча эркаклар, шунингдек, барча аёллар назарида бу муносабатлар гуноҳли ва никоҳсиз бўлса кечирилмас иш эканлигини, бу жиноят эканлигини билмаган бўлсангиз?

Жефсоннинг дадил, заҳарханда пичинги нима қилишни билмай жим бўлиб қолган оломонни бевасаранжом қилиб юборди, – буни сезган Мейсон билан судья Оберуолцер хавотирга тушиб, хўмрайиб қўйдилар. Сурбетлик, ҳаёсизлик ҳам шунчалик бўладими, тавба! Жиддий савол-жавоб баҳонаси билан нақ жамиятнинг негизига, диний ва маънавий пойдеворларга билдирмай болта урадиган фикрларга айёрларча шама қилишга у қандай журъат этипти-я! Анавини қаранглар – адабсизларча, тошдай ҳиссиз, кибру ҳаво билан Клайднинг жавобини эшитяпти:

– Ҳа, сэр, назаримда мен буни билар эдим... албатта... лекин очигини айтсам, мен Робертани ҳеч қачон, аввал ҳам, кейин ҳам йўлдан уришга ҳаракат қилмаганман. Мен унга ошиқ бўлиб қолган эдим.

– Сиз унга ошиқ бўлиб қолган эдингизми?

– Ҳа, сэр.

– Жудаямми?

– Жудаям.

– У ҳам сизни қаттиқ севармиди?

– Ҳа, сэр.

– Биринчи кўришдан-а?

– Биринчи кўришдан.

– У бу ҳақда сизга айтганмиди?

– Ҳа, сэр.

– Мисс Олден Ньютонларникидан кетган пайтида – бу ҳақдаги гувоҳларнинг гапини ўзингиз ҳам эшитдингиз-ку – уни кетишга сиз кўндиргансизми, турли баҳоналар билан алдабми ёки қан-

дайдир бошқа асослар келтирибми, уларникидан кўчиб кетиш лозим деб ишонтиргансизми?

– Йўқ, сэр. У ўз хоҳиши билан кўчган. Фақат у мендан жой топиб беришимни сўраган эди.

– Жой топиб беришингизни сўраган эдими?

– Ҳа, сэр.

– Хўш, нима учун?

– Чунки у шаҳарни унчалик яхши билмас эди ва мени, балки унга ҳаддан ташқари қиммат бўлмаган дурустроқ хонани тавсия қилар деб ўйлаган эди.

– Кейин у ижарага олган ўша Гилпинларникидаги хонани унга сиз кўрсатдингизми?

– Йўқ, сэр. Мен унга ҳеч қандай хона кўрсатмаганман. Уни ўзи топган. (Бу – Клайднинг ёдлаб олган жавоби эди.)

– Хўш, нима учун сиз унга ёрдам бермадингиз?

– Чунки бутун кун бўйи, ҳатто тунда ҳам сира вақтим бўлмасди. Кейин мен, яхшиси, у ўз кўнглидагисини – дидига ёққан одамлар орасидан жой топсин, бу ҳаммадан ҳам унга равшан-ку, деб ўйлаган эдим.

– Мисс Олден Гилпинларникига кўчиб ўтгунга қадар сиз у ерда ҳеч бўлганмидингиз?

– Йўқ, сэр.

– Кўчиб ўтишидан олдин унга айни қандай хонани ижарага олиш тўғрисида, яъни кириш-чиқишга қулай, четроқ ва шунга ўхшаш масалалар хусусида ораларингизда сира гап кетган эдими?

– Йўқ, сэр, мен у билан сира бу ҳақда гаплашмаганман.

– Масалан, сиз билингирмайгина кириб, у ердан тунда ёки кундузи одамларнинг кўзига тушмай, лип этиб чиқиб кета оладиган хонани топиб ижарага ол, деб унга талаб қўйган эдингизми?

– Мутлақо. Бундан ташқари ўша уйга кириш ҳам, у ердан кўзни шамғалат қилиб кетиш ҳам жуда қийин эди.

– Нима учун?

– Чунки у турган хонанинг эшиги даҳлизга кирадиган асосий эшикнинг ёнгинасида эди, ҳамма ўша эшикдан кириб-чиқиб, бегона одам дарров кўзга ташланар эди. (Бу жавоб ҳам аввалдан ёдлаб олинган эди.)

– Лекин сиз бари бир билинтирмай уйга кириб юрар эдингиз-ку?

– Ҳа, сэр... яъни, биласизми, иккимиз ҳам аввал-бошданоқ бирга юрганимизни одамлар қанчалик камроқ кўришса, шунчалик яхшироқ бўлади, деган қарорга келган эдик.

– Анави фабрика қоидасидан қўрқибми?

– Ҳа, сэр, ўша қоидадан қўрқиб.

Шундан сўнг у ҳаётида, мисс Х га йўлиққач, орадан Роберта билан боғлиқ хилма-хил қийинчиликлар чиққанини гапириб берди.

– Энди, Клайд, биз ўша мисс Х ҳақида бир оз гаплашиб олишимизга тўғри келади. Ҳимоя билан қораловчи томонларнинг ўзаро битимларига биноан – мистер суд маслаҳатчилари бунинг сабаби, шубҳасиз, сизларга ҳам тушунарли бўлса керак – биз бу масалани сал-палгина қўзғаб ўтмоқчимиз, чунки бу ерда гап мутлақо бегуноҳ бир қиз устида кетяпти, шу боисдан унинг ҳақиқий номини айтиб ўтиришга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Аммо баъзи бир далилларни гарчи одоб билан ишлатсак-да, ҳар ҳолда бу далилларга мурожаат этишимизга тўғри келади, бу эҳтиёткорлигимиз, тирик юрган ва тирноқча ҳам айби бўлмаган хоним учун қанчалар зарур бўлса, марҳума учун ҳам шунчалик зарур. Ишончим комилки, агар мисс Олден тирик бўлганда у ҳам шунга кўнар эди. Ҳулмас, гап мисс Х хусусида, – дея давом этди Жефсон Клайдга ўгирилиб, – Иккала томон ҳам сизнинг у билан ўтган йилнинг ноябрь ёки декабрь ойида Ликургда танишганингизни тан оляпти. Шу тўғрими?

– Ҳа, сэр, тўғри, – деб ғамгин жавоб қайтарди Клайд.

– Сиз ўша ондаёқ бутун ақлу ҳушингизни йўқотиб севиб қолдингизми уни?

– Ҳа, сэр. Бу ҳақиқат.

– У бадавлат қизмиди?

– Ҳа, сэр.

– Гўзалмиди? Унинг гўзаллигини ҳамма тан олса керак, деб ўйлайман, – қўшиб қўйди Жефсон, асосан судга мурожаат этиб, бироқ у Клайднинг жавобини кутмаган эди, Клайд бўлса бамисоли ўргатиб қўйилган тўтиқушдай бари бир:

– Ҳа, сэр, – деб жавоб қайтарди.

– Мисс Х билан биринчи бор учрашган пайтингизда, икковингиз, яъни, сиз ва мисс Олден демоқчиман, бу ерда тилга олинган ноқонуний алоқага ўтган эдиларингизми?

– Ҳа, сэр.

– Унда, шуларнинг барини эътиборга олган ҳолда... Йўқ, айтгандай, бир дақиқага, мен яна бир нарса тўғрисида сўрамоқчиман... ҳаҳ, тилимнинг учида турибди... Айтинг-чи, сиз мисс Х билан танишган вақтингизда ҳам Роберта Олденни севардингизми?

– Ҳа, сэр, мен уни севардим.

– Ўшангача ўзингизга мисс Олден мабодо малол кела бошлаганини сира сезмаганмидингиз?

– Йўқ, сэр.

– Унинг муҳаббати ва яқинлиги сизга худди илгаригидай қадрли ва ёқимли бўлиб қолаверган-а?

– Ҳа, сэр.

Клайд шундай дея туриб, ўтмишини эслаб кетди ва у ўзини чин ҳақиқатни гапираётгандай ҳис қилди. Ҳа, дарвоқе, Сондра билан учрашишдан олдин чиндан ҳам унинг дили маҳкам эди ва у Роберта билан бахтиёр эди.

– Айтинг-чи, мисс Х билан учрашгунга қадар мисс Олден иккаларингизнинг келажак тўғрисида бирор-бир режаларингиз бормиди ўзи? Ҳойнаҳой, шу ҳақда ҳам бош қотириб кўргандирсизлар, шундайми?

– У-унчалик эмас (Клайд ҳаяжондан қотиб қолган лабларини асабий тарзда ялаб-ялаб қўйди)... Биласизми, умуман мен аввалдан ҳеч нарса ўйламаганман... яъни, Робертага тирноқдай бўлса ҳам ёмонлик қиламан деб ўйламаганман... Бунақанги нарсаларни у ҳам хаёлига келтирмаган, албатта. Қўйингки, бизни аввал бошданоқ оқимнинг ўзи олиб кетаверди. Эҳтимол, шуларнинг бари икковимиз бутунлай ёлғиз бўлганлигимиз туфайли келиб чиққандир. Ликургда унинг ҳеч кими йўқ эди, меники ҳам йўқ эди. Аксига олгандай, орада анави қоида ҳам бор эди денг, ўша қоидани деб мен у билан қадам босиб ташқарига чиқолмасдим... яқинлашганимиздан кейин эса ҳаммаси ўз-ўзича кетаверди, биз – у ҳам, мен ҳам бу ҳақда тузукроқ бош қотириб ҳам кўрмабмиз.

– Бошингиз тақ этиб бир жойга тегмагани учун ҳам шунчаки оқимда сузиб кетавергансизлар, бир кун келиб бошга иш тушишини ҳам ўйламагансизлар? Шундайми?

– Йўқ, сэр. Кечирасиз, гапингиз тўғри, сэр. Худди ўшандай бўлган эди. – Клайд қайта-қайта машқ қилиб олинган бу муҳим жавобларни бехато қайтаришга жон-жаҳди билан уринарди.

– Лекин бирортангиз ёки икковингизми, мундай бир бошқотириб кўришингиз керак эди-да. Ахир сиз йигирма бирда, мисс Олден эса йигирма уч ёшда бўлсангизлар.

– Ҳа, сэр. Назаримда, биз... мен баъзан ўйлагандай бўлардим.

– Аниқроқ айтинг-чи, нима ҳақда ўйлар эдингиз? Эслаёлмайсизми?

– Ҳа, сэр, менимча эслаёлсам керак... Яъни, мен аниқ биламанки, агар ишларим юришиб кетиб, мўмай пул топа бошласам, Роберта ҳам бошқа ердан иш топса, унда у билан ҳамма жойда очиқчасига юраверардим, кейин эса, агар биз бир-биримизни худди бурунгидай севсак, унда турмуш қуришимиз ҳам мумкин бўлар эди, деб ўйлардим баъзан.

– Сиз ўша пайтда чиндан ҳам унга уйланаман, деб ўйлаган эдингизми?

– Ҳа, сэр. Худди ҳозир айтганимдек, аниқ фикр юритган эдим.

– Лекин мисс Х ни учратгунингизча шундай деб ўйлагансиз, тўғрими?

– Ҳа, сэр, ўшангача шундай деб ўйлаган эдим.

(Роса тўқишибди! – деди Мейсон пичинг қилиб, сенатор Редмонднинг қулоғига.

– Фирт артистлик-ку бу, – дея жавоб қайтарди Редмонд ҳам томошабинларга хос шивир-шивир билан.)

– Сиз унга бирор-бир аниқроқ гап айтмаганмидингиз? – давом этди Жефсон.

– Йўқ, сэр, эслаёлмаяпман... Назаримда ҳеч қандай аниқ гап айтмагандайман.

– Биттасини гапиринг – ё айтдим денг, ё йўқ. Хўш, қайси бири?

– Ростини айтсам, иккалови ҳам эмас. Мен кўпинча уни севишимни ва биз ҳамиша бирга бўлишимизни хоҳлашимни, кейин у ҳеч қачон мени ташлаб кетмаслигидан умидворлигимни айтардим.

– Лекин сиз унга уйланмоқчиман, демагансиз, шундайми?

– Йўқ, сэр, уйланмоқчиман, демаганман.

– Хўш, хўш, яхши... У-чи? У нима дер эди?

– Мендан умрбод ажралмаслигини гапирар эди,

– Клайд Робертанинг охирги қичқириви ва охирги нигоҳини эслаб қолгани учун бу сўзларни зўр-

базур, қийналиб айтди. Кейин чўнтагидан дастрў-молчасини олиб, совуқ тер босган юз ва қўлларини арта бошлади.

(– Ажойиб томоша! – дея тўнғиллади Мейсон масхара қилиб.)

– Анойи эмас, анойи эмас! – деди Редмонд бепарволик билан.)

– Лекин айтинг-чи, – дея давом этди Жефсон босиқ ва совуқ оҳангда, – агар мисс Олденга нисбатан шунақанги туйғунгиз бор экан, унда қандай қилиб мисс Х ни учратишингиз билан бу даражада тез ўзгариб кетдингиз? Наҳотки, сиз шу қадар беқарор бўлсангиз, фикр-туйғуларингиз наҳотки ҳар куни ўзгариб турса?

– Бу ҳақда аввал сира бош қотириб кўрмаган эканман... Йўқ, сэр, мен ундайлардан эмасман!

– Мисс Олден билан танишгунигизча бошқа бирор қизни мундай бир жиддийроқ севганмидингиз?

– Йўқ, сэр.

– Аммо мисс Х ни учратгунга қадар, мисс Олден билан бўлган муносабатларингизни жиддий ва мустаҳкам муносабатлар, яъни чинакам севги, деб ҳисоблар эдингизми?

– Ҳа, сэр, шундай деб ҳисоблардим.

– Кейин-чи, мисс Х ни учратганингиздан сўнг нима бўлди?

– Кейинми... кейин ҳаммаси чаппасига айланиб кетди.

– Яъни, мисс Х ни бир ёки икки марта кўрганингиздан сўнг мисс Олден сизга бутунлай бегона бўлиб қолганини айтмоқчисиз-да, а?

Шу пайт Клайднинг эсига бир нарсга тушиб:

– Йўқ, сэр, ундай эмас. Мутлақо ундай эмас, – деб эътироз билдирди шоша-пиша ва астойдил. – Мен уни ўшанда ҳам севар эдим... жонимдан севар эдим, бу ҳақиқат гап! Лекин анави... анави...

мисс... мисс... туфайли ақду ҳушимдан айрилдим, калавамнинг учини тополмай қолдим.

– Ҳа, ҳа, ўша мисс Х туфайли шундай бўлган. Буни биз биламиз. Сиз ўйламай-нетмай унга ошиқу беқарор бўлиб қолгансиз, шундайми?

– Ҳа, сэр.

– Ҳўш, кейин-чи?

– Кейинми... кейин... фақат мен мисс Олденга илгаригидай муомала қилолмай қолдим.

Бу сўзларни айтаётганда Клайднинг пешонаси ва ёноқларидан яна тер чиқди.

– Тушунарли! Тушунарли! – деди Жефсон суд маслаҳатчилари ҳамда оломонга таъсир ўтказиш учун атайлаб овозини баландлатиб ва писанда қилиб. – Шаҳризод эртагидаги сеҳргар қиз ва сеҳрланган ошиқ деб қўя қолинг.

– Нимани гапирётганингизни тушунмаяпман, – деди Клайд талмовсираб.

– Азизим, мен сеҳргарлик тўғрисида, гўзаллик, ишқ-муҳаббат, бойлик инсонни сеҳрлаб қўйиши тўғрисида гапиряпман – биз ана шу нарсаларга чанқоқмизу, аммо қўлга киритолмаймиз – биз яшаётган дунёдаги ишқ-муҳаббат кўпинча ана шундай бўлади.

– Ҳа, сэр, – дея маъқулади Клайд ҳам очиқ кўнгилик билан, айна пайтда унинг: Жефсон борйўғи ўзининг гапга чечанлигини кўрсатмоқчи, деб ўйлагани ҳам тўғри эди.

– Лекин мен яна шуни билмоқчиман. Агар сиз мисс Олденни ўзингиз айтаётганингиздай яхши кўрган бўлсангиз ва алоқангиз никоҳ қилиб муқаддаслаштиришдек даражага етиб борган экан, наҳотки сиз зиммангиздаги мажбуриятларни, мисс Олден олдидаги бурчингизни бу қадар англаб етмагансиз, наҳотки сизда мисс Х туфайлигина уни ташлаб кетиш фикри туғилса? Шу қандай

юз берганини билишни истар эдим, аминманки, бу мистер маслаҳатчиларга ҳам қизиқарли туюлса керак. Хўш, олимистер туйғуларингиз қаерда қолган эди? Ахлоқий бурчингиз-чи? Балки, айтарсиз, менда униси ҳам, буниси ҳам йўқ эди, деб? Биз шуни билишни истаймиз.

Бу чинакамига эҳтиросли сўроқ эди – ўз гувоҳига қилинган ҳужум эди. Аммо Жефсон фақат айтишга ҳаққи бўлган нарсаларнигина сўрар, шу сабабли Мейсон гапга аралашмасди.

– Лекин мен...

Клайд уялганидан дудуқланиб қолди; гўё уни қандай жавоб қайтаришга олдиндан ўргатиб қўймаганлару, у худди хаёлида қандайдир бир тузукроқ изоҳ излаётгандай эди. Аслида ҳам шундай эди, гарчи у нима жавоб беришни ёдлаб олган бўлишига қарамай, бу саволни судда эшитгач ва ўзини Ликургда хижолатга солган, азоблаган бу муаммога яна юзма-юз келгач, ўзини нимага ўргатганларини ҳам ҳадеганда эслайвермади... У тортиниб, дудуқланиб, охири шундай деди:

– Гап шундаки, мен бу ҳақда деярли ўйламас эдим. Мисс Х ни кўрдиму, шундан кейин ўйлаёлмай қолдим. Бир хил маҳалда бош қотирмоқчи бўлардим, лекин бу уринишларим зое кетарди. Менга мисс Олден эмас, фақатгина ўша қиз кераклигини билардим. Мен бунинг ёмонлигини тушунардим... албатта... Робертага гоятда ачинардим... Аммо бари бир ноиложликдан қўлимдан ҳеч нарса келмасди. Мен фақат мисс Х ни ўйлардим. Робертага эса, ҳар қанча ҳаракат қилсам ҳам, илгаригидай муомалада бўлолмасдим.

– Шу баҳонада виждонингиз зигирдай ҳам қийналмасди, шундай демоқчимисиз?

– Қийналар эди, сэр, – жавоб берди Клайд,
– Ёмон иш қилаётганимни билардим, унга ҳам,

Ўзимга ҳам ниҳоятда ачинардим; лекин бари бир бошқача иш тутолмасдим. (У ўзи учун Жефсон ёзиб берган сўзларни такрорламоқда эди; қизиғи шунда эдики, ўша ёзилганларни биринчи бор ўқиганида бари чин ҳақиқат эканига у ишонган эди: ўша пайтда чиндан ҳам унинг виждони маълум даражада азоб чеккан эди.)

– Ҳўш, кейин-чи?

– Кейин Роберта, унинг ҳузурида мен илгаригидай тез-тез бўлмаслигимдан шикоят қила бошлади.

– Бошқача сўз билан айтганда, сиз уни назарга илмай қўя бошладингиз?

– Ҳа, сэр, қисман шундай бўлди... лекин бутунлаймас... йўқ, сэр.

– Ҳўп, яхши, X га ошиқу беқарорлигингизни пайқаганингиздан сўнг қандай иш тутдингиз? Мисс Олденга, уни энди севолмаслигингизни, бошқа қизни яхши кўриб қолганингизни айтдингизми?

– Йўқ, ўша пайтда айтмадим.

– Сабаб? Биратўласига иккита қизга: сени севаман дейиш, балки, сизнингча, айб ҳам эмасдир, ахлоқсизлик ҳам эмасдир?

– Йўқ, сэр, лекин, ахир бу жудаям унақа бўлган эмас. Биласизми, мен унда мисс X билан эндигина танишган эдим, унга ҳали ҳеч нарса айтмаган ҳам эдим. У гапиришимга йўл қўймас ҳам эди. Лекин бари бир, ўшандаёқ мисс Олденни энди бошқа ёқтиролмаслигимга кўзим етган эди.

– Аммо мисс Олденнинг сизга нисбатан маълум ҳуқуқлари бор эди, ахир! Шу нарсанинг ўзиёқ, сизни ўзга қиз билан дон олишиб юришингизнинг олдини олиши керак эди, сиз шуни тушунмасдингиз?

– Тушунардим, сэр.

– Унда нега шундай иш тутдингиз?

– Анави қиз олдида ўзимни қўлга ололмай қолдим.

- Сиз мисс Х ҳақида гапиряпсиз-да?
- Ҳа, сэр.
- Бундан чиқди, у қиз сизни яхши кўриб қолмагунча изидан чопиб юраверган экансиз-да?
- Йўқ, сэр, бу бутунлай бошқача бўлган.
- Хўш, қандай?
- Шунчаки мен у билан гоҳ бир жойда, гоҳ иккинчи жойда учрашиб юравердим, охири уни деб ақлу ҳушимдан айрилдим.
- Тушунарли. Лекин шунга қарамай, мисс Олден ҳузурига бориб, унга энди илгаригидай яқин бўлолмаслигингизни айтмагансиз-да?
- Йўқ, сэр. У пайтда айтмаганман.
- Сабаб?
- Мен у хафа бўлиб қолади, деб ўйлаган эдим, унга азоб беришни истамаган эдим.
- Ҳа, тушунарли. Демак, унга очигини айтишга сизда маънавий ва ақлий жасорат етишмаган.
- Маънавий ва ақлий жасорат деган гапларга унчалик тушунмайман, – жавоб қайтарди Клайд ўзига берилган баҳо хиёл қаттиқ тегиб, дилини ранжитгани учун, – очигини айтсам, унга жудаям раҳмим келар эди. Йиғлагани йиғлаган эди, шу сабабли айтишга тилим бормасди.
- Тушунарли. Ҳа, майли, борингки, шундай ҳам дейлик. Лекин бошқа бир нарсани сўрамоқчиман. Сиз мисс Олденни ёқтирмаётганингизни тушунганингиздан кейин ҳам у билан алоқангиз ўша-ўша бурунгидай яхшилигича қолавердимиз?
- Й-йўқ, сэр... ҳарқалай, узоққа бормади, – дея минғиллади Клайд асабий ва хижолат тортган ҳолда.
- У, суд залидагиларнинг бари мени эшитиш-япти... онам ҳам, Сондра ҳам ва кейин газеталар орқали бутун Америка бўйлаб бошқа одамлар ҳам нима деб жавоб берганимни билиб олишади, деб ўйлар эди! Бундан икки-уч ой муқаддам Жефсон

биринчи бор унга шу саволларни кўрсатганда, у: буларнинг нима кераги бор, деб сўраган эди, ўшанда Жефсон қуйидагича жавоб қайтарган эди: «Тарбиявий таъсир ўтказиш учун керак. Баъзи бир ҳаётий масалаларни ўртага ташлаб, одамларни қанчалик қутилмаган, қанчалик кучли тарзда ҳайратга сола билсак, улар сизнинг олдингизда кўндаланг турган муаммоларни ақалли бир оз тушуниб етишларига шу даражада осонроқ эришган бўламиз. Лекин сиз бундан унчалик чўчиманг. Вақти соати келиб, сиз фақат саволларга жавоб қайтаверасизу, қолганини бизга қўйиб бераверасиз. Биз нима қилаётганимизни ўзимиз биламиз». Шу боисдан Клайд давом этди:

– Биласизми, мисс Х билан танишганимдан сўнг Робертани энди илгаригидай хоҳламай қолдим, шу сабабдан у билан камроқ бирга бўлишга ҳаракат қилдим. Аммо, қўйинг-чи, ўшандан кейин сал ўтмай... бошига бахтсизлик тушди... ундан у ёғига...

– Тушунарли. Тахминан бу қачон бўлган эди?

– Январнинг охирида.

Хўш, кейин-чи? Шу воқеа юз бергач, бунақанги вазиятда ўша қизга уйланиш сизнинг бурчингиз эканини тушунмадингизми?

– Лекин... йўқ, ўша вазиятда тушунмадим... яъни, айтмоқчиманки, оғир аҳволдан чиқиб кетишида қани энди унга кўмаклаша олганимда эди.

– Хўш, нима учун уйлана олмас эдингиз, сабаб? «Ўша вазиятда» деганингизни қандай тушунмоқ керак?

– Биласизми... ҳаммаси... худди сизга айтиб берганимдай юз берган. Мен энди уни бошқа севолмас эдим, унга уйланаман, деб ваъда ҳам бермаганман, ахир у буни биларди. Шу боисдан, агар ўша бахтсизликдан қутулишида унга ёрдамлашсам, ҳарқалай тўғри бўлар, севмаслигимни эса кейинроқ бориб айтарман деб ўйлаган эдим.

- Бари бир сиз унга кўмаклашолмабсиз-ку?
 - Йўқ, сэр. Лекин ҳаракат қилдим.
 - Сиз шу ерда гувоҳлик берган доричига мурожаат қилганмидингиз?
 - Ҳа, сэр.
 - Яна бошқаларга-чи?
 - Мурожаат қилганман, сэр, охири, ишқилиб бирон нарса топмагунимча еттита дорихонага кириб чиқдим.
 - Лекин сиз топган нарса фойда бермаган?
 - Бермади, сэр.
 - Атторлик моллари билан савдо қилувчи ёш баққол унга мурожаат қилганингизни айтди, шундай бўлганмиди?
 - Ҳа, сэр.
 - У сизга бирор-бир врачни тавсия этдими?
 - Ҳ-ҳа... лекин... кимлигини айтгим келма-япти.
 - Ихтиёрингиз, айтмаслигингиз мумкин. Аммо сиз мисс Олденни врачга юбордингизми?
 - Ҳа, сэр.
 - У бир ўзи кетдими ёки сиз олиб бордингизми?
 - Мен уни... яъни эшиккача кузатиб бордим.
 - Нима учун фақат эшиккача?
 - Чунки... биз ўйлаб-ўйлаб, – у ҳам, мен ҳам, – ҳарқалай шундай қилганимиз тузук, деган қарорга келдик. У пайтда менда пул кам эди. Иккаламиз бошлашиб борганимиздан кўра, унинг бир ўзи кирса, эҳтимол доктор озроқ ҳақ эвазига ҳам ёрдамани аямас, деб ўйлаган эдим.
- («Уҳ, шайтон ургур-ей, бутун гурзи-тўқмоқларимни у нақ бурним тагидан олиб қўйяпти-ку! – деб ўйлади Мейсон шу топда. – Грифитснинг бошини айлантириб юборишга мўлжаллаган сўроқларимнинг кўпини у ўзиники қилиб олди». Мейсон талвасага тушганча гердаийб қўй-

ди. Бэрней Редмонд, Эрл Ньюком ҳаммалари Жефсоннинг мақсади нималигини энди аниқ билишган эди.)

– Тушунарли. Эҳтимол, гап яна бошқа ёқдадир, бу нарсаларни амакингиз ёки мисс Х эшитиб қолишидан қўрққандирсиз?

– Ҳа, албатта, мен... яъни биз иккаламиз бу ҳақда ўйлаб, гаплашиб ҳам олган эдик. Аҳволим ёмонлигини у тушунган эди.

– Лекин мисс Х тўғрисида гап бўлмаган эдими?

– Йўқ, бўлмаган эди.

– Сабаб?

– Чунки... Айни ўша пайтда унга бу ҳақда гапирмаслик керак, деб ўйлаган эдим. У ниҳоятда азобда қолган бўларди. Ишлари бир оз юришиб кетгунча кутиб туришни маъқул кўрдим.

– Кейин унга ҳаммасини айтиб, уни ташлаб кетардингиз – шуни назарда тутяпсизми, сиз?

– Ҳа... агар мен унга илгаригидай яхши муносабатда бўлолмаётганимни сезсам... Ҳа, сэр.

– Лекин иккиқат ҳолича ташлаб кетолмасдингиз, шундайми?

– Йўқ, сэр, у пайтда ташлаб кетолмасдим. Аммо, биласизми, у пайтда уни бу бахтсизликдан қутқаролсам керак, деб ўйлардим!

– Тушунарли. Хуллас, унинг иккиқатлиги унга сизнинг муносабатингизни ўзгартиролмади? Мисс Х дан воз кечиб, мисс Олденга уйланиш ва шу йўл билан ҳамма айбларингизни ювиб юбориш хоҳишини ҳам уйғотмаганмиди?

– Йўқ, сэр... ўшанда уйғотмаган эди... яъни ўша пайтнинг ўзида демоқчиман.

– «Ўша пайтнинг ўзида» деганингизни қандай тушунмоқ керак?

– Яъни, сизга айтганимдай, бу ҳақда мен кейинроқ ўйлай бошладим... лекин ўша пайтда эмас.

Бу кейинроқ... биз Адирондак тоғларига жўнаганимизда юз берди.

– Нима учун ўша пайтда эмас?

– Нима учунлигини айтиб бердим-ку. Мен мисс Х туфайли ақлу ҳушимдан айрилиб, бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйлаёлмай қолдим.

– Сиз ҳатто ўшанда ҳам мисс Олденга нисбатан муносабатингизни ўзгартиролмадингизми?

– Йўқ, сэр. Унга жуда раҳмим келарди-ю, лекин бошқача иш тутолмасдим.

– Тушунарли. Майли, буни ҳозир бир четга қўйиб турай. Кейин мен бу масалага яна қайтиб келаман. Ҳозир, агар қўлингиздан келса, мисс Х нинг айна қай жиҳати сизни ўзига ром қилиб олганини суд маслаҳатчиларига тушунтириб беришга уриниб кўришингизни истардим, хўш, нима сабабдан у сизга мисс Олдендан кўра кўпроқ ёқиб қолди? Айна нимаси, хулқ-одобининг қайси жиҳатлари, ҳусну жамоли, табиати ёки эл орасидаги мавқеи сизни бу даражада ўзига мафтун этиб қўйдими? Сиз ўзингиз буни биларсиз, ахир?

Белнеп ҳам, Жефсон ҳам турли хил руҳий, адлиявий ва шахсий сабабларга кўра, Клайдга илгари ҳам бу саволни ҳар мақомга солиб бериб кўришган ва турли хил жавоблар олишган эди. Аввалига у Сондра тўғрисида бир оғиз ҳам гапиргиси келмади, чунки унинг номини тилга олсам, ўша заҳотиёқ судда ҳам, газеталарда ҳам уни рўкач қила бошлашади, деб кўрққан эди. Охири, барча газеталар Сондранинг ҳақиқий номини ёзишмагандан сўнг, эл-юрт орасида шарманда бўлиш хавфи йўқлиги маълум бўлди-ю, Клайд шундан кейингина у ҳақда анча-мунча ёйилиброқ гапирга бошлади. Лекин бу ерда, судда у яна эҳтиёткор ва камгап бўлди-қўйди.

– Э, буни тушунтириш мушкул иш... Менимча, у Робертага қараганда анча чиройли. У чинакам гўзал

қиз. Лекин асосий гап бунда эмас. У, шу пайтга-ча мен билган қизларнинг ҳаммасидан ҳам мутлақо бошқача... у анча-мунча мустақил... У қилган ишга, у айтган гапга каттадан-кичикнинг бари шу қадар диққат билан қарардики... Назаримда, у аввалдан билган ҳамма танишларимдан ҳам кўра кўпроқ нарса биладиганга ўхшарди. Кейин у ниҳоятда гўзал кийинар, жуда бадавлат эди, у киборлар доирасига мансуб бўлиб, газеталар у ҳақда тез-тез ёзиб, расмларини ҳам бериб турарди. Мен уни кўрмай қолган вақтларимда ҳар кун у ҳақда газеталардан ўқир эдим, у доимо мен билан биргадай бўлиб туюларди. Кейин у жуда довурак қиз эди, мисс Олденга ўхшаш содда ва бўшашган эмас эди... аввалига унинг менга қизиқиб қолганига ҳатто ишонгим ҳам келмади. Кейинчалик эса юрагимга бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарса сифмай қолди, Роберга ҳам. Мен ноилож эдим, кўз ўнгимда ҳаммиса мисс Х турарди, ахир.

Жефсон гапни буриб, яқунлаган сифатида:

– Ҳа, фикримча сиз чинакам ошиқу беқарор бўлиб қолиб сиз, гўё ақду ҳушингиздан айрилгандай, – деди кўз қири билан суд маслаҳатчиларини кузатиб. – Ишқ йўлида телба бўлишнинг худди ўзгинаси, менимча, бундан бошқа нарса эмас.

Лекин унинг бу сўзларини халойиқ ҳам, суд маслаҳатчилари ҳам пинақларини бузмай, тошдай қотиб тинглаб ўтиришарди.

Шундан сўнг бирданига гумон қилинаётган ёмон ният оқимининг тезкор, лойқа сувларида зудлик билан шўнғиб юришга тўғри келди, чунки бошқа гапларнинг бари фақат муқаддима эди, холос.

– Шундай қилиб, Клайд, кейин нима бўлди? Ниманики эслаёсангиз, бизга ҳаммасини бир бошдан гапириб беринг. Ҳеч нарсани юмшатмай, аслида қандай бўлсангиз, худди ўшандай, ўзингизни

яхшиламай ҳам, ёмонламай ҳам гапиринг. Мисс Олден ўлган – агар мана бу ўн икки жентельмен охири бориб шундай қарорга келишса, сиз ҳам ўлишингиз мумкин. (Бу сўзлар айтилганда Клайднинг ҳам, суд залида ўтирган бошқа ҳамма одамларнинг ҳам вужуди музлаб кетгандай бўлди.) Аммо дилингиз хотиржам бўлиши учуноқ, яхшиси, ҳақиқатни гапиринг. (Жефсон шу ерда Мейсонни ўйлаб қўйди: қани, бунақанги зарбани қайтариб кўрсин-чи!)

– Хўп, сэр, – деди Клайд жўнгина қилиб.

– Демак, бундан чиқди, у фожиага йўлиқибди-ю, сиз бўлсангиз унга ёрдамлашолмагансиз? Хўш, ундан кейин-чи? Ундан кейин нима қилдингиз? Ўзингизни қандай тутдингиз?.. Ҳа, дарвоқе, ўша пайтда сиз қанча маош олардингиз?

– Ҳафтасига йигирма беш доллар, – дея бўйнига олди Клайд.

– Бошқа даромад топадиган жойингиз йўқмиди?

– Кечирасиз, эшитмай қолдим.

– Ўша пайтда бир илож қилиб пул топса бўладиган бошқа жойингиз йўқмиди?

– Йўқ, сэр.

– Турар жойингизнинг ижара ҳақи қанча эди?

– Ҳафтасига етти доллар.

– Егуликка қанча кетарди?

– Беш-олти доллар.

– Яна бошқа харажатларингиз бормиди?

– Ҳа, сэр: кийим-бош учун, уларни ювиш учун.

– Ҳойнаҳой, киборларга хос турли хил чиқимларга сиз ҳам ўз улушингизни қўшиб юрган бўлсангиз керак?

– Эътироз билдираман, бу айбланувчини йўлга солувчи савол! – қичқирди Мейсон.

– Эътироз қабул қилинди! – деди судья Оберуолцер.

– Яна бошқа чиқимларингиз бормиди, эслай оласизми?

– Ҳа, трамвай учун, темир йўлда қатнаш учун. Кейин мен турли ўйин-томошаларда иштирок этган пайтимда, ўз улушимни қўшар эдим.

– Айтмадимми! – ғазаби қайнаб қичқирди Мейсон. – Бу тўтиқушга шунча гап ўргатиб турганингиз етар, деб ҳисоблайман!

– Мен бўлсам, муҳтарам прокурор бировларнинг ишига билар-билмас аралашавермасин, деб ҳисоблайман, – Жефсон ўзи учун ҳам, Клайд учун ҳам ҳимояга ўтиб, пихиллаб кулиб қўйди. У Клайднинг Мейсон олдидаги даҳшатини синдирмоқчи эди. – Мен айбланувчини сўроқ қиляпман, тўтиқушлар масаласига келсак, биз кейинги пайтларда бу ерда шу қадар кўп тўти қуш кўрдикки, улар энг ашаддий қироатхон мактаб болаларига ўхшаб, ўргатилган гапларни сайраб туришар эди.

– Фирт туҳмат бу! – шовқин солди Мейсон, – Мен эътироз билдираман ва кечирим сўрашингизни талаб қиламан!

– Муҳтарам мистерлари, мендан ва менинг ҳимоям остидаги одамдан кечирим сўралиши керак, агар муҳтарам мистерлари атиги бир неча дақиқа танаффус эълон қилишни лозим кўрганларида, кечиримни хийла олдинроқ сўратиб олардик. – Жефсон шахд билан Мейсонга яқин борди-да, қўшиб қўйди: – Мен суд ёрдамисиз ҳам кечирим сўратишни биламан.

Мейсон ҳужумни даф қилмоқчи бўлиб муштарини қисди. То судья Оберуолцер қаҳр-ғазаб билан столга болғачасини ургунига қадар суд залидаги назоратчилар, стенографистлар, газетачилар ва ҳатто клерк ҳам шоша-пиша иккала юристни ўраб, қўлларидан ушлаб олишди.

– Жентельменлар! Жентельменлар! Сизлар икковингиз ҳам судга ҳурматсизлик қияпсизлар! Ҳозироқ суд олдида ва бир-бирларингиздан кечирим сўранглар, акс ҳолда суд йиғилишини бекор қиламан, сизларни ўн кундан авахтага ташлаб, ҳар бирингизга беш юз доллардан жарима соламан.

Судья баланд курсисидан туриб шуларни гапирганча, иккала юристга хўмрайиб қараб қўйди. Жефсон ўша заҳотиёқ гоят назокатли ва тилёглама оҳанг билан жавоб қайтарди:

– Гап шундай экан, муҳтарам мистерлари, мен сиздан, мистер прокурордан ва мистер маслаҳатчилардан кечирим сўрайман. Айбланувчига нисбатан прокурорнинг қилган ҳужуми менга ҳаддан ташқари адолатсиздай ва ўринсиздай бўлиб туюлган эди.

– Бунга аҳамият бериш керак эмас, – деди Оберуолцер.

– Гап шундай экан, муҳтарам мистерлари, мен сиздан ва мистер ҳимоячидан кечирим сўрайман. Эҳтимол, мен бир оз қизишиб кетгандирман. Ҳа, ростдан, айбланувчидан ҳам кечирим сўрайман, – дея масхараомиз қўшиб қўйди. Мейсон аввалига судья Оберуолцернинг газабнок ва ўтқир нигоҳига, кейин эса Клайднинг кўзларига қаради, Клайд эса бир сесканиб, юзини четга олди.

– Давом этинг, – зарда қилиб шанғиллади Оберуолцер.

– Шундай қилиб, Клайд, – яна гап бошлади Жефсон, у хотиржам эди, гўё шунча шов-шув кўтариш унга худди гугурт чаққанчалик оддий бир нарса эди, гапингизга қараганда, маошингиз ҳафтасига йигирма беш долларни ташкил этган ва майда-чуйда харажатларингиз ҳам кўп бўлган. Мабодо ўша пайтда ёмон кунимга яраб

қолар деб, оз-оздан жамғарма йиққан эмасми-дингиз?

– Йўқ, сэр... жуда оз қоларди... айтишга ҳам арзимамайди.

– Хўш. Агар борди-ю, мисс Олден мурожаат қилган врач, масалан дейлик, юз доллар мукофот эвазига унга ёрдамлашишга кўнганда, сиз шунча пулни тўлай олармидингиз?

– Йўқ, сэр... яъни бирдан тўлолмасдим.

– Мисс Олденнинг озми-кўпми йиққан пули йўқмиди, билмайсизми?

– Менинг билишимча, йўқ эди, сэр.

– Унда сиз унга қандай қилиб ёрдам бермоқчи бўлган эдингиз?

– Биласизми, агар уми ёки менми доктор топсак-да, у кутишга рози бўлса, эҳтимол, мен оз-оздан йиғиб, секин-секин қарзимдан қутуламанми, деб ўйлаган эдим.

– Тушунарли. Чин кўнгиладан шундай қилмоқчи эдингизми?

– Ҳа сэр, албатта-да.

– Сиз бу ҳақда унга айтганмидингиз?

– Ҳа, сэр. У буни биларди.

– Лекин унга ёрдам берадиган врачни сиз ҳам, у ҳам тополмагансизлар, хўш, кейин-чи? Шундан кейин нима қилдингиз?

– Кейин у менинг уйланишимни истаб қолди.

– Зудлик биланми?

– Ҳа, сэр, зудлик билан.

– Бунга сиз нима жавоб қилдингиз?

– Мен унга, бирданига сираям уйланомайман, деб айтдим. Бунинг учун менда пул йўқ эди. Бундан ташқари, агар биз оила қурган тақдиримизда ҳам, ақалли бола туғилгунча бирон ёққа кетмасак, бари бир ҳаммаси ошкора бўлиб, мен ишимдан айрилардим. Унинг ўзи ҳам шу кунга тушарди.

- Нима сабабдан?
- Қариндошларим индамай қараб туришарканми? Улар, назаримда, фабрикадан мени ҳам, уни ҳам ҳайдаб юборишарди.
- Тушунарли. Улар, икковингизни ҳам бу ишга ярамайсизлар, деб ҳисоблашарди.
- Ҳарқалай, мен шундай деб ўйлаган эдим, – жавоб берди Клайд.
- Кейин нима бўлди?
- Гап шундаки, агар мен у билан бирга кетиб, никоҳдан ўтишни истаган тақдиримда ҳам, бари бир бунинг учун на менда ва на унда пул бор эди. Мен аввалига ўз жойимдан воз кечишим ва қаердандир бошқа ердан иш топишим, шундан кейингина у мен билан бирга туриши мумкин эди. Бундан ташқари, ўзга ҳеч бир жойда бунчалик пул ишлай олмаслигимни мен билардим.
- Меҳмонхона хизмати-чи? Ўша ишга қайтиб боролмасмидингиз?
- Ҳа, дарвоқе... агар мени кимдир тавсия қилганда унда бошқа гап эди. Лекин тағин қайтиб боришни ўзимга эп кўрмадим.
- Нима сабабдан?
- Ўша ишга қайтадан уннашга қўлим бормади... унақанги ҳаёт жонимга тегиб кетган эди.
- Аммо сиз ҳамма нарсадан қўлимни уриб қўлтигимга тикдим, демоқчи эмассиз-ку. Наҳотки, ниятингиз ўшандай эди?
- Йўқ, сэр! Мутлақо ундай эмас эди. Мен унга бошиданоқ, агар у вақтинчага – бола туғилгунча – бир ёққа кетиб, менинг Ликургда қолишимга имкон берса, унда харж-харажатларимни камайтириб, у яна ўзи пул топадиган бўлгунча бир амаллаб йиққанганимни юбориб тураман, деб айтган эдим.
- Лекин унга уйланаман деб ўйламагансиз-да?

– Йўқ, сэр, у пайтда бундай қилиш қўлимдан келишига сира кўзим етмас эди.

– Хўш, бунга у нима деди?

– У рози бўлмади. Бундай аҳволда қололмаслиги ва қолишни истамаслиги, мен билан никоҳдан ўтиши зарурлигини айтди.

– Тушунарли. Шу ернинг ўзидаёқ, зудлик биланми?

– Ҳа-да... ҳарқалай, тезлатиш керак, деди. У бир оз кутишга кўнди-ю, лекин бошқа ёққа кетишга эса, агар мен унга уйланмасам, ўламан сатор, бормайман, деб оёқ тираб туриб олди.

– Сиз ортиқ уни севмаслигингизни ўзига айтдингизми?

– Ҳа, деярли... айтдим, сэр.

– «Даярли» деганингиз нимаси?

– Мен... уйланишни истамайман, дедим. Ҳа, кейин, энди севмаслигимни ўзи ҳам билар эди. Буни ўзи айтган эди.

– У сизга шуни айтганмиди? Ўша пайтда-я?

– Ҳа, сэр, қайта-қайта айтган эди.

– Дарвоқе, гапингиз тўғри. Бу – шу ерда ўқилган барча хатларидан ҳам маълум. Лекин у бошқа ёққа кетишдан қатъиян бош тортгандан сўнг сиз нима қилдингиз?

– Нима қилишни билмай бошим қотди... Бироқ, эҳтимол, бир оз вақтга бўлса ҳам уйига кетишга кўндиранман, ўшанда ўзим пул йиғишга ҳаракат қиламан... балки... уйланишни мутлақо хоҳламаётганимни... уйидалиқ пайтида тушуниб етар... деб ўйладим. (Клайд дудуқланиб, индамай қолди. Бунақанги ёлғон гапириш оғир эди.)

– Хўш, хўш, давом этинг. Эсингизда бўлсин-ким: ҳақиқат, гарчи сиз уни айтишдан ҳар қанча ор қилган тақдирингизда ҳам, ёлғондан кўра ҳа-миша устунроқдир.

– У яна ҳам кўпроқ даҳшатга тушса, балки бунақанги ўжарлигини ташлармикин, деб ўйлаган эдим...

– Сиз ўзингиз қўрқмадингизми?

– Ҳа, сэр, қўрқдим.

– Майли, давом этинг.

– Хуллас... балки ўша вақтгача жамғаролган пулимнинг барини бераман, деб кўрсаммикин... тушуняпсизми, мен яна бирортасидан қарз олмоқчи ҳам бўлган эдим... ўшанда, эҳтимол, у кетишга кўнар ва мени ўзи билан никоҳдан ўтишга мажбур қилмас... шунчаки бошқа бир шаҳарда жойлашиб олса, мен унга кўмаклашиб турарман... деб ўйлادим.

– Тушунарли. Лекин у бунга рози бўлмаган?

– Йўқ... Яъни, никоҳдан ўтмайман, десам рози бўлмади... Аммо у бир ойга уйига кетишга кўнди. Мендан умидини узишга эса, бари бир уни рози қилолмадим.

– Сиз ўша пайтдами ёки қачондир ундан аввалми ё кейинми, унга боришингизни ва у билан никоҳдан ўтишингизни айтганмидингиз?

– Йўқ, сэр. Ҳеч қачон айтмаганман.

– Хўш, унда нимани айтгансиз унга?

– Айтдимки... пул топишим биланоқ... – Клайд ҳаяжонга тушиб, уялганидан тили дудуқлана бошлади, – тахминан бир ойлардан кейин ҳузурингга бораман, ҳозирча... ҳозирча... анави шов-шувлар босилгунча иккаламиз вақтинчага бирон ёққа жўнаймиз-қўямиз, дедим.

– Лекин сиз унга уйланаман, демагансиз-да?

– Йўқ, сэр. Ундай демаганман.

– Бироқ у, сўзсиз шуни истар эди, шундайми?

– Ҳа, сэр.

– Ўша пайтда сизни у мажбур қилиши мумкинлигини ўйламаган эдингизми? Яъни, ўз хоҳишин-

гизга қарши бўлса ҳам, унга уйланишингизни назарда тутяпман.

– Йўқ, сэр, мен буни ўйламагандим. Бундай бўлишига бари бир тиш-тирноғим билан қарши турардим. Режам шундай эди: иложи борича кўпроқ вақт ўтказиб, иложи борича кўпроқ пул жамғармоқчи бўлдим, сўнгра никоҳдан бош тортиб, бор пулимнинг барини унга бериб, кейинчалик қўлимдан келганча кўмаклашиб турмоқни ният қилган эдим.

– Бироқ сизга маълумки, – Жефсон шу ерда анчагина мулоим ва устамонлик билан гапира бошлади, – мисс Олден сизга ёзган мана бу хатларда (у прокурорнинг столига қўлини чўзиб, Робертанинг ўз дастхати билан битилган бир тўп мактубни олдида, тантанавор тарзда уларни кафтида чамалаб кўрди) икковингиз чиққан саёҳатга алоқаси бўлган қандайдир бир ўзаро *келишув* хусусида тез-тез эслатиб ўтилади, ҳойнаҳой, мисс Олденнинг ўзи шундай деб ўйлаган бўлса керак. Хўш, қани айтинг-чи, қандай келишув эди ўша? Агар хотирам алдамаса, у очиқдан-очиқ «ҳаммасини келишиб олганмиз-ку», деб ёзган.

– Ҳа, биламан, – жавоб берди Клайд: улар бу масалани Белнеп ва Жефсон билан биргаликда, ахир икки ой муҳокама этишган-ку. – Бироқ мен билган биргина келишув (у бор кучи билан ўзини самимий тутишга ва ишонарли гапиришга тиришар эди) – бу мен унга қайта-қайта таклиф қилган ўша келишувнинг ўзи.

– Бу келишувнинг асосида қандай гаплар бор эди?

– Гапнинг лўндаси, у кетиши ва бирор жойдан кулба топиши, кейин ёрдамимга шукур қилиб туравериши керак эди, вақти-вақти билан эса мен унинг ҳолидан хабар олиб турган бўлардим.

– Э, йўқ, сиз қандайдир кераксиз нарсаларни гапиряпсиз, – дея эътироз билдирди Жефсон, унинг эътирозида фаразгўйлик йўқ деб бўлмасди. – У буни назарда тутиши мумкин эмас. Хатларидан бирида сиз бошқа ёққа кетишингиз ва у билан анча вақтгача – то ўзига келиб олгунча – бирга туришингиз қийин бўлишини, лекин бу ишда ёрдам бериш мумкин эмаслигини айтиб ўтади.

– Ҳа, биламан, – деб жавоб берди Клайд шоша-пиша, илгаридан тайинлаб қўйилганидек аниқ қилиб. – Аммо бу менинг эмас, унинг режаси эди. У, шуни хоҳдаяпман, сен ҳам шундай қилишинг керак, деб такрорлагани такрорлаган эди. У бу ҳақда бир неча бор телефонда ҳам айтганида, эҳтимол, мен: «Майли, майли», деб жавоб қилган бўлишим ҳам мумкин, бироқ бу – мен унинг ҳамма гапига рози эдим, деган сўз эмас-ку, шунчаки, биз ҳали бу ҳақда гаплашамиз деганим эди, холос.

– Тушунарли. Демак, сиз «у бошқа нарсани ўйлаган, мен бошқа нарсани», демоқчисиз-да?

– Мен фақат шуни биламанки, бу масалада у билан гапимиз сира бир ердан чиқмаган. Яъни, ундан мен ҳамма вақт яна сабр қилишини ва етарли даражада пул йиғмагунимча жим туришини сўраганман; мен ҳузурига бориб, ҳамма гапни у билан яна қайтадан маслаҳатлашиб олмоқчи, кейин эса ўйлаб қўйганимдек, уни жўнаб кетишга кўндирмоқчи бўлган эдим.

– Аммо, мабодо у бунга кўнмаганда-чи, унда нима бўларди?

– Унда мен мисс Х ҳақида гапириб бериб, мени тинч қўйишини айтмоқчи эдим.

– Бари бир шунда ҳам у мажбурласа-чи?

– Ҳа, унда, ҳарқалай, қочиб кетган бўлардим... лекин буни ҳатто хаёлимга ҳам келтиришни истамасдим.

– Ўзингизга сўзсиз маълумки, Клайд, бу ерда ўтирган айрим кишилар, тахминан худди ўша пайтда миянгизда жинойий ният туғилган: сиз гўё сохта ном остига яшириниб, кейин бемалол юриш ва мисс Х га тинчгина уйланиб олиш мақсадида мисс Олденни Адирондак тоғларидаги хилват бир кўлга бошлаб бориб, ёвузлик билан уни ўлдириш ёки чўктириб юбориш режасини тузгансиз, деб ҳисобламоқдалар. Хўш, айтинг-чи, шу тўғрими? Суд маслаҳатчиларига ҳа ёки йўқ, деб жавоб беринг-чи?

Клайд ўтирган креслосининг бандини қисганча, аввалдан ўргатиб қўйганларидек, айтаётган сўзлари иложи борича ҳаяжонли ва таъсирчан чиқиши учун:

– Йўқ! Йўқ! Мен ҳеч қачон на уни ва на бошқа биронтасини ўлдиришни хаёл қилмаганман, – дея чинакамига даҳшатга тушиб эътироз билдирди.

У хиёл ўрнидан туриб, ўзининг ҳақлигига тўла имони комиллигини кўрсатиш ва одамларда ишонч туғдиришга ўлиб-тирилиб ҳаракат қила бошлади, ваҳоланки, худди шу аснода бутун вужуди, аслида шундай ният қилган эдинг-ку, деган даҳшатли фикрдан ларзага тушаётган... шу машъум, азобга солувчи фикр уни бутунлай ҳолсизлантириб қўяётган эди. Залда ўтирган барча кишиларнинг нигоҳи унга қадалган эди. Судья ҳам, суд маслаҳатчилари ҳам, Мейсон ҳам, ҳамма журналистлар ҳам унга тикилиб қолишган эди. Пешонасини яна совуқ тер босди. Саросимага тушганча гезарган лабларини ялаб қўйди-да, зўрға ютинди, чунки томоғи қуриб қолган эди.

Қарабсизки, Жефсон қадам-бақадам, Робертанинг отасиникига боргандан сўнг йўллаган дастлабки хатларидан тортиб, Клайддан мени олиб кетиш учун кел, деб талаб қилган, акс ҳолда Ликуртта қайтиб бориб, шармандангни чиқараман,

деб пўписа тарзида ёзган мактубигача – хуллас, «эҳтимол тутилган» ёвуз ният ҳамда жиноятнинг барча икир-чикирларигача таҳлил этиш давомида Клайдга қарши гувоҳлик берувчи ҳамма нарсаларни сусайтиришга ва бутунлай рад қилишга бор кучи билан интилиб кўрди.

Клайднинг Робертага хат ёзмаганини шубҳали деб ҳисоблашяпти. Ваҳоланки, у қариндошлари туфайли, хизмати туфайли, дунёдан нимани кўрган бўлса, ўшаларни деб ишнинг чигаллашиб кетишидан кўрққан эди. Худди шу нарса Роберта билан келишиб олган Фондадаги учрашувга ҳам тааллуқли. Ўша пайтда унинг бирор-бир аниқроқ жойга бориш ҳақида режаси ҳам йўқ эди. Фақатгина у билан қаердадир – дуч келган бир жойда – учрашиб, уни иложи борица ажрашиб кетишга кўндириш тўғрисида мубҳамгина фикри бор эди, холос. Июль келишига қарамай, унинг режалари ҳамон мавҳум эди, лекин шу орада миясида шаҳардан ташқарироққа – арзон-гаров бир истироҳатбоп жойга чиқиб келишимиз мумкин-ку, деган фикр пайдо бўлади. Утикада эса Робертанинг ўзи шимолий кўлларнинг биронтасига боришни таклиф қилиб қолади. Вокзалда эмас, асло, балки ўша ерда, меҳмонхонада у бир неча харита ва йўл кўрсаткич китобчаларни сотиб олади (бу маълум маънода фалокатли фикр эди, чунки муқовасига «Ликург» меҳмонхонасининг муҳри туширилган ўша йўл кўрсаткич китобчалардан бири Мейсоннинг қўлида эди. Клайд ўз вақтида бу муҳрни кўрмай қолган эди, шу боисдан Мейсон берилаётган гувоҳликни тинглай туриб, шу тўғрида ўйлаб қўйди). Клайд Ликургдан жимгина, хилват бир тарафдан чиққану жўнаган, хўш, нима бўпти, у Роберта иккаласи кетаётган саёҳатни сир тутишга интилган албатта, лекин бунда у фақат уни ва

ўзини майда-чуйда гаплардан асраш учунгина шундай қилган. Бошқа-бошқа вагонларда кетиш, «мистер ва мисс Голден» деб ёздиришлар ва шунинг сингари кўзга ташланмаслик учун қилинган бу устма-уст ҳийла ва найранглари ҳам айна шу нарса билангина изоҳлаш мумкин. Иккита шляпа масаласига келганда эса, биринчиси шунчаки лой-пой бўлгану, янгисини кўриб қолиб, ўшани сотиб олган. Кейин фожиа юз берган пайтда бунисини йўқотгану, табиийки, у иккинчисини кийган-қўйган. Ўз-ўзидан маълумки, қўлида фотография аппарати ҳам бўлган, уни Крэнстонларникига биринчи бор, ўн саккизинчи июнда меҳмондорчиликка борганда ўзи билан бирга олиб боргани ҳам рост. Фақат бир сабаб туфайлигина ушбу буюмидан у аввалига тонган: Робертанинг фавқулодда ўлимига сенинг алоқанг бордир, деб нотўғри тушунишади-ю, кейин ўзимни оқлай олмамай қоламан, деб қўрққан. Ўрмонда ҳибсга олишган дастлабки дақиқадан бошлабоқ янглишиб уни қотилликда айблашяпти – у бусиз ҳам ўша хосиятсиз саёҳат вақтида юз берган бутун воқеалардан ва ҳимоячиси ҳамда унинг тарафини олиб бир оғиз гапирадиган одамнинг йўқлигидан даҳшатга тушиб юрибди; энг яхшиси, умуман ҳеч нарса гапирмаслик, деб хаёл қилган ва шунинг учун шунчаки инкор этаверган. Аммо икки ҳимоячи беришлари биланоқ, у дарҳол уларга аслида содир бўлган воқеани сўйлаб берган.

Йўқолган костюм хусусида ҳам шуни айтиш мумкин: жиққа ҳўл ва ифлос бўлгани учун Клайд уни ўрмондаёқ тугун шаклида ўраган-да, Крэнстонларникига етиб боргач, кейинроқ олиб тозалатишга берарман, деган мўлжал билан қаергадир тошларнинг орасига яшириб ташлаган, Мистер Белнеп ва мистер Жефсон билан танишганда, у

бунни дарров айтган; шундан сўнг костюм топилиб, тозалатиб, ўзига қайтиб берилган.

– Клайд, сиз энди ўз режаларингиз ва ўша кўлга қилган саёҳатларингиз тўғрисида гапиринг-чи.

Шунда қачонлардир Жефсон Белнепга қандай сўйлаб берган бўлса, худди ўшандай тарзда, Клайд билан Робертанинг Утикага, кейин эса Ўтлоқзор кўлига борганлари хусусидаги ҳикоя бошланди. Илгаридан ҳеч қандай режа-пежа тузилмаган экан. Нарини борганда, Клайд мисс Х ни беқиёс даражада севиб қолганини Робертага айтмоқчи ва уни ақл ҳамда инсофга чақириб, мени тинч қўй, деб илтимос қилмоқчи бўлган экан; аини пайтда у кўлидан келганча унга кўмаклашиш ва ҳолидан хабар олиб туришни кўнглига тугиб қўйган экан. Агар у кўнмаса, бутунлай орани очиқ қилмоқчи экан; лозим бўлса, ҳамма нарсадан кечиби, Ликурдан бош олиб чиқиб кетишга ҳам тайёр турган экан.

– Лекин мен уни Фондада, кейин Утикада ниҳоят даражада ҳорғин ва азобланган... қандайдир жуда заиф бир қиёфада кўрганымда (Клайд бировлар обдан танлаб берган бу сўзларни юракдан айтишга ғоятда тиришар эди), яна унга раҳмим кела бошлади.

– Кейин нима бўлди?

– Гапнинг очиги... агар мендан ажралмайман, деб туриб олса, чиндан ҳам уни ташлаб кетишимга кўзим етмай қолди.

– Хўш, ундай бўлса, қандай қарорга келдингиз?

– У пайтда ҳали ҳеч қандай қарорга келмаган эдим. Мен унинг гапларини эшитдим, кейин мабодо у билан бирга кетган тақдиримда ҳам, уни тўла-тўқис рози қилолмаслигимни тушунтиришга уриндим. Менда атиги эллик доллар бор эди, холос.

– Хўш.

– У йиғлай бошлади, шунда мен у билан энди бу ҳақда гаплашиш ортиқча экан, деган хулосага келдим. У ҳаддан ташқари асабийлашган ва бутунлай азобда қолган, ҳолсизланган эди. Шунда мен, бир оз ҳордиқ чиқариб келиш учун бир-икки кунга у ёқ-бу ёққа боришни истамайсанми, деб сўрадим, – давом этди Клайд. (Шунда ўз сўзларининг ғирт ёлғонлигини тушунганидан унинг томири тортишди, титраб-қақшаб ютинди; ниҳоятда оғир жисмоний машқми ёки ёлғон гапиришми – иш қилиб, қўлидан келмайдиган мушкул ишни бажармоқчи бўлганда ҳар доим унда мана шунақанги ошкора ожизлик юз берарди.) – У ҳа, қани энди Адирондак қўлларидан биронтасига борсак, қайсиниси бўлса ҳам майли, фақат пулимиз етса бас эди, деди. Асосан унинг ёмон аҳволига ачинганим сабабли, менимча, борса бўлади, деб айтган эдим, у бўлса...

– Хуллас, сиз ўша ёққа фақат уни деб борган-мидингиз?

– Ҳа, сэр, фақат уни деб.

– Тушунарли. Давом этинг.

– ... шунда у айтдики, тезда меҳмонхонадан ёки бошқа бирор жойдан йўл кўрсаткич китобчиларини топсангиз, бир-икки кун яшаса бўладиган арзон-гаровгина жой танлаймиз, деди.

– Кейин сиз ўша китобчаларни қидириб кетдингизми?

– Ҳа, сэр.

– Хўш, кейин-чи?

– Кейин уларни кўриб чиқиб, Ўтлоқзор кўлини танладик.

– Очигини айтинг, ким танлади? Икковингизми ёки унинг ўзими?

– Битта китобчани шунчаки у қўлига олди, мен эсам бошқасини, кейин у ўзиникидан икки киши

учун ҳафтасига йигирма бир доллар ёки кунига беш доллардан тўланадиган меҳмонхона эълони-ни кўриб қолди. Сўнгра мен, ҳойнаҳой, ҳеч қаерда бунчалик арзон истироҳат жойи топилмаса керак, деб ўйладим.

– Сизлар у ерда атиги бир кунгина бўлмоқчи эдингизми?

– Йўқ, сэр, агар у хоҳлаганда биз узоқроқ қолишимиз ҳам мумкин эди. Аввалига мен у ерда балки икки ёки уч кун бўлармиз, деб ўйлаган эдим. У билан обдан ёзилишиб гаплашиш ва ҳол-аҳволимни унга тушунтириш учун қанча вақт кетишини билмас эдим.

– Тушунарли. Кейин-чи?

– Кейин биз эртасига эрталаб Ўтлоқзор кўлига қараб жўнадик.

– Яна бошқа-бошқа вагондами?

– Ҳа, сэр, бошқа-бошқа вагонда.

– Меҳмонхонага келгансизлару, кейин...

– Ҳа, кейин рўйхатдан ўтдик...

– Қандай қилиб?

– «Карл Грэхэм рафиқаси билан», деб.

– Ўшанда ҳам билиб қолишса-я, деб қўрқдингизми?

– Ҳа, сэр...

– Кейин сиз бир амаллаб дастхатингизни ҳам ўзгартирмоқчи бўлгансиз?

– Ҳа, сэр... озгина.

– Нега сиз ҳамма вақт К. Г. деб ҳақиқий исми шарифингизни қолдиравергансиз?

– Биласизми, исмимни сохталаштириб ёзайину, лекин бош ҳарфлари жомадонимдаги белгига тўғри келиши керак, деб ўйлаган эдим.

– Тушунарли. Бу ишингиз бир жиҳатдан ақллигу, бироқ иккинчи жиҳатдан анча-мунча хом... очиғини айтганда, чала иш, аслида бундан ёмони йўқ.

Мейсон бу гапларни эшитиб, худди эътироз билдирадигандай ўрнидан туриб кетди, бироқ кейин фикридан қайтди шекилли, яна секингина креслога чўкди. Жефсон тагин ўнгга, суд маслаҳатчиларига зимдан тез, синовчан назар ташлаб қўйди.

– Хўш, Хуллас, охири бориб, бу ишга бутунлай чек қўйишга аҳд қилганингизни сиз унга айтдингизми ёки айтмадингизми?

– Мен манзилга етиб боришимиз биланоқ ёки ақалли, эртаси куни эрталаб у билан гаплашмоқчи бўлдим. Бироқ етиб келиб, ўрнашиб улгурмасимиздан у тезда менга уйланасан, деб гап оча бошлади. Мен сен билан узоқ яшамайман, аммо ғоят хасталигим, эзилганлигим ва ўзимни ёмон ҳис этаётганлигим туфайли биттагина нарсани – шу ишларга бутунлай барҳам берилишини ва болага ном қўйилишинигина истайман, холос, деди, кейин мен кетаман, сен озод бўласан, деди.

– Сўнгра нима бўлди?

– Сўнгра... сўнгра биз кўлга кетдик...

– Қайси кўлга, Клайд?

– Ҳа, ўша Ўтлоқзорга-да. Биз қайиқда сайр этмоқчи бўлдик.

– Бирдан-а? Кундузи-я?

– Ҳа, сэр. У шуни хоҳлади. Сайр қилиб юрган пайтимизда ҳам... (У индамай қолди.)

– Хўш, нима демоқчисиз, давом этинг.

– У яна йиғлай бошлади, шунда мен унинг ниҳоятда хаста ва озор чекканлигини, тақдирга сира тан беролмаётганини сездим... сирасини айтганда, у ҳақ-ку, мен ёмон иш қиляпман... бола туфайлиёқ ҳамда бошқа андишалар юзасидан ҳам унга уйланмасам инсофсизлик бўлар, деган қарорга келдим, тушуняпсизми... яхшиси, унга уйлана қолай, деб ўйладим.

– Тушунарли. Сизда руҳий бурилиш юз берган. Демак, сиз ўша заҳотиёқ буни унга айтгансиз-да?

– Йўқ, сэр.

– Нима учун? Сиз унга шунчалик ҳам керагидан ортиқроқ азоб берганингизни наҳотки сезмаган бўлсангиз?

– Сезардим, сэр. Биласизми, мен унга айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган ҳам эдим, лекин бирдан у ерга боришдан аввал ўйлаган нарсаларим яна бир чеккадан ёдимга тушиб кетди.

– Нималар ёдингизга тушди, масалан?

– Ҳа, мана, мисс Х дейсизми, Ликургда кечирган кунларим дейсизми, мабодо никоҳдан ўтиб, бу ердан жўнаб кетсак, бизни нималар қутаётгани дейсизми.

– Хўш.

– Хуллас... мен... мен ўшанда... очигини айтсам, ўша кун унга буни сира гапиролмадим.

– Унда нимани гапирдингиз унга?

– Қўй, бошқа энди йиғлама, дедим... Ўйлаб олишимга яна бир кун муҳлат берсанг дуруст бўлар эди, эҳтимол, шунда биз сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган бирор йўлини топармиз, дедим.

– Кейин-чи?

– Кейин, озгина вақт ўтгач, у Ўтлоқзор қўли менга ёқмаяпти, деди. Унинг қўлдан кетгиси келиб қолди.

– Унинг кетгиси келдими?

– Ҳа. Биз тагин йўл кўрсаткич китобчаларини олдик-да, мен меҳмонхонада юрган бир боладан, бу ерда қандай кўллар борлигини сўрадим. У, шу яқин ўртадаги энг чиройли кўл – Катта мушгир, деди. Мен Робертага бир марта йўлим тушиб, у ерда бўлганимни ва бояги боланинг гапларини айтган эдим, у, ўша жойга борсак яхши бўлар эди, деди.

– Фақат шунинг учунгина сизлар ўша ёққа жўнаганмидингиз?

– Ҳа, сэр.

– Бошқа ҳеч қандай сабаб йўқмиди?

– Йўқ, сэр, бошқа ҳеч қандай сабаб йўқ эди... Дарвоқе, фақат битта томони бор эдики, биз Ўтлоқзор кўлининг жанубига қараб кетишимиз керак эди, қайтишда ҳам бари бир шу йўлдан юришимизга тўғри келарди.

– Тушунарли. Бу воқеалар пайшанба куни, саккизинчи июлда бўлиб ўтди, шундайми?

– Ҳа, сэр.

– Мана, Клайд ўзингиз эшитдингиз: бу ерда сизни мисс Олденни ўша кўлга сиз фақат биргина, илгаридан ўйлаб қўйилган шум ният билан, ундан қутулиш учун, четдан қараганда кўзга ташланмайдиган, қандайдир овлоқ ерни топиб, ўша ерда ё фотография аппарати билан, ё эҳтимол, эшкак, таёқ ёки тош билан уриб ўлдиришда ва кейин чўктириб юборишда айблашяпти. Хўш, ўйинга сиз нима дейсиз? Шу тўғрими, ё йўқми?

– Йўқ, сэр! Бу нотўғри! – дея эътироз билдирди Клайд дангалига ҳамда юракдан сўйлаб. – Аввало, у жойга бориш фикри мендан чиқмаган, фақат унга Ўтлоқзор кўли ёқмагани учунгина ўша ёққа жўнадик.

(У шу пайтгача креслода ҳорғин бир қиёфада ўтирган эди, лекин энди қаддини тик тутди-ю – аввалдан ўргатиб қўйганларидек – суд маслаҳатчилари ва халойиққа қўлидан келганча очиқ чеҳра ва қатъият билан тикилди.)

– Мен унга қандайдир яхшилик қилишга бор кучим билан уриндим. Сал бўлса-да кўнглини кўтаришни қаттиқ истаган эдим.

– Ўша куни ҳам унга бир кун илгаригидек ачинганмидингиз?

– Ҳа, сэр... балки, ундан ҳам кўпроқ ачинган бўлсам керак.

– Ўша пайтда сиз бу ёғига қандай йўл тутишингизни аниқ ҳал қилиб олган эдингизми?

– Ҳа, сэр.

– Хўш, қандай қарорда тўхтаган эдингиз?

– Биласизми, мен виждон билан иш кўришга аҳд қилдим. Бутун тун бўйи бу ҳақда ўйлаб чиқдим ва унга нисбатан инсоф билан иш тутмасам, унга ҳам, ўзимга ҳам ёмон бўлишини англаб етдим... акс ҳолда ўзимни ўзим ўлдираман, деб бир неча бор айтган эди-да, ахир. Эртаси эрталаб: нима бўлса бўлар, ҳамма ишни шу бугун бир ёқлик қиламан, дея кўнглимга тутдим.

– Бу Ўтлоқзор кўлида бўлган эдими? Пайшанба куни эрталаб сизлар ҳали меҳмонхонада эдиларингизми?

– Ҳа, сэр,

– Хўш, сиз унга айнан нима демоқчи эдингиз?

– Масалан, унга нисбатан инсофсизлик қилганимни ўзим ҳам билишим ва ғоятда ачинишим... яна у қўйган таклифларнинг адолатлилиги ва агар шунча гапдан сўнг ҳам – арзи ҳолимни айтганимдан кейин ҳам у менга турмушга чиқишни истаса, у ҳолда икковлашиб кетиб никоҳдан ўтишим... Аммо олдинига мен унга ҳақиқатни, у билан бошқача муносабатда бўлиб қолганимнинг асл сабабини гапириб беришим: ўзга бир қизни севиб қолганим ва ҳозир ҳам севишим, шу боисдан нима қилишни билмай бошим гаранглиги... унга уйланаманми, йўқми билмаслигим... шуларни сўйлаб бермоқчи эдим.

– Уйланаманми, йўқми, деганда мисс Олденни айтяпсиз-да?

– Ҳа, сэр... умрбод мен ўша, иккинчи қизни севишимни, чунки у доимо фикру хаёлимдан нари

кетмаслигини гапирмоқчи эдим. Мабодо бу нарса Роберта, сен учун аҳамиятсиз бўлса, унда, гарчи ўша қизни ҳамон бурунгидай севишимга қарамай, ҳарқалай, сенга уйланаман, деб айтмоқчи эдим. Бор гап шу, вассалом.

– Хўш, мисс Х чи?

– Мен уни ҳам ўйлаганман албатта, лекин у бадавлат қиз, шу сабабли бу нарсани хийла осонроқ ўтказиб юборадиганга ўхшаб кўринди, назаримда. Бундан ташқари, балки Роберта мени ўз ҳолимга қўяр, кейин биз шунчаки дўст бўлиб қолаверармиз, мен нима қўлимдан келса, ҳаммаси билан унга ёрдамлашиб турарман, деб ўйлагандим.

– Айнан қаерда никоҳдан ўтишингларни ҳам ҳал қилиб олдингларми?

– Йўқ, сэр. Лекин мен Катта мушгир ва Ўтлоқзор кўлининг нариёғида шаҳарлар кўплигини билар эдим.

– Мисс Х ни бир оғиз ҳам огоҳлантирмай, шунча ишни қилмоқчи эдингизми, а?

– Й-йўқ, сэр, унчалик эмас... Агар Роберта мени ўз ҳолимга қўймайдиган бўлса, у ҳолда уч-тўрт кунга кетишимга рози бўлар, шунда мен мисс Х нинг ҳузурига бориб, ҳамма гапни айтарман, сўнг-ра қайтиб келарман, деб умид боғлаган эдим. Агар Роберта бунга ҳам кўнмаса, унда нима ҳам дердим, ноилож мисс Х га хат ёзардим, аҳвол шунақа бўлиб қолди, деб тушунтирдим, кейин Роберта икковимиз никоҳдан ўтардик.

– Тушунарли. Аммо, Клайд, бу ерда бошқа ашёвий далиллар қаторида мисс Олден пальтосининг чўнтагидан топилган бир хат ҳам келтириб ўтилди, – у Ўтлоқзор кўли меҳмонхонасининг тамғаси туширилган қоғозга битилган бўлиб, онасига аталган экан, – ўша хатида мисс Олден ўзининг эрга тегмоқчи бўлаётганини ёзган. Сиз у билан никоҳ-

дан ўтмоқчи бўлганингизни ўша куни эрталабоқ, Ўтлоқзор кўлининг ўзида унга қатъий қилиб айтган эдингизми ҳали?

– Йўқ, сэр. Унчалик эмас. Лекин мен эрта тонгданоқ унга, бугун ҳал қилувчи кун, мен билан никоҳдан ўтишни истайсанми-йўқми, ўзинг ҳал этишинг керак, деб айтган эдим.

– Ҳа, тушундим! Демак, шундай денг-а! – Жефсон худди елкасидан тоғ афдарилгандай, енгил тортиб жилмайди. (Айни пайтда бутун вужудларини қулоққа айлантирганча тинглаб ўтирган Мейсон, Ньюком, Бэрлей ва сенатор Редмондлар эса секингина, деярли бараварига: «Ғирт ёлғон!» деб хитоб қилишди.)

– Хуллас, мана, биз саёҳат масаласига ҳам етиб келдик. Сиз бу ерда гувоҳлар гапирган гапларни, ҳар қадамда сизга қанчадан-қанча ёвуз ниятлар ва макр-ҳийлалар тўнкалганини ҳам эшитдингиз. Энди бўлса мен орада нима юз берган – ҳаммасини ўз оғзингиздан эшитишни истайман. Бу ерда, Катта мушгирга жўнатаётиб, сиз иккала жомадонни – униқини ҳам, ўзингизникини ҳам олганингиз, лекин Қуролсозга боргач, унинг жомадонини ўша жойда қолдириб, ўзингизникини эса қайиққа олиб кетганингиз қайд этиб ўтилди. Нима сабабдан сиз шундай қилдингиз? Илтимос, қаттиқроқ гапиринг, сизни барча суд маслаҳатчилари эшитсинлар.

– Нима учун шундай бўлганини қаранг, – яна Клайднинг томоғи қуруқшаган, зўрға-зўрға гапирарди, – биз Катта мушгирда нонушталик топа оламизми-йўқми, билмас эдик, шу боисдан ҳам Ўтлоқзорнинг ўзидан майда-чуйда ғамлаб олишга ақд қилдик. Унинг жомадони лиқ тўла эди, меникида эса озроқ жой топилди. Бундан ташқари, меникида фотография аппарати ҳам бор эди, сирти-

га аппарат оёқчалари боғлаб қўйилган эди. Шу сабабдан унинг жомадонини қолдириб, ўзимникини олиб кетадиган бўлдим.

– Сиз ўзингиз шундай қарорга келдингизми?

– Яъни, мен ундан сўрадим, шунда у, менимча ҳам шундай бўлгани маъқул, деди.

– Буни сиз ундан қаерда сўрадингиз?

– Поездда, Қуролсозга кетаётганимизда.

– Демак, кўлдан Қуролсозга яна қайтиб келишларингизни билган экансиз-да?

– Ҳа, сэр, билардим. Биз изимизга қайтишимиз керак эди. Бошқа йўл йўқ эди, Ўтлоқзор кўлида бизга шундай деб айтишган эди.

– Катта мушгир йўлида, эсингиздами, сизни ўша ёққа олиб борган ҳайдовчи «анча-мунча асабийлигингиз» ва сиз ундан, бугун у жойда одам кўпми, деб сўраганингизни айтиб ўтди?

– Ҳа, сэр, эсимда, лекин мен ниҳоятда хотиржам эдим. Эҳтимол, у ерда одам кўплигини сўраган бўлсам, сўрагандирман, аммо назаримда, бунинг ҳеч бир ёмон жойи йўқ-ку. Менимча, бу саволни истаган киши ҳам бериши мумкин.

– Менимча ҳам шундай, – дея маъқуллади Жефсон. – Энди айтинг-чи, сизлар Катта мушгир меҳмонхонасида рўйхатдан ўтиб, қайиқ олиб, мисс Олден билан кўлга сайр этишга жўнаганларингиздан сўнг нималар бўлди? Сизми ёки уми, бирор нарсадан ташвишланаётгандай, ҳаяжонланаётгандай ё умуман, қайиқда сайрга чиққан беғам кишиларга ўхшамайдигандай бўлиб кўринган эмасмидингиз? Балки сиз одатдан ташқари қувноқроқ, ё одатдан ташқари хафароқ ёки ундан ҳам бошқачароқ кўрингандирсиз?

– Одатдан ташқари хафа эдим деёлмайман, йўқ, сэр. Унга айтмоқчи бўлаётган гапларимнинг барини, унинг хоҳишига қарам бўлиб, ип-

сиз боғланиб қолажагимни ўйлардим, албатта. Ҳарқалай, мен у қадар қувноқ ҳам эмасдим, лекин энди мен нима воқеа юз бермасин, ҳаммаси яхши бўлиб кетишини ўйлардим. Мен унга уйланишга батамом тайёр эдим.

– Хўш, у-чи? Унинг кайфияти яхшимиди?

– Умуман олганда, яхши эди, сэр. У нима учундир илгаригига қараганда анча-мунча қувноқроқ ва хотиржамроқ эди.

– У билан сиз нима ҳақда гаплашдингиз?

– Аввалига, кўлнинг гўзаллиги ва қорнимиз очса, қаерда нонушта қилиб олишимиз тўғрисида гаплашдик. Кейин биз фарбий соҳил бўйлаб сузиб, сув нилуфарларини изладик. Кўринишидан у шунчалар хурсанд эдики, бу пайтда мен анави гапни бошлашни ҳатто хаёлимга ҳам келтирмадим, шу сабабдан биз шунчаки сайр қилиб юравердик, икки соатлардан сўнг эса овқатланиш учун қирғоққа чиқдик.

– Яъни, қайси жойда? Харитага яқинроқ келинг-да, таёқча билан кўрсатинг, қандай сузгансизлар ва қайси ерда, қанча вақтга ва нима учун қирғоққа келиб тушгансизлар?

Клайд қўлида таёқча ушлаганча, кўл ва унинг фожиага кўпроқ алоқадор бўлган қисмлари туширилган харита олдида туриб, соҳил ёқалаб юрилган ўша олис йўлни бир бошдан кўрсатиб чиқди: нонуштадан сўнг улар йўл олган ўша сўлим дарахтзор дейсизми, ҳамма ёққа сочилиб ётган сув нилуфарларини териш учун бир оз ҳаялаб қолинган кўркам хилватгоҳ дейсизми, хуллас, то соат бешларда Ҳилол кўрфазига етиб боргунларича тўхтаган ҳар бир манзиллари ўз нафосати билан уларни бир зумдаёқ шу қадар мафтун этганки, улар қайиқда лол қолиб ўтирганча узоқ вақт теваракка суқланиб-суқланиб тикилишган.

Кейин Клайд беш-олти марта расм олмоқчи бўлган ва улар ўша ернинг ўзида қалин ўрмонзор қирғоққа бориб тушишган. Бу орада Клайд нуқул Робертага мисс Х ҳақида гапирмоқчи ва ундан масалани очиқ қилиб беришни сўрамоқчи бўлиб юрган. Сўнгра, жомадонни қирғоқда қолдириб, қайиқдан туриб бир неча марта расм олиш мақсадида атиги икки-уч дақиқага яна сувга тушишган. Теварак-атроф шу қадар фусункор ва осойишта бўлганки, қайиқ сув юзасида жимгина сузиб борган, ниҳоят Клайд шу жойда ўзини бардамроқ тутати-да, кўнглидаги бор гапини тўкиб солади. Аввалига, деб ҳикоя қила бошлади у, Роберта афтидан қаттиқ қўрқиб кетди, хафа бўлиб, бундай бахтсизликка учрагандан кўра, ўлганим яхши, деб юм-юм йиғлай бошлади. Лекин охири бориб, Клайд ўзини чиндан ҳам гуноҳкор сезаётганини, ўз айбини ювишга астойдил тайёрлигини айтиб уни ишонтиргач, Роберта бирдан ўзгариб, қувноқлашиб кетибди-да, кейин севинчи ва миннатдорчилиги ичига сифманиданми, кутилмаганда ўрнидан ирғиб туриб, унга яқин келмоқчи бўлибди. Гўё оёқлари остига йиқилмоқчидай ёки бўйнига осилиб олмоқчидай қўлини олдинга чўзибди. Бироқ шу пайт оёғими, кўйлагими алланимага илиниб қоқилиб кетибди. Клайд ҳам қўлида аппарати билан (Жефсон бун охирги дақиқада яна бир эҳтиёт чора сифатида қўшиб қўйишга қарор қилган эди) Роберта қулаб тушишидан қўрқиб, уни ушлаб қолиш мақсадида беихтиёр ўрнидан турибди. Эҳтимол, шунда – Клайд бунга бари бир ишонмай қарапти – Робертанинг юзи ёки қўли аппаратга урилиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Ҳарқалай, нима юз бергани ва нима қилиш зарурлигини на у ва на Роберта англаб етмаслариданоқ икковлари сувга қулаб

тушишибди; тўнқарилаётган қайиқ, ҳойнаҳой, Робертага теккан шекилли, у беҳуш кўринарди.

– Мен унга қайиққа яқинроқ бориб, уни ушлаб олишга ҳаракат қил, деб қичқирдим, бироқ қайиқлари кетиб қолди, Роберта бўлса мени эшитмагандай ё тушунмагандай эди. Аввалига унга яқинроқ боришга кўрқдим, чунки у жонҳолатда типирчилаб, сувни шапиллатарди, кейин яқинлаша бошладим. Ўн қулоч сузиб улгурмасимдан боши сув остига кириб, яна бир чиқиб, яна йўқолди. Бу орада қайиқ ўтгиз фугча нарига сурилиб кетди-ю, энди унга Робертани етказиб боролмаслигимга кўзим етди. Шундан сўнг қирғоққа сузиб чиқишга қарор қилдим, акс ҳолда ўзим ҳам нобуд бўлишим аниқ эди.

Қирғоққа чиқиб олганимдан сўнг, дея гапида давом этди Клайд, қандайдир ғалати ва шубҳали аҳволга тушиб қолганим тўсатдан миямга урилди. Ноқулай бир вазият юз бергани ва бу саёҳат ўзи бошдан-охир ғайритабиий бўлиб туюлишини бирдан тушуниб етдим, деди у. Меҳмонхоналарда ҳам у сохта ном билан рўйхатдан ўтган. Ўзининг жомадонини олиб, Робертаникини қолдириб кетган. Бундан ташқари, ҳозир изига қайтиб борса, ҳаммасини изоҳлаб беришга тўғри келади... унда Роберта билан алоқаси борлиги барчага маълум бўлади-ю, қарабсизки, бутун ҳаёти таназзулга юз тутди: у мисс Х дан ҳам, фабрикадаги ишидан ҳам, юрт ичида орттирган иззат-обрўидан ҳам – ҳамма ҳаммасидан бенасиб бўлади! Борди-ю, индамаса (у онт ичиб айтадики, бундай фикр унинг миясига фақат ҳозиргина, шу ерда келди), унда у ҳам чўкиб кетган, деган тахмин юзага келиши мумкин. Шу сабабли у ўзини ҳар қанча ўтга-чўққа урганда ҳам, энди Робертани ҳаётга қайтаролмаслиги ва воқеани ошқора айтиш эса ўзига кўпдан-кўп ташвиш орттириб бериши ҳамда Робертанинг хо-

тирасига доғ бўлиб тушишини англаб етгач, индамай қўя қолишга аҳд қилган. Шундан сўнг фош этиб қўйиши мумкин бўлган жамики белгиларни йўқотиш мақсадида ҳўл костюмини олган-да, сувини сиқиб, тугун қилиб ўраб, жомадонига яхшилаб тахлаб жойлаштирган. Кейин соҳилда жомадони билан бирга қолган аппарат оёқчаларини яширмоқчи бўлган, яширган ҳам. Эски похол шляпаси эса, яъни ўша тамғаси йўқолган шляпаси (лекин ўзининг айтишича, қандай йўқолганидан у беҳабар эмиш) қайиқ ағдарилиб, фожиа юз берган пайтда қаёқдадир қолиб кетибди, шу боисдан у бошқа янгисини кийиб олибди, яна унда шапкаси ҳам бор экан, ҳатто ўша шапкасини кийиб олиши ҳам мумкин экан. (Унинг доимо йўлга ортиқча бир шляпа кўтариб кетадиган одати бор экан: ахир, қачон қарасанг, шляпа билан нимадир бир ҳангома чиқиб туради-ку, аслида ҳам.) Кейин у ўрмон орқали жанубга, темир йўл томонга қараб юришга аҳд қилган, чунки унинг ҳисобича, ўша ердан темир йўл ўтиши керак бўлган. Аммо у жойда автомобиль шоссеси ҳам борлигини ўша пайтда у билмаган. Клайднинг бамайлихотир тан олишига қараганда, унинг тўғри Крэнстонларникига қараб жўнаши ҳам табиий бир ҳол: улар Клайднинг дўстлари эдилар, шунинг учун у худди томдан тараша тушгандай тўсатдан оёғининг остидан чиққан бу даҳшатли воқеаларни бир бошдан ўйлаб чиқиши учун бирор-бир осойиштароқ жойга етиб олишни жуда-жуда истаётган эди.

Клайднинг жавоблари шу ерга келиб тўхтагач, унинг ҳам, Жефсоннинг ҳам назарида айтадиган бошқа гап қолмагандай туюлди, шунда ҳимоячи бир оз нафасини ростлаб олди-да, кейин бирданига дона-дона қилиб, аллақандай ўта бир босиқлик билан деди:

– Эсингизда бўлсин, Клайд: мистер суд маслаҳатчилари олдида, судья, шу залда ўтирган халойиқ олдида, авваламбор – тангри таоло олдида ҳақиқатни, бор ҳақиқатни ва фақат ҳақиқатни гапираман, деб тантана билан онт ичдингиз. Бунинг маъноси нималигини тушунсангиз керак, шундай эмасми?

– Ҳа, сэр, тушунаман.

– Роберта Олден билан қайиқда бирга ўтирган пайтингизда уни урмаганман, деб яратган эгам олдида онт ича оласизми?

– Онт ичаман. Мен уни урмаганман.

– Қайиқдан уни чиқариб ҳам ташламагансиз-а?

– Онт ичаман. Мен ундай қилмаганман.

– Қасддан, ёмон ният билан у ёки бу ҳолда қайиқни ағдариб юборишга ёки бирон иложини топиб мисс Олденни нобуд этишга уриниб кўрмаганмидингиз?

– Онт ичаман, йўқ! – Клайд қизишиб, ҳаяжон билан хитоб қилди.

– Демак, бу воқеа сизнинг ақлингиз ва иродангиздан ташқарида юз берган фавқулодда ҳодисалигига онт ича оласизми?

– Ҳа, онт ича оламан, – дея алдади Клайд; у ўз ҳаёти учун кураша бориб, гоҳи-гоҳида ҳақиқатни гапириб қолаётганини сезди: чиндан ҳам бу воқеаларнинг бари аслида кутилмаганда, бахтга қарши, Клайд ўйлаганига мутлақо тескари тарзда юз берди. Буларни тасдиқлаб, у онт ичиши ҳам мумкин.

Шу пайт Жефсон йирик, бақувват қўли билан юзини силади-ю, суд ва суд маслаҳатчиларига майингина ҳамда бепарво назар ташлаганча юпқа лабларини маънодор юмиб:

– Қораловчи томон гувоҳдан сўроқни бошлаши мумкин, – деб маълум қилди.

XXV БОБ

Клайдни ҳимоячи сўроқ қилаётган бутун вақт давомида Мейсон ўзини гўё қуённи қувишга отилган учқур този итдай, мана ҳозир охирги сакраш билан ўлжасини тутадиган бўрибосардай ҳис қилиб ўтирди. У зўрға тилини тийганча, айтилаётган гапларнинг бари бошдан-охир ғирт уйдирмадан иборатлигини исботлаб, ҳаммасини чилпарчин қилиб юборишга ошиқар, дарҳақиқат, айтилган гапларнинг бир қисми уйдирма эди. Шу боисдан ҳам Жефсон ҳали сўзини тугатмасиданоқ у ирғиб ўрнидан турди-да, Клайднинг рўпарасига бориб тўхтади; прокурорнинг ҳап саними, еб ташлайман, дегандай важоҳатини кўрган Клайд гўё ҳозир роса калтакланадигандай ҳис этди ўзини.

– Грифитс, мисс Олден қайиқда ўрнидан туриб, сизга томон келаётганда қўлингизда фотография апарати бормиди?

– Ҳа, сэр.

– У қоқилиб йиқилиб кетгач, сиз беҳосдан аппарат билан уни уриб юбордингизми?

– Ҳа.

– Ўйлайманки, агар сиз ҳалол ва виждонли одам бўлсангиз, унда Катта мушгир соҳилидаги ўрмонда туриб айтган гапларингизни албатта эслайсиз, ўшанда сиз менга қўлимда ҳеч қандай аппарат йўқ эди, деган эдингиз шекилли?

– Ҳа, сэр, мен ўша гапларимни эслайман...

– Демак, ўшанда ёлғон гапирган экансиз-да?

– Ҳа, сэр.

– Ўша пайтда ҳам ҳозир яна бир ёлғонни дўндираётганингиздай шижоат ва ишонч билан алдаб гапирган эдингизми?

– Мен алдаётганим йўқ. Ўша гапимни ҳозир ҳам тушунтириб бердим.

– Ие-ҳа, ўша гапингизни тушунтириб бердингиз! Нима учун шундай деганингизни тушунтириб бердингиз! Сиз ўшанда ҳам ёлғон сўзлагансиз ва ҳозир ҳам гапимга ишонишар, деб мўлжаллаяпсиз, шундай эмасми?

Белнеп эътироз билдиришга шайланиб ўрнидан турди, лекин Жефсон уни яна жойига ўтқазиб қўйди.

– Бари бир мен ҳақиқатни гапиряпман.

– Ҳа, албатта-да, бу ерда яна қайта ёлғон гапиришингизга дунёдаги ҳеч бир нарса, ҳатто ўлиб-тирилиб электр курсидан қутулиб қолмоқчи бўлаётганингиз ҳам, ўйламанг, сизга ёрдам беролмайди!

Клайд ранги оқариб, билинар-билинемас сесканиб тушди, ҳорғинликдан қизариб кетган қовоқлари липиллаб учди.

– Эҳтимол, алдасам алдай оларман, бироқ онт ичганда алдамасам керак, деб ўйлайман.

– Шунақа деб ўйлайсизми? Ҳа, тушунарли! Демак, истаган нарса ҳақида ва истаган жойда, кечаси ҳам, кундузи ҳам ва ҳар қандай шароитда ҳам хоҳлаганча ёлғон сўзлаш мумкину, фақат сени қотиллик учун судлашаётганда алдамасанг бас, демоқчисиз-да?

– Йўқ, сэр. Унчалик эмас. Ҳозир мен ҳақиқатни гапирдим.

– Сиз тавротга сифина туриб, кўнглимда маънавий бурилиш юз берди, деяпсиз-да, шундайми?

– Ҳа, сэр.

– Нима, мисс Олден жудаям ғамгин бўлгани учун дилингизда ўша маънавий бурилиш юз бердими?

– Ҳа, сэр. Чиндан ҳам шундай бўлди.

– Гап бундай, Грифитс: у отасининг фермасида туриб, сизни интизор кутганда, сизга мана бу мактубларни ёзган эди, шундайми?

– Ҳа, сэр.

– Ўртача ҳисоблаганда, кунора сиз биттадан хат олиб тургансиз, шундайми?

– Ҳа, сэр.

– Сиз, унинг у ёқда бир ўзи ёлғизлиги ва бебахтлигини ҳам билардингиз, шундайми?

– Ҳа, сэр... аммо мен тушунтирдим-ку...

– Ҳа-я, сиз тушунтирдингиз-а! Сиз учун адвокатларингиз тушунтириб берганини айтмоқчи бўляпсиз, шекилли! Балки улар кун сайин турмада қулоғингизга қуйишмагандир? Вақти соати келиб, қандай жавоб беришингизни ҳам ўргатишмагандир?

Шу дақиқада ўзига Жефсон тикилиб турганини сезган Клайд:

– Йўқ, сэр, ўргатишмади! – дея жавоб қайтарди энса қотар бир оҳанг билан.

– Унда нима учун Айиқ кўлида сиздан, бу қиз қандай қилиб ҳалок бўлди, деб сўраганимда, ўша заҳотиёқ менга тўғриси айтиб, ҳаммамизни бу ортиқча ташвиш, шубҳа ва терговлардан холи қилиб қўя қолмадингиз? Қайтага ўшанда одамлар хайрихоҳ бўлиб тинглаб, гапингизга тезроқ ишонишларини ўйламаганмидингиз, ваҳоланки, сиз ҳозир нақ беш ой давомида икки адвокатнинг ҳайбаракалласи билан ҳар бир сўзингизгача ўйлаб чиққансиз?

– Адвокатлар ёрдамида ҳеч нарсани ўйлаб чиқмаганман, – ўжарлик қилишда давом этарди Клайд ора-сира Жефсонга кўз ташлаб қўйиб, Жефсон бўлса ўзининг бутун салобати билан ҳадеб унга далда беришга уринар эди. – Нима учун шундай қилганимни ҳозиргина тушунтирдим-ку.

– Ҳа, тушунтирдингиз! Тушунтирдингиз! – дея бақирди Мейсон. Бу сохта тушунтиришлар Клайд учун ишончли қалқон, девор эканлиги, сал уни бошлаб, адабини бермоқчи бўлинса, дарров панатга ўтиб олиши мумкинлиги Мейсонни ниҳоятда

газаблантираётган эди... Ярамас! У аламини зўрға босиб, дағ-дағ қалтираганча давом этди: – Хўш, унда саёҳатга чиқмасингиздан олдин, мисс Олден сизга бу хатларни ёзаётган пайтларида ҳам, сиз бу мактублар ғамгин-ку, деб ўйладингизми ё йўқми?

– Албатта-да, сэр. Яъни... – Клайд эҳтиётсизлик қилиб тилидан тутилди. – Ҳарқалай, ҳаммаси бўл-маса ҳам, айрим жойлари...

– Э, ҳа, шундай денг! Энди айрим жойлари бўлиб қолдими? Назаримда ҳозиргина айтдингиз-ку, булар ғам-ситаг тўла хатлар эди, деб.

– Ҳа, мен шундай деб ҳисоблайман.

– Илгари ҳам шундай деб ўйлаганмидингиз?

– Ҳа, сэр, шундай деб ўйлаганман.

Клайд саросима билан Жефсон томонга қараб қўйди, унинг нигоҳи бамисоли прожектор нури каби Клайднинг вужудига тўхтовсиз сингиб турар эди.

– У сизга шундай деб ёзгани эсингиздами... – Мейсон мактублардан бирини олди-да, очиб ўқий бошлади: «Клайд, азизим, агар сен келмасанг, мен ўлсам керак. Мен шу даражада ёлғизман. Ақлимдан озай деяпман. Бош олиб кетиб, умрбод қайтмасликни ва энди сира жонингга тегмасликни шу қадар хоҳлайманки. Хат ёзишни-ку истамаяпсан, аммо кунора бир қўнғироқ қилиб турсанг ҳам майли эди! Сен бўлсанг менга шу қадар кераксанки, далда берувчи сўзларингга шу қадар муштоқманки!» – Мейсоннинг овози майин ва ғамгин жаранглади. У гапирган сари анчагина сезиларли раҳм-шафқат тўлқинлари фақат унинг ўзинигина эмас, балки шу баланд ва тор суд залида ўтирган ҳар бир кишини ҳам ўз таъсирига олаётган эди. – Бу сатрлар сизга хиёл бўлса ҳам ғамгин туюлмаяптими?

– Ҳа, сэр, ғамгин туюляпти.

– Ўша пайтда ҳам шундай туюлганмиди?

– Ҳа, сэр, шундай туюлган эди.

– Бу сатрларнинг самимийлигини билардингиз, шундайми?

– Ҳа, сэр. Билардим.

– Гапингизга қараганда, Катта мушгир кўлининг қоқ ўртасида туриб мисс Олденга ниҳоятда ачиниб кетибсиз-у, аммо ўша раҳм-шафқатингиздан атиги бир томчигинаси нега энди Ликургда, миссис Пейтон уйидаги ўз хонангизда сизни шундоққина трубкани олишга ва ақалли: мен бораман, деган бир оғизгина сўз билан бечора қизни юпатиб қўйишга мажбур этмади? Балки кейинроқ, яъни сизга у пўписа билан хат ёза бошлаган вақтдаги қараганда сиз унга у пайтда камроқ ачингандирсиз? Ёки сиз бошиданоқ жиноятни мўлжаллагансиз-да, у билан ҳадеб телефонда гаплашавериш кимнингдир диққатини жалб этиб қўйишидан қўрққандирсиз? Тавба, жуда қизиқ-ку, Катта мушгир кўлида унга нисбатан бирдан сизда шу қадар кучли ачиниш ҳисси уйғонибди-ю, лекин Ликургдалик пайтингизда эса ҳатто раҳм-шафқат нималигини ҳам унутгандай юраверибсиз-да? Ё сизнинг туйғуларингиз сув қувурига ўхшаб очса очилади-ю, ёпса ёпилаверадими?

– Мен мутлақо унга ачинмас эдим, деб ҳеч қачон айтмаганман, – деди Клайд қайсарлик билан, Жефсонга бир кўз ташлаб олгач.

– Лекин у даҳшатга тушиб, талваса ичида сизга дўқ урмагунча сиз уни интизорликда қийнаб келавергансиз.

– Унга нисбатан нолойиқ иш тутганимни мен бўйнимга олдим-ку, ахир.

– Ие-ҳа! Нолойиқ эмиш! Нолойиқ! Энди фақат шуни бўйнимга олдим деб, биз бу ерда эшитган бошқа ҳамма гувоҳликларни, ҳатто ўзингизнинг шахсий гувоҳлигингизни ҳам назарга илмай, шундан-шунақасига тўппа-тўғри озод бўлиб чиқиб ке-

тавераман, деб ўйлаяпсизми? Хўш, шуми мақсадингиз?

Белнепни энди ҳеч нарса тутиб туrolмади. У эътироз билдирди.

– Бу сиз учун шармандалик, муҳтарам мистерларн. Наҳотки, прокурорга ҳар бир саволни қоралов нутқига айлантиравериш ҳуқуқи бериб қўйилган бўлса? – деди у қизишиб ва таассуф билан судьяга мурожаат этди.

– Мен бирон марта эътироз эшитганим йўқ, – дея судья ўзини оқлади. – Прокурордан ўз саволларини муайян қоидага асосан беришини илтимос қиламан.

Мейсон бу дашномни пинагини бузмайгина эшитди-да, яна Клайдга юзланди:

– Сиз бу ерда айтган гапингизга қараганда, Катта мушгир кўлининг ўртасида, қайиқда ўтирган вақтингизда, қўлингизда ўша фотография аппаратини бўлган экан, ваҳоланк, бир вақтлар ундан тонган эдингиз-ку?

– Ҳа, сэр.

– Мисс Олден бурун томонда ўтирган эдимиз?

– Ҳа, сэр.

– Бэртон, қани, қайиқни бу ёққа олиб келинг-чи! – дея Мейсон Бэрлейга мурожаат этди.

Бэрлейнинг фармойишига биноан, унинг тўрт ёрдамчиси бир зумдаёқ суд курсиси орқасидаги эшикдан чиқиб кетиб, Клайд билан Роберта сайрга борганда тушган айни ўша қайиқни кўтарганча тезда кириб келишди ва уни суд маслаҳатчилари олдида полга қўйишди. Клайд, баданини муз босиб, унга бақрайганча тикилиб қолди. Ўша қайиқ! У шошганидан кўзлари пирпираб, дағ-дағ титрар; халойиқ эса ҳаяжонга тушиб, шов-шув кўтаргани кўйи диққат билан қайиқни кўздан кечирарди, бутун залдагиларнинг ичи қизиб ғивирлаб қолишган

эди. Шу пайт Мейсон аппаратни олди-да, қўлида ниқтаб-ниқтаб, хитоб қилди:

– Мана, марҳамат, Грифитс! Тасаввур этайликки, бу аппарат ҳеч қачон сизники бўлмаган. Қайиққа тушинг-да, бу аппаратни олинг ва суд маслаҳатчиларига сиз ва мисс Олден айни қаерда ўтирганларингизни кўрсатиб беринг. Кейин мисс Олденни қандай ва қаерига урганингизни, у қаерда ва тахминан қандай йиқилиб тушганини қўлингиздан келганча аниқроқ қилиб кўрсатинг.

– Эътироз билдираман! – деди Белнеп.

Юристарлар ўртасида кишини толиқтирувчи, узундан-узоқ ади-бади бошланди; охири бориб судья гувоҳни шу усулда – жуда бўлмаганда маълум вақтгача – сўроқ қилишга ижозат берди. Ниҳоят, Клайд:

– Ҳарқалай, мен уни қасддан урмаганман, – деди.

Мейсон эса унга:

– Ҳа, бу ҳақдаги гапингизни биз аввал ҳам эшитдик, – дея жавоб қайтарди.

Сўнгра Клайд ўз жойидан тушди-да, юз хил ўгит-насиҳатларни олиб бўлгач, ниҳоят қайиққа қараб юрди ва ўрта ўриндиққа бориб ўтирди; уч эркак эса қайиқни ушлаб, мувозанатини сақлаб турди.

– Энди гап бундай... Ньюком! Бери келинг, Грифитс айтганидек, қайиқда мисс Олден қаерда ўтирган бўлса, сиз ҳам ўша ерга ўтиринг-да, ўзингизни у нима деса, худди ўшандай тутинг.

– Хўп бўлади, сэр, – деб жавоб қилди Ньюком ва қайиққа яқин келиб, бурун томонига ўтирди.

Клайд эса Жефсонга бир қараб олишга ҳадеб беҳуда уринар, чунки энди у ўз ҳимоячисига орқа ўгириб ўтириб қолган эди

– Энди, Грифитс, – дея давом этди Мейсон, – мисс Олден қандай ўрнидан тургани ва сизга то-

мон кела бошлаганини мистер Ньюкомга бир кўрсатинг-чи. У нима қилиши керак, тушунтиринг.

Клайд ўз ожизлиги, ёлғончилиги ва одамларга ёқмаслигини ўйлаб ниҳоятда ўнғайсиз аҳволга тушганидан асабий, бесўнақай ҳаракат билан яна ўрнидан қўзғалди-да (буларнинг бари сира ақлга сиғмайдиган, уятли бир ҳол эди), Роберта қандай тургани ва галдир-салдир қадам ташлаб, деярли эмаклаганча унга томон келаётиб, қоқилиб йиқилиб кетганини Ньюкомга кўрсатмоқчи бўлди. Шундан сўнг у аппаратни кўтарганча, мутлақо бехосдан қўл силтаб, Робертани уриб юборганини эслашга ва иложи борича, бунинг аниқроқ қилиб кўрсатишга уриниб кўрди... қаерига, эҳтимол, иягигами ёки юзигами текканини у аниқ билмайди, ҳатто бунга ишонмайди ҳам, лекин, шубҳасиз, бу бехосдан бўлган ва бунинг устига ярадор қиладиган даражада қаттиқ урмагандай туюлган эди унга ўшанда. Шу ерда Белнеп билан Мейсон, дарвоқе, Клайд кўп нарсаларни яхши эслаёлмаслигини айтиб ўтди, шундай экан, унинг гувоҳлиги ҳаққоний бўлармикин, деган масалада узундан-узоқ тортишиб кетишди. Охири бориб, Оберуолцер, ҳозирги кўрғазмали гувоҳлик оёқда «бўш» ёки «аранг» турган одамни йиқитиш учун секингина туртки кифоями ёки кучли зарба керакми – шуни анча-мунча яққол кўрсатиб беради, деган фикрга асосланиб, сўроқни давом эттиришга рухсат берди.

– Аммо, худо ҳақи, айтинглар-чи, мистер Ньюкомдек басавлат эркак киши ўйнаган бу барча қилиқлар жимитгина ва енгилгина қизча мисс Олден билан юз берган воқеани қандай қилиб исботлаб бериши мумкин, ахир? – гапида туриб олди Белнеп.

– Майли, унда бу ерга мисс Олденнинг бўйи басти ва вазнига мос тушадиган қизни ўтқазамиз!

Ўша заҳотиёқ Зилла Саундерс чақириб келинди-да, Ньюкомнинг ўрнига ўтқазилди. Лекин шунга қарамай, Белнеп бари бир ўз айтганида туриб олди:

– Хўш, нима бўпти? Шарт-шароити мутлақо бошқача. Қайиқ сувда эмас. Бундан ташқари, бехосдан тушган зарбаларни бир хилда қабул қиладиган ёки бир хилда унга қаршилиқ кўрсатадиган икки киши ҳам йўқ.

– Хуллас, сиз ушбу кўргазмали тажрибани ўтказса бўлади, деб ҳисоблай оласизми? – Мейсон Белнепга юзланиб, пичинг қилиб сўради.

– Э, марҳамат, ихтиёр ўзингизда, давом эттираверинг. Бу тажрибаларингиз зиғирча ҳам нарса-ни исботлаб беролмаслиги ҳар қандай одамга ҳам равшан, – дея маънодор жавоб қайтарди Белнеп.

Шундай қилиб, Мейсоннинг буйруғига биноан Клайд Робертани бехосдан туртиб юборгани каби, «деярли ўшанча куч билан» (Мейсоннинг назарида) Зиллани ҳам итариб юбориши керак эди. Зилла хиёлгина гандираклаб кетди-ю, айти пайтда қайиқ четини икки қўллаб ушлаб олди ва демак, жон сақлаб қолди. Белнеп, Мейсоннинг бу тажрибаси менинг эътирозларимни пучга чиқариб юборса керак, деб ўйлаган эди. Лекин суд маслаҳатчиларида шундай тасаввур пайдо бўлдики, Клайд гуноҳини сезиб тургани ва ўлимдан қўрққани учун ўз ҳаракатларини, ҳарқалай, анча-мунча юмшатиб кўрсатишга уринаётганга ўхшар эди, ваҳоланки, аслида унинг нияти ёвузлиги аниқ эди. Врачлар ҳам ўша зарба ва юқорироқдаги бошқасининг кучи қай даражада бўлиши мумкинлиги тўғрисида қасам ичиб туриб гувоҳлик беришди-ку, ахир? Бэртон Бэрлей эса фотография апаратидан Робертанинг сочини топиб олганини айтди, хўш? Анави гувоҳ аёл

эшитган қичқириқ-чи? Уни қандай тушунмоқ керак?

Аммо суддаги томоша шу ерга келганда янаги кунгача танаффус эълон қилинди.

Эргаси куни эрталаб, судья болғачаси ҳали тақиллаб улгурмасиданоқ Мейсон ўрнидан турди, у одатдагидек бардам, серғайрат ва баджаҳд эди. Клайд эса бутун тун бўйи ўз камерасида минг хил азобда ўртаниб чиққан эди. Жефсон билан Белнеп уни жон-қолига қўймай пишиқлашар ва далда беришарди, шундан кейин у, ўзини сира айби йўқ одамдай вазмин ва маҳкам тутишга аҳд қилди, лекин бунинг уддасидан чиқишга эса унда чинакам мардлик ва ирода етишмас эди, чунки у атрофидаги барча кишиларни ўзига душман ҳисоблар ва улар мени фирт гуноҳкор деб ишонишади, деган фикр миясига қаттиқ ўрнашиб қолган эди. Мейсон бўлса қаҳр ва ғазаб билан гап бошлади:

– Демак, Грифитс, ҳали ҳам ўзингизда руҳий бурилиш юз берган эди, демоқчи бўласизми?

– Ҳа, сэр, шундай деб тасдиқлайман.

– Сиз сувга чўкиб кетиб, сўнгра ҳаётга қайтарилган одамлар тўғрисида сира эшитганингиз борми?

– Гапингизга унчалик тушунмадим.

– Сиз, сувга ботиб, кейин бошқа ташқарига чиқа олмаган, яъни фарқ бўлди деб ҳисобланган одамларни ҳам баъзан тирилтириш мумкинлигини биларсиз, албатта? Уларга биринчи ёрдам берилади: сунъий нафас олдирилади ёки ғўлалар ёхуд бочкаларнинг устида юмалатилиб, шу йўл билан жон киргизилади.

– Ҳа, сэр, назаримда эшитгандайман. Чўкиб кетганларни қайта тирилтириш тўғрисида гапиришган эди-ю, лекин бу қандай қилинишини, менимча умримда сира эшитмаган эдим.

– Сира эшитмаганмидингиз?
– Йўқ, сэр.
– Одам сув остида қанча қолиб кетиши ва яна охири ўзига кела олиши тўғрисида-чи?

– Йўқ, сэр. Ҳеч қачон эшитмаганман.
– Масалан, нақ ўн беш дақиқа сув остида қолган одамни ҳам ҳаётга қайтариш мумкинлигини ҳеч қачон эшитмаганмидингиз?

– Йўқ, сэр.
– Демак, унда сиз соҳилга чиқиб олганингиздан сўнг ҳам, ҳали одамларни ёрдамга чақириб, оқибатда мисс Олденни қутқариб қолишингиз мумкинлиги миянгизга келмабди-да?

– Йўқ, сэр, миямга бундай фикр келмади. Мен уни аллақачон ўлган, деб ўйлаган эдим.

– Тушунарли. Хўш, унда ҳали у тириклигида, сув устида турган пайтида нима воқеа юз берди? Сиз, ахир, сузишга устаси фаранг одамсиз-ку, шундайми?

– Ҳа, сэр, анча тузук сузаман.

– Масалан, шу даражада тузуксизки, беш юз футдан ортиқроқ масофани кийим ва бошмоқларингиз билан сузиб ўтиб, бемалол жонингизни сақлаб қолишингиз мумкин. Шу тўғрими?

– Мен ўшанда ҳам худди шунча масофани сузиб ўтгандим шекилли... ҳа, сэр.

– Сузиб ўтганингиз рост – анча тузук сузгансиз, аммо, мен сизга айтсам, ўтгиз беш фут наридаги тўнқарилиб ётган қайиққача эса сузиб бормагансиз, – дея яқун ясади Мейсон.

Белнеп эътироз билдириб, бунақанги ҳамлалар қарорга киритилмаслигини талаб қилмоқчи бўлган эди, бироқ Жефсон уни тўхтатиб қолди.

Кейин Клайднинг эшкак эшиш ва сузиш бўйича ўтказган барча машқлари борми, байдаркадек хавфли қайиқчада кўлларда неча бор сузгани бор-

ми ва айна пайтда у ҳеч қачон бахтсизликка йўлиқмагани борми – шулар ҳақида гапириб беришига тўғри келди.

– Биринчи марта Крам кўлида Робертани сиз байдаркада суздирган эдингиз, шундайми?

– Ҳа, сэр.

– Аммо ўшанда ҳеч қандай бахтсиз ҳодиса юз бермаган эди?

– Йўқ, сэр.

– Ўша пайтда сиз уни чин юракдан севардингиз, тўғрими?

– Ҳа, сэр.

– Бироқ ихтиёрингизда қулай ва мустаҳкам қайиқ бўла туриб, Катта мушгир кўлида у чўкиб кетган куни эса, мисс Олденни сиз энди бутунлай севмас эдингиз?

– Ўша пайтда юрагимда нима гап бўлганлигини айтиб бердим-ку, ахир.

– Крам кўлида сиз уни яхши кўрганлигингиз, Катта мушгирда эса... бу далиллар ўртасида ҳеч қандай алоқа бўлиши мумкин эмас, албатта.

– Ўша пайтда юрагимда нима гап бўлганлигини айтиб бериб бўлдим.

– Лекин сиз ундан қутулишнинг пайига тушгансиз, шундайми? У дунёдан кўз юмиб улгурмасиданоқ бошқа қизга қараб чопгансиз. Ахир, сиз буни инкор этмайсиз-ку, тўғрими?

– Нима учун шундай қилганимни тушунтириб бердим, – дея такрорлади Клайд.

– Тушунтирдингиз! Тушунтирдингиз! Ҳалол, виждонини сотмаган, фаҳму фаросати бор ақалли биргина одам ҳам сизнинг бу тушунтирувларингизга ишонади, деб хаёл қиласиз, шундай эмасми?

Мейсон шу даражада дарғазаблигидан Клайд эътироз билдиришга ботинолмади. Судья эса Жефсон томонидан эътироз тушишини билиб, олдиндан:

«Эътироз қабул қилинди!» – деди овози дўриллаб. Аммо Мейсон гапини давом эттираверди:

– Айтинг-чи, Грифитс, балки сиз қайиқни хиёл эҳтиётсиз ҳайдагандирсиз – салгина хато қилиб, ўзингиз ағдариб юборгандирсиз?

У Клайдга яна ҳам яқинроқ келиб, кўзини қисиб кўйди.

– Йўқ, сэр, мен эҳтиёт қилиб ҳайдаган эдим, бу бир бахтсиз ҳодиса бўлди-ю, олдини ололмай қолдим.

Клайд гарчи ранги кетган ва чарчаган бўлса ҳам, лекин бутунлай хотиржам эди.

– Бахтсиз ҳодиса. Тахминан Канзас-Ситидаги ҳодисага ўхшаш. Сиз, Грифитс, бунақанги бахтсиз ҳодисаларни сувдай ичиб юборгансиз шекилли-а? – калака қилиб, узиб олди Мейсон.

– Қандай юз берганини мен тушунтирдим-ку, – дея жавоб қайтарди Клайд ҳорғин бир қиёфада.

– Ёш қизчалар ёки қизларнинг ўлими билан тугайдиган бахтсиз ҳодисаларга сиз жуда ўрганиб олган экансиз, тўғрими? Кейин улардан биронтаси ўлиб қолса борми, сиз доим жуфтакни ростлар экансиз, а?

– Эътироз билдираман! – деди қичқириб Белнеп, ўрнидан сакраб тураркан.

– Эътироз қабул қилинди, – деди Оберуолцер кескинлик билан. – Бошқа ҳар қандай бахтсиз ҳодисалар ушбу ишга аралаштирилмасин. Қораловчидан масалага яқинроқ бўлишини сўрайман.

– Грифитс, – дея давом этди Мейсон, у Канзас-Ситидаги воқеа муносабати билан аввал Жефсондан узр сўрашга мажбур бўлган эди, энди эса ундан аламини олганига ғоят мамнун эди, – беҳосдан уриб юборишингиз оқибатида қайиқ ағдарилиб кетиб, сиз ва мисс Олден сувга қулаб тушган вақтларингизда ораларингиздаги масофа қанча эди?

– Очигини айтсам, эсимда йўқ.
– Анча яқин бўлган, шундайми? Бир-икки футдан ортиқмасдир ҳойнаҳой, тахминан, қайиқда бирга турганларингиздай-да?

– Билмайман... эсимда йўқ... балки шундайдир, сэр.

– Агар истасангиз, уни ушлаб олиб, кўтариб туришингиз ҳам мумкин эди-ю, лекин ораларингиз у қадар яқин бўлмаганда? Йиқилаётганини кўргангизда сиз ахир уни ушлаб қолиш учунгина сакраб тургансиз-ку, шундайми?

– Ҳа, шунинг учун сакраб турганман, – зўрма-зўраки жавоб қайтарди Клайд, – бироқ мен уни ушлаб қолар даражада унга яқин эмас эдим. Эсимда, бирдан сувга кириб кетдим, чиққанимда қарасам, у анча нарига бориб қолибди.

– Аниқроқ айтинг-чи, қанча жойга борибди? Мана шу ердан маслаҳатчилар ўтирган ўриндинг бериги бошигачами? Ёки нариги бошигачами? Ёки ярмигачами ёки қандай?

– Очигини айтсам, сира эсимда йўқ. Назаримда, тахминан шу ердан нариги бошигача эди, шекилли, – деб алдади Клайд, орадаги масофани камида саккиз футча ошириб.

– Наҳотки! – хитоб қилди Мейсон, ўзини ҳаддан ташқари ғазаблангандай кўрсатиб. – Мана бу қайиқ афдарилиб тушди дейлик, сизлар икковингиз сувга деярли ёнма-ён йиқилгансизлар, юқорига сузиб чиққанингизда эса бир-бирларингиздан салкам йигирма футча нарида бўлиб қолибсизлар? Шу гал хотирангиз хиёл янглишгандай туюлма-яптими, сизга?

– Ҳа, шўнғиб чиққанимда менга шундай кўринган эди.

– Ҳа, майли, қайиқ афдарилиб кетгач, икковингиз ҳам сув юзасига шўнғиб чиққанларингиз-

дан сўнг, сиз қайиққа нисбатан қаерда эдингиз? Мана, қайиқ – сиз залнинг қаерида бўлишингиз керак – мен оралиқдаги масофа маъносида айтмоқчиман?

– Мен ахир, айтдим-ку, шўнғиб чиққан вақтимда буну дурустроқ чамалай олмадим, – деб такрорлади Клайд, қаршисида ястаниб ётган залга хавотир ва шубҳа билан аланглаб. Мейсон унга тузоқ қўяётгани аниқ эди. – Назаримда, оралиқ тахминан мана шу ердан сизнинг столингиз орқасидаги тўсиққача эди шекилли.

– Демак, ўтгиз-ўтгиз беш футлар чамаси экан-да, – деб эсига солди Мейсон маккорона, пайт пойлаб.

– Ҳа, сэр. Тахминан, шунча эди. Лекин аниқ билмайман.

– Шундай қилиб, сиз ҳув анави жойда, қайиқ эса мана бу ерда бўлган, хўш, бу пайтда мисс Олден қаерда эди?

Мейсон хаёлида математик ёки геометрик ҳисоблар асосида қандайдир режа тузаётганини Клайд ҳам тушуниб етди, шу режа ёрдами билан у Клайднинг айбини бўйнига қўйиш ниятида эди. Клайд дарров ҳушёр тортди-да, Жефсон томонга кўз югуртирди. Айни пайтда у, Робертани ўзидан яна ҳам узоқроққа кетказишнинг иложи йўқми-кан, деб боши гаранг эди. Унда у Клайдга нисбатан қайиққа яқинроқ турган бўлсинми? Ҳа, албатта-да, шуниси маъқул! Кейин у, Роберта қайиққа икки ҳисса яқинроқ жойда эди, ҳарқалай, бундан каммас, деган фикрга ўйламай-нетмай, таваккалига ёпишиб олди-ю, шундай десам ютаман, деб ўйлади. У шундай деди ҳам.

– Демак, у сиздан ҳам, қайиқдан ҳам ўн беш футча нарида экан-да, ундан ортиқмас? – дея дарров гапни илиб олди Мейсон.

– Ҳа, сэр, тахминан шунча. Шунча эди, чамамда.

– Бундан чиқди, ўша арзимаган оралиқни ҳам сузиб ўтолмадим ва атиги ўн беш футча нарида турган қайиққа етиб олгунча унга сув юзасида туришига кўмаклашолмадим, демоқчисиз-да?

– Аммо мен айтдим-ку, сувдан шўнғиб чиққан пайтимда ўзимни хийла йўқотиб қўйдим, у бўлса талвасага тушиб сувни шапиллатиб, додлаётган эди...

– Лекин шундоқ яқинингизда, ўзингиз айтганингиздай, атиги ўттиз беш футча нарида (дарров шунча олисга кетиб қолгани ҳам қизиқ, агар билсангиз!) қайиқ турган эди-ку. Охири сиз соҳилга чиқиб олгунингизча беш юз футча масофани сузиб ўтгансизу, шунга қарамай, ўша қайиққа бориб, жон сақлаб улгуриши учун уни Робертага шундоққина туртиб юборолмабсиз, хўш, шундай демоқчимисиз? Ахир, у юзада туриш учун жон ҳолатда сувни тапиллатаётган эди-ку, шундайми?

Суд маслаҳатчилари ва халойиқнинг синчковлик билан қаттиқ тикилаётганини сезган Клайд:

– Ҳа, сэр. Лекин мен аввалига жуда довдираб қолган эдим, – деди қовоғини уйганча ўзини оқлаб, – кейин... кейин... (бутун залдан ёғилиб турган кучли шубҳа ва ишончсизлик туйғуси уни ҳаддан ташқари офир юк бўлиб эзаётган, шу боисдан бояги мардлиги ҳам сусайиб бораётган эди; у гапидан адашиб, дудуқланиб қолди) кейин, эҳтимол, нима қилиш зарурлигини дарров ўйлаёлмадим шекилли. Бунинг устига қўрқдим, агар унга яқинлашсам...

– Ҳа-ҳа, биламан: ақлий ва маънавий қўрқоқ, – заҳарханда билан илжайиб қўйди Мейсон. – Устига-устак, сиз ўзингизга шошмаслик зарур бўлганда ақлингизни унчалик тез ишлатмасликка, шошилиш зарур бўлганда эса тез ишлатишга анча яхши ўрганган экансиз. Шундайми, хўш?

– Йўқ, сэр.

– Майли, агар ундай бўлмаса, менга бошқа бир нарсани айтиб беринг-чи, Грифитс: нима учун сиз сувдан чиққанингиздан сўнг бир оз вақт ушланиб, ўрмонга кириб кетишдан аввал анави аппарат оёқчаларини беркитишгача иродангиз етибди-ю, аммо мисс Олденни қутқаришга келганда эса бирдан «довдираб» қолибсиз ва ҳатто бунга уриниб ҳам кўрмабсиз? Қирғоққа қадам қўйишингиз биланоқ қандай қилиб сиз бирданига бу даражада вазмин ва уддабуро бўлиб қолдингиз? Хўш, бунга нима дейсиз?

– Ҳа... мен... ахир, айтдим-ку... ҳеч нарса қўлимдан келмаслигини кейин пайқадим.

– Ҳа, буларнинг ҳаммасини биз биламиз. Лекин сиз, сувда юз берган шунчалик даҳшатли саросимадан сўнг, шунақанги нозик дақиқада фақат эҳтиёткорлик юзасидангина, шу бир аппарат оёқчасини яшираман, деб ҳаяллаб қолиш учун ниҳоятда ҳушёр бош кераклигини тушунмаяпсизми? Хўш, қандай қилиб сиз аппарат оёқчаси тўғрисида бу қадар тўғри фикр юритибсиз-ку, лекин бундан бир неча дақиқа олдин эса қайиқ хусусида ҳатто бундай бир тузукроқ ўйлаёлмабсиз ҳам?

– Лекин... ахир...

– Гўё сизда юз берган ўша сохта руҳий бурилишга қарамай, сиз унинг тирик қолишини истамагансиз! Шундаймасми, ахир? – бақриб юборди Мейсон. – Қайғули, ачинарли ҳақиқат ҳам мана шу. У чўка бошлаган, сизга эса аслида худди шу нарса керак эди, шунинг учун ҳам сиз уни бамайлихотир чўктириб юборгансиз! Шундай эмасми, ахир?

У бу гапларни айтиб бақираётганда гавдаси дағ-дағ қалтирар эди. Клайд қайиққа тикилиб турарди; шу пайт унга Робертанинг кўзлари ва унинг жон талвасасида бақирган овози қўрқинчли ва кишини ларзага солар даражада яққол кўри-

ниб кетдики... У боши айланиб, гужанак бўлганча креслога ўтириб қолди: Мейсон ўз талқинида ҳаётда юз берган ҳақиқий воқеаларга шу қадар яқин келиб қолдики, бу нарса Клайдни даҳшатга солар эди. Ахир, у Роберта сувга йиқилгандан сўнг уни ўзи қутқаришни истамаганини бирон марта ҳатто Жефсон ва Белнепга ҳам айтмади-ку. Доимо ҳақиқатни яшириб, уни қутқармоқчи эдим, бироқ ҳаммаси кўз очиб юмгунчалик вақт ичида юз бердики, мен эсанкираб қолдим, унинг қичқириғи ва ҳаёт учун мардсиз курашаётганидан қўрқиб кетиб, гарқ бўлгунига қадар бирор-бир чора излаб тополмадим, деб таъкидлаб келяпти у.

– Мен... мен уни қутқармоқчи эдим, – деб тўнғилади у; юзи эса кўкариб кетди, – лекин... лекин... айтдим-ку, мен довдираб қолган эдим... кейин... кейин...

– Гапларингизнинг бари ёлғонлигини ўзингиз ҳам биласиз-ку! – деб қичқирди Мейсон Клайдга томон яқинлашиб; у бақувват қўлларини кўтарди, бадбашара юзи эса ғазаб алангасида ёнар, бами-соли қасоскор Немезида¹нинг хунук ниқобини ёки фуриялар²ни эслатар эди. – Бахти қаро, азоб-уқубатда ўртанган бу қиз бечоранинг ўлиб кетишига атайлаб, ёвуз бир совуққонлик билан йўл очиб берганингизни ўзингиз ҳам биласиз, ваҳоланки, сиз уни осонгина қутқариб қолишингиз ҳам мумкин эди, бунинг учун ўз жонингизни деб сузиб ўтганингиз ўша беш юз фут масофадан атиги элик футини сузиб борсангиз кифоя эди! Шундайми ёки йўқми?

¹ Немезида – қадимги юнон мифологиясида Тун худосининг қизи, «немезида» юнончасига «адолатли нафрат» дегани. Инсон ҳаққи-ҳуқуқини оёқости қилувчиларга нисбатан қаоскорлиги билан ном қозонган мифологик қаҳрамон. (*Муҳаррир.*)

² Фуриялар – қадимги Рим мифологиясида уч опа-сингил, қасос худолари.

Энди Мейсон Робертани Клайд қандай ўлдирганини ўзи аниқ билишига шубҳа қилмай қолди – чунки Клайднинг юзи ва хулқидаги нималаридир унда шундай қатъий ишонч туғдирган эди – шу боисдан ҳам у қандай бўлмасин, буни айбдорнинг бўйнига қўйдириб олишга жазм этди. Аммо Белнеп аллақачоноқ ўрnidан туриб, эътироз билдирган эди: менинг ҳимоям остидаги гувоҳга нисбатан суд маслаҳатчиларини чидаб бўлмас даражада гижгижляаптилар, шунинг учун мен бу суд муҳокамасини бутунлай нотўғри ва бекор деб ҳисоблашларини талаб қилишга ҳаққим бор – ва талаб ҳам қиламан – деб мурожаат этган эди, унинг эътирозини Оберуолцер кескин равишда қайтариб ташлади. Шунга қарамай, Клайд Мейсонга, гарчи ниҳоятда бўш ва аянчли оҳанг билан бўлса-да, ҳарқалай эътироз билдириб улгурди:

– Йўқ, йўқ! Мен ундай қилмаганман! Мен уни кутқармоқчи бўлдим, лекин қўлимдан келмади!

Бироқ Клайднинг бутун хатти-ҳаракати унинг чиндан ҳам ёлгон гапираётгани, чиндан ҳам Белнеп офиз кўпиртириб таърифлаётган ақлий ва маънавий кўрқоқ одам эканлигини исботлаб бераётган эди (буни ҳар бир суд маслаҳатчиси ҳам сезаётган эди), тагин энг ёмони шунда эдики, Робертанинг ўлимига ҳам аниқ у айбдор эди. Ҳақиқатан ҳам, деб сўрар эди ўз-ўзидан ҳар бир суд маслаҳатчиси Клайдни эшита туриб, мисс Олденни у нима учун кутқармаганикин-а, ўзи бақувват бўлса, соҳилга ҳам кейин бемалол сузиб чиқа олар эди? Ёки жуда бўлмаганда, қайиққа етиб бориб, уни Робертага тутқазиб қўйса бўлмасмиди?

– Унинг оғирлиги бор-йўғи юз фунтча келар эди, шундайми? – қаттиқ ҳаяжонланганча давом этди Мейсон.

– Ҳа, ўшанчадир.

– Сиз-чи? Ўша вақтда сизнинг оғирлигингиз қанча эди?

– Бир юз қирқ фунт ё шунга яқин, – дея жавоб қайтарди Клайд.

– Бир юз қирқ фунт келадиган эркак одам, – Мейсон суд маслаҳатчиларига заҳарханда билан мурожаат этди, – ожизгина, касалманд, ушоқ ва қушдаккина бир қиз чўкиб кетаётган пайтда унга яқин боришга қўрқибди, менга ёпишиб олиб, сувга чўктириб юборади, деб қўрқибди! Яна бунинг устига ундан ўн беш ёки йигирма фут нарида шундай бир ажойиб, уч ё тўрт кишини бемалол кўтарадиган пишиқ-пухта қайиқ ҳам турган экан! Хўш, сизларча, бу нима ўзи?

Айтганларини тағин бир таъкидлаш ва тингловчилар онгига чуқурроқ сингдириш мақсадида Мейсон гапидан тўхтади, чўнтагидан каттакон оқ дастрўмолини олди-да, руҳий ва жисмоний зўриқишдан жиққа ҳўл бўлиб қетган бўйни, юзи ва қўлларини артди. Кейин у Бэртон Бэрлейга юзланди:

– Бэртон, қайиқни бу ердан олиб чиқиб кетишларини буюришингиз мумкин. Ҳарқалай, у ҳозирча бизга бошқа керак эмас.

Тўрт ёрдамчи ўша заҳотиёқ қайиқни кўтариб чиқиб кетишди.

Шундан сўнг Мейсон ўзини яна қўлга олиб, Клайдга мурожаат этди.

– Грифитс, – дея бошлади у, – Роберта Олден сочларининг ранги ҳамда ушлаб кўрганда уларнинг қандайлиги, шубҳасиз, сизга маълумдир, а, шундайми? Сиз, ахир, у билан жудаям яқин алоқада бўлгансиз, буни билишингиз керак?

– Ранги қандайлигини биламан... менимча, биламан, – деб жавоб берди Клайд сесканиб.

Шу гапдан сўнг унинг бадани увишиб кетганини ҳатто чет кўзлар ҳам сезгандай бўлди.

– Ушлаганда қандайлигини ҳам биласизми, а? – Мейсон яна ўша гапини қайтарди. – Орадан мисс Х чиққунига қадар, сиз мисс Олденни қаттиқ севиб юрган пайтларингизда, ҳойнаҳой, сочларини ҳам қайта-қайта силаб кўргандирсиз?

– Билмайман, эсимда йўқ, – деб жавоб берди Клайд, Жефсоннинг қараб турганини кўриб.

– Тахминан ҳам-а? Дағалмиди, қаттиқмиди ёки ипақдек майингинамиди, буни билишингиз керак. Буни биласиз, тўғрими?

– Ҳа, сочлари майин эди.

– Билсангиз, менда унинг бир тутам сочи бор, – деди Мейсон, асосан Клайдни қийнаш ва асабини ўйнаш мақсадида. У столдан конверт олди-да, ундан узунгина қўнғир соч тутамини чиқарди. – Ўхшайдими унинг сочига?

У, Клайдга яқин келтириб кўрсатди. Ларзага тушган ва қўрқиб кетган Клайд худди ҳаром ёки хавфли бир нарсадан чўчигандай орқага тисарилди, лекин кейинги дақиқадаёқ ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди, аммо шуни ҳам зийрак суд маслаҳатчилари сезиб улгуришган эди.

– Бас, қўрқманг, – уни Мейсон заҳарханда билан юпатган киши бўлди. – Бу бор-йўғи марҳума суюклигингизнинг бир тутам сочи, холос.

Ҳаяжонга тушган Клайд суд маслаҳатчилари ўзига синчиклаб қараб турганларини сезиб, қўлини чўзиб, соч тутамини олди.

– Кўринишидан, силиқлигидан унинг сочига ўхшайди, тўғрими? – яна қайтарди Мейсон.

– Ҳа, менимча ўхшайди, – деб жавоб берди Клайд бўшашган овоз билан.

– Энди гап бундай... – давом этди Мейсон; у тезлик билан столга томон борди-да, ўша заҳотиёқ Клайднинг олдига қайтиб келди, унга фотография апаратыни узатди: аппарат объекти билан қоп-

қоғи ўртасида бир вақтлар Бэрлей суқиб қўйган Робертанинг икки тола сочи чувалашиб турарди. – Ушланг-чи, буни. Гарчи илгари тонган бўлсангиз ҳам, бу аппарат сизники. Мана бу икки тола сочга қаранг. Кўряпсизми? – У аппаратни Клайднинг юзига худди уриб юборар даражада яқин келтирди. – Бу толалар мана бу ерга илашиб қолибди, ҳойнаҳой, бу сиз уни урган дақиқада илашган бўлса керак, шунчалик секин урибсизки, юзини ёриб юборибсиз. Хўш, энди суд маслаҳатчиларига бу соч униками ёки йўқми, айтиб беролмайсизми?

– Мен билмайман, – деди Клайд зўрға, овози ичига тушиб.

– Нима, нима? Қаттиқроқ гапиринг. Унақанги маънавий ва ақлий қўрқоқ бўлманг. Бу сочлар униками ёки йўқми?

– Билмайман, – деб такрорлади Клайд, айна пайтда у соч толаларига қайрилиб ҳам боқмади.

– Мана буларга қаранг, қаранг! Уларни бир-бирига солиштириб кўринг. Бу мисс Олденнинг сочи – буни биз биламиз. Энди аппаратдаги толалар ҳам уникалиги сизга маълумдир-а, шундайми? Улардан жирканмасангиз ҳам бўлади. У тирик юрган пайтида шу сочларидан қайта-қайта силагансиз. Энди у ўлиб ётибди. Қўрқманг, сочлари сизни тишлаб олмайди. Хўш, мана бу иккита тола, атайлаб келтирилган мана бу унинг соч тутамидан бирон жиҳати билан фарқ қиладими, ушлаб кўрганда, рангида ва умуман, фарқи сезиладими ёки мутлақо тафовути йўқми? Қаранг! Жавоб беринг! Иккалови ҳам бир хил сочми ёки йўқми?

Шунақанги қисталанг остида, Белнепнинг эътирозларига ҳам қарамай, Клайд ўша сочларни кўриб чиқишга ва ҳатто қўлига олишга мажбур бўлди. Лекин эҳтиёткорлик билан жавоб қайтара бошлади:

– Бирон нарса деёлмайман. Кўринишидан, ушлаб кўрганда бир оз ўхшайди-ю, аммо аниқ айтолмасам керак.

– Эҳ-е, айтолмасам керак денг? Гарчи сиз ўша бешафқат, ёвузларча туширган зарбангиздан сўнг мана бу иккита тола аппаратга илашиб қолганини билсангиз ҳам айтмайсизми?

– Мен унга ҳеч қандай ёвузларча зарба туширмаганман, – дея эътироз билдирди Клайд, Жефсоннинг қараб турганини кўриб, – кейин бу сочлар кимникилигини ҳам билмайман.

У ўзига ўзи, бу одам мени чалғитиб бўпти ва кўрқитолмайди ҳам, дер эди-ю, лекин ҳолдан тойиб, кўнгли айниб бораётганини ҳам шундоқ сезиб турар эди. Қўли баланд келган Мейсон эса шу руҳий зарбанинг ўзиданоқ мамнун бўлиб, аппарат ва соч тутамини яна столга қўйди-да, деди:

– Майли, аппарат сувдан чиқариб олинганда, унда мана бу соч толалари борлиги ҳақида бу ерда етарли гувоҳликлар бериб ўтилди. Шахсан ўзингиз айтган гапга қараганда, сувга тушиб кетишдан олдин аппарат сизнинг қўлингизда бўлган.

У, Клайд учун тагин қандай азоб ўйлаб топсамикин, деб ўзига ўзи савол берганча бир оз жим қолди, сўнгра яна бошлади:

– Энди, Грифитс, ўрмондаги саёҳатингиз тўғрисида сўрамоқчиман: Учинчи миль Кўрфазига сиз қай пайтда етиб бордингиз?

– Менимча, азонда соат тўртларда, айни тонготарда.

– Ўшандан кейин сиз то пароход жўнагунча нима иш қилдингиз?

– Шунчаки у ёқдан-бу ёққа юриб турдим.

– Посёлканинг ўзидами?

– Йўқ, сэр, унга яқинроқ жойда.

– Ҳойнаҳой, ўрмондадир? Бемаҳал изғиб юрганингизга ғалати туюлмаслиги учун посёлканинг уйғонишини кутгансиз, шундайми?

– Шунчаки мен кун чиқишини кутдим. Бунинг устига чарчаган эдим, бир оз дам олишга ёнбошладим.

– Ҳа, яхши ухлаб, яхши тушлар кўргандирсиз?

– Ҳа, чарчаганимдан салгина кўзим илинибди.

– Пароход тўғрисида, унинг жўнаб кетиш вақти ва умуман, Учинчи миль Кўрфази тўғрисидаги аниқ маълумотларни қаердан олган эдингиз? Шуларнинг ҳаммасини олдиндан билиб олишга ҳаракат қилганмидингиз?

– Ие, бу ерда Шейрон билан Учинчи миль Кўрфази ўртасида пароход қатнаши ҳаммага маълум-ку.

– Ўхў, шундайми, ҳаммага маълум денг? Фақат шунинг учун сиз буларни билардингизми?

– Кейин биз қаерда никоҳдан ўтсак экан, деб жой излаган пайтимизда ҳам Учинчи миль Кўрфазига эътибор қилган эдик, – дея қувлик билан жавоб қайтарди Клайд. – Аммо у ёққа поездда бориб бўлмаслигини ҳам кўрган эдик: чунки темир йўл фақат Шейронгача борган экан.

– Аммо сиз бу жой Катта мушгирнинг жануброғидалигини сезган эдингизми?

– Ҳа, назаримда сезган эдим, – деди Клайд.

– Қуролсоз бекатининг ғарб томонидан ўтадиган йўл Катта мушгир кўлининг паст қисмини айланиб, Учинчи миль Кўрфазининг жанубига қараб кетишини ҳам билардингизми?

– Жанубий соҳилдаги ўрмонда беҳосдан мен қандайдир йўлгами, ё сўқмоққами дуч келиб қолдим, холос, бироқ мен унинг айни тўғри йўллигини ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаганман.

– Тушунарли. Нега унда сиз ўрмонда уч йўловчини учратган пайтингизда, улардан Учинчи миль Кўрфазигача ҳали олисми, деб сўрадингиз?

– Улардан сўраганим бу эмас эди, – деб жавоб берди Клайд, Жефсоннинг маслаҳатларига амал қилиб. – Мен улардан Учинчи миль Кўрфазига олиб борадиган бирор-бир йўлни билмайсизларми ва у йўл олисми, деб сўрадим. Мен айти йўша йўлда турганимни билмас эдим.

– Бироқ улар бу ерда мутлақо бошқача гапиришди-ку?

– Улар нима дейиши билан нима ишим бор, мен улардан фақат ўшандай деб сўрадим.

– Сизга қулоқ соладиган бўлсак, ҳамма гувоҳлар ёлгончи-ю, фақат биргина сиз ҳалол одамсиз, шундай демоқчимисиз? Хўш, Учинчи миль Кўрфазига етиб борганингиздан сўнг тамадди қилиш учун бирор-бир жойга кирмадингизми? Ҳарқалай, қорнингиз ҳам очгандир, шундайми?

– Йўқ, қорним оч эмасди, – деб жавоб берди Клайд пинагини бузмай.

– Ўша жойлардан иложи борича тезроқ чиқиб кетишни ўйлагансиз, тўғрими? Анави уч киши Катта мушгирга етиб бориб, мисс Олденнинг бошига тушган бахтсизликни эшитгач, сизни қандай учратганларини айтиб беришларидан қўрққансиз, шундайми?

– Йўқ, бу нотўғри. Аммо мен ўша ерларда юришни истамай қолдим, сабабини эса айтганман.

– Тушунарли. Бироқ Шейронда эса ўзингизни анча-мунча бехатар, анави жойлардан олисда сезганингиз учун вақтни бой бермай дарров овқатга ёпишгансиз, шундайми? У ерда роса иштаҳа билан овқатлангансиз, тўғрими?

– Очигини айтсам, билмайман. Мен бир финжон қаҳва ичдим ва сендвич едим.

– Бу ерда аниқлаганига кўра, бир кесим пирог ҳам егансиз, – деб қўшиб қўйди Мейсон. – Кейин худди ҳозиргина Олбэнидан келаётгандай вокзал-

дан чиққан одамларга қўшилиб олгансиз, сўнгра ҳаммага Олбэнидан келдим, деб айтгансиз. Шундай бўлганмиди?

– Ҳа, шундай бўлган эди.

– Айтинг-чи, кўнглида яқингинада нажотбахш бурилиш юз берган чинакам ҳассос одамга нисбатан сиз ўзингизни ниҳоятда тадбиркор ва эҳтиёткор тутганга ўхшаб кўринмаяпсизми? Ўрмонда яшириниб юргансиз, кун ёришишини пойлагансиз, ўзингизни Олбэнидан келаётгандай қилиб кўрсатгансиз...

– Мен буларнинг барини тушунтириб берганман, – деб жавоб қайтарди Клайд қайсарлиги тутиб.

Мейсон энди яна бир забт билан Клайднинг шармандали қилиғини, яъни Роберта унга ўзини шу қадар фидо қилганига қарамай, уни ғайриқонуний тарзда кўпгина эркаклар билан яшаб юрган суюқ аёлга чиқармоқчи бўлганини фош этиб ташлаш ниятида эди, негаки, у саёҳат пайтида турли меҳмонхоналарда уни турли хил номлар билан рўйхатдан ўтказдирган эди.

– Нега сизлар алоҳида-алоҳида хона олмадингиз?

– Биласизми, у буни хоҳламади. Мен билан бирга бўлишни хоҳлади. Бунинг устига, пулим ҳам кам эди.

– Борди-ю, ўшандай бўлган тақдирда ҳам, жуда қизиқ-ку: илгари унга нисбатан ҳурматингиз анча-мунча суст эди, кейин, ўлгандан сўнг эса унинг номус ва шаъни сизни шу қадар ташвишга солиб қўйганки, гапингизга қараганда, ишқилиб унинг покиза номига доғ тушмасин, деб қай аҳволда ўлганини ҳам дилингизга сир қилиб яширганча қошиб қолгансиз. Хўш, бу қанақаси бўлди?

– Муҳтарам мистерлари, – гапга аралашди Белнеп, – бу энди сўроқ эмас, катта бир нутқ-ку.

– Саволимни қайтариб оламан, – дея даф қилди Мейсон. – Айтгандай, Грифитс, – давом этди у, –

ақлий ва маънавий қўрқоқдигингизни сиз ўзингиз тан оласизми ёки йўқми?

– Йўқ, сэр. Тан олмайман.

– Тан олмайсизми?

– Йўқ, сэр.

– Демак, сиз ёлғон гапираётган пайтингизда, айниқса, қасам ичиб туриб ёлғон гапираётганингизда бошқа ҳар қандай кишидан, ақлий ва маънавий жиҳатдан қўрқоқ бўлган кишидан ҳам мутлақо фарқ қилмас экансиз-да, шу сабабли ҳар бир қасамхўр ва сохта гувоҳлар лойиқ бўлган нафрат ва жазога сиз ҳам нолойиқ экансиз-да? Тўғрими?

– Ҳа, сэр. Ўйлашимча, тўғри.

– Гап бундай, агар сиз ақлий ва маънавий қўрқоқ бўлмасангиз, ўзингиз айтганингиздай, мисс Олденни бехосдан уриб юбориб, Катта мушгир кўли тубида ташлаб кетавергансиз, бу жудодлик унинг туққанларига қанчалар мусибат келтиришини била туриб, бирон кишига бир оғиз ломим ҳам демай, тўғридан-тўғри жўнайвергансиз, аппарат оёқчаларини буталар орасига яшириб, ҳақиқий қотиллардек пинҳона қочиб қолгансиз, – хўш, унда буни қандай тушунмоқ керак? Агар сизга бошқа бирор кимса тўғрисида шундай нарсани сўйлаб беришса, сиз нима деб ўйлар эдингиз? Сизнингча, нима бу ўзи: қотилликни ният қилиб, уни амалга оширган, кейин эса секингина яшириниб кетмоқчи бўлган одамнинг ишими ёки шов-шув кўтарилса, ҳузур-ҳаловатига зиён етиши мумкинлигини ўйлаб, ўзи йўлдан урган қизнинг фавқулодда ўлими туфайли жавобгарликка тортилишдан қочмоқчи бўлган ақлий ва маънавий қўрқоқ одамнинг анчайин разил ва айёрона ҳийла-найранглари? Нима ўзи?

– Ҳар ҳолда уни мен ўлдирмаганман, – деб қайсарлик билан такрорлади Клайд.

– Саволга жавоб беринг! – деб бақирди Мейсон.
– Суддан, бунақанги саволга жавоб қайтармасликка гувоҳнинг ҳаққи борлигини унга тушунтиришини сўрайман, – гапга аралашди Жефсон, у ўрнидан туриб, аввал Клайдга, кейин Оберуолцера диққат билан тикилиб турди. – Бу дабдабали қуруқ савол ушбу ишга у ёки бу жиҳатдан бевосита алоқадор эмас.

– Тўғри, – деб тасдиқлади Оберуолцер. – Гувоҳ жавоб бермаслиги мумкин.

Кутилмаган бу ёрдамдан бирдан руҳланиб кетган Клайд индамай ҳаммага қараб қўйди.

– Майли, давом эттирамиз, – деди Мейсон. У Белнеп ва Жефсондан ҳали ҳеч қачон бу қадар таъби хира тортиб, дарғазаб бўлмаган эди, чунки улар зийраклик қилиб, Мейсон олиб бораётган ҳар бир ҳужумнинг кучи ва моҳиятини йўққа чиқаришга интилаётган эдилар, шунинг учун ҳам Мейсон уларнинг ғолиб келишига асло йўл қўймасликка ўзгача бир қатъият билан киришмоқчи бўлди, – Демак, саёҳатга чиққунга қадар, агар иложи бўлса, мисс Олденга уйланмоқчи эмасдим, деяпсиз-а?

– Ҳа, сэр.

– У эса уйланишингизни истаган, лекин сиз ҳали бундай қарорга келмагансиз?

– Ҳа.

– У жомадонига солиб қўйган пазандалик ҳақидаги китобчадан, туздон, қалампир идиш, қошиқ, пичоқ ва бошқа майда-чуйдалардан хабарингиз бормиди?

– Ҳа, сэр, хабарим бор эди.

– Бильддан кета туриб, шунча нарса ола кетган одам эрсиз қолиб, дуч келган жойда арзон-гаровгина хонада жойлашишни, сиз эса ҳафтада бир ёки ойда бир келиб туришингизни ўйлаши мумкинми?

Белнеп ҳали эътироз билдириб улгурмасидан, Клайд айна айтилиши зарур бўлган гапини қистириб қолди:

– Бу ҳақда у нималарни ўйлагани менга қоронғи.
– Сиз фавқулодда телефон орқали сўзлашув пайтида, масалан, дейлик, сизга у: агар мени олиб кетиш учун Бильцга келмасанг, мен ўзим Ликуртта бораман, деб ёзганидан сўнг, унга уйланишга ваъда бермаганмидингиз?

– Йўқ, сэр, ваъда бермаганман.

– Сиз у даражадаги ақлий ва маънавий кўрқоқ эмассизки, бирдан ваҳимага тушиб, шунақанги ваъдаларни бериб юборсангиз, тўғрими?

– Мен ҳеч қачон ақлий ва маънавий кўрқоқман, деб айтмаганман.

– Ўзингиз йўлдан урган қизга ҳам сизни кўрқитишига йўл қўймас эдингиз-а?

– Шунчаки мен у пайтда унга уйланишим зарурлигини тушунмаган эдим.

– Сиз уни ўзингизга мисс Х чалик тенг деб ўйламагансиз-да?

– Гарчи мен уни энди севмас эканман, унга уйланмаслигим керак, деб ўйлаган эдим.

– Ҳатто унинг номусини сақлаш ва ўзингиз ҳам ахлоқли одам сифатида қолишингиз учун ҳам, мабодо унга уйланмасмидингиз?

– Биласизми, мен у пайтда бирга туриб икковимиз ҳам бахтли бўлолмаймиз, деб ўйлар эдим.

– Бу, албатта, юрагингизда юз берган буюк ўзгаришгача бўлган воқеа-да?

– Ҳа, бу биз Утикага жўнашимиздан олдин эди.

– Ўша вақтдаёқ мисс Х нинг дарди хаёлида ақлингиздан айрилган экансиз-да?

– Ҳа, мисс Х ни севиб қолган эдим.

– Эсингиздами, мисс Олденнинг сизга юборган, сиз эса мутлақо жавоб қайтармаган хатлари-

дан бирида у қуйидагиларни ёзган эди (шу ерда Мейсон дастлабкн етти мактубдан бирини ажратиб олиб, ўқий бошлади): «Ахир, ҳамма ишларимиз энди ҳал бўлган ва ваъдангга биноан мени олиб кетиш учун келасан-ку, гарчи хавотир ва даҳшатли шубҳаларни ўзимдан нари ҳайдашга уринсам ҳам, бари бир улар мени азобга соляпти». Хўш, «ҳамма ишларимиз энди ҳал бўлган» деганда, у аини нимани назарда тутган эди?

– Билмайман, эҳтимол, мен унинг олдига бориб, вақтинчага қаёққадир олиб кетишимнигина назарда тутгандир.

– Аммо уйланиш эмас-да, албатта?

– Йўқ, мен ундай ваъда бермаганман унга.

– Бироқ ўшандан кейиноқ, бояги хатнинг ўзидаёқ у мана бундай деб ёзади: «Бу ерга келаётганимда, тўппа-тўғри уйга қараб юрмай йўл-йўлаккай Гомерда тўхтаб, опам билан поччамни кўриб ўтмоқчи бўлдим. Яна биз қачон кўришамиз, ким билади, негаки мен уларга фақат номусли аёл сифатидагина йўлиқишни истайман – акс ҳолда умрбод кўришмаганим маъқул!» Сизнингча, у «номусли аёл» деб ёзганда нимани назарда тутган? Бола туғилгунча у эрга чиқмай, аллақайси бир олис жойда ҳаммадан йироқда яшайверадияю, сиз бўлсангиз унга оз-моздан пул юбориб турасиз, балки кейинроқ бориб у ҳам қайтиб келар ва ўзини бегуноҳ бир ойимча-ю ёки ёш бева аёл қилиб кўрсатар, у шундай демоқчими ё бошқача дарди борми? У, назарингизда ўзгача режа тузганга ўхшаб туюлмаптимми: ақалли вақтинча сизга турмушга чиқиб, боланинг ҳам қонуний бўлишини ўйламаяптимикиан? Унинг «ҳамма ишларимиз ҳал бўлган» деб эслатиб ўтиши ҳам бежизмасдир, тагида маъноси кўпдир дейман, шундай эмасми?

– Эҳтимол, у шундай деб ўйласа ўйлагандир, – чалғитиброқ жавоб берди Клайд. – Лекин мен унга уйланаман, деб сира ваъда бермаганман.

– Майли, биз буни бир четга қўя турамыз, – дея қайсарлик билан давом этди Мейсон. – Манами гап билан шуғулланайлик (у ўнинчи хатдан ўқий бошлади): «Азизим, ахир, сен уч-тўрт кун олдин келсанг ҳам бўлади-ку, фарқи нима? Майли, ҳечқиси йўқ, пулимиз бир оз камроқ бўла қолар. Қўрқма, бирга турар эканмыз, шундоқ ҳам яшаб кетишимизга инонаман, ҳойнаҳой, энг кўпи билан олти-саккиз ойга чидасак бас. Ўзинг биласан-ку, агар истамасанг, кейин сени тинч қўйишга ҳам розиман. Борини аяб, тежаб-тергаш қўлимдан келади... Акс ҳолда, гарчи сен учун бошқа бирор йўл топишни истаган тақдиримда ҳам, бари бир бунинг иложи йўқ». Сизнингча, бу қандай, «борини аяб, тежаб-тергаш» ва сизни саккиз ойдан кейингина тинч қўйиш, хўш, шуларнинг бари нимани англатади? Унинг қаердадир истиқомат қилиши-ю, сизнинг эса, ҳафтада бир бориб ундан хабар олиб туришингизни билдирадими? Ёки ўйлаганидек, сиз чиндан ҳам у билан бирга кетиб, никоҳдан ўтмоқчи бўлганингизними?

– Билмайман, у балки мени мажбурлай оламан, деб ўйлагандир, – жавоб берди Клайд; суд маслаҳатчилари ва халойиқ – фермерлар ҳамда ўрмончилар, пастқам жойларда яшовчи мана шу кишиларнинг бари Клайднинг оғзидан бехосдан чиқиб кетган «мени мажбурлай оламан, деб ўйлагандир» деган иборадан ғазабланиб, ундан нафратланганча, масхараомиз пишқириб қулиб қўйишди. – Мен унга уйланишга ҳеч қачон қўнган эмасман, – дея гапини тугатди Клайд.

– Ахир, у сизни мажбурлай олармиди. Демак, бу масалага муносабатингиз шу экан-да, шундайми, Грифитс?

– Ҳа, сэр.

– Сиз бу масалада ҳам, истаган бошқа нарса ҳақида ҳам шу қадар осон қасам ича оласизми?

– Мен ахир қасам ичганман-ку.

Йиғилган одамларнинг деярли бари аввал бошданок айбланувчига қаттиқ жирканч ва газаб билан қараётган эди, энди эса Мейсон ўша жирканч ва газаб ақл бовар қилмас даражада ташқарига отилиб чиқаётганини ҳис этди, буни Белнеп ҳам, Жефсон ҳам, Клайднинг ўзи ҳам сизди. Суд залини нафрат ва газаб эгаллаб олган эди. Олдинда эса Клайдни хўрлаб, азоб ва қийноққа солиш учун уюм-уюм далиллар ва гувоҳликлардан таваккалига, дуч келганини танлаб олишга Мейсоннинг вақти жуда ҳам етарли эди. Шу боисдан у қорозларига бир қараб олди-да (қулай бўлсин учун Эрл Ньюком уларни стол устига елпигичга ўхшатиб ёйиб қўйган эди), яна гап бошлади:

– Грифитс, кеча бу ерда сизни ҳимоячингиз мистер Жефсон сўроқ қилганда (шу ерда Жефсон истеҳзо билан таъзим қилиб қўйди), сиз, кўнглингиздаги анави бурилиш июлда, Роберта билан Фондада яна учрашган вақтингизда, яъни унинг учун ҳалокатли тутаган айни ўша саёҳатга икковингиз жўнаганингиздан сўнг юз берганини айтдингиз.

– Ҳа, сэр, – деди Клайд, Белнеп эътироз билдириб улгурмасидан; аммо адвокат «унинг учун ҳалокатли тутаган ўша саёҳат» иборасини шунчаки «ўша саёҳат», деб ўзгартиришга муваффақ бўлди.

– У билан бирга кетган вақтингиздан буруноқ ундан кўнглингиз қолиб бўлган эди, тўғрими?

– Тўғри, сэр... илгаригидек қаттиқ севмас эдим.

– Қанча вақт давомида – аниғи қай пайтдан қай пайтгача – сиз уни астойдил севгансиз, яъни кўнглингиз қолмай турди?

– Нима десам экан, мен уни биринчи бор учратганимдаёқ севганман, то мисс Х га дуч келганимгача.

– Ундан кейин севмаганмисиз?

– Нима десам экан, бирданига уни ёмон кўриб қолдим, деб айтолмайман. У мен учун қадрли эди... ҳатто жудаям қадрли эди... аммо, бари бир, кўнглим бурунгидай эмас эди. Назаримда, асосан унга раҳмим келаётганга ўхшар эди.

– Демак... қани, бир ҳисоблаб олайлик-чи... тахминан биринчи декабрлардан апрель ёки майгача экан-да, шундайми?

– Ҳа, тахминан шундай, сэр.

– Бундан чиқди, шу вақт ичида, яъни биринчи декабрдан апрель ёки майгача у билан яқин алоқада бўлишни давом эттириб юраверибсиз-да, а?

– Ҳа, сэр.

– Уни энди бурунгидай севмасангиз ҳам-а?

– Яъни... ҳа, сэр, – деб жавоб берди Клайд тугилиб.

Гап шаҳвоний мавзуга кўчиши билан суд залини тўлдириб ўтирган бутун қишлоқ аҳли безовталанганча, ичи қизиб олдинга чўзилди.

– Бу ерда ўзингиз ҳам тан олганингиздай, у бутун борлиғи билан фақат сизга берилган экан, кечалари ўз кулбасида бир ўзи ўтираркану, сиз бўлсангиз танца ва ўтиришларга, дабдабали зиёфатлару автомобиль саёҳатларига жўнар экансиз-да?

– Ҳа, лекин мен доим кетавермас эдим, ахир.

– Ўҳў, доим кетавермас эдим, денг? Сиз бу ерда Трейси Грамбал, Фредерик Сэлс, Фрэнк Гарриэт ва Берчард Тэйлорлар нима дейишганини эшитдингизми ёки эҳтимол, эшитмай қолгандирсиз?

– Эшитдим, сэр.

– Хўш, бу ёғи қандоқ бўлди, улар бари ёлғон гапиришдими ё, балки, ҳақиқатни гапиришгандир?

– Назаримда, улар эслай олганларича ҳақиқатни гапиришди.

– Бироқ улар унчалик аниқ-равшан эслай олишмади, шундай демоқчимисиз?

– Очигини айтганда, доимий эмасди менинг кетишим. Тахминан, ҳафтада икки-уч марта... эҳтимол, баъзан тўрт мартадир, лекин ундан ортиқмас.

– Қолган кечаларни мисс Олден билан ўтказар-мидингиз?

– Ҳа, сэр.

– Демак, хатининг мана бу ерида у айна ўша нарсани айтмоқчи бўлган шекилли? – Мейсон Роберта мактублари тахидан яна бирини олди-да, ўқий бошлади: «Сен мени ташлаб кетган ўша даҳшатли рождестводан сўнг, деярли доим бутун тунларни танҳо ўзим ўтказаман». Хўш, у ёлгон ёзганми? – газаби тошганидан бақириб берди Мейсон, шундан кейин Клайд Робертанн ёлгончиликда айблаш нақадар хавфли эканлигини тушуниб, қўрқа-писа, ўсал бўлиб жавоб қайтарди:

– Йўқ, у тўғри ёзпти. Лекин, бари бир, кўпинча мен у билан бирга бўлардим.

– Аммо, ўзингиз ҳам эшитганингиздай, миссис Гилпин ва унинг эри, биринчи декабрдан бошлаб мисс Олден ҳар кечани ўз хонасида доимо ёлғиз ўтказгани, унга раҳмлари келиб, одамовилигини эса ғайритабиий ҳисоблаб, у билан яқинлашиш ва хиёл кўнглини кўтаришга ҳаракат қилганлари, лекин у буни истамаганини айтиб беришди. Шу гапларни сиз эшитдингизми?

– Ҳа, сэр.

– Шунга қарамай, кўпинча у билан бирга бўлар эдим, деб тасдиқлайверасизми?

– Ҳа, сэр.

– Айна пайтда сиз мисс Х ни севардингиз ва у билан тез-тез учрашиб туришга интилардингиз?

– Ҳа, сэр.
– Унга уйланиб олишга ҳам ҳаракат қилардин-гиз, шундайми?

– Ҳа, унга уйланмоқчи эдим... тўғри, сэр.

– Бироқ орада, бошқасига хушомад қилиш билан банд бўлмаган кечаларингизда мисс Олден билан илгариги муносабатингизни давом эттириб юравергансиз?

– Яъни... ҳа, сэр, – яна дудуқланди Клайд.

Бор сирларининг бу тахлит ошкор этилишидан ноқулай аҳволга тушиб қолаётгани уни гоят ранжитар, лекин ўзининг у қадар қабиҳ эмаслиги – ҳадеганда, Мейсон уни таърифлаётгандака бўлишни истамаганлигини у билар эди. Бошқалар ҳам – ликурглик киборлар доирасига мансуб ўша ёш-яланглар ҳам фариштадек бенуқсон эмаслар-ку, ахир, гапларига қарабоқ буни пайқаб олиш қийин эмас-ку.

– Билимдон ҳимоячиларингиз сизни ақлий ва маънавий қўрқоқ деб атаб, сиз учун анчагина юмшоқ ибора топиб беришганга ўхшаб туюлма-яптими назарингизда? – деди Мейсон заҳарханда билан.

Шу пайт жимжитликни бузиб, узун ва тор суд залининг қайсидир тўридан ғазабнок бир ўрмончининг қайғули, аламзада бақириви янгради:

– Бу баттол, насли бузуқ билан ади-бади айтишиб ўтирилаверадими! Шарт даф қилиш керак уни – вассалом!

Ўша ондаёқ Белнеп қичқириб эътироз билдирди. Оберуолцер эса тинчлик ўрнатиш мақсадида болғачасини тақиллатиб урдида, тартиб бузувчини қамоққа олиш, шу баҳонада жой етмай тик туриб қолганларнинг барини залдан чиқариб юборишни буюрди, бу буйруқ дарров ижро этилди. Тартиб бузувчи ўша заҳотиёқ қамоққа олинди: у энди эр-

талаб суд олдида жавоб бериши керак. Ҳамма ёқ тинчигандан сўнг Мейсон яна гап бошлади:

– Грифитс, сиз айтдингизки, Ликургдан чиқиб кетаётганингизда, агар қандай бўлмасин йўлини топиб буларни тинчита олсангиз, Роберта Олденга уйланмоқчи бўлмагансиз?

– Ҳа, сэр. Ўша пайтда ниятим шундай эди.

– Демак, сиз Ликургга қайтиб келишингизга қаттиқ ишонган экансиз-да?

– Ҳа, сэр, мўлжалимда қайтиб келишим керак эди.

– Унда нега сиз ҳамма буюмларингизни сандиқчага солиб, қулфлаб қўйган эдингиз?

– Бу... бу... шунчаки... – Клайд сўз тополмай қолди. Ҳужум шу қадар тўсатдан бўлган эдики, у игари айтилган барча гапларга шу қадар кам боғланган эдики, Клайд ақлини йиғиштириб улгуролмади. – Биласизми, мен жудаям ишонган эмасдим... истасам-истамасам, бундан қатъи назар, туйқусдан жўнаб кетишимга тўғри келиб қолар, деб ўйлаган эдим.

– Тушунари. Бундан чиқди, сиз мисс Олден билан бирга жўнаб кетишга бирдан аҳд қилиб қолсангиз – аслида шундай бўлган ҳам (шу ерда Мейсон «гапимга ишонишди, деб ўйлаяпсизми?» дегандай Клайднинг юзига қараб пиқирлаб кулиб юборди) – уйингизга қайтиб келиб, саёҳат олдидан буюмларингизни бемалол йиғиштириб олиш учун вақтингиз етмай қолиши ҳам мумкин эди-да, а?

– Й-Йўқ, сэр, бу ерда бошқа гап бор эди.

– Хўш, қандай гап?

– Биласизми... – аввал бу ҳақда ўйламагани ва дарровгинада ўринли, ҳақиқатнамороқ жавоб топишга фаросати етмагани учун Клайд яна гапини йўқотиб қўйди, буни ҳамма, биринчи галда Белнеп билан Жефсон ҳам сизди; кейин у давом этди: – Би-

ласизми, агар, гарчи қисқа вақтга бўлса-да, кетишимга тўғри келиб қолса, ҳойнаҳой, мен тезлик билан буюмларимни олиб чиқарман, деб ўйлаган эдим.

– Тушунарли. Лекин жўнаб кетишдан олдин бу қадар шошилишингизнинг сабаби Клифорд Голден ва Карл Грэхемнинг кимлигини полиция билиб қолишидан қўрққанингиздан бўлмаса керак-а? Сиз шунга аминмисиз?

– Йўқ, сэр, гап бунда эмас.

– Демак, сиз миссис Пейтонга хонани бўшатаётганингизни айтмагансиз?

– Йўқ, сэр.

– Кеча, шу ерда гапира туриб, пулингизнинг камлиги тўғрисида нимадир дедингиз. Гўё мисс Олденни олиб кетиш, унга уйланиш ва у билан ақалли маълум вақтгача, ҳеч бўлмаганда ҳатто ярим йил бирга туриш учун қўлингизда ҳеч вақоингиз йўқ экан.

– Ҳа, сэр.

– Ликургдан чиқиб, шу саёҳатга жўнаганларингизда қанча пулингиз бор эди?

– Салкам элик доллар.

– «Салкам» элик? Қанча пулингиз бўлганлигини аниқ билмайсизми?

– Биладан, сэр, элик доллар эди.

– Утикада ва Ўтлоқзор кўлидалик пайтларингизда ва ундан кейин то Шейронга етиб боргунларингизда сиз қанча сарфладингиз?

– Назаримда, бу саёҳатга мендан йигирма долларча кетди.

– Аниқ қанчалигини билмайсизми?

– Анифиними... йўқ, сэр... лекин тахминан йигирма долларча эди шекилли.

– Майли, аниқ ҳисоблаб чиқишга ҳаракат қиламиз, – дея давом этди Мейсон, Клайд эса тузоққа илинаётганини пайқаб, яна асабийлаша бошлади: ахир, унда тагин Сондра берган пуллар ҳам бор

эди-ку, ўша пулларнинг ҳам бир қисмини ишлатган эди. – Фондадан Утикагача шахсан бир ўзингизга йўлкирага қанча кетди?

– Бир доллару чорак.

– Утикадаги меҳмонхонада Роберта икковингиз тўхтаган хона учун-чи?

– Тўрт доллар.

– Сизлар у ерда ўша куни кечқурун ва эртаси эрталаб овқатлангансизлар, албатта, хўш, шулар қанчага тушди сизларга?

– Ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда, уч долларга яқин.

– Кейин сиз Утикада бошқа ҳеч сарфламадингизми?

Мейсон ора-сира қандайдир рақамлар ва белгилар ёзилган қоғозга кўз қирини ташлаб олар, аммо Клайд бунга сезмас эди.

– Йўқ, сэр.

– Анави похол шляпа-чи, бу ерда аниқланишича, сиз уни Утикада сотиб олганмисиз?

– Ҳа, тўғри, сэр, уни ёдимдан чиқарибман! – бирдан эслаб қолди Клайд. – Ҳа, сэр, унга ҳам икки доллар.

У эҳтиётроқ бўлиш лозимлигини англади.

– Ўтлоқзор кўлигача сиз учун йўлкира, ҳойнаҳой, беш долларга тушган, тўғрими?

– Ҳа, сэр.

– Кейин Ўтлоқзор кўлида сиз ижарага қайиқ олгансиз? У қанча эди?

– Соатига ўттиз беш центдан.

– Сизлар неча соат сайр қилдингизлар?

– Уч соат.

– Бу, бир доллару беш цент дегани.

– Ҳа, сэр.

– Кейин меҳмонхонада ётиб қолгансизлар, бунга қанча олишди сизлардан? Беш доллар, шундайми?

- Ҳа, сэр.
- Сўнгра, ўзларингиз билан Катта мушгир кўлига олиб кетган нонушталикни сотиб олгансизлар?
- Ҳа, сэр. Унга олтмиш центча кетди.
- Катта мушгирга боргунча йўлларингизга қанча сарфланди?
- Биз Қуролсозгача поездда бордик, бу – бир доллар. У ердан Катта мушгиргача автобусда – яна бир доллар.
- Кўриб турибман, барча рақамларни бинойидек эслаяпсиз, Ҳа, бу табиий нарса. Сизда пул йўқ эди, шунинг учун сарф-харажатларингизни ўйлаброқ қилишингиз керак эди. Кейин Учинчи миль Кўрфазидан Шейронгача боришингиз сизга қанчага тушди?
- Етмиш беш центга.
- Сиз ҳаммаси қанча бўлганини сира ҳисоблаб кўрмаганмидингиз?
- Йўқ, сэр.
- Ҳозир бир ҳисоблаб боқмайсизми?
- Лекин сиз ўзингиз ҳисоблаб чиқдингиз шекилли?
- Ҳа, сэр, ҳисоблаб чиқдим. Йигирма беш доллару олтмиш беш цент бўляпти. Сиз эса йигирма доллар сарфладим, деган эдингиз. Демак, тўрт доллару олтмиш беш цент ошиқ келяпти. Хўш, бунга нима дейсиз?
- Ҳа, ниманидир у қадар аниқ эслаёлмаган бўлсам керакда, – деди Клайд, бунақанги майда-чуйда ҳисоб-китоблардан жаҳли чиқиб.
- Лекин шу пайт Мейсон муғомбирлик билан майингина қилиб сўради:
 - Ия, ростдан, Грифитс, мен ёдимдан чиқарибман. Катта мушгирда ижарага олган қайиғингиз қанчага тушган эди?
- У эринмай, усталик билан бу қопқонни тайёрлаган, энди эса Клайднинг жавобини бетоқат бўлиб кутмоқда эди.

– Э... ҳм-м... яъни... – дея дудуқланиб гап бошлади Клайд.

У Катта мушгир қўлида қайиқнинг нархини суриштираганини, чунки ўзи ҳам, Роберта ҳам қайтиб келмаслигини олдиндан билганлигини эслаб қолди. Бу савол ҳам ҳозир аслида биринчи марта берилиши эди.

Мейсон уни қўлга туширганини пайқаб, дарров қайта сўради:

– Хўш, нима дейсиз бунга?

Клайд ҳам таваккалига жавоб бераверди:

– Ие, ҳа, худди Ўглоқзор кўлидагидек соатига ўттиз беш центдан, қайиқчи менга шундай деган эди.

Лекин у ҳаддан ташқари шошилган эди. Чунки Мейсоннинг ихтиёрида ўша қайиқчи турганини у билмас эди, у эса Клайд қийиқнинг нархини суриштираганини айтиб, гувоҳлик бериши керак эди; Мейсон давом этди:

– Э, шундай денг! Демак, қайиқчи айтганди денг?

– Ҳа, сэр.

– Сиз ҳатто бу ҳақда қайиқчидан сўрамаган ҳам эдингиз, шуни унутдингизми-а? Қайиқ соатига ўттиз беш центдан эмас, балки эллик центдан турар эди. Аммо, турган гап, буни билмайсиз, чунки сиз қайтиб келиб, қайиқ учун ҳақ тўлашни мутлақо ўйламаган эдингиз, ишқилиб тезроқ қирғоқдан нари кетимини ўйлаган эдингиз. Шунинг учун турган гапки, нархини суриштириб ўтирмагансиз. Хўш, тушунарлими? Энди эслаяпсизми? – Шу ерда Мейсон қайиқчи берган ҳисобни қўлига олдида, нақ Клайднинг бурни остида силкитди. – Қайиқ соатига эллик центдан турган, – деб такрорлади. – Катта мушгирда Ўглоқзордагига нисбатан қайиқ учун қимматроқ олишади. Бошқа ҳамма нархларни сув қилиб ичиб юборибсизу – буни ҳозирги гапларин-

гиз ҳам тасдиқлаб турибди – аммо бу нархдан мутлақо хабарингиз йўқ экан, қандай қилиб шундай бўлди экан-а, мен шуни билишни истайман? Қизиқ, мисс Олден билан кўлга жўнаётиб, тушдан то кечгача қайиқда сайр этиш сизга қанчага тушишини ўйламадингизми?

Тўсатдан бўлган бу шиддатли ҳужум Клайдни шу заҳотиёқ довдиратиб қўйди. У ўзини қаерга қўйишини билмай қимтинар, талвасага тушиб ютинар, Жефсонга қарашга ботинолмай полга тикилар эди, Жефсом ҳам бунақанги савол тушиши мумкинлигини негадир сира хаёлига келтирмаган эди.

– Ҳўш, – овози борича бақирди Мейсон, – бу масалада сиздан бирор-бир изоҳ эшитамизми, йўқми? Барча, ҳа, барча сарф-харажатларингизни эслаб қолибсизу, фақат буниси ёдингиздан кўтарилибди-я, ўзингизга ҳам ғалати туюлмаяптими бу?

Яна суд маслаҳатчиларининг бари олдинга чўзилиб, бетоқатлик билан кута бошладилар. Клайд ҳам уларнинг сабрсизликлари ва очиқчасига шубҳаланиб қараётганларини сизди-ю, ниҳоят шундай жавоб берди:

– Буни қаранг-а, қандай қилиб ёдимдан чиқарганман, ақлимга сифмаяпти.

– Оббо сиз-ей! Ақлингизга сифмайди-да, албатта! – Мейсон пиқирлаб кулди. – Пастқам бир кўлда қизни ўлдирмоқни ният қилган одам жуда кўп нарсаларни ўйлаб олиши керак, баъзиларини эсдан чиқарган бўлсангиз, бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Аммо сиз Учинчи миль Кўрфазига келганингиздан сўнг кассирдан Шейронгача патта қанча туришини сўрашни унутмагансиз, тўғрими?

– Сўраган-сўрамаганим эсимда йўқ.

– Энг муҳими, кассирнинг эсида бор. У бу тўғрида гувоҳлик ҳам берган. Сиз Ўтлоқзор кўлида ижарага олинадиган хонани суриштиришни

эсдан чиқармагансиз. У ерда қайиққа тўланадиган ижара ҳақини ҳам сўрабсиз. Ҳатто Катта мушгиргача автобусда боришга қанча кетишини ҳам суриштиргансиз. Афсуски, Катта мушгирда қайиққа ижара ҳақи қанчалигини сўрашни эса ўйлаб кўрмабсиз! Унда шу арзимаган нарсани деб бунақа гангиб ўтирмасдингиз, тўғрими?

Шу ерда Мейсон, гўё: «Кўряпсизлар-ку, ўзларингиз ҳам!» дегандай суд маслаҳатчиларига қараб қўйди.

– Балки мен бунга эътибор бермагандирман, – дея такрорлади Клайд.

– Менимча, жавобингиз жудаям мукамал, – деди Мейсон пичинг қилиб, кейин гапини яна аввалги оҳангда давом эттирди: – Тўққизинчи июлда, яъни Роберта ўлган куннинг эртаси «Казино»да берган нонушта-зиёфатингизга ўн уч доллару йигирма цент сарфлаганингизни ҳам эслаёлмасиз, шундайми?

Мейсон ҳаяжонга тушган, тезкор ва шиддатли эди, у Клайдга ўйлаб олишга ҳам, бир оз нафасини ростлашга ҳам вақт қолдирмаётган эди. Бу саволни берган пайтида Клайд сал бўлмаса ўрнидан сапчиб тураёзди: чунки у ўша нонушта-зиёфатдан Мейсоннинг хабари борлигини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди.

– Қамоққа олинган вақтингизда, – дея давом этди Мейсон, – ёнингизда яна саксон доллардан ортиқроқ пул чиққанини ҳам эслаёлмайсизми?

– Ҳа, энди эслаяпман, – деб жавоб берди Клайд.

У ўша саксон долларни мутлақо унутиб қўйган эди. Лекин у ҳозир у ҳақда ҳеч нарса демади, чунки нима дейишни билмай қолган эди.

– Хўш, нима гап ўзи бу ерда? – эринмай ва аёвсиз суриштира бошлади Мейсон. – Ликургдан чиққанингизда фақат эллик долларингиз бор эди,

холос, қамоққа тушган пайтингизда эса саксондан ортиб кетибди, бунинг устига йигирма тўрт доллару олтмиш беш центни ҳамда нонуштага ўн уч долларни сарфлагансиз. Сизга бу ортиқча пуллар қаердан келиб қолди?

– Бунга мен ҳозир жавоб беролмайман, – деди Клайд қовоғини солиб, ўзини бурчакка қадаганлари ва ҳақорат қилганларини сезиб. Бу пулларни у Сондрадан олган эди, шунинг учун буни ошкора айтишга уни дунёдаги ҳеч бир куч мажбур қила олмас эди.

– Нима учун жавоб беролмас экансиз? – деб ўшқирди Мейсон. – Хўш, сиз ўзи хаёлингизда қаерда турибсиз? Бу ердагиларнинг бари нима учун йиғилиб ўтирибди, сизнингча? Нимага жавоб берасизу нимага жавоб бермайсиз, шуни ўйлаб олишингиз учунми? Сиз суд олдида турибсиз, гап сизнинг ҳаётингиз устида кетяпти, унутманг! Илгари менга қанча ёлғон гапирган бўлсангиз ҳам, қонун билан мушук-сичқон ўйнаёлмайсиз. Сиз манави ўн икки суд маслаҳатчиси рўпарасида туриб сўроқ беряпсиз, улар эса сиздан ҳаққоний жавобни кутишяпти. Хўш, қалай энди? Ўша пулларни сиз қаердан олгансиз?

– Дўстимдан қарз олдим.

– Ким у дўстингиз? Исми нима?

– Бу менинг ишим.

– Ўхў, сизнинг ишингизми! Демак, Ликургдан чиқиб кетаётганда ёнингизда қанча пул бўлганлиги ҳақидаги гапингиз ҳам ғирт ёлғонлиги аниқ. Яна қасам ичиб туриб, ёлғон гапиргансиз. Буни унутманг! Муқаддас деб ҳисоблаганингиз – ўша қасамни бузгансиз. Нима, ёлғонми?

– Ҳа, ёлғон, – деди ниҳоят Клайд, қўйилаётган айбларнинг зарбидан ўзига келиб. – Мен бу пулларни Ўн иккинчи қўлга борганимдан сўнг қарзга олганман.

- Кимдан?
- Буни мен айтолмайман.
- Демак, гапингизнинг бир чақалик ҳам қиммати йўқ, – дея бўлиб ташлади Мейсон.

Клайднинг ҳам ўжарлиги тутиб кетди. У борган сари овозини пасайтирар, Мейсон эса унга ҳар гал, қаттиқроқ гапиринг ва суд маслаҳатчилари юзингизни кўриши учун бу томонга ўгирилиниг, деб буюрар эди. Клайд унга ҳар гал итоат этар экан, бутун сиру асрорларини билиб олишга интилаётган бу одамга нисбатан аламзадалиги тобора кучайиб бораётган эди. Мейсон, Клайд учун ҳали ҳам ниҳоятда азиз бўлган Сондрага шундоққина яқинлашиб келган эди, Клайд эса унга доғ туширувчи бирор-бир гапни айтолмас эди. Шу боисдан ҳам унинг ўтириши-ю, суд маслаҳатчиларига қай тарзда тикилиб қолганнинг ўзи негадир кишининг гашига тегар эди. Бу орада Мейсон столдан қандайдир фоторасмларни олди.

– Булар сизга танишми? – деб сўради у, Клайдга Робертанинг беш-олтита хира, сувда ётиб бузилган расмини ҳамда Клайднинг ўзи тушган бир неча фото ва яна аллақанча бошқа суратларни кўрсата туриб (уларнинг биронтасида ҳам Сондра йўқ эди): Клайд бу расмларни Крэнстонларникига биринчи борганда олган, тўртгасини эса кейинроқ Айиқ кўлида туширган, бунинг устига шу кейинги фотосуратларнинг бирида у ўзи банжо чалиб турган пайтида расмга олинган эди. – Булар қачон туширилганини эслайсизми? – деб сўради Мейсон, аввалига Робертанинг фотографиясини кўрсатиб.

- Ҳа, эслайман.
- Қаерда олинган эди?
- Катта мушгирнинг жанубий соҳилида, ўша борган кунимиз олинган эди.

Аппаратда бу плёнкалар борлигини Клайд билар эди, буни у Белнеп билан Жефсонга ҳам айтган

эди; бироқ энди уни расм ҳолида чиқара олишганини кўриб, бари бир ҳайратга тушди.

– Грифитс, – дея давом этди Мейсон, – ҳимоячиларингиз Катта мушгир суви остидан – сиз ўша онт ичиб тонган – фотография аппаратини чиқариб олишга астойдил уринганларини сизга айтиб беришмадими? Аппарат менинг қўлимда эканлигини аниқлагунарлича ҳамма ёқни обдан тит-пит қилиб қидиришганини гапиришмадими?

– Улар ҳеч қачон менга бу ҳақда ҳеч нарса айтмаганлар, – деб жавоб берди Клайд.

– Минг афсус. Мен уларни кўп оворагарчиликдан халос қилишим мумкин эди. Хуллас, аппаратдан топилган бу расмлар сизда юз берган руҳий бурилишдан кейиноқ олинган эдими, эслаёлмайсизми?

– Улар қачон олинганини эслайман, – деб жавоб берди Клайд қовоғини солиб.

– Ҳа-да, бу расмлар сиз икковингиз охирги марта соҳилдан сузиб кетишингиздан олдин, сиз, ниҳоят, унга айтмоқчи бўлган гапларингизнинг ҳаммасини тўкиб солишингиздан олдин, уни ўлдиришингиздан олдин, сиз берган гувоҳликка қараганда, у гоятда ғамгин бўлган пайтда олинган, шундайми?

– Йўқ, унинг ғамгинлиги бир кун олдин эди, – дея эътироз билдирди Клайд.

– Ҳа, тушунарли. Ҳарқалай, бу расмларда у қандайдир жудаям қувноқ, сиз ҳикоя қилганингиздай, ҳаддан ташқари эзилган ва кўнгли ғаш одамга сира ҳам ўхшамайди.

– Лекин, ахир, бу пайтда у бир кун олдингидай эзилган эмасди, мутлақо, – тўрсиллатиб гапирди Клайд; аслида ҳам бу ҳақиқат эди, буни у жуда яхши эслайди.

– Тушунарли. Энди мана бу расмларга қаранг-чи. Ақалли мана бу учтасига. Булар қаерда олинган эди?

– Назаримда, Ён иккинчи кўлда, Крэнстонлар чорбоғида эди шекилли.

– Тўғри. Ён саккизинчи ёки ён тўққизинчи июнда, шундайми?

– Назаримда, ён тўққизинчида.

– Ён тўққизинчи июнда Роберта сизга нима хат ёзганини эслай олмайсизми?

– Йўқ, сэр.

– Ёша хатларнинг биронтасини ҳам аниқроқ эслай олмайсизми?

– Йўқ, сэр.

– Лекин уларнинг ҳаммаси ниҳоятда ғамгин хатлар эди, деб айтгандингиз-ку?

– Ҳа, сэр, бу тўғри гап.

– Энди қулоқ солинг, бу хат шу расмлар олинган вақтда ёзилган! – Шу ерда Мейсон суд маслаҳатчиларига ўгирилди: – Мистер-суд маслаҳатчилари, сизлардан мана шу расмларни бир кўришни, кейин эса худди ўша кунни айбдорга мисс Олден ёзган хатдан бир парчасини тинглашингизни илтимос қиламан. У гарчи мисс Олденга раҳми келган бўлса ҳам, бироқ унга хат ёзмаслиги ва камроқ кўнғироқ қилишга уринганини тан олган, – Мейсон хатни олиб, суд маслаҳатчиларига ўгирилиб, Робертанинг узундан-узун, ғам-андухли ҳасратини ўқиб берди. – Мана, яна тўртта фотография, Гриффитс, – дея давом этди у, Клайдга Айиқ кўлида туширилган суратларни узатиб. – Жуда ҳам қувноқ, сизнингча қандай? Кўпдан-кўп мудҳиш шубҳалардан, хавотир ва ярамас қилиқлардан сўнг кўнғида буюк руҳий бурилиш юз берган одамнинг расмига – ўзи ниҳоятда бешафқат бўлиб, инсофсизлик қилгани ва бундан атиги салгина бурун унинг олдида ўз айбини юмшатишга интилгани – ўша аёлнинг беҳос ўлимини кўрган одамнинг расмига мутлақо ўхшамайди бу. Бу суратларга қараладиган бўлса, сиз дунёдаги энг беғам одам экансиз, тўғрими?

– Лекин бунда ахир биз кўпчилик тушган-миз-ку. Ҳамма расмга тушганда, мен тушмайман десам хунук бўлар эди.

– Унда мана бу, сувда турганингиз-чи? Роберта Олден Катта мушгир кўли тубида ўз лаҳадини топган бўлса-да, сиз шундан кейин орадан икки ёки уч кун ўтгач, бемалол сувга тушиб чўмилаверсангиз? Бунинг устига кўнглингизда юз берган ва унга нисбатан сизнинг муносабатингизни бутунлай ўзгартириб юборган ўшандай олимистер маънавий бурилишдан сўнг шундай қилибсиз-а?

– У ерда мен Роберта билан бирга бўлганимни кимдир билиб қолишидан қўрққан эдим.

– Буларнинг ҳаммаси бизга маълум. Унда мана бу банжолик фотографияга нима дейсиз? Қани, бир қаранг-чи! – Мейсон унга фотографияни узатди. – Жудаям қувноқ, а? – ачитиб олди у.

Ўзини йўқотиб, қўрқиб кетган Клайд:

– Бари бир, мен хафа эдим! – деб жавоб берди.

– Ҳатто банжо чалиб турган пайтингизда ҳам-а? У ўлган куннинг эртасигаёқ дўстларингиз билан гольф ва теннис ўйнаб вақтичоғлик қилган пайтингизда ҳам-а? Ўн уч долларлик зиёфатни паққос тушираётган пайтингизда ҳам-а? Яна қайтадан мисс Х доирасига тушганингизда эса, ўз тилингиздан чиққан гапга қараганда, дунёдаги ҳар қандай нарсадан ҳам уни афзал кўриб кетгансиз-да, а?

Мейсон гапирмас эди, балки газаби тошиб, жоҳиллашиб қаҳри-заҳри билан пичинг отиб, бамисоли наъра тортар эди.

– Бари бир, аини ўша пайтда мен хурсанд эмасдим, сэр.

– «Аини ўша пайтда» деганингиз нимаси? Ўзингиз обдан интилиб юрган жойда эдингиз-ку, ахир?

– Биласизми, маълум маънода бу тўғри, албатта, – дея жавоб берди Клайд, ўзига-ўзи: бу эътироф-

ларимни Сондра ўқиса нима деб ўйларкин, деган саволни бериб. Сондра эса сўзсиз ўқийди.

Суд жараёнига оид барча ҳужжатлар ҳамма газеталарда кунма-кун бериб бориляпти. Клайд ўша пайтда мисс Х ҳузурида бўлгани ва унга интиланганини инкор этолмайди, албатта. Лекин шунга қарамай, у бахтли эмас эди, ахир. Қайтага шу қадар бахтсиз эдики, оқибатда у ўзининг шармандали ва мудҳиш нияти исканжасида ўралашиб қолган эди! Сондра шуларни ўқишга тутинганда унга буни қандай тушунтирса бўларкин-а, мана бу суд маслаҳатчиларига қандай тушунтирса бўларкин?

У томоғи қуриб қолгани учун зўр-базўр ютинди-да, караш боғлаган тили билан лабларини ялаганча қўшимча қилди:

– Бари бир мен мисс Олденга жудаям ачинардим. Ўшанда ўзимни бахтиёр сезолмаган эдим, сира ҳам сезолмасдим. Одамлар, мисс Олден чиққан ўша саёҳатга менинг ҳам қандайдир алоқам бор экан, деб ўйлашмасин дер эдим, холос, ўзимни фақат ўшандай тутишга ҳаракат қилардим, бор-йўғи шу. Бошқача йўлини бўлса сира тополмасдим. Ўзим қилмаган иш учун мени қамоққа олишларини эса истамасдим.

– Ахир, буларнинг бари ёлғонлигини ўзингиз билмайсизми! Ёлғон гапираётганингизни ўзингиз биласиз-ку! – деб бақирди Мейсон, гўё бутун коинотни гувоҳликка чақираётгандай, Клайднинг ўтакетган ёлғончилигига суд маслаҳатчилари ва халойиқни ишонтириш учун Мейсоннинг шу жазаваси-ю, қизғинлик билан билдирган шубҳа ва нафратининг ўзиёқ кифоя қила қолди.

– Сизнинг улфатларингиз билан биргаликда Айиқ кўлига борган кичик ошпаз Руфус Мартиннинг сўзларини эшитдингизми?

– Ҳа, сэр.

– У қасам ичиб туриб, сизни мисс Х билан бирга Айиқ кўли соҳилидаги пастроқ бир жойда кўргани ва сиз уни қучоқлаб, ўпаётганингизни гапирганини эшитдингиз. Шундай бўлганмиди?

– Ҳа, сэр.

– Бу Роберта Олден Катта мушгир кўли тубида қолиб кетгандан кейин, орадан роппа-роса тўрт кун ўтгандан сўнг бўлган воқеа-да?! Нима, сиз ўша пайтда ҳам қамоқдан қўрққан эдингизми?

– Ҳа, сэр.

– Ҳатто мисс Х ни қучоқлаб, ўпиб турган вақтингизда ҳам-а?

– Ҳа, сэр, – деб такрорлади Клайд ғамгин ва умидсизлик билан.

– Э, биласизми! – бақирди Мейсон. – Агар бу ерда шуларни ўз қулоғимиз билан эшитмаганимизда бунақанги бемаъни гапларни судга олиб чиқишлари мумкинлигига ҳар қандай одам ҳам ишонмаган бўлар эди! Сиз бир алданган қизни қучоқлаб, унга меҳр-муҳаббат изҳор қилсангиз-да, худди шу аснода сиз алдаган яна бошқа бир қиз сиздан юз миль нарида сув остида ётса, устига-устак, мана шу ерда ўтириб, қасам ича туриб, судга ўзимни бахтсиз сезардим ва виждоним азобланарди, деб айтяпсиз-а?

– Бари бир худди шундай бўлган, – жавоб қайтарди Клайд

– Жуда соз! Ғоят гўзал! – қичқирди Мейсон.

У ҳорғинлик билан хўрсиниб қўйди-да, яна каттакон оқ дастрўмолини чиқарди, суд залига бир назар ташлади-ю, бутун қиёфаси билан: «Вазифам жуда офир-да!» дегандай, юзини арта бошлади. Кейин аввалгига қараганда яна ҳам шиддатлироқ оҳангда давом этди:

– Грифитс, куни кеча, мана шу гувоҳлик жойида қасам ичиб айтдингизки, Ликургдан чиқаётга-

нингизда шахсан сиз, Катта мушгир кўлига қараб жўнаймиз, деб ўйламаган экансиз.

– Ҳа, сэр, ўйламаган эдим.

– Мисс Олден билан икковингиз Утикадаги меҳмонхонадан жой топиб ўрнашиб олганларингиздан сўнг эса, унинг чарчагани ва ҳолдан тойганини кўриб, қандайдир бир ҳордиқ чиқариш – кичкинагина ҳамёнларингизга лойиқ жўнгина бир саёҳатга бориш – унга фойда бериши тўғрисида фикр билдиргансиз. Шундай бўлганмиди?

– Ҳа, сэр, шундай, – жавоб берди Клайд.

– Аммо ўша дақиқагача айнан Адирондак тоғларидаги кўлларга бориш ҳатто хаёлингизга ҳам келмаган-да, а?

– Йўқ, сэр... яъни, мен аниқ бир кўл тўғрисида ўйламаган эдим. Ҳарқалай, қайсидир бир дурустроқ хушманзара жойга борсак, деган фикрда эдим – унақа жойлар бу ерда деярли ҳар бир кўл теварагида хоҳлаганча бор, ахир – лекин фалон кўл яхши, деб аниқ биттасини назарда тутмаганман.

– Тушунарли. Сиз шуларни мисс Олденга таклиф қилганингизда, қандайдир харита ва йўл кўрсаткич китобчалари топишингиз зарур, деб сизга унинг ўзи айтган эди, шундайми?

– Ҳа, сэр.

– Кейин сиз меҳмонхона даҳлизига тушиб, уларни топгансиз.

– Ҳа, сэр.

– Утикада, «Ренфру» меҳмонхонасидами?

– Ҳа, сэр.

– Эҳтимол, адашиб бирор-бир бошқа жойдан олгандирсиз?

– Йўқ, сэр.

– Кейин, ўша хариталарни кўздан кечира туриб, икковингиз Ўтлоқзор кўли ва Катта мушгирни кўриб қолгандирсизлар-да, ўша ёққа боришга қарор қилгансизлар? Шундай бўлганмиди?

– Ҳа, биз шундай келишган эдик, – деди Клайд асаблари қақшаб. У, йўл кўрсаткич китобчаларни Утикадаги меҳмонхонадан олдим, деганига энди афсусланаётган эди. Чунки ким билади, бунда ҳам балки қандайдир тузоқ яширингандир?

– Сиз ва мисс Олден икковингиз келишдингизми?

– Ҳа, сэр.

– Кейин сиз энг қулай деб Ўтлоқзор қўлини танлагансиз, чунки у ерда ҳамма нарса жуда арзон, шундай бўлганмиди?

– Ҳа, сэр, шундай эди.

– Тушунарли. Мана буни эслай оласизми? – У столдан бир нечта йўл кўрсаткич китобчаларини олиб (уларнинг бари Клайд Айиқ қўлида қўлга тушган пайтда унинг жомадонидаги буюмлари ичидан чиққани тасдиқланган эди), Клайднинг қўлига берди. – Буларни бирма-бир кўздан кечиринг. Булар мен Айиқ қўлида сизнинг жомадонингиздан олган ҳу ўша китобчаларнинг ўзими?

– Ўша китобчаларга ўхшайди.

– «Ренфру» меҳмонхонаси дўконида топиб, мисс Олденга кўрсатиш учун юқорига, хонага олиб чиққан китобчаларингиз шумиди?

Мейсон йўл кўрсаткич китобчаларини роса эринмай сўраб-суриштираётганидан анча ваҳимага тушган Клайд, уларни қўлига олиб, орқа-ўнгини ағдариб кўрди. Аммо Ликург меҳмонхонасининг «Ликургдан салом – «Ликург» меҳмонхонаси. Нью-Йорк штати» деган қизил муҳри шу бетдаги бошқа қизил босма ҳарфли матндан деярли ажралмагани учун Клайд ҳатто ҳозир ҳам буни пайқамади. Китобчаларни қўлида айлантира-айлантира, кейин бу ерда ҳеч қандай ҳийла-найранг йўққа ўхшайди шекилли, деб ўйлаб:

– Ҳа, назаримда, бу ўша китобчаларга ўхшайди, – дея жавоб берди.

– Хўш, унда Ўтлоқзор кўлидаги меҳмонхона эълони ва ўша ердаги нархни шуларнинг қайси бирида кўрган эдингиз? – қувлик билан сўради Мейсон. – Мана бунисидами?

У Клайдга Ликург меҳмонасининг муҳри туширилган ўша китобчани яна қайта узатди-да, эълон босилган бир саҳифани кўрсатди, ўз вақтида Клайд бу эълонга Робертанинг диққатини жалб этган эди. Ўртада Ўн иккинчи, Ўтлоқзор, Катта мушгир ва бошқа кўллар билан Ҳинд тоғларининг харитаси берилган, энг тагида эса Ўтлоқзор кўли ва Қуролсоз бекатидан чиқиб, Катта мушгир кўли ва Учинчи миль Кўрфазининг паст қисмидан айланиб ўтиб, жанубга қараб кетадиган йўл яққол чизиб кўрсатилган эди.

Орадан шунча вақт ўтгач, яна шу харитага кўзи тушган Клайд бирдан, ҳойнаҳой Мейсон ўша йўлни яхши билиш-билмаслигимни аниқламоқчи чамамда, деб ўйлади-ю, бўшашиб, юраги дов бермайроқ жавоб қайтарди:

– Ҳа, эҳтимол. Худди ўшанга ўхшайди. Шу китоб ўша бўлса керак.

– Аниқроғини билмайсизми? – қовоғини уйиб, сўзида туриб олди Мейсон. – Сиз мана бу эълонни ўқиб кўриб, ўша китобчами ёки умасми, айтиб беролмайсизми?

– Ўшанга ўхшайди, – дея жавоб қайтарди Клайд иккиланиб, бир вақтлар ўзини Ўтлоқзор кўлини танлашга мажбур этган ўша эълонни кўздан кечириб чиққач. – Ўйлашимча, бу ўшанинг ўзи.

– Ўйлайсиз! Ўйлайсиз! Гап сал аниқроқ томонга юрса, дарров ҳушёр тортиб қоласиз. Майли, мана шу харитага тагин бир қараб олинг-да, нима кўраётганингизни менга айтиб беринг. Ўтлоқзор кўлидан жанубга томон кетган йўлни кўрмаяпсизми унда?

Клайд тезда жавоб бермади, қовоғини уйганча:

– Ҳа, – деди сал кўрслик қилиб: тинкасини қуритишга қатъян аҳд қилган, қабрга тикмоқчи бўлган бу одам уни шунчалик эзар ва азоблар эди.

Клайд харитани тимирскилаб, ўзига буюрганларига биноан уни кўздан кечириб чиқаётгандай кўринарди-ю, аммо у ҳў қачонлардир Роберта билан учрашиш учун Фондага жўнаб кетишидан сал олдин Ликургда кўрган нарсаларинигина кўра олди. Энди бўлса ўшани Клайднинг ўзига қарши ишлатишяпти.

– Илтимос, айтинг-чи, ўша йўл қандай ўтар экан? Қаердан бошланиб, қаёққа қараб кетар экан, марҳамат қилиб мистер суд маслаҳатчиларига айтиб беринг-чи?

Асабийлашган, даҳшатга тушган, жисмонан бутунлай ҳолдан тойган Клайд:

– Ўтлоқзор кўлидан Учинчи миль Кўрфазига қараб кетади, – деб жавоб берди.

– Қайси жойларнинг ёнидан ўтади, теварак-атрофида қандай ерлар бор?

– Қуролсоз бекатининг ёнидан ўтади, бошқа жой йўқ.

– Катта мушгир кўли-чи? Йўл унинг жанубий қисми яқинидан ўтмайдами, ахир?

– Ҳа, сэр, ўтади.

– Утикадан Ўтлоқзор кўлига борганингиздан олдин ҳам қачонлардир сиз бу харитани кўриб, уни ўрганган эдингизми? – безовталаниб шиддат билан суриштира бошлади Мейсон.

– Йўқ, сэр, ҳеч қачон.

– Ўша ёқда мана шу йўл борлигини ҳам билмас эдингизми?

– Эҳтимол, мен уни кўргандирман, – дея жавоб берди Клайд, – аммо кўрган тақдиримда ҳам унга аҳамият бермаганман.

– Ундай бўлса, албатта, сиз Утикадан жўнаб кетмагунингизча бу китобча билан бу йўлни мутлақо кўрмаган ва ўрганиб ҳам чиқмагансиз-да?

– Йўқ, сэр. Мен бу китобчани илгари сира кўрмаганман.

– Тушунарли. Сиз бунга бутунлай ишонасизми?

– Ҳа, сэр, бутунлай ишонаман.

– Ундай бўлса, ўзингиз чуқур ҳурмат қиладиган тантанали қасамингизни эслай туриб, менга ёки мистер суд маслаҳатчиларига агар қўлингиздан келса, тушунтириб беринг-чи, бу йўл кўрсаткич китобчасида «Ликургдан салом – «Ликург» меҳмонхонаси, Нью-Йорк штати» деган муҳр қаёқдан келиб қолди?

Мейсон китобчани беркитди-да, Клайдга орқа муқовасини кўрсатди, бошқа қизил ҳарфлар орасида хирагина босилган қизил муҳр ҳам турар эди. Клайд уни биринчи марта кўриб, донг қотганча унга тикилиб қолди. Файритабийй кўринган рангсиз юзи яна кулранг тусга кирди, нозик бармоқлари талваса билан юмилиб-очилар, қизариб шишиб кетган ҳорфин қовоқлари эса тўхтовсиз учиб турар эди, гўё у шу туришида, кўз ўнгимда пайдо бўлган бу лаънати яққол далил мабодо йўқолиб кетармикин-а, деб кутаётганга ўхшар эди.

– Билмайман, – деди у овози ичига тушиб, бир оз индамай қолгандан сўнг. – Балки у «Ренфру» меҳмонхонаси дўконига қандайдир бир йўл билан тушиб қолгандир.

– Э, шундайми? Агар мен икки гувоҳни олиб кирсам-да, улар қасам ичиб туриб, учинчи июлда, яъни сиз Ликургдан Фондага жўнашингиздан уч кун олдин «Ликург» меҳмонхонасига кирганингиз ва у ердан тўрт ёки бешта йўл кўрсаткич китобчасини олганингизни кўришганини айтиб беришса нима дейсиз? Ўшанда ҳам сиз, бу балки олтинчи

июлда «Ренфру» меҳмонхонаси дўконига қандайдир йўл билан тушиб қолгандир, деб такрорлайверасизми?

Мейсон индамай қолди ва атрофига ғолибона кўз югуртириб чиқди, гўё шу билан: «Хўш, қалай, бунга нима жавоб қиласан?» демоқчи бўлаётгандек эди. Изтиробдан карахт ҳолга келган, сиқилиб кетган Клайд асабини қўлга олиб, овозидан ҳам сездирмай:

– Ҳа, ҳарқалай, шундай. Мен уни Ликургдан олган эмасман, – деб жавоб қайтаргунча, орада анчагина ўзи билан ўзи курашди.

– Жуда яхши. Лекин ҳозирча буни мана бу жентельменларга берамиз, улар кўриб чиқишсин. – Кейин Мейсон китобчани суд маслаҳатчиларининг оқсоқолига узатди, у ҳам ўз навбатида ёнидаги қўшнисига узатди, шу йўсинда китобча бир маслаҳатчидан иккинчи маслаҳатчига ўта бошлади. Суд залида эса бу пайтда безовта шивир-шивир ва ғала-ғовур кўтарилди.

Суд маслаҳатчилари китобчани кўриб бўлишгач, янги-янги, тўхтовсиз ҳужумлар ҳамда фош этишларни кутган халойиқни ҳайратда қолдириб Мейсон:

– Мен сўзимни тугатдим, – деди.

Бирданига залда ўтирган кўпчилик бир-бирига: «Қўлга тушди-ку! Қўлга тушди-ку!» деб шивирлай бошлади. Судья Оберуолцер ўша заҳотиёқ вақт алламаҳал бўлиб қолгани ва шунингдек, олдинда ҳали ҳимоя томонидан қатор қўшимча гувоҳларни, қораловчи томондан ҳам бир неча гувоҳларни сўроқ қилиш зарурлигини ҳисобга олиб, суд ишини бугун яқунлаган маъқул, дея билдирди. Белнеп ҳам, Мейсон ҳам бунга хурсандлик билан рози бўлишди. Кейин Клайдни майдон орқали турмага, ўз камерасига олиб ўтиб кетмагунларича, одамларни

залдан чиқармай туришди. Сиссел ва Краутнинг қўриқлови остида у боя кирган эшигидан чиқди-да, ўша зинапоядан тушди, бундан анча кун олдин у шу зинапояни кўрганда кўнглида бир ғулу пайдо бўлган эди... Клайдни олиб кетишгандан сўнг Белнеп билан Жефсон бир-бирларига қарашди-ю, лекин идораларига кириб, эшикни маҳкам беркитиб олмагунларича бир оғиз ҳам гапиришмади.

– Иродаси етмади. Бундан тузукроқ ҳимоя системаси бўлиши мумкин эмас эди, бироқ журъати бўшроқ экан. Журъатли бўлиш эса унинг қўлидан келмайди, вассалом, – дея гап бошлади Белнеп.

Жефсон пальтоси ва шляпасини ҳам ечмай, ҳорғин бир қиёфада стулга чўкди.

– Йўқ, бу ерда, шубҳасиз, анча жиддий гап бор, – деди. – У чиндан ҳам қизни ўлдирган бўлиши керак. Аммо, менимча, биз энди аравасига тушдикми, ашуласини ҳам айтишимиз керак. Очигини тан олсам, хуллас, у ўзини мен кутганимдан ҳам зиёдроқ тута билди.

– Бўлганича бўлди, яқунловчи нутқимда жоним борича тиришаман, – деб фикр билдирди Белнеп. – Қўлимдан келадигани фақат шу.

Жефсон ҳам овозидан чарчаганини билдириб, жавоб қайтарди:

– Тўғри, Элвин, афсуски, энди бу асосан сизнинг гарданингизга тушади. Ҳозирча мен, яхшиси, турмага борай-да, бир оз унинг кўнглини кўтарай. Эртага сувга тушган мушукдай шумшайиб ўтирса, дуруст бўлмас. У хафалигини билдирмаслиги керак. Одамлар нима деб ўйлашларидан қатъи назар, у ўзини гуноҳкор сезмаётганини суд маслаҳатчилари бир кўриб қўйишсин.

У ўрнидан турди-да, этаги узун пальтосининг чўнтагига қўлларини суқди, қишнинг совуқ зулматини ёриб хомуш кўчалардан Клайднинг ҳузурига қараб кетди.

XXVI БОБ

Суд муҳокамасининг қолган қисми ўн бир гувоҳни: Мейсон томонидан тўрт кишини, ҳимоя томонидан эса етти кишини сўроқ қилиш билан ўтди. Охирги гувоҳларнинг бири Риобетдан келган доктор А. К. Суорд бўлиб, Робертанинг жасадини қайиқлар қароргоҳига олиб боришган кунни фавқуллода Катта мушгир кўлига унинг йўли тушиб қолган экан. У ўз гувоҳлигида, ўша пайтда жасадни қараб чиққани ва юзидаги моматалоқлар ўшандаги ҳолатига қараганда, худди Клайд ҳам бўйнига олган тасодифий зарбанинг изларига ўхшаб кўрингани, демак, мисс Олден, қораловчи томон суд маслаҳатчиларини ишонтираётганларидек, гарангсиз эмас, балки ақли ҳушини йўқотмаган ҳолда чўкиб кетганини сўзлаб берди. Бу фикрни эшитгач, Мейсон мистер докторнинг касби корига оид таржимаи ҳолини суриштириб кўрган эди, афсуски, анча-мунча номуносиб чиқиб қолди: Суорд доктор бор-йўғи Оклахомадаги иккинчи даражали тиббиёт мактабини тугатган экан ва ўшандан бери қаердадир чет бир жойда ишлар экан. Унинг кетидан гувоҳ Сэмюэл Ирсли чиқди, у Қуролсоз атрофидаги фермерлардан экан, у доимо Робертанинг жасадини Катта мушгир кўлидан бекатгача олиб келишган ўша йўлдан юрар экан. У Клайдга қўйилган айб хусусида лом-мим ҳам демади-ю, лекин қатъият билан: жасадни олиб ўтишган кунни эрталаб қарасам, йўл жудаям ёмон, ҳамма ёғи ўнқир-чўнқир бўлиб ётган экан, деб тасдиқлаб ўтди. Шундай қилиб, сўроқни олиб бораётган Белнеп, йўлнинг яроқсизлиги Роберта юзи ва бошидаги жароҳатларни қандайдир даражада ёмонлаштиргандир, деб таъкидлаб қўйиш имкониятига эга бўлди. Бироқ кейин роқ бу фикр-

ни Мейсон томонидан чиққан гувоҳ инкор этди, у ким эди денг, «Ака-ука Луцлар» фирмаси аравакашининг нақ ўзгинаси эди, у йўлнинг ҳеч бир ерида ўнқир-чўнқир ва паст-баланд жой кўрмагани хусусида қаттиқ туриб қасам ичди. Шундан кейин Лигет ва Унгэмлар, бизнинг билишимизча, Грифитслар фабрикасида ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда Клайд ҳар доим тиришқоқ, саранжом-сариншта ва чаққон бир йигит эди, деб гувоҳлик беришди. Улар, хизмат юзасидан олганда Клайдни нуқсонсиз, деб билишар экан. Сўнг-ра яна бир неча майда-чуйда гувоҳлар сўзлаб, бизнинг кузатувимиз бўйича Клайд ўзини жамоат ичида доимо жуда боодоб, эҳтиёткор ва вазмин тутар эди, деб айтишди. Улар Клайднинг бирор-бир бемаъни томонини сира билишмас экан. Бироқ, афсуски, қайта сўроқлов пайтида Мейсон тезда шуни аниқладики, улар Роберта Олден тўғрисида, унинг мусибати ёки ақалли бўлмаса у билан Клайднинг танишлиги тўғрисида ҳам ҳеч қачон эшитишмаган экан.

Ниҳоят, иккала томон жуда кўп хавфли ва мураккаб майда-чуйдаларни иложи борича қувватлаб, исботлаб ёки рад этганларидан сўнг, Белнепнинг Клайдни ҳимоя қилиб охирги сўзини айтадиган вақти ҳам келди. У бунинг учун бир кунини сарфлади: у сўнгги сўзини ўзининг кириш нутқи асосида, ниҳоятда синчковлик билан тузиб чиқди, унда у Клайднинг аввалига соддалик, журъатсизлик, деярли ақлсизлик қилгани оқибатида ҳар икковлари учун фожиали тугаган ўша танишувига оид барча далилларни яна қайта таъкидлаб ўтди. Клайднинг болалик ва ўсмирликдаги турли хил ноқулай шароитлар таъсирида ривожланиб борган ақлий ва маънавий кўрқоқлиги, дея такрорлади Белнеп, унинг, ҳатто тушига ҳам

кирмаган янги умидбахш имкониятлари билан қўшилиб, катта кучга айланган, «эҳтимол, ҳаддан ташқари тутуруқсиз, таъсирчан, ишбилмас, хаёл-параст мижозии»га ёмон таъсир этган нарса ҳам – мана шу бўлса керак. У мисс Олденга нисбатан, шубҳасиз, виждонсизлик қилган. Ҳа, виждонсизлик қилган. Лекин иккинчи томондан эса, аслини олиб қараганда у, ҳурматли суд маслаҳатчилари ва халойиққа қораловчи тавсифлаб кўрсатмоқчи бўлаётганидек, бағритош малъун ҳам эмас, бу уни ҳимоячи сўроқ қилган пайтда ўзи бўйнига олган эътирофларидан ҳам очиқ-ойдин билиниб турибди. Қанча-қанча эркаклар севги бобида бундан ҳам мудҳишроқ ишларни қилганлар, ундай ишлар она сути оғзидан кетиб улгурмаган норасида бу йигитчанинг ҳатто тушига ҳам кирмаган бўлиши мумкин, ваҳоланки, ўшаларни ҳам ҳамма вақт дорга ошишавермаган-ку. Бу бола ўзига қўйилаётган жиноятда айбдорми ёки йўқми, шу нарсани қонун нуқтаи назаридан ечаётганда, мистер суд маслаҳатчилари ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари керак: бахти қаро қизга, у қизнинг шу йигит билан ишқий муносабатлари туфайли кулфатларга дучор бўлганига олимистерларча ачиниш туйғуси мистер суд маслаҳатчиларини чалғитмасин тагин ва бу йигит айбномада кўрсатилган жиноятни чиндан ҳам қилган, деб ишониб, ўз қарорларида шундай деб юрмасинлар. Дарвоқе, севги масаласида айрим вақтларда бир-бирларига раҳмсиз бўлмаган эркак ёки аёл топилармикин ўзи?

Шундан кейин Белнеп узундан-узоқ, ипидан-игнасигача таҳлил этиш йўли билан Клайдга қарши фақат эгри далилларгина мавжудлиги, гумон қилишаётган жиноятни на бирон киши кўргани ва на эшитгани, ваҳоланки, Клайднинг ўзи қандай қилиб бунақанги ёмон аҳволга тушиб қолганини

бутунлай изчиллик билан тушунтириб берганини исботлашга уринди. Йўл кўрсаткич китобчалар воқеаси, шунингдек, Клайд Катта мушгирда қайиқнинг нархини сўрашни унутгани, аппарат оёқчаларини эҳтиёткорлик билан беркитгани ва ниҳоят, сувда Робертанинг шундоқ ёнгинасида туриб, унга кўмаклашишга бормагани – буларнинг барини Белнеп бир четга супуриб ташлади: унинг фикрича, булар ё ғирт тасодиф ёки парижонхотирликнинг оқибати эди. Нима учун Клайд Робертани қутқариб қолишга уринмаган? Чунки у довдираб, ўзини йўқотиб қўйган, қўрқиб кетган ва «ҳаётининг журъат талаб этиладиган бир дақиқасида қатъиятсизликка йўл қўйган, аммо бу жиноий бўлмаган қатъиятсизлик эди».

Белнепнинг ҳимоя нутқи анча-мунча чалкаш бўлса-да, аммо очигини айтганда жуда зўр, маълум даражада қимматли ва аҳамиятга молик бир чиқиш бўлди.

Сўнгра Клайднинг қабиҳ ва пихини ёрган қотиллигига бутун вужуди билан ишонган Мейсон, мана шу «росмана эркакнинг» чиндан ҳам «жиноятчи ва қотил»лигини исботловчи ғоят ишончли, қатъий ва асосли далиллардан суд маслаҳатчиларининг диққатини четга тортмоқчи бўлаётган ҳимоя томонининг «ёлғон яшиқ ва асоссиз фикрлари чигалини» ечишга бутун бир кунини сарфлади. Мейсон бир неча соат давомида турли гувоҳларнинг сўзларидаги фикрларни тагин бошқатдан териб чиқди. Яна бир неча соатини у Клайдни қоралаш, Роберта бошига тушган кулфат ва азобларни тагин бир бошдан гапириб беришга ҳам сарфладики, хуллас, суд маслаҳатчилари ва халойиқни яна қайтадан йиглатиб юборишига сал қолди. Белнеп ва Жефсоннинг ўртасида ўтирган Клайд эса, ғоят таъсирли қилиб, усталик билан гапириб берилган

бу сон-саноқсиз далиллардан кейин суд маслаҳатчилари ўлганда ҳам мени оқлашмайди, деб ўйлаб қўйди ичида.

Кейин Оберуолцер тепадаги ўз креслосидан туриб суд маслаҳатчиларига қарата маъруза айтди:

– Жентельменлар! Аслида ҳар қандай жиноий далил – айбни очиб беришга оидми ёки гувоҳларнинг сўзига оидми – маълум даражада эгри бўлади. Гувоҳларнинг сўзлари ҳам муайян шароит билан боғлиқ-ку, ахир.

«Мабодо ушбу ишнинг бирор-бир муҳим далиллари айбланувчининг гумон тутилаётган айбдорлигига зид келса ва унинг фойдасига хизмат қилса, жентельменлар, бу фактларни эътиборга олиш сизларнинг бурчингиздир.

«Шу нарса ёдда тутилсинки, жиноий далиллар фақат эгри бўлганлиги учунгина уларни шубҳа остига олиш ва рад этиш мумкин эмас. Қўпинча улар, тўғри далилларга қараганда ҳам асослироқ ва ҳам ишонарлироқ бўлиб чиқади».

«Бу ерда жиноят сабаблари ва уларнинг ушбу ишдаги аҳамияти тўғрисида жуда кўп гапирилди, лекин сизлар шуни эсда тутишларингиз лозимки, ўша сабабларни аниқлаш қоралов ҳукмини чиқаришда у қадар зарур ва муҳим нарса эмас. Бу сабаблар жиноят содир бўлганлигини аниқлашда ёрдамлашувчи шарт-шароит вазифасини ўташи мумкин, аммо бундай сабаблар бор бўлганлигини исботлашнинг умуман зарурлик жойи йўқ».

«Агар суд маслаҳатчилари, Роберта Олден қайиқ четидан беҳосдан, беихтиёр йиқилиб тушган ва айбланувчи уни қутқаришга уриниб ҳам кўрмаган ва бу ҳали айбланувчининг гуноҳқорлигини билдирмайди, деган хулосага келсалар, у ҳолда уни айбсиз деб эътироф этиш керак. Иккинчи томондан эса, агар суд маслаҳатчилари, муайян

шароитда айбланувчи Роберта Олденни бирор-бир нарсада уриб ёки бошқа иш қилиб, у ёки бу йўл билан мана шу машъум тасодифни қасддан келтириб чиқарган ёки шундай бўлишига мойиллик билдирган, деган хулосага келсалар, у ҳолда уни айбдор деб эътироф этиш керак».

«Мен, бир овоздан қарор чиқаринглар, деб талаб қилмайман, лекин ҳар бирингизга, агар у батафсил ўйлаб кўргач, адашган эканман, деган хулосага келса, у ҳолда ҳаддан ташқари ўжарлик ва тундлик қилмасликларингизни маслаҳат бераман».

Судья Оберуолцер баландликдаги ўз креслосидан туриб ана шундай тантанавор ва насиҳатомиз бир тарзда суд маслаҳатчиларига йўл-йўриқ берди.

У гапини тугатганда – бу пайтда соат беш эди – суд маслаҳатчилари ўринларидан туриб, мажлисга жўнашди. Ўша заҳотиёқ, аввалига суд залидан одамларни чиқаришди, сўнгра Клайдни яна турмага олиб кетишди, чунки шериф айбланувчига кимдир ҳужум қилиб қолишидан доим хавотирда эди. Худди йилдай туюлган беш соатлик фурсатни Клайд бетоқат бўлиб ўтказди: у гоҳ ўз камерасида тинимсиз юрар, гоҳ ўзини ўқиётгандай ёки дам олаётгандай қилиб кўрсатарди, Краут билан Сиссел эса Клайдга яқинроқ жойда туришга уриниб, оёқ учида келиб уни кузатишар, чунки хилма-хил мухбирлар бу ишларнинг бари Клайдга қандай таъсир этаётгани хусусида маълумот олиш учун уларга «чойчақа» бериб қўйишган эди.

Бу пайтда судья Оберуолцер, Мейсон, Белнеп ва Жефсонлар Брижбургдаги «Сентрал» меҳмонхонасининг турли бурчакларида ўз ёрдамчилари ва дўстлари билан биргаликда овқатланиб ўтиришар, ҳозирча суд маслаҳатчилари бир қарорда тўхташга ўзаро келишиб олаётган вақтларида улар ўз сабрсизликларини босиш учун вино сипқоришар-

ди; уларнинг ҳаммаси ҳам қандай ҳукм бўлишидан қатъи назар, унинг тезроқ чиқарилишини чин кўнгилдан хоҳлашар эди.

Бу орада ўн икки киши – фермерлар, клерклар, савдогарлар виждонлари пок бўлиши учун, Мейсон, Белнеп ва Жефсон айтган ҳар бир майда-чуйдани яна қайтадан эслаб, муҳокама қила бошладилар. Лекин ўн икки кишининг ичидан фақат бир киши – доричи Сэмюэл Апхемгина (у Мейсоннинг сиёсий рақиби ва бунинг устига Жефсон унда катта таассурот қолдирган эди) Белнеп билан Жефсоннинг ёнини олиб чиқди. Шунинг учун ҳам у, Мейсоннинг далиллари у қадар ишончли эмас, деган шамани айтиб ўтди, охири беш марта овозга қўйилганидан кейин ҳам яқдилликка эришилмагандан сўнг, қолганлар унга пўписа қилиб, агар ҳукми чиқаришни кечиктириб юборадиган бўлсак, сиз ҳаммамизнинг қаҳримиз ва таъналаримиздан асло қутулмайсиз, деб дўқ уришди.

– Эсингизда бўлсин, ҳақиқий башарангизни очиб ташлаймиз! Осонликча қутулолмайсиз. Сиз бу масалага қандай ёндошганингизни халойиқ беш қўлдай билиб олади!

Шундан кейин, Шимолий Мэнсфилдда тузуккина бир дори магазинига эга бўлган Апхем Мейсонга қарши эътирозини секингина чўнтагига яшириб, умумий фикрга қўшилиб қўя қолишни афзал кўрди.

Сўнгра мажлис ўтказиладиган хона билан суд зали ўртасидаги эшик тўрт марта гуп-гуп бўғиқ дукуллади. Суд маслаҳатчиларининг оқсоқоли, цемент ва оҳақ билан савдо қилувчи Фостер Ланд гурзидай муштини ишга солиб, эшикни дукуллаган эди. Тушлик таомдан кейин иссиқ, дим зални тўлдириб ўтирган юзлаб одамлар (дарвоқе, кўплари овқатга ҳам боришмади) жисмларини қамраб олган аллақандай лоқайдликни ҳайдашга тушдилар.

– Нима гап? Нима бўлибди? Суд маслаҳатчилари қуруқ чиқишмадими? Қандай ҳукмда тўхташибди?

Бутун халойиқ – эркаклару аёллар, болалар тўсиққа томон интилишарди. Остонада турган икки соқчи эшикнинг дукуллаганига:

– Сабр, сабр! Ҳозир суд келади! – дея жавоб қайтарди.

Бошқа соқчилар эса шерифни хабардор қилиш ва Клайдни судга олиб келиш учун майдон орқали шоша-пиша турмага қараб жўнашди, яна бошқалари бўлса, Оберуолцер ва тагин аллакимларни чақириш мақсадида «Сентрал» меҳмонхонасига кетишди. Клайд ўзининг ёлғизлигидан ва жон олгувчи мубҳамликдан эсанкираб, довдираб қолган, қўлидаги кишанлари билан Краутга боғланган эди. У, Слэк, Сиссел ва бошқаларнинг қўриқлови остида судга олиб келинди. Оберуолцер, Мейсон, Белнеп ва Жефсон ҳамда сон-саноксиз мухбирлар, рассомлар, суратчилар залга кириб, бир неча ҳафта давомида ўзлари ўтирган аввалги ўринларига бориб жойлашдилар. Клайднинг кўзлари пирпираб, қисилиб кета бошлади, у бу гал илгаригидек Белнеп билан Жефсоннинг ўртасида эмас, балки уларнинг орқасида: Краутга гўё михлангандай унинг ёнида ўтириши керак эди. Оберуолцер ва клерк ўз жойларини эгаллашлари биланоқ суд маслаҳатчилари хонасининг эшиги ланг очилди, кейин ўн икки киши тантанавор тарзда кириб келди, уларнинг турли-туман катта-кичик гавдалари қўполдан-қўпол, кўпчилиги кийилавериб эскириб кетган расмий костюмларда жуда ғалати кўринар эдилар. Ҳаммалари суд маслаҳатчилари курсисигача бориб ўтиришди, аммо клеркнинг саволини эшитиб, ўша заҳотиёқ яна ўринларидан туришди:

– Мистер суд маслаҳатчилари, қарорингиз тай-ёрми?

Суд маслаҳатчиларидан биронтаси ҳам Белнеп, Жефсон ва Клайд томонга кўз ташлашмади, бунинг машғум маъноси борлигини Белнеп дарров тушуниб етди.

– Барбод бўлибди, – дея шивирлади у Жефсонга. – Бизнинг фойдамизга эмас. Ҳаммаси равшан.

Шу пайт Ланд эълон қилди:

– Ҳа, биз қарор чиқардик. Айбланувчини биз қасддан ўйланган ният билан одам ўлдирганликда айбдор деб топдик.

Клайд бутунлай эсанкираган, аммо шунда ҳам ўзини қўлга олишга, қўринишидан хотиржам бўлишга уринар, бақрайган кўзларини рўпарасидаги суд маслаҳатчиларига ёки тўғрироғи, уларнинг бошлари узра шифтга қадаганча турар эди. Ахир, кеча кечқурунгина Жефсон унинг турмада обдан эзилиб ўтирганини кўриб, мабодо бу суднинг ҳукми салбий бўлган тақдирда ҳам бунинг аҳамияти йўқ, деб айтган эди. Чунки муҳокама бошдан-охир ноҳақ йўл билан олиб борилди. Унинг ҳар бир босқичи нотўғри тушунчалар ва адолатсизликларга тўлиб-тошиб ётибди. Ҳар қандай юқори идора ҳам Мейсоннинг судда сўқағонлик ва туҳмат қилганини, дўқ урганини нотўғри ва қонунга хилоф деб топади. Норозилик билдирилгач эса, сўзсиз, ишни янгитдан кўриб чиқишга оширилади (Жефсон норозиликни айни ким билдириши хусусида, ҳарқалай, гапни кавлаштириб ўтирмади).

Мана, энди Жефсоннинг ўша гапларини эслаб Клайд, бу ҳукм, ҳарқалай, ростдан ҳам у қадар аҳамиятга эга бўлмаса керак, деб қўйди ўзига ўзи. Чиндан ҳам унинг аҳамияти йўқ. Ёки... Қаранглар-а, мабодо ишни қайта кўриб чиқишнинг иложи топилмаса-чи, унда анави сўзларнинг маъ-

носи даҳшат-ку! Ўлим! Агар суд маслаҳатчиларининг қарори қатъий бўлсами, бу нақ ўлим деган сўз... қатъий қарор, эҳтимол ўшадир. Унда Клайд анави курсига ўтиришга мажбур, бу хаёлий шарпа аслида Клайдни анчадан бери, неча куну тунлар давомида қоралаб юрибди, аммо у ўша шарпани ҳайдашга эса ўзида ҳеч куч-қувват тополмаяпти. Ўша мудҳиш, жирканч курси яна ҳозир кўзига кўриниб кетди, бироқ бу гал аввалгига қараганда анча яқинроқ ва йирикроқ бўлиб кўринди: у шу ерда, Клайднинг рўпарасида, Клайд билан судья Оберуолцернинг қоқ ўртасида турибди... Клайд уни аниқ кўряпти: баҳайбат, зўр тутқичли, япа-лоқ бақувват суйанчиғи ҳам бор, ёнидан ва тепага қараб чарм боғичлари чиққан... Э, худо-е! Унга агар ҳеч ким ёрдам беролмай қолса-чи, унда нима бўлади! Эҳтимол, Грифитслар янги чиқимларга кўнишмас. Ё тавба! Ёки Белнеп билан Жефсон айтган анави иккинчи суд ҳам унинг норозилигини рад этса-чи. Унда суд маслаҳатчиларининг қарори узил-кесил кучга киради. Унда тамом! Тамом! Ё худо! Клайднинг тишлари ғижирлаб кетди, бироқ у бунга ўша заҳотиёқ сезди-ю, оғзини маҳкам юмиб олди. Худди шу дақиқада Белнеп ҳам ўрнидан туриб, қарорни суд маслаҳатчилари орасида алоҳида-алоҳида овозга қўйишни талаб қилди, Жефсон Клайдга юзланиб, шивирлади:

– Сиз ташвишланманг. Ҳукм қатъий эмас. Биз, шубҳасиз, ишнинг қайтадан кўрилишига эришсак керак.

Бу пайтда ҳар бир суд маслаҳатчиси навбат-ма-навбат ўзининг «Ҳа!» деган овозини айтаётган эди, шунинг учун Клайднинг қулоғи Жефсонда эмас, ўшаларда эди. Нима учун уларнинг бари «ҳа» деганда бунчалик бўрттириб айтишяпти-а? Наҳотки, уларнинг биронтаси Мейсоннинг нутқларига

қарама-қарши ўлароқ, Робертани Клайд бехосдан уриб юборган, деб ўйлашмаса-я? Наҳотки, уларнинг биттаси ҳам Клайд бошидан кечирган, Белнеп билан Жефсон таъкидлаган ҳў анави руҳий ўзгаришга ишонмаса-а? Клайд суд маслаҳатчиларига тикилиб қолган эди. Уларнинг ҳаммаси баланд бўйли ё кичкина, қорайиб кетган ёғоч ўйинчоқларга ўхшашар, қўллари билан юзлари эски фил суюгидай қоп-қора ёки сарғиш эди. Кейин у онасини эслаб кетди. Энди у ҳам ҳаммасидан хабардор бўлади, ахир ҳукми эшитиш умидида бу ерда озмунча мухбирлар, рассомлар, фотосуратчилар уймаланишиб юришибди-ми. Грифитслар – амакиси билан Гилберт нима деб ўйлашаркин энди? Сондра-чи? Сондра! Унинг ҳатто нафаси ҳам эшитилмаяпти. Ваҳоланки, Клайд судда ҳамма вақт, – буни Белнеп билан Жефсон ҳам қўллаб-қувватлаб туришди – Сондрага нисбатан ўзининг кучли, енгилмас эҳтироси, ҳа, фақат шу эҳтироси туфайлигина мана шунақанги ҳодисалар келиб чиққанини баралла айтаверган эди! Ундан эса бир оғиз сўз ҳам йўқ. Бундан бу ёғига ҳатто бир энлик хат кутиш ҳам амримаҳол энди, ваҳоланки, у Клайдга турмушга чиқишга ва бутун борлигини ҳады этишга ҳам тайёр эди!

Атрофдаги одамлар, гарчи уларда чуқур қониқиш ҳисси сезилиб турса-да, аммо хомушроқ кўринишарди ёки эҳтимол, айна шу қониқиш ҳиссининг ўзи ўзини хомушлантириб қўйган бўлиши ҳам мумкин. Шайтонвачча, ҳарқалай, қутулиб қололмади-ку! Руҳий бурилиш хусусидаги ёлғон-яшиқ уйдирмаси билан ақли расо ўн икки кишини, бутун округнинг вакилларини алдаб кетолмади-ку! Гапининг бемаънилигини қаранглар! Бу пайтда Жефсон ўз жойида қимир этмай олд томонга тикилиб ўтирар, Белнепнинг серғайрат юзида эса нафрат ва интиқом туйғулари акс этар, у

ҳамон янги-янги важ-баҳоналарни ўртага ташлар эди. Мейсон, Бэрлей, Ньюком ва Редмондлар ўзларининг ғоят мамнунликларини бир амаллаб, зўрма-зўраки филоф остида зўрга яшириб ўтиришар эди. Белнеп ҳукми эълон қилишни бир ҳафта кейинга, янаги жумагача кечиктириб туришни сўради – шунда у шахсан бемалол иштирок эта олар экан – бироқ судья Оберуолцер, бунинг учун менга жиддий асослар тақдим этилмаса, мен бунга рози бўлолмайман, деб жавоб қайтарди. Агар ҳимоячилар иташса, эртага уларнинг арзини эшитишга тайёрлигини айтди. Борди-ю, арзлари далилларга асосланган бўлса, унда ҳукми ўқишни кечиктириб туради, борди-ю, аксинча чиқса, унда ҳукм шу келаётган душанбада эълон қилинади.

Лекин Клайдни ҳозир бунақанги тортишувлар қизиқтирмас эди. У онасини, бу ишларга унинг нима дейиши ва қандай қарашини ўйлар эди. Клайд шу давр ичида унга ёзган узлуксиз хатларида доимо ўзининг гуноҳсизлигини таъкидлаган эди: мен ҳақимда газеталарда чиққан нарсаларга асло ишонманг, уларнинг бари чўпчак, деб ёзган эди. У, сўзсиз, оқланиши керак. У, гувоҳ сифатида ўзини ўзи ҳимоя қилиб чиқади. Хўш, энди-чи... энди-чи... Энди у онасини шундай қўмсаяптики, шундай қўмсаяптики... Ҳамма, каттадан-кичикнинг бари уни ёлғиз ташлаб кетди. Тумшайганча, даҳшат ичида фақат бир ўзи қолди. У онасига тезда хат ёзиши керак. Ёзиши керак. Ёзиши керак. Сўнгра у Жефсондан бир варақ қоғоз билан қалам олди-да: «Колорадо, Денвер, «Умид юлдузи» хонақоси, миссис Гриффистга. Азиз онажоним, мени маҳкум қилишди. Клайд», деб ёзди. Қоғозни Жефсонга узата туриб, шу телеграммани ҳозироқ жўнатишнинг иложи йўқмикин, деб сўради бегоҳат бўлиб, эзилган бир кайфиятда.

– Ҳозироқ, сўзсиз, жўнатамиз-да, оғайни, – дея жавоб берди Жефсон Клайднинг аянчли аҳволига ачиниб, сўнгра ҳу нарида турган дастёрни имлаб чақирди-да, унга қоғозчани ва телеграммани жўнатиш учун пул берди.

Кейин одамларни ташқарига чиқармай туриб, Клайдни суд залидан Краут ва Сиссел ҳамроҳлигида қачонлардир ўзи қочишни мўлжаллаган ён томондаги ўша таниш эшиқдан олиб чиқиб кетишди. Матбуот вакиллари, халойиқ, суд маслаҳатчилари ўз жойларидан қимирламаганларича, ҳаммалари Клайдга анграйиб қолишди, гўё улар шу пайтгача унга қараб тўймаганлару, у ҳукмни қандай қарши олганини аниқлаш учун албатта унинг юзига кўзларини лўқ қилиб тикилишлари зарурдек эди, Одамларнинг Клайдга ёмон кўз билан қарашини билган судья Оберуолцер, Слэкнинг илтимосига кўра, то Клайдни яна ўз камерасига қамаб қўйганларини келиб айтмагунларича, суд мажлисини ёпмай турди; фақат шундан кейингина суд залининг эшиклари очилди. Халойиқ ташқарига отилди-ю, аммо тарқалиб кетмай, Мейсоннинг чиқилишини кута бошлади, чунки бу ишга алоқадор бўлганларнинг ичида фақат шу Мейсонгина чинакам қаҳрамонлик кўрсатган эди: у Робертанинг қасосини олиб, бошлаб Клайднинг жазосини берди. Лекин аввалига Мейсон эмас, Белнеп билан Жефсон чиқиб келди, улар руҳий эзилган одамга сира ўхшамас эдилар, алақандай тунд ва дарғазаб кўринардилар, айниқса, Жефсон ўзини безбетларча гердайган бир қиёфада тутиб борар эди.

– Ҳарқалай, уни қутқариб қолиш қўлларингиздан келмади-ку! – деб қичқирди оломон ичидан кимдир. Жефсон елкасини қисиб:

– Ҳозирча қутқаролмадик, бироқ бу округдан ташқарида ҳам қонун бор, – дея жавоб қайтарди.

Шу пайт бирдан Мейсон кўринди; у қопга ўхшаш зилдай пальтосини елкасига ташлаб, кийила-вериб эскириб кетган юмшоқ шляпасини кўзигача бостириб олган эди; кетидан худди қирол мулозим-ларига ўхшаб Бэрлей, Хейт, Ньюком ва бошқалар эргашган. Мейсон ўзини кутиб турган халойиқ-нинг самимий илтифотини гўё бутунлай сезмагандай одим отиб келар эди. Ахир у ғолиб чиқди, округ судьялигига сайланди! Табрик хитобларини айтиб қичқираётган безовта оломон бир зумда уни тор ҳалқадек ўраб олди; яқинроқ турган одамлар унинг кўлини қисмоқчи ёки ўз миннатдорчилигини изҳор этиш маъносида унинг елкасига қоқиб-қоқиб қўймоқчи бўлар эдилар.

– Орвилга ура! Баракалла, судья! (Унинг бу янги мансаби ҳам тезда ўзига ярашиб кета қолди.) Орвил Мейсон, худо ҳақи, сиз бутун округнинг ҳур-матини қозондингиз! Ура! Қойил! Орвил Мейсонга уч карра ура!

Улар Мейсонни айблов ҳукмини ўткази олгани учун қутлашяпти. Мана шу сон-саноқсиз оломон ичида Клайдни бутунлай ва бошдан-охир гуноҳкор деб ҳисобламайдиган биронта ҳам одам йўқ. Роберта... унинг мактублари... Клайдни, сўзсиз, ўзим билан никоҳдан ўтишга мажбурлайман, деган унинг қатъий аҳди... ўзгалар билиб қолади, деб Клайднинг ўлгудек қўрққанлари... худди шулар уни, мана, шу кунга солиб ўтирибди. Уни қоралашди. Эҳтимол, у ўлиб ҳам кетар. Ўзи зориқиб кутган, етишишни орзу-ҳавас қилган бутун нарсаларини энди у йўқотди. Сондрани ҳам! Сондра! Ҳатто нафаси ҳам эшитилмаяпти унинг! Нафаси ҳам! Клайд, балки Краутми, Сисселми ёки яна бошқа биронтасими мени кузатиб турган бўлмасин тагин, деган хавотирда – ахир, энди улар Клайднинг ҳар бир ҳаракатини ҳам доврўф қи-

лишга тайёр туришибди – ҳамда ўз умидсизлиги ва азоб-уқубати чиндан ҳам оғирлигини сездириб қўймаслик учун қўлига қандайдир бир журнални олди-да, ўзини ўқиётганга солди... аммо у саҳифалар оша аллақандай олисларга тикилиб ўтирар, кўз ўнгида ҳарфлар эмас, онаси, укаси ва опа-сингиллари, ўзи билган Грифитсларнинг барчаси намоён бўлаётган эди... Охири, бу хаёлий шарпалар ҳам обдан жонига теккач, кийимини улоқтириб, темир каравотига бориб чўзилди.

«Маҳкум! Маҳкум!» Демак, у ўлиши керак! Ё худо! Яхшиямки, юзни беркитиб олишга ёстиқ бор, одамлар нима бўлаётганини очиқ-ойдин сезиб турсалар ҳам, ҳарқалай, кўз ёшингни ҳеч ким кўрмайди!

XXVII БОБ

Ашаддий кураш ва оғир мағлубиятларнинг оқибати кўнгилсиз бўлади: маҳаллий суд томонидан фожианинг бу қадар кескин талқин этилиши Клайд чиндан ҳам айбдор, ҳамма жойдаги газеталар таъкидлаганидек, у қилмишига яраша жазосини топди деган қатъий фикрни икки океан оралигида яшовчи бутун фуқарога тезда сингдириб юборди. Ёвуз қотилликнинг қурбони бўлган бечора қиз! Хатларининг нақадар ғамгинлиги-чи! Не-не азобларни бошидан кечирмабди-я! Ҳимоячиларнинг бетайинлигини қаранглар! Ҳатто денверлик Грифистлар ҳам иш кўрилаётган пайтда жиноий далилларнинг кўплигидан ёқаларини ушлаб, газеталарни бир-бирларига очиқчасига ўқиб беришга ҳам ботинолмай, кўпинча чет-четда, ўзларича кўз югуртириб, кейин қотилликка оид бу селнинг, бу эгри далиллар тошқинининг даҳшати тўғрисида ўзаро шивир-шивир гаплашишар эдилар. Аммо кейинчалик, Белнепнинг нутқи ва Клайднинг гу-

воҳ сифатидаги сўзини ўқиб кўришгандан сўнг, узоқ вақтлар давомида бир хил туйғу ва бир хил фикру хаёл билан яшаб келган бу кичик оиланинг руҳи енгил тортди ва бирмунча вақт газеталарда нима ёзишганидан қатъи назар, ўз ўғли ва акасига ишониб қарай бошлашди. Шунинг учун ҳам бутун суд муҳокамаси вақтида, муҳокаманинг то охиригача ҳам улар Клайдга яхши ният билан ёзилган умидбахш хатлар йўллаб туришди (бу хатлар кўпинча Клайднинг мактубларига асосланиб битиларди, чунки у ҳар гал ўзининг беғуноҳлигини қайта-қайта такрорлар эди). Лекин Клайд айбдор топилиши биланоқ азоб-уқубат гирдобига ботиб, онасига телеграмма юборганида – газеталар ҳам шу ҳукмни тасдиқлаб чиққанларидан сўнг – Грифитслар оиласини беқиёс бир даҳшат босди. Ахир, бу унинг гуноҳкорлигини билдирадиган далил-ку? Шундай эмасми, хўш? Афтидан, барча газеталарнинг фикри ҳам шу бўлса керак, миссис Грифитс ҳузурига мухбирлар ёпирилиб кела бошлашди; у эса ўзининг кичиккина тўдаси билан ваъзхонлик фаолияти вақтида алоқа қилиши лозим бўлган у дунёдан бутунлай алоқасини узиб, Денвернинг бир чеккасида мудҳиш номдорликдан яширинишга уринарди. Аммо юк ташув фирмасининг бир бебурд хизматчиси унинг янги манзилини ҳам одамларга айтиб қўйди.

Шундай қилиб, дунё ишларини тангри бошқариб туришига бутун вужуди билан ишонган мана шу америкалик аёл ҳатто кун ўтказишга ҳам қўр-қути йўқ ҳолича, ўзининг ғарибона, қашшоқ кулбасида ўтирибди; аммо борлиқнинг аёвсиз кучлари, тақдирнинг кескин ва шафқатсиз зарбалари бу аёлни имконидан қайтара олмади.

– Ҳозир мен фикрлай олмайман, – дерди у. – Мен бамисоли қотиб қолгандайман, ҳамма нарса кўзимга чалкаш кўриняпти. Болагинамни қотил-

ликда айблашибди! Аммо, мен – унинг онасиман, гуноҳқорлигига ўлсам ҳам ишонмайман! У, айбдор эмасман, деб ёзган, мен унга ишонаман. Бор ҳақиқатни менга ёрилиб айтмаса, бошқа кимга ҳам айтар эди? Гапига ишонадиган мендан ҳам тузукроқ бошқа кимни ҳам топар эди? Бироқ тепада парвардигор бор, у ҳаммасини кўриб турибди, ҳаммасидан воқиф.

Лекин бари бир сон-саноқсиз жиноий далилларнинг анчагинаси Клайднинг Канзас-Ситидаги анави биринчи бемаънигарчилиги билан қўшилиб, миссис Грифитсни эсанкирашга мажбур қилар, даҳшатга солар эди. Йўл кўрсаткич китобчалари билан боғлиқ гапларни нима учун у тузукроқ тунтириб беролмади-а? Модомики, у сузишни яхши билар экан, нима сабабдан у қизга кўмаклашмади? Анави номаълум мисс Х агар осмондан тушган ҳурилиқо бўлганда ҳам, мунчалар Клайд унга ошиқмаса? Йўқ, миссис Грифитсни ўз эътиқодига асло, асло тескари юритиша олмайди, унинг тўнғич ўғли, ҳамма болаларининг ичидаги энг беҳаловати, лекин айни пайтда энг иззатталаби ва энг умидлиси шунақанги жиноят қилибди, деган гапга сира ишонтиришолмайди! Йўқ! Бу масалада ҳатто унинг ҳозир ҳам кўнгли тўқ. Яратганнинг марҳамати кенг, она ўғлининг хатолари нақадар даҳшатли бўмасин, унинг ёмонлигига ишониб, ўзи ёмонликка йўл қўймасин тагин! Ҳангоматалаб ва хира кимсалар жонига тегиб хонақони ташлаб, уни кўчиб кетишга мажбур қилмасларидан олдин у неча бора қандайдир ғариб бир хонанинг ўртасида, супуриш-сидиришларини тўхтатар, кейин ёт кўзлардан ҳам ҳайиқмай, сукутга чўмар эди... У бошини орқага ташлаб, кўзларини юмиб қаққайганча туриб қолар, серғайрат буғдойранг юзидаги чизиклар хунук бўлиб кўринар,

лекин унда аччиқ ҳақиқат ва чинакам эътиқод барқ уриб турар эди – қиёфа дунёдаги олти минг йилга қариган, олис таврот даврларидан қолган бир нусха эди – у бутун фикру зикрини жон-жаҳди билан хаёлий бир тахтга қаратган, бу тахтда, унинг тасавурида, яратган парвардигорнинг улкандан-улкан жонли руҳи ва жисми ўтирарди. У чорак соатлаб, ярим соатлаб тиловат ўқир, худодан куч-қувват ва раҳм-шафқат тилар, ўғлининг гуноҳи борми ёки йўқлигидан дарак беришини илтижо қилар эди. Агар унинг гуноҳи бўлмаса, унда ўғли ва ўзи ҳам, икковлари учун азиз ҳисобланган бошқа ҳамма одамлар ҳам бу ўтли дўзах азобидан қутулиб чиқишлари муқаррардир; агар гуноҳкор бўлса, эй, яратган эгам, унда ўзинг шафқатингни аямай, бандам де, бу кулфатлардан қутулиш йўлини кўрсат, Клайднинг эса шу қилган ёвуз гуноҳи учун умрбод дилини пок айла, агар жоиз бўлса, эй, парвардигор, у гумроҳнинг гуноҳидан кеч.

– Куч-қудратда тенги йўқ, э худойим, ўзинг барҳақсан, марҳаматинг, ироданг мислсиз. Борки, тириклик сенинг мурувватингдандир. Шафқатингни аяма, парвардигор! Агар унинг гуноҳи чўғдай қизил бўлса, уни қордай оқ қил, қонга ўхшаса, уни сутга айлантир.

Аммо шу сифинаётган дақиқаларида ҳам, у Момо Ҳавонинг ўз қизларига муносабатидаги донолигини мужассамлаштириб турар эди. Гўё Клайд ўлдирган деб тўнкашаётган ўша қизнинг ўзи-чи? Ахир, у гуноҳ қилмаптими? Ахир у Клайддан каттароқ эмасмиди, хўш? Газеталарда шундай деб ёзишди-ку. Миссис Грифитс Робертанинг хатларини сатрма-сатр, диққат билан ўқиб чиққанида кўнгли вайрон бўлди, Олденларнинг бошига тушган бу мусибатдан юрак-бағри қонга тўлди. Лекин шунга қарамай, Момо Ҳавонинг

абадий доноликлари миясига чуқур сингиб кетган она ва аёл сифатида, у бу гуноҳли ишга тахминан Робертанинг ўзи ҳам розилик берганлигини, Робертанинг ўзи ҳам йўлдан озганлигини, бу нарса Клайднинг иродасизлик қилишига ва юз тубан кетишига олиб келганлигини тушунарди. Чидамли, саховатли қиз бундай ишга ҳеч қачон кўнмаган бўлар эди, мутлақо кўнмас эди ҳам. У хонақодаги ва кўчалардаги ваъзхонлик пайтларида шунақанги гуноҳга ботганларнинг тавба-тазарруларини неча-неча марталаб эшитган-ку, ахир! Наҳотки, олам яралаётган пайтлари боғда Одам Ато: «Хотиним мени йўлдан урди» деганидай, Клайдни ҳам ҳимоя қилиб бўлмаса?!

Чиндан ҳам шундай... демакки..?

«Чунки унинг марҳамати абадийдир», – дея ёд олди миссис Грифитс. Модомики, худонинг марҳамати чегарасиз экан, нима учун энди у, она бўла туриб, Клайдга бунчалик тошмеҳрлик қилиши керак?

«Агар зигирдек ишончингиз бўлган тақдирда ҳам», дея яна эслаб ўтди ичида у, кейин хонага бостириб кирган хира мухбирларга юзланди:

– Ўғлим ўша қизни ўлдиргани ростми? Ҳамма гап мана шунда. Яратганнинг олдида фақат шу нарсагина масалани ё у ёқлик, ё бу ёқлик қилади. – Сўнгра у худо бу бетаъсир, пихлари ёрилиб кетган тирранча газетачиларнинг ақлини равшан қилишига қатъий ишонган одам қиёфасида уларга қараб қўйди. Миссис Грифитснинг бу қадар самимияти ва эътиқоди ҳатто шу мухбирларни ҳам таъсирлантириб юборди. – Суд маслаҳатчилари уни айбдор деб топишадими-йўқми, бу юлдузларни қўлида кўтариб турган парвардигорнинг назарида югур-югурдан бошқа нарса эмас. Суд маслаҳатчилари ҳам худонинг бандалари, улар чиқарган ҳукм ҳам шу дунё каби, одамлар каби нуқсонлидир. Мен

ҳимоячининг нутқини ўқидим. Ўғлим менга ёзган хатларида, айбдор эмасман, деб ўз оғзи билан айтган. Мен ўғлимга ишонаман. Унинг бегуноҳлигига имоним комил.

Эйса бўлса, хонанинг ичкари бурчагига тиқилиб олганча, деярли шунча вақтдан бери миқ эмас эди. Унинг ҳаётий билими етарли эмас эди, у эҳтироснинг қудратли ва енгиб бўлмас кучини тушунмас, шу сабабли юз берган воқеанинг ҳатто ундан бирини ҳам илғаб олишга ва тушунишга ноқобил эди. У Клайдни, унинг кўнгли кемтиклигини, тасавури таъсирчанлигини тушунмаган, шунинг учун яхшиси, унинг қилмишларини муҳокама қилиб ўтирмаган ҳам маъқул, дер эди.

– Лекин мен Клайдни Роберта Олден олдидаги гуноҳи учун ҳеч қачон оқламайман, – деб давом этди миссис Грифитс. – У аҳмоқлик қилган, лекин айни пайтда Роберта ҳам аҳмоқона иш тутган, чунки у Клайдга қаршилиқ кўрсатмаган. Гуноҳкор ким бўлишидан қатъи назар, гуноҳни кечириб бўлмайди. Қиз шўрликнинг мусибатдан юрак-бағри қонга тўлган ота-онасига ачинаман албатта, уларга муҳаббатим чексиз. Аммо шунга қарамай, бу гуноҳда битта менинг ўғлим эмас, иккалови ҳам айбдорлигини унутмаслик зарур, одамлар шуни билиб, шунга яраша ҳукм чиқаришлари керак. Мен ўғлимни оқламоқчи эмасман, асло, – деб такрорлади у. – Ўғлим болаликдан қандай таълим олган бўлса, ўзини ўшандай тутиши лозим эди. – Шу ерда миссис Грифитснинг лаблари алам билан, таъна билан юмилди. – Бироқ мен Робертанинг хатларини ҳам ўқидим. Агар ўша хатлар бўлмаганда, прокурор ўғлимни айблай олмаслигини ҳам биламан. У суд маслаҳатчиларининг раҳмини келтириш учун ўша хатлардан фойдаланиб қолди. – Миссис Грифитс гўё мислсиз қийноқ ўтида қоврилгандай ўрнидан

турди ва алақандай бир сипо тўлганиш ила хитоб қилди: – Ҳарна бўлганда ҳам у менинг ўғлим! Ўзи ҳақидаги ҳукмини у ҳозиргина эшитди. Мен эсам унинг онасиман, у қилган гуноҳга қандай қарашимдан қатъи назар, унга ёрдам бериш йўлини ўйлашим керак. – У изтироб чекиб қўлларини сиқди, шунда ҳатто мухбирлар ҳам унинг азобидан таъсирландилар. – Мен унинг олдига боришим шарт! Нодон бўлмасам, аввалроқ бормайманми, мана энди кўзим очилиб ўтирибди...

У ўз қаршисида омманинг қулоғи-ю овози ҳисобланган одамлар, унинг сирли дил яралари, ситам ва хавотирларини мутлақо тушунмайдиган, уларга бутунлай бефарқ қарайдиган одамлар ўтирганини бирдан сезиб қолди-ю, тилини тишлади.

– Нима учун сиз суд муҳокамасида бўлмадингиз, – дея гаплашади ишбилармон мухбирлардан бири, у Клайдга тенгдош, кўринишидан қаҳри қаттиқ йигитча эди, – кўпчиликни ажаблантираётган нарса шу. Боришга пулингиз йўқмиди?

– Ҳа, пулим йўқ эди, – деб оддийгина жавоб бериб қўя қолди у. – Ҳарқалай, жуда кам эди. Бундан ташқари, келинг, деб маслаҳат ҳам солишмади, сизнинг бу ерда керагингиз йўқ, деб айтишди. Лекин энди... энди нима бўлса ҳам боришим, боришнинг иложини ўйлаб топишим керак. – У бесўнақай столча олдида тўхтади, аслида хонадаги бошқа жиҳозлар ҳам худди шунга ўхшаш гарибона, аянчли, нурсиз бир аҳволда эди. – Йигитлар, ҳозир сизлар шаҳарга тушасизлар-а, – деди у. – Бирортангиз, телеграмма жўнатсам, олиб кетолмайсизларми? Пулини ҳам бераман.

– Йе, бўлмасам-чи! – дея хитоб қилди, бояги ўтакетган ножўя саволни берган мухбир. – Телеграммангизни мен ола кетаман. Пулингиз керак эмас. Газета ҳисобидан жўнатаман уни.

У телеграммани кўчириб олиб, миссис Грифитс билан учрарашуви тўғрисидаги ўз ҳисоботига қўшиб юборишни мўлжаллаётган эди.

Миссис Грифитс усти кўчиб, тирналиб кетган сарғиш столга бориб ўтирди-да, қоғоз ва ручка топиб, қуйидагиларни ёзди: «Клайд! Нима умид қилсанг – худодан қил, унинг даргоҳи кенг. Дарров суд ҳукмига норозилик билдир. 50-сурани ўқи. Янги суд худо хоҳласа, сени оқлаб чиқади. Биз ҳадемай етиб борамиз. Отанг ва онанг».

Миссис Грифитс, телеграмма ҳақини газетага тўлаттириш хунук бўлмасин тагин, деб ўзига ўзи савол берганча:

– Ҳарқалай, яхшиси, мендан пул ола қолинг, – деди безов таланиб ва айни пайтда у, ишни қайта кўришга кетадиган чиқим-харажатларни Клайднинг амакиси ўз бўйнига олармикин-а, деб ўйлай бошлади. Бунинг учун, ҳойнаҳой, катта пул керакдир. – Телеграмма жуда узайиб кетди, – дея қўшиб қўйди у.

– Э, сиз ташвиш тортманг! – деди бояги мухбирнинг шериги (у телеграммани тезроқ ўқиб олиш илинжида турар эди). – Нимани хоҳласангиз ёзаверинг, жўнатиш – бизнинг ишимиз.

Биринчи мухбирнинг миссис Грифитсдан қоғозчани ола солиб, чўнтагига ураётганини кўрган яна бошқаси:

– Менга ҳам нусхаси керак, – деди такаббурлик билан гапни чўрт кесиб. – Бу хусусий телеграмма эмас. Мен ҳозироқ нусхасини ё сиздан, ё эгасидан олишим керак!

Бу гапни биринчи мухбир эшитгач, жанжал чиқиб кетишидан қўрқиб (ҳатто буни миссис Грифитс ҳам сизди), чўнтагидан қоғозчани олди-ю, бошқаларга ҳам узатди, улар шоша-пиша нусха кўчира бошладилар.

Худди шу вақтда ликурглик Грифитслардан янги суд муҳокамасини қўзғаш сизларнинг фик-

рингизча қандай бўларкин, унда чиқим-харажатларни ким кўтаради, деб сўрашганда, улар норозилик билдириш умуман мақсадга мувофиқ эмас (очиғини айтганда, бизнинг ҳисобимизга!) ва гапнинг пўскаллеси – бу масала бизни мутлақо қизиқтирмайди, деган жавобни беришди. Ахир бу ўлим-ку, бу нарса гарчи ишларимизга у қадар зарар етказмаганда ҳам, аммо эл-юрт орасидаги обрў-ҳурматимизни нақ пайҳон қилади-ку! Соат сайин Голгофа¹да тургандай ҳис қиласан ўзингни! Гилберт билан Сэмюэлнинг ўзи шунчалар шармандаси чиққанини ҳисобга олмаганда ҳам, Бэлланнинг келажаги-чи, у беҳудага хароб бўлди, қаноти синди. Шуларнинг бари ўз қондош-қариндошлари Клайднинг қасддан қилган жинояти очиб ташла ниши оқибатида юз берди-я! Сэмюэл Грифитс ва унинг хотини бу кутилмаган фалокатдан роса эзилиб кетишди, бу фалокат, гарчи ноқобил ва бемаъни бўлса ҳам, лекин ҳар ҳолда замирида энг яхши тилаклар ётган меҳрли бир ишнинг оқибати тарзида юз берди. Ахир, неча йиллардан бери бошдан кечираётган ҳаётий кураш тажрибалари Сэмюэлга, туйғуларни ишга аралаштириш – телбалик эканлигини ўргатган эди-ку! У Клайдни учратгунига қадар умрида бирон марта ҳам ҳис-туйғуга берилмаган эди. Ўшанда, отам укамга нисбатан адолатсизлик қилган, деб ўйлаганини қаранглар-а! Мана, оқибати нима бўлиб чиқди! Энди хотини билан қизи ўзларининг энг бахтиёр, энг осойишта умр ўтказган қадрдон маконларини ташлаб, худди қувғиндиларга ўхшаб, эҳтимол бутун умр, Бостон яқинидаги аллақайси бир жойдами ёки яна бошқа бирор-бир хилват ердами саргардон юришлари...

¹ Голгофа – арамей тилида «бош суяги» демакдир; Қуддус шаҳри яқинидаги кичик бир тоғнинг номи. Инжилдаги ривоятга кўра, шу ерда Исо ўлдирилган. Ҳозир бу ибора «азоб берувчи жой», «уқубат манбаи» маъносини билдиради. (*Мухаррир.*)

ёки одамларнинг ачинганнамо, шилқим қарашларига доимо чидаш беришлари керак! Сэмюэлнинг ўзи эса ўша бахтсизликдан кейин уззуккун Гилберт билан суҳбатлашиб, корхонани акциядорлик¹ асосида Ликургдаги ё бошқа бирон шаҳардаги қайсидир фирмага қўшиб юборсак ёки эҳтимол, ҳамма ишларни (аста-секин эмас, шошилиш равишда), масалан, Рочестергами ёки Буффалогоми, Бостон ёки Бруклингами ўтказиб, ўша ерда бош фабрикани қурсак бўлмасмикин, деб маслаҳат сўрар эди. Ахир, бу номусдан фақат Ликург ва у билан боғлиқ ҳамма нарсалардан воз кечиш орқалигина қутулиш мумкин, холос. Улар ҳаётларини янгидан бошлашлари, жуда бўлмаганда юрт ичидан бошқатдан мавқе орттириб боришлари керак. Ўзи ва хотини учун бунинг унчалик аҳамияти йўқ, ахир улар ошларини ошаб, ёшларини яшаб қўйганлар. Лекин Белла, Гилберт, Майралар-чи... уларнинг шанларини энди қаерда ва қандай қилиб илгаригидай тиклаш мумкин?

Хуллас, ҳали суд муҳокамаси тугамасиданоқ, Сэмюэл билан Гилберт ёқа ва қўйлак тикиш корхонасини Жанубий Бостонга кўчиришга қарор қилдилар, улар мана шу бахтсиз, шармандали воқеа ақалли бир оз эсдан чиқмагунча фақир киши панада бўлиб туришлари мумкин эди.

Шу боисдан ҳам, бундан буён Клайдга қўмаклашишдан бош тортилди. Шунда Белнеп билан Жефсон гарангсиниб ўйланиб қолишди. Шу пайтгача улар Брижбургда анча муваффақиятли ишлаб келаётганлари учун ҳар бир соат вақтлари бамисоли олтинга тенг бўлиб қолгани аниқ эди; Клайд ишининг фавқулодда зиқлиги натижасида бир

¹ Акциядорлик – буржуа мамлакатларида акция билан иш кўрувчи жамият аъзолари. Акция – қимматбаҳо қоғоз дегани бўлиб, ана шу қоғоз билан акциядор иш юзасидан тушган даромаднинг бир қисмини олиб туради. (*Муҳаррир.*)

чеккага ташлаб қўйилган кўпгина масалалар энди уларнинг диққатига мунтазир турар эди, фақат шу туфайли иккала юрист ҳам хизматчилик юзасидан ёки бировларга савоб иш қиламан деб, у бу мукофотдан умидвор бўлмай туриб ҳам, Клайдга бундан буён ёрдам беравериш лозимлигига умуман қатъий ишонмаётган эдилар. Аслида норозилик билдиришнинг ўзига озмунча сарф-харажат кетмаслигини улар яхши тушунар эдилар. Суд қарорларининг ҳажми жуда катта эди. Улардан узун-узун, қимматга тушиб кетадиган парчалар ва саҳифаларни кўчириб олишга тўғри келар эди, давлат томонидан ажратилган маблағлар эса бунга урвоқ ҳам бўлмас эди. Лекин, деди Жефсон, ғарбдаги Гриффитсларнинг қўлидан бир чақалик иш келмайди, деб ўйлаш бемаъналиқдир. Ахир, гапиришяпти-ку, улар узоқ йиллардан бери ваъзхонлик ҳамда хайр-худоий йиғиш билан шуғулланишар экан. Агар уларга Клайднинг аҳволи нақадар ёмонлиги айтилса, эҳтимол, турли хил хитобномалар воситаси билан фуқародан ёрдам сўраб, жуда бўлмаганда норозилик билдиришга кетадиган харажатларни қоплайдиган маблағни тўплашлари мумкинми? Тўғри, улар ҳозиргача Клайдга сира қўмаклашишмади, лекин ўша вақтда онаси, сизнинг келишингизга эҳтиёж йўқ, деб хабарланган эди-да, ахир. Энди – бошқа гап.

– Унга телеграмма юбориш керак, келсин, – дея таклиф киритди Жефсон ишбилармонлик билан. – Агар Оберуолцерга онаси келяпти, деб айтсак, ҳукми ўқиб эшиттиришни ўнинчигача кечиктириб туришимиз ҳам мумкин. Гап мана бундай, аввалига шунчаки келаверинг, деб таклиф этамиз, агар у боролмайман деса, унда пул масаласини ўйлаб кўрамиз. Ҳарқалай, ўлдим деганда йўлқира учун ва балки, норозилик билдириш учун ҳам бир оз пул топа олар.

Шундан сўнг миссис Грифитсга телеграмма ва хат жўнатилиб, гарчи бу тўғрида ҳозирча Клайдга офиз очилмаган бўлсада, аммо ликурглик қариндошлари бундан буёнига унга ёрдам беришдан бутунлай бош тортишди, деб хабар берилди. Бунинг устига, ҳукм ўнинчигача эълон қилинади, шу сабабдан Клайднинг кўнгли учун ўша пайтда яқин кишиларидан биронтаси, яхшиси онаси келиб тургани маъқул. Яна норозилик билдиришга кетадиган сарф-харажатларни қоплаш учун маблағ топиш ёки жуда бўлмаса бу хусусда қандайдир кафилик берилиши зарурлиги ҳам қистириб ўтилди.

Ана, миссис Грифитс тиз чўкиб, худодан мадад сўраяпти. Ишқилиб, энди у ўз қудрати, ўзининг абадий меҳр-шафқатидан дариф тутмасин. Миссис Грифитсга аллақайдандир ёруғлик, ёрдам келмаса, унда йўлкирага пулни у қаердан топади, норозилик билдиришга кетадиган маблағ тўғрисида-ю, гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

У тиззасида турганича худога сиғинаётган эди, тўсатдан миясига бир фикр келиб қолди. Газеталар унинг суҳбатини оламан, деб роса жонига ҳам тегиб кетишди. Мухбирлар-ку, ҳар қадамда уни пойлаб юришади. Нима учун у ўғлига мадад бермаяпти, унинг ҳузурига бормаяпти? Фалон нарса ҳақида у қандай фикрда, пистон нарса ҳақида-чи? Хўш, доим бўлмағур нарсаларни сўраб, уни тинчитмайдиган қайсидир бир катта газетанинг муҳарририга бориб, ўзининг нақадар офир аҳволга тушиб қолганини нима учун у айтолмас экан? Агар муҳаррир ҳукм ўқиладиган куни у ўғлининг ёнида бўлиши учун вақтида жўнаб кетишига ёрдамлашса, унда у, Клайднинг онаси, бор гапларнинг ҳаммасини газетага ўзи ёзиб беришга ваъда қиларди. Ахир, мухбирларни истаган ёққа, ҳатто судга ҳам жўнатишади-ку, бу ҳақда у газеталар-

дан ўқиган. Нима учун уни, Клайднинг онасини юбориш мумкин эмас? Ўша гапларни ҳикоя қилиш ва ёзиб жўнатиш наҳотки унинг қўлидан кел-маса? Ахир, у қанчадан-қанча дуою маърузаларни ёзиб ташлаган-ку?!

У ўрнидан турди, лекин дарров яна тиз чўкиб:

– Оҳ, нолишим сенга етди, парвардигор! – дея хитоб қилди.

Кейин яна ўрнидан туриб, ўзини диний ишларга бағишлаган кишиларнинг энгил-бош ҳақидаги аллақандай алоҳида тасаввурлари маҳсули бўлган кийимларини – жигар ранг пальтоси-ю ниҳоятда хунук, боғичли қўнғир шляпасини излаб топди-да, ўша заҳотиёқ энг йирик ва обрўли Денвер газетаси таҳририятига жўнади. Ўғлининг иши шу қадар ҳамма ёққа овоза бўлиб кетган эдики, уни дарров бош муҳаррир ҳузурига бошлаб киришди. Кутилмаган бу аёл муҳаррирни жуда қизиқтириб қўйди ва унинг гапларини ачиниб туриб, ҳурмат билан тинглади. Аянчли аҳволини дарров тушунди ва газета манфаати нуқтаи назаридан унинг таклифига кўниш тўғрисида ўйлай бошлади. У чиқиб кетиб, бир неча дақиқадан кейин қайтиб кирди. Шундай қилиб, миссис Грифитс уч ҳафтага мухбирликка қабул этилди, ундан кейинига эса, алоҳида хабар берадиган бўлишди. Боришига ҳам, келишига ҳам йўл харажатлари тўланади. Ҳозир миссис Грифитсни бир ёрдамчисига юборади, у мақолани қандай тайёрлаш ва қандай жўнатишни тушунтириб қўяди. У озгина нақд пул ҳам беради. Агар истаса, у бугун кечқуруноқ йўлга тушиши мумкин: қанча тезроқ жўнаб кетса, шунча яхши. Кетишдан олдин газета учун иккита расмини қолдирса, тузук бўлар эди. Бироқ муҳаррир унга шуларни тушунтираётди, мундай бир қараса, миссис Грифитс бошини орқага ташлаб олганча, кўзларини юмиб

турган экан. У шу туришида оҳ-ноласини дарров қабул этган худога шукур қилаётган эди.

XXVIII БОБ

Брижбург. 8 декабрь ярим кечада вокзал перронига почта поездидан ҳорғин ва паришон бир аёл тушиб келди. Ҳаво гоятда совуқ, юлдузлар чарақлар эди. Якка ўзи шўппайиб турган навбатчи унинг сўроғига жавобан Брижбургдаги «Сентрал» меҳмонхонасига борадиган йўлни кўрсатди: вокзалга туташган кўчадан тўппа-тўғри юриб, биринчи бурилишдаёқ чапга қараб кетилади, кейин яна икки квартал босиб ўтилади. Уйқу элитган тунги клерк ўша заҳотиёқ унга хона ажратиб берди, кимлигини билгандан кейин эса, шоша-пиша округ турмасига қандай боришни тушунтира кетди. Лекин миссис Грифитс сал ўйлаб кўриб, ҳозир вақти эмас деган қарорда тўхтади, эҳтимол ўғли ҳозир ухлаб ётгандир. Кейин ўзи ҳам ухлаб олади, тонг ёришар-ёришмас уйғонади. Ахир, у Клайдга қайта-қайта телеграмма юборган-ку. Унинг келишидан Клайднинг хабари бор-ку.

Миссис Грифитс эрталаб соат еттидаёқ ўрнидан турди, саккизда эса хатлари, телеграммалари, гувоҳномаларини қўлида ушлаганча округ турмасига кириб борди. Турма маъмурлари унинг ҳужжатларини текшириб кўришгач, онасининг келганлигидан хабардор қилиш учун Клайдга одам юборишди. Руҳи тушиб, маъюсланиб қолган Клайд онаси билан бўладиган учрашувни ўйлаб қувониб кетди, ваҳоланки, бунақанги учрашувни ўйласа илгари уни ваҳима босар эди. Чунки энди кўп нарсалар ўзгарди. Мудҳиш қиссани эса ҳамма эшитди. Жефсон томонидан ўзи учун

усталик билан ишлаб чиқилган анави уйдирмага суяниб туриб, энди Клайд, ҳойнаҳой, онасининг кўзига бемалол қараши, иккиланмасдан бу чин ҳақиқат эди, дея олиши мумкин: Клайдда Робертани ўлдириш нияти йўқ эди, уни қасддан чўктириб ҳам юбормаган. Ана, у қабулхонага томон шошилиб боряпти, Слэкнинг муруввати туфайли у ерда онаси билан ёлғиз кўришишга имкон берилган эди.

Миссис Грифитс ўғлига пешвоз чиқиб ўрнидан турди, Клайд ҳам эзилган кўнгли баттар бўшашиб онасига отилди, айна пайтда у суянчиғи, чинакам ҳамдарди ва эҳтимол, беминнат халоскори етиб келганидан кўнгли алланечук тўқ эди. Кейин худди томоғида нимадир тўхтаб қолгандай, овози зўр-базўр эшитилиб:

– Оҳ, ойижон! Келганингиздан шу қадар хурсандманки! – дея олди.

Лекин миссис Грифитснинг ҳаяжони шунчалик эдики, гапиришга ҳам мажоли йўқ эди, фақат ўғлини – қонун қоралаган мана шу болажонини бағрига босиб, бошини елкасига қўйганча, ўзи эса самога тикилиб турарди. Шуларнинг бари парвардигори оламнинг марҳамати. Балки, у яна бошқа мурувватларини ҳам ундан аямас. Зора ўғли озод этилса эди ёки ақалли уни оқловчи ҳамма далилларни адолатли кўриб чиқадиған янги суд муҳокамаси белгиланса эди, аввалги судда бундай бўлмади-ку, ахир. Хуллас, у бир неча дақиқа қимир этмай қотиб турди.

Кейин уй ҳақида, қай йўл билан бу ерга келгани, зиммасидаги муҳбирлик вазифаси ҳақида сўйлай кетди: у Клайд билан суҳбатлашиб мақола ёзиши, ҳукм чиқарилаётган пайтда эса унинг ёнида туриши керак экан... (Бу гапларни эшитганда Клайд сесканиб тушди.) Сўнгра унинг эндиғи тақдири

бошдан-охир онасининг югуриб-елишига боғлиқ бўлиб қолганини ҳам у ҳозир билди. Ликурглик Грифитслар ўз манфаатларини ўйлаб, унга бошқа ёрдам бермайдиган бўлишибди. Лекин онаси – ишқилиб, у халойиқ олдида ўзининг ҳақ талабларини айтиб чиқақолса бас – ўғлига беамалол ёрдам бериши мумкин. Худого шукурки, мана шу пайтгача у худонинг ҳимматидан ҳали четда қолганича йўқ. Бироқ у, яратган парвардигор ва одамларга қўрқмай илтижо қилиши учун Клайд ҳозирроқ, шу ернинг ўзидаёқ унга бор ҳақиқатни – у Робертани бехосдан уриб юборганми ёки қасдданми, у тўсатдан чўкиб кетдими ёки атайлаб чўктирдими, шуларни аниқ айтиб бериши керак. У ўғлининг гувоҳлигини ва хатларини ҳам ўқиб кўрди, юз берган воқеани ҳикоя қилган пайтида гапларидаги чалкаш жойларни ҳам белгилаб чиқди. Хўш, Мейсон айтган ўша фикрлар чиндан ҳам тўғрими ёки ёлғонми?

Клайд шу пайтгача ўзи сира тушунолмаган бу қадар мустаҳкам ва бенуқсон имон қаршисида худди илгаригидек яна даҳшатга тушди, бош кўтаролмай қолди, лекин шунда ҳам, аслида дили музлаб бораётган бўлса ҳам, қасам ичиб айтган ҳамма сўзларим – бошдан-охир ҳақиқат, деб иложи борича дадилроқ гапиришга уриниб кўрди. Унга тўнкашаётган айб мутлақо туҳмат. Туҳмат! Лекин миссис Грифитс ўғлини кузатар экан, кўзларида нимадир йилтираб кетганини уларда қандайдир сирли бир соя борлигини ўзича алам билан қайд қилиб қўйди.

У кўзларда миссис Грифитс кутган, учратарман деб умид қилган чинакам дадиллик, ўзининг ҳақлигига очиқ-ойдин ва сўзсиз ишониш туйғуси сезилмас эди. Йўқ, йўқ, унинг ҳамма хатти-ҳаракатида, гапирган гапларида қандайдир

билинар-билинемас носамимийлик, аллақандай хавотирми ёки иккиланиш белгисими, ишқилиб, бир нарса бор эдики, шуларни ўйлаганда миссис Грифитснинг бутун аъзойи бадани музлаб бораётганга ўхшар эди.

Клайдга қатъият етишмас эди. Эҳтимол, миссис Грифитснинг дастлабки хавотирлари бежиз бўлмагандир, эҳтимол, у мана шу ёвуз ишни кўнглига туккан бўлса туккандир, эҳтимол ўша хилват, кимсасиз кўлда у қизни чиндан ҳам урган бўлса ургандир? Ким билади? Дилдаги шу гумоннинг жон зирқиратувчи, аламли қийноғига чидаш осонми, ахир! Ваҳоланки, у ўз гувоҳлигида мутлақо бошқа гапларни гапирган-ку, ахир.

«Бироқ, ўғлим ва ўзим мана шундай мудҳиш аҳволга тушиб қолган бир пайтимизда, болагинамнинг ҳақлигидан гумон қилиб ўтиришим ва шу гумоним билан унга тўнкалаётган ўлим ҳукмини тасдиқлаб қўйишимдан ўзинг асрагин, худойим! О, йўқ мени бундай кўйга солма. Йўқ, йўқ, раҳм қил, илоҳим!» У юзини тескари бурди; шубҳа илонининг йилтироқ бошини товони билан эзиб ташлагандай бўлди; миссис Грифитс учун бу нарса Клайд ўз айбини эслашидан ҳам баттарроқ қўрқинчли эди. «О, яратган эгам, о, олампаноҳим! Бас, бас, биз бундай халёлга йўл бермаймиз. Буюк танграмнинг ўзи она қалбига жазо бермағусидир». Ахир, ана у – ўғли шу ерда, қаршисида туриб, бу ёвузликни қилмаганман, деб айтяпти. У ўғлига ишониши керак – у сўзсиз, инонади ҳам. Нотавон кўнглининг бир бурчагига шубҳа яшириниб олган бўлса-да, бари бир у инониши керак. Бас, бас, шу ҳамма машмашалар тўғрисида у, яъни Клайднинг онаси нима деб ўйлаётганини халойиқ бир эшитиб қўйсин. Улар ўғли билан икковлашиб бирор йўли-

ни топишади. Ўгли тоат-ибодат қилиши, худога сиғиниши лозим. Унда таврот бормикин? Ўқиётганмикин уни? Клайд турма назоратчиларидан бири аллақачаноқ таврот топиб берганини эслаб: ҳа, бор, уни ўқияпман, деб онасининг кўнглини тинчитишга шошилди.

Энди эса, миссис Грифитс йўлга тушиши, адвокатларга учрашиши, кейин биринчи мақола-сини жўнатиши керак, сўнгра у яна қайтиб келади. Лекин у кўчага чиқиб улгурмасидан мухбирлар қуршовида қолди, улар миссис Грифитснинг нима мақсадда ва қандай ният билан келганини сўраб-суриштириб, уни саволга кўмиб ташлашди. У ўғлининг бегуноҳлигига ишонадими? Унинг фикрича, суд муҳокамаси адолатли ва холисона ўтдими? Нима учун у шу пайтгача келмаган эди? Миссис Грифитс бўлса, ўзининг одатдаги тўғри сўзлиги, сиполиги ва оналик меҳри ила барча саволларга эринмай жавоб қайтарар, нима учун ҳозир келгани-ю, аввал нима учун келмаганигача тушунтириб берар эди.

Модомики, у келган экан, энди ҳали-вери кетмайди. Ўғлини қандай қутқариб қолиш йўлини яратганнинг ўзи кўрсатади, унинг гуноҳсизлигига эса у бир дақиқа ҳам иккиланмаган. Эҳтимол, кейин улар ҳам худодан ёрдам сўрашар? Миссис Грифитснинг иши ривож топишини тилаб ибодат қилишар? Бундан таъсирланган ва ҳаяжонга тушган мухбирлар бир-бирларига гал бермай, унинг учун тоат-ибодат қилишга онт ичишар, кейин эса миллионлаб газетхонларга ўша пайтда у қандай бўлса, айна ўшандайлигича – ўрта ёш, хунук, қатъият ва диний имони мустаҳкам, самимий, ўзи жиддий ва ўғлининг бегуноҳлигига бошдан-охир, бутунлай ишонган бир аёл сифатида тасвирлаб кўрсатар эдилар.

Бироқ бу гапларни ликурглик Грифитслар эшитганлари сари таъблари тирриқ бўлар эди: чунки миссис Грифитс келганлиги уларни баттар ноқулай аҳволга солаётган эди! Клайд ҳам ўз камера-сида бир оз кечикиб бўлса ҳам газеталарни ўқиб чиқар, ишқилиб ўзи билан боғлиқ нарсаларнинг ҳаммаси ҳозир ғалати бир тарзда сийқалаштириб берилаётганига жаҳли чиқса ҳам, аммо онасининг шу ердалиги, ёнидалиги, унга далда бўлиб турганини ўйлашнинг ўзи ҳатто кўнглига хуш ёқиб, унга таскин берар эди. Ахир, унинг ожизликлари ва қўлдан бой берган имконлари қанча кўп бўлган тақдирда ҳам ҳар ҳолда Клайднинг онаси-ку! Келишидан мақсади ҳам, аслида Клайдга мадад бериш. Майли, одамлар нима деб ўйлашса ўйлай-веришсин. Ҳарқалай, унга ўлим шарпаси ҳамла қилиб келганда, фақат шу онасигина уни унутмади, ундан воз кечмади. Кейин Денвер газетасига кириб, бунақанги фавқулодда топқирлик қилгани мақтовга лойиқ эмасми, ахир?

Илгари у бу қадар эпчил аёлга ўхшаб кўринмасди. Ким билади, балки у ўзининг бу даражада ўта қашшоқлигига ҳам қарамай, ишнинг иккинчи марта суд муҳокамасига қўйилиши масаласини ҳал этиб, унинг ҳаётини сақлаб қола олар?! Ким билади?! Ваҳоланки, Клайд айни замонда онасига нисбатан тошмеҳрларча шу қадар бе-парво муносабатда бўлмадими, унинг олдида шу қадар кўп, шу қадар чуқур гуноҳларга ботмадими?! Онаизорни қарангки, шунда ҳам мана энди югуриб келиб, унинг азоби-ю қийноғига чидаб, уни жонидан азиз кўриб, фақат Клайди туфайлигина қандайдир бир маҳаллий газетага ёлла-ниб, унга берилаётган жазо тафсилотини ёзиб юбориш гамида юрибди. Онасининг эскирган пальтоси ва эскича шляпаси, беўхшов жиддий

юзи, қовушмаган, бесўнақай ҳаракатлари энди Клайднинг яқингинадаги каби жаҳлини чиқармас, булардан у ор ҳам қилмас эди. Чунки у Клайднинг онаизори эди, у ўғлини жонидан ҳам афзал кўриб, унга ишониб, уни қутқариб қолиш умидида курашиб юрган пайти эди.

Бироқ Белнеп ва Жефсон у билан биринчи бор учрашганларида хийла довдираб қолишди. Гарчи бу аёл ўзининг ҳақлигига астойдил ишонса ҳам, аммо Белнеп билан Жефсон бари бир бунчалар қишлоқи ва бунчалар маданиятсиз одамга дуч келамиз, деб ўйлашмаган эди. Анави пошнасиз тўмтоқ бошмоғини қаранглар. Анави шалвираган шляпаси-чи. Тўкилиб тушай деяётган жигар ранг пальтосини қаранглар. Бироқ орадан бир неча дақиқа ўтмай, миссис Грифитс сўзларидаги оддийлик ва сиполик, ундаги имон ва она меҳрининг кучи, тип-тиниқ мовий кўзларининг тўппа-тўғри ва илтижоли боқиши иккала адвокатни ҳам сеҳрлаб қўйди, бу кўзларда миссис Грифитснинг мустаҳкам эътиқоди ва лозим бўлса, ширин жонини ҳам аямай тикиб юборишга шайлиги акс этиб турар эди.

Ўғлининг бегуноҳлигига, хўш, адвокатларнинг ўзлари ишонадиларми? Миссис Грифитс энг аввало, мана шуни билиб олишни истайди. Кўнгилларининг бир четида уни айбдор деб ўйлашдимми? Бир-бирига зид гувоҳлардан оналик қалби адо бўлди ўзи. Парвардигори олам унинг ва яқин кишиларининг гарданига жудаям оғир синов хочини қўйди. Аммо тангрининг номи муқаддас бўлиб қолғусидир! Миссис Грифитснинг бу буюк хавотирини иккала адвокат ҳам кўриб ва сезиб, Клайднинг бегуноҳлигига сира шубҳамиз йўқ, деб шоша-пиша уни ишонтиришга тутинишди. Мабодо, уни айбсиз айбдор қилиб қатл этишса, бу одил судлов ишини фирт масхаралаш бўлур эди.

Бироқ шунга қарамай, ушбу суҳбат пайтида иккала ҳимоячини ҳам масаланинг моддий томони кўпроқ ташвишга солди, чунки миссис Грифитс Брижбургга қандай келганини ҳикоя қилиб бергач, унинг ҳамени қуп-қуруқлиги аён бўлди-қўйди. Норозилик билдириш учун эса, кам деганда икки мингга яқин пул керак. Кўчирма ва нусхалар олиш, мажбурий хизмат сафарларига бориб келиш учун кетадиган турли чиқим-харажатларнинг барини улар миссис Грифитс билан биргаликда бир соат давомида чамалаб чиқишди, у бўлса нуқул нима қилишга ҳайронман, деб такрорлар эди. Кейин у ҳам суҳбатдошларини бир оз ҳайрон қолдириб, аммо самимий ва ҳаяжонли бир ҳарорат билан хитоб қилди:

– Тангрим мени ёлғиз қолдирмайди. Мен билман. У менга ўз иродасини аён этган. Мени Денвер газетасига мурожаат қилишга унинг нафаси ундади. Бу ерда ҳам умидим парвардигордан, унинг йўл-йўриқ кўрсатишига имоним комил.

Аммо Белнеп ва Жефсон худосизларга хос ихлоссизлик ҳамда ажабланиш билан бир-бирларига қараб олишди, холос. Имон ҳам шу қадар мустаҳкам бўладими-а! У ғирт савдойи шекилли! Ёки шунчаки диний мутаассибмикин? Лекин Жефсоннинг миясига тўсатдан лоп этиб бир фикр келиб қолди. Одамларнинг диний туйғуси шундай бир омилки, у билан ҳисоблашмай ҳеч кимнинг иложи йўқ, шунинг учун динга бу қадар ихломандлик ҳамма вақт халойиқнинг хайрихоҳлигига сазовор бўлиши аниқ. Фараз қилайликки, ликурглик Грифитслар ўз айтганларида қатъий туриб олишди деб – хўш, нима бўпти, модомики миссис Грифитс шу ерда экан, черковлар ва қанчадан-қанча художўйлар бор-ку, ахир. Шу кунга-ча, айниқса, Клайдни қаттиқ қоралаб келаётган

ва мудҳиш ҳукм чиқарилишига сабабчи бўлган кимсаларнинг кўнглини юмшатишда айна шу аёлнинг жўшқинлиги-ю, беқиёс ихлосидан фойдаланиб, одамларнинг раҳмини келтириб, улардан хайру эҳсон йиғиб қолишнинг иложи йўқмикин?

Ғам-ғуссага ботган она! У ўғлига жон-дилидан инонади!

Вақтни бой бермай, ҳаракат қилиш керак!

Оммавий лекция, унга кириш фалон пул, кейин онаизор эстрада минбарига чиқиб, ўзининг ҳаммага маълум ғам-қулфатидан ўзи ларзага тушганча, душманлик кайфиятида ўтирган халойиқни ўғлининг иши – ҳақ иш эканлигига ишонтиришга уринади, сўнг уларни фақат хайрихоҳ этибгина қолмай, балки анави икки минг долларни ундириб олишга ҳам тиришади, чунки ўша пулсиз норозилик билдириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Шу боисдан Жефсон унга ўз режасини айтиб, ҳимоя ҳужжатларидан – Клайд ишини чинакамига тўғри ёритиб берган ўша барча далиллардан – фойдаланган ҳолда маъруза текстини тузиб чиқишни маслаҳат қилди, миссис Грифитс эса бу далилларни бемалол ишлатиб, халойиққа ўзи хоҳлаганича тушунтириб бериши ҳам мумкин. Бирдан миссис Грифитснинг кўзлари ёниб, бугдой ранг юзларига қизиллик югурди: у рози. У ҳаракат қилиб кўради. У шундай қилишга мажбур. Чунки бу – худонинг унга қараб узатилган марҳаматли қўли эмасми ахир, зулмат азобида гангиб юрган пайтида қаёқдандир келган унинг овози эмасми, ахир?

Эртаси куни эрталаб ҳукмни ўқиб эшиттириш учун Клайдни судга олиб келишди, миссис Грифитс эса қўлида қалам ва блокноти билан ўғли-

нинг ёнида турарди, чунки у ўзи учун ниҳоят даражада оғир бўлган шу манзарани тасвирлаб, мухбирлик қилиши керак эди, атрофида эса одамлар, ҳаммалари кўзларини лўқ қилиб унга тикилиб олишган. Мана шу аёл Клайднинг туққан онаси экан! Мухбир бўлиб келибди-я! Она-боланинг шу тақдид ёнма-ён бирга ўтиришида, умуман, бошдан-охир шу манзаранинг ўзида аллақандай ўта бемаънилик, тошбағирлик, ҳатто ғайритабиийлик сезилиб турар эди. Буни қаранглар-а, ликурглик Грифитслар ҳам келиб-келиб шу кишилар билан қариндош-уруғ эканлар-да, а?!

Лекин онасининг шу ердалиги Клайдга далда бериб, кўнглини кўтариб турар эди. Ахир, куни кечагина у яна турмада бўлиб, ўз режаси тўғрисида сўзлаб берди. Мана ҳозироқ – ҳукм эълон қилиниши биланоқ – ҳукм қандай бўлишидан қатъи назар, онаси яна ҳаракатини бошлаб юборади.

Ниҳоят, Клайднинг ҳаётидаги энг даҳшатли дақиқа ҳам етиб келди, у беихтиёр ўрнидан туриб, судья Оберуолцернинг бир маромдаги маърузасини тинглай бошлади, Оберуолцер айбно-манинг мазмуни ва унингча, мутлақо одил ва холисона ўтказилган суд муҳокамасининг асосий жиҳатларини қисқагина гапириб берди. Шундан кейин у одатдаги саволини ташлади:

– Ҳозир сизга нисбатан эълон қилинаётган ўлим ҳукмининг қонунсизлигини кўрсатувчи бирор-бир асосингиз борми?

Бунга жавобан Клайд қатъий ва кескин овоз билан онаси ҳамда йиғилганларни ҳайратда қолдириб:

– Айбномада тилга олинган жиноятни қилишда мен айбдор эмасман, – деди. – Роберта Олденни ўлдирмаганман ва ўзимни бундай жазога лойиқ деб ҳисобламайман. – Унинг бу сўзидан фақат

Жефсонгина пинагини бузмади, чунки Клайд аслида шу Жефсоннинг маслаҳати ва йўл-йўригига биноан шундай деган эди.

Сўнгра у бўшлиққа бепарво тикилганча, фақат ўзидан кўз узмаётган онасининг нигоҳидаги ҳайрат ва меҳр туйғусинигина сезиб турар эди, холос. Ана, ўғли ўзи учун машъум ҳисобланган шу дақиқада ҳам бутун одамлар олдида аниқ фикрини айтиб ўтди. Миссис Грифитс турмада ҳарна халёлга борган бўлса бораверсину, аммо ҳозир айтилган сўзлар чин ҳақиқат бўлмай иложи йўқ. Демак – у айбдор эмас. Айбдор эмас. Энди илоҳим ўзи раҳм этсин! Миссис Грифитс худди шу нарсани ўз мақоласида (майли, ҳамма газеталар шундай деб ёзсин) ва маърузасида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи бўлди.

Бу орада Оберуолцер на ажабланмай ёки на шонилмай, ўз сўзини давом эттирди:

– Бошқа яна бирор-бир гапингиз борми?

– Йўқ, – деб жавоб берди Клайд хиёл иккиланиб тургандан сўнг. Шунда Оберуолцер:

– Клайд Грифитс! – дея хулосасини чиқарди тантанавор бир тарзда. – Суд, сиз, яъни Клайд Грифитсни Роберта Олден исмли ожизани қасддан ўлдирганликда айбдор деб топади ва шу қарори билан сизни ўлим жазосига ҳукм қилади; суд яна шуни белгилайдики, ушбу суд мажлисидан кейин орадан ўн кун ўтгач, Катараки округининг шерифи сизни тегишли қоида асосида тасдиқланган суд қарори нусхаси билан биргаликда Нью-Йорк штатининг Оберн турмаси нозирини ва махсус вакилига топширади, ўша турмада сиз 19... йилнинг 28 январини, ҳафтанинг душанба кунигача якка қамоқда сақланасиз, шундан сўнг шу ҳафта ичидаги кунларнинг бирида Нью-Йорк штатининг Оберн турмаси нозирини ва махсус вакили сиз, Клайд Грифитсни Нью-Йорк

штатида амалда қўлланувчи қонун ва амри фармон-ларга асосланган ҳолда қатл этади.

Ҳукм ўқиб эшиттирилиши билан миссис Грифитс Клайдга қараб жилмайди, Клайд ҳам унга жавобан кулимсираб қўйди. Чунки Клайд шу ерда – ҳаммага эшиттириб туриб, мен айбдор эмасман, деганида миссис Грифитс ҳукмни ҳам писанд қилмай, руҳи кўтарилиб кетди. У чиндан ҳам айбдор эмас – модомики, у ҳозир шундай дедими, демак, бошқача бўлиши мумкин эмас. Клайд эса онасининг жилмайганини кўриб: ҳа, у менга ишонади, деб қўйди ўзича. Жинойи далилларнинг шу даражада қалашиб ётганига ҳам қарамай, унинг ишончи сира сусаймади. Бу ишонч, гарчи хатолик орқасида келиб чиққан бўлса-да, аммо Клайдни тетиклантирар, у шу ишончга жуда зор эди. Энди эса ўзи айтган гаплари назарида ўзига чин ҳақиқатга ўхшаб кўрина бошлади. Ахир, у Робертани урмаган-ку. Аслида ҳам шундай бўлган эди. Демак, у гуноҳкор эмас. Лекин Краут билан Слэк уни яна турмага қайтариб олиб кетишади.

Бу орада миссис Грифитс матбуот вакиллари учун ажратилган столга бориб ўтирди-да, атрофида уймалашган мухбирларга гуноҳкорона бир тарзда тушунтира кетди:

– Сиз, мистер журналистлар, мени койиманглар. Бу ишга аслида унчалик ақлим етмайди. Лекин шу ерга келиб, болагинамнинг олдида туришнинг бошқача йўли йўқ эди.

Шу пайт дароз бир мухбир орадан суқилиб ўтиб, унга яқинроқ келди-да:

– Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, аяжон! – деди. – Ё у-бу нарсада ёрдамлашиб юборайликми? Агар истасангиз, ҳозир ёзмоқчи бўлаётган нарсангизни кўриб берайми? Жоним билан кўриб бераман.

У миссис Грифитснинг ёнига ўтириб, таассуротларини қоғозга туширишида унга кўмаклаша бошлади. У Денвер газетасига шу ҳам бўлаверадди, деган фикрда ўзи маъқуллаган услубда ёздира бошлади. Қолган мухбирлар ҳам бири олиб-бири қўйиб холис хизмат таклиф этишар, ҳаммалари ҳаяжондан безовта эдилар.

Орадан икки кун ўтгач, бутун зарур қоғозлар тахт бўлди – бу ҳақда миссис Грифитсни ҳам огоҳлантиришди-ю, аммо ўғлини кузатиб боришга рухсат беришмади. Клайдни эса Обернга, Нью-Йорк штатининг ғарбий турмасига ўтқазишди; энди у шу ердаги «Ажал уйи» ёки «Қотиллар зиндони»да ўтириб – йигирма икки камерадан иборат икки қаватли бу бинонинг номи шундай деб аталар эди – қийноғу азобига одам боласи чидолмайдиган туюлувчи мана шундай мудҳиш дўзахда ё ишнинг қайта кўрилишини ёки ўлимини кутиб ётиши керак.

Клайдни Брижбургдан Обернга келтирган поезд ҳар бекатда эрмак ишқибозлари тўпига дуч келар эди; кексалар ҳам, ёшлар ҳам, эркаклару аёллар ҳам, болалар ҳам – барча йиғилганлар шу ғаройиб қотил йигитчани бир кўриб қолиш иштиёқида эдилар. Баъзан шундай ҳам бўлар эдики, ўзи Клайдга ачингандай кўринса ҳам, аслида мана шу бахтсиз, аммо довюрак хаёлпараст қаҳрамон билан бир дақиқагина дон олишиб қолишни орзу қилган аёллар ёки қизлар ҳам учраб турар эди, улар Клайдга гул ташлаб, узоқлашиб бораётган поезд орқасидан овозлари борича шўхлик қилиб: «Хэлло, Клайд! Биз ҳали кўришамиз», «Кўзингизни очинг, у ерда кўп ўтириб қолманг!», «Норозилик билдиринг, сизни сўзсиз оқлашади. Биз шундан умидвормиз», деб қичқаришар эди.

Клайд ҳам Брижбургдаги халойиқ кайфиятидан кейин кутилмаганда ёқимли туюлган бу жонсарак-безовта, аслида уятли хоҳишдан хийлаги-на ажабланиб, ҳатто қувониб, уларга таъзим қилар, кулиб қарар, баъзан эса қўл силкиб ҳам қўяр эди, Лекин шунга қарамай, бари бир: «Мен Ажал уйига томон кетяпману, улар бўлса мени қадрдонларча қутлаб қолишяпти. Улар бунга қандай журъат этишаётганикин-а?» деган фикр хаёлини сира тарк этмас эди. Краут билан Сиссел ва унинг соқчилари эса гурурдан димоғлари нақ осмонда эди, чунки бунақанги катта жиноятчини қўлга тушириш ҳамда уни қўриқлаб бориш шарафига айни ўшалар мушарраф бўлган эдилар, шунинг учун ҳам улар йўловчилар ва бекат перронларида йиғилган одамларнинг бошқача қизиқиш билан қараётганларидан мамнун эдилар.

Бироқ қамоққа олинган кунидан кейин бошидан кечирган бу дастлабки қисқагина, тотли дақиқалари – беҳад кенгликлар, гавжум вокзаллар, қиш қуёшида ярқираб турган дала ва қор тепалари ёнидан ўтиши Клайдга Ликургни, Сондрани, Робертани ва бир йил ичида юз берган қанчадан-қанча воқеалар тўфонини эсига солиб юборди, мана энди шуларнинг бари фожиали тугади, қаршисида Оберн турмасининг одам яқинлашишга чўчийдиган кулранг деворлари турибди, у ердаги бадқовоқ котиб Клайднинг исми ва жиноят даражасини дафтарига ёзиб олгач, уни икки назоратчига топширди, чўмилиб бўлганидан сўнг эса шу пайтгача унинг ҳуснию савлати ҳисобланиб келган жингалак сочлари ҳам сартарош қайчиси остида ғарч-ғарч кесиб ташланди; сўнгра унга йўл-йўл турма энгил-боши ва шу йўл-йўл матодан тикилган ифлос бир шапка, турма ички кийимию кулранг наमत-

дан бичилган қалин бошмоқ келтириб беришди, бошмоқлари кигиздан бўлгани учун ҳам маҳбусларнинг гоҳи-гоҳида ўз камераларида жонсарақ югуришлари сира эшитилмас эди – бир кун бориб Клайд ҳам худди шундай жонсарақ бўлиб югургилайди. Унга 77221 рақамини беришди.

Уни шу тарзда ясан-тусан қилиб, ўша заҳотиёқ нақ Ажал уйига олиб киришди-ю, пастки қаватдаги камералардан бирига қамаб қўйишди, камера деярли тўртбурчак эди, эни саккиз, узунаси ўн фут, ёп-ёруғ, озода хона эди, халажойдан ташқари яна темир каравот, стол, стул ва кичкинагина китоб жавони ҳам бор эди. Клайд ўзининг ўнг ва чап томонида, узун йўлакнинг икки тарафида тагин шунга ўхшаш қатор камералар чўзилиб кетганини хиёл англагандай бўлди-ю, аввалига қимир этмай туриб қолди, кейин стулга ўтирди-да, бу ерга нисбатан хийла гавжум, одамнинг кўнглига анча-мунча илиқ туюлувчи Брижбург турмасида ўтказган кунлари худди йўл-йўлакай дуч келган ғаройиб, шовқин-суронли учрашувлари каби ортда қолиб кетганини ўйлади.

Бу дақиқаларнинг жон зирқиратувчи, оғир ситамини айтинг! Ўлим ҳукми, йўл сафари ва бекатларда шовқин-сурон кўтарган анави оломон, пастдаги сартарошхона ва маҳбус сартарошнинг унинг сочини олиб ташлаши; унга кийгазиб қўйишган ва энди ҳар кун эгнидан ечмайдиган ички ва сиртқи энгил-бош. Камерада ҳам, йўлакда ҳам кўзгу йўқ эди, аммо у ўз аҳволини шундоқ ҳам сезиб турар эди. Манави қопга ўхшаган камзул билан иштонга, манави ола-була қалпоққа қаранглар-а. У жазаваси тутиб уни бошидан юлиб олди-да, полга отиб ташлади. Ахир, бундан атиги бир соатгина олдин устида туппа-тузук костюми, кўйлак, галстуги, ботинкаси

бор эди. Брижбургдан чиқаётганида бинойидек, ҳатто хушрўйгина кўринишга эга эди, ҳарқалай, ўзига шундай туюлган эди. Бироқ ҳозир-чи, кимга ўхшаб қолди энди у! Ахир эртага онаси, кейин эҳтимол Жефсон билан Белнеп ҳам келиши мумкин. Оҳ, парвардигор!

Лекин бу ҳали ҳолва эди. У рўпарасидаги камерада озиб тўзиб, тинкаси қуриган, Клайдга ўхшаш йўл-йўл кийим кийган, қўрқинчли бир хитой маҳбусга кўзи тушди, у панжарага шундай яқин келди-ю, гилай кўзларини қадаб унга галатироқ тикилиб қолди ва ўша заҳоти юзини буриб, жон-жаҳди билан қичина кетди. «Балки, битдир?» деб ўйлади Клайд даҳшатга тушиб. Брижбургда, ахир, кана бор эди-ку.

Хитой йигит – қотил экан. Ахир, бу Ажал уйи-ку. Бу ерда уларнинг бир-бирларидан ортиқ-кам жойлари ҳам йўқ. Ҳатто кийимларигача бир хил. Худога шукурки, одам кам келар экан бу ерга. Онаси, маҳбусларга деярли ҳеч кимни қўйишмайди, ҳафтада бир марта фақат унинг ўзини, Белнеп ва Жефсонни, тагин Клайд хоҳиш билдирган попнигина киритишлари мумкин, деб айтган эди. Мана бу оқ бўёққа бўялган асабга тегувчи деворларни айтинг – кундузи, ҳойнаҳой, улар шиша билан ёпилган бино тоmidан тушаётган қуёш нурларидан қаттиқ ёришиб, тунда эса мана ҳозиргига ўхшаш, йўлакдаги электр чироқларидан чарақлаб кетса керак – Брижбургда эса мутлақо бошқача эди ҳаммаси: бу ерда нур ҳам, унинг ёруғлик кучи ҳам, азоби ҳам анча кўп экан. У ердаги турма эски, кулранг қорамтир деворлари у қадар тоза ҳам эмас, камералари кенг, анча-мунча тузукроқ жиҳозланган эди, аҳён-аҳёнда дастурхон ёзилиб қолар, китоб-дафтар, шашка ва шахматлар ҳам бўлар эди, бу ерда

эса... бу ерда ҳеч нарса йўқ эди: фақат тор, совуқ деворлару зил-замбил, заранг шифтгача етиб борган темир панжаралар, худди Брижбургдаги каби овқат узатишга мўлжалланган жимитгина туйнукли офир-баҳайбат пўлат эшикларгагина кўз тушар эди, холос.

Шу пайт қаердандир:

– Ҳой, йигитлар, бизга янги одам келибди! – деган овоз эшитилди. – Пастки қават, кунчиқар қатордаги иккинчи камерада.

– Худо урсин дегин-чи? Афти-ангори нимага ўхшайди ўзи?

Ўша заҳоти яна бошқа овоз эшитилди:

– Ҳой, меҳмон, исминг нима? Қўрқма, биз ҳаммамиз бир-биримиздан қолишмаймиз.

Бояги биринчи овоз иккинчисига жавоб қайтарди:

– Ҳа, қанақадир найнов, эти суягига ёпишиб ётибди. Афтидан, онасининг эркатойига ўхшайди, умуман ёмон эмас. Ҳей, сен, – эшитяпсанми! Исминг нима?

Клайд аввалига боши қотиб, эсанкираганидан индамай турди. Бунақанги ошналарга қандай муомала қилиши керак у? Нима деб жавоб берсину ўзини қандай тутсин? Шулар билан пачакилашиб ўтиришининг ўзи умуман тўғри бўлармикин? Аммо қонига сингиб кетган хушмуомалалиги Клайдни шу ерда ҳам тарк этмади-да, шоша-пиша майингина жавоб бериб қўя қолди:

– Клайд Грифитс.

Савол бераётганларнинг бири дарров гапни илиб кетди:

– Ие, Грифитсми? Эшитганмиз, эшитганмиз. Хуш келибсиз, Грифитс! Биз ҳам, бир хиллар ўйлагандек, у қадар қўрқинчли эмасмиз. Сенинг

Брижбургдаги ишларингни ўқиган эдик. Ўзимиз ҳам, ҳадемай учрашиб қолармиз, деб ўйловдик.

Яна бошқа овоз эшитилди:

– Бурнингни осаверма, оғайни! Бу ерда ҳам унчалик ёмон эмас. Танинг соғ бўлса, кунинг ўтиб тураверади.

Қаердандир кулги овози келди.

Аммо Клайднинг кўнглига ҳозир гап сифмас эди; юраги сиқилиб, ваҳимага тушганча деворларга, эшикка, кейин эса хитой маҳбусга қаради, у ҳам ўз эшигига ёпишиб олган кўйи яна индамай Клайдга тикилиб турар эди. Даҳшат! Даҳшат! Маҳбуслар ўзаро бир-бирлари билан шу тариқа гаплашишар, янги келган ҳар бир одамни эса бетакаллуф қарши олишар эди. Унинг бахтсизлиги-ю, янги, оғир шароит қаршисида меровсираб қолгани-ю, изтиробли афсус-надоматлари-ю – буларга улар заррача ҳам эътибор бермас эдилар. Дарвоқе, қотил одамни ким ҳам бахтсиз ва меров деб ҳисоблаши мумкин, ахир! Энг даҳшатлиси шу эдики, улар мана шу йигит қачон орамизга келиб қўшиларкин, деб аввалдан ўзларича мўлжаллаб ҳам қўйишган экан, демак, унинг иши бу ерда ипидан игнаси-гача маълум экан. Эҳтимол, уни ўзларига обдан ўргатиб олмагунларича унинг жиғига тегишлари, жонидан тўйдириб юборишлари ҳам мумкиндир. Агар Сондрами ёки аввалги таниш-билишларидан биронтасими, Клайдни шу аҳволда кўргандами, ақалли мана шу воқеаларнинг барини тасаввур қила олгандами... Оҳ, парвардигор! Эртага эса шу ерга онаизори келади-я!

Орадан бир соат ўтиб, бутунлай қоронғи тушиб қолган пайтда маҳбусларникига қараганда бир оз кўзга тузукроқ кўринадиган энгил-бош кийиб олган новча, мурдага ўхшаш рангпар бир турма хизматчиси келди-ю, темир патнисга солинган

емишни эшик туйнугига қўйиб кетди. Бу кечки овқат эди! Буни у Клайдга олиб келган эди. Рўпарадаги арвоҳга ўхшаш анави хитой маҳбус эса аллақачоноқ таомини олиб, тушириб ётибди. У кимни ўлдирганикин-а? Қандай қилиб ўлдирганикин? Бир маҳал ҳар томондан темир патнисларнинг қитир-қитири эшитила бошлади! Гўё одамларни эмас, йиртқич ҳайвонларни овқатлантиришаётгандек туюлар эди. Аллақаяқдан ҳатто чап-чап овоз ва қошиқ-пошиқларнинг тақир-туқури орасида баъзи бир ўзаро гаплар ҳам эшитилиб қолар эди. Клайднинг кўнгли беҳузур бўла бошлади.

– Ух, шайтон! Совуқ ловия, қовурилган картошка ва кофедан бўлак ҳеч вақони билишмайди-я, ошхонадагиларнинг қўли синганми ўзи?

– Э, кофеларда маза-матра қолдими энди! Буффалодаги турмада ўтирган вақтимда, эҳ-ҳе...

– Бўлди, бўлди, оғзингни юм! – қичқаришди нариги бурчакдан туриб. – Буффалодаги турмангни ҳам, ўша ердаги ширин-шакар томоқларингни ҳам эшитавериб, жонимиз ҳалқумимизга келиб кетган обдан. Ҳарқалай, иштаҳангга қараганда бу жойдаги овқатлар ҳам тешиб чиқмаётганга ўхшайди.

– Йўқ, очигини айтсам, – деб давом этди ўша биринчи овоз, – ҳатто эслаш ҳам ширин кайфият беради. Ҳарқалай, ҳозир менга шундай туюляпти-да.

– Эҳ, Раферти, бўлди-да энди, – салмоқланиб гапирди биров.

Раферти эса сира тийилмасди:

– Мана энди овқатдан кейин бир оз дам оламан-да, сўнгра ҳайдовчидан машинани олиб келишини сўрайман, айланиб келмасам бўлмайди. Бугун оқшом ёқимли.

Яна бир хириллаган овоз эшитилди:

– Э, сен бу валдирашларинг билан онангникига бор! Мана, масалан, биттагина чекиш учун жо-

нимни берардим. Ана ундан кейин қартабозлик қилсанг.

«Наҳотки, шу ерда ҳам қарта ўйнашса?» – деб ўйлади Клайд.

– Розенштейн ютқаза-ютқаза адо бўлди, ҳарқалай энди ўйнамас керак.

– Шу гапингга ўзинг ишонасанми? – Бу, ҳойнаҳой, Розенштейннинг жавоби эди.

Клайднинг чап томонидаги камерадан кимдир секингина, аммо аниқ қилиб ўтиб кетаётган турма назоратчисидан сўради:

– Ҳой! Олбэнидан ҳалиям ҳеч гап йўқми?

– Ҳеч гап йўқ, Герман.

– Хат ҳам йўқми?

– Хат ҳам йўқ.

Бу саволлардан хавотир, асабий ожизлик ва соғинч оҳанглари сезилар эди. Кейин ҳаммаси тинчиди.

Бир неча дақиқадан, сўнг олис бурчакдан, худди дўзахнинг фирт ўзидан келаётгандек, тасвир этиб бўлмас даражада ғоят тушқун бир овоз эшитилди:

– Э, худойим! Э, худойим!

Юқори қаватдаги бошқа бир маҳбус унга жавоб қилди:

– Оббо иблис-эй! Яна бошлади-ю анави фермер! Мен чидолмайман. Ҳой, назоратчи! Худо ҳақи, анавинга бирор-бир нарса ичиринглар.

Бурчакдаги овоз яна такрорланди:

– Э, худойим! Э, худойим!

Клайд қалтираганча бармоқларини гижимлаб сакраб турди. Асаблари худди салга узиладиган тордек таранглашиб кетган эди. Қотил! Энди ўзи ҳам ажалини кутаётган бўлиши керак. Худди Клайдни ки сингари аламли тақдирига ўзи мотам тутаётгандир. Инграяпти – Брижбургда Клайд ҳам

инграган эди, аммо у овозини чиқармай, ичида инграган эди. Йиғлаяпти! Э, парвардигор! Балки бу ерда фақат унинг бир ўзи эмасдир бунақа одам, ахир!

Мана, энди туну кун унинг аҳволи ҳам шунақа бўлади... то иши қайта кўрилиб... балки ким биларди... мабодо фақат анави...

Э, йўқ, йўқ! Клайд ундай бўлмайди... йўқ, уни қатл этишмайди. Йўқ, йўқ! Кам деганда орадан бир йил ўтиши керак, Жефсон шундай деган. Эҳтимол, икки йил ўтиб кетар. Лекин, шунда ҳам... икки йилдан сўнг!!! Икки йил, атиги икки йилдан кейин-а, деган фикрдан унинг аъзойи бадани титраб-қақшаб кетди...

Анави ҳужра! У ҳам қаердадир шу яқин орада. Унга мана шу бинодан тўппа-тўғри олиб чиқиб кетаверишади. Клайд буни биларди, унга гапириб беришган. Ўша ерда эшик бор. Очасану қарасанг – курси. Анави курси.

Яна бояги:

– Э, худойим! Э, худойим! – деган овоз такрорланди.

Клайд ўзини ўринга ташлади-ю, қўллари билан қулоқларини беркитиб олди.

XXIX БОБ

Оберн турмасидаги Ажал уйи инсоний тошбағирлик ва телбаликнинг даҳшатли тимсолларидан бири эди, бунақанги нарсаларнинг ҳақиқий айбдорларини топиш эса одатда жуда мушкул ишдир. Бу уйнинг тузилиши ва ундаги тартиб-қоидалар бир қатор махсус ҳукумат топшириқларининг натижаси бўлиб, кейинчалик эса уларга турли нозирларнинг фармойиши ва қарорлари ҳам бирин-сирин қўшилиб бораверган, бу фармойиш

ва қарорлар, маълумки, ўша нозирларнинг мижоз ва инжиқликларидан келиб чиққан, албатта, аммо уларнинг биронтаси ҳам ўзларининг нима иш қилаётганлари ҳақида мундай бир жиддийроқ бош қотириб кўрмаганлар: охири бориб-бориб бу ерда шунақанги ақлга сифмайдиган кўпдан-кўп ортиқча, аслида эса қонунсиз бераҳмлик, бемаъни, чидаб бўлмас даражадаги қийноқлар ўйлаб топилганки, мана энди уларни амалда қўллаб келишяпти. Шуларнинг бари ўлимга маҳкум қилинган одам, суд ҳукми олдиндан белгилаган ўлими кунигача минг бора ўлим азобини бошидан кечирсин учун мўлжалланган эди. Чунки Ажал уйининг тузилиши, шунингдек, у ерда яшовчилар бўйсунадиган тартиб-қоидаларнинг ўзиёқ одамни беихтиёр равишда шунга олиб келар эди.

Бу тош, бетон ва пўлатдан қурилган иморат бўлиб, узунаси қирқ, эни эса ўттиз фут, шиша томининг баландлиги ҳам ўттиз фут келар эди. Уни ёнида турган эски, кўримсиз Ажал уйи билан солиштирганда, лойиҳаси бирмунча такомиллаштирилганроқ эди: узунасига кенг йўлак ўтган, йўлак четларида эса ҳар бири саккизу ўн футлик камералар ўрнашган эди; биринчи қаватда ўн иккита камера бўлиб: олтитаси ўнгда, олтитаси чапда, ҳаммаси бир-бирига қарама-қарши эди. Тепадан иккинчи қатор камералар чўзилиб борар, улар ҳам худди пастдагиларга ўхшаб жойлашгану, аммо бу ерда икки томонда бештадан камера бор эди.

Асосий йўлак ўртага борганда пастдаги камералар қаторини бўлиб турувчи бошқа торроқ йўлакча билан кесишиб ўтар эди; унинг бир томони эски Ажал уйига бориб тақалса (у бинони шундай деб аташар, у ерда энди фақат ўлимга маҳкум этилганларни қабул қилиб олишар эди), бир томонида эса электр курси жойлашган қатл бўлмаси бор эди.

Рўпарадаги иккитасидан эса тор йўлакнинг нариги боши ва эски Ажал уйига олиб кирадиган эшик кўриниб турарди, агар таъбир жоиз бўлса, уни жинойтчилар қабулхонаси, деб ҳам аташ мумкин эди, чунки у ерда маҳбуслар ҳафтасига икки марта энг яқин қариндош-уруғлари ва адвокатлари билан учраша олар эдилар. Ўлимга маҳкум этилганлар қошига бошқа ҳеч ким қўйилмас эди.

Эски Ажал уйининг камералари (улар аввал қандай бўлса, худди ўшандай сақланиб қолган ва энди улардан ёрдамчи қабулхона сифатида фойдаланилади) бир қаторда йўлакнинг фақат бир томонидагина жойлашган; шу боисдан маҳбуслар бир-бирларини кўролмас эдилар; бундан ташқари, ҳар камеранинг олдини беркитиб қўйиш учун алоҳида яшил пардалар ҳам бўлар эди. Авваллари, маҳбусни олиб келиш, ё олиб кетишда ёки у ҳар куни айлангани чиққанда, ё ҳаммомга борганида, ёки уни кунботар томонинг бир чеккасидаги ўша пайтда қатл бўлма-си жойлашган кичкинагина темир эшикка олиб боришганда, ҳамма пардалар ёпиб қўйилар эди. Бошқа маҳбуслар буни кўрмасликлари керак эди. Бироқ кейинчалик эса бу қадар эҳтиёткорлик оқибатида маҳбуслар жуда ҳам яккамохов бўлиб кетишди-ю, натижада эски Ажал уйи ғайриинсоний муассасага айланиб қолди деган қарорга келинди, шундан сўнг мана шу янги уйни лойиҳалаштириб, қуриб битказишди, ғамхўр ва раҳмдил маъмурларнинг фикрича, бу энди анча мукаммаллаштирилган Ажал уйи эди.

Тўғри, бу ердаги камералар эски Уйдаги пастак-пастак, исқирт бўлмаларга ўхшаб тор ва совуқ ҳам эмас эди; бу уйнинг шифтлари баланд, камера ва йўлаклари ёп-ёруғ, камералар

ҳам кенг-кенг эди. Лекин бу бинонинг эски Уйга қараганда катта бир нуқсони бор эдики, бу ерда маҳбуснинг бутун ҳаёти бошқаларнинг кўз ўнги-дан ўтар эди.

Бундан ташқари, икки қаватли биттагина йўлак атрофида камераларнинг бу қадар кўп жойлашганлиги натижасида ҳар бир маҳбус, истаса-истамаса, ўзгалар кайфиятига – ўзгалар ғазаби-ю жазавази, умидсизлиги-ю қайғу-ҳасратига гувоҳ бўлиб, у ҳам азоб чекиши керак эди. Танҳо қолишнинг бу ерда сира иложи йўқ эди. Кундузи, шиша томдан тўппа-тўғри тушиб кўзни қамаштирувчи нур оқими одамни эзар эди. Тунда эса, қувватли, ёруғ чироқлар камеранинг ҳар бир бурчаги, ҳар бир тешигигача чарақлатиб юборарди. Қарта ва шашкадан бошқа на бир тинчлик, на бир тузукроқ ўйин-кулги ҳам йўқ эди; маҳбуслар ўз камераларидан чиқмай туриб, фақат шу икки хил ўйиннигина ўйнашлари мумкин эди. Тўғри, китоб ўқий оладиган ва шунақанги шароитда ҳам ўқишдан роҳат топа оладиганлар учун китоб ва газеталар ҳам бор эди, албатта. Яна диний аҳбоблар зиёратига кириш ҳам мумкин эди: чунки эрталаб ва кечқурун католик попи келар эди; яҳудий ва протестант руҳонийлари эса, гарчи, доимий бўлмаса-да, ҳар ҳолда хоҳиш билдирган маҳбуслар ҳақиқага дуо ўқиш ва уларга тасалли бериш учун ора-сира келиб туришар эди.

Ажал ўйини мукаммаллаштирмоқчи бўлганларнинг савобли ниятларига қарама-қарши ўлароқ, одамларнинг бу хилда доимий ва мажбурий ўзаро алоқа қилишлари бу жойни чинакам қарғиш теккан ерга айлантириб юборган эди, чунки маҳбусларнинг фикру хаёли бостириб келаётган ажал ваҳимасидан хиралашган ва айниброқ қолган эди, бу ажал уларнинг кўпларига чиндан ҳам ҳа-

демай етиб келар, улар ҳозирданоқ ўз елкаларида ўлимнинг совуқ панжаларини сезишар эди. Ҳар қанча маҳкам турган одам ҳам бу азоб-уқубатлар исканжасига тушгач, ўзини шахс сифатида у ёки бу даражада юз тубан кетишдан сира асраб қололмас эди. Тушкунлик, чорасизлик, юракни ёргудек қўрқув ва саросималар бутун Уй бўйлаб изғириндек кезиб юрар, ҳаммани ваҳима ва умидсизлик билан бирма-бир заҳарлаб чиқар эди. Шуларнинг бари мутлақо кутилмаган пайтларда сўкиниш, оҳ-воҳ чекиш, ҳатто кўз ёшларига айланган ҳолда барчага ошкора бўлар, қаёқдандир бехосдан дилни тирмалайдиган нола-фиғонлар эшитилиб қолар – худо ҳақи, у-бу нарсани хиргойи қилишса ҳам гўрга эди! – ёки ўкириб йиғлаган ва инграган товушлар қулоқни қоматга келтирар эди.

Лекин энг чидаб бўлмас ташвишу азоблар, ҳарқалай, эски Ажал уйидан қатл бўлмасига бориб тақалувчи кўндаланг йўлак билан боғланган эди. Чунки бу йўлак (афсуски, ҳамма вақт!) шу бино ичида доимо юз бериб турадиган фожиаларнинг бири – ўлим фожиасига бамисоли саҳнадек хизмат қилиб борар эди.

Қатл арафасида маҳбусни янги бинонинг у бир ёки икки йил давомида димиқиб ётган саранжом камерасидан эски Ажал уйининг биронта бўлмасига олиб ўтишар, бу ерда у ўзининг ўлимолди дақиқаларини осойишта ва танҳоликда ўтказиши мумкин эди; аммо охирги дақиқада у ҳамманинг кўзи ўнгида шу тор йўлак бўйлаб нариги томонда жойлашган қатл бўлмасига қайта юриб ўтиши керак эди.

Адвокат ёки қариндошлардан бирортаси билан учрашганда ҳам аввалига катта йўлакдан ўтиш, кейин эса кўндаланг тор йўлакдан юриб, эски Ажал уйининг эшигигача бориш зарур эди.

У ерда маҳбусни камерага олиб киришар, сўнгра у ўзини кўришга келган одами (хотини, онаси, қизи, ака-укаси, ҳимоячиси) билан ҳузур қилиб гаплашавериши мумкин эди, лекин суҳбат пайтидаги ҳар бир сўздан назоратчи хабардор бўлиши керак эди, чунки у камера панжараси билан ундан икки футча берига ўрнатилган сим тўсиқ орасида ўтирар эди. На қўл олиб кўришишлар, на ўпишишлар, суюб эркалашлар, на дилдаги сирларни айтишлар бу қўриқчиларнинг назаридан четда қололмас эди. Маҳбус пешонасидаги машъум соат етиб келган пайтда, бошқа ҳаммалари – бадқовоқларию хушчақчақлари ҳам, таъсирчанларию териси қаттиқлари ҳам, ҳатто ўзлари хоҳламасалар-да, шу ердаги шароитга бўйсуниб, охирги тайёргарликларнинг барини – маҳбуснинг эски Ажал уйи камераларидан бирига ўтказилишию, онаси, ўғли, қизи, отаси билан сўнгги бор видолашувигача бошдан-охир кузатиб ўтиришлари лозим эди.

Шу бинони лойиҳалаштириш ҳамда бу ердаги тартиб-қоидалар билан шуғулланган одамларнинг биронтаси ҳам олий суднинг қайта қарорини кутавериб, неча-неча ойларни шу ерда ўтказишга маҳкум бўлганларни қанчалар ортиқча, беҳуда азобларга солиб қўйишлари ҳақида ўйлашмаган эди.

Дастлабки дақиқаларда, шубҳасиз, буларни Клайд унчалик тушуниб етмади. Турмадаги биринчи кунида у чексиз азоб-уқубатлар косасидан бир қултумгина тотиб кўрди, холос. Эртаси куни эса унинг кулфатларини енгиллатишгами ёки оғирлатишгами, ишқилиб, онаси келди. Ўғлини кузатиб боришга рухсат ололмагандан сўнг, у Белнеп ва Жефсонга яна бир бор учрашиб, Клайднинг жўнаб кетиши билан боғлиқ шахсий таассуротларини тўлароқ ёзиб юбориши учун

бир оз ушланиб қолди. (Таассуротлари эса жонни зирқиратар даражада дарду ҳасратга тўла эди!) Гарчи уни турмага яқинроқ жойдан бирорта қулба топиш масаласи анча-мунча ташвишга солса ҳам, ҳарқалай, шу ерга келиши биланоқ турма идорасига шошилди ва Клайд билан учрашишига рухсат бериши тўғрисидаги судья Оберуолцернинг фармойиши, шунингдек, Белнеп ва Жефсоннинг илтимосномасини кўрсатди-да, ўғлини кўришга розилик олди, бунинг устига эски Ажал уйида эмас, бутунлай бошқа бинода учрашадиган бўлди. Гап шунда эдики, миссис Грифитснинг Клайдни ҳимоя қилиб, ўзини ўтга-чўққа уриб юрганини турма нозири ўқиган эди, шунинг учун ҳам у миссис Грифитсни ва Клайдни ўз кўзи билан кўришга қизиқиб қолган эди.

Бироқ Клайднинг ташқи кўринишидаги бу фавқулодда, ақлга сифмас даражадаги ўзгариш миссис Грифитсни шу қадар довдиратиб қўйдики, ўғлининг рангпар, бир ҳолатда бўлиб қолган юзлари, жонсарак алангаланаётган ўрадек кўзларини кўрганда бир нима дейишга ҳам ҳадеганда тили айланавермади. Тап-тақир бошини қаранглар-а! Анави ола-була камзули-чи! Темир дарвозали, оғир-баҳайбат қулфли манави қўрқинчли Уйни қаранглар, ҳар бурчагида турмача кийиниб олган соқчилар туришибди...

Миссис Грифитс Канзас-Сити, Чикаго, Денвердаги катта-кичик турмаларда бир неча марталаб бўлганига ҳам қарамай, билинар-билинемас сесканиб, гандираклаб кетди ва сал бўлмаса ҳушидан айрилаёзди; у ўша турмаларга худони ёд этиш ва гумроҳларни тавба қилдириш, хоҳиш билдирганлардан эса ўз хизматини аямаслик учун борар эди. Аммо бу ерда-чи... бу ерда! Оҳ, ўғилгинаси-я, жигарбанди! Миссис Грифитснинг бақувват, кенг

кўкраги кўтарилиб туша бошлади. У яна ўғлига қаради-ю, бир дақиқага юзини яшириш учун ўгирилиб олди. Лаблари ва ияги қалтирар эди. Дастрўмолини излаб, сумкачасини титкилай бошлади, шу орада эшитилар-эшитилмас овоз билан:

– Э, худо, не гуноҳим бор эдики, мендан юз ўгирдинг? – деб такрорлар эди.

Лекин ўша аснодаёқ бир фикр миясидан йилат этиб ўтди: йўқ, йўқ, ўғли уни бу аҳволда кўрмаслиги керак. Бундай қилиш ярамайди, ҳеч кимга бир чақалик ҳам нафи йўқ, унинг кўз ёшлари Клайднинг баттар кўнглини бузади фақат. Бироқ бирдан ўзини қўлга олишга унинг ҳатто кучли иродаси ҳам ожизлик қилди ва у унсизгина йиғлашда давом этаверди.

Клайд буни кўриб, ўзини маҳкам тутмоқчи ва онасини юпатиш учун у-бу тасалли ва далда гап айтмоқчилигини ҳам унутиб, маъносиз бир тарзда гудраниб қўйди:

– Ие, ие, ойи, қўйинг йиғламанг. Сизга қийинлигини биламан. Лекин ҳаммаси жойига тушиб кетади ҳали. Эҳтимол, тушиб кетар. Бу ер мен ўйлаганчалик у қадар ёмон ҳам эмас экан.

Ичида эса: «Э, худо, бунчалик даҳшатли жой бормикин ўзи!» дея хитоб қилди.

Миссис Грифитс ҳам ўша заҳоти жавоб қайтара қолди:

– Бечора болам! Жондан азиз ўғлим! Майли, биз ноумид бўлмаслигимиз керак. Йўқ, йўқ. «Мен сени ёмонлик тўридан халос қилгайман». Тангри шу вақтгача биздан ҳали юз ўгирмади. Мен аниқ биламанки, бундан буён ҳам у марҳаматини аямайди. «У мени осуда сувларга етаклаб борғусидир». «У менинг руҳимни тоблағусидир». Бутун умидимиз яратган эгамдан. Сўнгра, – дея қўшиб қўйди у тез ва ишбилармонлик билан, фақат Клайдга-

гина эмас, бирйўла ўзига ҳам далда бериш мақсадида, – мен норозилик билдириш учун ҳамма нарсаларни тайёрлаб қўйдим, ахир. Норозиликни шу ҳафта ичида берамиз. Бу эса, сенинг ишинг камида бир йилдан кейингина кўрилади, деган сўз бўлади. Мен сени шунчаки мана шу аҳволда кўрарман, деб ўйламаган эдим. Шундан ўзимни йўқотиб қўйдим. – У елкасини тўғрилаб, бошини кўтарди ва ҳатто зўрма-зўраки бўлса ҳам хиёл жилмайди. – Турма нозири тузук одамга ўхшайди, менга жуда яхши муомала қилди, аммо сенга кўзим тушганда...

У фавқулодда ва мудҳиш зарбадан нам бўлган кўзларини артди, ўзи ва Клайднинг диққатини бўлиш учун олдинда турган долзарб ишлари ҳақида гап очди. Мистер Белнеп билан мистер Жефсон охирги учрашган пайтида миссис Грифитснинг кўнглини жуда ҳам кўтариб юборишди. Миссис Грифитс бу ёққа келишидан олдин уларнинг идорасига кирган эди, улар сиз ҳам, Клайд ҳам умидсизланмасликларингиз керак, деб айтишибди. Энди бўлса, у вақтни бой бермай, ўз маърузаларини ўқишга киришиши лозим ва бу тез орада унга зарур ўша даромадни бера бошлайди. Ҳамма нарса барбод бўлди, деб Клайд мутлақо ўйламаёқ қўя қолсин. Бемаъни гап бу! Биринчи ҳукмни, ҳойнаҳой, бекор қилишиб, ишни яна қайтадан кўриб чиқишга оширишса керак. Ахир ўша муҳокама бошдан-охир майнабозчилик бўлганини Клайднинг ўзи ҳам билади-ку.

Гап мана шундай, турмага яқинроқ жойдан ўзига бир бошпана топдим дегунча, Оберн руҳонийларининг энг йирик вакиллари ҳузурига бориб, бир эмас, бир неча черковда ўз маърузасини ўқишига улардан рухсат олишга уриниб кўради.

Мистер Жефсон икки-уч кундан сўнг алақандай бир ҳужжатларни юбориши керак, миссис Грифитс ўшалардан ҳам фойдаланиши мумкин. Кейин у етарли миқдорда пул тўпламагунча Сиракузага, Рочестерга, Скенэктедига ва шарқдаги бошқа шаҳарларга ҳам бориб келади. Аммо у Клайдни ҳам ўз ҳолига ташлаб қўймайди. Камида ҳафтада бир марта келиб, кунора ёки иложини тополса, ҳар куни хат ёзиб туради. У турма нозир билан ҳам гаплашиб қўяди. Шунинг учун Клайд сира умидсизланмаслиги керак. Албатта, миссис Грифитсга анча қийин бўлади, лекин парвардигор барча ишларида уни асло ёлғизлаб қўймайди. Буни у очиқ-ойдин билиб турибди. Шу пайтгача тангри ўзининг буюк, мўъжизакор ҳимоятдан уни доимо баҳраманд этиб келмаяптими, ахир?

Клайд эса онаси учун ҳам, ўзи учун ҳам ибодат қилаверсин. Исо пайғамбарнинг муқаддас китобини ўқисин. 23, 50 ва 91-сураларни ҳар куни қанда этмай ёд олсин. Аввакум пайғамбарни ҳам. «Худонинг иродасига ҳам тўсиқ бор эканми?» Хуллас, охири, қайта-қайта кўз ёшлардан, одамни ларзага солувчи, юракни шикаста қилувчи ҳасрат-надоматлардан сўнг у хайрлашиб чиқиб кетди, Клайд эса онасининг бу оғир кулфатидан ўртанган қўйи яна ўз камерасига қайтиб келди. Она. Қариб букчайиб қолган бир пайтида, қашшоқ ҳолича, ёнида бир тийинсиз шаҳарма-шаҳар изғиб юриб, уни қутқариш учун пул йиғиши керак. У бўлса фирт номаъқул фарзанд экан, буни энди ўзи ҳам тушуниб ўтирибди.

Клайд каравот четига омонатгина ўтирганча, бошини қўллари устига қўйди, миссис Грифитс эса бу пайтда турма дарвозасидан чиқиб тўхтади – зилдай темир дарвозалар залвор билан ёпилган-

дан сўнг миссис Грифитсни олдинда фақат совуқ ёт бир кулба-ю, ўзи ўйлаб топган сафар мушкулотларигина кута бошлади... У Клайдни инонтирмоқчи бўлган гапларга аслида ўзи бутунлай ишонмас эди. Аммо, яратган парвардигор уни сира ора йўлда қолдирмаган. Ахир, шу пайтгача уни марҳаматидан дариф тутмай келяпти-ку. Наҳотки, энди ўзи ва ўғлининг бошига шунақанги энг оғир синов дақиқаси тушган бир вақтда уни тарк этса? Наҳотки?

Миссис Грифитс шу яқин орадаги автомобиль бекатига етиб борди-да, тағин тўхтади, чунки у турмага, унинг баланд кулранг деворларига, турмача кийимда қуроолланган соқчилар турган қоровул минораларига яна бир бор кўз югуртириб олмоқчи эди. Ажал турмаси бу. Унинг ўғли энди шу ерда – ёруғ дунёдан ажратиб қўйилган, диққинафас Ажал уйининг қоқ юрагида ўтирибди. Уни энди электр курсида қатл этиш кутмоқда. Агар борди-ю... агар борди-ю... Йўқ, йўқ, йўқ, бу мумкин эмас. Худо хоҳласа, ундай бўлмайди. Норозилик билдирилади. Бунга эса анча-мунча пул керак. Шунинг учун у умидсизлик ва ғам-аламга боғлиб ўтирмай, ҳозироқ ишга тушиши зарур. Йўқ, йўқ! «Менинг қалқоним ва менинг суянган тоғим». «Менинг кўз нурим ва сўнмас мадорим». «Э, парвардигор, сен менинг қувватим ва халоскоримдурсан. Умидим фақат ўзингдан». У яна кўз ёшларини артди-ю:

– Имоним сенда, худойим! Имонсиз қолмай мен, мадад бер, – дея шивирлади.

Кейин у худога сифиниб йиғлаганча йўлида давом этди.

XXX БОБ

Клайд учун маҳбуслик кунлари чўзилиб кетди. Унинг ёлғизлиги онаси билан учрашганда ҳафтада бир мартагина бўлиниб турар, чунки миссис Грифитс муккасидан кетган анави иш бундан ортиқча имкониятга йўл қўймас эди, икки ой ичида у Олбэнидан то Буффалогача тиним билмай айланиб чиқди, ҳатто Нью-Йоркка ҳам борди, аммо натижаси эса мутлақо у кутгандай бўлмади. Чунки бирор-бир нарсага эришаман деб уч ҳафта давомида шиддат билан, мутаассибларча ҳаракат қилиши оқибатида ҳолдан тойиб, охири шундай фикрга келдики (буни Клайдга айтиб ўтирмади, ўзича ўйлади), насронийлар унга ҳар ҳолда анча-мунча эътиборсизлик билан қарадилар, насронийлик қилмадилар. Негаки, у мурожаат этган ўз қавмларининг фикру ўйларини баён этишда иложи борича эҳтиёткор ва собит бўлишга ўзларини масъул деб билган бутун маҳаллий диний аҳбоблар Клайд ишини фақат қуруқ шов-шувдангина ва фақат анча-мунча жанжалли суд муҳокамасидангина иборат масаладир, деб қарашга мойил эдилар, улар ақалли газеталардан хулоса чиқарганда ҳам мамлакатдаги кўпчилик доно одамлар нуқтаи назаридан қараганда, суд муҳокамаси бутунлай адолатли ҳукм чиқарган, деб ҳисоблар эдилар.

Биринчидан, сирасини айтганда, ўша одамнинг онаси – ўша аёл, хўш, ким ўзи? Асрлар давомида бунёд этилиб, тарихий таркиб топган, черков иродаси билан муқаддаслаштирилган барча ояту қонунларни (диний семинарияларни, расмий черков ва унинг шохобчалари ҳамда янги мазҳабларини, парвардигорнинг сўзларини тартиб ва эҳтиёткорлик билан анъанавий ҳамда

эскича усулда, демакки, қонуний тарзда таъбир этишларни) писанд қилмай, худонинг қаҳридан қўрқмай, таваккалига, ҳеч ким рухсат бермаган, даргумон бир хонақони бошқаришни ўйлаб топган қаллоб махфий ваъзгўй хотин-да. Иккинчидан, агар у бошқа меҳрибон оналардек уйида тинчгина ўтириб, ўз умрини ўғли ва қолган болаларини тарбиялашга сарфлаганда эдимиз, балки унда мана шунақанги хунук воқеалар юз бермаган бўлиши ҳам мумкин эди.

Ҳа, бунинг устига яна – Клайд ўша қизни ўлдирганми ёки йўқми, бундан қатъи назар, ҳарқалай, ўша ожиза билан ҳаром алоқада бўлган, бу унинг судда айтган гапларидан ҳам яққол кўриниб турибди. Кўпчиликнинг назарида эса бу – қотилликдан камроқ гуноҳмас, ахир. Клайд мана шу айбини ўз бўйнига олди. Келиб-келиб энди шу бузуқ, эҳтимол, ким билади ҳали – қотил бир одамни ҳимоя қилиб, черковдан туриб ваъз айтишга умуман йўл қўйиб бўлармикин ўзи. Йўқ, йўқ, бошқача фикрдаги айрим насронийлар миссис Грифитсга ҳар қанча ачинмасинлар ёки ўғлининг иши кўрилайётган пайтда йўл қўйилган адлиявий нотўғриликлардан ҳар қанча ғазабланмасинлар, аммо насроний черкови суд муҳокамасини танқид қиладиган жой эмас-ку, ахир. Йўқ, йўқ! Бу билан қайтага маънавий негизларга болта уриш мумкин. Бу, ҳатто зарарли оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин, чунки жинойтнинг барча икир-чикирлари ёшларнинг диққат-эътиборига етиб бориши турган гап.

Ниҳоят, миссис Грифитснинг Шарққа келиш сабабларини ёритган газета хабарлари таъсири остида ҳамда унинг назардан қолган, букчайган қиёфасини ўз кўзлари билан кўрган кўпчилик клерикал маъмурлар на диний тариқату, на илмий ақоидни тан оладиган эси паст бир мутаассиб аёл-

га дуч келдик шекилли, шу боисдан унинг халойиқ олдига шундай бир чиқишининг ўзи муқаддас ва покиза динимизга кўланка бўлиб тушиши мумкин, деган қарорга келишди.

Миссис Грифитс мурожаат этган ҳар бир руҳоний шуларни ҳисобга олган ҳолда, унчалик жаҳди ҳам чиқмай, шунчаки яхшилаб ўйлаб кўргандан сўнг: йўқ, насронийлар учун у қадар қалтис бўлмаган бошқача йўлини топиш ҳам мумкин, масалан, шаҳардан бир бинони ижарага олиб, албатта матбуот орқали тегишли ташвиқий ишларни ўтказиш билан кўнгли сахий насронийлардан анча-мунчасини тўпласа бўлади, деб маслаҳат бера бошлар эди. Миссис Грифитс шу тахлит доимо рад жавобини эшитар ва бошқа жойга учрашиш тўғрисида маслаҳат олар эди. Католик диндорларидан ёрдам сўраш эса унинг хаёлига ҳам келмаган эди, чунки бу, бир жиҳатдан унинг нотўғри тушунчасининг, бир жиҳатдан эса уларга нисбатан маълум даражада асосли бўлган ўжар шубҳасининг ҳам оқибати эди. У парвардигорнинг ердаги ноибини тан олмаганлар тангрининг раҳмшафқатини муқаддас Пётр соҳибларидек тушуна олмаслигини билар эди.

Шундай қилиб, у анча кун ичида ҳали у эшикни, ҳали бу эшикни қоқиб, натижа чиқаролмагач, юрагини ҳовучлаганча Утикадаги фирт ўғрихона ҳисобланган энг катта кинотеатрнинг хўжайини бўлган бир яҳудийга бориб учрашди. У, Клайдга қўйилган жазо тафсилотларини гапириб бериши учун миссис Грифитс ихтиёрига ўз залини текинга ажратиб берди. «Ўғлини ҳимоя қилувчи онанинг сўзи» – эълонларга шундай деб ёзилди ва кириш ҳақи учун олинган йигирма беш центдан йигилиб-йигилиб, миссис Грифитсга икки юз доллар анча тушди. Бу пул ҳали анча кам бўлишидан қатъи назар,

миссис Грифитс аввалига жуда қувониб кетди; бўлар-бўлмас тамойилларга кўр-кўрона амал қилувчи насронийларнинг нодўстона ишларига қарамай, норозилик билдириш учун етадиган пулни назарида, албатта, йиғиб оладигандай бўлиб туюлди унга. Майли, бунинг учун анча-мунча вақт ҳам керакдир, аммо миссис Грифитс ўша ақчани, сўзсиз, йиғади.

Бироқ тез орада шу нарса маълум бўлдики, ўртада эътиборга олинishi керак бўлган бошқа майда-чуйда харажатлар ҳам бор экан: йўлқираси, Утика ва бошқа шаҳарларда яшашига кетадиган чиқимлари, Денверга, эрига юбориб туриши лозим бўлган пулларни-ку, айтмаса ҳам бўлади – эрининг кун ўтказишга ҳам ҳоли йўқ эди, бунинг устига оила елкасига тушган фожиали кулфатдан куйиб, у оғир дардга чалиниб қолди, шу сабабли Фрэнк ва Жулияларнинг хатлари кун сайин ваҳималироқ бўлиб келаётган эди. Афтидан, энди у бутунлай тузалмайдиганга ўхшайди, деган хавф ҳам бор эди. Уларга ёрдам бериш зарур эди.

Шундай қилиб, миссис Грифитс ўзининг ана шу ягона даромад манбаидан шахсий ишларига харжлашдан ташқари яна қайта-қайта олиб тураверишга мажбур бўлар эди. Клайднинг аҳволини ҳисобга олса, унда бу бир даҳшат эди, лекин охири бориб қолиб чиқиши учун ўзининг бутун кун-қувватини аямаслик миссис Грифитснинг бурчи эмасми, ахир?! Бу ёқда Клайдни деб эрини бутунлай унутиб қўйиши ҳам унчалик тўғри эмас, албатта.

Лекин унинг маърузаларига борган сари камкам одам йиғилиб (орадан бир ҳафталар ўтгач, у атиги ўн-ўн беш киши олдида гапира бошлади), ўзи эса ейиш-ичишидан қирқиб, бир амал-

лаб кун ўтказса ҳам, аммо шунга қарамай, барча чиқимхаражатлардан орттириб, бир минг бир юз долларни жамғариб қўйишга муваффақ бўлди.

Айни шу, бошига энг қийин иш тушиб турган бир пайтда, у Фрэнк билан Жулиядан телеграмма олиб қолди, мабодо Эйсани у тирик кўришдан умиди бўлса, тезда уйга етиб бориши керак экан. Эрининг аҳволи жуда оғирлашган, афтидан санокли кунлари қолганга ўхшар эмиш. Бахтсизликнинг бу қадар ҳар томондан ёпирилиб келаётганидан эсанкираб, нима қилишини билмай қолган миссис Грифитс маслаҳат учун Белнеп билан Жефсонга қараб югурди, у Клайднинг ҳузурига баъзан ҳафтада бир марта, имконияти бўлганда эса икки марта бориб турар, шу кунда ўғлига бера олган бирдан-бир қувончи ҳам аслида шу эди, шунинг учун уни ташлаб кетишга кўзи қиймас эди.

Ҳурматли адвокатлар эса, миссис Грифитс меҳнати билан йиғилган бир минг бир юз доллар пул қўлларида нақд турганини кўришиб, бирдан одамгарчиликлари тутиб кетди-ю, унга эрининг олдига боришни маслаҳат солишди. Клайднинг аҳволи ҳозирча унчалик ёмон эмас, чунки ишни қайта кўрувчи идора зарур қоғозлар ва ҳужжатларни сўрагунча орадан ўн ой ёки бир йилча вақт ўтиб кетади. Сўзсиз, янги қарор чиққунча эса яна бир йил ўтади. Шу давр ичида миссис Грифитс норозилик билдиришга кетадиган чиқим-харажатларни қоплаш учун зарур бўлган қолган ақчаларни ҳам йиғиб улгуролса керак, ҳойнаҳой. Мабодо йиғолмаса ҳам майли, ташвишланиб ўтирмасин, бари бир Мистер Белнеп билан мистер Жефсон (улар миссис Грифитснинг қай даражада қийналиб, азобланиб кетганини мана, кўриб турибдилар) кўкракларини қалқон қилиб, унинг ўғлини ёқлаб чиқадилар. Улар норозилик аризасини топшира-

дилар, ҳимоя учун ҳужжатлар тайёрлайдилар ва умуман, ишнинг ўз вақтида ҳамда холисона кўриб чиқилиши учун зарур бўлган барча имкониятларни ишга соладилар.

Шундай қилиб, гўё унинг елкасидан катта тоғ ағдарилгандай бўлди. Клайднинг ҳузурига яна икки марта бориб, уни тезда – Эйса тузалиши ва янгитдан пул топиши биланоқ – тағин келишига ишонтирди-ю, Денверга қараб жўнади, у ерда ҳатто ўзи етиб келган бўлса ҳам, аммо чоли ҳадеганда тузалмаслигига дарров кўзи етди.

Клайд эса ўзи тушган руҳий жаҳаннамда бир амаллаб кун кечиришга кўникмоқчи бўлиб, ўй ўйлаб, вақт ўтказар эди, у яшаётган уй тепасига ҳам Данте дўзахи пештоқига ёзилганидек: «Кимки бу ерга қадам босса, умидини узаверсин» деган сўзларни битиб қўйиш мумкин эди.

Бундан буёнига шу кўргилик энди. Бемаъни, чидаб бўлмас зулм бу. Жасурлар ва қўрқоқларни ҳам, майнабозчиликка мойиллар ва бутунлай сезгисизларни ҳам (ҳатто шундайлар ҳам бор эди), умуман, ўйлаш ва кутишга мажбур этилганларнинг бари-ни, доимий равишда даҳшат ва ғам-ҳасрат қаттиқ эзиб турар эди. Чунки шу ғоят шафқатсиз, оғир турма шароитида Клайд турли хил миждозга эга ва турли миллатдан иборат бошқа йиғирма маҳбус билан ҳарқалай юзма-юз бўлмаса-да, бироқ маънавий алоқа қилишга мажбур эди, уларнинг ҳар бири ҳам худди Клайд сингари ўзининг бирор-бир эҳтироси ё ожизлиги ёки қалтис вазият қаршисида ўзини тутиб тура олмаган одамлар эдилар. Пировард натижада улар зўриққан руҳий ва жисмоний жазавага қул бўлиб, қилган ишлари қотиллик билан тугаган эди, кейин қўлга тушиб, ҳибсга олиниб, не-не азоблар билан адлиявий ва маънавий томондан ўзларини қутқариб қолишга уриниб, бу

орада қанча-қанча босқичлардан ўтиб, охири ҳам-малари мана шу ерга келтириб ташланган ва йигирма иккита темир қафас ичига тиқиб қўйилган-ларича нимани ҳам кутишар эди, хўш? Эҳ, нимани кутаётганларини улар жуда ҳам яхши билишар эди, Клайд ҳам яхши билар эди. Бу ерда тутқаноқ тутиб қутуришлару, умидсизлик ва хурушга кириб ибодат қилишларни ҳам кўриш ва эшитиш мумкин эди. Баъзан эса, тана ва ҳолдан тойган юрак бечора бир оз ором олиши керак бўлган тун ярмида ҳам сўкиниш, қўпол ва уятсиз ҳазиллар, узундан-узоқ шанғиллаб айтилган ҳикоялар, шаҳвоний кулги ёки оҳ-воҳу инграшлардан асаб таранглашиб кетар эди.

Узун марказий йўлакнинг охирида сайр этишга мўлжалланган кичик бир майдонча бор эди, маҳбусларни оёқларининг чигилини ёзиб, соф ҳаводан нафас олишлари, сал-пал бадантарбия қилиб ёки ҳатто кайфияти борлари эса хиёл чошиб, сакраб-сакраб қўйишлари учун беш-олти кишидан гуруҳ-гуруҳга бўлиб, кунига икки мартадан соат ўн ва беш ўрталарида ўша жойга чиқаришар эди. Лекин шуларнинг бари соқчиларнинг қаттиқ назорати остида олиб борилар, мабодо исён кўтариб қолингудек бўлса, дарров уни бир ёқлик қилиш учун атайлаб соқчилар кўпайтириб қўйилган эди. Клайдни ҳам турмага тушган иккинчи кунидан бошлаб ҳар кун бошқа-бошқа гуруҳга қўшиб, ўша ерга олиб чиқа бошлашди. Аммо дастлабки пайтларда у бунақанги бемаъни эрмак-овунчоқларга сира қўшилмайман, деб ўйлар эди, қаёққа қарасанг, муқаррар ҳалокат сезилиб турган мана шундай шароитда ҳам, афтидан, бошқа маҳбусларга унча-мунча кўнгилхушликлар ёқадиганга ўхшаб кўринар эди.

Қоп-қора кўзли иккита италиялик ҳам бор эди; уларнинг бири ўзига тегишни истамаган қизни

сўйиб қўйган экан; иккинчиси эса қайнатасининг пуллари ўзи ва хотинини тинч қўймагани учун, чолнинг мол-дунёсини ўмариб, ўзини ўлдириб, сўнгра жасадни куйдириб юбормоқчи бўлган экан. Кейин калладор, елкалари чорпаҳил, қўл ва оёқлари бесўнақай, баҳайбат жуссали Лэрри Донехью деган киши ҳам бор эди, у жазо қўшинларининг собиқ аскарлари экан, Бруклиндаги фабрикалардан бирининг қоровуллиги вазифасидан ҳайдалгандан сўнг ўзини бўшатган директорни тунда пойлаб туриб, ўлдирибди, лекин эҳтиётсизликка йўл қўйиб жиноят қилинган жойда ҳарбий медалини тушириб қолдирибди, сўнгра ўша медаль орқали уни топиб, тутиб олишибди. Шуларнинг барини Клайд иккита турма назоратчисидан эшитди, улар галма-галдан саккиз соатда бир алмашилиб қоровуллик қилишарди; маҳбусларга мутлақо бефарқ, лекин умуман олганда, анча-мунча рўйхушлик билан қарашарди. Яна маҳбуслар орасида Райордан исмли полиция офицери ҳам бор эди, у Рочестердан эди; Райордан, сен билан энди турмайман дегани учун хотинини ўлдирган экан, энди эса мана, ўзи ҳам ўлиши керак. Клайд биринчи келган тунда оҳ-воҳини эшитган анави «фермер» Томас Маурер эса, аслида фермада батрак бўлиб ишлаб, хўжайинига паншаха санчиб ўлдирган экан: унинг қата этилишига саноқли кунларгина қолибди, Клайдга шундай деб айтишди, ташқарига айлангани чиққанда у бошини эгиб, қўлларини орқасига қўйганча деворнинг нақ остида у ёқдан-бу ёққа тинмай юрар, ўттиз ёшлардаги бақувват, бесўнақай, кўринишидан обдан эзилган ва юрак олдириб қўйган одамга ўхшардики, бир қарашда уни жоҳил ва қотил, деб ўйлаш ҳам ҳатто тасаввурга сизмас эди. Клайд унга қараб туриб: наҳотки, у чиндан ҳам гуноҳкор бўлса, деб ўйлар эди.

Сўнгра, қирқ ёшлар чамасидаги барваста қоматли, келишган, ташқи қиёфаси билан бошқалардан бутунлай ажралиб турадиган буффалолик адвокат Миллер Николсон ҳам шу ерда эди; у нозик дидли зиёли бўлиб, Клайд каби у ҳам сира қотилга ўхшамас эди, бироқ шунга қарамай, у бадавлат бир мўйсафидни заҳарлаб, кейин мол-дунёсига эга чиқмоқчи бўлганликда айбланиб, жазога тортилган эди. Кўринишига қараб туриб, унинг қўлидан шунчалар машъум ёвузлик келганига мутлақо ишониш қийин эди, ҳарқалай Клайднинг назарида шундай туюлди.

У хушмуомала, илтифотли киши эди. Клайдни кўриб, биринчи кўни эрталаб олдига келган ва шу қадар меҳрибон хайрихоҳ бир оҳанг билан: – Кўрқмаяпсизми? – деб сўраган эдики, Клайд гарчи даҳшатга тушиб бутунлай қотиб қолган, ҳатто қимирлашга, ҳатто ўйлашга қўрқиб турган бўлса ҳам, бу оҳангни сезмай қолмаганди.

Клайд бу кўрқув туйғусига таслим бўлиб ва энди тамом бўлишига ақли етиб:

– Ҳа, кўрқаётганга ўхшайман, – деб жавоб берди.

Кейин ўша заҳотиёқ ўзининг тубан эътирофидан ўзи ҳайратга тушиб, айна шу одамда кишига қандайдир далда берувчи бир меҳригиё борлигини тушунди-ю, айтган сўзидан афсусланди.

– Сизнинг фамилиянгиз – Грифитс, шундай эмасми?

– Ҳа.

– Меники эса – Николсон. Кўрқманг. Тезда ўрганиб кетасиз.

У сўник бир эркаловчи жилмайиш билан кулиб қўйди, аммо кўзларида эса кулгидан асар ҳам йўқ эди.

– Э, йўқ, унчалик кўрқаётганим йўқ, – деб эътироз билдирди Клайд, шу билан ўйламай айтган,

биринчи жавобидан қолган таъсирни сийпалаб юбормоқчи эди.

– Ҳа, унда дуруст. Қовоғингизни уйманг. Биз ўзимизни бардамроқ тутишимиз керак, акс ҳолда бу ерда ақлдан озиш ҳам ҳеч гапмас. Яхшиси, соф ҳаводан кўпроқ фойдаланиб қолишга ҳаракат қилинг. Тез-тез юринг. Ўзингиз ҳам кўрасиз, бу жуда фойда беради.

Николсон уч-тўрт қадам нарига борди-да, кўлини ўйнатиб турли хил машқлар қила бошлади, Клайд эса ҳали ҳам эсанкираганча, турган жойида қотиб турар, деярли овозини чиқариб юборгудек бўлиб: «Биз ўзимизни бардамроқ тутишимиз керак, акс ҳолда бу ерда ақлдан озиш ҳам ҳеч гапмас», деб такрорлар эди. Энг тўғриси ҳам шу, турмада ўтказган биринчи кечасидаёқ у буни сезмаганмиди, ахир? Чиндан ҳам нақ ақлдан озиш мумкин. Ёки ўзгалар фожиасини доимо кузатиш, унинг даҳшатли, дилни кемирувчи азоби остида ўлгандан ҳам баттар аҳволга тушиш ҳам ҳеч гап эмас. Лекин бунга у қачонгача чидай олади, ахир? Ҳар қанча бўлганда ҳам кучи қаергача етарди?

Аммо орадан бир-икки кун ўтгач, Ажал уйида кўрганларининг бари ҳам, аввал ўйлаганидек, у қадар жирканч эмаслигига ишонч ҳосил қилди; бу ердаги кўп нарсалар – жуда бўлмаганда, сиртқи кўринишига қараганда унчалик мудҳиш эмас эди. Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир маҳбус вужудини эзиб турган ўлим соатининг яқинлигига қарамай, бу ерда ҳам ҳазил-ҳузул қилишар, кулишиб, майна-возчиликка ўтишар, ўйнашар, ўлимдан тортиб ҳатто аёллару спортгача бориб тақалувчи ақлга сиққан барча мавзуларда ўзаро тортишишар, инсоний топқирлик ёки нодонликнинг турли соҳаларида баҳслашиб кетишар, шуларнинг ҳаммаси ан-

ча-мунча ибтидоий бир тарзда, шу ердагиларнинг ақли ета олган даражада бўлар эди.

Наҳорги овқатдан кейин биринчи гуруҳга тушиб, ташқарини айланиб келганлар, одатда ўзларини шашка ёки қарта ўйинига уришар эди. Бунинг учун ўйинчилар камераларидан чиқиб, шашка атрофида икки кишилашиб ўтириб олишлари ёки рақибларга бир қўлдан қарта сузиб беришлари шарт эмас эди: йўқ, турма хизматчиси ҳар бир маҳбусга шунчаки биттадан шашка тахтчасини улашар эди-ю, аммо уларда шашка тошлари бўлмас эди, Чунки у тошларнинг кераги ҳам йўқ эди. Ўйинчилардан бири биринчи юришни эълон қилар эди: f2 – e1. Катаклардаги ётиқ қаторларнинг бари рақамлар билан, тик қаторлар эса ҳарфлар билан белгилаб чиқилган эди. Юришларни қаламда ёзиб олишарди.

Иккинчи ўйинчи ўз тахтчасига рақибнинг юришини ёзиб, бу – вазиятга қандай таъсир этганини ўрганиб чиққач, ўз навбатида у ҳам: e7 – f5, деб эълон қилар эди. Мабодо, у ёки бу томонда туриб ўйинда қатнашмоқчи бўлган ишқибозлар чиқиб қолса, ҳар бирига биттадан тахтача ва қалам берилар эди. Ана шунда, масалан, «Голландиялик» Суигхортнинг ютишини истаган, ўзи эса ундан уч камера нарида ўтирган «Пакана» Бристолнинг:

– Ундай юрма, голландиялик. Сал сабр қил, бу ерда тузукроқ йўл топиш мумкин, – деган овозини эшитиш мумкин эди.

Ўйин қичқириқлар, бир-бирини масхаралаш, қаҳқаҳа уришлар, ҳар бир хато ёки тўғри юрилган йўл устида баҳслашишлар билан ўтар эди. Қартани ҳам худди шундай ўйнашар эди. Бунда ҳам ўйинчилар ўз камераларидан чиқишмас, лекин ўйинга қизиқиш эса бари бир кучли эди.

Аммо Клайд қартани ёмон кўрар, соатлаб давом этадиган қўпол сафсаталарни жини ёқтирмас эди. Фақат биргина Николсондан ташқари бу ердаги ҳамма маҳбуслар уятсиз ва ҳақоратомиз ибораларни қалаштириб ташлашар, бу эса Клайдни ниҳоятда азобга солар эди. У Николсон билан бирга бўлишга интиларди. Орадан хийла вақт ўтгач, Клайднинг назарида, ўзининг адвокатга яқинлиги, бир гуруҳда сайрга чиққан пайтларидаги дўстона суҳбатлари шу қийноқларга чидаб кетишига ёрдам берадигандек бўлиб туюла бошлади. Турмада яшовчилар ичидаги энг зиёли, энг одамшаванда маҳбус шу Николсон эди. Қолганлар эса ундан осмон билан ерча фарқ қилишар: улар чурқ этмай қовоқларини осилтириб юришар ёки кўпинча гап сотишар, аммо уларнинг гаплари Клайдга жуда ҳам тушкун, дағал ёки маъносиз бўлиб туюлар эди.

Клайднинг бу турмага келганига ҳам икки ҳафтача бўлиб қолди ва Николсон туфайли ўзини анча-мунча бардамроқ тутта бошлади, лекин бу орада Бруклинда яшаган италиялик Паскуале Кутроненнинг қатл этиладиган куни етиб келди, у хотинини йўлдан урмоқчи бўлгани учун ўз акасини ўлдирган эди. Паскуале йўлкалар кесишган жойдаги камералардан бирини эгаллаган бўлиб, қўрққанидан бир-икки марта ақлдан озиб ҳам қолганини Клайд эшитган эди. Ҳар ҳолда уни бошқаларга қўшиб ташқарига олиб чиқишмас эди. Аммо Клайд унинг юзини яхши эслаб қолди, у бир куни ёнидан ўтиб кетаётганида Паскуаленнинг аянчли, ориқ кўзларидан оғзига қараб кетган икки чуқур из – турма азобларидан ортган ажинлар билан гўё учга бўлингандай туюлган юзини кўрган эди.

Ўша, Клайд турмага келтирилган куни кечқурун Паскуале бирдан кечаю кундуз тўхтовсиз ибодат

қилишга тушди. Кейин маълум бўлишича: унга янаги ҳафтада қатл этилишини айтишган экан. Шундан сўнг, у камерада эмаклаб юриб, ерни ўпиб, кичкинагина бронза бутдаги Исонинг оёқларини ялай бошлади. Италиядан етиб келган укаси ва сингиси бир неча марта уни кўргани киришди, шунда улар билан учрашиш учун Паскуалени эски Ажал уйига олиб чиқишди. Бироқ ақдан озган Паскуале энди ўз жигарларини ҳам бутунлай танимай қолган эди, атрофдагиларнинг бари шу ҳақда шивир-шивир гаплашишар эди.

Шу учрашув соатларидан бошқа пайтларда у эртаю кеч, куну тун у ёқдан бу ёққа эмаклаб, гўлдир-гўлдир дуо ўқир, ухлай олмай китоб ўқиб вақт ўтказаяётган маҳбуслар эса унинг валдир-вудур алжирашлари-ю, тўхтовсиз равишда «Ё, худо» ва «Биби Марям» деб тасбеҳ ўгиришларини эшитаве-риб, жуда безор бўлиб кетишган эди.

Шунинг учун ҳамма вақт бўлмаса-да, аҳён-аҳён-да қаердандир: «Э, худо-ей, салгина ухласа нима қилар экан-а!» деган бетоқат овоз эшитилиб қолар эди. Яна гуп этиб ерга бош уриш, яна дуо ўқиш, хуллас, шу аҳвол то қатл арафасигача давом этди, сўнгра Паскуалени эски Ажал уйига олиб ўтишди, у ерда Клайд кейинроқ билса, видолашадиган кишилари бор маҳбуслар билан охирги видолашувлар бўлар экан. Бундан ташқари, ўз руҳини яратган парвардигорга ҳадя этишга тайёрланиши учун уни бир неча соатга тинч ва ёлғиз қолдиришар эди.

Лекин ўша кеча шу машъум уйда турувчиларнинг барини ваҳимали кайфият эгаллаб олди. Деярли ҳеч ким тушки овқатга қўл узатмади, патнисларни ўша ҳолича яна қайтариб ташиб кетишди. Камералар гўристондек жимжит эди, фақат ўзининг қисмати ҳам яқин орада шу тариқа тугаши-

ни билган айрим маҳбусларгина мингиллаб дуо ўқишарди. Кейин банк қоровулини ўлдирганлиги учун жазога тортилган бир италияликнинг тутқаноғи тутиб қолди: у бўкириб, курси ва столини панжара темирига уриб синдириб ташлади, тўшагидаги чойшабни парча-парча қилиб йиртди, ҳатто ўзини бўғиб ўлдирмоқчи ҳам бўлган эди, уни боғлашиб, турманинг бошқа томонига қараб кўтариб кетишди, у ерда врач кўриб, унинг ақли жойи-дамаслигини аниқлаши керак эди.

Қолганлар эса бу тўс-тўполон вақтида камераларида у ёқдан-бу ёққа югуриб, тинмай дуо ўқишар, айримлари эса турма назоратчиларини чақириб, тартиб ўрнатасизларми ёки йўқми, деб талаб қилишар эди. Клайд бўлса бунақанги нарсаларни умрида бошидан сира ўтказмагани ва тасаввур ҳам қилолмагани учун кўрқиб кетгани ва ижирғанганидан дағ-дағ титрар эди. Паскуале Кутроне ҳаётидаги мана шу охирги тунда, Клайд то эрталабгача ўз каравотида ётганча нуқул босинқираб чиқди. Бу ердаги ўлим, қарангки, қанчалар даҳшатли бўлар экан-а: одамлар бўкиради, дуо ўқийди, ақлдан озади, лекин мудҳиш қатл эса ҳеч нарсани писанд билмай, ўз мавриди билан давом этаверади. Соат ўнларда ҳозирги тирик қолганларни тинчитиш мақсадида енгил-елпигина емиш келтиришди, аммо Клайднинг рўпарасидаги хитой маҳбусдан бошқа ҳеч ким тамадди қилмади.

Эртаси кун саҳарда, роппа-роса тўртда, турма хизматчилари ўзларининг ёвуз вазифаларини адо эта туриб, бош йўлакка секингина келишди-да, эски Ажал уйидан чиқиб, қатл бўлмасигача ўтиб борадиган машғум маросимни ҳеч ким кўрмаслиги учун камера панжаралари олдидаги офир

яшил пардаларни тортиб-тортиб қўйишди. Лекин ҳар қанча эҳтиёткорлик қилишмасин, Клайд ҳам, бошқа маҳбуслар ҳам биринчи тиқ этган овоздан уйғониб кетишган эди.

Мана, қатл деганлари! Ажал соати занг урди. Бу бир ишора. Қўрқув ё афсус оқибатида ёки табиатан тақводор бўлган ва шунинг учун диндан мадад ҳамда далда излаган маҳбуслар тиз чўкканларича, худога сифинишар эди. Қолганлар эса – баъзилари шунчаки камерада айланиб юрар, баъзилари ўзларича нималарнидир алжирашар эди. Бошқалар бўлса даҳшатдан жонсарақ аҳволга тушганларича бирдан додлаб юборар эдилар.

Клайд эса росмана меровлашиб, эсини йўқотиб қўйган эди. Ҳатто фикрлари ҳам қотиб қолгандай эди. Ҳозир анави, нариги хонада одам ўлдиришди. Курси, биринчи кундан бошлабоқ кўз ўнгидан совуқ шарпадек сира нари кетмаган ўша курси худди шу ерда, ҳув анави ерда турибди. Лекин, ахир онаси ҳам, Жефсон ҳам Клайднинг муддати келишига ҳали анча борлигини айтишган-ку, шунда ҳам агар... ўша муддат умуман келадими-йўқми ҳали... агар... агар...

Аллақандай галати овозлар эшитилди. Йўлакда кимлардир у ёқдан-бу ёққа юришар эди. Ҳў олисда камера эшиги гурсиллади. Эски Уйнинг эшиги очилган эди, ҳа, худди ўша эшик, чунки энди ана... аввалига олисдан келаётган гувуллашга ўхшаш... гўнғир-гўнғир овозлар қулоққа чалина бошланди. Ана, яна бир аниқроқ товуш, кимдир дуо ўқиётганга ўхшар эди. Таги кигиз пойабзаларнинг ваҳимали шип-шип эшитилди – қатл маросими иштирокчилари йўлакдан юриб кела бошлаган эдилар.

– Худо, ўзинг раҳм эт! Исо, ўзинг раҳм эт!

– Биби Марям! Шафқатли ва марҳаматли биби Марям! Раҳмдил она, мени дуо қил! Паноҳ фариштаси, мени дуо қил!

– Авлиё Марям, мени дуо қил! Авлиё Юсуф, мени дуо қил!

– Авлиё Амвросий, мени дуо қил! Барча авлиё-ю анбиёлар, мени дуо қилинглар!

– Авлиё Микоил, мени дуо қил! Паноҳ фариштаси, мени дуо қил!

Бу ўлимга ҳукм этилган маҳбусни кузатиб, унинг шаънига дуо ўқиб бораётган руҳонийнинг овози эди. Паскуале эса, айтишларича, бутунлай ақдан озиб қолибди. Йўқ, ана, унинг ҳам товуши келяпти. Ҳа, ўшанинг товуши. Клайд буни таниди. Чунки охирги кунларда у бу овозни жуда кўп эшитган эди. Ана, ҳозир анави, нариги эшик очилади. Ўлимга ҳукм этилган одам ҳадемай, ҳадемай... ичкарига киради-ю, анави темир қалпоқни... анави камар-боғичларни кўради... ҳаммасини кўради. Оҳ, Клайд энди уларнинг қандайлигини яхши билади, эҳтимол, у ўша қалпоқни умрбод киймас... эҳтимол...

– Алвидо, Кутроне! – шу орадаги қайсидир бир камерадан бўғиқ, ожиз бир овоз эшитилди. Аниқ қайси камераданлигини эса Клайд ажратолмади. – Жойинг жаннатда бўлсин!

Ўша заҳоти бошқалар ҳам қўшилишди:

– Алвидо, Кутроне! Инглиз тилида гапирмасанг ҳам, худо паноҳида асрасин сени!

Қатл маросими иштирокчилари йўлакдан ўтиб кетишди. Анави эшик ҳам қарсиллаб ёпилди. Паскуале энди ўша ерда. Балки уни ҳозир камар билан чирмаб боғлашаётгандир. Ўша жинни бўлиб қолган бечорадан, сўнгги бор айтадиган бирор-бир гапинг йўқми, деб сўрашаётгандир. Энди, ҳойнаҳой, камар боғичларини маҳкам тор-

тишган бўлса керак. Темир қалпоқни кийдириш-гандир. Яна сал дақиқадан сўнг, сал дақиқадан сўнг, қарабсизки...

Шу пайт – гарчи буни Клайд ўша заҳоти сезмаган ёки тушунмаган бўлса-да – камералардаги, йўлаклардаги, бутун турмадаги чироқлар бирдан лип этди: кимнингдир аҳмоқлиги ёки калтафаҳмлиги оқибатида электр курсисига борадиган қувват ҳам умумий токка уланган эди. Ўша ондаёқ кимдир:

– Мана у. Тайёр. Асфаласофилинга кетди бечора, – деди.

Бошқа бирови:

– Ҳа, энди бу ёруғ дунё билан ҳазиллашиб бўлди у, – деди.

Орадан бир дақиқа ўтгач, чироқлар яна липиллади, ярим дақиқадан сўнг тагин икки марта липиллади.

– Шунақа. Мана тамом бўлди.

– Ҳа. Энди у нариги дунёда нималар бўлаётганини томоша қияпти.

Кейин бамисоли гўристондагидек оғир жимжитлик чўкди. Фақат ҳар замон-ҳар замонда кимнингдир шивир-шивир дуо ўқиётгани қулоққа чалиниб қолар эди. Аммо Клайдки қандайдир ваҳимали, совуқ бир титроқ азоблар эди. У йиғлаш у ёқда турсин, ҳатто ўйлашга ҳам юраги дов бермас эди. Демак, шу қадар даҳшатли бўлар экан-да... Яшил пардалар беркитиб қўйилар экан. Кейин эса... кейин... Паскуаледан мана энди асар ҳам йўқ. Уч марта чироқ липиллаб қўйди. Ўшанда ток юборишаётган пайти эди, бу аниқ билинди. У бўлса охирги тунлари ибодатдан сира бош кўтармаган эди! Қанчалар инграган эди! Бошини ерга уриб, қанча-қанчалаб саждалар қилган эди! Атиги бир дақиқа илгари

у ҳам тирик эди – анави ердан, йўлакдан ўтиб бораётган эди. Энди бўлса ўлиб ётибди. Бир кун келиб Клайд ҳам... у ҳам... ахир, шундай бўлмаслигининг кафилигини ким ҳам олиши мумкин? Шу нарса юз бериши мумкин-ку, ахир!

У юзини ёстиққа буркаб олиб ётганча тинмай қалтирар эди. Кейин турма назоратчилари келиб, пардаларни очиб қўйишди – улар шу қадар хотиржам, дадил ва чаққон ҳаракат қилишар эдики, гўё дунёда ҳеч қандай ўлим ҳам бўлмагандай эди. Сўнгра Клайд йўлакда ғўнғир-ғўнғир овоз эшитди; ундан эмас – чунки у шу пайтгача ҳам ўзича тумшайиб, ҳадиксираб юрар эди – қўшниларида би-ронтасидан ниманидир сўрашаётган эди.

Бечора Паскуале! Қани энди ўлим ҳукми бутунлай ман этиб ташланса эди. Турма бошлигининг ўзи ҳам шундай фикрда экан. Маҳбуслар ҳам. Турма бошлиғи ҳатто шу ҳақда у ёқ-бу ёққа учрашиб юрган ҳам эмиш.

Оҳ, шўрлик, Кутроне, Кутроне! Қанчалар худога сизинган эди-я! Энди бўлса, у йўқ. Камераси бўш турибди, тез кунда унга бошқа биронтасини келтириб тиқишади, эртами ёки кечми у ҳам худди ўшандай йўқ бўлади. Шу ерда, айна мана шу камерада илгари ҳам бошқа одам турган... унга, Кутронега ўхшаш яна бошқалари ҳам шу ерда кун ўтказишган... улар ҳам нақ мана шу каравотларда ётишган. Клайд туриб, стулга бориб ўтирди. Лекин ўша олдингилар... ҳам мана шу стулда ўтиришган. У сапчиб туриб кетди-да, яна каравотга бориб ўзини отди. Э, худо! Э, худо! Э, худо! – у ичида шу сўзларни такрорлай бошлади ва бирдан уни биринчи марта ниҳоятда қўрқитиб юборган анави маҳбусни эслаб кетди. У ҳозирча тирик. Аммо, ҳадемай у ҳам кулга айланади. Қолганларнинг бари ҳам худди ўшандай

қисматга дучор бўлишади... Эҳтимол, Клайд ҳам, агар фақат... агар фақат...

Бу Клайднинг кўз ўнгида юз берган биринчи қатл эди.

XXXI БОБ

Шу орада Эйса ҳадеганда тузалавермади, ҳатто туриб ўтирадиган ҳолга келгунича ҳам орадан тўрт ой ўтиб кетди, шундан кейин миссис Грифитс яна ўз маърузалари хусусида ўйлай бошлади. Лекин бу пайтда унга ва ўғлининг тақдирига бўлган одамларнинг қизиқиши анча сусайиб қолган эди. Денверда миссис Грифитснинг сафарини ўзига моддий жиҳатдан фойдали деб ҳисоблаган биронта ҳам газета топилмади. Жиноят содир бўлган райондаги аҳоли масаласига келганда эса, тўғри, улар ҳали ҳамма ишни бошдан-охир яхши эслашар, миссис Грифитснинг ўзига ачиниб қарашар, аммо ўғлини-чи, деярли ҳамма одамлар муносиб жазосини олган жиноятчи деб билишар, шунинг учун норозилик билдириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ, мабодо билдирилган тақдирда ҳам, у рад этилиши керак, деб ҳисоблашар эди. Вой, бу жиноятчилар-ей, норозилик билдиришни намунча яхши кўришмаса-а!

Клайд яшаётган шу совуқ маконда эса қатл деган нарса кетма-кет давом этаверар, лекин бунга бари бир ҳеч ким кўниколмас эди, Клайд даҳшатга тушган кўйи ҳар гал шу ҳақда ўйлаб, сира ўйига етолмас эди. Хўжайинини ўлдирган батрак Маурер, хотинини ўлдирган офицер Райордан ҳам қатл этилдилар, Райондан жон беришига ҳатто бир дақиқа қолгунча ҳам ўзини шу қадар мардларча тутдики! Сўнгра ўша ой ичида иши негадир жуда ҳам чўзилиб кетган хитой маҳбуснинг навбати

етиб келди (у қатлга бораётганида ҳеч ким билан видолашмади ҳам, ваҳоланки, у беш-олти инглиз сўзини билишидан бошқалар хабардор эдилар). Унинг кетидан жазо армиясининг аскарари Лэрри Донэхью қатл этилди; у ичкарига киргач, эшик ёпилишидан олдин:

– Алвидо, йигитлар! Бахт тилайман! – деб қичқирди жасурлик қилиб.

Кейин эса..: оҳ, бу Клайд учун энг даҳшатли ва энг офир воқеа эди – бундан буён гўё бу аянчли турма бўйинтуруғини судраб юришга мадори ҳам етмайдигандай туюлди Клайднинг назарида – Миллер Николсоннинг навбати етиб келди. Шу беш ой ичида улар бирга юриб сайр этишга ўрганиб қолишган, баъзан камераларида ўтирганларича ўзаро гаплашишар, Николсон унга қандай китобларни ўқишни ҳам тавсия этар эди, яна у, агар иши қайта кўрилгудек ва иккинчи марта суд ўтказилгудек бўлса, Клайдга ниҳоятда қимматли бир маслаҳат ҳам берди, бу маслаҳат шундан иборат эдики, бор имкониятларни ишга солиб бўлса ҳам, Роберта хатларининг кўпчилик ичида очиқ ўқилишига қарши чиқиш керак экан, чунки уларнинг таъсиридан ҳаяжонланган ҳар қанақанги гуруҳ суд маслаҳатчилари ҳам ўша хатларда тилга олинган далилларга одиллик билан, холисона баҳо беролмас эканлар, шунинг учун хатларнинг барини бошдан-охир ўқиб бериш ўрнига асосий мағзини териб-териб чиқиб, фақат ўшаларнигина суд маслаҳатчилари эътиборига ҳавола этиш зарур экан.

– Агарда адвокатларингиз шу талабнинг ҳаққонийлигига юқори судни ишонтира олсалар, ютиб чиқдим деяверинг.

Клайд ўша заҳотиёқ Жефсон билан учраштиришларини талаб қилиб, бу фикрни унга гапириб берган эди, Жефсон уни бутунлай оқилона фикр

деб тан олди ва Белнеп иккалови норозилик шикоятини тузатаётганларида ундан сўзсиз фойдаланажакларини айтди.

Лекин бир марта Клайд ташқарини айланиб келгандан сўнг, турма назоратчиси уни камерасига қамай туриб, Николсон камераси томонга бошини ирғади-да:

– Эндиги навбат уники, – деб шивирлади. – У сизга айтдимми? Уч кундан кейин.

Клайд сесканиб тушди – бу хабар худди қаҳратон аёздек баданини музлатди. Ҳозиргина улар ташқарида бирга айланишиб, бугун келган янги маҳбус – утикалик венгер тўғрисида сўзлашишган эди, у ўйнашини печкада ёқиб юбориб, кейин ўзи тан олибди. У баҳайбат, нодон, дағал, турқи совуқ бир галварс йигит эди. Николсон унда одамдан кўра, ҳайвонлик хусусияти кўпроқ, деб айтди. Лекин ўзи ҳақида эса у лом-мим ҳам демади. Уч кундан кейин-а! У бўлса, гўё айтарли ҳеч нарса юз бермайдигандай бемалол айланиб, гаплашиб юрибди, ҳолбуки, турма назоратчисининг сўзига қараганда, уни шу орада огоҳантириб ҳам қўйишган экан.

Эртаси куни ҳам у ўзини худди ўшандай тутди: майдончани айланиб, гўё ҳеч нарса бўлмагандай чақчақлашиб, осмонга тикилганча соф ҳаводан нафас олиб юраверди. Ўша шум фикрнинг ўзиданоқ бутун тун бўйи мижжа қоқмай чиққан Клайд эса у билан ёнма-ён борар экан, ўзини ниҳоятда эзилган ва хаста одамдек ҳис этар, бу ҳақда гап очишга эса юраги бетламаганидан, нуқул: «Яна бемалол айланиб юрибди-я! Қайси юрак билан ўзини бунчалик хотиржам тутаётганикин? Қанақанги одам ўзи бу?» деб ўйлар ва эҳтиром аралаш қўрқувдан бутун вужуди қошиб қолаётгандай эди.

Эртаси куни эрталаб Николсон ташқарига чиқмади: у камерасида ўтириб, ўз номига турли томондан келган даста-даста хатларни йирта бошлади. Тушга яқин ўзидан икки камера берида ўтирадиган Клайдни чақирди:

– Мен бу ерда сизга эсдалик учун у-бу нарсаларни жўнатаяпман.

Ўзини нима кутаётгани ҳақида эса бир оғиз ҳам чурқ этмади.

Назоратчи Клайдга «Робинзои Крузо» ва «Минг бир кеча» деган иккита китобни келтириб берди. Кечқурун Николсонни эски Ажал уйига олиб ўтишди, тонг саҳарда эса яна одатдаги маросим такрорланди: яшил пардалар, қатл маросими иштирокчиларининг ваҳимали қадамлари – буларнинг ҳаммаси Клайдга энди ёд бўлиб кетган эди. Аммо бу гал у шуларни кўрганда мутлақо бошқача, юрак-юрагидан куйиб-ўртаниб кетди. Эшик ёпилиши олдидан яна овоз эшитилди:

– Ҳаммангизни худо паноҳида асрасин, дўстлар! Шу ердан эсон-омон чиқиб кетинглар, илойим.

Сўнгра ҳамма ёқни одатдагидек жимжитлик қоплади.

Клайд учун ғоят оғир ёлғизлик онлари бошланди. Энди озми-кўпми унга яқин бўлган ҳеч кими, биронта кишиси ҳам қолмаган эди. У фақат ўй ўйлаши, ё ўқиши ёки ўзини атрофдагиларнинг гапига қизиқиб қараётгандай кўрсатиши мумкин эди, холос, аслида эса уларнинг гапига у ўлса ҳам қизиқмас эди. Клайднинг ақлу фаросати шундай эдики, агар у ўзининг бахтсиз тақдирдан хаёлан бўлса ҳам сал чалғиса борми, уни ҳаётий муаммолардан кўра кўпроқ хаёлпарастлик эргаштириб кетар эди. У ўзича орзу қилган ҳавойи турмушни акс эттирувчи енгил романтик асарларни ҳақиқий ҳаётнинг аччиқ ситамла-

рини тасвирлаб берувчи китоблардан кўра афзалроқ кўрар эди, ўзининг турмадаги ҳаётини тасвирловчи китоблар тўғрисида-ю, гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Хўш, уни олдинда нима кутяпти ўзи? У шу қадар ёлғиз эдики! Фақат онаси, укаси ва сингиллари ёзган хатларгина бу ёлғизликни бўлиб турарди. Аммо-лекин Денвердаги ишларнинг бари чатоқ эмиш: Эйсанинг соғлиғи ҳали ҳам ўша-ўша, шунинг учун онаси қайтиб келишни хаёлига ҳам келтиролмаётган эмиш. У ҳам касал боқиб, ҳам бирор-бир жойда ишласа бўладиган қўшимча юмуш топмоқчи, масалан, диний мактабдан дарс олмақчи эмиш. Лекин у Сиракузада маъруза ўқиб юрган пайтида танишиб қолган ёш бир поп, ҳазрат Данкен Мак-Милланга мурожаат этиб, Клайднинг ҳузурига кириб туришни илтимос қилибди. У жуда ҳам меҳрибон, юраги кенг одам экан. Модомики, миссис Грифитснинг ўзи шу оғир кунларда ўфилгинасининг ёнида бўлолмаётган экан, аммо Клайд ўша ҳазратдан далда ва таянч топишига онаси қаттиқ ишонади.

Миссис Грифитс округ клерикал мўътабар зотларидан кўмак излаб юрган пайтларида – ҳаракатлари беҳуда кетганини айтган эдик – ҳазрат Данкен Мак-Миллан билан учрашиб қолган эди. Ҳазрат Мак-Миллан Сиракузадаги аниқ бир мазҳабга тааллуқли бўлмаган кичиккина мустақил черков жамоасини бошқарар эди. У навқирон ёшда эди, Эйса ва миссис Грифитснинг ўзига ўхшаб диний мартабаси бўлмаса ҳам кашишлик ишларини бажарар эди, бироқ унинг тақводорлик қуввати анча-мунча кучлироқ ва жозибалироқ эди. Миссис Грифитс бу ерларга келишидан олдиноқ, у Клайд билан Роберта ҳақида кўп ўқиган ва чиқарилган ҳукмни адолатли ва шубҳасиз тўғри, деб ҳисоблар

эди. Лекин миссис Грифитснинг бошига тушган кулфат ва унинг ёрдам излаб нақ ўзини ўтга, сувга ураётганини кўрганда юраги ортиқ чидолмади.

У ўзи ихлосманд одам эди. Юксак шоирона ва таъсирчан табиатига кўра, гарчи унинг шаҳвоний туйғулари сўник бўлсада, Клайдга қўйилган айб масаласидан чинакамига ҳаяжонга тушган шимолӣ ўлка фуқароларидан бири ҳам, айни мана шу Мак-Миллан эди. Эҳтирослар ва азоб-уқубатлар билан тўлиб-тошган Робертанинг хатларини қаранг-а! Унинг Ликург ва Бильцда кечирган аянчли ҳаётини айтингла! У миссис Грифитс билан учрашгунча шулар ҳақида озмунча бош қотирганмиди, ахир! Кичкинагина шоирона сокин бир муҳитдан чиққан Роберта ва унинг яқинлари афтидан шунчалик оддий ҳамда юксак фазилатлар эгаси экан-да?! Клайднинг гуноҳқорлигига иккиланишнинг гўё ҳожати ҳам йўқдай эди. Аммо бехос ораддан миссис Грифитс чиқиб қолди, у кулфатдан эзилиб адо бўлган эди, менинг ўғлимда гуноҳ йўқ, деб тасдиқлар эди. Қаердадир, турма камерасида эса ўлимга маҳкум этилганча Клайд ўтирибди. Бахтсизлик рўй берган шарт-шароитнинг ҳаддан ташқари мураккаблиги туфайли суд хатолигига йўл қўйилиши ва Клайднинг беғуноҳ маҳкум этилиши мумкинми?

Мак-Миллан ниҳоятда қизиққон – гапга кирмайдиган, мураса нималигини билмайдиган одам эди. У ҳозирги кунимизнинг бамисоли авлиё Бернари, Савонароллеси, авлиё Симеони, бугунги таркидунёчи Пётри эди. Ҳаёт, онг, тафаккурнинг ҳамма шакллари, ижтимоий муассасалар унинг учун худонинг сўзи, жумласи, нафаси эди. Фақатгина шундай, бошқача эмас. Бироқ унинг дунё ҳақидаги тасаввуридан жаннатдан ҳайдалган, иблисона қаҳр-ғазабли шайтон – Люцифер ҳам ўрин олган

эди. У Олий хутба ҳақида, авлиё Иоанн ҳақида фикр юритишни яхши кўрарди, авлиё Иоанн Исони кўрган бўлиб, унинг панд-насиҳатини қуйидагича тавсифлаган эди: «Ким мен билан юрмаса, у менга душмандир; кимки мен билан йиғиб-термаса, у исрофгардир». Умуман олганда, ҳазрат Мак-Миллан ер юзида етишиб бўлмайдиган адолат учун жон фидо этишга ҳам тайёр турган ўзига хос бақувват, серфазилат, майин, меҳрибон, ўзгача бир нафис қалбли инсон эди.

Миссис Грифитс у билан суҳбатлашаётганида, Робертанинг ҳам гуноҳи борлигини қайта-қайта эслатиб ўтган эди. Клайд билан теппа-тенг у ҳам гуноҳкор эмасми, ахир? Уни қандай қилиб сутдай оқ дейиш мумкин? Шу ерда катта адлиявий хатога йўл қўйилган. Унинг ўғли нотўғри жазоланган, шуларнинг бари ўша қизнинг, ҳарқалай, хаёлпарастликдан иборат мунгли хатлари оқибатида юз берган, ваҳоланки, ўша хатларни суд маслаҳатчиларига мутлақо кўрсатмаслик керак эди. Ёш, гўзал қизнинг қайғу-ҳасратлари тўғрисида гап кетганда эркаклар холисона туриб, одиллик билан фикр юритолмайдилар, деб таъкидлар эди, миссис Грифитс, у ўзининг ваъзгўйлик фаолияти пайтида ҳам бундай ҳолга қайта-қайта дуч келиб, ишонч ҳосил қилган.

Бу фикр ҳазрат Данкенга жуда ҳам муҳим ва тўғридек бўлиб туюлди. Миссис Грифитс эса гапини яна давом эттираверди: агар парвардигори оламнинг бирор-бир мўътабар ва одил бандаларидан бири Клайднинг олдига бориб, ўз эътиқоди ва худонинг иродаси билан, шу пайтгача у тушунмай келаётган нарсаларни унинг миясига қуйса борми, Роберта иккаласининг гуноҳи нақадар оғирлиги ва уят-номуслигини, мана шу гуноҳи унинг абадий руҳига бу фоний дунёда ҳам, у дунёда ҳам заво

етказиши мумкинлигини тушунтирсам, ўшанда у тангрининг марҳаматига илиниб, унга ихлос қўйиб ва уни дилига жо этса, зора шунда у қилган барча гуноҳлар ювилиб кетса, у, яъни миссис Грифитснинг ўзи эса кулфатдан дили хун бўлгани учун ўғлига бирон нарса айтишга ҳам ҳол-жони йўқ. Ахир, унга тўнкашаётган айбни у қилганми ё йўқми, бундан қатъи назар – миссис Грифитс бунинг ёлғонлигига астойдил ишонади! – ҳозир Клайдга электр курсиси хавф солиб турибди, бу дунёдан кўз юмиб, яратган эгам даргоҳига ўлимдан ҳам баттар айб ҳисобланган фаҳш ботқоғига ботган ҳолда бориш гуноҳи хавф солиб турибди, яна бунинг устига унинг фақат Робертага эмас, анави ликурглик бошқа қизга ҳам белафзлик ва мунофиқлик қилган айби тўғрисида-ю, гап очмас ҳам бўлади. У ўз гуноҳларини бўйнига олиши ва тавба-тазарру қилиши билангина мана шу наҳс нарсалардан покизаланиши мумкин. Ишқилиб, унинг руҳи қутқариб қолинса бас, ана шунда миссис Грйфитс ҳам, Клайднинг ўзи ҳам бу дунёдан хотиржам кўз юмишлари мумкин.

Хуллас, миссис Грифитснинг Денвердан туриб, ялиниб-ёлвориб, Клайднинг ёлғизлигидан ўксиниб, унинг далда ва насиҳатга муҳтожлиги хусусида ёзган иккита хатидан сўнг ҳазрат Данкен Обернга жўнади. Турма бошлиғига ўзининг ташриф буюришидан асосий мақсади – Клайднинг ва онасининг хотиржам кетиши учун тангри иродас билан унинг руҳини қутқариб қолмоқликдан иборатлигини тушунтириб айтди-да, Ажал уйига ва Клайд камерасига киришга рухсат олди. Эшикка яқинлашганда, камера ичига ва қўлида китоб ушлаганча каравотида ғужанак бўлиб ётган Клайднинг аянчли жуссасига бир разм солиб олиш мақсадида қадамини секинлатди. Сўнгра у новча, ориқ гавда-

си билан панжара темирига суянди-да, дуохонлик жазаваси тутиб, тўғридан-тўғри ваъз бошлади:

– «Э, худо, ўзинг раҳм эт, марҳаматинг кенг, саволатинг кенг, ўзбошимчаликларимни авф эт.

Менинг танимдан ўзбошимчаликларни ювиб-ювиб ташла ва мени гуноҳларимдан халос эт.

Инчунин, ўзбошимчаликларимни бўйнимга оламан ва гуноҳим ҳар доим олдимда...

Ёлғиз сенинг олдингда гуноҳқорман ва муғомбирликни сенинг кўз ўнгингда қилдим, демакким, сенинг ҳукминг барҳақ ва сенинг изминг гардсиздир.

Мана, мен ўзбошимчалик ботқоғига кўмилганман, онамдан гуноҳкор банда бўлиб туғилганман.

Мана, сен ҳақиқатни юракдан севдинг ва менинг ичимда донишмандлигинг юз кўрсатди.

Мени савоб сувига пурка, шунда мен покиза бўламан; мени юв, шунда мен қордан ҳам оқ бўламан.

Қувонч ва хушчақчақликни менга рўшно қилки, сен парчинлаган устихонларимга яна жон кирсин.

Менинг гуноҳларимдан юзингни ўғир ва барча ўзбошимчаликларимни ўзинг текисла.

Эй, парвардигор, менда бир покиза юрак ярат, кейин ичимда ҳақиқат руҳини янгила.

Ўз меҳригиёингдан мени бенасиб этма ва менидан муқаддас руҳингни тортиб олма.

Нажотинг қувончини менга қайтариб бер ва улуғворлик руҳи билан мени омон сақла.

Ўзбошимчаларни сенинг йўриғингга соламан, кейин у гумроҳлар ҳам сендан паноҳ излагайлар.

Бир қошиқ қонимдану жонимдан кеч, э, худо, ўзинг раҳм эт, менинг нажотгўй тангрим, кейин менинг тилим сенинг ҳақиқатингни улуғлагай.

Э, парвардигор! Тилимга жон бер, кейин шу тилим билан сенга ҳамду сано айтгайман.

Инчунин, мен қурбон бўлишга ҳам тайёрман, аммо сен раҳмдилсан, қурбон тиламайсан; ўзимни ёндириб ташлашимни сен раво кўрмайсан.

Худо йўлида қурбон бўлган банда – вайрон бўлган руҳдир; вайрон бўлган юракдан ва тавба қилган бандангдан ҳазар қилмагайсан, ё худойим».

У ўзининг ниҳоятда сероҳанг, ғоят ёқимли овози билан 50-сурани охиригача ўқиб бўлиб, жимиб қолди. Бу пайтда Клайд бутунлай ҳайратга тушганча аввалига каравотига омонатгина ўтирди-да, кейин ёшларга ўхшаш хушқомат, гарчи ранги сўлгин бўлса ҳам, кўринишидан бақувват бу одамнинг жозибали қиёфаси уни ўзига жалб этди-ю, ўрнидан туриб, эшик яқинига борди, унинг меҳмонлигини сезиб бошини кўтарди, Мак-Миллан эса давом этди:

– Клайд, мен сизга худонинг марҳамати ва нажотини келтирдим. У мени шунга даъват этган эди, мана, мен шу ердаман. Парвардигор, агар гуноҳларингиз қондек қизил бўлса, қордек оқ бўлажагини айтишим учун мени сизга йўлади. Агар улар арғувондек қирмизи бўлсалар, марвариддек оққа айланадилар. Келинг, яратган эгамнинг кучи ва қудрати борасида бир ўйлашиб кўрайлик.

У Клайдга очиқ чеҳра билан тикилганча, индамай қолди. Лабларида эса қувноқ, ёшликка хос хиёл кулимсираш ўйноқлаб турар эди. Клайднинг навқиронлиги ва вазминлиги унга ёқиб тушган эди, Клайд ҳам ўз навбатида кутилмаган бу меҳмоннинг меҳригиёсига борган сари асир бўлаётган эди. Ҳали янги поп, албатта. Аммо у турмадаги протестант руҳонийсига қараганда мутлақо бошқача эди, турма руҳонийсида одамни ўзига тортадиган ё мойил қиладиган зиғирдек ҳам фазилат йўқ эди.

– Менинг исмим Данкен Мак-Миллан, – деди у, – Сиракузаданман, ўша ерда худо йўлида қимирлаб юрган бир бандаман. Мени бу жойга тангри йўллади, онангизни ҳам менга ўша йўлиқтирди. Онангизнинг сўзларидан, у сизнинг ишингиз хусусида қандай фикрдалигини англаб олдим. Сиз ўзингиз нима деганингизни эса газеталардан билдим. Бу ерда нима сабабдан ўтирганингиз ҳам менга маълум. Лекин бу ерга мен сизга қувонч ва руҳий хушнудлик бахш этиш учунгина келганман.

Кейин у даб-дурустдан 12-суранинг учинчи оятини ўқий бошлади:

– «Туну кун қалбимда мотаму, токайгача дилимда насиҳат тўқийман». Бу ўн иккинчи суранинг учинчи ояти. Яна ёдимга тушган мана бу сўзларни ҳам тингланг, бу сўзларни сизга мен албатта айтишим шарт. Бу ҳам тавротдан – тўққизинчи сура: «Юрагида шундай дер эди: иккиланмайман; бутун уруғ-аймоғим ёмонликдан нари тургай». Аммо сиз, мана, ёмонлик тузоғига илинибсиз. Ҳаммамиз ҳам гуноҳкор бандалармиз, ҳаммамиз ҳам бундан холи туролмаймиз. Тағин мана бу сўзларни эшитсангиз, сизга нафи тегиб қолар, бу тўққизинчи суранинг ўттиз иккинчи ояти: «Юрагида шундай дер эди: «худо унутди, ўз юзини яширди, ҳеч қачон кўрмайди». Бироқ менга, худо сиздан юз ўтирмаганлигини айтиб қўйиш буюрилган. Менга яна сиз учун ўн еттинчи сурадан қуйидаги сўзларни келтириш ҳам буйруқ қилинган:

«Мусибатли кунимда улар менга қарши исён қилдилар, аммо парвардигор менинг мадорим бўлди.

У фалақдан қўлларини узатди ва мени олди ва мени кўпчиликнинг сувларидан тортиб чиқарди; у мени, менинг кучли душманимдан ва мендан қўли баланд ичи қоралардан халос этди.

У мени кенг жойга олиб чиқди ва мени қутқарди; инчунин, у мендан марҳаматини аямади».

Клайд, бу сўзлар аини сизга аталган сўзлардир. Улар шу ерда сиз билан суҳбатлашиб ўтирган пайтимда, тўппа-тўғри тилимга келяпти, гўё уларни кимдир шивирлаб эсимга солаётгандай. Мен, бевосита сиз учун айтилган шу сўзларни сизга етказувчи бир воситачиман, холос. Яхшиси, ўз дилингиздан маслаҳат сўранг. Зулматдан туриб ёғдуга қараб илтижо қилинг. Келинг, қайғу ва ҳасрат кишанларини узиб ташлайлик; зулмат ва кўланкаларни нари ҳайдайлик. Сиз гуноҳ қилдингиз. Лекин тангри гуноҳингиздан кечиши мумкин ва кечади ҳам. Тавба денг. Бу фоний дунёни яратган ва уни ушлаб турган парвардигорга сажда қилинг. У сизнинг хутба-дуоларингизни рад этмагай ва имонингизга шак келтирмагай. Шу тор деворлар ичида туриб, яратган эгамга ялиниб-ёлворинг – дилингизда: «Э, худо, менга мадад бер! Э, худо, хутба-дуоларимга қулоқ сол! Э, худо, кўзларимга нур бағишла!» деб айтинг.

Ёки сиз худо йўқ, у сизга жавоб бермайди, деб ўйлайсизми? Сифининг. Бошингизга мушкул иш тушганда мендан ҳам, бошқа ҳеч кимдан ҳам эмас, фақат парвардигордан мадад сўранг. Яккаю ягона яратганга сажда қилинг. Сифининг. У билан мулоқотда бўлинг. Даргоҳига сўроқлаб боринг. Бор ҳақиқатни гапириб, ундан мадад сўранг. Агар ўзингиз қилган гуноҳни бўйнингизга олиб, чин дилингиздан тавба-тазарру этсангиз, сиз чиндан ҳам, чиндан ҳам худонинг нафасини эшитасиз, уни сезасиз, бу, худди ҳозир мен рўпарангизда турганимдек аниқ бир ҳодисага айланади. У қўлингиздан тутади. У шу камерага ҳам қандам ранжида қилиб, дилингизга киради. Сиз бун

ақдингиз ва юрагингизга қўйилиб бораётган нур ва оромдан сезиб турасиз. Сифининг. Мабодо сизга бирор-бир фойдам тегиб қолишига кўзингиз етса – биргалашиб дуо ўқишми, майда-чуйда хизматми, вақти-вақти билан ёлғизлигингизни билдирмай туришликми – атиги бир оғиз, жуда бўлмаганда почта откриткаси биланоқ мени йўқлатсангиз борми, ўша заҳоти ҳузурингизга етиб келаман. Мен онангизга сўз берганман ва имкониятим борича ҳамма ёрдамимни аямасликка ҳозирман. Турма нозирда манзилим ҳам бор.

У, охириги сўзларини айниқса қатъият билан дона-дона қилиб гапирди-да, тўхтади, чунки Клайднинг нигоҳида ҳали ҳам қизиқсиниш ва ҳайратдан бўлак бирор-бир жиддийроқ туйғуни учратиш қийин эди.

Аммо Клайднинг ёш, деярли болаларча қиёфаси ва онаси ташлаб кетгач ҳамда Николсон қатл этилгач, бир бечораҳол, ожиз аҳволга тушиб қолганини кўрган Мак-Миллан ўша ондаёқ яна қўшимча қилди:

– Эсингизда бўлсин, мен ҳамма вақт сизнинг ихтиёрингиздаман. Сиракузада ҳам юмушларим кўп, аммо нима биландир сизга ёрдамим тегишини билишим ҳамоно, ҳар қандай ишимни ҳам йиғиштириб қўйишим мумкин.

Шу сўзларни айтгач, у худди кетмоқчидек изига бурилди. Бироқ Клайд унга мафтун бўлиб қолганидан, ўзини турмада тўхтовсиз азоблаб келаётган доимий васваса, даҳшат ва ёлғизликни шу бир руҳоний ўзгача ҳаёт, ишонч ва меҳрибонлик билан алмаштириб юборгандек бўлди. Мак-Милланнинг орқасидан хитоб қилди:

– Кетмай туринг! Илтимос, кетманг. Мени кўргани келиб, шунчалик илтифот бидирибсизки, бунинг учун сиздан миннатдорман. Келиб қолишин-

гиз мумкинлиги ҳақида онамдан ҳам хат олган эдим. Бу ер, биласизми, жудаям зерикарли. Балки мен сиз ҳозир айтган нарсалар устида чиндан ҳам у қадар бош қотириб кўрмагандирман, аммо бунинг сабаби шундаки, менга тўнкашаётган айбда ўзимни сира ҳам гуноҳкор деб ҳисобламайман. Лекин мен кўп нарсалардан афсус қиламан. Кимки шу ерга тушибдими, шубҳасиз, оғир азобини ҳам тортади.

Унинг кўз қарашлари ғамгин ва ташвишли эди.

Мак-Миллан шундагина юрак-юрагидан, чинакамига таъсирланиб кетди-ю, жавоб беришга шошилди:

– Ғам чекманг, Клайд. Бир ҳафта ўтар-ўтмас ҳузурингизга яна келаман, кўриб турибманки, сизга керак эканман. Мен сиздан, Роберта Олденнинг ўлимида гуноҳкор бўлганингиз учун ибодат қилинг, деб сўраётганим йўқ. Мен буни билмайман. Сиз ҳали менга ҳеч нарсани гапириб бермадингиз. Барча гуноҳларингиз ва барча уқубатларингиз фақат ўзингизга-ю, фақат яратган эгамгагина маълум. Аммо сиз маънавий мададга муҳтож одамсиз, бу мадад эса сизга нақд турибди – менга ишонаверинг! «Шунда худо азобланувчига паноҳ, бошига мушкул иш тушган онда паноҳ бўлғай».

У худди Клайдни чиндан ҳам яхши кўриб қолгандай, майин кулимсиради. Клайд ҳам ўзи ҳайрон бўлгани ҳолда, ҳозирча унга ҳеч нарса керак эмаслиги, фақатгина соғ-саломат юрганини онасига хабарлаб қўйишини, агар иложи бўлса, у бечорага озгина далда беришини ҳам илтимос қилди. Ахир, онасидан ниҳоятда оғир хатлар келяпти. У Клайдни ўйлаб, жуда кўп азоб чекапти. Очиғини айтадиган бўлса, кейинги кунларда Клайд ҳам ўзини анча ёмон ҳис этипти – ҳамма вақт юраги

қисилиб, ваҳимада яшайди. Ишқилиб, бирон кор-ҳол бўлмаса гўрга эди. Худо ҳақи, агар дуо ўқиш билан юраги ақалли, салгина ором олса ҳам, у жон-жон деб саждага бош уриши мумкин. Онаси ҳар доим унга хутба-дуоларни ўргатишга ҳаракат қилиб юрарди-ю, лекин у бу насиҳатларга қулоқ солмас эди, энди эса, Клайд шуларни ўйлашга ҳам уялади. Клайднинг кўриниши қайғули ва сўлгин эди – унинг юзи аллақачоноқ маҳбусларга хос заҳил тусга кирган эди.

Ҳазрат Данкен Мак-Миллан унинг ғарибона аҳволдан жуда қаттиқ таъсирланиб кетди-ю, шундай жавоб қилди: – Ҳечқиси йўқ, Клайд, ғам еманг. Мана кўрасиз, дилингизга осойишталик ва роҳат-фароғат ёғилиб киради. Бунга мен шубҳа қилмайман. Кўриб турибман, сизда таврот бор экан. Истаган сурангизни очингу ўқишга тутининг – элик биринчи сурани, тўқсон биринчи сурани, йигирма учинчи сурани ўқиб чиқинг. Иоанндан қолган инжилни очиб, бошидан охиригача мутолаа қилинг. Фикр юритинг ва худога сифининг, атрофингизда сизни ўраб турган нарсалар: юлдузлар ва қуёшу ой ҳақида, дарахтлару денгизлар, дукилаб уриб турган юрагингизу ўз танангиз, куч-қувватингиз ҳақида фикр юритинг ва ўзингизга савол беринг: шуларнинг барини, хўш, ким яратган? Ҳаммаси қаердан келиб қолган? Борди-ю, жавоб тополмасангиз, ўзингиздан яна қайта сўранг: шунча нарсаларни – шу жумладан, сизни ҳам яратган ўша куч – майли кимлигидан қатъи назар, қаердалигидан қатъи назар, сиз ёрдамга муҳтож бўлган бир пайтингизда сизга ақл ва тоқат беришга, сизни юпатишга ва сизга тўғри йўл кўрсатишга наҳотки унда донишлигу раҳмшафқат ва қудрат етишмаса? Аввал ўзингиздан сўранг: кўз

олдингизда ястаниб турган шу оламнинг ижод-кори ким ўзи? Кейин эса бутун бор нарсаларнинг ижодкорига мурожаат этинг ва қандай йўл тутиш ҳамда нима қилиш кераклиги хусусида яратгандан жавоб изланг. Шубҳаларга сира берилманг. Астойдил сўрасангиз, жавобини оласиз. Туну кун тинмай сўранг. Бошингизни саждага қўйиб дуо ўқинг ва кутинг. Сизни у асло ноумид қолдирмагай. Мен биламан, чунки мен ҳам дилимни худди шундай хотиржам айлаганман.

У Клайдга гўё ўз эътиқодини сингдирмоқчи бўлаётгандай қаттиқ тикилиб турди, сўнгра бир жилмайиб қўйди-ю, нари кетди. Клайд эса панжарага суянганча ўйга ботиб қолди, Яратган эгам! У, Клайдни ҳам яратибди! Оламни ҳам яратибди!.. Сўрасанг, жавобини оласан.

Лекин, ҳар қолда динга ва унинг оқибати бўлган – отаси билан онасининг доимий бенаф дуогўйлари ва ваъзхонликларига нисбатан ўша аввалги шубҳалари Клайдни ҳали ҳам тарк этмаган эди. Офир ва даҳшатли кунга тушиб қолгани учунгина, наҳотки, у ҳам энди келиб-келиб диндан таскин излаши керак? Э, йўқ. Ҳарқалай, бутунлай берилиб кетиши даргумон унинг.

Аммо шунда ҳам, ҳазрат Данкен Мак-Миллан, унинг жўшқинлиги, имонининг илҳомбахш кучи, ёшларга хос хушбичим жуссаси, юзи, кўзлари – мана шуларнинг бари Клайдни ўзига ром этиб олган эди, шу пайтгача у ҳеч бир руҳоний ёки дин аҳбобидан бунчалик таъсирланмаган эди. Ҳазрат Мак-Милланнинг ишончи ва имони уни ғоят қизиқтириб, ўзига асир этиб, гўё бутунлай ақлини олиб қўйгандек эди, ваҳоланки, у қачонлардир ўзи ҳам шунақанги эътиқодли бўла оладими ёки йўқми, буни билмас эди.

XXXII БОБ

Бундан атиги бир ярим йиллар бурун Клайдни ҳазрат Мак-Милланга ўхшаш кимсалар руҳий тетиклиги ва диний эътиқоди билан енга олишига одамнинг сира кўзи етмас эди (чунки у болаликдан бу хил нарсаларга кўникиб кетган эди), аммо ҳозир эса у Клайдга мутлақо бошқача таъсир этди. Турмушдан ажралиб, қафасда ўтирган кўйи, чекланган турма ҳаёти туфайли у ўзи учун юпанч ва паноҳни энди хаёлидагина излашга, хоҳласа-хоҳламаса ўз ўтмиши, бугуни ёки эртаси ҳақида ўйлашга мажбур эди; бошқа ҳар қандай одам ҳам шундай аҳволга тушса, худди шу йўлни тутган бўлар эди. Бироқ ўтмишини эслаш ниҳоятда оғир эди. Эслаган сари юрак-бағри куйиб, ўртаниб борар эди. Бугуни (уни бевосита ўраб олган ҳозирги шароити) ва келажаги эса даҳшатли оқибатдан дарак берар, хиёл равшанлашиб бораётган онги норозилик аризасининг бенаф бўлиб чиқишидан саросимада эди.

Хуллас, хавотирга чўмган ақл-фаросат қайта уйфонганда рўй берувчи воқеа юз берди. Қўрқув ёки нафрат оқибатида туғиладиган чорасизлик ҳолати зиғирдаккина умидга ҳам ёки ёлғондакам юпанчга ҳам маҳкам ёпишиб олади. Аммо Клайд нимадан ҳам умид қилиши, нимани ҳам ўйлаши мумкин эди? Николсон айтган фикрга кўра, қутулишининг фақат биргина йўли бор эди, ишининг қайта кўрилиши ҳақида қарор чиқарилиши керак эди, агар иккинчи суд уни оқласа, унда у узоқ-узоқларга – Австралиягами, Африка ёки Мексикагами бош олиб кетиб, у ерда киборлар давраси билан боғлиқ бўлган ва Клайдни яқингинада ҳам ўзига жалб этиб келган шуҳратпарастлик даъволарининг барини бир четга йиғиштириб қўйиб, бошқа ном

остида, ҳаётини «оч қорниму тинч қулоғим» қилиб янгитдан бошлаб юборар эди. Бироқ бу умидбахш ҳаёлларнинг йўлини даҳшатли кўланка тўсиб турар эди – олий суд ишнинг қайта кўрилишига эътироз билдириши мумкин эди. Брижбургдаги суддан сўнг, буни бемалол кутса бўлар эди. Тўсатдан шу пайт, ҳў бир марта тушида кўргани – гуж-гуж илонлардан тисарилиб, шохдор бир махлуққа дуч келиб қолганидек, кўз ўнгида яна бир даҳшатли шарпа – йўлак охиридаги бўлмада турган курси намоён бўлиб кетди. Анави курси! Ажал уйидаги чироқларни бир маромда липиллатган камар билан электр қувватини айтмайсизми. Қачонлардир, қачонлардир ўзи ҳам ўша хона остонасидан ичкарига ҳатлаб ўтиши зарурлигини ўйлаганида, нақ ақлидан озиб қолаёзди. Қанча уринишмасин – норозиликлари бари бир рад жавобини олса-я? Йўқ! Бу ҳақда ўйламагани ҳам маъқул.

Ҳа, шуни ўйламаса, бошқа нимани ўйлайди, ҳўш? Клайдни худди мана шу нарса азоблаб турган бир пайтда ҳазрат Данкен Мак-Миллан кириб келди-ю, Клайдни тўғридан-тўғри бутун мавжудот иждокори худога илтижо қилишга ундади, (унинг фикрича) худо унга, сўзсиз, жавоб қайтарар эмиш. Шу қадар оғир муаммо шу қадар осон ҳал бўлишини қаранг.

«Сизлар илоҳий оламини билишингиз мумкин», дея ташвиқ қилган эди Мак-Миллан, апостол Павелнинг сўзларини келтириб, кейин коринфликлар, галатлар, ефесликларга йўлланган номадан айрим парчаларни ўқиб бериб, агар Клайд унинг ҳамма талабларини адо этишга кўнса ва тангрига сифинса, унда у «ҳар қандай ақлдан ҳам юқори турувчи илоҳий олам»ни осонгина тушуниб етгай ва ундан роҳат-фароғат олгай, деган эди. Чунки бу фоний дунё у биландир ва унинг атрофидадир. Фақат излаш лозимдир; қалбнинг заифликлари ва

адашувчанчиликларини ақд билан тан олиш ва тавба-тазарру қилмоқ лозимдир. «Сўранг, шунда сизга бериладур; изланг, шунда сиз топурсиз; тақиллатинг, шунда сизга эшикни очгайлар. Инчунин, ҳар қандай сўровчи сўраганини олур; изловчи топадур; тақиллатувчига эшик очиладур. Ораларингизда ўғли нон сўраганда, наҳотки, қўлига тош тутқазган бирор-бир кимса бўлса? Ёки балиқ сўраганда, илон тутқазганлар борми?» – шу зайлда у диққат ва илҳом билан муқаддас сўзларни такрорлади.

Лекин шунга қарамай, отаси ва онасининг аҳволи Клайднинг кўз ўнгидан сира нари кетмас эди. Хўш, улар дунёдан нима орттирдилар ўзи? Художўйликлари ҳам унчалик ёрдам бермади-ку, ахир. Мана шу ерда ҳам дуогўйлик маҳбус биродарларига бирор-бир наф келтираётганини ҳозиргача у билаётгани йўқ, ваҳоланки, уларнинг кўплари ҳар куни турмага галма-галдан келадиган католик руҳонийси, яҳудий руҳонийси ва протестант руҳонийсининг дуолари ва панд-насиҳатларини жон қулоқлари билан тинглаб ўтиришар эди. Бари бир, уларнинг ҳар бири ҳам вақти соати етиб келганда – бирови зор-зор қақшаб, бирови норозилик билдириб, бирови Кутронедек ақлидан озиб, бирови пинагини ҳам бузмай – ажалига томон бораверди. Клайд масаласига келганда эса, ҳали шу пайтгача у попларга сира аҳамият бермаган эди. Бемаънилиқ! Хаёлпарастлик! – деб қарар эди у. Хўш, нима учун? Бунинг сабабини айтолмаган бўлар эди. Лекин мана, ҳазрат Данкен Мак-Миллан. Унинг очиқ, беозор чеҳраси. Унинг мусиқий овози. Ўйтиқоди. Мана шу ўйтиқоди Клайдни ўзига жалб этди-ю, уни қизиқтириб қўйди. Эҳтимол... эҳтимол... У шу қадар ёлғиз, шу қадар бахтсиз, шу қадар ёрдамга илҳақки...

Чиндан ҳам у (Мак-Милланнинг панд-насиҳатлари ҳалитданоқ таъсир этиб улгурган эди) ўз ҳаётини бошқачароқ, одоблироқ ўтказганда эди, онасининг гапларига, йўл-йўриқларига кўпроқ қулоқ солганда эди, Канзас-Ситидаги анави исловатхонага бормаган, Гортензия Бригснинг, кейинроқ эса Робертанинг кетидан чошиб, хиралик ҳам қилмаган бўлар эди, кўпчилик одамлар қатори фақат хизмати-ю бойлик орттириш ҳақида ўйлаб қўя қолар эди, ана унда Клайднинг ошиғи олчи эди. Аммо, иккинчи томондан эса, одамда ўзи енголмайдиган ўжар хоҳиш ва интилишлар борлигини ҳам инкор этиб бўлмас эди. Шу нарсалар уни ўйлашга мажбур этар эди. Лекин бундай туйғулар бошқа кўпгина одамларни, масалан, онаси, амакиси, амакиваччаси, анави попни ҳам ташвишга солмайди-ку, ахир. Ҳарқалай, гоҳо-гоҳо пайтларда у, уларга ҳам ўшандай эҳтирос ва хоҳишлар балки ошнодир, бироқ уларнинг руҳий ва маънавий иродалари кучли бўлгани учун ўз туйғуларини осонгина боса олсалар керак, деб ўйлар эди. Эҳтимол, Клайд ўша фикр ва туйғуларига ортиқча эрк бериб юборган бўлиши ҳам мумкин, онаси ҳам, Мак-Миллан ҳам, қамоққа тушганидан бери нутқини эшиттаётган барча кишилар ҳам, ҳойнаҳой, шундай деб ҳисоблашаётгандир.

Хўш, шуларнинг барини қандай тушунса бўларкин? Худо борми ўзи? У мистер Мак-Миллан айтганидек, одамларнинг иши ва қилмишларига аралашадими? Бошингга оғир иш тушганда, гарчи ўзинг авваллари сира ишонмаган бўлсанг-да, тангрига ёки бошқа қандайдир бир илоҳий кучга илтижо этиб, ундан ёрдам сўрашинг мумкинмикан? Ёлғизликда қолган, ҳамма унутган ва қонун исканжасига, одамларнинг эмас (чунки атрофингдаги кишиларнинг бари шу қонун хизматкорларидирлар),

балки қонун исканжасига тушган пайтингда ёрдамга ниҳоятда муҳтож бўласан. Аммо ўша илоҳий қудрат кўмаклашишни истармикин? У аслида ўзи бормикин, одамларнинг нола-фигонларини эшитармикин? Ҳазрат Мак-Милланнинг гапига қараганда, бор эмиш, эшитар эмиш. «У дер эди: худо унутди; ўз юзини яширди. Аммо худо унутмади. У ўз юзини яширмади». Бироқ чиндан ҳам шундаймикин? Шунга ишонса бўлармикин? Ўлим хавфидан эзилган, моддий жиҳатдан бўлмаса ҳам, маънавий жиҳатдан бир далдага чанқоқ бўлган Клайд бундай ҳолга тушган ҳар қандай киши ҳам шуғулланадиган иш билан машғул бўлди: у ўзига кўмак бера оладиган ва шуни истайдиган қандайдир ақалли ғайритабиий шахс ва қудрат белгиларини излар, излаганда ҳам орқаваротдан туриб, ўзини у ёқдан бу ёққа отганча деярли кўр-кўрона бир тарзда излар эди; шундан сўнг у, инсон хислатлари ва хусусиятлари илоҳиёт қўлидадир, деган фикрга мойил бўла бошлади, ваҳоланки, у илоҳиётни эса дин тавсиф этган шаклдагина билар эди, холос. «Фалакиёт тангрига мадҳия эълон қилади, кейин қаттиқ ер худонинг меҳнати билан мева пайдо қилади». Клайд онаси бошқарган хонақо деразасига шу сўзлар ёзилган каттакон қоғоз ёпиштириғлиқ туришини эслаб қолди. Яна бошқасини: «Инчунин, у сенинг ҳаётингдир ва кунларингнинг ўлчовидир», деганини ҳам хотирлади. Аммо, ҳарқалай, ҳатто ҳазрат Данкен Мак-Милланга бирдан мойиллашиб қолганига ҳам қарамай, наҳотки у, қайсидир бир дин уни бахтсизликдан қутқариб қола олишига чиндан ҳам ишонса?

Бироқ вақт ўтиб борар, ҳазрат Мак-Миллан ойида камида икки марта, баъзан эса ҳар ҳафтада Клайдни кўргани турмага келар, унинг ҳол-аҳволини суриштирар, арз-шикоятларини тинглар,

ўзини ҳам жисмоний, ҳам руҳий бардам тутиши учун ўгит-насихатлар берар эди. Клайд ҳам бу ҳамдардлик ва учрашувларни йўқотиб қўйишдан қўрқиб, тобора ҳазратнинг дўстона таъсирига берилди. Бу одамнинг иродаси, руҳи баландлиги... Ажойиб овозини айтмайсизми. Сўнгра, у ҳамма вақт тўппа-тўғри юракка қуйиладиган сўзларни топар эди. «Биродарлар, биз ҳаммамиз – худонинг бандаларимиз. Охиратда ким бўлишимизни ҳам билмаймиз; фақат шуни биламизки, агар парвардигор инobatга олса, биз ҳам унга ўхшайдурмиз ва инчунин, у қандай бўлса, биз уни ўшандай кўргаймиз. Шундай умиди бўлган ҳар бир банда ўзини поклаши даркордур, негаки парвардигорнинг ўзи ҳам покиза».

«Биз – унда, у эса – биздалигини билурмиз ва инчунин, бизни у ўз нафасидан бунёд этгандир».

«Ва инчунин, бизнинг қадр-қимматимиз бордир».

«У ўз ихтиёрига кўра бизни ҳақиқат сўзи ила дунёга келтирди, кейин биз у яратган борлиқ тирик жонзот ичиндаги бамисоли дастлабки мевалардирмиз. Кейин ҳар қандай яхшилик ва ҳар қандай етук қобилият осмондан ва бутун дунёларнинг отаси томонидан берилганки, булар на ўзгаришларни билади, на қиттай эскиришларни».

«Тангрига яқинлашинг, шунда у ҳам сизларга яқинлашади».

Клайд айрим пайтларда шу илоҳий кучга сиғина туриб, осойишталик ва хотиржамликка, ҳатто – ким билади? – тўппа-тўғри ёрдамга ҳам эришиш мумкин, деган фикрга ишонгиси келиб кетар эди. Ҳазрат Мак-Милланнинг қатъияти, диққат-этибори унга шу қадар таъсир ўтказиб юборган эди.

Аммо орада тавба-тазарру қилиш, яъни айбга иқроор бўлиш масаласи ҳам бор эди. Бироқ кимга

иқрор бўлиши керак? Кўриниб турибди, ҳазрат Мак-Милланга-да. Ҳазрат Мак-Миллан ўзига ёки ўзига ўхшаш бирорта руҳонийга, ишқилиб, худонинг чинакам ихлос қўйган умматига Клайд ўз кўнглидаги сирларини тўкиб солмоқчилигини ҳам сезгандай бўлди. Лекин мушкуллик ҳам айти шу ердан чиқди. Хўш, у судда айтган ва норозилик аризасининг асосий мағзини ташкил этган анави уйдирма гувоҳлиги нима бўлади унда? Норозилик шикоятини жўнатиб қўйишган ҳозирги кунда, энди у ўша гувоҳлигидан воз кечсинми? Яхшиси, бир оз сабр қилиб, нима гап бўлишини пойлаб турган маъқул-ку.

Оҳ, у қанчалар ожиз иккиюзламачи, бетайин, сохта одам-а! Парвардигори олам энди мана шундай майдагап кимса билан ювора бўлиб ўтирармиди. Йўқ, йўқ! Бу ҳам адолатдан эмас. Агар унинг фикрларидан ҳазрат Мак-Миллан бохабар бўлгандами, унда у нима деб ўйлаши мумкин эди?

Лекин миясида тағин қайтадан ваҳимали савол туғилар, гуноҳқорманми ёки йўқми, агар гуноҳқор бўлсам, қай даражада гуноҳқорман, дея бош қотирар эди. Аввалига Робертани ўлдиришни чиндан ҳам ният қилганини у яхши билар эди, албатта, бу ниятидан ҳозир ўзи қўрқиб кетди. Чунки энди у Сондра ишқида телбанамо юрган пайтларидаги бемаъни зиддиятлар ва эҳтирослар тўфонидан анча-мунча қутулиб, бу ҳақда фикр юритиш қобилиятига ҳам эга бўлган эди, ваҳоланки, Сондра билан учрашган вақтларида жони чексиз азобда, ўзи эса савдойига ўхшаб қолган эди. Мана энди бўлса, ўша беҳалогат, даҳшатли кунларида, у ўз иродасидан ташқари, эҳтиросдан обдан куйиб-ёнган экан (буни у Белнеп нутқидан сўнг равшан тушуниб олди), аслида эҳтирос ҳаловатсизлиги ҳам қандайдир руҳий бир бетобликка ўхшар экан ўзи... Гўзал

Сондра! Танҳо Сондра! Унинг жилмайишларида қанчалар сеҳргар қудрат ва чўғдек олов бор эди ўшанда. Ҳатто ўша аланга Клайдда ҳали ҳам ўчганича йўқ – орада ўтган шунча даҳшатли воқеаларни ҳам писанд қилмай, ҳалигача милтиллаб чўғ олиб турибди у.

Шунинг учун ҳам очикчасига тан бериш керакки, агар Клайдни ўша эҳтирос шайтон васвасасига ўхшаб чирмаб ташламаганда эди, унда ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда ҳам одам ўлдириш, яна қиз болани, тагин Робертадек қизни ўлдиришдек ёвуз ният ва фикр унда туғилмаган бўлур эди. Лекин Брижбургда бу баҳона билан ҳисоблашишмади-ку. Хўш, юқори суд қандай қараркин бунга? Наҳотки, Клайд чиндан ҳам ҳамма нарсада айбдор бўлса? Ҳазрат Мак-Милланми ёки бошқа бирор одамми, содир бўлган барча воқеаларни Клайддан мукамал эшитгач, шу саволга жавоб берармикин? У ҳазрат Мак-Милланга бир ичини ёргиси – бор гапнинг барини бўйнига олиб, ҳақиқат қаерда-ю, ноҳақлик қаердалигини узил-кесил аниқлаб олгиси келар эди. У Сондра туфайли ёвуз бир жиноят қилмоқчи бўлди-ю, аммо оқибат-натижада уни амалга оширолмади ахир, майли, буни одамлар билмаса, худонинг ўзи билар. Судда эса бу тўғрида лом-мим дейилмади, чунки ҳимоя учун танланган сохта йўл ўша пайтда бутун ҳақиқатни очик айтишга имкон бермади, бу ерда эса айбни анча енгиллаштирадиган важ-баҳона турибди, лекин буни ҳазрат Мак-Миллан тушуниб етармикин? Жефсон Клайдни ёлғон гапиришга мажбурлаган эди. Лекин ҳақиқат ҳақиқатлигича қолавереди-ку бари бир?!

Ўзининг ўша ваҳший, бераҳм ниятини ўйлар экан, орада ниҳоятда чалкаш ва зиддиятли шарт-шароитлар ҳам бўлганлигини аниқ эсла-

ди-ю, уларни шунчаки менсимай ўтиб кетиш нотўғри эканлигини ҳам тушунди. Ўша шарт-шароитлардан энг муҳими иккита эди: биринчидан, у Робертани анави қўлнинг олис, кимсасиз кўр-фазига олиб борганида, бирдан ўйлаган ниятини амалга оширолмаслигига кўзи етди-ю, ўзидан-ўзи шу қадар аламли ва чорасизларча нафратланиб кетдики, натижада Робертани қўрқитиб юборди ва шу қилмиши билан уни ўрнидан туриб, ўзи томонга қараб келишга мажбур этди. Ана шунда у Робертани тўсатдан уриб юборди, хулласи калом, қарабсизки, у мана шу зарбаси билан маълум даражада айбдордир – шундай эмасми, ахир? – шу жиҳатдан олиб қараганда, бу зарба жинойий ҳисобланса керак. Эҳтимол. Ҳазрат Мак-Миллан бунга нима деркин? Иккинчиси эса: модомики, Роберта Клайд урган зарбадан сувга қулаб тушган экан, демак, унинг йиқилишига Клайд айбдор бўлган. Ҳаммасидан ҳам кўра энди уни юз берган бахтсизликдаги ўзининг мана шу ҳақиқий, рostaкам гуноҳқорлиги хусусидаги фикр кўпроқ азобга солаётган эди. Тўғри, судда Оберуолцер (унинг Робертадан нарилаб сузиб кетгани ҳақида гап борган пайтда), агар марҳума сувга бехосдан қулаб тушган бўлса, айбланувчининг унга қўмаклашишни истамагани ҳали жинойят эмасдир, деб айтди, лекин энди Клайднинг ўзи Робертага нисбатан аввалги барча муносабатларини шу воқеа билан қиёслаб кўрди-ю, бари бир бу ерда жинойят бор эди, деган фикрга келди. Ахир, худо – ёки Мак-Миллан ҳам – шундай деб ўйламайдими, хўш? Мейсон суд муҳокамасида жуда тўғри кўрсатиб берди – у Робертани бемалол қутқара олиши мумкин эди. Бу воқеа Сондра билан ёки ўша Робертанинг ўзи билану, аммо ўтган ёзда юз берганда ҳам, шубҳасиз, у қутқариб қолган бўлар эди. Бунинг устига,

мени сув остига чўктириб юбориши мумкин эди, деб қўрқиши йигит кишига сира ярашмайдиган гап! (Буларнинг барини Клайд Мак-Миллан уни тавба-тазарру қилишга ва парвардигор билан ярашишга ундай бошлагандан сўнг, тун бўйи ўйлаб чиққан, ўзи билан ўзи баҳслашган эди.) Ҳа, у бунини бўйнига олиши керак. Агар Сондра бўлганда-ю, ўша заҳотиёқ уни қутқаришга отилар эди. Демак, Клайд Мак-Миллан олдидами ёки одатда афв сўраладиган бошқа одамлар олдидами, тавба-тазарру қилишни ўйлаётган экан, бояги гапни барала тан олиши... эҳтимол, кўпчилик олдида очиқчасига тан олиши лозимдир? Лекин бунақанги тавба-тазарру, агар чиндан ҳам шундай қилинадиган бўлса, Клайдни узил-кесил ва бутунлай жиноятчига чиқариб қўйиши турган гап эди. Наҳотки, у ўзини шундай гуноҳкор ҳисоблаб, ўлиб кетаверишга рози бўлса?

Йўқ, йўқ, яна бир оз, ақалли юқори суд қарори чиққунгача сабр қилган маъқул. Таваккалнинг нима ҳожати бор? Бари бир худонинг ўзи ҳамма нарсани билиб турибди-ку. Клайд ўтган воқеаларнинг баридан ниҳоятда, ниҳоятда афсус чекар эди. Қилган ишининг қанчалар даҳшатлигини, Робертанинг ўлимини ҳисобга олмаган тақдирда ҳам, у ҳамма ёққа қанчалар ғам-алам ва бахтсизлик ёйиб юборганини энди яхши тушуниб етган эди. Аммо... ҳаёт шунчалар ширинки... Эҳ, қани энди бир амаллаб қутулиб қолса! Қани энди фақатгина шу ердан йўқолиб кетса-ю, тепасидан ҳозир эзиб турган даҳшат ва ваҳимани бундан буёнига бир умр билмай, сезмай, эсламай ўтса! Аста-секин қош қораяди. Аста-секин тонг отади. Туннинг узоқлигини айтинг! Анави оҳ-воҳлар... анави инграшлар-чи! Шунақанги азоблар туну кун тўхтамай давом этаверганидан баъзи вақтларда: мана ҳо-

зир, шу ернинг ўзида у жинни бўлиб қоладигандай туюлар эди Клайдга; агар Мак-Миллан бўлмаганда, эҳтимол, чиндан ҳам ақлдан озиши турган гап эди, ҳазрат эса тобора унга ўрганиб борар, уни эркалаш, юпатиш ва далда беришга ҳам уста эди. Қани энди шу ердами ёки бошқа жойдами, бир пайтини топиб, у билан ёнма-ён ўтириб олсанг-да, бошингдан ўтган воқеаларнинг барини гапириб берсанг, гуноҳқормисан ёки йўқми, агар гуноҳқор бўлсанг қанчалик гуноҳқорлигингни унинг ўз оғзидан эшитсанг, чиндан ҳам айбдорсанми, унда Мак-Миллан сенинг ҳақингда дуо ўқиса, қандай соз бўлар эди-я! Гоҳо-гоҳо Клайд онасининг ва ҳазрат Мак-Милланнинг унга шафқат сўраб ўқиган тиловатлари ўзидан кўра ўша илоҳий қудратга кўпроқ маъқул тушишини аниқ ҳис этар эди. У ҳали ҳам тиловат қилишни билмас эди. Баъзи пайтларда Мак-Милланнинг панжара орқасидан туриб майин, ёқимли овоз билан ўқиётган дуо сўзлари ёки галатлар, коринфликлар, фессалоникийларга аталган номадан ёд олаётган парчаларини тинглаётганида у, бу одамга ҳаммасини иложи борича тезроқ айтиб бериш керак, деган фикрга келар эди.

Аммо кунлар ўтиб борар, у эса ҳамон миқ этмас, ҳазрат Данкен ҳам энди қачонлардир уни тавба қилдира олиши ва руҳини қутқариб қолишига кўзи етмай турган бир пайтда, орадан бир ярим ой ўтганда, тўсатдан Сондрадан мактуб, тўғрироғи бир энлик қоғоз келиб қолди. Уни турманинг протестант руҳонийси, ҳазрат Престон Гилфорд турма нозир идорасидан олиб, Клайдга келтириб берди. Тагида ҳеч қандай имзо йўқ эди, аммо қоғози қимматбаҳо, яхши қоғоз эди. Турма қоидасига биноан хатни очиб, ўқиб кўришибди. Нозир билан ҳазрат Гилфорд хат мазмунида ачиниш ва ёзғиришдан

бўлак ҳеч қандай маъно сезишмади, бунинг устига ушбу хатни ёзган шахс судда бир неча марталаб тилга олинган мисс Х лигига очиқ-ойдин ишонишди-ю, сал бош қотириб кўришгандан сўнг, Клайд бу мактубчани ўқиши мумкин, ҳатто ўқиши шарт, деган қарорда тўхтадилар. Бу қайтага унга фойдали бир мактаб бўлиши мумкин. «Ўзбошимчаларнинг йўли...» Шундай қилиб, зериктирарли узоқ ёз фасли ўрнини олган куз оқшомларининг бирида – Клайд турмада ётганига айнаи бир йил тўлай деб қолган вақтда – унга бояги мактубни келтириб беришди. У мактубни қўлига олди. Хат машинкада ёзилиб, вақти ҳам, кимданлиги ҳам кўрсатилмаган бўлса-да (фақат почта тамғаси Нью-Йоркники эди), Клайд бунинг Сондраданлигини беихтиёр равишда дарров пайқади. Бирдан уни ҳаяжон босди – конвертгни ушлаб турган қўллари билинар-билинемас титраб кетди. Сўнгра сатрларга кўз югуртирди, кейинги кунларда ҳам у бир неча марталаб қайта-қайта ўқиб чиқди:

«Клайд! Ушбу сатрлар шунинг учун ёзиляптики, тагин сиз, қачонлардир қалбингизга яқин бўлган қиз Сизни бутунлай унутиб юборди, деб ўйламанг. У ҳам қанчадан-қанча азобларни бошидан кечирди. Гарчи у, ўша қилмишингизга Сиз қандай журъат этганингизни бир умр англаб етолмаса-да, ҳарқалай ҳозир ҳам, гарчи Сиз энди у билан ҳеч қачон кўришолмасангиз ҳам, у Сизга куйинади ва Сизга озодлик ҳамда бахт тилайди».

Имзосиз – ҳатто бармоқларининг биронта изи ҳам йўқ. У исмини қўйишга ҳам қўрққан ва маънавий жиҳатдан Клайддан шунчалар бегоналашиб кетган эдики, ҳатто қаердалигини хабарлашни ҳам истамаган эди. Нью-Йорк! Лекин хат бошқа истаган жойда ёзилиб, фақат Нью-Йоркдангина жўнатилган бўлиши ҳам мумкин. Энди у ҳатто мана шу

чордевор орасида ўлиб кетса ҳам ҳеч қачон... ҳеч қачон... унинг қаердалигини билмайди, ўлиб кетиши эса оддийгина бир гап. Хуллас, унинг охирги умиди ҳам, ширин орзуларининг сўнгги шуъласи ҳам барбод бўлди. Тамом! Уфқдаги охирги ожиз нур шафагини қоронғилик ўчириб юборганда ҳам худди шундай воқеа юз беради. Ғира-шира пушти ранг ёлқин лип этади-ю, кейин бутунлай зулмат чўқади.

У каравотига омонатгина ўтирди. Ўзининг ола-була ғариб уст-боши ва кулранг наMAT кавушларига тикилиб қолди. Жиноий жавобгар одам у. Манави йўл-йўл кийимлари. Кавушлари. Манави камера. Эсингга тушса, ҳамма вақт юрагинг орқангга тортиб кетадиган олдиндаги ноаниқ таҳдид. Энди бунга – мана бу хат ҳам қўшилди. Гапнинг қисқаси, унинг ширин туши туғади! Ўлиб-тирилиб Робертадан қутулмоқчи бўлганлари, ҳатто уни ўлдиришга ҳам шай турганларининг оқибати шуми энди! Шуми энди! Шуми! У ушлаб турган хатини айлантириб-айлантириб кўрди-да, кейин бўшашиб, қўллари осилиб тушди. Ҳозир қаерда ўша Сондра? Кимга ошиқ бўлиб юрганикин? Унинг туйғулари бу орада ўзгариб ҳам кетгандир. Эҳтимол, у ўшандаёқ Клайдга шунчаки кўнгилхушлик юзасидан қизиқиб қарагандир. Клайд тўғрисидаги мудҳиш хабарлар эса, ҳойнаҳой, кўнглида бор туйғуларини ҳам чилпарчин қилиб юборгандир. Сондра озод. У гўзал... бой-бадавлат. Балки, биронтаси билан..

У ўрнидан турди ва аламини босиш учун камера эшигигача юриб борди. Рўпарадаги илгари хитой маҳбус ётган камерада энди ҳабаш Уош Хиггинс ўтирибди. Айтишларича, у ресторан официантини овқат олиб келмай, устига-устак, уни ҳақорат этгани учун чавақлаб ташлаган экан. Ёнида эса ёш-

гина бир яхудий ўтирибди. У ўғрилиқ қилиш ниятида заргарлик дўконининг хўжайинини ўлдирган экан. Аммо у қатл этилишини кутиб, бу ерда ҳамма вақт маъюс ва эзилган қиёфада юрар, бошини қўллари орасига олганча неча кунлаб индамай ўтирар эди. Уларнинг икковини ҳам Клайд ўз камерасидан кўриб турибди. Яхудий одатдагидек бошини қўллари билан эзганча ўтирибди. Ҳабаш эса каравотида оёқларини бир-бирига чалиштириб, папирос чекиб, қўшиқ айтяпти:

*Ана, катта гилдирак гилдирайди – бум!
Ана, катта гилдирак гилдирайди – бум!
Ана, катта гилдирак гилдирайди – бум!
Тўппа-тўғри мен-га-а қараб!*

Клайд ўз фикрларидан қочиб қутулишнинг иложини тополмай юзини ўтирди.

Олдинда қатл! У ўлиши керак! Манави мактуб эса унинг Сондрадан ҳам умрбод айрилганининг белгиси. Ҳаммаси равшан. Бу – видолашув. «Гарчи сиз энди у билан ҳеч қачон кўришолмасангиз ҳам...» Клайд йиғлаш учун эмас, шунчаки нафасини ростлаб олиш учун ўзини каравотга муккасидан ташлади, у ниҳоятда чарчаган эди. Ликург. Ўн иккинчи кўл. Ўйин-кулги... Бўсалар... Табасумлар. Ўтган кузда у шу нарсаларга шунақанги чанқоқ эдики... Мана энди – бир йил ўтгач...

Шу пайт яхудий йигитнинг овози эшитилди. Индамай ўтиравериб, ишдан чиққан асаблари охири шунга ҳам чидолмай қолгач, у дуога ўхшаш аллақандай хутбани қироат қилиб алжирашга ўтар, лекин унинг овози юракларни эзиб юборар эди. Кўпчилик маҳбуслар бунга норозилик билдиришга уринар эдилар. Лекин ҳозир эса унинг мунгли дуоси унчалик ортиқча ҳам туюлмасди.

– Мен ёвуз эдим. Мен гуноҳ қилдим. Мен алдадим. О-о-оҳ! Мен лафзимда турмадим. Юрагимга ёмонлик уя қуриб олган эди. Мен ёмонларга қўшилиб, ёмон бўлдим. О-о-оҳ! Мен ўғрилиқ қилдим. Мен мунофиқлик қилдим. Мен бемеҳр эдим. О-о-оҳ!

Нариги бурчакдан Барзанги Том Рунининг овози янгради, у ўзига таниш аллақайси бир ахлоқсиз жувонни оғдириб олган Томас Тайс деган кишини ўлдиришда айбланган эди.

– Худо ҳақи, қулоқ солсанг-чи! Сенга қийинлигини биламан. Ахир, менга ҳам осон эмас-ку. Худо ҳақи, овозингни ўчир!

Клайд ўз каравотида ўтирган кўйи фикрлари яҳудийнинг дуосига ҳамоҳанг келиб, ичида у ҳам яҳудий билан бирга такрорлар эди: «Мен ёвуз эдим. Мен гуноҳ қилдим. Мен алдадим. О-о-оҳ! Мен лафзимда турмадим. Юрагимга ёмонлик уя қуриб олган эди. Мен ёмонларга қўшилиб, ёмон бўлдим. О-о-оҳ! Мен мунофиқлик қилдим. Мен бемеҳр эдим. Қотилликни ўйладим, О-о-оҳ! Нимага ҳам ўзимни шунчалик у ёқдан-бу ёққа урмасам? Амалга ошмайдиган, беҳуда бир орзу-ҳавас учун-а. О-о-оҳ! О-о-оҳ!»

Орадан бир соат ўтгач, турма хизматчиси эшик туйнуғи тахтчасига кечки таомни келтириб қўйганда, Клайд ҳатто ўрнидан ҳам жилмади. Кечки таом эмиш! Ярим соатдан сўнг турма хизматчиси патнис қандай қўйилган бўлса, Клайдда ҳам, яҳудийда ҳам худди ўшандайлигича турганини кўрди-ю, индамай қайтариб олиб кетди. Маҳбусларнинг кайфияти бузилган пайтда улардан овқат ўтмаслигини турма хизматчилари билишар эди. Баъзан шундай ҳам бўлар эдики, ҳатто турма хизматчиларининг ўзлари ҳам бир луқма овқат ейишолмас эди.

XXXIII БОБ

Клайднинг тушкун аҳволини икки кун кейин ҳам Мак-Миллан сизди ва бунинг сабабини билмоқчи истади. Кейинги учрашувлар пайтида Клайд ўз хатти-ҳаракатлари билан ҳазратнинг гарчи, ҳамма панд-насиҳатларини у истагандек қизгин-қизгин қабул этмаса-да, лекин ҳар ҳолда ўзига сингдирилмоқчи бўлинаётган диний ғоялардан оз-оз баҳраманд бўлаётгани тўғрисида ўйлашга имкон берди. Афтидан, у Клайднинг онгига ғам-алам ва умидсизликка жуда ҳам берилиб кетмаслик керак, деган фикрни анча-мунча сингдириб юборганга ўхшар эди. «Ия! Ҳали сизга худонинг роҳатбахш йўли очилмадими? Кимки қидирган ва худони топган бўлса – излаган эса, топадур – унга ғам-алам бегона, фақат қувончга ошно бўлғусидир. Биз – унда ва у – биздалигини, ҳаммамизни у ўз нафасидан бунёд этганлигидан билурмиз». – Унинг барча панд-насиҳатлари ва ёдаки хутбаларининг мазмуни шундан иборат эди, ҳуллас, охири бориб, Сондра хатидан сўнг орадан икки ҳафта ўтгач, бу мактуб Клайдда ҳали ҳам ғоят оғир таассурот қолдириб келаётганига қарамай, у Мак-Милландан икковларини бирор камерада ёлғиз қўйишларига турма нозиридан рухсат сўрашини илтимос қилди, ишқилиб, турманинг шу томонидан нарироғида бўлса бас эди, чунки Клайднинг назарида ҳатто бу ердаги деворлар ҳам мудҳиш фикрларга тўйиниб кетгандек туюлар, шунинг учун Клайд ҳазрат билан четроқда гаплашиб, ундан маслаҳат олмоқчи эди. Ҳойнаҳой, деди у Мак-Милланга, ҳаётимизда кейинги кезларда юз берган воқеаларга ўзим қай даражада жавобгарлигимни аниқ айтолмасам керак, шу боисдан ҳам сиз ҳазратлари қайта-қайта такрорлаётганингиз, анави руҳий хотиржамлик-

ка сира етишолмаётганга ўхшайман. Эҳтимол... эҳтимол, мен бошқа бирор асосий масалада янглишаётгандирман. Хулласи калом, мени айблашаётган жиноятнинг барча икир-чикирларини сиз ҳазратлари билан биргаликда муҳокама этиб чиқмоқчиман, ўтган ҳодисаларни баҳолашда янглишиб қолмадиммикин, деб шуни ҳам аниқлаб олмоқчиман. Негаки, дилимда анча-мунча гумонларим ҳам бор. Мак-Миллан эса ҳаяжонланиб кетганидан – бу унинг маънавий галабаси, имон ва тавфиқи эвазига эришган мукофоти эди, ахир! – турма нозирига қараб чопди, нозир ҳам бу эзгу ишга кўмаклашаётганидан хурсанд бўлиб, ўша заҳотиёқ эски Ажал уйи камераларидан бирида Клайд иккаласининг истаган вақтгача, назоратчисиз учрашувларига рухсат этди, фақат йўлакдагина соқчи турадиган бўлди.

Сўнгра Клайд ўзининг Роберта ва Сондра билан танишлигининг барча тафсилотларини Мак-Милланга гапириб берди. Суд ҳисоботларидан маълум бўлган нарсалардан эса у фақат руҳий бурилиш ва шу сингариларни эслаб ўтди, айна пайтда у ҳимоя томонининг далил-даъволарига тил теккизмади; кейин у қайиқда юз берган машъум ҳодиса тўғрисида батафсилроқ тўхтади. Шу ерда у ҳазрат Мак-Милланнинг фикрини билмоқчи бўлди: ҳолбуки, Клайдда шунақанги ният, демакки, аввалига шунақанги мақсад мавжуд экан, хўш, унда у айбдор ҳисобланадими ёки йўқми? Яна бу орада унинг Сондра ишқида савдойидек меровсиб юришлари, у туфайли миясида туғилган келажак тўғрисидаги беқиёс орзулари... демак, уни чиндан ҳам қотил, деб ҳисоблаш керакми? Ҳамма гап аслида судда гувоҳлик берилганидек эмас, балки худди мана шу тарзда, ҳа – худди шу тарзда бўлгани учун ҳам Клайд шундай савол беряпти. Гўё унинг қалбида

маънавий бурилиш юз берган эмиш, бунинг бари ёлгон. Бу гапларни уни ҳимоя қилиш учун адвокатлари ўйлаб топишган, холос, чунки улар Клайдни бегуноҳ деб ҳисоблашган ва уни оқлашнинг бирдан-бир осон йўли шу, деб ўйлашган эди. Лекин бу ёлгон. Роберта ўрнидан туриб унга қараб югурганча қайиқда нималарни ўйлагани ва ҳис этгани ҳамда ундан кейинги воқеалар – шулар тўғрисида ҳам у ёлгон гапирди, тўғрироғи, гапининг кўпи ёлгон эди. Бехосдан уриб қолган анави зарбаси... У ўша зарбасига алоқадор сабабларни англаб етишга интилар эди, чунки худди шу нарсалар унинг диний жиҳатдан бегуноҳ бўлиш, яратган парвардигор даргоҳига покиза виждон билан бориш истагига халақит бераётган эди. Шу пайтгача у бу хусусда унчалик бош қотириб ўтирмаганини ҳам эслатмай қўя қолди. Лекин ҳализгача у ҳақиқат қаерда-ю, ноҳақлик қаерда, охиригача тузукроқ бир англаб етолмаган эди.

Ҳатто ҳозир ҳам унинг учун жуда кўп нарсалар шубҳали ва чалкаш кўринар эди. Судда у, Робертага адоватим йўқ эди, қалбимда руҳий бурилиш юз берган эди, деб айтди. Аммо ҳеч қандай бурилиш-мурилишдан асар ҳам йўқ эди. Аслида эса Роберта ўрнидан туриб, унга томон интилганидан бир дақиқача олдин Клайд қандайдир ғалати, ноаниқ бир аҳволга тушди – мана энди ўйласа, худди мияси карахтлашгандай ё тош қотгандай бўлган эди – нима учун шундайлигини ўзи ҳам билмасди. Очиғини айтганда, ўша пайтда билмаган эди, кейинчалик эса, балки, Робертага ачиниб кетгандирман ёки унга нисбатан ваҳшийлик қилаётганимдан виждоним қийналгандир, дея ўйлай бошлади. Иккинчи томондан, қаҳр-ғазаби ҳам, нафрати ҳам ошиб кетган эди, албатта, чунки Роберта у истамаётган ишни унга мажбурлаб қилдирмоқчи бўлаёт-

ган эди. Учунчидан эса, эҳтимол, ёвузлик оқибатидан қўрққани учун ҳам шунақанги аҳволга тушгандир, тўғриси, у бунга унчалик ишонинқирамай қарайди (шу ҳақда у бир ўйлаган ҳам эди-ю, аммо, бари бир ҳозиргача бунга ишонмайди), ваҳоланки, ўша пайтда у ёвузлик оқибатида қўрққанини эмас, балки ўзи режа қилган ишни ўзи бажара олмаслигини ўйлаб, шу ношудлиги учун ўзидан ўзи нафратланиб кетганга ўхшаб туюлади, ҳозир унинг назарида.

Аммо у Робертани ургани – яъни, у ўрнидан туриб Клайдга томон интилган пайтида уни бехосдан уриб юборганида – эҳтимол ўшанда, нега у менга қараб келяпти, деб беихтиёр равишда нафратланиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Балки – у буни ҳатто ҳозир ҳам аниқ айтиб бериши даргумон – балки шунинг учун ҳам туширган зарбаси кучли бўлиб чиққандир. Ҳарқалай, у буни кейинроқ ўйлади. Лекин очигини айтганда, Робертага нисбатан нафрати ошиб кетганига ҳам қарамай, ўрнидан турганида унга чиндан ҳам кўмаклашмоқчи эди. Ўша дақиқада Робертани урганига ўзи ачинди. Бироқ қайиқ ағдарилиб, икковлари ҳам сувга тушганларида ва Робертанинг нафаси қайта бошлагач, миясидан бирдан: «Майли, ўлаверсин», деган фикр йилт этиб ўтди. Чунки Робертадан қутулишнинг бирдан-бир йўли мана шу тасодиф эди. Ҳа, ўшанда Клайдда шундай фикр тугилган эди. Бироқ, шуни унутмаслик керакки, – айтиқса, буни мистер Белнеп билан мистер Жефсон ҳам таъкидлаб ўтишди, бу пайтда Клайднинг бутун туйғу-эҳтирослари мисс Х билан банд эди, юз берган ҳодисанинг асосий сабаби ҳам аслида шу эди. Шундай экан, барча воқеаларни, бошдан-охири қандай бўлса, худди ўшандайлигича ҳисобга ола туриб, гарчи Робертани у тўсатдан бўлса

ҳам, аммо нафратланган ҳолда ургани – чунки Робертанинг ўжарлиги Клайднинг газабинини ошириб юборган эди, ҳа, чиндан ҳам унинг жаҳли чиққан эди – кейин эса уни қутқаришга ҳам уриниб кўрмагани (буни ҳозир Клайднинг ўзи холисона туриб бўйнига оляпти), шуларни назарда тутганда, ҳарқалай, Клайдни қотилликда айбдор, у ўлимга арзирли гуноҳ ва қонли жиноят қилган, шунинг учун инсоф жиҳатидан ҳам, қонун жиҳатидан ҳам у ўлим жазосига лойиқ, деб ҳисоблаш мумкинми, ҳазрат Мак-Миллан бу ҳақда қандай фикрдалар? Хўш, у шунга лойиқми? Клайд буни кўнглининг хотиржамлиги учун ҳам, ақалли бўлмаганда худого сифиниши учун ҳам билиши зарур.

Ҳазрат Мак-Миллан шу гапларнинг барини чуқур изтироб билан эшитди, у умрида ҳали ҳеч қачон бунчалик мураккаб ва галати масалани ҳал этиш муаммосига дуч келмаган эди, бунинг устига Клайднинг умид ва ҳурмат билан қараётгани унга жуда катта масъулият ҳам юклар эди. У қимир этмай, оғир, ғамгин, деярли хаста бир ўйчанлик билан ўтирар эди; ундан кутаётган жавоблари ниҳоятда жиддий ва муҳим жавоб эди, айти шу жавобдан Клайд ўзига ҳаётий ҳамда руҳий таскин олоқчи эди. Ҳазрат Мак-Миллан эса бунга дарров жавоб топиб беришга қурби келмас эди, чунки у эсанкираб қолган эди.

– Клайд, демак, сиз у билан қайиққа ўтиргунингизча ҳам ниятингиз ўзгармаган, айтмоқчиманки, сиз уни... уни...

Ҳазрат Мак-Милланнинг юзлари чўкиб, оқариб кетди. Кўзлари ғамгин боқар эди. Ҳозиргина у аянчли ва даҳшатли воқеани эшитди – ўз-ўзини фош этиш қийноғига тўла, аёвсиз, хунук воқеани эшитди. Бу бола... демак, чиндан ҳам... Унинг эҳтиросли, тиниб-тинчимас қалби кўп нарсаларга

чанқоқлиги учун ҳам исён кўтарган экан-да, бунақанги туйғулар ҳазрат Мак-Милланга эса ҳамма вақт ҳам бегона эди. Ўша қалб исён кўтараман деб, катта гуноҳга ботган ва қатл этилишга ҳукм қилинган. Ҳазрат Мак-Миллан ачинганидан юраги қисилиб кетди, миясини эса гулғула ва саросима босган эди.

– Йўқ, ўзгармаган эди.

– Ўйлаганингизни қилишга кучингиз етмагани учун, айтишингизча, ўзингиздан жаҳлингиз чиққан, шундайми?

– Ҳа, шундай ҳам бўлган. Лекин раҳмим ҳам келган, тушуняпсизми? Яна, эҳтимол, қўрққан бўлишим ҳам мумкиндир. Ўзим ҳозир анигини билмайман. Эҳтимол, қўрққандирман, эҳтимол, ундаймасдир.

Ҳазрат Мак-Миллан бошини чайқаб қўйди. Буларнинг бари шу қадар ғалатики! Шу қадар ноаниқки. Шу қадар аҳмоқонаки! Аммо шунга қарамай...

– Лекин айна пайтда гапингизни агар тўғри тушунган бўлсам, сиз ўзингизни шу аҳволга солиб қўйгани учунгина ҳам ундан жаҳлингиз чиққан, шундайми?

– Ҳа.

– Шу қадар кишига азоб берувчи муаммони ечасан, деб сизни мажбур қилгани учун, шундайми?

– Ҳа.

– Тц-тц-тц! Ана шунда сиз уни бир солиб юборгингиз келган?

– Ҳа, шундай.

– Лекин сиз уролмагансиз?

– Уролмадим.

– Илоё тавба, худо марҳаматини дариф тутмасин. Аммо ўзингиз айтаётганингиздай, ожизани бехосдан уриб юборган пайтингизда, ҳарқалай, унга нисбатан фазабингиз кучли бўлган. Шунинг учун зарбангиз

шунақа... шунақа кучли чиққан. У сизга яқинлашиб келишини истамагансиз, шундайми?

– Ҳа, истамадим. Ҳар ҳолда, ҳозир назаримда шундай туюляпти. Аниғини айтишим бари бир қийин. Эҳтимол, ўзимни хиёл йўқотиб қўйгандирман. Яъни... шунақанги ҳаяжонда эдимки... деярли касалга ўхшардим. Мен... мен...

Клайд унинг рўпарасида йўл-йўл турма кийимида, сочи машинкада тақир олинганча ўтириб, ҳалол ва холисона бир тарзда воқеалар қандай юз берган бўлса, худди ўшандайлигича тасвирлаб беришга уринар, ўзининг гуноҳқорми ёки йўқлигини аниқ билиб олиш ҳатто ўзининг ҳам қўлидан келмаётганидан ваҳимага тушар эди. Чиндан ҳам у гуноҳқорми ёки йўқми?

Ҳазрат Мак-Миллан ҳам ниҳоят даражада изтироб чекканидан, фақатгина:

– «Ажалга олиб борувчи дарвоза қўштавақа ва йўли кенгдур», – дея минғиллади. Аммо кейин қўшиб қўйди: – Лекин сиз унга қўмаклашиш учун ўрнингиздан тургансиз, шундайми?

– Ҳа, кейин ўрнимдан турдим. Қулаб тушаётганини кўришим билан уни ушлаб қолмоқчи бўлдим. Шунда қайиқ афдарилиб кетди.

– Уни ушлаб қолмоқчи бўлганингиз ростми?

– Билмайман. Ўша дақиқада, менимча, ушлаб қолмоқчи бўлдим шекилли. Ҳарқалай, юз берган воқеага ачиндим.

– Юз берган воқеага ачинганингиз ва ўша дақиқада уни қутқармоқчи бўлганингизни яратган эгам олдида имонингизни қўшиб, қатъий туриб айта оласизми?

– Биласизми, ҳаммаси кўз очиб юмгунчалик вақт ичида бўлди-ку, – дея гап бошлади Клайд асабийлашиб, деярли умидсиз бир оҳангда, – бир нарсаси дейишга ҳам тилим бормаиди. Йўқ, ҳойнаҳой, у

қадар қаттиқ ачинган бўлмасам керак. Йўқ. Худо ҳақи, ўзим ҳам тузук билмаяпман ҳозир. Баъзан ачинганга ўхшаб кўринаману, баъзан эса иккиланаман. Лекин у чўкиб кетиб, мен эсам соҳилга сузиб чиққанимда, ана шунда... бир оз ачиндим. Бироқ ичимда қувониб ҳам қўйдим – тушуныпсизми, ахир, мен озод бўлган эдим, шуни ўйлардим... кейин ваҳима ҳам босди... Сиз тушуныпсизми...

– Ҳа, ҳа, тушуныпман. Сиз анави мисс Х ни ўйлардингиз. Лекин унинг чўкаётганини кўрганингиздан олдин-чи?..

– Йўқ, унда ўйламагандим.

– Сиз уни қутқазиб қолишни истамадингиз?

– Йўқ.

– Тш-тш-тш! Бу сизни қийнамадимиз? Бундан уялмадингизми?

– Ҳа, ҳарқалай, уялдим. Балки қийналган бўлишим ҳам мумкин. Хуллас, шуларнинг бари даҳшатлигини тушунардим. Мен буни яхши билардим. Аммо шунда ҳам... биласизми...

– Ҳа, ҳа, албатта. Яна ўша мисс Х. Бир амаллаб қутулишнинг пайида эдингиз...

– Ҳа... лекин очигини айтсам, қўрқиб кетдим, кейин унга ёрдам бергим келмасди.

– Тушунарли, тушунарли. Тц-тц-тц! Сиз, агар у чўкиб кетса, мисс Х га бора оламан, деб ўйлагансиз. Шундай деб ўйлаганмидингиз?

Ҳазрат Мак-Милланнинг лаблари алам билан маҳкам жипслашди.

– Ҳа.

– Бўтам! Бўтам! Демак, сиз юрагингизда қотиллик қилган экансиз!

– Ҳа, сиз ҳақсиз, – деди Клайд ўйга ботиб. – Ўзим ҳам шундай бўлса керак, деган фикрга келган эдим.

Ҳазрат Мак-Миллан чорасиз оғир муаммо олдида ўзини бир тетиклаб олиш мақсадида гапни пайсалга солди, сўнгра овозини чиқармай, ичида дуо ўқий бошлади: «Парвардигори олам, самою кўқда агар борлигинг рост бўлса, марҳаматингдан бе-насиб этма, илоё, еру осмонда сенинг қудратинг, сенинг ироданг муҳаққақ бўлғай». Кейин сал жон киргандай ўзгарди.

– Гапимга қулоқ солинг, Клайд. Ҳар қандай гуноҳ ҳам худонинг марҳамати олдида ҳечдир. Мен буни аниқ биладурман. Тангри бандасини дунёдаги ёмонликни ўз ўлими билан ювиб туриши учун яратгандир. Агар сиз тавба қилсангиз, у сизнинг гуноҳингиздан кечади. Лекин анави ниятингиз! Анави ишингиз! Сиз ҳали, бўтам, жуда кўп нарсаларни бўйинга олишингиз керак, жуда кўп нарсаларни! Негаки, парвардигорнинг назарида, айтишга ҳам тилим бормаяпги... ҳа... Аммо шунга қарамай... Худо менга йўл кўрсатиши ва ўғит бериши учун эртаю кеч дуо қилавераман. Сиз менга айтиб берган гаплар жуда ғалати ва қўрқинчлидир. Буни, турлича тушунишлари мумкин. Эҳтимол... бироқ, ҳарқалай, имон келтираверинг. Шу ерда, мен билан бирга, хира кўзларимизга худо нур бағишлашини сўраб, имон келтираверинг.

У бошини эгди ва бир неча дақиқа миқ этмай ўтирди, Клайд ҳам иккиланган ва журъатсизларча бир қиёфада индамай унинг ёнида ўтирди. Кейин Мак-Миллан гап бошлади:

– Э, худо, мени қаҳру ғазабингга дучор этма ва азобу уқубатларинг ўтига ташлама, илоё. Раҳминг келсин, парвардигори олам ва инчунин, бир бандаи ожизингман... Илоё, шарманда қилма ва мен ғарибингни ғам-андуҳларга ботирма, чунки шундай ҳам нигоҳинг қаршисида дилим тифлангандир ва қоронғидир. Ҳаром-хариш нимаики нарсам

бўлса, юрагимдан юлиб ташла. Ҳақиқатгўйлигинг билан менга соябон бўл, яратган эгам. Ҳаром-хариш нимаики нарсам бўлса, юрагимдан юлиб ташла ва уни унут.

Клайд бошини осилтирганча, жимгина, қимир этмай ўтирарди. Энди у ҳам ларзага тушган ва кулфат қийноғига ботиб қолган эди. Демак, кўри-ниб турибдики, у катта гуноқ қилган. Катта, оғир гуноқ қилган! Лекин шунга қарамай... Шу ерда ҳазрат Мак-Милланнинг овози ўчди-ю, ўрнидан турди, Клайд ҳам шоша-пиша ўрнидан қўзғалди.

– Вақтим бўлди, – деди Мак-Миллан. – Дуо ўқишим... ўйлаб кўришим керак. Сиз айтган гапларнинг бари мени эсанкиратиб, юрагимни ўртаб юборди. Чиндан ҳам шундай бўлди, буни тангри кўриб турибди. Сиз бўлсангиз – сиз, бўтам, камерангизга қайтиб боринг-да, танҳо ўзингиз парвардигорга тўхтовсиз сифининг. Тавба-тазарру қилинг. Тиз чўкиб, худодан гуноҳингизни кечишини сўранг, шунда у нолангизни эшитгай. Ҳа, ҳа. Албатта, эшитгай. Эртага эса – ёки бўлмасам, ўзимни шунга тайёр сезишим биланоқ, – мен яна келурман. Лекин тушқунликка берилманг. Сифинаверинг, сифинаверинг, чунки нажот – фақат худога сифинишу тавба-тазарру қилишда. Бутун оламни милкида ушлаб турган парвардигори оламнинг қудратига маҳдиё бўлинг. Унинг тенгсиз кучи ва шафқати сизни афв этиши ва дилингизга хотиржамлик бағишлаши мумкин-дир. Тангри ҳақиқати шудир.

У қўлида ушлаб турган калит ҳалқаси билан панжарани уриб тиқирлатган эди, йўлакда юрган назоратчи ўша заҳотиёқ югуриб борди.

Ҳазрат Мак-Миллан Клайдни камерасигача кузатиб қўйдида, уни ўша тор қафасга яна қайта қамаб бўлгунларича қараб турди; кейин у хайрлашиб чиқиб кетди. Бугун эшитган барча тафсилотлари

худди кўксига қадалган тошдек уни азоблай бошлади. Клайд эса гапириб берган ҳамма гапларини ва улар Мак-Милланга ҳамда унинг ўзига энди қандай таъсир қилишини ўйлаганча қолаверди. Унинг янги биродари ниҳоятда эзилиб кетди. Клайднинг бутун гапларини у қанчалар даҳшатга тушиб, алам билан тинглаб ўтирди! Наҳотки, энди у, Клайд, дарҳақиқат ва узил-кесил гуноҳкор бўлса? Шу гуноҳи учун дарҳақиқат ва узил-кесил ўлимга лойиқ деб топилса? Ҳазрат Мак-Миллан ҳам айни шундай деб ўйлаган бўлиши мумкинмикан? Шунчалик беозор ва раҳмдиллигига қарамай-а?

Орадан бир ҳафта ўтди, шу вақт ичида ҳазрат Мак-Миллан Клайднинг дангал эътирофи ва у айтиб ўтган барча чалкаш ҳамда айбни юмшатувчи омиллар таъсири остида ушбу ишнинг бутун ахлоқий томонларини диққат билан қайта-қайта ўйлаб чиқди, кейин у яна Клайд камераси остонасида пайдо бўлди. Лекин у, Клайд охири бориб очиқчасига эътироф этган бари далилларни ҳар қанча юмшатиб кўрганда ҳам, аммо Клайддан на унинг бевосита ва на билвосита айбини соқит қила олмаслигини айтиш учунгина келган эди. У Робертани ўлдирмоқчи бўлган – шундай эмасми, ахир? Уни қутқариб қолиши мумкин эди-ю, бироқ шунга уриниб ҳам кўрмаган. Унга Робертанинг ўлими керак эди, шунинг учун ҳам виждони азобланмай юраверган. У қулочкашлаб урганда қайиқ ағдарилиб кетган, шу зарбасида унинг нафрат-ғазаби ҳам ташқарига отилиб чиққан. Ҳатто қасддан уришига халақит берган яхши туйғуларига ҳам нафрат-ғазаб аралашган. Файриқонуний алоқа қилганларидан сўнг, Роберта уни мени оласан, деб мажбурлаган ва у мисс Х нинг ҳусну жамоли ҳамда эл-юрт ичидаги обрўига маҳлиё бўлиб қолгани учун шу жиноятни қилмоқчи бўлдим дейиши Клайдни

оқдай олмайди; аксинча, бу қайтага унинг одамлар олдидаги гуноҳи ва жиноятини тасдиқловчи янги далиллардир. У худо олдида ҳам кўп нарсада гуноҳкор. Ўша даҳшатли дақиқаларда, афсуски, у апостол Павел қарғаган барча қусурлар – тамагирлик, ғайриқонуний истаклар, бузуқликнинг рамзига айланиб қолган эди. Уни то ҳибсга олмагунларича ҳаммаси шу хилда ўзгармай давом этаверган. У ҳатто Айиқ кўлида ҳам тавба қилмаган, ваҳоланки ўшанда кўп нарсаларга мундай бир ақл юритиб олишига вақти етарли эди. Ҳаммасидан ҳам ёмони: бошдан-охир, атайлаб, фирт ёлғон гапириб, ўз айбини баттар оғирлаштириб юборганини айтмайсизми, ахир. Афсуски, худди мана шундай бўлган.

Иккинчи томондан эса, уни ҳозир, энди у очиқчасига тавба қилаётган, юз берган воқеанинг бутун даҳшатини аста-секин тушуниб бораётган бир пайтида электр курсига ўтқазиш, шубҳасиз бу жиноят устига яна бир жиноят қилиш деган сўз эмасми ахир, бунинг устига мазкур вазиятда жиноятчи давлатнинг ўзи бўлиб қолиши мумкин-ку? Турма нозири ва бошқа кўп кишилар сингари Мак-Миллан ҳам ўлим жазосининг душмани эди, у жиноятчиларни у ёки бу тарзда давлатга хизмат этишга мажбурлаш мақсадга мувофиқроқдир, деб ҳисоблар эди. Лекин бу деган сўз, Клайдни бегуноҳ жазолашди, деб ўйлаётгани эмас Мак-Милланнинг. У ҳар қанча бош қотирмасин, кўнглида минг хил важ-баҳоналарни изламасин, бари бир, Клайднинг гуноҳи беш панжадай аниқ кўриниб турибди-ку, ахир!

Мак-Миллан Клайдга, ахлоқий ва руҳий покланиш – ҳаёт ва фаолият учун сизни аввалгига қараганда янада мукамалроқ, янада яроқлироқ этиб тарбиялайдур, деб бефойда насиҳат қилган

экан. Клайд ўзини ёлғиз ҳис қиларди. Дунёда унга ишонадиган одам йўқ эди. Ҳеч ким ишонмайди. Ҳалокат олдидан унинг ниҳоятда ғалати, зиддиятли иш тутганини истаган одамдан сўрашса ҳам, уни фақат энг оғир жиноят, деб баҳолашдан асло нари ўтишмайди. Лекин шунга қарамай... шунга қарамай (у Сондрага ва ҳазрат Мак-Милланга, анави Мейсонни, Брижбургдаги суд маслаҳатчиларини ва уларнинг қарорини ўз кучида қолдириши мумкин бўлган ўша, Олбэнидаги юқори судни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, бутун жаҳонга қарши бош кўтариб айтадики), Клайднинг қалб гўшаларида шундай бир ҳиссиётлари борки, ҳарқалай, у ҳамма ўйлаётгандек у қадар гуноҳкор эмас, ахир. Суриштириб келганда, уларнинг биронтаси ҳам Клайд Робертадан кўргандек азобни кўришмаган, уларга ҳеч ким хиралик қилиб, менга уйланасан, деб туриб олмаган ва шундай йўл билан ҳаётини заҳарламаган. Уларни, Клайддек Сондрага нисбатан, афсонавий орзулар тимсолига нисбатан ўлмас эҳтирос ёндирмаган. Улар ғариб болаликнинг бадбахт кулфатлари ва хорликларидан бегонадирлар, бутун қалбинг, бутун вужудинг билан бошқача, тузукроқ ҳаётга интилиб, номусдан ерга кирай деб кўчада ваъз айтиб, дуогўйлик қилмаганлар. Бу одамларнинг қайси бири ва шу жумладан, онаси ҳам, у бошидан кечирган маънавий, жисмоний ва руҳий азобларни билмай туриб, қандай қилиб уни айблашга ҳаддилари сиғади? Ҳатто ҳозир ҳам, ўша кечинмаларни у хаёлан эсласа, бутун аъзойи бадани гўё ўтга тушгандек қоврилиб кетади. Гарчи бор далиллар унга қарши чиқса ҳам, гарчи уни айбсиз дейдиган биронта одам топилмаса ҳам, аммо ич-ичидан аллақандай бир овоз бунга қарши шунақанги қатъий норозилик билдирар эдики, ҳатто бунга ўзи ҳам ҳайрон бўлиб

кетар эди баъзан. Лекин мана, ҳазрат Мак-Миллан – у, ахир шунчалар одил, инсофли ва кўнгли пок одам. У юз берган воқеани Клайдга қараганда анча тузукроқ кўриб, анча тузукроқ баҳолайди, албатта... Бироқ Клайдга нисбатан ишончи мустаҳкам бўлган шу одамни ҳам гоҳи пайтларда оғир шубҳалар қамраб олар эди.

Эҳ, бу зиддиятли, чалкаш, азобли фикрлар-ей! Наҳотки, Клайд энди бир умр – ё у ёқли, ё бу ёқли бўлмай – анигини охиригача англаб етолмай юрарса?

Хуллас, шу қадар қалби тоза, меҳрибон киши бўлган ҳазрат Мак-Милланнинг ихлосмандлиги-ю, қадрдонлигидан ҳам, у даракчиси ҳисобланган қудратда тенгсиз, марҳаматда ягона худодан ҳам энди Клайд ҳақиқий юпанч тополмай қолди. Хўш, ҳарқалай нима қилиш керак? Таъсирчан, тоза, итоатгўй хутба дуолар учун тузукроқ сўзларни қаердан олсин? Клайднинг тавба-тазаррусида унинг тўла-тўкис худо йўлига кирганини кўрувчи ҳазрат Данкеннинг насиҳатларига амал қилиб, у яна қайтадан кўрсатилган саҳифаларни варақлаётир, ўқиётир, ўзига яхши таниш сураларни қайта мутолаа қилаётир ва тавбаси унга илҳом беришидан умидвор бўлаётир – бу нарса тинчлик ва хотиржамлик гарови эди – тинчлик-хотиржамликка эса шу зориқтирарли узоқ соатларда у ниҳоятда чанқоқ бўлиб кетган эди. Лекин илҳом қурмагур сира кела қолмас эди.

Шу йўсинда яна тўрт ой ўтиб кетди. Бу муҳлат тугагач, 19... йилнинг январиди Кинкэйд, Бригтс, Трумэн ва Добшутерлардан иборат юқори суд ҳайъати ушбу ишни кўриб чиқиб (Белнеп билан Жефсоннинг ҳужжатларини Ж.Фулхэм хулосалаб, доклад қилди), Клайдни айбдор деб топди ва Катараки округи суд маслаҳатчиларининг ҳукмини ўз кучида

қолдириш ҳамда 23 февраль куни билан бошлан-
диган ҳафта кунларининг бирида, яъни олти ҳаф-
тадан сўнг ўша ҳукми ижро этиш тўғрисида қарор
чиқарди. Қарорда шундай дейилган эди:

«Биз қораловчи томон бошдан-охир эгри жи-
нойий далилларга асослангани, кейин яккаю ягона
гувоҳ ўлим жиноят туфайли юз берганини инкор
этганини ҳисобга оламиз. Лекин қораловчи то-
мон вакили шу хилдаги қораловга қўйиладиган
ғоят жиддий талабларга мувофиқ равишда зўр
диққат-эътибор ва моҳирлик билан эгри жиноий
далиллар ва гувоҳликлар кўринишидаги жуда кўп
ҳужжатларни тўплаган ҳамда уларни айбланувчи-
нинг гуноҳкорлиги масаласини адолатли ҳал этиш
мақсадида суд ихтиёрига ҳавола қилган.

Баъзи фактлар алоҳида-алоҳида олиб қаралса,
жинойий далилларнинг камчилиги ёки бир-бирига
зидлиги жиҳатидан улар анчагина баҳсли туюлади
ва айрим шарт-шароитларни айбланувчи фойда-
сига ҳам изоҳлаб берса бўлади. Ҳимоя томони хий-
ла усталик билан шу нуқтаи назарни ўтказишга
уришиб кўрган, деб ҳисоблаш ҳам мумкин.

Аммо, далиллар ўзаро узвий алоқада қараб
чиқиладирган бўлса, унда айбланувчининг гу-
ноҳкорлиги ниҳоят даражада ишонарли очиб бе-
рилган, шу сабабли биз уни ҳеч қандай мантиқий
фикр ила рад этолмаймиз ва ушбу ҳукм тергов
ва суд ҳужжатлари ҳамда улардан чиқариладир-
ган хулосаларга зиддиги у ёқда турсин, аксинча, у
уларга бутунлан мос бўлиб тушаётганини кўрамиз.
Қуйи суд маҳкамасининг қарори бир овоздан тас-
диқланади».

Мак-Миллан буни Сиракузада эшитди-ю, норо-
зилик шикоятти натижасини расмий эълон қили-
шаётган пайтда Клайднинг ёнида бўлиш ва уни

руҳан кўтариб туриш мақсадида унинг ҳузурига шошилди, ҳазратнинг эътиқодича, бу оғир зарбани енга оладиган куч-қувватни Клайдга фақат тангри – бошимизга мусибат тушганда доимий ва ҳамма жойда таянчимиз бўладиган парвардигоргина бера олар эди. Аммо бахтига Клайднинг ҳали ҳеч нарсадан хабари йўқ экан, чунки бунақанги пайтларда қарорни маҳбусларга фақат қатл тўғрисидаги фармойиш келгандан сўнггина эълон қилишар экан.

Самимий ва қизгин суҳбат давомида Мак-Миллан Матфей, Павел ва Иоаннларнинг бу фоний дунёнинг чириклиги-ю, истиқболнинг чинакам бахтиёрлиги хусусида айтган ҳикматларини келтириб ўтгач, Клайд дўстидан суд ўз ишини унинг фойдасига ҳал қилмагани ҳақидаги хабарни эшитиши лозим бўлди. Тўғри, Мак-Миллан ўша заҳотиёқ, у ва унинг таъсиридаги тағин бир қатор шахслар штат губернаторига арзнома билан мурожаат қилажакларини эслатиб ўтди, лекин бу, агар губернатор аралашишни истамаса, Клайд олти ҳафтадан кейин ўлади, деган сўз эди. Ниҳоят машъум сўзлар айтиб ҳам бўлинди ва Мак-Миллан яна одамзот худонинг шафқати ва дониши туфайлигина етиша оладиган ўша сояи паноҳ – имон тўғрисидаги гапини давом эттира бошлади, Клайд эса унинг қаршисида қаддини тик тутиб турар, кўз қарашлари ўзининг қисқа, гуруллаб ўтган умри давомида биринчи марта мана шунақанги ўткир ва мардонавор эди.

«Демак, улар менга қарши чиқишибди. Демак, мен ҳам, ҳар ҳолда, ҳамма қатори ҳу анави эшикка кирар эканман. Камералар олдидаги пардаларни мен учун ҳам тушириб қўйишади. Мени ҳам эски Ажал уйига олиб боришади ва кейин тор

йўлакдан изимга қайтариб келишади, бўлмага киришдан олдин мен ҳам бошқаларга ўхшаб, видолашган бўлиб, бир-икки оғиз сўз айтаман. Сўнгра мендан ҳам ному нишон қолмайди». У, ўзи яхши билган қатл маросимининг барча тафсилотларини гўё миясида қайта тиклаётганга ўхшар эди, аммо энди у шуларни ўз танасида синаб кўришга мажбур бўлгани учун ҳам биринчи марта уни мутлақо бошқача, тўлалигича ҳис этди. Ҳозир қўрқинчли, ҳатто одамни ақлдан оздириб қўйгудек кучга эга бўлган ўша мудҳиш хабарни эшитса ҳам, негадир ўзини эзилган ва ҳолдан тойгандай сезмади. Аксинча, у диққатини бир ерга йиғиб, кўринишидан бамайлихотир турганича энди бу ёғига нима қилиш ва нима дейиш ҳақида ўйлар эди, бундан ҳатто ўзи ҳам ҳайратланаётган эди.

У ҳазрат Мак-Миллан қироат қилган хутбаларни яна такрорлаши керак. Ҳа, албатта. Қайтага суюниб-суюниб такрорлаши керак. Лекин, ҳарқалай...

Клайд бир дақиқагина эсанкираб қолгани сабабли ҳазрат Данкен шивирлаётган сўзларни эшитмади:

– Шу билан ҳаммаси тамом, деб ўйламанг тагин. Январда янги губернатор ишга тушади. Айтишларича, у жуда ҳам доно ва меҳрибон одам эмиш. Уни яхши биладиган танишларим бор, ўшалардан хат ёздириб олиб, шахсан ўзим унинг ҳузурига бормоқчиман, танишларга хатни ўзим айтиб туриб ёздираман.

Лекин Мак-Миллан Клайднинг кўзлари ва жавобидан унинг қулоқ солмаётганини пайқади.

– Онам... Кимдир унга телеграмма юбориши керак. Унга жуда ҳам қийин бўлди. – Кейин давом этди. – Ҳойнаҳой, анави хатларнинг тўла ўқилгани нотўғри бўлганига улар қўшилишмабди шекилли-а? Мен қўшилишар, деб ўйлаган эдим.

У Николсонни эслади.

– Хафа бўлманг, Клайд, – дея жавоб берди обдан эзилган, қайғуга ботган Мак-Миллан; у ҳозир сира гапиргиси келмас, Клайдни бағрига босиб, уни эркалашни, юпатишнигина хоҳлар эди, холос. – Онаизорингизга телеграмма бериб улгурганман. Қарор хусусида эса, ҳозироқ мен адвокатларингизга йўлиқаман. Сўнгра – буни сизга айтдим – губернаторга ўзим бораман. Муҳими шундаки, у янги одам.

Мак-Миллан аввалги гапларини яна такрорлар, Клайд эса умрида биринчи бор ҳеч нарсани эшитмаётган эди.

XXXIV БОБ

Воқеа юз бераётган жой яқингинада сайланган Нью-Йорк штати губернаторининг кабинети эди, Мак-Миллан юқори суд қарорини Клайдга айтгандан сўнг ҳам орадан уч ҳафта ўтди. Белнеп билан Жефсон ўлим ҳукмини умрбод қамоқ жазосига айлантирмоқчи бўлиб югуриб-елиб қилган барча ҳаракатлари бенаф кетгач (бу афв сўрашнинг одатий бир йўли эди, кейин жиноий далилларнинг нотўғри талқин этилганлиги ва Роберта мактублари қонунсиз равишда ўқиб эшиттирилгани ҳақидаги гаплар ҳам, бари бир, ҳеч қандай фойда бермади, чунки губернатор Уолтхэм – у собиқ округ прокурори эди в жанубий қисмида судьялик ҳам қилган эди – ўз томонидан ушбу ишга аралашшига ҳеч қандай зарурият йўқ, деб айтиб қўйишни лозим топди), губернатор Уолтхэм ҳузурига ҳазрат Мак-Миллан ҳамроҳлигида миссис Грифитс кириб келди. Губернатор, қисман Клайд ишига халойиқнинг қизиқуви ҳамон зўрлиги сабабли, қисман эса битмас-туганмас оналик меҳри билан миссис

Грифитс юқори суд қароридан хабар топиши ҳаммоно яна Обернга қараб югургани ва ўшандан бери ёзган мактубларида ҳамда матбуот орқали, у, прокурор сифатида ўғлининг жиоятига оид айрим юмшатувчи омилларни текшириб кўришини қаттиқ туриб талаб қилгани, кейинроқ эса ушбу иш хусусида ўз нуқтаи назарини шахсан изҳор этиб бериш мақсадида у билан учрашишга рухсат сўрагани учун ҳам, охири шунга кўнган эди. Губернатор, бу билан бари бир ҳеч нарса йўқотмайман, деб ўйлади. Она бечора балки бундан бир оз энгил ҳам тортар. Бундан ташқари, газеталарнинг хабарига қараганда, кайфияти салга ўзгариб турадиган халойиқ ҳам – у ёки бу масала қандай фикрни қувватлашидан қатъи назар – Клайдни айбдор деб ҳисоблашга мойилроқ эди. Бироқ миссис Грифитс Клайд ва Роберта тўғрисида жуда кўп мушоҳада юритиб суд вақтида ва суддан кейин Клайд бошидан кечирган барча кечинмалар ва ниҳоят, ҳазрат Мак-Милланнинг айтишига қараганда, ўз гуноҳини бўйнига олиб, бутунлай худога сифина бошлагани хусусида ўйлаб кўрди-ю, инсонпарварлик ва ҳатто адолат қонунлари юзасидан ҳам айни ҳозирги пайтда унинг ҳаётини мутлақо сақлаб қолиш зарурдир, деган қатъий қарорда тўхтади. Ана у, баланд бўй, вазмин ва хийла қовоғи солиқ губернатор олдида ўтирибди, у Клайдни майиб қилган қизғин эҳтирослар нафасини умрида ҳатто бирон марта ҳам сезмаган бир одам эди, аммо чинакам ота ва эр сифатида миссис Грифитснинг азоб-уқубатларини чуқур ҳис этар эди. Хуллас, у ҳозир асабийлашар, чунки зиммасидаги юк гоят оғир эди, уни биринчидан, Клайд иши юзасидан пайдо бўлган муайян фикр-мулоҳазалар қийнаса, иккинчи томондан эса, қонун ва тартиботларга нисбатан одатдаги, сира букилмас ихлосмандлик одати уш-

лаб турар эди. У юқори судда тилга олиб ўтилган барча далиллар ва Белнеп билан Жефсон тақдим этган охирги ҳужжатларни ҳам бутун диққатини бериб ўқиб чиқди. Лекин у, Дэвид Уолтхэм, ўз қўлида – фақат илгари муҳокамадан ўтган жиноий далилларни бошқача изоҳлашдан бошқа ҳеч қандай янги далилларга эга бўлмагани ҳолда – нимага асосланиб Клайднинг ўлим ҳукмини умрбод алмаштиришга журъат эта олади? Ахир, иккала суд ҳам, у ўлиши керак, деб қарор чиқариб қўйган-ку!

Шу боисдан миссис Грифитс овози титраганча, Клайднинг бутун ҳаётини бошдан-охиригача – қанақанги ажойиб бола бўлгани борми, мана шу воқеага қадар у ҳеч бир ёмон ёки ёвуз иш қилмагани борми (бу ерда эса Робертанинг ҳам айбдорлиги, мисс Х тўғрисида-ю, гап ҳам бўлиши мумкин эмаслиги), шулар ҳақида батафсил сўзлаб берар экан, губернатор унга фақат қаттиқ ачиниб тикилиб турар эди, холос. Ундаги оналик меҳрининг кучи ва қудратини қаранглар-а! У ҳозир қанчалар азоб чекапти, ўғлининг ёвузликда айбдор эмаслигига қанчалар қатъий ишонади, ваҳоланки, ўғлининг гуноҳкорлигини фош этадиган фактларнинг бошдан-охир ҳаққонийлигидан Уолтхэм ҳам, бошқа истаган ҳар бир одам ҳам бохабар.

– Оҳ, қимматли мистер губернатор, агар сиз ўғлимнинг ҳаётини, айти у ўз дилини гуноҳлардан халос этиб, умрини энди худо йўлига тикишга аҳд қилган бир пайтда қирқадиган бўлсангиз, шу билан сиз, ўша шўрлик қизнинг ўлимини, майли у нима сабабдан ўлганидан қатъи назар, яна давлатга қайтариб берармидингиз, хўш? Наҳотки, Нью-Йорк штатининг миллионлаб фуқароси орасидан битта ҳам раҳмдил одам топилмаса? Наҳотки, сиз, шу фуқаронинг бошида туриб, эҳтимол, кўпчилик одамлар қалбида

ниш уриб келаётган шафқат туйғуларини ростга айлантира олмасангиз?

Унинг овози узилиб қолди... гапини давом эттиролмади. Юзини буриб, овоз чиқармай ўқиб-ўқиб йиғлай бошлади, Уолтхэм эса ҳаяжонини зўрға босиб, нима қиларини билмай, унга тикилганча қолди. Бечора аёл! Шунчалик самимий ва покизалиги кўринишидан ҳам билиниб турибди. Шу пайт бошқалар жимиб қолганидан фойдаланган ҳазрат Мак-Миллан сўз бошлади. Клайд мутлақо ўзгариб, бошқача одам бўлиб кетган. Илгариги ҳаёти тўғрисида у бир нарса деёлмайди-ю, аммо қамалганидан бери, ҳарқалай, кейинги бир йил ичида, у ҳаётни, яратган парвардигор ва одамлар олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини бошқача тушунишни ўрганди. Шу боисдан зораки, унинг ўлим ҳукмини умрбод қамоқ жазоси билан алмаштириб бўлса...

Губернатор виждонли ва сермулоҳаза одам бўлгани учун Мак-Милланнинг сўзларини ғоят эътибор билан тинглади, назарида, Мак-Миллан юксак ахлоқий орзу-тилақлар соҳиби бўлган ўткир қобилиятли шахсга ўхшаб кўринди унга. Бу одам айтган ҳар бир сўз чиндан ҳам ҳақиқатлигига у бир дақиқа ҳам шубҳа қилмади, бунақанги ҳаққонийликни эса аслида ҳамма ҳам тушуниб етавермас эди. Ниҳоят, губернатор:

– Лекин айтинг-чи, мистер Мак-Миллан, – деди зўрға, – сиз у билан турмада узоқ вақт мулоқотда бўлганингиздан сўнг, судда айтилмай қолгани ва у ёки бу гувоҳ сўзининг моҳиятини ўзгартириб юборадиган, ё рад этадиган бирор-бир аниқроқ далилни шахсан ўзингиз келтира олмайсизми? Тушунинглар, биз қонун билан муомала қиляпмиз, ахир. Мен, айниқса, икки хил суд шу бир қарорни яқдиллик билан қувватлаб турган пайтда, фақат

туйғу овозига қулоқ солибгина, ўз билгимча иш тутолмайман.

У Мак-Милланнинг кўзларига тик боқди, Мак-Миллан ҳам ранги оқарган, хомушланган кўйи унинг кўзларига тикилди, чунки оғир масаланинг ечилиши унинг зиммасида қолган эди, Клайдни айбдор ҳисоблашадими ёки йўқми, энди у айтадиган сўзга боғлиқ эди. Аммо у нима ҳам дейди? Клайднинг тавба-тазаррулари устида обдан бош қотириб чиққандан сўнг, парвардигор ва одамлар олдида Клайд чиндан ҳам гуноҳкор, деган қарорга келмаганмиди у, ахир? Энди фақат ачингани учун, наҳотки дил-дилидан ишонган мустаҳкам эътиқодини ўзгартириб ўтирса, ахир Клайдни қоралашга ҳам шу эътиқоди мажбур этган эди-ку? Хўш, бу – тангрининг назарида қанчалик тўғри, ҳаққоний ва рост бўлиб кўринаркин? Мак-Миллен ўша заҳотиёқ, ўзи Клайднинг маънавий устози бўлгани учун, шу обрўимда туриб, маънавий жиҳатдан ундан устунлигимча қолаверишим даркор, деб ўйлади. «Сиз ернинг тузидирсиз; агар туз ўз кучини йўқотса, қандай қилиб уни шўр қила оласиз?» Шундан сўнг у губернаторга:

– Мен маънавий устоз сифатида фақат унинг маънавий ҳаёти билангина қизиқдим, – дея жавоб берди, – адлиявий жиҳатларига эса қараганим йўқ.

Лекин юзидаги хиёлгина бир ўзгариш ўша зумдаёқ Уолтхэмга Мак-Миллан ҳам ҳамма қатори Клайднинг гуноҳкорлигига ишонишини сездириб қўйди. Ниҳоят, ўзини қўлга олган губернатор миссис Гриффитсга шундай деди:

– Ҳозирча менда аввалги икки суд ишининг қонунийлигига шубҳа келтирувчи мутлақо аниқ ва илгари маълум бўлмаган ҳеч қандай далиллар йўқлиги сабабли, миссис Гриффитс, ҳукми мен ҳеч бир йўл билан ўзгартира олмайман. Мен бундан чуқур

азиятдаман, юрак-юрагимдан азиятга ботмоқдаман. Аммо биз одамларнинг қонунни ҳурмат қилишларини истар эканмиз, ўша қонунларга асосланган қарорларни, агар бунга қонуний асосларимиз бўлмаса, асло ўзгартирмаслигимиз керак. Мен сизга бошқача жавоб беролганимда ўзимни бахтли ҳис этган бўлардим. Ишонинг, бу шунчаки қуруқ гаплар эмас. Сиз учун ва ўғлингиз учун дуои савоб ўқийман, албатта.

У тугмачани босди. Секретарь кирди. Бу, қабул тугаганини билдирарди. Миссис Грифитс эса ҳамон бир калима ҳам сўз айтолмай қотиб турарди; губернатор Мак-Милланга – Клайднинг айбдорлиги ёки айби йўқлиги масаласидаги, – энг муҳим саволни бериб турган нозик дақиқада ҳазратнинг галати бир журъатсизлик қилгани миссис Грифитсни тириклайин гўрга тиққандек бўлди. Энди нима қилади? Ўзини қаерга уради? Кимдан мадад излайди? Худодан – фақатгина худодан излаши мумкин. Бу дунёда кўрган азоблари, танасидан чиқиб кетган жони учун парзардигор уни ҳам, Клайдни ҳам ўз даргоҳида хушнуд этгай. Миссис Грифитс шу фикрлар миясини чулғаганча, ҳамон овоз чиқармай йиғлар эди; ҳазрат Мак-Миллан меҳрибонлик билан унинг қўлидан олди-ю, кабинетдан етаклаб чиқиб кетди.

Миссис Грифитс кўздан ғойиб бўлгач, губернатор секретарига юзланди:

– Умримда ҳали бунчалик оғир вазифани ҳеч қачон адо этмаган эдим. То ҳаётимнинг охири кунларигача сира эсдан чиқмайдиган иш бўлди бу.

У юзини бурди-да, деразага, қорли февраль манзараларига тикила бошлади.

Шундан кейин Клайднинг яшаши учун икки ҳафтагина вақт қолди. Бу сўнгги, тамомила қатъий қарорни ҳам унга тагин ўша Мак-Миллан ха-

барлади-ю, аммо бу гал ёнида онаси ҳам бор эди, онасининг юзига қараб турибоқ, ҳали Мак-Миллан гап бошламасдан, у ҳаммасини тушуниб етди, шунда онаси унга яна ўша: одамзотнинг халоскори бўлган тангридангина паноҳ излаши кераклигини такрорлади. Мана, у тор камерада у ёқдан бу ёққа юрмоқда, негаки энди тинчлик ва ҳаракатсизликка у асло чидолмас эди. Ҳозир, ўлимига саноқли кунлар қолгани аниқ ва узил-кесил ҳал бўлган бир пайтда, у ўзининг бутун омадсиз умрини яна бир бошдан эслаб чиққиси келиб қолди. Ёшлиги. Канзас-Сити. Чикаго, Ликург. Роберта ва Сондра. Шу икковлари билан боғлиқ воқеаларнинг бари унинг ақл уфқидан бир ондаёқ липиллаб ўтди-кетди. Ора-сира бўладиган, қисқа, тотли дақиқалар. Клайд шундай дақиқаларни узайтирмоқчи бўлди – ўшанда Ликургда, Сондра билан танишгандан сўнг бу хоҳиш уни бутунлай қамраб олган эди – кейин мана бу аҳвол юз берди, мана бу аҳвол! Энди шу ҳам ниҳоясига етяпти – шу ҳам... Ахир, Клайд аслида мундай бир тузукроқ яшай ҳам олмади-ку: икки йилдан бери турма чордеворлари орасида азобланиб ётибди. Лекин бу ерда ҳам унинг ўн тўрт, ўн уч, ўн икки, ўн бир, ўн, тўққиз, саккиз кунлик омонат, жонсарақ умри қолди, холос. Кунлари зувиллаб ўтиб кетяпти... ўтиб кетяпти... Аммо ҳаёт... ҳаёт-чи... ёруғ кунлар, қуёш ва ёмғир, турмуш ташвишлари, муҳаббат, ғайрат-шижоат, орзу-истаклар нафосатидан иборат бўлган мана шу ҳаёт наҳотки энди ниҳоясига етса? Йўқ, йўқ, у ўлишни истамайди. Итмайди. Худодан марҳамат тилаш ва фақат парвардигорни дилга жо этиш тўғрисида онаси ҳамда Мак-Миллан айтган қанча-қанча гапларнинг кимга кераги бор, энг муҳими ахир бугунги кун, ҳозирги сониянинг ўзи эмасми?! Мак-Миллан бўлса, фақат Исонинг оғу-

шида ва ўлгандан кейинги ҳаёт ҳақиқий ҳаётдир, деб уқтиради. Ҳа, ҳа... аммо шунга қарамай, наҳотки у губернаторга, Клайд айбдор эмас ёки айби унчалик оғир эмас, деб айтолмади... наҳотки айтолмади –шундай деганда-ю, ўша дақиқада унга бир қарар эди-да, эҳтимол, ўшанда... ўшанда... Клайдни қатл этишни у умрбод қамоқ жазосига алмаштириб юборармиди... эҳтимол... Клайд губернаторга ҳазрат Мак-Миллан нима деганини онасидан сўраганида, у Клайднинг худо олдида чин дилдан тавба қилганини айтиб, бироқ у айбдор эмас, демаганини (айни пайтда у ўз тавбаси тўғрисида индамаганини), сўзлаб берди. Шунда Клайд: қизиқ, менга бир яхшилик қилиб юборишга Мак-Миллан ўзини мажбурлай олмади-да, деб ўйлади. Афсус, афсус! Қанчалар даҳшат бу! Наҳотки, ҳеч бир ердан Клайдни ҳам тушунадиган, унинг инсоний эҳтиросларини – майли аҳмоқонами, майли ўта инсонийми, ўша эҳтиросларини баҳолай биладиган биронта одам топилмаса-я, худди шу туйғулар Клайд сингари ўзгаларни ҳам қийнаб келяпти-ку, ахир.

Лекин энг ёмони бошқа ёқда эди: ҳазрат Мак-Миллан губернатор Уолтхэмнинг охирги саволига жавоб бера туриб айтган нарсасини (тўғрироғи, айтолмаган нарсасини) кейинчалик миссис Грифитс сўраганда ҳам такрорлаган эди, шунда она бечора, балки Клайд нима бўлганда ҳам дарҳақиқат, ўзи гуноҳкор бўлса керак, даставвал ўзим ҳам шунисидан қўрқувдимку, деган фикрдан ларзага тушди. Шу боисдан у:

– Клайд, – дея сўз қотди, – агар бўйнингга олмаган бирор-бир гапинг бўлса, вақт борида тавба қилишинг керак.

– Мен парвардигор ва мистер Мак-Миллан олдида иқрор бўлганман, ойи. Шунинг ўзи, наҳотки, етарли бўлмаса?

– Йўқ, Клайд. Сен бутун дунёга жар солиб, гуноҳкор эмасман, дединг. Агар бу ёлгон бўлса, очигини айтишинг керак.

– Аммо виждоним менга: сен ҳақсан, деса, шунинг ўзи бас эмасми, ахир?

– Йўқ, Клайд, агар худо бошқача гапириб турса, бўлмайди, – дея жавоб берди миссис Грифитс ҳаяжонланиб, оғир руҳий азобдан унинг юраги баттар пораланиб бораётган эди.

Лекин Клайд бу гал гапни чўзиб ўтирмади. Ҳатто Мак-Миллан қаршисида тавба-тазарру қилганидан сўнг ҳам, у билан кейинги суҳбатлари пайтида ҳам ўзи учун ноаниқ бўлиб қолган кўпгина туйғу ва ҳодисаларнинг айрим қирралари хусусида, у ахир, қандай қилиб онаси ёки бутун жаҳон билан баҳслаша олади? Бу ҳақда ўйлаб ўтиришнинг ўзи ҳам бемаънилик эди.

Ўғли унга ишонч билдирмай қўйди! Миссис Грифитс бу зарбадан дин хизматкори сифатида ҳам, она сифатида ҳам баб-баравар қаттиқ азоб чекди. Ўз қорнидан тушган боласи ўлим остонасида, афтидан, Мак-Милланга айтган гапларини унга айтгиси келмади. Наҳотки, парвардигор миссис Грифитсни бир умр синовдан ўтказаверса? Лекин шунга қарамай, Мак-Миллан айтди-ку, унинг фикрича, Клайднинг илгариги гуноҳлари қанчалик оғирлигидан қатъи назар, у ҳозир тавба қилган ва худо олдида покиза бўлган, унда бу йигитча чиндан ҳам худо даргоҳига боришга тайёр, ахир; Мак-Милланнинг шу гапларини эслаганда, миссис Грифитс бир оз таскин топгандай бўлди. Худо буюк ва раҳмдил. Унинг оғушида оламни топиш мумкин. Қалби ва руҳи ҳамиша худо билан бирга бўлган инсон учун ўлим дегани, ҳаёт дегани нима бўпти? Ҳеч нарса! Яна орадан бир неча йил (атиғи бир неча йил!) ўтади-ю, миссис Гри-

фитс ҳам, Эйса ҳам, кейинроқ Клайднинг укаси ва сингиллари ҳам у билан бир маконда учрашадилар ва ер юзида у чеккан бутун мусибатлар унут бўлиб кетади. Кимки агар худо йўлини тарк этса, унга худонинг мадади, меҳри, муруввати ва раҳм-шафқати бўлмайди... Айрим дақиқаларда онасининг диний хуруши тутиб, бир оз ғалатиноқ бўлиб қолишини Клайд неча бора кўрган ва сезган эди. Бироқ айти пайтда у Клайднинг руҳий бардамлигини тилаб дуо ўқиган ва ташвишланган вақтларида ҳам, аслида Клайднинг ҳақиқий фикр ва интилишларини оз тушунишини кўрган эди. Ҳў бир вақтлар, Канзас-Ситида Клайд не-не нарсаларни ҳавас қилар эди-ю, аммо ҳеч вақоси йўқ эди. Ҳар бир нарса – ҳатто арзимаган нарса ҳам унга гоёта қимматли эди, бунинг устига, Клайдни бошқа болаларнинг кўзи ўнгида кўчаларда саргардон қилиб юришлари унга ниҳоят даражада оғир ботар эди, ваҳоланки, ўша болаларнинг кўпчилигида у етишолмай юрган нарсалар муҳайё эди... ўша пайтларда у жаҳаннамга десалар ҳам, жон-жон деб жўнарди-ю, аммо ишқилиб, уни анави кўчаларда судраб юриймаса бўлгани эди! Эҳ, бу онасига ажойиб бўлиб кўринган, Клайднинг эса юрагини тирмаловчи миссионерлик ҳаёти! Лекин, балки, у шундай деб нотўғри ўйлагандир? Шундай бўлиши ҳам мумкин-ку! Ҳойнаҳой, энди ундан худонинг қаҳри келаётганимикин бу? У ҳақда онаси ўйлаган фикр, эҳтимол, тўғридир. Агар унинг насиҳатларига қулоқ солганда-ю, у кўп нарсаларга эришиши ҳам аниқ эди. Бироқ шуниси ғалатики: онаси уни жонидан ҳам азиз кўриб, жигари куйиб, ўзидан кечиб, бор кучи билан унга ёрдамлашишга уриниб ётган бир пайтида, ҳатто Клайд дунёда фақат ҳамдардликка, ҳамдардлиги нимаси, чинакам ва ҳақиқий мададга муҳтож бўлган мана шу,

умрининг охирги дақиқаларида ҳам унга, ўзининг туққан онасига орада юз берган барча воқеаларни ишониб, бир бошдан гапириб беришни эса истамас эди. Уларни гўё ўзаро англашилмовчиликнинг баланд девори, мушкул бир ғови ажратиб тургандек эди – ҳамма гап мана шунда эди. Ўғли маиший дабдаба ва ҳашаматга, гўзалликка, муҳаббатга, – муҳаббат бўлганда ҳам ҳашам, ҳузур-ҳаловат, бойлик, эл-юрт орасида шон-шуҳрат қозониши билан чамбарчас боғланиб кетган муҳаббатга қанчалар интизор бўлганларини – унинг эҳтиросли, ўжар хоҳиш ва интилишларини онаси мутлақо тушуниб етолмаса керак. У буларни тушунолмайдди. У буларни бадфеъллик – гуноҳ ва худбинлик деб ҳисоблаган бўлар эди. Унинг Роберта ва Сондрага нисбатан машъум қилиқларини эса ахлоқсизлик, бузуқлик, ҳатто қотиллик деб баҳолаши аниқ эди. Энди у ўғлининг чуқур ва тўла-тўқис тавба қилишини астойдил кутяпти... Аслида, ҳатто ҳозир ҳам Клайд ҳазрат Мак-Милланга ва онасига айтган ҳамма гапларига қарамай, Клайднинг туйғулари бошқача бўлган-ку... Клайд худодан ва агар иложи бўлса, онасининг меҳридан ва ҳамма нарсани тушунувчи юрагидан бошпана топишни қанчалик ошиб-тошиб истамасин, бари бир бутунлай бошқача-ку... Агар қўлидан келса...

Оҳ, парвардигор, қанчалар даҳшатлики – шуларнинг бари! У ҳатто мана шу саноқли, кўз очиб юмгунча зумда ўтиб бораётган охирги кун ва соатларида ҳам (қанчалар тез ўтяптики вақт қурмагури ҳам...) бир ўзи ёлғизга ўхшайди, чунки онаси билан ҳазрат Мак-Миллан шу ерда-ю, бироқ на униси Клайдни тушунади, на буниси.

Энг асосийси (ҳаммадан ёмони ҳам шу эдики), у бу ерга қамалган, уни бир қадам ҳам жилдиришмайди. У бу жойдаги тартиб мудҳишлигини ва бир

умрга абадий ўрнатилиб қолганини аллақачон тушуниб етган эди. Темир тартиб. Бу тартиб худди машинадек одамларнинг ёрдамисиз ёки инсон юрагининг иштирокисиз бир маромда ишлайверар эди. Турма хизматчиларини айтмайсизми! Уларнинг – қонуннинг нуқта, вергулигача ўлардай содиқликларига, бўлар-бўлмас талмовсирашларига, носамимий меҳрибонликларига, майда-чуйда хизматга шай туришларига, маҳбусларни айлантиришга олиб чиқишларига ёки ҳаммомга бошлаб боришларига қараганда, улар ҳам темирдан эдилар... улар ҳам – бор-йўғи машина, автомат эдилар, улар сени қаергадир ниқтаб... шу деворлар орасида ушлаб турар эдилар... улар сенга бир хилда хизмат ҳам қилишлари мумкин эди, мабодо қаршилиқ кўрсатгудек бўлсанг, ўлдиришлари ҳам мумкин эди... аммо энг асосийси – улар анави жойга, анави кичик эшикка қараб... ниқтайверишади, ниқтайверишади, тўхтовсиз ниқташади – у ерда эса ҳеч кимга нажот йўқ... нажот йўқ... охири, ўша эшикка итариб юбормагунларича... олдинга... олдинга ниқтайверишади... қарабсанки, шу билан тамом бўласан! Тамом бўласан!

Клайд ҳар гал шуни ўйлаганида ўрнидан туриб кетар ва камерада у ёқдан-бу ёққа юра бошлар эди. Кейин одатда, тагин ўша мушкул муаммога: ўз гуноҳи масаласига қайтар эди. У Роберта тўғрисида, унга қилган ёмонлиги тўғрисида ўйлашга ҳаракат қилар, тавротни ўқир ва ҳатто темир каравотга муккасидан тушганча, тўхтовсиз равишда қуйидагиларни такрорлар эди: «Э, худо, дилимга хотиржамлик бер! Э, худо, ақлимни равшан қил! Э, худо мен банданга номуносиб бўлган шум фикрларни енгишимда ўзинг мададкор бўл! Биламан, виждоним у қадар пок эмас. Оҳ, йўқ! Биламан, ёмонликни ният қилдим. Ҳа, ҳа, мен буни биламан.

Бўйнимга оламан. Лекин, наҳотки, мен ростдан ҳам ўлишим лозим бўлса? Наҳотки, ҳеч бир ердан нажот йўли чиқмаса? Наҳотки, сен мададкор бўлмасанг, парвардигор? Наҳотки, онам айтганидек, ўз қудратингни намойиш этмасанг? Ўлим ҳукмини умрбод қамоқ жазосига айлантиришни, охирги дақиқаларда бўлса ҳам, губернаторга буюролмайсанми, ахир? Ҳазрат Мак-Милланга ўз фикрини ўзгартириб, губернаторга боришини буюролмайсанми? Онам борса ҳам ёмон бўлмас эди... Мен эсам бутун гуноҳли фикрларни хаёлимдан ҳайдайман. Бошқача одам бўламан. Ҳа, ҳа, ишқилиб, мени қутқарсанг бас, мутлақо бошқача одам бўламан. Ёшгина умримни хазон этма. Ишқилиб, ҳозир жонимни олма. Сенга сиғинаман, сиғинаман. Тушуниб етишим, ихлос қўйишим... ва сиғинишимга мададкор бўл. Мададкор бўл, парвардигор!»

Онаси билан ҳазрат Мак-Миллан губернатор ҳузуридаги ҳал қилувчи суҳбатдан қайтиб келишгандан сўнг, Клайд энди бу ёқда қолган даҳшатга тўла, саноқли кунларида шулар ҳақида ўйлар ва худога сиғинар, ҳаётининг охирги соатларида ҳам... яқинлашиб келаётган муқаррар ўлимни ҳамда аллақандай нариги дунё ҳаётини ўйлаб, қалбини ваҳм босар ва мана шу ваҳима онаси ҳамда ҳазрат Мак-Милланнинг эътиқоди-ю хавотирларига қўшилиб кетгач (ҳазрат ҳар куни Клайд ҳузурига қатнар, унга худонинг марҳамати тўғрисида гапириб, бутун вужуд билан берилиб парвардигорга сажда қилиш зарурлигини уқтирар эди), охири Клайдда шундай фикр туғилдики, у ўзи нафақат имон ва ишончга эришиши лозимлигини, балки унга аллақачоноқ етишгани ва айни пайтда тўла ва мустаҳкам бир руҳий осойишталикка ҳам эга бўлганини ҳис эта бошлади. Шундай ҳолатда, у онаси ва ҳазрат Мак-Милланнинг илтимосига би-

ноан жаҳонга ва айниқса, ўз тенгқурлари бўлган ёшларга қарата бир мактуб ёзди, дарвоқе, ҳазрат шу ернинг ўзидаёқ, унга беминнат кўмаклашиб, йўл-йўриқлар кўрсатди ва кўзи олдида, ўзининг розилиги билан айрим ибораларини тузатиб ҳам чиқди. Мактуб қуйидагича эди:

«Ажал Водийси кўланкасига қадам қўяр эканман, халоскорим ва ҳамишалик биродарим Исо Христга етишганлигимга мабодо салгина ҳам шубҳам бўлса, уни дилимдан нари ҳайдашга бор кучим билан ҳаракат қилгайман. Мен ҳозир шунга афсусланаманки, худо йўлида хизмат этишга барча имкониятларим бўла туриб, ўз умримни унга бағишлай олмадим.

Агар мен сўзимнинг таъсири ила ёшларнинг эътиборини худога қарата олганимда эди, менга инъом этилган энг олий мукофот – шу, деб ҳисоблар эдим. Аммо энди эса фақат шундай дея олишим мумкин: «Мен кимга инонганим ва эътиқод қўйганимни билгайман, чунки нариги дунёлигимнинг гарови унинг ихтиёридадир» (бу Мак-Миллан ўргатган хутбаларнинг бири эди).

Агар мамлакатимиз ёшлари Христ оғушидаги ҳаётнинг лаззати ва ҳузур-ҳаловатини англаганларида эди, унда улар чинакам ва ҳалол насронийлар бўлиб етишиш, Христос айтганидек, яшашга интилиш учун бор кучларини аямай сарфлар эдилар, бунга ишончим комилдир.

Худо даргоҳига киришим учун менга халал берадиган бирорта ҳам тўсиқ қолдирмадим. Биланман, гуноҳларим кечиб юборилган, чунки мен маънавий устозим билан виждонан ва очиқ муносабатда бўлдим ҳамда мен ҳақимдаги бутун ҳақиқат худонинг ўзига аёндир.

Мен ўз бурчимни адо этдим, голиб чиқдим.

Клайд Гриффитс

Клайд ушбу мактубни ёзиб, Мак-Милланга топширди-ю, ammo ўзи ҳайрон бўлиб қолди: бу ёзган фикрлари яқингинада уни қамраб олган исёнкор кайфиятига мутлақо ўхшамас эди. Мак-Миллан эса қувонганидан тантанавор бир тарзда хитоб қилди:

– Ҳа, Клайд, чинакам галаба қозонилди! «Охи-ратда мен билан бирга жаннатда бўлгайсан». Худо шуни сизга ваъда этди. Руҳингиз ва жисмингиз билан энди унинг ихтиёридасиз. Илоё унинг номига бир умр гард юқмасин!

У ўз зафаридан шу қадар безовта эдики, ҳатто Клайднинг қўлини кафтларига олиб ўпди, кейин уни бағрига босди.

– Ўғлим, ўғлим, менинг шодликларим сендурсан. Тангри ўз адолати ва халоскорлик қудратини айни сенда яққол намойиш этди. Мен буни кўриб турибман. Мен буни сезиб турибман. Сенинг жаҳонга қарата айтган мурожаатингда нақ парвардигорнинг чинакам овози янграгай!

Сўнгра у мактубни яшириб қўйди; уни фақат Клайднинг ўлимидан кейингина матбуотда босишга қарор қилишди. Лекин Клайд шу мактубни ёзганига ҳам қарамай, айрим дақиқаларда бари бир уни шубҳа-гумон эзар эди. Унинг халос бўлганлиги ростмикин ўзи? Шунчалик қисқа муддат ичида-я? Мактубида айтганидек, у шу қадар қатъият билан ва шак-шубҳасиз бир тарзда худога сажда қила олармикин? Шу тўғримикин? Ҳаёт – ўзи хўп ғалати тилсимот. Келажак-чи, фақат зулматдан иборат. Хўш, нариги дунёдаги умрнинг, худонинг борлиги ростмикин, онаси ва ҳазрат Мак-Миллан таъкидлаганларидек, у Клайдни ўз меҳр-шафқати билан қаршилаб олармикин? Шу тўғримикин?

Бу орада, унинг ўлимига икки кун қолганда, миссис Грифитс беқиёс даҳшат ва умидсизлик

тўлгоғи остида муҳтарам Дэвид Уолтхэмга тубандагича телеграммани жўнатди:

«Сиз Клайднинг айбдорлигига шубҳа қилмаслигингизни парвардигор олдида дадил айта оласизми? Илтимос, жавоб беринг. Акс ҳолда, унинг уволи сизнинг бошингизга тушади. Унинг о н а с и».

Бунга губернатор котиби Роберт Феслер қуйидагича телеграмма билан жавоб қайтарди:

«Губернатор Уолтхэм ўзини юқори суд қарорини бекор қилишга қодир эмас, деб ҳисоблайди».

Ниҳоят, охирги кун... охирги соат... Клайдни эски Ажал уйига олиб ўтишди, соқол олиб ва чўмилиб бўлганидан сўнг эса, унга қора шим, ёқасиз оқ кўйлак (кейин бўйнини ечиб қўйишлари керак эди), янги намат кавуш ва кулранг пайпоқ беришди. Шу кийимида унга яна бир марта онаси ва Мак-Миллан билан учрашишга рухсат этилган эди – улар қатл арафасидаги кечки соат олтидан то соат тўртгача – охирги саҳаргача Клайднинг ёнида қолиб, у билан худонинг шафқат ва марҳамати хусусида суҳбатлашиб ўтиришлари мумкин эди. Эрталаб соат тўртда турма нозири келди-ю, миссис Грифитс Клайдни Мак-Миллан ихтиёрига қолдириб, чиқиб кетиш пайти бўлганлигини айтди (бу қонун талаб қиладиган қайғули зарурат, дея тушунтирди у). Сўнгра Клайд онаси билан охирги марта видолашди; шу дақиқаларда у ора-сира овози ичига тушиб, юраги қаттиқ қисилиб бораётганини сезса ҳам, ҳарқалай, тили гапга зўр-базўр айланди:

– Ойи, мен итоаткорлик билан, хотиржам туриб ўлаётганимга ишонишингиз керак. Ўлимдан қўрқмайман. Арзу нолаларим худога етди. У руҳимга куч ва осойишталик бахш этди.

Аммо ичида у: «Наҳотки шундай?» – дея қўшиб ҳам қўйди?

Шунда миссис Грифитс бирдан оҳ урди:

– Ўғлим! Ўғлим! Биламан, биламан, мен бунга инонаман! Халоскорим тириклиги ва у сени ёлғиз ташламаслигини биламан. Ўлсак ўлаверамиз, аммо ҳаммамиз ҳам мангу яшагаймиз! – У азоб ўқидан яраланиб, самога тикилганча турар эди. Кейин тўсатдан Клайдга юзланди-ю, уни маҳкам қучоқлаб олди, анча вақтгача бағрига қаттиқ босиб турди ва: – Ўғилгинам... болагинам... – дея шивирлай бошлади.

Унинг овози тинди, нафаси етмай қолди... гўё бутун қуввати ўғлига ўтиб кетгандек туюлар эди, ниҳоят, миссис Грифитс ҳушини йўқотиб ағдарилиб тушмаслик учун шу ердан чиқиб кетиши лозимлигини сизди... Чайқалиб, шашт билан турма нозирига қаради, у миссис Грифитсни Мак-Милланнинг Оберндаги биродарлари ҳузурига элтиб қўйиш мақсадида кутиб турган эди.

Сўнгра, қиш эртаси қоронғилигида, охирги дақиқалар ҳам ўта бошлади: турма хизматчилари келиб, оёққа темир тахтакач ёпиштириш мумкин бўлсин учун Клайднинг ўнг почасидан андаккина тилиб қўйишди, кейин камералар олдидаги пардаларни тушириш учун кетишди.

– Афтидан, вақт етганга ўхшайди. Дадил бўл, ўғлим! – бу сўзларни турма назоратчиларининг келаётганини кўрган ҳазрат Мак-Миллан айтди; Клайд ҳузурарида энди у билан бирга ҳазрат Гилфорд ҳам бор эди.

Ана, Клайд каравотидан турди, у Мак-Миллан билан ёнма-ён туриб Иоанн инжилининг 14, 15 ва 16-сураларини тинглаётган эди: «Сизнинг руҳингиз йўлдан озмасин. Худога ишонинг ва менга ҳам ишонинг». Сўнгра – охирги йўл; ҳазрат Мак-Миллан Клайднинг ўнг қўли томонда, ҳазрат Гилфорд чап қўли томонда, турма назоратчилари эса – олдинда

ва орқада. Бироқ одатдаги сифинишлар ўрнига бу гал ҳазрат Мак-Миллан қуйидагиларни эълон қилди:

– Худонинг амрига бўйсунинг, вақти соати келганда у сизни ёрлақайди. Борки ташвишларингизни яратганга инонинг ва инчунин, сиз ҳақингизда куйиб-пишиб қайғурувчи фақат удир. Дилингизга осойишталик бир умр ҳамроҳ бўлмай. Қисқа муддатли изтиробларимиздан сўнг бизни ўз фарзанди Исо Христ орқали абадий шаън-шавкатга чорлаган парвардигорнинг йўли ҳамиша ойдин ва одил йўлдир. «Бу йўлим – ҳам ҳаққоний, ҳам ҳаётийдир. фақат мен орқалигина яратган худога етишгайсизлар».

Аммо Клайд орқасида электр курсиси кутиб турган ўша эшик томонга қараб бораётиб, Ажал уйи йўлагини кесиб ўтаётганида:

– Алвидо, Клайд! – деган овозлар эшитилди.

Шу аҳволда ҳам, ҳарқалай, Клайдда инсоний фаросат ва куч етарли даражада эди:

– Ҳаммангизга алвидо! – деди у ҳам.

Лекин овози шунақанги галати, секин, худди олисдан келгандай эшитилдики, ҳатто Клайднинг ўзига ҳам у эмас, ёнида бораётганлардан биронтаси қичқиргандек бўлиб туюлди. Оёқлари ҳам назарида, қандайдир беихтиёр равишда кўтарилиб тушаётганга ўхшар эди. Уни тўхтовсиз олдинга, олдинга, анави эшик томонга бошлаб боришар экан, у юмшоқ кавушларнинг таниш шип-шипини яна эшитмоқда эди. Ана, ўша эшик, рўпарасида турибди... ана, ланг очилди. Ана, ниҳоят, нуқул тушларида кўриб... ўлгудай қўрқиб юрган электр курсини ҳам кўрди... энди уни шу курсига боришга мажбур этишади. Уни ўша курсига... ўшанга... олдинга... олдинга ниқташади... шунинг учун ҳам уни анави очилган эшикдан ичкарига киргазишди-ю, яна шарт ёпиб олишди... ташқарида эса у мазасини кўриб улгуролган ёруғ дунё қолди-кетди.

Орадан чорак соат вақт ўтгач, ҳазрат Мак-Миллан ранги заҳиллашиб, руҳи эзилганча, дилтанг ва жисмонан чилпарчин бўлган одамдай зўрға оёқларини судраб турманинг совуқ дарвозаларидан чиқиб келди. Худди Мак-Милланнинг ўзига ўхшаш... қанчалар нурсиз, ғариб кўринар эди мана шу булутли қиш куни... У ўлди! У, яъни Клайд, бундан атиги бир неча дақиқагина олдин бутун вужуди қақшаб, аммо, ҳарқалай, нимагадир ишониб, ҳазратнинг ёнида бораётган эди, мана энди эса, у йўқ. Қонун! Мана шунақанги турмалар. Клайд сажда қилган жойларда энди яна бошқа кучли ва ёвуз одамлар таҳқирланиб ётишибди. Унинг тавба-тазаррулари-чи? Худонинг марҳамати ила оҳу фиғонларим қабул бўлди, деб у тўғри ўйлаганмикин, парвардигор унинг гуноҳини қай даражада кечирди экан? Чиндан ҳам шундай бўлдимикан? Клайднинг кўзлари! Унинг бошига темир қалпоқ кийгазишиб... электр қуввати қўйишганда... ҳазрат Мак-Милланнинг ўзи ҳам ҳушидан айрилиб, Клайднинг оёқлари остига ағдарилиб тушишига сал қолди... бутун аъзойи бадани қалтираб, қайт қилгиси келди... кимнингдир ёрдами билан бир амаллаб шу хонадан чиқиб кетди, ваҳоланки. Клайднинг ишонган тоғи ҳам мана шу ҳазрат бўлиб қолган эди. У худодан Клайдга сабр-бардош тилаган эди, сабр-бардош...

Ҳазрат Мак-Миллан ҳувиллаган кўча бўйлаб зўрға қадам ташлаб борар, аммо шу қиш мавсумида битта ҳам барги қолмаган, яйдоқ, мунғайган оғочларга суянганча ора-сира тўхтаб, нафасини ростлашига ҳам тўғри келар эди... Клайднинг кўзлари! Анави даҳшатли курсига ҳолсизгина чўккан пайтидаги унинг нигоҳи... олазарақ кўзлари, Мак-Милланнинг назарида, ҳам унга, ҳам атрофда

турганларнинг барига илтижоли ва таажжуб билан жавдирагандек бўлиб туюлди.

У ҳалол иш қилдими ўзи? Губернатор Уолт-хэм билан суҳбатлашаётган пайтида кўнглига келган фикри чиндан ҳам тўғри, адолатли ва раҳм-шафқатли эдими, ҳўш? Ўшанда, эҳтимол... эҳтимол... губернаторга, Клайд анави, ёт таъсирларга берилиб кетган эди, деб жавоб қайтаргани маъқул бўлармиди?.. Наҳотки, энди унинг дилини ҳамма вақт ўкинч кемириб юрса?

«Биламан, халоскорим тирик ва уни охиратда қутқариб қолгай».

Мак-Миллан миссис Грифитс ҳузурига боргунча, ўзини хиёл қўлга олиш мақсадида яна анча соат давомида шаҳар кезиб юрди. Клайднинг онаси эса Оберндаги «Халоскорлик Армияси»нинг арбоблари ва ҳазрат Фрэнсис Голтнинг рафиқасиникида эрталаб соат тўрт яримдан бошлаб тиз чўкиб, ўғлининг руҳи учун сажда қилар эди; у Клайд – яратган парвардигорнинг даргоҳидан паноҳ топганини сезиб қолиш умидида тинмай сиғинар эди.

«Кимга инонганимни биламан», деб сажда қилар эди у.

ХОТИРА

Ёз оқшоми, кеч кира бошлаган пайт.

Сан-Францискодаги савдо марказининг баланд бинолари ва тик кулранг деворлари ҳам кечки фирра-шираликка чўмган.

Ғала-ғовурли кундан сўнг энди деярли жимиб қолган Маркет-стритдан жанубга қараб кетувчи катта кўчада беш кишидан иборат бир гуруҳ боряпти: биринчиси олтамиш ёшлардаги пакана, семиз, безрайган юзли ва мурдаларники сингари сўник, нурсиз кўзли эркак киши – у ниҳоятда

ушоқ ва толиққан бир мўйсафид эди; қалин оппоқ сочлари доирасимон эски кигиз шляпаси остидан ёйилиб чиқиб ётибди; елкаси оша ўтказилган камар билан ихчамгина органчани бўйнига осиб олган, бунақа асбоблардан одатда кўча дуоғўйлари ва машшоқларигина фойдаланадилар. У билан бирга ундан атиги беш ёшлар чамаси кичикроқ, бўйи тикроқ, у қадар тўла бўлмаса ҳам, аммо зуваласи пишиққина, сочлари худди қордек оппоқ бир аёл боряпти, у бошдан-оёқ қора кийинган – қора кўйлак, қора шляпа, қора бошмоқда эди. Унинг кенг юзи эриникига қараганда маънодорроқ кўринар, бироқ мусибат ва азоб-уқубатларнинг зўридан буришиб кетган эди. Ёнида эса, қўлида таврот ва бир тўп оятнома китобларини кўтарганча, чиққан бўлса энди етти-саккизга чиққан, эпчилгина, йирик-йирик кўзли бир бола кетяпти, у унчалик яхши кийинмагану, лекин серҳаракат ва хушқад эди; кўринишидан бояги ёши улғайиб қолган аёлга у жуда ҳам ўрганганлиги билиниб турар ва нуқул унга яқинроқ бўлишга интилар эди. Уларнинг кетидан эса сал орқароқда йигирма етти ёшлар чамасидаги сўлгин, хунук бир аёл ва эллик ёшлардаги яна бири келмоқда эди, улар жуда ҳам ўхшаш эдилар, афтидан, она ва бола бўлсалар керак.

Кун иссиқ эди, аммо ҳавода тинч океан ёзининг ёқимли бир беҳоллиги сезилиб турар эди. Ҳали у томонга, ҳали бу томонга тинмай ўтаётган сон-саноксиз автомобиллар ҳамда трамвайларга тўла кенг ва гавжум Маркет-стрит кўчаси бурчагига етиб боришганда, улар чорраҳадаги полициячининг ишорасини кутиб, тўхтаб қолишди.

– Менга яқинроқ тур, Рассел, – деди кекса аёл.
– Қани, қўлингни бер-чи.

– Назаримда, бу ерда кўча ҳаракати кун сайин кучайиб бораётганга ўхшайди, – деди эри эшитилар-эшитилмас, маънисиз бир оҳангда.

Трамвай овозлари жаранг-журунг қилар, автомобиллар тариллаб, гувиллар эди. Лекин кичик гуруҳнинг булар билан мутлақо иши йўқ, фақат кўчани тезроқ кесиб ўтиш пайида эди.

– Саёқ дуогўйлар, – деди сал наридан ўтиб бораётган банк клерки ҳамроҳи – кассир қизга қараб.

– Ҳа, уларни мен шу ерда деярли ҳар чоршанбада учратаман.

– Аммо, менимча, шундай болани кўчама-кўча судраб юриш – одам қиладиган иш эмас. У бундай ишлар учун ҳаддан ташқари кичкиналик қилади, тўғрими, Элла?

– Менимча ҳам шундай. Масалан, менинг укам шундай нарсалар билан шуғулланишини истамаган бўлардим. Бола учун ҳаётми шу, ахир? – деб қувватлади Элла.

Бояги гуруҳ кўчани кесиб ўтиб, нариги чорраҳага етди-да, худди мақсадига эришгандай тўхтади; мўйсафид органчани ерга қўйди-ю, уни очиб, нота қўядиган ихчам бир курсича чиқарди. Хотини эса бу орада неварасининг қўлидан таврот ва бир тўп оятнома китобчаларини олиб, таврот билан битта китобчани эрига узатди, бирини нота курсичасига қўйди, яна бирини эса ўзида қолдириб, кейин бошқаларга ҳам битта-биттадан бўлиб берди. Эри паришонхотир тарзда, бироқ шунда ҳам қалбаки дадиллик билан у ёқ-бу ёққа кўз югуртирди-ю, эълон қилди:

– Бугун биз икки юз етмиш олтинчи: «Таянчимиз қанчалар мустаҳкамдур», деган сурадан бошлаймиз. Мисс Шуф, қани марҳамат.

Шундан сўнг аёллар ичдаги энг ёши, ниҳоятда озгин, қоқ суяк, тунд ва хунук хотин – тақдир унга сира кулиб боқмаган эди – сарғиш йиғма курсига ўтирди-да, бармоқларини клавиш узра ўйнатиб ва ноталарни варақлаб, бояги айтилган сурани чала бошлади; қолганларнинг бари унга жўр бўлишди.

Бу орада уй-уйларига қайтаётган турли хил касб ва мансабдаги одамлар шаҳарнинг бош кўчаси биқинида қулайгина ўрнашиб олган бу кичик гуруҳни кўриб, мужмал кайфиятда қадамларини секинлатишар, ўгирилиб қараб ўтишар ёки нима бўлаётганини билиш мақсадида тўхтаб ҳам қолишар эди. Анавилар ҳадеб хониш қилишар экан, кўчадаги хилма-хил, лоқайд оломон эса умумий ишончсизлик ва совуққонликка қарши баралла овоз билан дуо ўқиётган мана шу кўримсиз гуруҳнинг ғалати аҳволига қизиқсиниб, ажабсиниб тикилиб ўтар эди. Эскирган, шалвираган кўк костюмдаги анави сочи оппоқ, ғариб, ҳеч нарсага ярамайдиган чол бечорани қаранглар, нуроний сочли, бақувват, лекин бесўнақай ва толиққан анави аёл-чи; ранги қип-қизил, ўзи покиза, ҳали бузилмаган, норасида анави болакайни айтинглар... у бу ерда нима қилиб юрибди ўзи? Кейин анави кути ўчган ориқ қари қизни ва худди ўзига ўхшаш озгин, меровсиб турган онасини кўринглар... Йўловчилар, ўша гуруҳ орасидаги фақат оқ соч хотиндагина куч-қувват ва қатъият мавжудлигини ҳис этишар эди, шу куч-қувват ва қатъиятини у қанчалар кўр-кўрона, бенаф томонга сарфлаётганидан қатъи назар, ҳаётда у бахтга эришолмаса ҳам, ҳарқалай, ўз жонини сақлаб қолишга қурби етадиган аёллардан эди. Унда гарчи нодонликдан иборат бўлса-да, аммо ҳар ҳолда, кишида ҳурмат уйғота оладиган бир эътиқод борлиги бошқа шерикларига қараганда яққол кўзга ташланар эди. У оятномани осилган қўлида ушлаганча, олис бўшлиққа назар ташлаб қолган эди, шу ердан кетолмай турган кўпгина йўловчилар эса унга тикилиб, ҳар бири ўзича: «Ҳар қанча камчилигига ҳам қарамай, эътиқодига тўла амал қиладиган дуоғўй фақат шу бўлса керак, ҳойнаҳой», дея фикр юри-

та бошлашди. Ўзи мадҳ этаётган олий, қудратли ва зийрак илоҳий кучнинг донишмандлигига ва марҳамати кенглигига қатъий ҳамда мустаҳкам ишончи юзининг ҳар бир бичими-ю, ҳар бир ҳаракатида ҳам яққол муҳрланиб турар эди.

Сура хониши тугагандан сўнг, хотин узун бир дуони ўқиди; кейин эри панд-насиҳат қилиб ваъз айтди, қолганлар эса худо томонидан ҳар бирларининг пешоналарига ёзиб қўйилган ўз қисматлари тўғрисида гувоҳлик бериб ўтдилар. Сўнгра китобчалар йиғилиб, орган қопқоғи ёпилиб, уни эри тасмасидан елкасига осиб олгач, улар яна изларига қайтдилар.

– Ажойиб оқшом бўлди бу. Назаримда, халойиқ одатдагидан кўра анча эътиборлироқ туюлди чамамда, – деди эри.

– Ҳа-я, – гапни илиб кетди орган чалган аёл. – Ҳар ҳолда, ўн бир киши китобчаларимиздан олди. Бир кекса жентельмен эса, хонақоларингиз қаерда жойлашган ва ибодат маросимларингиз қайси кунларда бўлади, деб ҳам сўради мендан.

– Худога шукур! – дея якунлади мўйсафид.

– Мана, ниҳоят, хонақонинг ўзига ҳам етиб келишди – «Умид юлдузи. Тақводорлар хонақоси. Ибодат йиғинлари чоршанба ва шанба кунлари 8 дан кеч соат 10 гача давом этади; якшанба кунлари соат 11, 3 ва 8 да. Эшигимиз ҳамма учун очиқ». Шу лавҳа остида ҳар бир деразага: «Худо – бу меҳр-муҳаббатдир» деган бошқа лавҳа ёпиштириб қўйилган, тагин ҳам қуйироқда эса, майдароқ ҳарфлар билан битилган: «Сен онангга қанча вақтдан бери нома ёзмадинг?» деган лавҳа турибди.

– Бувижон, менга битта чақа беринг! Чопиб бориб ҳу муйилишдан музқаймоқ олиб келаман! – деб сўради болакай.

– Хўп, Рассел. Лекин тезда кел, эшитдингми?

– Ҳа, албатта, бувижон! Хавотир олманг!

– У, бувиси юбкасининг чуқур киссасидан чиқариб берган ўн центлик чақани олди-ю, музқаймоқчи томонга қараб югуриб кетди.

Унинг қадрли ўғли. Қариган чоғида кўзининг нури, қалбининг қувончи. У шу неварасига меҳрибон, мурувватли бўлиши, ҳадеб уни жеркиб, тергайвермаслиги керак, эҳтимол, у илгари ўз бола-сига... У чошиб кетаётган невараси орқасидан майингина ва хаёли бир оз паришонроқ бўлиб термулиб қолди. «Ўшанинг хотираси учун».

Кейин Расселдан бошқа кичик гуруҳнинг бари кўримсиз сарғиш дарвозадан кириб кетди-ю, кўздан ғойиб бўлди.

Адабий-бадиий нашр

ТЕОДОР ДРАЙЗЕР

АМЕРИКА ФОЖИАСИ

Иккинчи қисм

Муҳаррир

Маъмура ҚУТЛИЕВА

Бадий муҳаррир

Уйғун СОЛИҲОВ

Мусаҳҳиҳ

Мадина МАҲМУДОВА

Саҳифаловчи

Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир

Сурайё АҲМЕДОВА

Лицензия рақами: АИ № 252, 2014 йил 02.10.да берилган.

Босишга 2016 йил 25.03.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табағи 14,0 Шартли босма табағи 23,52

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 64.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87 факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru